ТОШТЕМИР ТУРДИЕВ

ДЕНОВ

КАСИДАСИ

Kitob quyidagi ko'rsatilgan muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar miqdori_____	

а

й

Ахлокий

ан



УДК: 94(575.151)
63.3(5Ў)6
Т88
Турдиев Тоштемир
"Денов қасидаси" / Т.Турдиев. – Тошкент: "Университет" нашриёти, 2012.
КБК 63.3(5Ў)6

Олим ва шоир, тарихчи ва адиб, тадқиқотчи ва тарғиботчи Тоштемир Турдиев яна бир хайрли ишга қўл урди. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари, машаққат ва меҳнатлари билан вужудга келган китоб шаҳар ҳақидаги макола, бадиа, публицистик чиқишлари, мутахассисларнинг Чаноннен тарихига оид тадқиқотлари натижалари, турли муаллифларнинг шу табаррук заминга бағишланган асарлари, иктидорли ижодкорларнинг шеърлари ҳам Деновга бағишланганлиги учун бу китобга киритишни лозим топдик. Табиийки, матбуотда олдин эълон қилинган маколалар қайта ишланиб, қисқартирилиб, янгидан таҳрир этилган тарзда берилган.

Китоб Ватанимиз тарихи ва маънавияти масалалари билан қизиқувчи барча ўқувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Э.В.Ртвеладзе академик, тарих фанлари доктори
С.Н.Турсунов тарих фанлари доктори
О.Мадаев филология фанлари номзоди
З.Исомутдинов филология фанлари номзоди
Б.А.Тургунов тарих фанлари номзоди.

ISBN 978-9943-305-61-8

ВАТАН ИЧРА ВАТАНДИР ДЕНОВ
(Сўзбоши ўрнида)

Мен Тоштемир акани узоқдан билиб юрардим, яъни телевизор экранида кўриб, газеталарда мақолаларини ўқиб, юртдош сифатида бироз фахрланиб ҳам қўйган пайтларим бўлган.

Шу муносабат билан яна бир ҳолатни таъкидламоқчиман: раҳбарлар орасида ҳам, ижодкорлар орасида ҳам шундай одамлар бўладики, уларни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким танимайди. Мен Олтинсой туманида туғилиб, вояга етганим учун бир ҳақиқатни дадил айтишга ваколатим бор: Олтинсой туманида истиқомат қилувчи юртдошларимизнинг ярмидан кўпи Тоштемир акани танийди. Ваҳоланки, Тоштемир ака Олтинсой туманида бир кун ҳам ишлаган эмас. Лекин телевизор экрани ва газета-журналлар, китоблари билан Олтинсойнинг аксарият хонадонларига кириб борган. Шу маънода Тоштемир акани вилоятнинг барча туманларида яхши билишади.

Очиғини айтганда, мен - олимман, мен–ёзувчиман, деб юрганлар кўп, жудаям кўп. Уларнинг аксарияти одамнинг эсида қолмайди, тўғрироғи, уларни одамнинг эслаб қолгиси келмайди. Аммо Тоштемир акани умрида бир марта ҳеч бўлмаса узоқдан кўрмаган одамлар ҳам жуда яхши билишади, телевизорга чиқсалар, ёнида ўтирган киши: «Бу одам Тоштемир Турдиев бўлади. «Алпомиш"нинг Сурхондарё вариантини биринчи бўлиб шу одам Хўшбоқ бахшидан ёзиб олиб чоп эттирган. Энди билдингизми! »- дейди.

Тоштемир Турдиев халқ ўртасида нега бунчалар машҳур, яъни таниқли? Биласиз, «Алпомиш» достонидаги воқеаларнинг ҳаммаси Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган. Аммо 2000-йилгача «Алпомиш»нинг Сурхондарёда қандай айтилишини халқ билмас эди. Устознинг қаттиқ меҳнати билан «Алпомиш» достонининг Сурхондарё варианти мухлислар қўлига бориб етди. Туғилиб ўсган юртига чексиз муҳаббат билан боғланиб қолган одам, юртнинг, миллатнинг асл фарзандигина ана шундай олижаноб ишларни амалга оширишга ўзларида қурб топади. Бу–ҳаммамиз ҳавас қилсак арзийдиган фазилатдир.

Демоқчиманки, халқ кимнинг қандайлигини жуда яхши билади. Эл-юрт олдида Тоштемир аканинг юзини ёруқ қилган сабаблардан биттаси устознинг ана шу фазилатидир, деган гапни бугун баралла айтиш учун барча асослар бор.

Қўлингиздаги «Денов қасидаси» номли китоби, иборали қилиб айтганда, юртга, Ватанга қўйилган ҳайкалдир. Бу китоб саҳифаларида Деновнинг бир неча минг йиллик тарихи намоён бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби ҳақидаги туркум мақолалар, масалан, менда катта таассурот қол-

дирди. Чунки ҳар бир маърифат аҳли айни пайтда маънавият тарғиботчисидир.

Тоштемир ака тадқиқотчи этнограф сифатида кўп йиллар давомида Сурхондарё халқининг оғзида юрган қўшиқларни битталаб, сатрма-сатр ёзиб олди ва уларни нашр эттирди. Ҳар бир ҳаракат вақт, куч ва маблағга боғлиқ ҳозирги шароитларда чидам билан халқ қўшиқларини тўплаш, аслида катта маънавий жасоратдир.

Икки оғиз сўз Денов ҳақида.

Денов – тарихи минг йилларни ўз ичига олган, қўшиқлар-у, достонларда куйланган, кураги ерга тегмаган алплари, гўзал маликалари билан тилга тушган қадимий гўша. У Сурхон воҳасида ўзининг ҳосилдор тупроғи, табиий маъданларга тўйинган суви, мўътадил иқлими билан ажралиб туради.

Денов тумани ҳудуди Сурхондарё ва Қизилсув дарёларидан сув ичади. Буюк аждодимиз Муҳаммад Ғиёсиддин, жаннат ариқлари, деганда шу дарёларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Бу ёруғ дунёдаги жаннатмакон диёрларни яратган Оллоҳ таоло, шу ўлкага муносиб фарзандларни ҳам ато этади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, унинг ўғлонлари жасоратларга қодир танти ва мард, бир сўзли йигитлардир.

Машҳур «Шоҳнома» асарига тамал тошини қўйган Дақиқий шу тупроқда яшаб ижод этган. Шайх Алоуддин Аттор Валий шу заминда абадий кўним топган. Денов кўрғони, Сайид оталиқ мадрасаси ҳамда қатор тарихий китоблар бу юрт тарихи ҳақида сўзлаб туради. Таниқли археолог олимлар академик Г.А.Пугаченкова, академик Э.Ртveладзе ва тарих фанлари номзоди Б.Турғуновлар бу ўлканинг ўтмишини ўрганиб, мавжуд қадимий манбаларга суянган ҳолда, Денов кўп минг йиллик тарихга эга эканини илмий исботлаб бердилар.

Денов қадимдан маърифат ва маънавият ўчоғи бўлган. У буюк аждодларимиз – Чағонийлар, Сағонийлар, Дақиқий-ю Фаррухийлар ватани, Чағониён, Холчаён, Будрач давлатлари маданиятига, тарихига, шаҳарсозлигига асос солинган юрт.

Деновни биладиган, унинг бозорларини кўрган ёки деновликлар билан ҳамкорлик қилган бирорта одамга бу жой ҳақида гап очсангиз, «О..о, Денов, бу Деновда», деб ҳайратини изҳор этади. Ҳозирда туман аҳолиси 309 минг 715 нафарни ташкил этади. Бу ерга келган одам яна келгиси, меҳмон бўлгиси келади.

Мустақиллик шарофати билан Денов тумани янада чирой очди, яшарди, навқирон паллага кирди. Бетакрор ўтмиши, бой тарихи, гўзал маданияти билан у Ватан ичра яна бир ватандир.

Баҳром Маматқулов,
Денов тумани ҳокими

МОЗИЙ МАНЗАРАЛАРИ

ДЕНОВНИНГ ЁШИНИ АНИҚЛАШГА ДОИР

Эдвард Ртвеладзе,
академик, тарих фанлари доктори

Денов шаҳри Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги ўтмишда Бактрия-Тохаристон деб аталмиш ҳудуддаги қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади.

Унинг заминида Сополли деган давр бронза асрига тўғри келади. Бу ердан аввалги икки минг йилликнинг ўртасига – 3–3,5 минг йил аввалги даврга дахлдор сопол буюмлар топилди.

Ўша даврга оид биринчи манзилгоҳ Қизилсув дарёсининг бўйида, яъни XVI-XVII асрларда қад кўтарган Денов калъаси ўрнида бўлган. Шу жойда XX асрнинг 60-йилларида таниқли олима Г.А.Пугаченкова томонидан сополлар йиғиндиси топилган ва уни илк ўрта асрларга оид деб, нотўғри талқин қилинган эди (1965 йилда чоп этилган «Холчаён» асарига каранг). Аслида эса бу сополлар милоддан аввалги икки минг йил аввалига бронза даврига мансуб эди. Кейинчалик, XX асрнинг 70-йилларидаги менинг кидирув ишларимда, Қизилсув ёнбағридан ўша даврга оид кабр қолдиқлари топилган бўлиб, унинг асосида биз Деновни Марказий Осиёдаги энг қадимий давлатлардан бири каторига киритдик (Менинг «Марказий Осиё цивилизацияси давлатлари, маданияти» деган китобимга каранг).

Л.Сверчков ва С.Страндлар томонидан бронза асрига ва илк темир даврига, яъни милоддан аввалги биринчи минг йилликка мансуб баъзи бир манзилгоҳлар Денов атрофидаги Қорахон деган ва бошқа жойлардан топилган.

Шу топилмалар асосида биз милоддан аввалги иккинчи ва биринчи минг йилликларда Денов шаҳарга айланиб, унинг ҳудудида ҳаёт гуркираб яшнаган ва унинг ўрни катта майдонни эгаллаган, деб айта оламиз.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда, яъни Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари Ахамонийлар подшолиги тасарруфида бўлган чоғида ҳам бу жойларда ҳаёт бир меъёрда яшнаб турган. Бунга мисол қилиб Денов атрофида биз учратган баъзи бир манзилгоҳларни кўрсатиш мумкин.

Грек-бактрия подшолиги, милоддан аввалги 2-3 асрларга келиб, Қизилсув дарёсининг ўнг қирғоғида, Деновнинг бўлажак калъаси жануброғида, бизгача етиб келган баланд тепалик ўрнида, ерли халқ ўртасида Калламинор, деб номланган жойда катта манзилгоҳ – шаҳар пайдо бўлади. Бу шаҳар милодимизнинг IV-V асрларигача яшаб келган. 10-12 метрли маданий қатлам буни тасдиқлайди.

Барча ашёвий далиллар шуни кўрсатадики, Калламинор Чағониён ҳудудидаги катта шаҳарлардан бири бўлиб, балки у марказий шаҳар – Далварзинга тобе бўлгандир.

Шу даврга келиб, Деновнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Холчаён ўрнида Кушон империяси ҳукмронлик қилган пайтда йирик шаҳар пайдо бўлди.

Илк ўрта асрлар (V-VIII а.)да Чағониённинг пойтахти Қизилсувнинг Сурхон дарёсига қўшиладиган жойга кўчиб, Будрачтепа ўрнида қад кўтаради. Олимларнинг тасдиқлашларига кўра, Будрачтепадаги шаҳар Чағониён, деб аталиб, вилоятнинг пойтахти ҳисобланган.

Денов атрофидаги сақланиб қолган тепаликлар, ўша йилларда шаҳарнинг у ер, бу ерида кўпгина манзилгоҳлар мавжуд эканлигини тасдиқлайди.

XIII аср бошларида Чағониён мўғул истилочилари томонидан вайрон қилинади ва кейинчалик Будрачдан шимолроқда, Ғишттепа ўрнида яна янги шаҳар тикланади.

Ёзма манбаларнинг хабар беришича, XVI аср бошларига келиб илк бор «Дех-и нав», яъни «Янги манзилгоҳ» ёки тўғрироқ айтганда, Денов номи пайдо бўлади. У ўз навбатида, аста-секин ўса бориб XVI – XVII асрларга келиб, янги шаҳар пайдо бўлади, оқибатда вайронага айлаган «эски» Чағониён шаҳар деган мавқеини тамомила йўқотди. Бу жой Денов деб аталиб, Сурхондарё вилоятининг йирик ва ўз ўрнига эга бўлган шаҳар сифатида гуркираб яшаб келмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги Денов шаҳри пайдо бўлганига уч ва ундан ҳам кўп минг йилликлар, яъни милоддан аввалги икки минг йилликнинг ўртасидан бугунги кунга қадар яшаб келаётганлиги археологик далиллар асосида тасдиқланмоқда.

Шу боисдан ҳам биз Деновнинг ёши 3-3,5 минг йиллик тарихга эга, деб ҳисоблаймиз.

2007 йил, март

ДЕНОВНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Баҳодир Турғунов,
тарих фанлари номзоди

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейида Термизда ўзларининг ташаббуслари билан бунёд этилган Археолигия музейидаги ноёб осори атикалар билан танища туриб, шундай деган эдилар: «Ватанимизнинг жанубий сархадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон вохасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз".

Ҳақиқатан ҳам, сиз агарда Тошкент–Термиз катта Ўзбекистон тракти бўйлаб кетатуриб, Дарбанддаги «Темир дарвозадан» ўтар экансиз, қадимий ёдгорликларга бой ва жаннатмакон Сурхон воҳасига шўнғиб кетасиз.

Бундан Шоҳжаҳон ўтди,
Искандар македон ўтди,
Қонҳўр Чингизхон ўтди,
Сен қолурсан, биз кетармиз.
Бибихоним, Темур ўтди,
Улуғбегу Бобур ўтди,
Шайбоний мағрур ўтди,

Сен қолурсан, биз кетармиз, деганидек не-не одамларни кўрмади бу ерлар. Дарҳақиқат, бу ўлкада мустақил юрт Ўзбекистон деган диёримизнинг 4-3 минг ёшга кирган энг қадимий шаҳарлари бўлган.

Бугун биз ана шундай шаҳарлардан бири, лекин унча қадимий бўлмаса-да, бугунга келиб биз топган унинг осори-атикалари 2300 йиллик даврни ўз ичига олганлиги исботини топиб турган Денов ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Сиз тошдан йўниб ишланган, ҳар бири камида 400-500 килограмм келадиган устун тагига ўрнатилган тагкурсиларни кўриб, булар қачон ва қандай қилиб шу ерда пайдо бўлиб қолибди экан, деб савол бериб кўрингчи.

Ҳа, тўғри, бирорта бир тарихий жойдан-да. Бу тарихий жой Холчаён ҳудудида жойлашган Денов бўлиб, уни ерли халқ Қорабоғтепа, деб атасада, унга неча йил бўлганлигини ҳеч ким билмайди.

Марҳума, таникли олима академик Галина Анатольевна Пугаченкова 1960 йили Ўзбекистон Санъатшунослик институти экспедициясини ташкил қилиб, илк бор шу қишлоққа келиб, Қорабоғтепадан чамаси 500 метр узоқликдаги Хонако тепалигида қазилма ишларини олиб бориб, лойдан ишланган ва ранглар билан қопланган 30 тадан зиёд ноёб ҳайкалларни топган эди. Каминага ҳам 1961 йили Тошкент Давлат университетини тамомлаб, биринчи шу домланинг ёнида туриб 3 йил ишлаб, ўша ҳайкалларни қазиш билан бирга, 4 гектар ерни эгаллаган Қорабоғтепа шаҳарчасининг дарвозаси ўрнини ва унинг мустаҳкам деворини ўрганиш ишларини олиб бориш насиб этган эди. Ўша кезларда тепалик атрофи пахтазор далалар, тутзорлар билан ўралган бўлиб, бирорта ҳам уй ёки томорқа йўқ эди. Мен икки йил бурун бу қишлоққа бир тепаликдан тангалар, иккинчи тепаликдан қимматбаҳо топилмалар учраётганлигини Далварзинтепада ишлаётиб эшитиб қолганимда, Қорабоғтепани танимай ҳам қолдим. Унинг деярли ярми йўқ ҳисобида. Чор атрофда уйлар, томорқалар пайдо бўлган. Лекин археологик қазилма ишларини олиб бориш жойи – унинг марказий қисми – арк ўрни сақланиб қолибди. Жанубий қисмида бизгача тупроқ олишга улгурилган бўлса-да, менинг таклифим билан туман ҳокими, муовинлари, прокурори ва маҳалла йиғини бошлиқларининг Қорабоғтепага келишганлиги туфайли, бу ишларга чек қўйилди. Денов ҳокимияти ҳомийлигида қазиш ишлари олиб борилди ва эътиборли натижаларга эришилди. Аввало 3 дона, кейинчалик эса, яна битта ўша каби тош тагкурсилар топилди. Уларнинг атрофида эса хом ғиштдан тикланган девор қолдиклари ва оз бўлса-да (одатда бинонинг айвон қисмида топилмалар кам учрайди) сопол буюм бўлаклари ҳам учрайди. Биз қазиб кўрган девор, чамаси айвонининг ўрни бўлиб, у орқали эни 1 м 36 см эшикдан асосий залга кириш мумкин.

Ҳозирча хулоса қилиб айтганда, шу каби улкан тошлар 2400-2300 йиллар аввал тайёрланган бўлиб, уларнинг чамаси 60-70 км олисдаги Бойсун тоғидан олиб келиш ҳаммага ҳам насиб этмаса керак. Шу боисдан биз уй эгаси бадавлат шаҳарликлардан бири бўлса керак, деб тахмин қилмоқдамиз. Маълумки, бу каби архитектура элементлари Рим ва Греция архитектурасига мансуб бўлиб, дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёдаги қадимий ҳашаматли бинолларда, хусусан ўзимизда ҳам – Хонако тепалигидаги подшо саройида, Далварзинтепа, Эски Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепа, Айритом буддавий ёдгорликларида ҳам кўплаб учрайди.

Денов тарихи чукур ўрганилиб, нафақат Холчаён сирлари очилса, балки туманда мавжуд бўлган ўнлаб сақланиб қолган тепаликларда ҳам бирваракайига қазиш ишлари олиб борилса, келажакда мамлакатимизда минг йилларни кўрган шаҳарлар сони янада кўпайишига шубҳа йўқ.

ЯПОН ОЛИМИ ҚАДИМИЙ ДЕНОВ ҲАҚИДА

Кюдзо Като,
Сока университети профессори, Япония

Баланд тоғлар, тўлиб-тошиб оқаётган дарёлар ва серҳосил ерларга бой, Оллоҳ томонидан яратилган Сурхон ерига илк бор 1988 йилда келган эдим.

Ўша йили дўстим Баҳодир Турғунов ва мен Токионинг Сока университетида ишлаётган чоғимда иккиёклама шартнома тузиб, Буюк ипак йўлини ўрганиш бўйича асосий объект қилиб Далварзинтепани танлаган эдик. Иш бошлаш билан бирга, Турғунов билан биргаликда Далварзинтепада икки қаватли бинони тиклаб, унга "Катонинг уйи", деб ном бердик ҳам.

6 йиллик (1989-1994 йиллар) шартнома асосида иш олиб бораётган чоғида гавжум Денов бозорини, унинг ёдгорликлари Саид Оталик мадрасасини, Денов қалъасини, халқ ҳунармандларининг ижодлари билан танишгани Денов шаҳрига тез-тез келиб турдик.

Шу йиллари Турғуновнинг ташаббуси билан Холчаён қишлоғига бориб, у ердаги бир неча тепаликларни кўриш ҳам насиб этган эди. Унга қадар профессор Галина Анотольевна Пугаченкованинг Холчаёндаги ишлари, у ҳақидаги ёзган китоблари билан танишиб чиққан эдим.

Бу сафар келганимда ажойиб ҳайкаллар топилган Хонакатепа ўрнини танимай қолдим, чунки у тепалик томомила йўқ бўлиб кетибди.

Бу ажойиб ёдгорликни сайёҳлар келиб кўришлари учун сақлаб қолишганда яхши бўларди деб, жуда ачиндим. 1998 йилдан бери, мана 10 йилдирки, мен эски Термиз ичидаги Қоратепа ёдгорлигида ишламоқдаман. Шу йиллар ичида мен япон сайёҳларини Деновга тез-тез олиб келиб турдим.

Дўстим Турғунов туфайли мана шу йили, якинда, яна бир бор Холчаёнга келиш насиб этди. Бу сафар ҳам менга салкам 4 гектар ерни эгаллаган қадимий шаҳар ўрни Қорабоғтепанинг ярми ҳам қолмаганини кўриб ҳайрон қолдим. Бу тепалик бузилаётганлигининг гувоҳи ҳам бўлдим.

Шундай бўлса ҳам, бир неча кун мобайнида у ерда қазилма ишларини олиб бордим ва ажойиб топилдикларга дуч келдим. Мени бир нарса жуда хурсанд қилди. У ҳам бўлса ерли халқнинг бизга бўлган самимий муносабатлари, болакайларнинг сапол синикларини олиб келганликлари, уй бекаларининг ўзлари тайёрлаган мазали таомлари билан мени ва менинг учта япон дўстларимни меҳмон қилганликларини кўриб тасаннолар айтган эдик.

Топилмаларим ичидан мен бир сапол парчасини, унда уч бурчак, чўққа кирра ҳолатдаги калпоғи билан ўтирган ҳолда Кушон подшоҳининг тасвирини ва унинг икки томонида эгик турган, юнонликлар либосида тасвирланган иккита аёлнинг қиёфаларини, урчуқ боши, нафис сопол идиш-товоқ бўлакларини, мис тангаларини санаб ўтмоқчиман.

Мен келгунга қадар дўстим Турғунов ўтган йили Денов ҳокимлигининг ҳомийлигида бироз қазилма ишларини олиб бориб, бир-биридан ажойиб, оғирлиги 400-500 кг келадиган тошдан ўйиб ишланган, Рим ва юнон архитектура обидаларида учрайдиган тагкурсиларни топиб, қазиб қўйган экан. Улар ҳам қазилган бўйича ўз жойида турибди.

Худди шунга ўхшаш 10 тадан зиёд тагкурсилар Қорабоғтепадан 500 метрларча узокликда жойлашган Холчаёндаги Хонақо тепалигидан ҳам топилиб, улар 41-ўрта мактаб музейида жойлаштирилган экан. Ундай тошлар Термиздаги Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа деган буддавий ёдгорликларда ҳам кўп учрайди. Мен Афғонистоннинг Сурх-хўтал, Хадда ёдгорликларида ҳам кўрган эдим. Улар милоддан аввалги I-III асрларга мансубдир. Мен кейинги йилларда Ўзбекистонда бир неча шаҳарлар – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Марғилоннинг ёшлари аниқланиб, юбилейлар ўтказилганлигини яхши биламан.

2003 йил эса Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйида шахсан қатнашиб, Ўзбекистон Президенти билан ёнма-ён туриб, якиндан танишиб ҳам олдим.

Бу сафар Деновга келиб, оз бўлса ҳам қазилма ишларига ўз ҳиссамни қўшиб, Денов ҳам ўзининг минг йиллик тўйини ўтказишга арзигулик шаҳар-ку, деб ўйланиб қолдим. Унинг 2300 йиллик осори атикалари борлиги шубҳасиз.

Бу ҳақда Денов туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев билан учрашиб, суҳбатимиз чоғида гаплашиб олдик ва мен ҳам бу ишларга ўз ёрдамимни бераҳагимни изҳор қилдим. Мен жуда суюндим, якинда 86 баҳорни қаршилаган бўлсам-да, бу ишларга ўз улушимни қўшишга бел боғлаб, ўша тўйда қатнашиш насиб этсин, деб Яратгандан тилаб қоламан.

Мен барча Сурхон аҳлига, деновликларга «Катта раҳмат!», ҳеч чарчаманглар, деб қоламан.



ДЕНОВНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ

Одамзот борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди*.
И. А. Каримов

Денов қадимий тарихга эга. Унинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида ўз ўрни алоҳида бўлиб, у илк шаҳар маданиятининг шаклланишида, давлатчилигимиз асослари пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Инсониятнинг илк маданияти: чорвачилик, деҳкончилик, ҳунармандчилик ривожланиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга асосланиб, Денов тарихи қадимий эканлиги тўла тасдиқланган.

Денов тарихи қадимги Бақтрия, Кушон, Эфталит, Турк хоқонлиги, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Хоразмийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Бухоро амирлиги билан бевосита боғлиқ эканлиги манбалар асосида аниқланди. Жумладан, илк давлатчилик асослари шаклланган Бақтрия давлати тарихи билан боғлиқ жиҳатлари археолог, манбашунос олимлар томонидан ҳар томонлама асослаб берилди. Бақтрия – Ўрта Осиё халқларининг моддий ҳамда маънавий ҳаётида муҳим ўрнига эга бўлган ҳудуд. Унинг сарҳадлари ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларига тўғри келади. Қадимги Денов ҳам Бақтрия давлати билан боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланиб борди. Бақтрия давлати ҳақида кўплаб тарихий манбаларда қимматли маълумотлар борлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Машҳур қадимги юнон олими Геродотнинг «Тарих» номли асарида Саконiён тўғрисида аниқ маълумотлар берилган. «Кир массегетларни бўйсундиришни кўзларди. Массагетлар кўпчиликни ташкил этувчи ботир, кўркмас, довюрак қабила эди. Улар шарқда, қуёш чиқиш йўналиши томон, Аракс (Амударё) дарёсининг нариги қирғоғида исседонларнинг қарама-қаршисида яшарди. Массагетларни скифлар, деб ҳам аташарди».

Ҳозирги Денов ҳудуди қадимги даврларда Бақтрия давлатининг таркибига кириб, йирик иқтисодий-маданий марказ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун унинг тарихи Бақтрия давлатининг ташкил топиши ва шаклланишига оид тарихий манбаларда ўз аксини топган.

* Каримов И.А. «Келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз». 7-том. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 132-бет.

Европа тарихчилари ўртасида Бақтрияда давлатчилик тарихи бўйича мунозаралар олиб борилган. XIX аср сўнгтида В.Гейгер, Э.Райш, Т.Нольдеке. XX аср бошида Ж.Прашеклар Бақтрия тарихи билан шуғулланиб, ушбу ҳудудда Аҳамонийлар империясига қадар ҳам қандайдир сиёсий бирлашмалар бўлганлиги тўғрисида ёзганлар. Улар бунда асосан антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларига таянганлар.

Кўҳна Сурхон воҳаси қадим Бақтрия давлати таркибидаги вилоятлар сирасига кириши эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга тўғри келади. Кейинги асрларда қадим Бақтрия сарҳадларида янги давлатлар барпо бўлади ва Бақтрия шу янги давлатларнинг таркибий қисмларига айлана бошлайди. Булар: Аҳамонийлар (эрамиздан аввалги VII-VI аср)лар, Искандар Зулқарнайн империяси(э.а. IV асрлар), Селевкий (э.а. IV-III аср)лар ҳокимияти, Юнон-Бақтрия (э.а. III-II асрлар) давлати, Саклар (э.а. II аср) бирлашмалари, Парфия давлати (э.а. I аср), Юечже қабила(э.а. I ва эрамизнинг I аср)лари, Кушон салтанати (э. I-III асрлар), Эрон сосонийлар (III-IV аср)лари шаҳаншоҳлиги.

Чағониённинг географик жойлашуви, унинг тарихий жиҳатдан қадимий эканлиги, ушбу мизилгоҳда энг қадимги одамларнинг излари мезолит ва неолит даври билан боғлиқлиги, Чағониён тош даврининг неолит даври намуналари билан боғлиқ тош ва бронза манбаларда акс этганлиги қадимшунос олимлар томонидан асослаб берилган. Қадимги тарихшунос Ктесей Книдский асарларида (улар бизгача тарихчи Фотийнинг асарларига илова тарзида етиб келган) Чағониён ҳудудининг Бақтрия давлати билан боғлиқлиги қайд этилган. Тарихчи «Бақтрия кучли ва қудратли мамлакат, VIII асрдаёқ мустақил давлат бўлган», деб таърифлайди.

Шунингдек, милоддан аввалги V-III минг йилликларда одамлар тош қуролларни ясашда янги усуллар – силлиқлаш, пармалаш, арралаш усулларини ихтиро этдилар. Фанда неолит деб номланган янги тош даврида тошдан болта, пона, искана, тешалар ясалган. Силлиқлаб, тиғлаб чиқарилган болталардан дарахт кесиш, чайла қуриш, ҳайвон гўштларини нимталаш ва жанговар қуроллар сифатида фойдаланишган.

Чағониён моддий маданияти тарихини ўрганишда жез(бронза) даврига оид манбалар ҳам муҳим ўрин тутади. Агар жез даврига мансуб Ўзбекистон ҳудудида 3 та асосий деҳкончилик воҳаси аниқланган бўлса, уларнинг учаласи ҳам (Шеробод, Шўрчи, Бандихон) Сурхондарё вилояти ҳудудига тўғри келади. Чағониённинг жез даврига мансуб Миршоди, Муллали каби уруғ жамоаларининг турар жойлари–қишлоқ қўрғонлари, илк шаҳарлар ва қабрлар топилган. Деҳқонлар воҳаларда буғдой, арпа, сули, пахта етиштирганлар. Бундан дарак берувчи дон, омборхоналар, ёр-

ғичлар, кетмончалар, хавонча дасталари топилган. Чағониёнда кулолчилик чархидан кенг фойдаланилган.

Тарихчи Диодор ўз асарида Оссурия шоҳи Нинонинг Бақтрияга қарши жанги тафсилотларини ёзиб қолдирган. Асар бошида Нинонинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда, Нин Бақтрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг кўп сонли эканлигини ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг кўплигини билган. Шунга қарамай, у кўп сонли қўшин йиғиб, юриш бошлайди, аммо биринчи жангда Бақтрия шоҳи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бақтрия билан бўладиган янги жангга тайёрланади.

Чағониённинг Бақтрия билан бевосита боғлик эканлиги, аҳолисининг турмуш тарзи, хунармандчилиги ва санъати ҳақида маълумотлар берилган.

Жойилма қишлоғида топилган, милоддан аввалги XVII-XV асрлар (жез даври)га оид сополдан тайёрланган илон тасвири туширилган мухрнинг Чағониён тарихини ўрганишда аҳамияти мухимдир. Демак, Чағониёнда ҳам, худди Жарқўтондаги сингари, илк давлатчилик маданияти шаклланган. Маълумки, милоддан аввалги IX-VI асрларда Чағониён ҳудуди, Ўзбекистоннинг бошқа ерлари (Хоразм, Суғд, Чоч, Фарғона) каби, темир даври ёдгорликлари билан тавсифланади. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти – темирдан хўжалик қуроллари ва қурол-яроғлар ясашнинг кенг ёйилишидир. Темир рудасининг мис ва қалайга нисбатан кўп учрашги ва темирнинг мустаҳкамлиги, ундан ясалган асбобларни кенг тарқалишига олиб келди. Миршодидан топилган, милоддан аввалги IX-VI асрларга оид тош ва темирдан ясалган ўроклар, тош кели, қайроқтош, ёргучоқтош, палахмонтош, темир қилич, темирдан ясалган найза учлари, Чағониённинг юксак хунармандчилик ва деҳқончилик маданияти намуналари бўлиб ҳисобланади. Айникса, илк тўқимачилик саноати намунаси бўлмиш, жун матога ишлов бериш учун суякдан ясалган механат қуроли, суякдан ясалган бигизлар Чағониён моддий маднияти юксак ривожланганидан далолат беради.

Чағониён тарихи билан боғлиқ Бақтрия ҳақидаги маълумотларни грек ва рим тарихчилари асарларида кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, Геродот ўз асарларида ҳам Бақтриянинг Қадимги Шаркда ўз ўрни бўлганлигини таъкидлаган. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар – Вавилония ва Миср каторида Бақтрия ва Саклар ҳудудлари ҳам санаб ўтилади. Бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган. У бақтрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошқа халқларга ўрнак бўлганлигини айтиб, арийлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва

ладиклар қуролларни бақтрияликларга ўхшатиб ясаганликларини мисол қилиб кўрсатади.

Йирик шарқшунос олим В.В.Бартольд рус тарихчилари орасида биринчи бўлиб, Бақтрияда Ахамонийлар империясига қадар ҳам давлатчилик бўлганлигини айтиб, Ктесей Книдский маълумотлари асосан ўша вақтда битилган Ўрта Осиё эпик анъаналарига асосланиб ёзилган, деган хулосага келган. Таникли тарихчи олим С.П.Толстов Диодорнинг Бақтрия шаҳарлари, хусусан Бақтр шаҳри тўғрисидаги маълумотлари, яъни шаҳарнинг арки, қалъа деворларининг шаҳарни ўраб турганлиги ҳақидаги маълумотлар асосида Ахамонийлар империясига қадар ҳам Бақтрияда давлатчилик бўлганлигини эътироф этади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардаги деярли барча илмий тадқиқотларда Ахамонийлар босқинига қадар Қадимги Бақтрияда давлатчилик бўлганлиги, ушбу ҳудудга ҳозирги Денов ҳам кирганлиги археолог олимларнинг тадқиқотларида алоҳида қайд этилган. Француз археологи А.Фуше Бақтр шаҳрида археологик тадқиқотлар олиб бориб, шаҳарнинг қадимги маданий қатламларини топа олмайди ва «Бақтрия уйдирма, унинг ҳеч қандай қадимий тарихи йўқ. Бу ерга маданиятни, давлатчиликни Ахамонийлар олиб келган» деган ғоя билан чиқди. Аммо бу нотўғри фикр эди. Тарихчи Е.Е.Кузьмина Бақтрия ҳудудида бронза даврига оид Сополли, Даштли, сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Кучуктепа, Тиллатепа, Қизилтепа, Қадимги Бақтрияда очилган маданиятлар асосида «Бақтрия уйдирма эмас, тарихий ҳақиқатдир», деган хулосага келди.

Эрамиздан аввалги X-IX асрдан бошлаб қадимги Бақтрия маданияти шаклланган ва у Ахамонийлар империясига қадар 300 йил давомида мустақил ривожланган. Бу Шимолий Бақтриянинг Қизилтепа, Жанубий Бақтриянинг Тиллатепа ёдгорликлари орқали аникланган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кучук II даври моддий маданияти жез даврида фақат Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларидагина қадимги деҳқончилик маданиятлари таркалганлигини кўрсатади.

Қизилтепа Шимолий Бақтрия ёдгорликлари орасида шу давр моддий маданияти энг узоқ давом этган ёдгорлик бўлиб, Э.В. Ртвеладзенинг ёзишича, ундаги ашёлар учта қурилиш даври давомида кузатилган.

«Авесто»нинг энг қадимги Гат қисмларида аҳолининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан, деҳқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суғорма деҳқончиликнинг бўлганлигини тасдикловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган. Деҳқончилик билан боғлик бўлган курол-аслаҳалар ҳам «Авесто» муаллифи эътиборидан четда қолмаган.

Энг ривожланган меҳнат тури бўлган ҳунармандчилик тўғрисидаги маълумотларни «Авесто»дан ўз вақтида В. Гейгер топа олмаган эди. Шундан сўнг Е.Е.Кузьмина Видевдатдан сопол пиширилади ган ҳумдонлар тўғрисида маълумотни топган. «Авесто»да кулолчилик чархи тўғрисидаги маълумотлар учрамайди ва кўплаб тадқиқотчилар «Авесто» жамоаси кулолчилик чархини билмаган ёки ундан фойдаланмаган, деб ҳисоблайдилар.

«Авесто»да ҳунармандчиликнинг яна бир тури – темирчиликнинг ва умуман темирнинг кашф этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмасада, «Кичик Авесто»даги «ayah» сўзини В.Гейгер «темир» деб ўқиган бўлса, А.Бартоломэ эса уни «металл» деб таржима килган. Ҳар икки шаркшунос олимнинг «Авесто» тилини билганлигига шубҳа килмаган ҳолда, айтишимиз мумкинки, А.С.Сагдуллаев археологик жиҳатдан Яз I даври Ўрта Осиёда бронза давридан илк темир даврига ўтиш даври, деб ҳисоблайди.

Бақтриянинг бронза даврига оид Чағониён ҳудудларида деҳкончилик маданиятларининг аввалида майитни уйларнинг поллари, деворлари ва йўллар тагига кўмиш урф бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб эса алоҳида қабристонлар ташкил этилади. Майит билан бирга кулолчилик ашёлари, тақинчоқлар, меҳнат куроллари, гўштли ва донли маҳсулотларни қўшиб кўмиш одат бўлган.

Бақтриянинг илк темир даври ёдгорликлари Чағониён ҳудудида сўнгги 50 йил мобайнида ўрганилиб келинмоқда. Аммо, шу даврда қабристонларнинг учрамаслиги, бу ҳудудларда зардуштийлик урфи бўйича дафн этиш маросимлари ёйилганлиги ҳақида ўйлашга асос бўлади. Бронза асрида энг кенг тарқалган майитни ерга лаҳад қазиб кўмиш одати энди учрамайди. Археологлар томонидан Шимолий Бақтриянинг Миршоди воҳасининг Қизилча манзилгоҳида ва Қизилтепа қазишмалари ёдгорликларида ва ёдгорлик атрофларида сочилган одам суякларини топишган. Бу ҳолатни кузатган А.С.Сагдуллаев Страбоннинг «Бақтрия атрофлари одам суяклари билан тўла эди. Македониялик Александр бу маросимга барҳам берди» деган хабарини тарихий ҳақиқат, деб қабул қилишни таклиф этади. Ҳақиқатдан ҳам, Яз I даврига келиб, Бақтрия ҳудудларида қабрларнинг учрамаслиги, ёдгорликлар ва ёдгорлик атрофларида одам суякларининг сочилиб кетганлиги зардуштийлик ёки зардуштийлик урф-одатларига яқин бўлган дафн маросимининг таркалганлигини кўрсатади.

Қиш даврида, ёмғир ва қорли кунларда мурдага қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам «Авесто»дан айрим маълумотларни топишимиз мумкин. Ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда майитлар учун алоҳида хона – «ката» қурилганлиги маълум. Қурилган хонанинг кўлами одам тик

турганда боши шипга, ётганда эса кўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган. Шу ерда мурда маълум вақт, токи «қушлар учиб келгунча ва кунлар исигунча» сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазишмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суякларининг бўлаклари топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, калин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч кандай археологик топилма, шунингдек иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган. А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган. У бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъанасининг сақланиши, деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, бу ерда археология ва «Авесто» маълумотлари уйғунлашган, яъни «Авесто»да таърифланган «ката» ўрганилган.

Марказий майдони 22 гектардан иборат бўлган Қизилтепа ёдгорлигида қадимги Бақтрия маданияти давридан бошлаб, у икки қисмдан, яъни арк ва шаҳардан иборат бўлган. Ўз даврининг энг ривожланган фортификация элементлари бу ёдгорликда намоёндир. Қизилтепа атрофида кичик ёдгор-ликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган.

Қадимги Бақтрия подшолиги даврида ҳарбий ишлар соҳасида фортификация илми ривожига алоҳида эътибор берилади. Энг оддий планировкага эга бўлган кўрғонлар ҳам ўзига хос фортификацияга – мудофаа иншоотига эга бўлган (Қизилча VI, Қизилча I). Бу даврга келиб баланд платформа устига уй қурилишига барҳам берилган бўлсада, қурилган шундай иншоотлардан фойдаланиб келинади ва улар ҳам қўшимча мудофаа деворлари билан ўралади.

Чағониён шаҳарларининг арк ва шаҳар қисми ҳам мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги ва айни вақтда Қизилтепада чуқур ва кенг хандақларнинг ҳам қазилганлиги аникланди. Шаҳарларнинг қалинлиги 5 метргача бўлган мудофаа деворлари пойдеворлар устига қурилган. Мудофаа деворларига буржлар ўрнатилиб, шаҳарларнинг мудофаа кудрати янада оширилган. Деворлар ҳам, буржлар ҳам шинаклар билан таъминланган. Ўрта Осиё археологиясида мудофаа деворларига буржлар ўрнатиш жез давридан маълум бўлса-да, уларга шинаклар қўйиш илк маротаба қадимги Бақтрия маданияти даврида кашф этилганлиги шу даврда мудофаа ишларига алоҳида эътибор берилганлигига яна бир бор ишорадир.

Қадимги Бақтрия ҳудудида археологлар томонидан ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб камомлилар даври ёдгорликлари ўрганилиб келинмоқда. Дастлаб Жанубий Тожикистон ҳудудидаги Қалаи Мир, Болдайтепа ёдгорликлари ўрганилиб, шу тадқиқотлар асосида М.М. Дьяконов Бақтрияда илк синфий муносабатлар ва давлатчилик бўйича дастлабки

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI
DENOV FILIALI ARXIV
№ 628

фикрларни айтди. Сурхон воҳасида эса 1960 йиллардан бошлаб Ахамонийлар даври ёдгорликлари аникланиб ўрганила бошланди. Ҳозирги кунда эса фақат Денов туманида шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар аникланган бўлиб, уларнинг айримлари тўлиқ очиб ўрганилди.

Ахамонийлар даври ёдгорликларининг сони ортиб боришн билан тадқиқотчилар уларни суғорилиш шохобчаларига караб районлаштириш масаласини ҳам ечишга киришганлар. Э.В.Ртвеладзе шу давр ёдгорликларини Миршоди ва Вахшиворга бўлган.

Ахамонийлар даврида давлат бошкаруви такомилланган усулларининг жорий этилиши, суғориш иншоотларига караб ёдгорликларни районлаштириш сиёсий ва ижтимоий тарих учун кам маълумотлар беришни инобатга олиб, Бактриянинг Ахамонийлар даври ёдгорликларини деҳкончилик ўлкалари бўйича районлаштириш қабул қилинилган. Шу услуб бўйича, Шимолий Бактрия ҳудуди 7 та деҳкончилик ўлкаси, ҳар бир деҳкончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш районларига бўлинган.

Деҳкончилик ўлкаси таркибига кирган Сурхондарёнинг юкори окимлари ҳудудларидаги барча сув ўзанларининг Миршоди ва Сангардак-деҳкончилик ўлкасининг маданий ва сиёсий маркази вазифасини Холчаён ёдгорлиги ўтаган.

ХОЛЧАЁН – ҚАДИМИЙ МОДДИЙ МАДАНИЯТИМИЗ НАМУНАЛАРИДАН БИРИ

...Миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.*
И. А. Каримов

Қадимий Денов бой моддий маданиятга эга бўлиб, унинг ҳар бир қарич ери ўтмишдаги воқеа-ҳодисалардан далолат беради. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Денов ҳудудидан кўплаб қадимий осориатикалар топилиб, фанимизни янги маълумотлар билан бойитди. Денов тарихининг энг қадимги даврини ўзида акс эттирган Холчаён 1960 йилда археологлар томонидан аникланиб, ўзбек давлатчилиги асослари нуктаи назаридан бой манба ҳисобланади. Қадимий манбалар ҳисобланган Қорабоғ, Маслаҳат, Тўғанок, Сичқон, Шайит, Қўй қирқилган, Қўй Тўрабек, Хонако тепаликларининг археолог олимлар томонидан ўрганилиши асосида халк оғзаки ижодиётида асрлардан-асрларга ўтиб келаётган ривоятлар илмий таҳлил этилди. Натижада, Денов тарихи билан бевосита боғлиқ, маҳаллий аҳоли назарида Қуёш нурида жимирлаб турган бежирим, чиройли, нафис сопол синиқлари, ҳайкалчалар, олтин, кумуш, мис тангалар ва бошқа нарсалар илмий тадқиқ қилиниши асосида олимлар Деновнинг қадимий инсоният манзилгоҳи эканлигини исботлаб бердилар. Деновдаги қўҳна ва сирли топилдиқлар қачонлардир бу ерда шаҳарча бўлганлиги тўғрисидаги авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ривоятлар тарих фани оламига Холчаён номи билан кириб келдилар.

Холчаёндаги Хонако тепалиги остида қадимда ҳашаматли сарой бўлган. Тасодифан топилган топилма Холчаён узра: «Ҳайкал. Ҳайкал!» деган шодиёна овознинг янграшига олиб келди. Ушбу топилма милоддан авваліги V-I асрларда гуркираб яшнаган Холчаён саройининг ҳашаматли биноси 6 устунли айвон билан 10 та хонани ўз ичига олган бўлиб, унинг асосий марказий залида бир-бирига ўхшамаган 35 та эркак ва аёллар қиёфалари ва 7 та, отда елиб келаётган, чавандозларнинг деворий расмлари мавжуд. Марказий залдаги маросим иштирокчиларининг қиёфаси санъат асари сифатида ниҳоятда мукаммал ишланган. Холчаён топилмаларидаги ҳайкаллар Ўзбекистон Давлат тасвирий санъат музейида намойиш этилмоқда ва Санъатшунослик институти илмий коллекциясида сақланмоқда.

---

* Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т.: НМАК, «Шарқ», 1998. 20-бет.

1959 йилнинг баҳорида Холчаён жамоа хўжалигининг техникани таъмирлаш жойини кенгайтириш пайтида бульдозер кичик бир тепаликнинг четини қиркаётганида учта тош устун бўлакларини судраб чиқарган ва бу ҳақда археологларга хабар қилинган. 1960 йилдан Санъатшунослик институтининг академик Г.А.Пугаченкова раҳбарлигидаги экспедицияси Холчаён тепалигини текшира бошлайди. Олимларнинг ҳар қандай тасаввуридан ошиб тушган бу ердаги топилмалар Бактрия бадиий маданиятининг ажойиб ёдгорликлари қаторига қўшилди.

Холчаёндаги қазув ишлари жараёнида Хонақотепа, Қорабоғтепа, Масжаттепа каби тепаликлар очиб ўрганилди. Хонақохтепадан сарой пойдевори тошдан, девори эса қалин (1,04-2,30 м) хом ғиштдан ишланганлиги аниқланди.

Қорабоғтепа қадимий манзилгоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган, меъморий нодир, уй-жой қурилиши учун тошдан йўниб ишлаган, ҳар бири камида 400-500 килограмм келадиган устун тагида ўрнатилган учта тагкурсилар топилди. Уларни академик Г.А.Пугаченкова экспедицияси илк бор илмий нуқтаи назардан ўрганиб чиқди.

Қорабоғтепадан тахминан 500 метр узоқликдаги Хонақох тепалигида қазилма ишларини олиб бориш жараёнида, лойдан ишланган варанглар билан қопланган 30 тадан зиёд ноёб ҳайвонлар аниқланди. Ушбу археологик тадқиқотларда 1961 йили Тошкент Давлат университетини тамомлаган, ёш иқтидорли археолог Баҳодир Турғунов ҳам иштирок этди.

Б.Турғунов уч йил давомида 4 гектар ерни эгаллаган Қорабоғтепа манзилгоҳида ишлаб, шаҳарчанинг дарвозаси ўрнини ва унинг мустаҳкам деворини ўрганишга катта ҳисса қўшди. 1961-1962 йилларда Қорабоғтепа атрофи пахтазор далалар, тутзорлар билан ўралиб, археологик қазиш жараёнларида бирорта ҳам уй ёки томорқа йўқ эди. Б.Турғунов Далварзинтепада ишлаётган вақтида, Қорабоғтепа қишлоғидаги бир тепаликдан топилган тангалар, иккинчи тепаликдан топилган қимматбаҳо ашёлар топилмалар учраётганлигини эшитиб, Қорабоғтепа археологик қазишма ишларида иштирок этишга ҳаракат қилди. Натижада, 1961 йилдан тепаликка оид марказий қисм, яъни аркни ўрганишга қатнашди.

Академик Г. А. Пугаченкова «Холчаён» номли китобида милоддан аввалги III-I асрларда Чағониён тараққий этган, гуллаб яшнаган манзил эканлиги, Холчаёнда тангалар, уй-буюм жиҳозлари, хумдон ва бошқа буюм-ашёлар юксак дид билан тайёрланганлигини қайд этади.

Милоднинг III-IV асрларида Холчаённинг қуйироғида, Сурхондарё билан Қизилсув дарёси қўшилган жойда қадимги манзилгоҳ шаклланганлиги икки дарё оралиғида жойлашган ушбу манзилгоҳ ҳудуди учбурчак шаклида бўлган қадимги Чағониённинг асоси эканлигини қадимшунос

олимлар илмий асослаб берганлар. Академик В.В.Бартольднинг қайд этишича, «Қадимги, яъни милоддан илгари дунёга келган Чағониён давлатининг пойтахти ана шу учбурчак ичида жойлашган». Унинг назарида Чағониён давлатининг маркази Термиздан 24 фарсахда бўлиб, ундан Чағонруд (Сурхондарё) оқиб ўтган.

Қадимги Чағониён бозорига Вахшивор, Сина, Сангардак, Хонжиза тоғ қишлоқларидан савдо аҳли келиб, савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш жараёнида маҳаллий аҳоли билан аралашиб, шаҳар ҳудудида ўтроқ жойлашиб қолган. Тоғлик аҳоли кўзлари кўк, қирра бурун, серсақол кишилар бўлганлар. Уларнинг Чағониён қалъаси атрофида жойлашиб, мол бозорида ўз отларини кўз-кўз қилиб, миниб, ҳайқириб, қичқириб чоптирганлиги тарихий манбаларда акс этилган.

Чағониён тарифи дунёни ларзага солган Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн)гача етиб бориб, жаҳонгир милоддан авввалги 329 йили Окс (Амударё)дан ўтиб, Кампиртепани босиб олиб, сўнгра бутун Трансоксания (Мовароуннаҳр)ни забт этган.

Милоддан аввалги 327 йил баҳорида унинг қўшини Ҳисор тоғ тизмалари орасида жойлашган қасрда яширинган. Оксиартга қарши жанглар олиб бориб, катта қийинчиликлар билан тоғ чўққисидаги қалъани забт этган. Аммо ўшанда Оксиарт омон қолади. Бунга сабаб Александр унинг гўзал қизи Равшанакка (юнонча манбаларда Роксана) уйланиши ва бунинг эвазига Оксиартни ўз қўшинларининг бир қисмига лашкарбоши қилиб тайинланиши бўлган. Ушбу далиллар Чағониён аҳолиси Александр Македонский қўшинларига қарши курашганини ва хорижий босқинчилар мақсадларига қурол кучи билан эришмаганда, бошқа воситаларни ишлатганини кўрсатади.

Искандар юришларини ёзиб қолдирган Аррнан македонияликларга саркарда этиб тайинлаган Оксиартнинг кучли жангчи эканлигини қайд этиш билан бирга, Искандарнинг бу қарорини маъқуллайди. Ўз қалбини тоғ қизига топширган Александр ерли аҳоли билан алоқани янада мустаҳкамлаш учун ёрдамчилари ва лашкарбошиларидан минг (баъзи манбаларда ўн минг) кишига шу ерли мингта (ўн мингта) қизни олиб беради.

Маҳаллий халқ вакилаларига уйланиб, босиб олинган ерларда қолиб кетган юнонлар ичида меъморлар (архитекторлар) ва ҳайкалтарошлар ҳам бўлган бўлиши ёки ўз юртларидан уларни таклиф этган бўлишлари мумкин. Улар чағониёнликлар билан меъморчилик ва бадиий санъат сирларини ўртоқлашганлар. Холчаён қурилиш санъатида ва ҳайкалларида юнон услуби кузатилади.

Тадқиқотлар жараёнида топилган катта ҳайкал калласини ясашда юнон услубидан фойдаланганлиги яққол кўринади.

Холчаёндаги археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ерларида сирли шахс тасвири солинган Кушон тангалари кенг таркалган. Холчаён тангаларнинг юз томонида бир томонга караб турган ҳукмдор тасвири бўлиб, иккинчи томонда эса Осиё кийимидаги қуролланган отлик подшоҳга ғалаба худоси Ника тожини кийдираётганлиги акс эттирилган. Тангада «Ҳукмдор Герай Санаб-Кушон» деган сўзлар битилиб, Герай дастлабки Кушон ҳукмдори бўлиб, у Кужула Катфиздан олдин яшаган. Унинг замонида кушонлар империяси таркиб топмаган эди. Герай ҳокимият тепасига чиққач, Кушонлар тангасини биринчи бўлиб зарб этди. У ўзигача бўлган грек-македониялик ҳукмдорларга ўхшаб, Греция маданиятига кўр-кўрона таклид килмади, аксинча Осиё ва юнон маданиятини уйғунлаштирди. Холчаён ҳайкалларида Герайдан ташкари бошка сарой уламолари, четдан келган элчилар, от чоптириб кетаётган чавандозлар, созандалар, масхарабозлар ҳам тасвирланган. Мазкур ҳайкаллардаги ўхшашлик, Холчаён Герайнинг ёки унга якин оға-иниларининг турар жойи бўлган, деган хулосага олиб келади.

Холчаён топилмалари Денов шаҳрининг ёшини белгилашда ноёб ёдгорлик ҳисобланади. Шунингдек, археологик казиш ишлари натижасида Қизилсув дарёси билан боғланиб кетган 20 метрдан кўпрок жарликда жойлашган Калламинор тепалиги пастки катламларида Холчаёндан ҳам кадимийрок осори атикалар борлиги фанга маълум бўлмокда.

Холчаёндан топилган бир катор ноёб осориатикалар Кушонлар давридаги Чағониён моддий маданияти нақадар юксалганлигидан далолат беради. Холчаёндаги текширишлар Бақтрия-Кушон замонининг бинокорлик техникаси тўғрисидаги маълум тасаввурни янада кенгайтирди. Холчаён саройи архитектура жиҳатидан ғоят муҳимдир. Асосий залининг уч девори 3 м баландликда оқ ганч билан сувалган, ундан юқори кисмларда маҳобатли ҳайкаллар жойлаштирилган. Тўртинчи деворнинг тўк кизил фонида оқ ганчдан барг, гул, бир бош узум тасвирланиб, накш солинган. Саройнинг асосий залидан чиқиладиган айвондаги накшларда эркаклар сурати ҳам бор: эркаклардан бири бактрияликка, яна бири мўғулга ўхшайди. Уч метр баландликдаги панель тепасидаги ҳайкал кизил ва қора минерал бўёк билан бўялган. Ҳайкални тўла тиклаш мумкин бўлмади, чунки унинг майда-майда бўлакларигина сақланган. Ҳайкалларнинг катталиги одам бўйининг учдан икки кисмига тўғри келади. Археологлар бу бошни ердан эҳтиётлик билан кавлаб олганда уларга киприклари осилиб турган, салгина ғилай қора кўзлар қараб тургандай кўринган. Топилган аёл ҳайкали ҳам диққатга сазовордир: юзи кенг, оқ дубулга тошда ҳурпайган сочлари аник кўриниб туради. Ҳайкал танасидан топилган парчада ҳайкал устидаги халат ёки ёпинғич сақланган, халат тагида тўк кизил ранг кўйлак устидан белдан юқорида оқ таема боғланган. Бу ҳайкал, танаси, вазияти, қўлларининг туриши, дубулға ва халатига қараганда, маъбуда Афина ҳайкали бўлса керак. Марказий Осиёга юнонлар маъбудасининг киёфасини македониялик Искандар олиб келган, албатта. Холчаён ҳайкаллари орасида Митра, Ника ва бошка маъбудаларнинг киёфаларига якин киёфали ҳайкаллар ҳам бор.

Ҳайкал парчалари орасида Холчаён созандалари ҳайкалларини ҳам учратиш мумкин. Бақтрия-Кушон ёдгорликларининг юксак санъатида эллин ҳайкалтарошлиги билан Парфия санъати анъаналари кўринади. Холчаён ҳайкали ҳозиргача номаълум деса бўладиган кадимги Бақтрия санъатининг аллакачонлар унутилиб кетган сўкмок йўлидаги ёркин издир. Холчаёнда тадқиқот олиб борилган бир неча жойда Юнон-Бақтрия подшоҳлиги даври (мил. авв. III-I асрлар) архитектураси акс этган. Демитрий тангасининг топилиши ҳамда Қорабоғтепада мил. авв. I асрларга оид иморатлар бўлганлигининг кайд этилгани бунга мисол бўла олади. Холчаёнда оссуарий сифатида оғир қопқокли хум танланган. Унинг ичида бир тўп кўкрак суяги ва шикастланган бош суяги ётарди. Афтидан, «кўмишга тайёрлаш» маросимида «Авесто»даги маздакчилик қонун-қоидаларига амал қилинган кўринади. Мурда дастлаб йиртқич қушлар ёки махсус боқилган мурдахўр итлар еб кетиши учун қўйилган. Сўнгра тозаланган суяк қолдиқлари суякдонга жойлаштирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, тузувчи ҳам бузувчи ҳам инсон, деганларидай, вакт, қисмат экан – ўша вақтдаги шаҳар ва қишлокларнинг, қароргоҳларнинг аксарият кўпчилиги тарих силсиласи, босқинчилик урушлари, сув тошқинлари-ю табиий офатлар, қурғокчилиг-у бошка сабаблар окибатида йўқ бўлиб, вайронага айланиб, ботин бўлиб, мозий қарига шўнғиб кетган. Бугунги кунга келиб, уларнинг кўпчилигидан номнишон ҳам қолмаган. Айримлари эса, ер қарида ботин бўлиб келаётир. Президентимиз: «Тарихчилар яхши биладилар одатда тепаликлар қарида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади», деганларида худди шу жойларни назарда тутгандек туйилади.

ҚАДИМИЙ ОСОРИАТИҚАЛАР БОЙ ЎТМИШИМИЗДАН ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Денов қадимий тарихини ўрганишда таниқли олим Баҳодир Турғунов, Санъатшунослик илмий тадқиқот институти профессори Г.А.Пугаченкова раҳбарлигида Холчаён қишлоғидаги Хонако тепалигида 1960-1963 йиллари тадқиқот ишларини олиб бориб, лойдан ишланган 35 тага яқин эркак, аёл ҳамда отлари елиб кетаётган чавандозлар ҳайкаллари, уларнинг бахе-лашиб турганларини акс эттирган деворий суръатлар мавжудлигини аниқлади. Г.А.Пугаченкова ва Б.Турғунов тепалик остидан топилган бир неча мис тангаларни ўрганиб, тангалар милоддан аввалги IV ва милодий I асрларга мансуб эканлигини, ушбу тепаликда бундан 2400-2300 йил аввал подшоҳнинг ҳашаматли саройи қурилганлигини аниқладилар.

Баҳодир Турғунов раҳбарлигида Чағониёнда, хусусан, Холчаён, Далварзинтепа, Миршоди ёдгорликларида олиб борилган археологик қазилма ишлари натижасида Денов тарихига оид муҳим ашёлар топилди.

Б. Турғунов бевосита олиб борган тинимсиз изланишлар натижасида 2007 йили Холчаёндаги Қорабоғ тепалигида топилган археологик манбалар асосида, қадимий даврни акс эттирувчи махсус музей маъносидаги уй айвони ташкил этилди. Унда худди грек-рим архитектурасидагидек ҳашаматли саройларнинг устунлари тагига ўрнатилган 3 дона, оҳактошдан йўниб ишланган тагкурсилар ўрнатилган. Олим Қорабоғтепадаги қазилма ишларини давом эттириб, ушбу жойдан ўша тагкурсилардан яна биттасини топиб олиб, уни ҳам ўрганди.

2005-2007 йилларда Б. Турғунов Деновда академик Эдвард Ртвеладзе билан ҳамкорликда археологик тадқиқотларни давом эттирди. Натижада, Деновнинг ёши 2300 йилдан отиқроқ эканлигини тасдиқловчи янги манбалар очилди.

Шунингдек, тумандаги 41-ўрта мактабнинг ўлкашунослик хонасида сақланаётган ажойиб топилмалар Деновни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Марғилон каби қадимий шаҳарлар қаторига киритиш мумкинлиги учун асосдир.

Г.А. Пугаченкова ва Б.Турғунов1968 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган Кушон тарихи муаммоларига бағишланган халқаро анжуманда милодимизнинг I–IV асрларида ҳозирги Сурхондарё ҳудудлари Кушон империяси таркибига кирганлигини, Холчаён ва Айритом ёдгорликларидан топилган ашёвий далиллар асосида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудлари, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг бир қисми Кушон империясига тобе бўлганликларини, унинг илк пойтахти – Далварзинтепа Амударёнинг чап соҳилига кўчганлигини асослаб берган эдилар.

Холчаён, Далварзинтепадан топилган ноёб осориатиқалар олимларнинг бу фикрини яққол тасдиқлайди. Қорабоғтепада олиб борилаётган қазилма ишлари натижасида Деновнинг 2300 йилдан кўпроқ тарихга эга эканлигини тасдиқловчи, Кушон тарихига оид яна бир қатор осориатиқалар топилди. Олимлар томонидан муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимги савдо-карвон йўлларидан бири Сурхондарё ҳудудидан ўтганлиги, айни пайтда бу йўл ҳам кўп тармоқли бўлиб, улар Холчаён, Далварзинтепа билан Шимолий Ҳиндистонни боғлаб турғани ва «Буюк ипак йўли» кўхна воҳамизнинг турли жиҳатдан юксакланишига катта ҳисса қўшганлигини исботлаб бердилар.

Б.Турғунов Японияниинг Нара шаҳрида ташкил этилган нодир осориатиқалар кўргазмасида 1989 йилда Сока университети ва Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан 6 йиллик шартнома тузиб, таниқли япон олими Като Кюдзи билан ҳамкорликда иш олиб боришга киришди.

Қорабоғтепада олиб борилган тадқиқотларда архитектура элементлари рим-юнон архитектура ёдгорликларида милоддан аввалги IV-III асрларда кенг қўлланилган, кейинчалик кўп давлатларга таркалган, шу жумладан Ўрта Осиё ёдгорликларида ҳам кўплаб учрайдиган ҳолат эканлиги қайд этилди. Чунки ушбу архитектура элементлари, яъни бинонинг тагкурсилари Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Италия ва Франция архитектура иншоотларида ҳам мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Ушбу топилмалар Хонақотепанинг айвонида Далварзинтепадаги иккита бой-давлат шаҳарликлар уйлари айвонларида, Айритом, эски Термиздаги Фаёз-тепа ва Қоратепа буддавий ёдгорликларида ҳам ишлатилган элементлари билан таққосланиб, илмий тадқиқ этилди.

Қорабоғтепа ёдгорликларини 1969–1977 йилларда мукаммал ўрганган Б.Турғунов 220 дан ортиқ археологик топилмаларни излаб топиб, вилоятнинг археологик харитасини тузди. Бу масъулиятли вазифани бажариш осон бўлмади. Чунки ёдгорликларнинг фақат жойини ва номинигина белгилаш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг тарихини ёзиш, сочилиб ётган сопол синиқларини териб олиш, ерли қариялардан тепалик ҳақидаги керакли маълумотларни, керак бўлса афсоналарни ҳам қоғозга туширишга эришди. Тадқиқотлар натижасида эски Термизнинг майдони 500, Далварзинтепанинг – 47, Будрачтепанинг – 100 дан ортиқроқ, Зартепаники – 16, Бешкапаники – 8, Кампиртепаларни –7, Қорабоғтепалигиники – 4 гектар эканлиги аниқланди. Шунингдек, харита оркали Бойсунда 17 та, Сариосиёда 27, Термизда 29 та, Шерободда 30 та, Шўрчида 48 та, Деновда 53 та сақланиб қолган қадимий шаҳар, шаҳарча, манзилгоҳ ва алоҳида чўққайиб турган тепаликлар

мавжудлиги маълум бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Шўрчи, Олтинсой ва Деновдаги бир неча ёдгорликлар қайси даврга оид эканлигини Г.А.Пугаченкова ва Б.Турғуновлар аниқлашди.

Бақтрияликларнинг дафн маросимлари тўғрисида қадимий муаллифларнинг маълумотлари деярли йўқ. Страбон Онесикритнинг бақтрияликлар тирик кексаларни махсус боқилган оламхўр «гўрков» итлар емишига ташлашлари ҳақидаги хабарини келтиради. Аммо кўмиш маросими тўла тасвирланмаган. Айни пайтда парфияликлар ҳақида ёзганда, уларнинг «одатдаги кўмиш маросими итлар ёки қушлар еб кетиши»дан иборат, ғажиб ташланган суякларни эса улар ерда сақлайдилар, дейилган. Страбон ёзган маълумотга кўра, Бақтриядаги шаҳар девори орти тоза бўлган, бироқ ички катта қисми «одам суяги билан тўлиб-тошиб кетган экан». Шундай қилиб, ҳаёт мархумнинг суягини қандайдир ташқи қабристонда эмас, балки айнан аҳоли маскани ичида сақлаш тўғрисида бораётир. Буни Холчаёндаги хум – оссуарийнинг қадимий кўрғоннинг аҳоли зич яшайдиган қисмида сақланиб қолганлиги ҳам тасдиқлайди. Антик даврда хумга солиб кўмиш анъанаси Жанубий Тожикистон ҳудудида (мил. авв. II-I асрлар) ҳам учрайди. Бироқ, у ерларда ярим қопланган мурда хумга солиб кўмилган, Холчаёнда эса факат суякнинг ўзи кўмилган. Бу топилма археологик адабиётларда хумга солиб кўмиш – оссуарий дафналарига хос, факат кейинги даврга тааллукли урфодат эмас, балки бу кўмиш маросимининг бошқа тури, деб қайд этилган мулоҳазани тўла тасдиқлайди.

Умуман, қадимий Бақтрия аҳолиси орасида кўмиш маросимининг турли шакллари мавжуд бўлган. Юнон-Бақтрия зодагонларининг асосан ўз эътиқодлари ва удумларига амал қилганидан Холчаёндаги оссуарий(идиш)га солиб кўмиш маросими бунга ёркин далилдир. Бу масалада Холчаёндан топилган мил.авв. III-II асрларга оид санамлар ҳайкалчалари, шунингдек, суякдан ишланган яланғоч маъбуда шакли акс этган тақинчоқ қадимда Шарқда мавжуд бўлган Она Худога сиғиниш удуми билан боғлиқдир. Айни даври меъморчилигига таъсирини акс эттирувчи топилмалар ҳам бор. Холчаён тараққиётининг йирик қурилиш талбирлари билан боғлик навбатдаги босқичи мил. авв. II-I асрларга тааллуқлидир. Бу давр тарихий жиҳатдан улкан сиёсий воқеалар билан боғланган. Милоддан аввалги 140-йилларда Гелиоклнинг ўлими билан Юнон-Бақтрия подшоҳлигининг инкирози юз беради.

Юнон-Бақтрия подшоҳлигининг инкирозга учраши, афтидан, Бақтрияга сақларнинг дастлабки кириб келиши ва ўзлари эгаллаган ҳудудларда ўтроқ бўлиб қолиши, сўнгра юечжийлар бостириб келиб, сақларни Амударёнинг нариги соҳилига улоқтириб юбориши даврига тўғри келади. Бу зарба Холчаённинг ҳам тақдирига ўз таъсирини кўрсатган ва мазкур жойдан топилган археологик топилмаларда, қатламларда ўз аксини топган. Вакт ўтиши билан ҳаёт ўз изига туша бошлади, янги қурилишлар ҳамда таъмирлашлар бундан далолат беради. Сак-юечжий (ёки «тоҳар», қадимий ёзма араб манбаларида "тахор" битилади) даври Холчаён тарихида археологик жиҳатдан аниқ акс этган.

Милоддан аввалги II–I асрлар учун хос бўлган «бадавий Гелиокл» деб аталувчи бронза тангаларнинг топилиши айнан шу даврдаги гавжум шаҳар ҳаётидан дарак беради. Уларнинг шахристонни турли жойларидан топилганлиги бу ерда ҳар хил пуллар муомалада бўлганини ва бозор эҳтиёжлари кенг кўламлигини англатади. Ўзининг археологик-топографик қолдикларида мил. авв. II-I асрларда Холчаён йирик аҳоли маскани сифатида намоён бўлади. I-II асрларда, яъни кушонлар даврида Холчаён ривожланишда давом этади. Кадфиз II тангаларининг топилиши, Канишка, Хувишка, Васудева тангаларининг (аксарияти катта ва ўртача ҳалкали) кўплиги ва кўплари сийкаланиб кетганлиги уларнинг кенг кўламда бозор муомаласида бўлганлигини кўрсатади. Кушонлар даврида маданият ҳам юксакликка эришган. Подшо Канишка даврида бохтар тили давлат тили деб эълон қилинганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Милодий II аср охири – III аср бошларида Кушон империяси инкирозга юз тутади. Бу жараён Холчаёнда айникса ёркин из қолдирган. Қорабоғтепа истеҳкоми дарвозаси катта ёнғинда қолган ва унинг изолари кушонлар даври қурилишларида ёнғин қатлами тарзида сақланган. Хонақоҳтепада ўрганиб чиқилган учала иморат ҳам хароб этилган ёки қулатилган. Бу ҳол айникса, саройда яққол кўзга ташланади. Бу ерда қимматбаҳо ашёлар ва ибодат буюмлари талон-торож қилиб кетилганлиги билан бирга, тахтхонада тош тагликлардан бири ағдариб ташланган, айвонда эса устун тагликлари қўпорилган, баъзилари улоқтириб юборилган. Демак, Холчаён тақдирида археологик топилмаларда мухрланиб қолган ўлимга маҳкумлик III аср бошида Кушон шоҳлигини қамраб олган умумий воқеа бўлган.

Денов ҳудудида олтмишга яқин археологик манбалар бўлиб, улар узок тарихдан маълумот беради. Археологик топилмалар туфайли Холчаёндан юзлаб ноёб осори-атикалар топилиб, жумладан Чангактепа адирлигидан Б.Турғунов раҳбарлигида 2 метрча чукурликда махсус сополдан ишланган тобут топилди. Тобутнинг бўйи 177, эни 50 сантиметр бўлиб, тобут тухумсимон шаклида бўлиб, ҳажми – 1,5 куб метрдан ортикроқ. Эни 60 см келадиган махсус коцқоқ очилганда, қабрда эркак кишининг жасади борлиги аникланди. Жасаднинг калла ва пастки жағ қисмлари жарохатланган бўлиб, умуртка поғаналари яхши сақланган.

Кўкрак қисмида кўндаланг қўйилган темир ханжар бўлиб, ханжар занглаган, ярим метрча келадиган жанг қуролининг ёғочдан тайёрланган ғилофининг айрим жойларига жиддий путур етган. Аммо дастак қисми яхши сақланган. Тобут ичидан бўрининг юз қисми акс этилган темир никоб ҳам топилди. Б. Турғуновнинг фикрича, ушбу жасад саркарда ёки аскарники бўлиб, ноёб топилмалар эрамизнинг IV-VIII аср ўрталарига оиддир. Чунки сопол тобутлар XX асрнинг 70-йилларида Шўрчи туманидаги Далварзинтепа подшоҳ саройи яқинидан ҳам топилган.

Сурхондарё вилояти ҳудудлари илк ўрта (V-VIII) асрларда Тоҳаристон атамаси билан машҳур бўлган йирик тарихий-маданий давлатга тобе эди. Ушбу атама дастлаб эрамизнинг 383 йил матнларида пайдо бўла бошлаган. Тоҳаристон ҳудудлари VI асрга келиб кенгайди ва у қатор вилоятларга эга бўлди. Дами (Термиз) ҳамда Чи-о-ян-на (Чағониён)лар шундай вилоятлардан бўлган.

Қадимги Бақтрия бағрида пайдо бўлган Тоҳаристон заминига V асрда хионит қабилалари кириб келиб, уни сосонийлардан тортиб олдилар. Чунки, Тоҳаристон тупроғи Кушонлар салтанати инқирозидан сўнг Эрон сосонийлари тасарруфида эди. Аввалига Тоҳаристон ерларига сосоний (III-V аср)лар, сўнгрок хионитлар ва эфталит (V аср)лар эгалик қилдилар. Шу тарика Тоҳаристон ерлари V-VII асрлар мобайнида сосонийлар, хионитлар ҳамда эфталитлар ўртасида талаш майдонига айланади. Бу воқеалар ушбу юртларда топилган сосонийлар ва эфталитларнинг тангалари билан ўз исботини топган. Тарихий манбаларда кайд этилишича, Саконiён (кейинги сатрларда Чағониён деб қайд этилади) 498 йилда Эфталитлар давлати таркибига кирган. Аллома ад-Диноварий берган маълумотга асосан Хусрав Биринчи Анушервон (531—579) Эфталитлар давлатига қўшин жўнатиб, Тоҳаристон, Кобулистон ва Чағониённи забт этади. Бироз фурсатдан кейин турклар эфталитларни Бухоро шаҳри яқинида тор-мор этгач, эфталитлар жанубга — Чағониёнга чекинадилар ва Чағониён эфталитларнинг кейинги 70 йил давомидаги сўнгги кўрғонига айланади.

Ҳолчаёндан VI аср охири VII асрга оид турк-сўғд туркумига тааллуқли иккита танга топилди. Улар Сўғд ва Шошдан топилган тангаларга олд томон тузилиши бўйича иконографик жиҳатдан ўхшаса ҳам, улардан маълум даражада фарқ қилади. Бу тангалар Амударёнинг шимолий қисмидаги айрим маҳаллий маъмурий тузилмалар турк ҳоқонлигига мансублигини англатади, тамғалар ва бошқа белгилардаги фарқ эса чағонхудотлар зарб қилган ашёларнинг ўзига хослигидан далолатдир.

Араблар босиб олган даврдан бошлаб Ҳолчаён узоқ вақт эътиборсиз қолади. VII аср охирлари ва VIII аср бошларида бу заминда Чочдаги туркий хукмронлар тангаларига тақлидан тангалар зарб этилади. Демак, VIII асрдан

эътиборан бу юртга туркий ҳоқонлик ҳукмронлик қила бошлаган. XIII аср охири — XIV аср бошида антик тепаликларнинг баъзиларидан қабристон сифатида фойдаланилади. XVI асрда Қорабоғтепанинг шимоли-шарқий қисми дўнглигида қандайдир мулк пайдо бўлади. Шундан сўнг шаҳристон атроф ҳудуди янада ботқоқликка айланиб, бизнинг давримизгача ўзлаштирилмай қолади. Ҳолчаённи тадқиқ этиш Бақтрия маданий ҳаётига, айниқса, унинг бадиий маданиятига янги маълумотлар киритади. Бу кузатишлар Марказий Осиёнинг мазкур йирик вилоятида антик давр шаҳар қурилишининг баъзи жиҳатларини қайта очиб берди.

2006 йил.

БУДРАЧ ХАРОБАСИДАН ТОПИЛГАН ЎРТА АСРЛАР БУЮМЛАРИ ХАЗИНАСИ

Ўзбек – жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига хисса қўшган миллат.

«Жаҳон қомусий луғати»

Ўзбекистон Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг экспедицияси 1970 йиллар охирларидан бошлаб ўрта асрларда Сурхондарёнинг ўрта ва юқори оқимларида жойлашган Чағониён вилоятининг маркази бўлмиш Будрач шаҳристони вайронларида археологик қазишмалар олиб борди. Бу ишларга академик Э.В.Ртveладзе умумий раҳбарлик қилди.

1987 йил мартида шаҳристоннинг шимоли-шарқий қисмида, дунётепадан 180 метрлар шимолда, шудгорланган далада бир канча бронза ашёлар топилди. Бу буюмлар топилган жойда, 15х15 метр кенгликда ва 1 метрча чуқурликда (БШР —1), қазишма ишлари олиб борилди. 1970 йил бошларида ер ҳайдаш ва текислаш вақтида афтидан мазкур жойдаги ўрта аср қурилиши текислаб ташланиб, улардан фақат пишиқ ғишт бўлакларигина сақланиб қолган.

Археологик қазишмалар жараёнида қисман қадимий ховли-жойга дуч келинган. Чунки қазилманинг жанубий қисмида, бир-биридан 1—2 метр масофада жойлашган тўртта бадраф ўрни аникланди ва унинг биринчиси ва энг каттасидан, ернинг ҳайдалган қисмига туташ жойдан бронза буюмлар топилди. Бронза буюмлар тагида бутун ва синиқ пишиқ ғишт қатлами мавжуд. Унинг тагида бир метр калинликда парранда, ушоқ мол ва қорамол суяклари чириндиси, шунингдек сирланган ва сирланмаган сополлардан иборат қатлам топилди. Сопол топилмалар: конус шаклидаги бутун сополлар; пиширилмаган ва сирланмаган, қорни шолғом шаклида ингичка бўғизли кўза (қорин қисмида арабча ёзув битилган); оқ рангда сирланиб, жигарранг ва қизил рангда нақшлар туширилган лаганлар, ички қисмига ўсимлик тасвири (оқ сирли тагликда яшил ранг билан чизилган) туширилган лаган; сариқ лойдан ясалиб, калин оқ нақш чизилган антиқа пиёла, унинг ички тубида кўк ранг билан йирик ҳарфларда бир қатор арабча ёзув битилган. Бу катламда бронза буюмлар ҳам топилди: тумшуғи синиб тушган сурмадон; таги кесиб ишланган кичкинагина думалоқ қўнғироқча.

Бу ердан топилган бронза буюмларнинг умумий миқдори ҳали тўла аникланганича йўқ, чунки улар орасида бутунлари ҳам, синиқлари ҳам бор.

Топилма таркибида 30 га якин ховонча (ўғир) бўлиб, уларни бир неча турга бўлиш мумкин: ҳошиясиз ғўласимон (цилиндрсимон) шакддаги ховончалар — бўйи 13,3 см, юкори айлана кўндаланг диаметри 13,3 см, паст қисми диаметри 14 см; пастдан юқорига қараб кенгайиб борадиган, пастки туби бўртик ҳошияли ғўласимон ховончалар 22 та - уларнинг катталиги 14х14х18 см дан 20х20х24 см гача, ғўласимон қадли, туби четлари айлана бўртик нақшли ховончалар - ўлчами 13,3х15, 2х16,2 см дан 15,3х17, 2х18 см гача. Бир дона ховонча юқоридагиларга ўхшашроқ: ғўласимон, туби бўртик ҳошияли, юқорисидан текис кесилган гултожли; ўлчами 13,5х15х17 см.

Бешта бутун ва еттита синиқ келисоп мавжуд. Бутун келисопларнинг узунлиги ҳар хил — 21; 23,3; 28; 33,5 см.

Дафина таркибида турли хилдаги кўзалар бор. Бу ўринда биз саккиз қиррали, тана қисми бўғзига томон ингичкалашган, оғзи кескин кенгайтириб ишланган кўза алоҳида аҳамиятга эга. Нақшлар билан безатилган бу кўзанинг сақланиб қолган қисми баландлиги 12 см гултож бўйлаб четлари кенглиги 5 см. Кичкинагина, ноксимон, оғиз қисми нисбатан кенг, туб қисми сақланмаган кўзача. Гавдасининг паст қисмида жимжимали тўлқинсимон бўртма нақш ишланган; сақланиб қолган қисми баландлиги 10 см, оғизчасининг диаметри 6,5 см, гавдасининг энг йўғон қисми диаметри 8 см.

Конуссимон бўғизли кўзанинг, сақланиб қолган юқори қисмида нақшлар – ойбалдоқли манзара, қабариқ нақшлар мавжуд. Ташки қисмида ўсимлик шакли туширилган ярим думалоқ безакли тўртта пиёла топилди; улардан бири тўрсимон, афтидан, сузгич сифатида фойдаланилган бўлса керак. Гулкоса қисмлари диаметри – 7, 10,3; 11; 13,3 см дан, уларнинг бўйлари – 2,2; 3,2; 4; 4,3 см дан.

Бешта доирасимон таглик парчалари мавжуд. Жуда кўп миқдорда: чироқдон бўлаклари, жумладан, 30 та турли катталикдаги ва ҳар хил шаклдаги уч қўйгичли чироқдон бўлаклари — баъзиларида қушларни тасвирлари маълум услубда бўрттириб туширилган; 15 таси – панжарасимон, бурама, кўпкиррали қилиб ишланган; 10 донаси –ғўласимон, бурама занжирсимон, панжарали; учлари ғалтаксимон чироқдон ҳам мавжуд. Танасининг баландлиги 18,8 см, диаметри 5 см, ғалтак баландлиги 6 ва 7 см. дан. Чироқдон тагликларига уланган ликопчалар синиқлари ўн дона. Жами 11 дона бўртма силлиқ ҳалқатутқич (даста) топилди.

Дафина таркибида юзлаб қозон бўлаклари мавжуд. Бу қозонлардан бири тувак шаклида бўлиб, иккита трапеция шаклидаги қулоғи бор. Қозонларнинг асосий — ярим доира шаклидаги қисми айлана ҳамда учта конуссимон уч таянч оёқда жойлашган. Қулоқлари тик ўрнатилган беш қиррали, учи қайрилган; бундай қозон қулокларидан 40 дан ортик топилди.

БУДРАЧНИНГ АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРИ

Қадимги Греция Оврупода цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган.

Чингиз Айтматов

Ўрта асрда Шарқнинг кўпчилик ҳукмдорлари ўз номларини абадийлаштириш мақсадида шоирлар, машшоқлар, олимларга ҳомийлик қилганлар. X асрнинг иккинчи ярми - XI асрда Чағониён ҳукмдорлари ўз саройларида Шарқнинг энг буюк шоирларини тўплаш билан шуҳрат қозонганлар. Чағониён вилоятининг маркази Чағониён шаҳри ўша вақтда Ўрта Осиёнинг муҳим маданий марказларидан бирига айланиб қолган эди.

Будда роҳиби Сюан Цзяннинг ёзишича, VII аср бошларида Чағониён пойтахти айланаси 10 *ли* (5 километрга яқин) майдонни эгаллаб, унда унча катта бўлмаган бешта сангарам (будда ибодатхонаси), кам сонли роҳиб бор экан.

Чағониён шаҳри ҳақида араб-форс ёзма манбаларида бирмунча маълумот берилган, лекин афсуски, улар етарли даражада батафсил эмас. Чағониён милоднинг XI–X асрларида Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган, аҳолисининг сони ва бойлиги жиҳатидан Термиздан кейин турсада, бироқ майдони жиҳатдан ундан катта эди. Шаҳарда чиройли тимлар (ёпиқ бозорлар) ва пишиқ ғиштдан қурилган масжид қад кўтариб турган. Ҳар бир ҳовлидан ариқ ўтказилган. Аҳолиси эътиқодлилиги ва меҳмондўстлиги билан ажралиб турган.

Чағониён ўзининг отлари, жун матодан тикилган кийимлари, гиламлари ва бўёғи билан донг таратган эди. Шаҳар атрофидаги ерлар тўкин суғорилиши туфайли қалин дарахтзор бўлган ва у ерларда қишда қуш овланган. X асрда Чағониён Ўрта Осиёда муҳим сиёсий мавкега эга эди. Унинг ҳукмдорлари Муҳтожидлар сулоласидан бўлган Абу Бакр Муҳаммад иби Музаффар ва Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад (Абу Али Чағоний) Сомонийлар давлатида жуда муҳим ҳарбий ва маъмурий вазифаларни эгаллашган. Айниқса, Абу Али Чағоний ўзининг жангу жадаллардаги жасоратлари билан ном қолдирган бўлиб, кўпгина араб ва форс тарихчилари унинг шаънига мақтовлар битган эдилар.

XIX асрда бир қанча чет эл ва рус олимлари шаҳарнинг ўрнини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо ўша вақтларда Шарқий Бухорога

(Бухоро хонлигининг шарқий қисмига) кириб келиш ниҳоятда машаққатли эди. Шунинг учун ҳам тадқиқотлар, асосан, ўрта асрларда араб тилида ёзилган саёҳатномалар ва жуғрофий хариталар маълумотларини солиштириш асосидагина олиб борилди. Баъзи олимлар Чағониённи Сариосиё қишлоғи ўрнида, кўпчилик қадимшунослар эса Денов шаҳри ўрнида жойлашган, деб тахмин қилдилар. Бунда улар, хусусан, Маҳмуд ибн Валининг: «Унинг (яъни Чағониён вилоятининг) катта жойларидан бири Деҳи-Нав бўлиб, қадимда уни Чағониён, деб атаганлар ва бу шаҳар унинг биринчи пойтахти эди», - деган маълумотига таянганлар.

Будрач шаҳри харобасининг ўрни Денов шаҳридан 6 км наридаги Заҳартепа яқинидадир. У Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиши жойидаги ўнг қирғоғи бўйлаб жойлашган. Шаҳристон ер юзасига нисбатан Сурхон дарёсига томон нишаброк. Шаҳарнинг умумий майдони 6 квадрат километрга тенг, балки ундан ҳам кенгроқдир, чунки жуда ёмон сақланганлигидан унинг чегарасини аниқлаш ниҳоятда мушкул иш. Шаҳристоннинг катта қисми ҳайдалиб, экинзорга айлатирилган, бир қисмида қишлоқ аҳолиси уйлар қурган.

Шаҳар ўрнининг жануби-шарқий қисмида, Қизилсувнинг чап соҳилида ярмини дарё ювиб кетган, ён бағрилари тик, соғ тупроқдан ташкил топган баланд тепалик — Окмозортепа жойлашган. Ундан шимол томонда, 100 метрлар чамаси масофада, чуқур хандак билан ажратилган яна бир тепалик - Дунётепа бор. Бу тепалик 200x100 метр майдонни эгаллаган, баландлиги 8-12 метр, ён бағирлари ясси, жанубий қисми Қизилсув томон нисбатан нишаб бўлиб кетган. Дунётепа шимолида, 2 км масофада, соғ тупроқли дўнглик — Заҳартепа жойлашган. Мазкур дўнглик шаҳарнинг чеккаси бўлиб, унинг майдони пахта даласига айлантирилган. Бу ерларда ҳозиргача сопол ва ғишт бўлаклари, тангалар, (шлак)лар, ойна парчаларини топиш мумкин.

Маҳаллий аҳоли орасида Заҳартепа билан боғлиқ, қачонлардир бу жойда яшаган аждаҳо ва илонлар ҳақидаги афсона сақланиб қолган. Архитектор З.А.Аршавская Вахшивор қишлоғидан ёзиб олган афсонада ҳикоя қилинишича, кўп йиллар муқаддам Оллоёр исмли бир золим ҳукмдор яшаган экан. Ҳатто унинг яқинлари ҳам ундан қўрқиб яширинганлар. Унинг овозини эшитганда бешикдаги гўдаклар ҳам жим бўлиб қоларкан. Бир куни Оллоёр эшитганда бешикдаги гўдаклар ҳам жим бўлиб қоларкан. Бир куни Оллоёр ҳомиладор хотиннинг ундан қўрқиб бола ташлаб қўйганлигининг гувоҳи бўлиб, ўйланиб қолади ва қандай бўлмасин халқ олдида ўз гуноҳларини ювишга қарор қилади. У бойликларидан воз кечиб, Бойсунтоғдаги заҳарли илонлар ва аждаҳолар макони бўлмиш Вахшимор (илонлар макон)га йўл олади. Оллоёр Вахшиморга келиб, тақвода хаёт кечира бошлайди. У жойларга сув чиқариб, қишлоқдан илонларни қувиб юборади. Илонлар бу ерни тарк этгач, қишлоқни Вахшивор, деб атай бошлайдилар.

Илонлар ва аждоҳолар ғаласи Боботоққа ўтиб кетаётиб, қадимги шаҳар ёнидаги тепаликка келиб тўхташади. Ўша пайтдан бошлаб у ерда ўсадиган ўт-ўланлар моллар учун гўёки заҳарли бўлиб қолган эмиш ва шунинг учун бу жойга маҳаллий аҳоли Заҳартепа, деб ном қўйганмиш.

1970 йиллар охирида археологлар Э.В.Ртвеладзе ва М.Исҳоқовлардан иборат экспедиция бўлинмаси Будрач шаҳри харобасида археологик тадқиқот олиб борди. Шу жойдаги мактабнинг тарих ўқитувчиси О.Хўжанов қазув ишларини олиб боришда ҳамда археологик ашёларни тўпланида уларга катта ёрдам кўрсатди.

Шаҳар харобасидаги қазув-қидирув ишлари ҳажми ҳали унчалик кенг кўламда бўлмаса-да, бирок, унинг тарихий босқичларини тадқиқ этиш имконияти юзага келган эди. Бу эса Бактрия - Тоҳаристон шаҳарларининг қадимги ва ўрта аср давридаги тараққиёти қонуниятларини аниқлаш учун ниҳоятда муҳимдир, чунки бу шаҳарлардан кўплари ўрта асрларгача сақланмаган. IV-V асрларга келиб йўқ бўлиб кетган Будрач шаҳри эса бундан истисно, жуда яхши сақланиб қолган.

Афтидан, милоддан олдинги биринчи ва милоднинг I асрларида бу ерда турар жой барпо бўлган ва бутун Кушон подшоҳлиги давомида тараққий этиб бориб, маълум даражада йирик шаҳарга айланган. Шаҳар хом ғишт ва қалинлиги 10 метрга етадиган пахса девор билан ўралган йирик қалъа — Оқмозортепа (1,5 гектар) ва аҳоли яшаш жойи – Дунётепа (2,5 гектар)дан иборат бўлиб, айланаси мустаҳкам истеҳком девори билан ўралган эди. Уларнинг оралиғида ўралмаган шаҳар атрофи, бир мунча нарироқда эса, кишлоқлар жойлашган. Шаҳарнинг умумий майдони, теварак-атрофидаги кишлоқларни ҳисобламаганда, 20 гектардан ортиқроқ жойни ташкил этган. Кушонлар давридаёқ Будрач шаҳри Қизилсув — Сангардакларё ва Сурхондарё оралиғидаги ҳудуднинг бош маркази бўлган. Унинг устувор мавкеи илк ўрта (V-VIII) асрларда ҳам сақланиб қолган. Кушонлар даврида шаҳар атрофидаги турар жойлар зичлашиб кетган бўлса ҳам, Оқмозортепа олдингидек шаҳарнинг қалъаси бўлган.

Илк ўрта аср даврининг турли-туман топилмалари ва қатламлари кенг майдон бўйлаб қайд этилгани, ўша вақтдаёқ шаҳристон ташкил топгани ва у катта жойни эгаллаганидан далолат беради. Шаҳристон девор билан ўралганга ўхшайди. Унинг атрофида кишлоқлар, деҳқон кўрғонлари, будда сининиш маркази (Кулолтепа, Култепа, Чағаноқтепа, Чордингак) жойлашган эди. Бу вақтда Чағониён мулк марказлари — Термиз ва Хутталдан икки баравар кичик бўлсада, лекин Тоҳаристон қамровидаги бошқа мулклар (Қубодиён, Ҳаморавон, Шумон) билан баравар бўлган.

Шаҳарнинг қадимда ва илк ўрта асрда барпо этилган кўпгина қисмлари ривожланган ўрта асрда ҳам мавжуд мавкеини сақлаб қолган. Жумладан, шаҳарнинг истеҳком қисми — Оқмозортепа ва Дунётепа.

Шундай қилиб, Будрач шаҳри ўрнида илк қадимги даврдаги шаҳар билан нисбатан кейинги даврдаги шаҳар орасида узвий боғланиш мавжуд, дейиш мумкин. Бирок, ривожланган ўрта асрда шаҳарнинг алоҳида қисмлари (арк, шаҳристон работ) янада аниқроқ, мукаммалроқ шаклланиб улгуради, уларнинг ички тузилиши ва мазмуни анча ўзгаради.

Ўрта Осиёнинг кўпгина ўрта аср шаҳарлари каби, Чағониён-Будрач ҳам уч асосий қисмдан, арк (қалъа), шаҳристон (шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисми) ва работ (шаҳар атрофи)дан иборат бўлган. Кенг майдондаги шаҳристон 51 гектарни эгаллаган. Унинг атрофи девор билан, шунингдек, чуқур ва кенг хандақ билан ўралган. Шаҳарнинг чегарасини ана шу девор ва хандақ қолдикларига қарабгина аниқлаш мумкин бўлди.

Шаҳристонининг жануби-шаркий бурчагида мустаҳкам қалъа (Оқмозортепа) жойлашган бўлиб, унинг Кушонлар даврида қурилган деворлари шунчалик бақувват бўлганки, ўрта асрларда уни бир оз тиклаганлар холос. Ҳозир дўнгликнинг баландлиги 17,5 метрга етади. Қалъанинг гуркираб яшнаган даврида унинг канчалик мустаҳкам бўлганлиги шундан ҳам маълум. Ривожланган ўрта асрда Дунётепада сарой маъмурий мажмуаси — маҳаллий ҳукмронлар — Мужоҳидлар сулоласидан бўлган амирлар қароргоҳи жойлашган. Дунётепанинг ҳозирча озроқ қисми қазиб-текшириб кўрилган бўлишига қарамай, бу қазилмаларнинг ўзиёқ ажойиб натижалар берди. Қароргоҳ ўртасида катта ҳовуз бўлиб, унин атрофида пишиқ ғиштдан қурилган меъморчилик иншоотлари қад кўтариб турган. Бир неча иморатлар ичидан кўк, сариқ ва қизил рангдаги нақшинкор ва битикли сувокларнинг қулаб тушган катта-катта бўлаклари топилди. Будрач шаҳристонининг айрим қисмларида ҳунарманд (кулоллар, темирчилар, шишадамгарлар, чилангарлар, заргарлар) маҳаллалари жойлашган. Ўртароқда чиройли мачит бўлган. Бу мачит ҳақида ўрта аср араб географлари ёзиб қолдирганлар.

Работ кенг майдонни — 4 квадрат километр жойни эгаллаган. У ғарб томондан Заҳартепага туташган ва у ерда ҳам бинолар бўлган, жанубда Қизилсувнинг ўнг соҳилидан бир қисмини эгаллаган. Шаҳарнинг работ қисмида дарёнинг чап соҳили билан ўнг соҳилини туташтирувчи (XV аср) пишиқ ғиштдан қурилган кўприкнинг асос (таг) қисми ҳозирги вақтгача сақланиб қолган, бу жойда олдин ҳам бундай иншоотлар бўлган. Қизилсувнинг тик қирғоғида поғонадор шаклдаги ғалати бир иншоот қолдиғи топилди. Бу дарёда сувнинг кўтарилиши ва тушишини ўлчаб турадиган махсус қурилма қолдиғи бўлиб, ҳозиргача Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида бундай иншоот топилмаган.

Работ айникса X—XI асрларда шимоли-шарқий томонларга тез суръат билан кенгайиб борган, аммо бу ерларда унинг чегараси аниқ эмас, чунки работнинг катта қисмини ҳозирги вақтда қишлоқ эгаллаган.

Мўғуллар истилосидан сўнг шаҳристоннинг деярли бутун ҳудуди ташландиқ ҳолга келган. Қалъа эса XV асрда кабристонга айлантирилиб, бу ерда ғиштдан ишланган сағаналар барпо этилган. Эҳтимол, шундан кейин қалъа ўрни Оқмозортепа. деб атала бошлаган бўлса керак. Аммо шаҳар ҳали бутунлай йўқ бўлиб кетмаган эди. В.В.Бартольднинг фанда кенг тарқалган «Чағониён бу вақтда бутунлай йўқ бўлиб кетган эди», — деган фикрига қарама-қарши, шаҳарнинг яна қайта қад кўтаргани, аммо янги жойда, работ қисмида мавжуд бўлгани аниқланди. Бу жойда қалинлиги 4 метр бўлган 1 квадрат километрлик майдонда XIV—XV асрларга оид қатлам мавжудлиги қайд этилди. У ердан ўша давр тангалари, жумладан, хазиналар, сополлар, ғиштлар чиқди. Топилмалар Ғишли деган жойда айникса жуда кўп бўлиб, турли хил ғишт парчалари мавжуд.

XVI аср бошида Чағониённи Шайбонийхон қўшинлари босиб олгандан кейин шаҳар бутунлай вайронага айланган. Вилоят маркази Қизилсув дарёси бўйлаб 6 километр юқорига - Деҳинав (Янги Қишлоқ - ҳозирги Денов) ўрнига кўчади ва бу ҳақда дастлабки маълумотлар XVI аср охирларига тўғри келади. XVII аср бошларида Деҳинав мустаҳкам кўрғони, ажойиб бозори, катта мадраса ва ҳонақоси бўлган йирик шаҳар бўлиб шаклланади.

Будрач шаҳри харобаларини қазиш ва у ердан чиққан нарсаларни тўплаш жараёнида бу шаҳарнинг милоднинг дастлабки асрларидан бошлаб сўнгги ўрта асрларгача кечган даврдаги моддий ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи турли-туман ашёлар топилди. Кушонлар даври ашёлари орасида киздириб пишитилган сопол ҳайкалчалар эътиборга моликдир. Улардан бирида тик турган эркак киши (ҳайкалчаларнинг боши сақланмаган) тасвирланган. У кушонларга хос тиззагача тушиб турган чакмон кийган ва китобга ўхшаш бир нарсани кўкрагига босиб турибди. Бошқа ҳайкалчалар ҳам бор, масалан, юмалоқ юзли ва бодомқовоқ аёл тимсоли акс эттирилган ҳайкалча. Унинг бошидаги тожининг гардишига нақшланган ярим ой рамзига қараб, уни ой худоси дейиш мумкин.

Илк ўрта аср топилмалари орасида VI—VIII асрларга оид тангалар яхши сақланган. Улардан ташқари 400 тача танга тўпланган хазина топилди. Хазинадан Сосоний подшоҳлар Феруз (454-484) ва Хусрав I Анушервон (531-579) кумуш тангалари чиқди. Аммо хазинанинг асосий қисмини Хусрав I тангаларига тақлид қилиб ишланган маҳаллий Чағониён тангалари ташкил этади. Кўпчилик тангаларда қуйма зарблар мавжуд, аммо уларда баъзи фарклар бор: Феруз тангаларида «тамға», суғд ва бақтрий ёзувлари, маҳаллий ҳокимнинг даражаси зарб этилган. Хусрав I тангаларида эса, маҳаллий ҳокимларнинг даражаси билан бирга исми илова қилинган. Бу исмлар Бақтрия ётиқ ёзуви (курсив) бўлишига қарамай, В.А.Лившиц айрим исмларни аниқлади: Сашроҳидев, Зариноҳидев ва Ҳнароҳидев.

Бу тангалардан кўплари ҳозиргача фанда маълум бўлмаган ва нодир саналади. Топилмалар Чағониённинг сиёсий тарихи ва ундаги товар-пул муносабатлари тараққиёти борасида мутлақо янги маълумотлар беради.

Будрач шаҳри харобаларидан топилган жами мингтага яқин тангалар шаҳарда савдо-сотиқ ривожланганлигидан далолат беради.

Чағониёнда мис тангалар зарб эта бошлаганларидан кейин, уларнинг олд томонида ҳукмдорнинг кўкрагидан юқори қисми акс эттирилиб, орқа томонида эса, Чағониён ҳокимлари сулоласининг тамғаси зарб қилинган. Тангаларнинг кўпчилиги битиксиз, яъни ҳеч қандай ёзувсиз. Лекин уларнинг ичида жуда мураккаб кия Бақтрия ёзуви мавжуд битта ноёб танга ҳам бор эди. Уни ҳозирча ўқиш имкони бўлмади. Будрач шаҳри харобалари ва Чағониённинг бошқа шунга ўхшаш археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар бу вилоятнинг қадимда Эрон, Тоҳаристон, Суғд, Уструшана, Хитой ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан мунтазам савдо ва маданий алоқалари мавжудлигидан далолат беради. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда то VIII аср, яъни араблар истилоси давригача Бақтрия ёзуви қўлланилиб келинган. Ваҳоланки, Тоҳаристоннинг бошқа вилоятларида бу ёзув ўрнини суғд ёзуви эгаллаган эди.

Шаҳар харобаларидан топилган ривожланган ўрта асрлар моддий ва бадиий маданиятини акс эттирувчи турли хил ашёлар ниҳоятда кўп. Улардан юқори сифатли сир-бўёқли, нақшинкор, сирланган сополларни алоҳида қайд этмоқ лозим.

IX-X асрларда шаффоф кулранг сирли ва оқ таглик устига ярим сирли, кора нақш ишланган сопол буюмлар кенг тарқалган эди. Ундаги безакларнинг ўзига хослиги - турли нақшлар (ўсимлик ёки геометрик шакллар тасвири, шунингдек турли хил арабча ёзувлар) туширилганлигидир. Улардан баъзиларининг мазмуни саховат ва билимни мадҳ этувчи эзгу истак ва ҳикматлардан иборат. Баъзан турли фантастик мавжудотлар - қушлар ва ҳайвонларга сиғинишни англатувчи рамзий тасвирлар ҳам учрайди. Сирланган сопол буюмлар орасида ички юзасида яшилтоб тублик(фон)да оқ каптар тасвирланган коса туби эътиборни тортиб туради.

Милоднинг XI—XII асрларига оид ашёларда чукур мазмунли лавҳалар деярли йўқ, улар ўрнини эпиграфик нақшлар эгаллайди. Айни пайтда, мураккаб геометрик чизмалар ва ўсимлик тасвирлари ҳам кенг кўламда сақланиб колиб, расмлардаги ранг-баранглик ортиб боради. Чағониён кулолларн хилма-хил шакллар билан ажралиб турувчи сирланмаган сопол буюмлар тайёрлашда ҳам моҳир уста бўлишган. Қолипга солиб нақш туширилган

хушбўй ёғ солишга мўлжалланган «симоб кўзача», деб аталувчи идишлар хам жуда ажойиб. Сопол чироклар ижроси ва шакли жихатидан турли-тумандир. Сирланмайдиган сопол буюмларга накш тушириш учун яхши пиширилган лойдан тайёрланган колиплардан фойдаланилган. Улар кўпинча цилиндрсимон (ғўла шаклида) бўлиб, ёнбошига бирор-бир расм солинган. Уста кулол турли хил накшли колиплардан фойдаланиб, идишларда бежирим ва мукаммаллиги билан ажралиб турувчи санъатни ифодалаган.

Чағониён усталари металл буюмлар тайёрлашда хам юксак махоратга эришганлар. Улар идиш дасталарига турли-туман куш ва хайвонлар тасвирини ўйиб ишлаганлар. Унга ўсимлик расмлари ва геометрик шакллар чизмаларини илова килганлар. Йўлбарс боши кўринишидаги бронза чилимнинг юкори кисми жуда ажойиб ишланган. Бундай чилимлар дунёнинг бир катор музейларида бор ва улар XI-XII асрларга оиддир. Топилган чилим Чағониённинг ўзида ишланган бўлиши мумкин, чунки бу хилдаги чилимлар Хуросон-Ирок усталари томонидан ясалган, дейилади. Яна бир ажойиб санъат асари – канотларини кенг ёйиб турган бургутнинг жездан ишланган хайкали.

Шахарнинг ўзида курол-аслаха ишлаб чикариш йўлга кўйилган бўлган. Дунётепа казилганда ёй ўки учлари, килич синикдари, темирдан ишланган салмокли чўкмор - гурзилар топилди.

Шахарда заргарлик яхши ривожланган. Заргарлар турли хил тошлардан чиройли мунчокдар, нафис узуклар ва сирғалар тайёрлаганлар. Бу жойдан заргарлик буюмлари билан бирга, безакларнинг турли кисмини куйиш учун мўлжалланган тош ва металлдан тайёрланган колиплар хам топилди.

Мазкур жойдан топилган нарсаларнинг хаммасини муфассал шархлашнинг иложи йўк. Бирок, шу кисқа баённинг ўзидан хам Чағониён шахрининг моддий ва бадиий маданияти юксак даражада бўлганлиги аник кўриниб турибди. Бу бой маданият Бақтрия ва Тохаристон анъаналарида шаклланиб, ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Шарк маданиятининг илгор ютукларини ўзида мужассамлашган. Шу боисдан Будрач шахри харобалари ва топилмалари, бир томондан, бошка жойлардан топилган ашёларга ўхшаса, иккинчи томондан, айрим жихатларининг ўзига хослиги ва кадимийлиги билан ажралиб туради.

БУЛУТЛАРГА ТУТАШ МОЗОРОТ

1979 йил ёзида Боботоғ этагидан канал казиш вактида кадимий кабрлар очилди. Бу кабристондаги топилмалар ўзига хос ажойиб кўмиш маросими ашёлари жамланмаси бўлган мозорот ва унга ўхшаш буюмлар бу вилоятда хали учрамаган эди. Хозир бу кабристон фанда у жойлашган ернинг номи билан Биттепа (афтидан бу ном «битик»-«ёзув» сўзидан келиб чиккан), деб юритилади.

1979 йилнинг ноябрь ойида кабристонда казиш ишлари олиб борилиб, мозоротда сойлик тубидан 15 метр баландликдаги кумтепадан сағаналар топилди. Бу ерда оралиғи 4—6 метрдан иборат жами еттита сағана бўлиб, улардан олтитаси бир хил баландликда, факат биттаси 2 метр юкорирокда жойлашган.

Хар бир сағана (эхтимол муайян авлод хилхонасидир) квадрат (2,4х2,4 м, 3,3х3,3 м.), тўғри тўртбурчакли (1,8х2м, 2,3-4,9м) ёки хочсимон бўшликдан иборат бўлиб, унинг 1,3—1,9 метр баландликдаги шипи текис, куббасимон ёки ярим доира шаклидадир. Сағанага тор ва узун, баландлиги 1,0—1,2 метр келадиган гумбазсимон кириш йўлаги олиб боради. Йўлакнинг ўрта кисмида кичкина токчалар бўлиб, унда ёғоч тўсин колдиклари сакланиб колган. Кириш йўлагига 52х26х10 сантиметр катталикдаги тўртбурчак хом ғишт ёки тош ётказилган. Сағаналарнинг хар бирида 10 тадан 18 тагача майит кўйилган. У ердан хар хил ашёлардан ясалган мунчокдар, буғу тасвири туширилган чакмоктош, халцедондан ишланган тамғача, жез сирғалар, кўнғирокчалар, темир ва жез тўкалар, уч патли камон ўкининг учлари, темир пичоклар, чакмок тошдан ўт чикарадиган пўлат парчаси, жез узуклар (улардан бирининг кўзига ит тасвири ўйиб туширилган), шунингдек, бир дастали тор бўғизли кўзача шаклидаги жез шокила ва бошка ашёлар топилди.

Ноёб топилмалар орасида кўлида канотларини ёйиб турган катта кушни ушлаган санам (бут) шаклидаги жез шокила ва лойдан ишланган бутнинг боши хам бор эди. Шунингдек, кизил рангга бўялган пахта ва ипак матолар хам учрайди.

Топилган 15 дона кумуш ва мис тангалар (уларнинг бир кисми дафн этилганларнинг оғзидан олинди) орасида Феруз (459-484) зарб килган тангага ўхшашлари, Хусрав I Анушервоннинг (531-579) учта хукмдор бошининг расми туширилган тангалари, Хўрмузд IV (590-628) тангалари, Урк Вартармукнинг квадрат шаклида тешиги бўлган сўғд тангаси, подшох ва маликанинг кўшалок тасвири ўйилган «турк-суғд» тангаси услу-

бида зарб этилган Чағониён тангалари (лекин бу Сағониён тангасининг орка томонига бошқача «тамға» босилган, гардишида курсив (кийшик) бақтр ёзувида ҳукмдор номи битилган) бор эди. Бу тангалар тўриstonнинг майитлар қўйилган даври милоднинг VII-VIII асрига тўғри келишини аниқлашга имкон берди. Ўрта Осиёда бу даврга хос қабристонлардан жуда кўпи маълум. Аммо бу қабристоннинг ўзига хос томони бор. Қоялика ўйиб ишланган шу хилдаги қабристон қадимий Уструшана вилоятида ва Курукат деган жойда (ҳозирги Шимолий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ҳудудларида) топилган. Бироқ, фақат шу икки жойдагина топилган бу ноёб қабристонлар хилхоналарининг топографик хусусияти ва тузилиши жиҳатидан анчагина ўхшашликларга эга бўлишига қарамай, улардаги дафн этиш усуллари ҳамда дафн ашёлари туркуми хусусида муайян фарқлар ҳам мавжуд. Биттена қабристони хилхоналари ҳар хил яратилган: тўғри тўртбурчак, квадрат, хочсимон, орка девори нишаб тўғри тўртбурчак шаклларда.

Курукат қабристони хилхоналари эса фақат бир хил: орка ён девори нишаб тўғри тўртбурчак тарзида қурилган бўлиб, унга узун баланд йўлаклар оркали кирилади.

Улардаги дафн усуллари ҳам ҳар хил: Курукат қабристонида суяклар олдиндан тозаланган ҳолатда, тўплаб хумларга ва шундай катта сопол идиш (оссуарий)ларга солиб кўмилган. Биттена хилхоналарида эса мурдалар чалқанча ётқизилган. Дафн ашёлари ҳам уларда ҳар хил. Биттена қабристонидан дафн маросимига оид муҳим маълумотлар олса бўлади. Унинг ўзига хос томони — сопол идишларнинг бутунлай учрамаслигидир. Уларнинг ўрнига ёғоч идишлар ишлатилган, деб тахмин қиладиган бўлсак, бироқ ёғоч идишлар қолдиғи ҳам йўқ. Ёғоч шунча вақт сақланмаган бўлиши мумкин, деб ҳам бўлмайди, чунки Биттена қабристонида ёғочдан ишланган кичкина қутича жуда яхши сақланиб қолган. Шундай қилиб, қабрларда идишларга овқат ва сув солиб қўйиш одатидан воз кечиш, кўпроқ дафн маросимидаги қандайдир ўзгариш билан боғлиқ бўлиб чиқади. Жез давридан бошлаб чағониёнликлар марҳумларга ғамхўрлик тарикасида уларнинг қабрига овқат ва сув солинган кўплаб идишлар қўйиб келган бўлсалар, энди уларнинг нариги дунёдаги ҳаёти борасида тасаввурларида янги ўзгариш бўлган кўринади. Яъни нариги дунёда инсонга овқат керак эмас, деб ҳисоблайдиган бўлишган. Қадимий қабрларда атаб сўйилган ҳайвон гўшти солинган таомлар қолдиклари — қўй суяклари, баъзан қорамол суяклари ҳам чиққан. Чағониёндаги илк ўрта аср қабристонларидан сиғинув ва ўйин ашёларидан бошқа бирорта ҳам ҳайвон суяги топилмади. Айрим қабрларга турли хилдаги дон қўйилгани аникланди.

Бинобарин, бу ҳолни умуман овқатдан воз кечиш эмас, балки биринчи навбатда гўштли таомдан воз кечиш, деб изоҳламоқ лозим бўлади. Қизиғи шундаки, айнан монийлик динининг бош шартларидан бири гўштлик овқатни ейишни тақиклаш бўлган ва бу динга сиғинувчилар ҳамда унинг ихлосмандлари ўсимликдан тайёрланган овқатнигина истеъмол қилишлари лозим эди.

Монийлик ҳақида бир неча сўз. Бу диний-фалсафий таълимот милоднинг III асри охирида Эронда юзага келган. Унинг асосчиси Монийнинг «жаҳон дини» асосини дуалистик дунёқараш, яъни олам икки омил – ёруғлик ва коронғуликнинг ўзаро доимий курашидан иборат, деган тушунча ташкил этади. Ҳар бир ҳақиқий монийчининг вазифаси жонни ёмон иллатлардан кутказишдан иборатдир. Бунга эса ахлоқий баркамоллик йўли билангина эришиш мумкин. Моний ҳаётлиги давридаёқ яхши йўлга қўйилган тарғибот туфайли монийлик дини фақат Эрондагина эмас, балки Месопотамия, Кичик Осиё, Рим империясида ҳам кенг ёйилиб, Ўрта Осиёга кириб келади. Монийнинг ўзи: «менинг динim ҳар бир мамлакатда, ҳар қандай тилда ҳам тушунарли бўлади ҳамда мамлакатларга ёйилади», - деб таъкидлаган.

Моний таълимотининг муваффақиятлари, унда кўтарилган айрим ижтимоий қарашлар, улар канчалик суст бўлмасин, Эроннинг ҳукмрон доиралари ва зардуштийлик коҳинларини ҳавотирга солмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам сосонийларнинг Шопурдан кейинги шоҳи Варахрон I давридаёқ Моний қамоққа олинади ва қатл этилади, монийлик дини тарафдорлари эса қаттиқ таъқиб остига олинадилар. Монийлик динидагилар оммавий тарзда Ўрта Осиё ва жанубий Туркистонга кўчиб ўтадилар ва янги жойда ўрнашиб қолдилар. Маълумки, монийлик дини турк қабилалари орасида ҳам кенг тарқалган, уйғур хони эса милоднинг VIII асрида монийликни ўз давлатининг ҳукмрон динига айлантиради. Айнан Шарқий Туркистонда монийлик динига оид, жумладан, туркий тилда ёзилган кўплаб асарлар топилган.

Монийлик дини Чағониёнда ҳам кучли мавқени эгаллаган. Чағониён шоҳи 719 йили Хитой ҳукмдори ҳузурига монийлик таълимоти бўйича устод (буюк мошо)ни элчи ва дин тарғиботчиси сифатида йўллайди. «Бу киши катта тажрибага эга бўлган мунажжим ҳамда теран донишманд эрур ва у жавоб бера олмайдиган бирорта савол мавжуд эмас», - деб ёзиб юборади Чағониён шоҳи. Шоҳ шунингдек, бу устозга ўз дини ақидаларига кўра тоат-ибодат қиладиган бир ибодатхона қуриб олиши учун имконият берилишини ҳам сўраган.

Буларнинг ҳаммаси Чағониёнда монийлик нафақат расмий тан олинган дин, балки ҳукмрон дин ҳам бўлганлигидан далолат беради. Бу бо-

рада Афросиёбда қазиб очилган бинолардан бирининг деворидаги расм - безак тагида ёзилган суғдча лавҳа диққатга сазовордир (бу лавҳа Лившиц томонидан ўқилган). Унда Самарканд шоҳи Вархумон ҳузурига Чағониён шоҳи Туронтош номидан элчилар юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Суғд пойтахти (Самарканд)га келган чағониёнликлар Самарканд аҳолиси орасида ўз диний эътиқодларини жорий этмайдилар ва тарғиб қилмайдилар, дейилган. Бунда монийлик назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

Шундай қилиб, қабрларда вафот этганлар жони учун тушлик овқат қўйилмаганлиги ҳамда Чағониёнда сўзсиз монийлик мавжуд бўлганлиги ҳақидаги далиллар археологлар томонидан очилган қабристонда қайд этилади.

Монийчиларда, хусусан монийлик дини мустаҳкамланган жойлар — Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда узил-кесил, таркиб топган дафн маросимлари мавжуд бўлмаган кўринади. Бу дин ихлосмандлари мазкур вилоятларда олдиндан мавжуд бўлиб келган дафн удумларига ўз динлари талаблари асосида бирмунча ўзгартиришлар кирита олганлар, холос. Бу динга янгидан қабул қилинганлар эса дафн маросимларига маҳаллий, илгаридан шу жойларда қўлланиб келинган урф-одатлар ва эътиқодларни сингдириб борганлар.

Чағониённинг илк ўрта аср дафн маросимларида ёркин ифодаланган, яъни маросимларга муайян янгилик киритилгани ҳолда, айни пайтда уларда қадимги дафн удумлари ҳам ёркин намоён бўлиб туради. Хусусан, Биттепа қабристонидан чиққан кўпгина суяклардаги оғиз, юрак ва қўл ўрнидан кумуш тангалар топилди. Бу Ўрта Осиёда милоддан олдинги асрлардаёқ қўлланган жуда қадимги одат бўлиб, уни ўша пайтда келиб колган юнонлар олиб келган бўлиши мумкин. Археологлар тилида бу одат «Хорун оболи» (танга пули) ёки «Хорунга тўлов» номини олган. Бу ном қадимий афсонавий шахс номи бўлиб, у ўлганлар жонини ер ости Стикс дарёсидан нариги дунё - Аид дунёсига олиб ўтган. Юнон манбаларига кўра, жони нариги дунёга ўтказиб қўйилганлиги учун Хорунга икки обол (кумуш танга), кўпинча бир обол тўлаш керак бўларкан ва у ўликнинг тишлари орасига жойлаштирилиб қўйилган.

Бу одатнинг бошқа бир мазмун-моҳияти ҳам эҳтимолга жуда яқин. Хусусан, Биттепа қабристонида бир нечта танга юрак ўрнида топилганлиги баъзи халқларда мавжуд одат, яъни ўликнинг кабридан чиқишига халақит бериш мақсадида унинг юраги устига тош қўйиш одати билан боғлиқ дейиш мумкин. Баъзи бир тангалар гўрнинг турли жойида ётарди. Бу ҳолатни бошқача дафн маросимига тегишли ашё деб ҳисоблаш лозим бўлади. Яъни марҳумнинг гўё нариги дунёда яшаш учун зарур бўладиган

одатдаги нарсалар, деб қарамоқ тўғрироқ бўлади. Шунингдек, бу ҳолат Ер юзида яшовчи кишиларнинг ўлганлардан қўрққанлари ва шу боис уларга тўловлар бериб туришларини билдириши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Этнографлар Ўрта Осиё халқлари орасида яқин вақтларгача қадимий урф-одатлар билан боғлиқ турли хил ақидалар бўлганлигини аниқлаганлар. Янги қурилаётган уй мустаҳкам бўлиши учун унинг пойдеворига танга қўйишган, аслида эса бу одат – Ер руҳига садақа қилишдан иборат энг қадимги замонлардан буён келаётган ақидаларнинг акс-садосидир. Янги турмуш қураётганларга бахт-саодат тилаб бошидан танга сочишган. Тангалар қудратли ғайри табиий мавжудот устидан ҳукмронлик қилишга қодир мўъжизакор тумор, деб ҳам ҳисобланган. Маржонлар шодасидан бало-казолардан асрайдиган нарса сифатида фойдаланганлар. Кумуш танганинг мўъжизакор кучига бўлган ишонч туфайли, идишга сув солиб, унга кумуш танга ташлаб қўйиш одати келиб чиққан. Бу сувдан болага ичирилса, у турли иллатлардан халос бўлади, деб билганлар. Кўп жойларда ҳозир ҳам «Хорунга тўлов» удумининг қолдиғи тариқасида мозоротга пул ажратиб бериш одати сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Тангалан даволовчи сеҳр сифатида ҳам фойдаланилган. Оғриқни тўхтатиш ёки пасайтириш учун кумуш тангани касал жойга сурса кифоя эмиш.

Кўпгина урф-одатлар жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб бораркан, ўзининг дастлабки моҳиятини йўқотган, мозийдаги мазмунининг ташқи кўринишигина сақланиб қолган, холос. Бирок, уларни ўрганиш Ўрта Осиёнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги қабрларда танга қўйиш удумининг туб моҳиятини тушунишга имкон беради.

2003 йил.

ЧАҒОНИЁН АТАМАСИ ХУСУСИДА

Чағониён атамаси этимологияси хусусида турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи маълумотларда «Чағониён» «Чахон-руд», яъни «Кизил сув» сўзини билдиради, дейилса, бошқа манбаларда у «Саканиён» (саклар юрти)сўзидан олинган, деган фикр мавжуд. Шунингдек, луғатда Деновга обу-ҳаёт бериб келаётган Сурхон дарёси, аслида Сурх-об, яъни – кизил сув маъносини билдиради, деб изоҳланган.

Г.А.Пугаченковнинг «Холчаён» китобида Л.С.Бретанцки, С.Б.Певзнерларнинг Денов якинида **Чағониён**, деб номланган кандайдир йирик шаҳар ўрнини топишга муваффак бўлгани айтилади ва унинг этимологияси «Саганиён-Чағониён» деб талкин килинади. Ёзув асосида олганда, у арблар давридан шу ном билан аталсада, лекин жуда ҳам олдинги манбаларда «Саг» деган негиз сўз (Саклар)дан келиб чикиши мумкинлиги кайд этилади.

Чағониён – Сурхон дарёсининг юкори ва ўрта окими ҳавзасидаги кадимги вилоят ва унинг пойтахти номидир.

Тарихий манбаларда Чағониён илк бор 630 йилда тилга олинади. Хитой сайёҳи Сюань Цзянь уни Чиго-ян-на, араблар Сағониён (араб тилида «чим» ҳарфининг йўклиги боис сўз бошидаги биринчи ҳарф арабча «сод» ҳарфи билан алмаштирилган), форслар ва туркlар Чағониён, деб аташган. Сюань Цзянь 631 йилда Чағон шаҳрида 5 та бутпарастлик хонаси ва кучли кохинлар борлигини ёзиб қолдиради. Милодий VII асрнинг 2-ярмида Самарканд ҳукмдори Вархуман саройига Чағониён ҳукмдори Туронтош номидан элчи келганлиги Афросиёб саройи деворидаги ёзувда акс эттирилган.

Чағониён атамасининг этимологияси ҳақида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Н.А.Маев уни Саганиан (Саканиан), деб атайди. И.Марквартнинг фикрига кўра, бу атама мўғулча цагаан (ок) сўзидан келиб чиққан. Унинг фикрини В.В.Бартольд нотўғри ҳисоблаб, Чағониён сўзининг келиб чикиши арабча маънони билдириб, Сағонийон-Окснинг юкори ҳавзасидаги вилоят, вилоятнинг бош шаҳри Чағониёний, Чағоний деган маъноларни билдиради, деб изоҳлайди. Унинг фикрича, Чағониёндан оқиб ўтадиган дарёнинг номи Чағонруд (ҳозирги Сурхон) номи маҳаллий ҳукмдорларнинг нисбаи олийлари Чағонҳудодлар сўзидан келиб чиққан. Академик В.В.Бартольднинг фикрича Чағониён маркази Термиздан тўрт кунлик йўл ёки йигирма тўрт фарсах ва Қувадион (ҳозирги Қабадиён)дан 3 кунлик узоқликда жойлашган. Унинг тадқиқотларида Термиз ва Чағониён оралиғида бир неча шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот берилади. Термиздан 1 кунлик ёки 6 фарсах масофада жойлашган Сармангон ёки Чорманғон шаҳри ҳозирги Жарқўрғондан 5

км. жанубда мавжуд бўлган. Ушбу шаҳар қолдиғи харобаларидан ҳозир баландлиги 40 аршин ва диаметри 2 саржин бўлган пишиқ ғиштдан қурилган минора сақланиб қолган. Шунингдек, олим яна бир шаҳар – Ҳошимгирд (бу шаҳар Термиздан «Темир Дарвоза» томон 1 кунлик масофада жойлашган) билан бирга алоҳида вилоят таркибига кирган. Сармангондан 1 кунлик йўл ёки 6 фарсах масофада жойлашган Дарзанги шаҳрида аҳоли гавжум бўлиб, шаҳарда савдо-сотик ва тўкимачилик кенг тараққий этганлиги ҳақида академик маълумот келтиради. Шунингдек, у ҳозирги Бандихонсой ёки Қумқўрғондан 6 чақирим ғарбдаги Кўкжар ёнидаги Баранги қишлоғи ҳақида ҳам маълумот беради.

Э.В.Ртвеладзе ва А.Сагдуллаевларнинг таъкидлашича, Чағониён номининг асосида қадимги «*чағоно*» сўзи ётади. Фореча *-он* қўшимчаси кечрок келиб қўшилган. Эҳтимол, «*чағоно*» сўзи яхши ўрганилмаган бактрия тилининг бирон-бир лаҳжасига мансубдир.

Г.А.Пугаченковнинг бу ҳақдаги фикри диққатга сазовордир. Унинг ёзишича, бу сўзнинг ўзаги «*сак*» қадимги саклларга бориб тақалади. Улар милоддан аввалги II-I асрларда Бактрия ва ундан жанубга силжиган йирик кўчманчи абила иттифоклари эдилар. Саклар номи *Сакистон* (ҳозирги Сейстон) номида акс этган. Эътиборли томони, Шопур I (милодий III аср) давридан бошлаб, шаҳзодаларга «*сағоншоҳ*» унвони берилган. Эҳтимол милоддан аввалги II асрда силжиб бориш жараёнида саклларнинг бирон-бир қабилавий гуруҳи Сурхон водийсида қолиб аста-секинлик билан ўтроклашиб борган. Уларнинг номи вилоятнинг (*Сағониён*), дарёнинг (*Сағонруд*) аталишига, кейинчалик маҳаллий ҳукмдорлар унвони (сағканхудот)га айланишига асос бўлган дейиш мумкин.

Т.Нафасовнинг изоҳлашича, бу номнинг асоси «*чағон*». Сурхондарё ўрта асрларда *Чағонруд* (Чағон вилояти дарёси) деб аталган. *-и, -ён* аффикслари эроний тилларга хос қўшимча, *-и* аффикси ўрин, жой (вилоят ё шаҳар)га мансубликни билдиради, *ён* аффикси кишилар жамоаси, гуруҳини ифодалайди. *Чаг-саг* эса *сак* этнонимининг товуш варианти, *-он* аффикси кўпликни билдиради. Чағон-сағон-«саклар». Чағониён-«саклар шаҳри» (вилоят). Бу сўз вилоятга нисбатан қўлланилган.

Цагаан сўзининг энг қадимги формаси *сага* бўлган. «*Сак*» сўзи *сага* нинг товуш варианти. Плинийнинг маълумотига кўра, Яксартнинг нариги кирғоғида скиф қабилалари яшаган. Форслар уларнинг ҳаммасини саг (сак)лар, деб аташган. Аммиан Марцеллиан Яксартнинг ўрта ва қуйи оқимида саклларнинг бир канча шаҳарлари, шу жумладан, Саг шаҳри бўлганлигини таъкидлайди. Саклларнинг *саг* деб аталишига ўз даврида В.Григорьев ҳам эътибор берган эди.

Демак, оқ хуннлар ва саклар айнан бир халқдир. Бу халқ ўзини *сак*, ўзга халқлар уларни *сак* ёки *оқ хуннлар*, деб аташган. Сак (оқ хунн)лар Сурхон дарёсининг юқори ва ўрта ҳавзаларида ўрнашиб ўз вилоятларига асос солишади. Вилоят сак қабиласи номи билан Сағониён деб аталган. Топонимдаги *-он* кўплик қўшимчаси *(сағон>сакон-саклар)*, *-ён* топоним ясовчи қўшимча, қадимда уруғ, қабила номи билан алокадор бўлган жойларга нисбатан қўлланилган. Сағониён-«сак (оқ хунн)лар вилояти»дир. Кейинрок у Чағониён деб аталган.

Г.А.Пугаченкова ва Т.Нафасовларнинг фикрлари Н.Макрварт фикрига тўғри келади. Сабаби, VI аср Византия муаррихи Прокопий Кесарийский эфталитларни оқ хуннлар деб атаган. Илк ўрта аср Эрон манбаларида қизил хион (кармир хион) ва оқ хион (спет хион), ҳинд манбаларида қизил хуна ва оқ хуна қабилалари тилга олинади. Ҳинд манбаларидаги хуна қабиласи бу эфталитлардир. Прокопий Кесарийский эфталитларнинг хуни халқларидан бири эканлиги, аммо бошқа хуннлардан терисининг оклиги ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туришини қайд этади.

«Саконiён Мовороуннахрнинг тўртинчи ва бешинчи иқлимига мансуб ҳудуддир, Термиздан шимолда, Кеш ва Самаркандлан жанубда жойлашган. Саконiённи баъзан Чағониён ҳам деб аташади». Саконiёнга тобе аҳоли яшайдиган жойларда қишлоқлар кўпчиликни ташкил этган. Ҳудуди кенг марказ сифатида тан олинган. Саконiён – саклар, массагетлар, скифлар кабиласи яшаган, тарихи қадим-кадимларга бориб такаладиган ҳудуд. Машҳур қадимги юнон олими Геродотнинг «Тарих» номли асарида Саконiён тўғрисида аниқ маълумотлар берилган. Чағониён амирлиги сархадлари кенг бўлиб, унинг ҳудудларига ғарбдан Бойсуну Дарбанд, шимолдан Ҳисору Душанбе, жанубдан Жарқўрғондан юқори туманлар, шарқдан Боботоғ этакларигача чўзилган заминлар кирган. Умумвоҳа қадимда Чағониён номи билан юритилган, Сурхон дарёси бўлса, Чағонруд дейилган. Чағониён ва Чағонруд кўҳна Сак элати номи ила ҳамоҳанглик касб этади, яъни дарё атамаси Саконруд-Шаконруднинг талаффуздаги ўзгаришлари натижасидир. Бу эса Чағониён (Саконiён-Шако-ниён ёхуд Чағон-Сакон-Шакон-Чакон)га ҳам тўкис тааллуқлидир. Зеро, бу ном айримлар айтганидек, Чағон сўзи (қизил ёки мусиқа асбоби)га мутлақо алокадор эмас. Сакларнинг Бактрия билан алокаси қадимдан мавжуд эканлиги маълум, чунончи Аҳамонийлар давриданоқ, балким ундан ҳам илгари сак ва бохтарларнинг қўшинлари ягона лашкарга бирлашиб, Эрон-Юнон урушларида қатнашган. Чағониённинг қадимги маркази ҳозирги Қизилсув (Сангардак)нинг Сурхонга қуйиладиган чап соҳилида харобага айланган Будрачтепа ўрнида бўлган. Кейинрок бу марказ ҳозирги Деновга кўчган. Воҳа ҳам, унинг маркази ҳам Чағониён дейилган. Араб манбаларида Чағониён атамаси Сағониён тарзида битилган.

2006 йил.

ЧАҒОНИЁН ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА

Ҳаққонiй тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.*
И. А. Каримов

Қадимги Чағониён Аҳамонийлар ва VII асрдан бошлаб Турк ҳоконлиги даврида ҳам мустақил сиёсат юритган мамлакат сифатида машҳур бўлган.

Президентимиз И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбири берган саволларига берган жавобларида қайд этганларидек, «Инсоният тарихида давр-лар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу холатлар янги тарихий боскичда янгича шаклда рўй беради». Ушбу фикрни тарихий жиҳатдан таккослаганда Г.А.Пугаченкованинг «Холчаён», Э.В.Ртвеладзенинг «Чағониёнга саёҳат», Баҳодир Турғуновнинг «Қадимий Чағониён тупроғида маданият излари», Абдиназар Ҳидиров раҳбарлигида чоп этилган «Чағониён» китобларида Чағониён сўзининг тарихий асослари илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Милоднинг I-IV асрларида ҳукмронлик қилган Кушон империяси даврида Сурхондарё воҳаси иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этади. Аммо III асрнинг иккинчи ярмида салтанатда юз берган кучли тўқнашувлар империяни ҳалокат ёқасига олиб келади. Кушон салтанати Эрон сосонийлари қўшинлари томонидан мағлубиятга учрагач, унинг ерларида боскинчиларга қарам вилоят ташкил этилади. Бактрия-Тоҳаристон ҳудудларига тўғри келган бу вилоятни сосонiй шаҳзодалар идора қилганлар.

Тоҳарлар иқтисодий ва маданий ҳаётга кўп аралашмай маҳаллий сулолалардан солик олиш ҳисобига яшаганлар. Миллионга якин аҳоли яшаган мамлакатда сунъий суғориш, ҳунармандчилик, қурувчилик, тўқимачилик анча ривожланган. Буюк ипак йўлининг ривожланиши натижасида Жанубий Европа, Кичик Осиё, Ҳиндистон билан савдо-сотик янада фаоллашади. Тоҳаристон билан Хитой ўртасида иқтисодий-савдо алокалари анча тараккий этди ва ушбу ҳудудда иқтисодий-маданий ҳаёт анча юксалди. Хитой сайёҳи Чжан Цяннинг маълумотига қараганда, юэчжийлар Тоҳаристонда тинч ҳаёт кечиришиб, хунларга қарши урушга қатнашишга рози бўлмайдилар. Тоҳарлар милодий I-IV асрларда донг таратган Кушонлар империясининг ташкил топишида катта ҳисса қўшганлар.

---

* Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т.: НМАК, «Шарқ». 1998, 29-бет.

IV асрнинг 60-70-йилларида Шопур II Марказий Осиё ерларига шимолдан кириб келган хионийлар билан кураш олиб боради ва иккинчи маротаба енгилади. Милодий 380 йилда хион кабилаларининг ҳаракати туфайли. Шимолий Тоҳаристонда хион кабилаларининг мустақил вилояти вужудга келади. Шаркий Тоҳаристонда эса эфталитлар кабилалари уюшмасидан иборат бирлик ташкил топади.

Мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрин тутган Эфталитлар давлати ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторида турган. Эфталитлар сиёсий ҳукмронлиги V аср ва VI асрнинг иккинчи ярмига қадар мавжуд бўлган. Эфталитлар ҳақида хитой, хинд, форс, арман, сурия, лотин тарихий манбалари маълумот беради. Хитой манбаларида эфталитларида эфталитлар ида, ияда, идан, идян атамалари билан. Сурия ва лотин манбаларида эптал, абдал; арман манбаларида — идал, тетал, хептал; араб ва форс манбаларида хайтал, йафтал, хатал; хинд манбаларида — хуна каби номлар билан қайд этилган. Хитой манбаларида эфталитларнинг юэчжий ё уйғур қабилаларига тегишли эканлиги таъкидлаб ўтилади. Византиялик тарихчи Прокопий эфталитлар ҳунлардандир, тана-лари эса оқ, деб маълумот беради. Паҳлавий ёзувида битилган «Бахман-Яшт»даги манбада Эрондаги подшоҳлик ва олий ҳокимият эроний бўлмаган қулваччаларга, яъни хион, турк, хафтал (эфтал), гибетликлар қўлига ўтади. Шунингдек, «Бахман-Яшт»да лўнда қилиб эфталитлар эроний эмас, деб ёзиб қўйилган. Хитой манбаларида Идан (эфталитлар) сулоласи Хан сулоласи давридан маълум катта юэчжий авлодидир. Дахя (Бактрия) бу Ту хо ла (Тоҳаристон) демакдир. Бу ерлик ҳукмдорларнинг номи Иэде (Эфтал, эфталан, эфталит) бўлиб, бу ном билан давлат номи аталган. Эфтал авлодлари мамлакатни мустаҳкамлаш учун бир қатор муҳим ислоҳотлар ўтказиб, ўзларининг ҳукмрон мавкеларини анча мустаҳкамлаб оладилар.

Тахминан 457 йили Вахшунвар (Ахшунвар) бошлиқ эфталитлар Чағониён (Сурхондарё вилоятининг Термиздан юқори қисмлари), Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Рим тарихчиси Прокопий (VI аср) «Эфталитлар давлатни маъмурий-сиёсий жиҳатдан бошқарадилар», деб ёзади. Чунки давлатни қонунчилик ҳамда каттиққўл сиёсий бошқарув тизими мавжуд бўлган. Эфталитлар даврида минтақада сўғдча, хоразмча, бухороча, карошти (кҳа-рошти), эфталийча ёзувлар маданий жараёнга ўз ҳиссасини қўшган. Эфталит ёзуви ҳақида чинлик Сюан Цзан қуйидагича маълумот келтиради: «Ёзувларидаги асосий ҳарфлар сони йигирма бешта бўлиб, улар ёрдамида иборалар, сўзлар ясайдилар. Саҳифага хатни энига туширадилар, чапдан ўнгга қараб ўқийдилар».

Сосонийлар Эрони Тоҳаристон ерларини яна қайтариб олиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб боради. Хусусан, Ёздигард II даврида бу ҳаракатлар янада кучаяди. Арман тарихчиси Егише Вардanetнинг ёзишича, сосонийлар шоҳи хионийлар билан икки йил кураш олиб бориб, уларни бўйсундира олмаган. Шаркий Тоҳаристондаги бой берилган ерларни қайтариб олиш учун эфталитлар билан сосонийлар ўртасидаги тўқнашувлар V асрнинг 30-йилларидаёқ содир бўлган эди. Арман тарихчиси Вардanetнинг ёзишича, V асрнинг 50-йилларида эфталитлар иттифокининг кучайиб кетиши натижасида, улар жанубдаги ерларга қараб силжий бошлаганлар. Тахминан 457 йилда Вахшунвар бошчилигидаги эфталитлар Чағониён, Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятини ўрнатадилар.

Солноманавис ад Диноварий (вафоти 952)нинг «Китоб ал ахбор»да битишича, сосоний Хусрав I Анушервон (ҳукмронлиги 531-579) қўшинлари Эфталит давлатининг Тоҳаристон, Кобулистон ва Чағониён вилоятларини босиб олади. Эфталитлар VI асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг бу катта қисмини бирлаштирган кучли давлат тузади. Қиска вақтга бўлсада, ўз давлатининг асосий ўзагини ташкил этган Тоҳаристон ерларини сосонийлар Эронига карамликдан сақлаб қолади. 563-567 йилларда Турк ҳоконлигининг ҳужуми туфайли эфталитлар мағлубиятга учрайди, аммо улар ҳукмронлиги Чағониёнда сақланиб қолади. Шикаст топган эфталитларнинг қолган-кутган қисмлари Чағониёнга чекинади ва асли эфталит бўлган Чағониён ҳокими Фагонишни ўзларига йўлбошчи қилдилар. 571 йили Чағониён Хусрав I Анушервон ихтиёрига ўтади. Бу ҳодиса икки хил изоҳланади: Фагониш гуё туркий ҳоконларга қарши курашда Анушервонга таянмоқчи бўлган ёки турк ҳокони Истамий билан Анушервон шартномасига биноан Чағониён Сосонийларга тегади. Чағониён Эфталитлар давлати таркибида етмиш йил турди, хатто, Чағониён ҳокими эфталитлар уюшмасининг раҳномосига айланди. Кўринадики, Чағониён Сосонийлар ва Эфталитлар давлати таркибида кўп жиҳатдан мустақил бўлган.

Хусрав I Анушервон эгаллаган ўша вақтдаги Бактрия вилоятлари орасида ад-Диноварий фақат Тоҳаристон ва Чағониённи кўрсатиб ўтади. Ўзбекистон жанубининг эфталитларга бўйсунганлигини Перуз тангаларига тақлидан ясалган эфталит тангаларининг Денов, Хайрободнинг барча ҳудудиларидан топилганлиги ҳам тасдиқлайди. Бирмунча кейинрок, аниқроғи VII ва VIII аср биринчи ярмида Чағониёнда Чочнинг туркий ҳокими ва Марказий Осиёнинг бошка вилоятлари ҳукмдорлари тангаларига тақлидан зарб қилинган бу тангаларнинг олд томонида ҳукмдор ва унинг рафиқасининг тасвири, орка томонида эса юқори ва пастки учлари илгаксимон ромб шаклидаги тамға бўлган. Сосонийлар зарб қилган тангаларга тақлидан яратилган оддий тангалар билан Чочнинг туркий ҳукмдорлари тангаларига тақлид қилиб, зарб

этилган мазкур тангаларнинг бир-биридан кескин фарк килишига асосланиб айтиш мумкинки, Чағониёнда VII асрнинг биринчи ярмида ҳукмдор сулолалар алмашуви содир бўлган ва олдин ҳукм суриб келган эфталитлар сулоласи ўрнига бу ерда ҳокимиятга туркий сулола келган. Аммо чағонхудотларнинг эски сулоласи ўз мавкеларини сақлаб колган ҳолда сосонийларга эмас, балки 589 йилда Тохаристонга кириб келган туркларга мослашиб олган. Чунки туркlар бир неча марта Тохаристонга бостириб келган. Кон Тун Ёбғу даврида (618-630) Тохаристон узил-кесил туркларга карам бўлади.

Чағониён шаҳри ҳақида илк бор хитой сайёҳи Сюан Цзян хабар беради. Бу 630 йиллар атрофига тўғри келади. Сюан ўз кундалигида ушбуларни битиб колдирган: « Чағониён шаҳри 10 ли (бу 3 км га тўғри келади) масофада ўраб олинган ва Тирмиз шаҳридан икки марта кичик, лекин Қабодиён марказий шаҳри билан тенг». X асрда муаррих ал Истахрий (849-934) кўрсатишича, эндиликда, Чағониён шаҳри ўз майдони жихатидан Термиздан катта, бироқ Термиз ўз ахолиси ва бойлигига кўра Чағониёндан устунрок. Қисқаси, Чағониён шаҳри охирги уч юз йил ичида шимолий Тохаристоннинг энг юксак маданияти ривожланган, илм-фан равнак топган марказий шаҳарларидан бири сифатида барча сарчашмаларда улуғланади.

Тарихчилардан ал Истахрий «Китоб ал масолик вал мамолик» («Мамлакатлар масаласи китоби», 933 й.) ва ал Мукадласий «Ахсан ат такосим фи маърифат ал иклим»(«Иқлимларнинг тўғри ва илмий тақсимоти», 985 й.) номли асарларида ёзишларича: «Чағониён шаҳрида кўрғон бўлиб, унда чиройли ва катта бозор бор, бозор ўртасида хушбичим масжид кад кўтариб туради, масжидда махсус пишиқ ғиштли хоналар мавжуд. Шаҳардаги ҳар бир хонадон сув билан таъминланган, суғориш ишлари яхши йўлга қуйилганидан шаҳар атрофи қалин кўкламзор билан қопланган, турли анвойи ўсимликлар билан ўралган, ўтнинг баландлигидан отлар кўринмайди, кишда бу ерда қуш овланади. Шаҳар аҳли асли мусулмон бўлиб, улар ўта мехмондўст халқдир...». Манбаларда гоҳо дарё номини Чағониён ҳам дейишган. чунончи Ёкут Ҳамавий (1179-1229) «Муъжам ал булдон» («Шаҳарлар луғати»)да Тирмиз ҳақида гапирар экан: «Тирмиз – Амударёнинг шаркий томонига жойлашган катта шаҳар. Унинг ҳокими турадиган жой ас Сағониён аслида Чағониён бўлиб, демак кадимда Сурхон (Чағонруд-Сағонруд) баъзан воҳа номи каби Чағониён деб юритилган экан. Буни Ҳофизи Абру (1362-1431) ҳам тасдиклайди: «Тирмиз - Жайхун канори буйидаги шаҳар... Экинзорлари Чағониён (Сурхон) сувидан ичади». Аммо дарё аксар ҳолда Чағонруд номи ила аталишини «Ҳудуд ал-олам» китоби исботлайди: «Чағонруд Чағониёндан оқади ва Тирмиз ёнида Жайхунга қуйилади». Чағониён кўҳна замин, у турли замонларда турфа номларда аталди, чунончи, Бақтрия, Юнон-Бақтрия,

Кушон, Тохаристон. Чағониён ва ниҳоят ҳозирги кунда Сурхондарё номини олган. Бақтрия деган юртда Бубакен, Габоз, Парейтакен номли вилоятлар борлиги тарихда битилган ва Рустам ҳамда Алпомиш каби туркум достонларнинг яратилиши, таркалиши ҳам Сурхон замини билан боғлик эканлиги эътиборли.

Хитой манбаларида (Сюан Цзян, Хой-Чао битикларида, VII-VIII асрлар) Шимоли-Гарбий Тохаристон ерларида Чағониён мулклиги мавжудлиги тилга олиб ўтилади. Чағониён эса Чағонруд (Қизилдарё) дарёсининг юқори ҳавзасидаги ерларни, Ҳисор ва Бобатоғ тоғ олди майдонларини ўз таркибига олган. Мулкликнинг марказий шаҳри Будрачтепа ўрнида жойлашган.

Чағониён дастлаб араблар истилосидан олдинги вақтга оид тарихий манбаларда эслатилади. VII аср Хитой солномасида шундай дейилади: «Чинганйен-на бу мамлакат маширқдан магрибга 400 *ли* ва шимолдан жанубга 500 *ли* га якин майдонда ястанган. Пойтахти айланаси тахминан 10 *ли*. Шарк томонда Хво-ло-мо деган жойга бориб туташади». 10 *ли* тахминан 5 км га тенг. Бу фикр Чағониённинг анъанавий маркази Далварзинтепа тўғрисида кайд этилган. Чағониён жанубда Термиз вилоятига туташган; шимолда эса Хво-ло-мо (Хварамо) вилояти жойлашган, араб муаллифлари асарларида Хорун ёки Охарун, деб кайд этилган. Ибн Хурдодбех ва Қудама (IX аср) Чағониёндан 6 (ёки 3) фарсах узокликда Навандак, ундан 7 фарсах масофада Хамоварон номли жойлар бўлганлигини ёздилар.

Чағониён мулки – Тохаристон (бу ном ҳозирги Афғонистон Ислом давлатидаги Тахор вилояти номида сақланиб колган) таркибидаги энг йирик ва энг кучли ўлка бўлган. Бу ҳудудда катта-катта кишлоклар ва улкан шаҳарлар кад кўтарган, унда ўз тангалари зарб килинган.

Чағониёнда VI-VII асрларда шохлар салтанати (бу ҳодиса сосонийлар билан боғлик) ўрнатилган, сўнгра, VII асрнинг 2-чорагидан унда туркий хоконликка тобе Ябғу ҳамда Шодилар устувор бўлган. VIII асрдан бошлаб Чағонхудотлар ҳукмронлиги бошланади. Аммо Чағонудотлар ҳокимияти качончача чўзилганлиги номаълумлигича колиб келмокда. Ҳар ҳолда, Чағонхудотларнинг ҳукмронлиги араб истилосидан сўнг барҳам топган кўринади.

Турк ҳоқони (коон, когон, хоқон, хон) Тун Ябғу (Ябу-жабу, ҳукмдор, бек 618-680) даврида Тохаристонни бошкариш унинг ўғли Тарду Шоди зиммасига юкланилади.

Чағонхудотлар Чағониённинг ўз даврида йирик давлат сифатида танилишида ўз ҳиссаларини кўшгани шубҳасиз.

VII аср ўрталарида Хуросонни истило килишни тугаллаган араблар Тохаристон ерларида ҳам ҳарбий ҳаракатларини бошлайдилар.

651 йили араб кўшини бошлиғи билан Чағониён шоҳи яккама-якка жанг килганлиги кайд этилган. Бу вокеадан шу нарса аникки, Чағониён шоҳи

бутун бошли араб босқинига қарши ҳаракатнинг раҳнамоси бўлган. 652 йил бошида Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Амир Чағониённи эгаллашга муваффақ бўлади. Лекин маҳаллий аҳолининг араб истилочиларига қаршилик кўрсатиши давом этди ва араблар янги-янги юришлар қилишга мажбур бўлдилар. Дастлаб Аслам ибн Абу Амр ал-Қифорий, кейин эса, VIII асрнинг биринчи ярмида, Қутайба ибн Муслим янги дин – исломни ёйиш мақсадида Чағониённи эгаллаб оладилар. Аммо Чағониён давлатнинг бошқариш тизими маҳаллий арбоблар, яъни Чағонхудотлар қўлида қолади.

Чағониён мустақил давлат сифатида шаклланаборди. Давлатга ҳар доим авлоддан-авлодга ўтувчи сулола ҳукмронлик қилган. Ана шундай ҳукмдорлар сирасига Тиш сулоласи ҳам мансуб бўлган. Чағониён ҳукмрони Тиш Узоқ Шарқ манбаларида (718-719) Тоҳаристон ябғуси, яъни бош ҳукмдори тарзида тилга олинади.

Чағониённинг ана шу ҳокими ўз қўшинларини Шуман ва Аҳарун (Қоратоғ дарёси ва Ҳисор воҳаси) ўлкаларини бўйсундириш учун юбораётиб, 704 йили Талиқон (Афғонистоннинг Тоҳар вилояти) шаҳрига олтин калит ва совға-саломлар билан ташриф буюриб, Қутайба лашкарларини ёрдамга чақиради. Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларига юриш қилган араб қўшинларига Чағониён ҳудотлари ҳарбий кўмак берганлари ҳам маълум. Масалан, 706 ва 709 йилларда Қутайба ибн Муслимнинг Бухоро ва Пайканд юришлари, 737 йилги Асад бинни Абдуллоҳнинг Хуттал (Ҳаштал-Эфтал) ҳамда Турк ҳоқонлигига қарши юришларида Чағонхудот шахсан ҳамроҳ бўлган.

Чағониён билан бирга Тоҳаристоннинг ҳам ҳукмдори блган Тиш сулоласи ҳукмронлиги даврида Чағониён мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган. Чағониёнликлар бошқа давлатлар билан дипломатик ва диний алоқалар ҳам ўрнатишган. Улар ўз тангаларини зарб эттирган.

VII асрнинг 70-йилларида бошланган Муқанна раҳнамолигидаги ок кийимлилар ҳаракатига Чағонхудотлар рўйхушлик бермадилар, балки уларга қарши чиқдилар.

Қутайбанинг Чағониёнга кириб келиши билан Чағониён ислом дини таъсирига ўтган бўлса-да, асл бошқарув Чағонхудотлар ихтиёрида эди ва улар оз эмас, кўп эмас юз йилга яқин ҳукмронлик қилиб турдилар..

Чағониён ҳукмронлари узоқ ва яқин ўлкаларнинг ҳукмрон доиралари билан диний, иқтисодий, сулолавий алоқаларни йўлга қўйиб, ўзаро алоқалар ва савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият берардилар. Чунончи, Афросиёб саройи харобалари очилгандан кейин аниқландики, Самарқанд шоҳи Вархуман саройи деворларида чизилган расмларда VII асрнинг 2-ярмида Самаркандга (650-670 йиллар) Чағониён давлатидан элчилар ташриф буюрганлиги тасвирланган. Девонхона бошлиғи, яъни даҳирпат (дабир-ёзувчи-котиб) раҳбарлик қилган Чағониён давлати элчилари Самарқанд шоҳи Вархуманга совға-саломлар билан биргаликда келин ҳам олиб келган. Чағонхудотларнинг ҳукмронлиги даврида, 719 йилда Чағонхудот Тиш (Тиштрия-Сириус, авестача, энг равшан юлдуз) тарафидан Чин (Хитой)га монийлик дини пешвоси Мо-Жо бошчилигидаги элчилар жўнатилганлиги ҳам маълум.

ЧАҒОНИЁННИНГ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ - МАДАНИЙ ҲАЁТИ
(IX-XV АСРЛАР)

Араб истилоси тугалланиши билан Термиз ва Чағониён аста-аста Тоҳирийлар ҳамда Сомонийлар давлати тасарруфига ўтади. IX асрнинг 2-ярмидан бошлаб Чағониёнда тарихда номаълум бўлган амирлар сулолари ҳукмронлик килган, аммо X асрдан эътиборан бу заминда Мухтожийлар сулоласи ўрнатилган. Шунингдек, X-XII асрлар мобайнида бу юртнинг Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжукийлар давлатлари таркибида бўлганлиги тарихдан маълум.

IX аср охирларида Чағониён Исмоил Сомоний (892—907 йилларда ҳукмдор) асос солган Сомонийлар давлати таркибига киритилди. Сомонийлар давлатининг чекка кисмлари бўлмиш Чағониён ва Хоразм ҳукмдорлари Исмоил Сомонийга ўлпон эмас, балки пешкаш йўллаб турганлар. Бу билан улар ўз мустакил сиёсатини сақлаб қолган.

Сомонийлар давлати барҳам топгач, XI асрда Чағониён Ғазнавийлар ва Қорахонийлар давлатлари тасарруфига ўтади. Ғазнавийлар ва қорахонийлар бир-бири билан муттасил ўзаро уруш олиб борган. Бундан Чағониён ҳукмдорлари Тоҳир Чағоний, Абу Саид Музаффар ва Фахруддавла Аҳмад ибн Муҳаммадлар усталик билан фойдаланганлар. Баъзан ҳийла ишлатиб, ҳар иккала давлат ҳукмдорларига чап бериб, аҳолини киргинбарот урушларидан сақлаб қолишга эришганлар.

Кейинроқ Чағониён қарлуклар, груйлар ва хоразмшоҳлар давлатларига бўйсунган. Бу даврда Чағониёнда шимолий Тоҳаристоннинг бошқа ҳудудларидаги каби, ислом маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни бошланди. Натижада, ислом дини, араб тили ва ёзувининг кенг тарқалиши, мусулмон дунёси мамлакатларига хос меъморий иншоотларининг, жумладан, мадраса, масжид, карвонсарой, мақбара ва бошқа маъмурий-маданий биноларнинг қурилиши кенг миқёсларда олиб борилган. Чағониён ўзининг равнақига эришган даврида, яъни X-XI асрнинг биринчи ярмида Қизилсувнинг иккала қирғоғини эгаллаган. Чағониён атрофидаги Ғармалисой қишлоғи ҳудудида кулолчилик устахоналаридан топилган мис идишлар хазинаси Чағониёнда мисгарликнинг тараккиётидан дарак беради. XI асрга оид (оғирлиги 300 килограммга якин) бу хазина турли идишлардан, жумладан, катта-кичик козонлар, ховонча, шамдон ва кўзалардан иборат. Бу ноёб намуналар Сурхондарё археология музейида сакланмокда.

Чағониёнда содир бўлган барча ижтимоий-иктисодий жараёнлар Араб халифалиги таркибида бўлгани сабабли, мусулмон дунёси мамлакатлари билан узвий боғлик ҳолда кечган. 806-810 йилларда Аббосийларга қарши кўтарилган Рафи ибн Лайс кўзғолонини бостиришда Чағониён кўшинлари ҳам иштирок этган.

IX асрдаги Чағониённинг сиёсий ҳаёти ҳакида маълумотлар кам сакланган. 821 йилдан бошлаб бу ўлкалар ҳам Тоҳирийлар давлати таркибида бўлган. Буни Абдуллоҳ ибн Тоҳир даврида ёзилган солик рўйхатида Чағониённинг бўлишидан ҳам билиш мумкин. Чағониён араб халифаси хазинасига йилига 48,500 дирҳам тўлаб турган экан.

Йирик олим, комусий билим эгаси Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий «Тарих ар-расул вал-мулук» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи»), IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида яшаган сайёҳ ва географ олим Абу Исҳок Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрий (850-934) «Масолик ул-мамолик» («Мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳакида») асарларида кўп мамлакатлар қатори Мовароуннаҳр, хусусан, Чағониён вилоятининг чегаралари, иклими, маъмурий бўлиниши, аҳолиси ва унинг машғулоти, машҳур кишилари, савдо-сотик масалалари ҳакида маълумот берганлар.

X аср охирида яшаган Ал-Мукаддасий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Мукаддасий) ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» («Иклимларни ўрганиш учун яхши кўлланма») номли асарини ёзиб колдирган. Муаллиф, шунингдек, юкоридаги фикрларни тасдиклаб, Сағониён шаҳри Рамиуга, унинг вилояти эса Фаластинга ўхшашлигини, унинг пишик ғиштдан терилган баланд устунли, равоксиз масжиди бозорнинг ўртасида жойлашганлигини, шаҳарнинг ҳар бир маҳалла ва уй-хонадонларига сопол сув кувурлари ўтказилганлигини таъкидлайди.

X асрнинг кўзга кўринган йирик олими Истахрийнинг шогирди сайёҳ ва географ Ибн Ҳавкал (Абулқосим ибн Ҳавкал ан-Насибий) устозининг илтимосига кўра, «Китоб ул-масолик»нинг хатоларини тузатиб, унга хариталар илова қилади. Ибн Ҳавкал ўзининг «Китоб сурат ал-ард» («Ернинг шакли») номли асарининг Мовароуннаҳр кисмига тарихий вокеаларни киритиб, китобнинг кимматини оширишга эришади. Сағониён Амударёга Термиз шаҳридан пастрокда кўшилишини тасвирлаган Ибн Ҳавкал ўз асарида Истахрий қўллаган «қалъа» атамасини ишлатмайди, балки фақат кўҳандиз – эски кўрғон ҳакида маълумот келтиради.

Тарихчи Гардизийнинг ёзишича, 1025 йили Султон Махмуд Ғазнавий катта кўшин билан Балх шаҳрига келган. Бу ерда Мовароуннаҳрдан келган одамлар Бухоро ва Самарканд ҳокими Алп Тегин устидан амирга

шикоят киладилар. Мовароуннахрни кўриш ниятида бўлган Маҳмуд Ғазнавий бундан фойдаланмоқчи бўлади. Маҳмуд Ғазнавий истибдолига атроф вилоятларнинг амирлари пешвоз чиқади, булар орасида Чағониён амири ҳам бор эди. Худди шу даврда Чағониён амирлиги қорахонийлар ва ғазнавийлар сулолалари ўртасидаги ўзаро кураш вазиятини тўғри баҳолаб, ўзларининг нисбатан мустақиллигини сақлаб қолганлар. Чағониён қудратли ғазнавийлар давлатига қўшни бўлса-да, унинг амирлари Музаффар кия ва Фахр ад-Давла Аҳмад ибн Муҳаммад ўзларини қорахонийлар вассали, деб ҳисоблаганлар.

Чағониён давлатининг иқтисодий-сиёсий ҳаётини ўша даврда зарб этилган ва археолог олимлар томонидан қазиб топилган тангалар орқали англаш мумкин. Мавжуд тангалар шундан далолат беради: 1025–1027 йилларда Чағониён қорахонийлар давлати таркибида бўлган, 1027–1039 йилларда эса мустақил давлат сифатида фаолият юритган. Аммо 1038–1039 ва 1042-1043 йилларда Чағониён ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиб, уни қорахоний Бўри Тагин идора қилган. Бирок, Чағониён 1031 йилдан, афтидан, 1041 йилгача ҳали ғазнавийлар тасарруфида бўлган кўринади. Буни муаррих Абулфазл Байҳақий ўзининг «Масъуд тарихи» номли асарида ёритган. Унда 1031 йилнинг 15-18 апрель воқеалари ҳикоя этилади. XI асрнинг 30-йиллари Чағониён ғазнавийлар ихтиёрида эканлиги анча ойдинлашади, чунки Термизга ташриф буюрган Султон Масъуд ҳузурига Чағониён амири ҳам келган эди.

Чағониённи тўла бўйсундириш учун салжуқийлар султони Алп Арслон ҳарбий юриш уюштиради. Ибн ал-Асир берган маълумотларга қараганда, салжуқийларга бўйсунишни истамаган Чағониён ҳокими Мусо салжуқийлар қўшинининг Чағониён шаҳрига яқинлашиб келаётганини билгандан сўнг, оз сонли жасур кишилардан иборат кичик тўда билан Сина қишлоғидаги баланд тоғда жойлашган Қизқўрғон қалъасига ўрнашиб олиб, қаршилик кўрсата бошлайди. Аммо катта қўшинга эга бўлган Алп Арслон қалъани қўлга олиб, Мусони қатл этади ва бутун вилоятни ўз давлатига қўшиб олади.

1056 йилдан Чағониён салжуқийлар давлати тасарруфига олинади. 1065 йилда эса Алп Арслон уни укаси Илёсга иқто сифатида инъом этади.

XII асрнинг иккинчи ярмида Салжуқийлар давлати қулагач, Чағониён туркий қарлуқлар қабиласи қўлига ўтади. Аммо бу узоқ давом этмайди. 1206 йилда Термиз ва Чағониён Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан босиб олинади ва унинг давлати таркибига киради.

У Хоразмшохлар давлатида муҳим ўрин эгаллаган. Чағониёнда кумуш дирҳам пулларнинг зарб этилиши шундан далолат беради.

Хоразмшоҳ Термиз саййидларига, Чағониён диний уламоларига ҳурмат ва эътибор билан қарайди. У ҳаттоки термизлик Саййид Аъло-ул-мулкни мусулмонларнинг янги халифаси мақомига кўтаради.

XIII асрда мўғуллар истилоси оқибатида Чағониён Мовароуннахрда мўғул давлатининг асосчиси Чиғатой ва унинг набираси Есун Тува қўлига ўтади ҳамда бу замин Есун Тува авлодларининг мулки, деб эълон қилинади. Мазкур мулк авлоддан-авлодга ўтиб келган. Есун Туванинг Чағониёнга ҳукмронлик қилган охирги авлоди Баракхондир.

Чағониён мўғуллар ҳукмронлиги даврида инқирозга учради. Босқинчи мўғулларнинг талон-торожи оқибатида Чағониён давлати марказидан номнишон ҳам қолмаган. Бутун шаҳар вайрон этилиб, аҳоли турли томонларга таркалиб кетди. Чағониён шаҳри аҳолисининг бир қисми Қизилсув дарёсидан 6 километр юқорига жойлашди. Аҳоли янги жойлашган ҳудудни Дехайи-нав (яъни янги қишлоқ), деб атади. Дехайи-нав билан Чағониён орасидаги масофа саккиз километр атрофида. Дехайи-нав номи бора-бора тилга мослашиб, Деновга айланиб кетганки, бу ҳол Мовароуннахрда кўп учрайди.

1370-1405 йилларда Чағониён Соҳибирон Амир Темурнинг қудратли давлати таркибида бўлган. Бу даврда Дехайи-нав анча ривож топди. Деҳкончилик, чорвачилик билан бирга ҳунармандчилик ривожланди. Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Амир Темур вафотидан кейин эса Чағониён (бу даврга келиб мазкур ўлка Ҳисори Шодмон, деб атала бошланган эди). Амир Темурнинг невараси Халил Султон, 1409 йилдан эса Соҳибқироннинг ўғли Шоҳрух Мирзо (1409—1447) бошқарувида бўлган.

XV асрнинг ўрталарида Ҳисори Шодмонни қўлга киритиш учун аёвсиз кураш кетади. Натижада, Эрон шоҳи Хусравшоҳ Тожикистон, Ўзбекистоннинг жанубий қисми ва Афғонистоннинг шимолини Ҳиндукуш тоғигача эгаллаб олади. Хусравшоҳ даврида Чағониён ва Термиз ҳудудлари унинг бирлари Боқи Чағониёний тасарруфида бўлди.

1504–1505 йиллар давомида Чағониён ҳудуди Шайбонийлар давлатининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон ихтиёрида бўлган. Муҳаммад Шайбоний ўлимидан кейин (1510 й.) Чағониён қисқа вақт темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўлида бўлади. 1512 йилда Бобур Мовароуннахрдан чиқиб кетгач, Чағониён тағин шайбоний султонлар авлодлари қўлида қолади.

1512 йилдан 1747 йилгача Чағониёнда Убайдулла султон, Жонибек султон авлодлари ҳукмронлик қиладилар.

Маълумки, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг амрига мувофиқ Нажми соний бошлиқ 80 минг қизилбошлар Амударёдан ўтиб, Мовароуннахрга ҳужум қиладилар ҳамда шаҳарларни бирин-кетин ишғол

киладилар. Убайдулла султон ҳам, Жонибек султон ҳам қўркиб Бухородан қочадилар. Кейинчалик Мири Араб сифатида машҳур бўлган Амир Абдуллоҳ Яманий Убайдулла султонни тўхтатиб: «Эй фарзанд! Сизга нима бўлди? Ахир, Оллоҳ таоло сизга буюк иньом ато этибди. Икки дунё бахтига муяссар бўляпсиз. Наҳот, бу бахтни қўлдан бой берсангиз? Асло қўркманг, бу жанг дину диёнат, ватан ҳимояси учун, халқ учундир. Сиз, иншооллоҳ, ғолиб бўлажаксиз!» - дейди. Убайдуллахон: «Ҳазрат, ахир унинг 80 минг навкари бор. Менинг ҳолим сизга аён. Қандай қилиб мен у билан жанг этишим мумкин?» - деб эътироз билдирганида, Амир Абдуллоҳ Яманий: «Оллоҳ таоло Қуръони каримда деганки, «Кўпинча кичик қўшинлар катта қўшинлар устидан ғалаба қилади. Ғалаба берувчи Оллоҳдир!»- дейди. Улар гаплашиб турганларида Нажми соний қўшинлари Термиз, Қаршини эгаллаб, аҳолини қатл этмоқда, деган маънъум хабар келади. Убайдуллахон йиғлаб: «Ҳазратим бу ваҳшийларга қандай қилиб бардош бўлмоқ мумкин?» - дейди ноумидлик билан. Амир Абдуллоҳ шунда: «Эй фарзанд! Қизил-бошларнинг бу зулми ўзларига инёндир. Зулмки чўққига чиқдими, завол топиши муқаррардир. Демак, Нажми сонийнинг ўлимига яқин колибди! Ғалаба сизга муборак бўлсин», – дея башорат қилади. Убайдуллахон ва Жонибек султонлар кам сонли аскар билан Нажми соний лашкарини 1512 йили Ғиждувонда бутунлай тор-мор этадилар.

Тарихий маълумотларда билдирилишича, XV аср охири – XVI аср бошларига келиб Чағониёнда хаёт шахристондан работга кўчган. Чағониёнинг яна бир маркази Наванд хисобланган. Чағониён ва Наванд шаҳарларида Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳудудида муомалада бўлган дирхам (мис) тангалар кайтадан забт этилган. Мис тангалар Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Абу Саид Мирзо номидан, шунингдек, маҳаллий амирлар томонидан зарб этилган.

XVI аср охирида Чағониён (Будрач)нинг батамом инкирозга юз тутиши натижасида Қизилсувнинг юқори ҳавзасида вужудга келган Дехинав (Денов) аста-секин йирик шаҳарга айланган.

2004 йил.

ЧАҒОНИЁН АМИРЛАРИ

Чағониёнда X аср охири – XI асрнинг биринчи чорагида амирлар сулоласи ҳукмронлик килади ҳамда унга Амир ал-Мухтож асос солганлиги боис, сулола унинг номи билан мухтожийлар сулоласи, деб юритилади. Ал-Мухтожнинг исму шарифи Амир ал-Мухтож Чағоний шаклида битилган. Бирок у амирлик килган давр саналари ҳозирга кадар ноаник. Афтидан, мухтожийлар сулоласи сомонийларга оилавий якин бўлган, зотан Исмоил Сомоний (ҳукмронлиги 892–907 йиллар)нинг ўзи ҳам мухтожийлар хонадонини кўллаб-кувватлаган.

Чунки, Исмоил Сомоний манбаларнинг гувоҳлик беришича, Термиз атрофидаги Сомон кишлогидан бўлган ва шу туфайли Термиз шаҳри маълум муддат шаҳри Сомон, деб юритилган.

Чағониён амирлигининг Сомонийлар салтанати (875-999)даги нуфузи ғоятда баланд бўлиб, улардан чиккан амирлар Хуросон нойби вазифасини бажарганлар. Чунончи, 930-939 йилларда Чағониёнда ҳукмронлик килган Абу Бакр 933 йилдан эътиборан, Хуросон нойби сифатида Сомонийлар салтанатининг тенг ярмини бошкарган. У катта ҳукук ва улкан имтиёзларга эга бўлган. Шу сулолага мансуб Тоҳир Чағонийнинг исми-шарифи «Ашъо-ри ҳамасрони Рудакий»да тўлик келтирилади: Амир Абу Яҳё Тоҳир ибн Абул Аббос Фазл ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар ибн Мухтож Чағоний. Ана шу оркали Абу Бакрнинг исми Муҳаммад ва Абу Саид Музаффар унинг падари бузруквори экани аникланди. Сулола асосчиси Мухтож Чағоний амир Абу Бакр Муҳаммаднинг бобосидир. Абу Бакр Муҳаммад 930 йили Чағониёнда ҳукмронликни бошлаган бўлса, табиийки, унгача Чағониённи унинг отаси Абу Саид Музаффар ҳамда бобоси Мухтож Чағоний бошкарганлар ва уларнинг ҳукмронлиги саналарини 890-930 йиллар оралигида излаш лозим. Демак, сулола ҳукмронлигининг ибтидоси 890 йиллар билан боғлик бўлиб, XI асрнинг 30-йилларигача давом этган. Зеро, Чағонийлар сулоласининг охирги вакилларидан бири Фахр ул-Давла 1010-1018 йилларда Чағониёнда амирлик килган.

Абу Бакр Муҳаммаддан сўнг Чағониён амирлиги машҳур Абу Али Чағонийга тааллукли, у Абул Аббос, яъни Тоҳир Чағонийнинг отаси билан ака-ука. Демак, Абу Али ва Абул Аббослар Абу Бакрнинг ўғиллари ва Чағониён амирлиги Абу Алига ота мерос. Абу Али Чағониёни 940-952 йиллар давомида бошкаради ва 945 йилгача Хуросон нойби бўлади. 945 йилга келиб Бухоро ҳукмдори ва Чағониён амири ўртасидаги ихтилофлар кучайиб, Нух ибн Наср (943-954) Абу Алини Хуро-

сон ноиблигидан четлатади. Курашда Абу Али Чағониёнининг қўли устун келиб, Нуҳ ибн Наср 947 йил Бухородан Самаркандга кувилади. Абу Али маълум муддат Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмадни Бухоро амири қилиб кўяди.

Нуҳ ибн Наср 952 йил Абу Али Чағонийни Хуросон ноиблигига қайта тайинлайди. Абу Али ўз навбатида Чағониён амирлигини ўғли Абу Мансур Насрга топширади ва ўзи, асосан, Хуросон ноиблиги билан машғул бўлиб, 955 йили Хуросонда таркалган вабо касалидан вафот этади.

Абу Али Чағоний ва Нуҳ ибн Наср ўртасидаги можароларга қайтиб, шу нарсани айтиш жоизки, Нуҳ даврига келиб мамлакатда алғов-далғов, кўшинлар ва уларнинг бошликлари ўртасида норозилик кучайиб кетади. Чағониён амири ва Хуросон ноиби Абу Али ана шундай вазиятдан фойдаланиб, амир Нуҳ ибн Насрга қарши исён кўтаради. Аммо Абу Алининг Бухорога кириб, Иброҳим ибн Аҳмадни мамлакат амири этиб кўйиши маҳаллий аҳолининг кучли норозилигига сабаб бўлади ва унинг кўшинлари шаҳарни ташлаб чикиб кетадилар. Нуҳ Бухорога кайтгач, Абу Алининг мавкеини тиклаб, исёнчи қариндош-уруғларини жазолайди. Икки ўртада тузилган битим ва шартномаларда Нуҳ Чағониён ҳокими Абу Алига кўп масалаларда ён босиши ўз аксини топади.

Лекин бу билан Абу Али Чағонийнинг марказий ҳокимият билан келишмовчиликлари тугалланмайди. Бу низолар Нуҳ вафотидан сўнг унинг ўғли Абдумалик (954-961) замонида ҳам давом этади.

Бу воқеалар баён этилган муаррих Наршахийнинг матнидаги маълумотларда айрим ноаникликлар бор. Масалан, Абу Али Исфаҳоний эмас, балки Чағонийдир, унинг Нишопур амири бўлгани аник эмас, лекин у Хуросон ноиби эди. Тўғри, Хуросон ноибларининг Нишопур амири дейлишига боис, ўша кезларда Хуросон ноиби ва Нишопур амири атамалари синоним сифатида ишлатилган бўлиши мумкин. Абу Али Чағоний ҳатто Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги (914- 943)нинг охирги йилларида ҳам Хуросон ноиби бўлган кўринади.

Абу Алининг сиёсий майдондаги обрўйи Абдумалик амирлиги йилларида (954-961) ҳам юкори бўлган. У 945 йилда Хуросон ноиблигидан четлатилган вақтда ўз иниси Абул Аббос Фазлни Жабал вилояти (Тус, Рай, Ширвон томонлар)га ҳоким этиб тайинлайди.

Абул Аббос ўз оғаси Абу Али ҳукмига тескари, Жабалга эмас, Бухорога бориб, Нуҳ ибн Наср томонидан Шош ҳокими этиб тайинланади. Нуҳ ибн Наср оға-иниларнинг ўзаро ихтилофларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат килганга ўхшайди. Ниҳояси кўринмаган бу курашлар 948 йилнинг декабрь ойида сулҳ тузиш билан тўхтайди ва Абу

Али Чағоний билан амир Нуҳ ибн Наср (943-954) муносабатлари анча яхшиланди. Гардизийнинг «Зайнул ахбор» асарида ёзилишича, сулҳ шартларига кўра Абу Али Чағонийнинг ўғли Абул Музаффар Абдуллоҳ ибн Аҳмад гаровга олиниб, Бухорога жўнатилади. Бухорода ҳурмат билан қарши олинган Абул Музаффар бахтсиз тасодиф туфайли отдан йикилиб ўлади ва унинг жасади Чағониёнга олиб келиниб, дафн этилади.

Воқеалардан аёнки, Нуҳ ибн Наср иложсиз Абу Алини Хуросон ноиблигига такроран тикланган. Абу Али Хуросон мулкида тартиб-интизом ўрнатган ва Сомонийлар давлатига қарши ҳаракатлар килаётган Бувайҳийлар билан тинчлик битими тузилган бўлса-да, тожу тахт, ҳокимият учун қонли урушларга чек қўйилмади. Бунга Абдумаликнинг Абу Алини Хуросон ноиблигидан олиши боис, Чағонийнинг Бувайҳийлар (Бувайҳийлар сулоласига Эрон шоҳлари наслидан бўлган Бувайҳ асос солган) кўмагида Абдумаликка қарши ғалаён кўтариши ва Абдумаликнинг 954-йили Абу Алига қарши йирик қўшин (унга Хуросон ноиблигига энди тайинланган Бакр бинни Малик бош эди) юбориши ва ҳоказолар мисол бўла олади.

Абу Мансур Наср Чағониённи 952 йилдан 976 йилгача бошқаради, кейин Чағониёнда унинг иниси Абул Қосим ал-Ҳасан ибн Аҳмад ҳукмронлиги бошланади. Ал-Ҳасан асли Абу Мансур. У тахминан 976 йилдан 986 йилгача Чағониёнда амирлик қилган.

986-987 йилларда Чағониённи Гузгон (хозирги Жузжон) амири Абул Хорис бошқаради, шундан сўнг Чағониён амирлари тахтига Тоҳир Чағоний келади ва у 987-992 йилларда ҳукмронлик қилади. 992-1010 йилларда Абул Музаффар Чағоний ва 1010-1018 йилларда Фахр ад-Давла Аҳмад бинни Мухаммад амирлик килганлар.

2004 йил.

Чағониёнда X-XI асрларда илм-фан анча юксалади. Бу даврда етишиб чиққан олиму фозиллар нафақат ўз она заминида, балки дунёнинг турли чеккаларида ҳам илм ривожи йўлида хизмат қиладилар. Абу Бакр ас-Сағоний (IX аср), Аҳмад ас-Сағоний (X аср), Абу Ҳамид ас-Сағоний (X аср) ва бошқалар айни Чағониён илмий муҳитида пишиб намо топган олимлар сирасига киради.

Абу Бакр ас-Сағоний. Бу алломаи замон ҳақида маълумотлар жуда кам, тахаллусидан унинг Чағониёндан экани маълум. Манбаларда Абу Бакр ас-Сағоний хусусида билдирилган фикрлар кўпрок буюк муҳаддис Абу Довуд Сулаймон (817-888) билан боғлиқ ҳолда баён этилади. Чунки, Абу Бакр ас-Сағоний буюк муҳаддис Абу Довуд Сулаймоннинг «Сунан» китоби ҳақида сўз юритиб, ушбуларни нақл қилган экан: «Довуд алайҳиссалом учун темир Оллоҳ таоло томонидан мумдай юмшатилган бўлса, ҳадис ҳам Абу Довуд Сулаймон учун худди шу ҳилда қулай ҳолга келтирилган эмиш». Афсуски, бу фикрлар ас-Сағонийнинг қайси асаридан олингани ноаниқ, аммо шунинг ўзи алломанинг етук олим, айниқса, муҳаддисшунос эканидан далолат беради.

Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сағоний. Асли чағониёнлик олим. Шу ерда таваллуд топиб, илк билимини ўз она юртида олади. Сўнгра у ўқишини ўша даврнинг улкан масканлари ҳисобланмиш йирик шаҳарлар Бухоро ва Самаркандда давом эттиради. Аҳмад ас-Сағоний 998 йилдан бошлаб ўз илмий фаолиятини Абу Сахл Кухий раҳбарлигидаги Бағдод обсерваторияси билан боғлайди. У йирик мунажжим ва жуғрофий олим бўлиши баробарида, Берунийнинг айтишича, ўз устози Абу Сахлдан кейин буюк юлдузшунос сифатида эътироф этилган.

Абу Ҳамид Устурлобий ас-Сағоний. Етук мунажжим, фалакиёт илмида бетаккос олим, устурлоб (осмонни кузатадиган) асбоби ихтирочиси. Абу Ҳамид ас-Сағоний 980-990 йилларда оламдан ўтган, демак, алломанинг туғилган замони X аср бошлари билан белгиланади. Беруний ўзининг «Ал осор ал-бокия» асарида Аҳмад Сағоний ва Ҳамид Сағонийлар ҳақида илиқ фикрлар изҳор этади.

Тоҳарий. X аср бошларида яшаган шоир Чағониён шоирларининг сардафтари ҳисобланган. Унинг тахаллуси қадимги Тоҳаристон (ҳозирги Сурхон ва Ҳисор воҳалари) номидан олинган. Аммо айрим манбаларда шоир

тахаллуси Таховий шаклида ҳам учрайди. Аксар олимлар шоир тахаллусининг Тоҳарий шаклини тўғри дейишиб, айни шу шаклни мақбул билишади, «Фарҳанги Сурурій»да ҳам у шундайдир.

Маъруфий. Амир Нуҳ ибн Наср (943-954) даврида ва хатто Абдумалик (954-961) замонида яшаган иктидорли шоир. Унинг Чағониёнда бўлиши 925-935 йилларга тўғри келишини тахмин этиш мумкин. Ана шу 925-935 йиллар Чағониён тахтида Абу Саид Музаффар ибн Мухтож Чағоний (тахминан 920-930) ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар (930-939)лар ҳукмрон эдилар. Маъруфий маълум фурсат Сейистонда ҳам бўлган, унинг Чағониёндалик кезлари, албатта, Бухорога ташрифидан олдин рўй берган.

Ижтимоий тенглик ғояларини илгари сурган фотимийлар оқимининг тарафдорлари кўп бўлган. Аммо улар қаттиқ жазоларга мустаҳиқ этилган, чунончи шу ҳаракатнинг вакили Рудакийнинг кўзларига мил тортилган. Шундан Маъруфийнинг Бухорога ташрифини 935-940 йиллар оралиғидан излаш лозим, зеро, Рудакий ва Маъруфий учрашуви айни Рудакийнинг аламли йилларига тўғри келиши ҳақиқатга яқин туради.

Маъруфийнинг таваллуди ва вафоти саналари ноаниқ. У X аср бошларида туғилиб, шу асрнинг 70-йиллари оламдан ўтган бўлиши мумкин.

Маъруфийдан 92 мисра шеър сақланиб қолган. Шоир шеърларидан айрим парчалар Умар ар-Родуёний (XI аср)нинг «Таржимонул балоға», Шамси Қайснинг «Ал-Мўъжам» (1233) асарларидан ва бошқа тазкира ҳамда баёзлардан жой олган. Маъруфийнинг айрим шеърлари ўз вақтида араб тилига ҳам таржима қилинган. Бу биринчи галда Маъруфийнинг шоир сифатидаги кенг эътирофини исботласа, бошқа бир томондан унинг Бухоро адабий муҳитидаги нуфузини тайин этишда қўл келган. Маъруфийдан арабчага таржима қилинган шеърлар Саолибийнинг «Яти-мат ад-дахр» асарига киритилишининг ўзи катта гапдир, чунки ҳар қандай шоирнинг шеъри ҳам таржима қилинавермаганидек, бундай машҳур тўпламларга ҳам киритилавермаган. Шундай таржималардан бири Ибн ал-Муаммал деган шоир томонидан амалга оширилган. Унинг мазмуни қуйидагича:

Бўлмаса менга сендан саховат,
Тухфанг умиди қалбда қабохат.
Сен ҳам менга ўхшаш одамсан,
Бил: одам зотига бош эгмасман.

Шоир ва ижодкорлар зикрида гап кетар экан, шуни таассуф билан айтиш жоизки, Мухтож Чағоний, Абу Саид Музаффар, Абу Бакр Муҳам-

мадлар ҳукмронлиги даврларида Чағониёнда яшаб ижод этган шоирлардан кимлар бўлганлигини акс эттирган манбалар мавжуд эмас. Шунинг учун кўплаб қадимий манба ва сарчашмаларни ўрганиб чиқиш зарур. Абу Али Чағоний даврида Чағониёнда яшаб, ижод этган шоирлардан айримларинигина биламиз, холос. Қуйида шундай шоирлардан бир нечтасининг ҳаёт йўли ҳақида фикр юритилади.

Абул Ҳусайн Муҳаммад бинни Муҳаммад ал Муродий Бухорий. «Яти-мат ад-дахр» муаллифи ас-Саолибийнинг ёзишича, Муродийнинг Абу Алига бағишлаб ёзган қасидалари бўлган экан. Абу Али Чағоний 947 йили Бухорони забт этганда кўплаб шоирлар унга бағишлаб қасидалар битган, шулар қаторида Муродий қасидалари ҳам мавжуд. Муродийнинг вафоти тахминан 940 йилларда рўй берган. У Рудакийнинг энг севимли шогирдларидан бири бўлган.

Муродий араб ва форс-тожик тилларида ижод этган. Шоирнинг шеърлар девони эларо машҳуру манзур бўлган. Муродий ижод бисотига тааллуқли форс-тожик тилидаги шеърлардан бизнинг давримизгача айрим наъмуналаргина етиб келган. Шоир ўз шеърларида ахлоқий-таълимий, маърифий-маънавий ғояларни тараннум этган.

Аҳмад Дақиқий. 930–977 йилларда яшаган Абу Мансур Муҳаммад ибни Аҳмад Дақиқий нуфузи жиҳатидан форс-тожик адабиётида буюк Рудакийдан кейин иккинчи ўринда туради ва бу фанда аллақачон ўз исботини топган. Дақиқий ҳақида Беруний (973-1048) «Ал-осор ал-бокия» (1000), Муҳаммад Авфий (1170-1233) «Лубоб ул-албоб» (1221), Абдураҳмон Жомий (1414-1492) «Баҳористон», Лутф Алибек Озар «Оташкада» (XVIII аср) асарларида ва бошқаларнинг китобларида маълумотлар бор. Беруний шоирни балхлик, Авфий туслик, Лутф Алибек самарқандлик дейдилар ва бу ҳақдаги баҳслар кейинги асрларда ҳам давом этган ҳамда шоир гоҳ Бухородан, гоҳ Марвдан, гоҳ Ҳиротдан деб ҳисоблаганлар. Беруний бошқаларга нисбатан Дақиқий замонига яқин яшаган, шунинг учун шоирнинг асли балхлик эканига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» тазкираси Дақиқий давридан 250 йил кейин яратилганига эътибор қилмоқ лозим.

Беруний шоирни Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад Балхий тарзида, Авфий эса Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий шаклида тилга олиб ўтадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам Муҳаммад ибн Аҳмад, яъни исмишариф бир хил, фақат куня (Абу Али ва Абу Мансур)лар ва тахаллус (Балхий ва Дақиқий)лар турлича. Беруний тилга олган шоир Дақиқий экани В.В.Бартольд, Н.О.Осмонов, И.В.Брагинский, Б.Ф.Лившиц, Э.В.Ртвеладзелар тарафидан исботланган. Зеро, «Шоҳнома»ни илк бор

назм инжусига айлантирган шоир Дақиқийлиги ҳаммага маълум. Демак, Беруний эслатган шоир Дақиқийдан бўлак ҳеч ким эмас.

Энди Дақиқийнинг Абу Али ва Абу Мансур куняларига келсак, шоир тахминан 950 йилларда Чағониёнга келади ва Абу Али вафотидан сўнг ҳам шу ерда бўлиб, хизматни давом эттиради. Агар Дақиқийнинг 970 йилгача Чағониёнда бўлгани тахмин этилса, у ҳолда шоир қарийб 20 йил чағонийлар хизматида бўлган. Ана шу узоқ йиллик қадрдонлик эвазига Дақиқий ўз ҳомийлари Абу Али Аҳмад Чағоний ва Абу Мансур Наср Чағоний (ота-бола)ларнинг кунясини ўзига куня тариқасида қабул қилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дақиқий узоқ йиллар Чағониёндек гўзал воҳа бағрида яшади, шу заминда унинг ижоди камол топди, довруғи элга ёйилди, мухлислари кўпайди. Шоир Тус, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларда бўлди, аждодлар тарихини ўрганди, тасаввурини бойитди, катта таассуротлар олди. Ниҳоят, у Бухорога боради, бу тахминан 970 йилга тўғри келади, ўлкада бу пайтлар сомоний Мансур ибн Нуҳ (962-976) ҳукмрон эди. Бу даврда Чағониён саройида оташнафас шоирлар етишиб чиққан. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги дастлабки минг байт шоир Абу Мансур Муҳаммад Дақиқий қаламига мансуб. Фирдавсий уни шундай таърифлаб ёзган:

Белин боғламиш шоири навжавон,
Ёувда ажойиб ва равшан равон.
Назмига тизибдир чунонам сухан,
Ки ундан севинмиш дили анжуман.

Тоҳир Чағоний. Чағониён амири ва ўз даврининг кўзга кўринган давлат арбоби, истеъдодли шоир Тоҳир Чағоний ҳаёти, ижодини ўрганиш, аввало, Чағониён адабий муҳити билан боғлиқ X аср охирларига оид кўплаб жумбоқларни ҳал этишда қўл келиши билан ғоят муҳим. Тоҳир Чағонийнинг таваллуд йили аниқ эмас, вафоти йили бир қадар аниқланган, аммо бу борада айрим баҳсу мунозаралар мавжуд. Чунончи, Муҳаммад Қазвиний (1877-1949) аниқ санани айтмай, манбага ишора қилмай, Тоҳир ўз амакиваччаси Абу Мансур Наср (952-976) ўрнига амир бўлганини таъкидлайди ва Тоҳирнинг вафоти санасини 987-988 йиллар дейди. Е.Э.Бертельс ҳам айнан шу фикрда, фақат унинг айтишича, Тоҳирдан сўнг Чағониён тахтига Фахр ад-Давла Музаффар Аҳмад бинни Муҳаммад чиққан. Афғон олими Муҳаммад Муҳсин фикрича, Тоҳир 992 йилда ҳалок бўлган ва бу ҳалокат амакиваччаси Абул Музаффар бинни Муҳаммад билан Чағониён тахти учун жангда содир этилган.

Тоҳир Чағоний ҳукмронлиги даврида Чағониёнда адабий муҳит учун қулай имкониятлар яратилгани тарихий манбаларда эътироф этилади. Мисол учун, «Ашъори ҳамасрони Рўдакий»да Тоҳир замони адабий муҳити доираси намоёндалари сифатида Маъруфий, Дақиқий, Мунжик, Лабибийлар эслатилади. Юқорида эслатилганидек, Маъруфий ва Дақиқийлар Тоҳир Чағоний давридан анча илгари Чағониёнда бўлганлар, чунончи, Маъруфий 925-935 йиллари, Дақиқий 950-970 йиллари Чағониёнда эдилар. Бу Тоҳир давридан қарийб 40-60 йил илгари содир бўлган воқеалардир. Энди Мунжик ва Лабибийга келсак, Мунжик, дарҳақиқат, Тоҳир замонида Чағониёнда эди ва у билан Бадеъий ҳам бирга бўлган. Ҳар иккаласининг Тоҳирга бағишланган қасидалари бор. Лабибий бўлса, Абул Музаффар даврида Чағониёнда бўлган.

Жулуғ Фаррухий. Шоирнинг асл исми Абулҳасан Али ибн Жулуғ Фаррухий. У 890-йилда туғилган. Низомий Арузий Самаркандий ўзининг «Мажмаъун наводир» («Нодир ҳикматлар») асарида уни сеистонлик, Хаслаф ибн Бонуга қарашли ғулом Жулуғнинг ўғли дейди. Давлатшоҳ Самаркандий эса «Тазкират уш шуаро»сида: «Устод Фаррухий (асли) термизлик бўлиб, Унсурийнинг шогирдидир», -дейди.

Тарихий манбаларда, Фаррухийнинг отаси Сеистон ҳокими Халаф ибн Аҳмад саройда хизмат қилган дейилган. Шоирнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. 1003 йили мамлакат Султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилгач, Фаррухий дарҳақиқат сеистонлик бир маҳаллий феодал хизматига кириб кун кечиради. Сўнгра Чағониён амири Абулмузаффар Аҳмад ибн Муҳаммад, ундан кейин ғазнавийлардан Абу Ёқуб Юсуф, Абу Аҳмад Муҳаммад ва охири Султон Маҳмуд саройида хизмат қилган. Чағониён амири Абулмузаффар Чағонийнинг ижодкорларга мойиллиги, уларга хомийлик қилишини эшитиб, унинг хизматига киради. Унинг хизматида Фаррухийнинг ишлари юришиб кетади ва аъло даражага етади.

Фаррухий ҳижрий 425 (мелодий 1037) йилда Ғазнада вафот этган. Шоирнинг девони сақланиб қолган. Фаррухийнинг бой адабий мероси Шарқ мумтоз шеъриятининг ранг-баранг жанрлари намунаси сифатида эътиборга молик бўлганидек, илмий асарлари адабиёт тарихини ўрганишда муҳимдир. Жами 281 та мустақил асарни қамровчи девони Техронда 1932 ва 1957 йилларда нашр этилган. Улуғ олим Рашидиддин Ватвот «Мутанаббий Арабистонда қандай бўлган эрса, Фаррухий ҳам Ажамда шу тариқададир. Ҳар иккала фозил ҳам сўзни содда қилиб айтганлар», дея унга юксак баҳо берган.

Абу Али Ас Салломий. Абу Али Хусайн ибн Аҳмад Ас Салломий Чағониён амирлари – Муҳтожийлар сулоласи вакиллари Абу Бакр ибн Муҳаммад ва унинг ўғли Абу Али Чағоний хизматида узоқ вақт бўлганлиги, гарчи кўпроқ Хуросоннинг ўша давридаги пойтахти Нишопурда яшаса-да, Чағониёнга келиб турганлиги ва бу ер ҳаёти билан доимий боғланганлиги учун тазкирага киритилди.

Абу Али Ас Салломий ўз даврининг машҳур олими ва шоири бўлиб, аслида Нишопурдан 12 фарсах наридаги Байҳақ вилоятидан эди. Француз олими Барьбе де Менар уни Боғдод, яъни Дор ус-саломдан келиб чиққан, деб тахмин қилади, эҳтимол Бувайҳийларнинг Райдаги вазири олим ва шоирлар ҳомийси машҳур Муҳаммад Ас Салломийнинг отасидир, дейди.

Ас Салломий машҳур олим ва истеъдодли шоир бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг етук котиби, мирза ҳам эди. Ўтмишда котиблик санъати кенг ривож топган бўлиб, бу касб эгалари жуда қадрланарди. Айни замонда, котиб ва хаттот сўз санъаткори ҳам ҳисобланган, чунки шоҳларнинг шоҳларга мактубларини улар қоғозга туширганлар. Бу ўта масъулиятли иш бўлиб, мактубда эътиборсизлик билан ишлатилган ҳар қандай сўз ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррар бўлганидек, ҳар қандай яхши сўз, яхши ибора, яхши ифода ўзаро муносабатлардаги губорларни тарқатишга ёрдам берар эди.

Ас Салломий «Китоб ат-тарих фи-ахбор вулоти Хуросон» («Хуросон ҳокимлари тарихи ҳақида ахборот»), «Китоб ва натф ва аз зарф» («Ҳикматли сўзлардан намуналар»), «Китоб ал мисбоқ» («Чироқ ҳақида китоб») ва «Китоб ас-сор» («Тасдиқ ҳақида китоб» каби асарларни яратган. Афсуски, бу асарларнинг фақат номигина бизгача етиб келган. Академик В.В.Бартольд Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳақида батафсил ахборотлар берувчи асарлар муаллифлари Гардизий ва Ибн Ал Асир учун асосий манба Ас Салломийнинг «Ахбор вулоти Хуросон» асари бўлганлигини таъкидлайди. Ас Саллобийнинг «Йатимат ад даҳр» асарида муаллифлар хусусида Ас Салломий қаламига мансуб икки байт шеъри келтирилган. Унинг ўзбекча таржимаси қуйидагича:

Битганини кишилар ўқишига ишонган,
Таҳрир этар юза бора, орттирмоқ-чун обрў-шаън
Шунда унинг каломи топажакдир эътибор,
Аммо уят сўзлардан қочмоғи эрур даркор.

Абул Қосим Али ибн Муҳаммад ал Искофий. Ал Искофийнинг Чағониён амири ва кейинроқ Хуросон волийси бўлган Абу Али Чағоний хизматида бўлганлиги ва ҳаёти маълум даражада Чағониён билан боғлиқлиги,

бу ерда бир канча муддат яшаганлиги маълумдир. Абул Қосим Али ибн Муҳаммад Ал Искофий ан Найсабурий, тахминларга қараганда, тахаллусига кўра Нишопурда туғилиб, шу ерда машҳур Ҳасан ибн Мехржон, деган кишидан таълим олган. Сўнг анча вақт кандайдир девонда котиблик қилган.

Ас Саолибий ўзининг «Йатимат ад дахр»ида уни «Хуросоннинг тили, ғурури, кўзи ва ягона кишиси эди. У котиблик ва балоғатда Хуросонда бирдан бир киши бўлиб, илм ва санъатда тенги йўқ эди», - деб таърифлайди.

Шоирнинг биринчи нисбаси «Искофий» унинг аждодлари Ироқдаги Исҳоф шаҳридан эканлигидан далолат беради. Лакаби бўлса, унинг отаси этикдўзлик, косиблик билан шуғулланганлигини билдиради. Арабча искоф (косиб сўзи шундан олинган) этикдўз демакдир.

Ал Искофий умрининг гуллаган даврида Абу Али Чағоний хизматига кирди. Абу Али унга тўла ишонч билдириб, истеъдодини қадрлаб, ёзишмалар девонига бошлиқ қилиб тайинлади. Шоирнинг хатлари тезда Бухоро амири Ал Ҳамид Ал Нуҳ ибн Наср (943-954 й.) диққатини тортди. Амир Ал Искофийни ўз хизматига юборишни сўраб, Абу Али Чағонийга фармон юборади, аммо шиор розилик бермай, узоқ вақт яшириниб юрди. Сомонийлар давлатининг амирлари ва Чағониён ҳукмдорлари ўртасида бўлиб ўтган жангу жадаллар вақтида Ал Искофий ҳам у билан бирга бўлган. 947 йил ноябрида Абу Али Чағоний ва Нуҳ ибн Наср ўртасида Ҳарж жанг якинида бўлиб ўтган жанг пайтида чағониёнликлар енгилганда, Ал Искофий Бухоро амири томонидан асир қилиб олинади. Бир канча вақт махбусликда сақланган шоир 948 йилда Нуҳ ибн Насрнинг девон бошлиғи Абу Абдуллоҳ Килаҳга ёрдамчи этиб тайинланади. Абдумалик ибн Нуҳ (954–961 й.) даврида шоир ёзишмалар девонига бошлиқ бўлади. Аммо шоир тез орада қаттиқ касалликка чалиниб, тахминларга кўра 955(956) йилда ҳаётдан кўз юмади. Унинг вафотига бағишлаб, кўп шоирлар марсиялар ёзганлар. Улар ичида Ал Хузаймий Ал Абувайдийнинг қасида марсияси алоҳида ажралиб туради:

Рисолалар девонини кўраяпсизми,
Ал Искофий йўқлиги боис,
унинг қалам ва дафтарлари бекор қолди.
Бу худди кўриқлаб турган таянчи қолмаган
шаҳри ва тузалиши мумкин бўлмаган майиб кабидир.

Ал Искофий шоир сифатида машҳур бўлган. Унинг «Йатимат ад Дахр»га кирган 21 байтли шеърий парчалари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг кўпчилиги девон бошлиғи Абу Абдуллоҳ Килаҳга қаратилган ҳажвий мисралардир.

Килаҳ оёғидаги бод касаллиги туфайли ишга замбилда келаркан. Бу Ал Искофий ҳажвлари учун мавзу эди:

«Эй, замбилда ҳамма жиҳозларини олиб юрувчи,
Оллоҳ менга бу замбилни тобут қилиб
кўрсатгунча умр беради, деб ўйлайсанми?»

Ал Искофий атир қуядиган кумуш идишчани шундай таърифлайди:

Ташимда гўзаллик барқ уриб турар,
Ичимдан хушбўй ҳид тошар-гупирар.
Ярмимда танамнинг насибаси чин,
Ярмимда атирнинг рухи яширин...

Разиуддин Чағоний. Разиуддин Абул Фазл Ал Ҳасан ибн Муҳаммад ибн ал Ҳасан ал Чағонийнинг ота-боболари Чағониёндан бўлган. Улар кейинрок Лоҳурга кўчишган. Эҳтимол 1220 йилда Чингизхон бошлиқ мўғул қўшинларининг Ўрта Осиё ҳудудига бостириб киргани бунга сабаб бўлгандир, ҳар ҳолда улар жанубга кетишга мажбур бўлишган.

Баъзи маълумотларга кўра, Разиуддин 1181 йилда Лоҳурда туғилган, Газнада таҳсил олган. Бизнингча, у Чағониёнда туғилиб ўсган ва шу боисдан ҳам унбу тахаллусни олган. Унинг Ҳиндистонда яшагани айримларда аллома Лоҳурда туғилган деган хулосага келишига асос бўлган.

Разиуддин бир неча вақт Маккада яшайди. 1218 йилда Бағдодга келади. Бу ерда икки йил истиқомат қилди. Унинг билим доираси жуда кенглигини синаб кўрган халифа ан Носир Ҳиндистонга вакил қилиб юборди. Разиуддин Чағоний халифалар аз Зоҳир ва ал Мустнасир давриларида ҳам бу масъулиятли вазифани бажаришни давом эттирган кўринади. 1236 йилдагина Бағдодга қайтиб келади. Шундан сўнг мадрасаларда дарс беради ва илм-фан билан машғул бўлади. Ижодкор 1252 йилда Маккада вафот этди. Разиуддин Чағоний Боғдодда вафот этган деган фикр ҳам мавжуд.

Разиуддин Чағоний форс-тожик луғатшунослигининг асосчиларидандир. Шунингдек, араб лексикографикаси ривожига катта ҳисса қўшди. У 12 жилдли «Мажмаъ ал бахраин» ва 20 жилдли «Ал убобу аз зохир ва ал лубобу ал фохир» номли луғат китобларини тузди. Айниқса унинг «Ал убобу аз зоҳир ва ал лубобу ал фохир» (тўлқинлар зохири ва калблар фахри) номли араб тили луғати катта шуҳрат қозонди. XIV асрда яшаб ижод қилган Ферузободий ўзининг «Ал комус» луғатини яратишда Разиуддин Чағоний асаридан фойдаланди.

Чағониядан қолган мероснан «Ал убобу аз зохир ва ал лубобу ал фохир» китобининг 4-томи Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида 3244-рақам остида сақланмоқда. У 13-14-15-16 ва 17 жузълардан иборат. Бу жузъларни Ал Ҳасан ибн Абулқосим ибн Муҳаммад Ал Ҳусайний кўчирган. Алломанинг «Мажмаъ ул баҳраин» (икки денгиз мажмуи) асарини бир нусхаси эса Қозон император университети кутубхонасида сақланаётганлиги хусусида 1854 йилда Н.Ф.Котвальд ёзнийнинг «Ат таклима ва з-зайл ва с-сила» (тўлдирув қўшимча ва улоклар) китоби, аруз ҳақидаги рисоласи ва шеърлари ҳам бор. Умуман, биринчи ўзбек энциклопедиясида ёзилишича алломанинг 30 дан ортиқ асари бизгача етиб келган.

Бадеъий Балхий. Абу Муҳаммад Бадеъий бинни Маҳмуд Балхий Чағониёнда яшаб, ижод қилган. Амир ва шоир Тоҳир Чағонийнинг мулозимларидан бири бўлган, Бадеъ Балхийнинг таржимаи ҳоли тўғилган ва вафот этган йиллари ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Тахаллусига қараганда, Балхда туғилиб ўсган. X аср охирларида Тоҳир Чағоний хизматида бўлган. Унинг асарлари ҳам деярли сақланиб қолмаган. «Мажмаъ ул фусаҳо» муаллифи Ризоқулихон Ҳидоят (XIX аср) «Роҳат ул инсон» асарини Бадеъийники деган. Саид Насифий бу фикрга қўшилмаган, унинг фикрича асарнинг тили, услуби X асрга эмас, XI асрга тўғри келади. Балхийнинг қасидасидан парча ва шеърларидан намуналар Муҳаммад Авфий «Лубоб ул албоб»ида сақланиб қолган. Шоирнинг 48 мисра шеъри ва унинг ҳақидаги қисқача маълумот «Ашъори ҳамасрони Рўдаки» («Рўдакий асрдошларининг шеърлари» тўпламида келтирилган.)

Қасидадан парча:

Ҳаво билан олам кўрсатди жамол,
Пок дарё сувидан эмас, қирмиз-ол.
Парвардин булути гулдуросидан
Гуллар сипоҳлари қўзғалди дарҳол
Дала-боғ кўркидан ҳайратда либос,
Қушлар нағмасидан руд овози лол.
Гарчи ман қилинган май ичмоқ, лекин
Сен ичгин, жоиздур, бу – мавсуми гул
Саидлар ёди ила олам мунаввар
Рухларни тиклаган Абул Яҳё-ул
Ҳамиша номига офариндур жуфт
Ҳамиша арзи-ла омонликда мол

Хожа Алоуддин Аттор. Ҳақиқий исму шарифи Муҳамад ибн Муҳаммад Ал Бухорий бўлган Хожа Алоуддин Аттор XIV асрнинг ўрталарида Бухоро ҳудудида туғилиб ўсган. Ота-боболари Хоразмдан келиб Бухорога турғун бўлиб қолишган. Алоуддин Аттор мадрасада таҳсил олган. У Баҳоуддин Нақшбандининг энг биринчи халифаси ва куёвидир. 1390 йилда Баҳоуддин Нақшбанд вафот этгач, Нақшбандия тариқатининг бу йирик намояндаси Бухородан Самарқандга келади. Шу вақтда Чағониён Мовароуннаҳрнинг обод ва маданий манзилгоҳоларидан бўлиб, бу ерда Дехинов шакллана бошланган эди. Кейинчалик бу жой шаҳарга ва беклик марказига айланди.

Хожа Алоуддин Аттор умрининг охирги 10 йилини Дехиновда ўтказди. Нақшбандия тариқатини тарғиб қилди ва мурид, мухлислар орттирди. Баҳоуддин Нақшбандининг иккинчи халифи Муҳаммад Порсо (1348–1420 й.) Хожа Алоуддин Аттор ҳақида «Мақомоти шайх Алоуддин Аттор» номли рисола ёзиб, унда у кишининг ўгитларини жамлаган. Маълум бўлишича, Алоудди Аттор ҳижрий 798 йили (милодий 1396 йилнинг июнь ойида) Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилгани Бухорога келган. Муҳаммад Порсо ўзининг «Рисолан қудсия» асарини бевосита Хожа Алоуддин Аттор таклифлари билан ёзишга киришганини айтади. Хожа Алоуддин Аттор ҳижрий 802 йил 20 ражаб (милодий 1400 йилнинг 18 мартида) вафот этган. Қабрлари Денов яқинидаги Шайх Аттор Валий қабристонидадир. Алишер Навоий фармони билан Ҳусайн Бойқаро замонида тузилган «Мажмуаи мурсолот» (хатлар мажмуи) деб номланган тўпламга эса Алоуддин Атторнинг набираси Хўжа Муҳаммад ибн хўжа Ҳасаннинг ҳам учта хати киритилган.

Хўжа Ёқуб Чархий. Низомиддин Ёқуб ибн Усмон ибн Муҳаммад ал Ғазнавий – Чархий бу тазкирага шунинг учун киритилдики, у Чағониёнга келиб, бир неча йил шу ерда яшаб, ижод қилган. Қабри ҳам Сурхондарё ҳудудига анча яқин ерда.

Мавлоно Ёқуб Чархий аслида Ғазна яқинидаги Чарх қишлоғида туғилган. Шу боис ҳам Ғазнавий – Чархий нисбасини қабул қилган. Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбандининг (718/1318–731/1389 й.) замондоши ва шогирди бўлган. Бу инсоннинг туғилган йили номаълум, тарихий маълумотларга кўра, XIV асрнинг иккинчи ярмида туғилган. Ёқуб Чархий Темурийлар даврида илм-фан, маданият мараказлари бўлган Самарқанд ва Бухорода таҳсил олиш учун ташриф буюрган. Ёқуб Чархий улуғ авлиё ва шайх Баҳоуддин Нақшбандининг энг иктидорли ва содик муридларидан бири бўлган. Кейинроқ нақшбандия тариқатининг пирларидан, раҳнамоларидан бири даражасига кўтарилган.

Ёкуб Чархий XIV аср охирларида – 1390 йиллан сўнг, яъни устози-пири Баҳоуддин Нақшбанд вафот этгач, яқин дўсти ва айни вақтда устозларидан бири бўлган Алоуиддин Атторнинг даъвати билан Чағониёнга келади. Чунки ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мурид ва шогирди Ёкуб Чархийнинг тарбиясини ўзининг биринчи халифаси Атторга топширган эди.

Ёкуб Чархий 1400 йилда Хожа Аловиддин Аттор вафот этгандан кейин ҳам бир неча йил Деновда яшайди. Сўнг Ҳисорнинг Халғату қишлоғида кўчиб ўтади. 1432–1433 йилларда Хўжа Аҳрор Валини ўзига пир излаб, Чағониёнга келганида, у Халғатуда эди.

Ёкуб Чархийнинг Жалолиддин Румий «Маснавийи маънавий»сига ёзган шарҳи – «Рилосаи унсия» ва Қуръонга шарҳи «Тафсири Чархий» асарлари мавжуд. Бундан ташқари, алломанинг «Мухтасар дар баёни силсилаи нақшбандия» рисоласи ҳам бор.

ЎФА Шарқшунослик институтида «Тафсири Чархий»нинг иккита нусхаси сақланмоқда. Асар 1227/1812 йилда хаттот Муҳаммад Шариф Мунший Бухорий томонидан кўчирилиб, китобат қилинган.

Иккинчи нусха эса шу институт жамғармасида остида сақланмоқда. Асар 1260/1844 йилда хаттот Мирзахўжа бин Абдулла Хожа Хевакий томонидан настаълик хатида кўчирилиб, китоб шаклига келтирилган.

ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЧАҒОНИЁН ҲАҚИДА

Маҳмуд ибн Вали. «БАҲР-УЛ АСРОР»

«...Чағониённинг шаҳар ва қишлоқлари, улардаги аҳолининг урф-одатлари, ўзига хос томонлари, табиат ажойиботлари ва бошқалари хусусида фикр билдириб, бу ўлканинг музофот, қишлоқ ва аҳоли истиқомат қиладиган жойлари кўп. Катта аъмолларидан бири Деҳинов бўлиб, қадимда аталган ва унинг дастлабки пойтахти бўлган. Деҳинов ҳозир ҳам ўзининг мустаҳкам қалъасига, ажойиб бозорига, катта мадрасаси, ҳонақоҳига эга йирик шаҳардир...

...Сағониённинг бошқа шаҳарларидан бири Шаҳри Сафо бўлиб, қандайлиги номидан ҳам билиниб турибди. У мустаҳкам қалъага эга бўлиб, унга ҳукмдорлар келиб туришади. Яхши иқлими ва текисликлари билан ажралиб туради...

... Сағониённинг ажойиботларидан бири Ҳисори Шодмон якинида бир тоғ бўлиб, унга одам чиққан пайтида дарҳол ҳаво бузилиб, ёмғир ёға бошлайди.

... Халқи аралаш. Туб чағониёнликлар анча ўқимишли ва дарвешваш кишилардир. Жасурликлари ва мардликлари ўртача, бу ерда ҳарорат одатдагидан бир даража паст бўлади. Чиройли чеҳрали ва қадди-қомати келишган кишилар кам. Ҳозирги Сағониён аҳолисининг катта қисмини кўчманчи ўзбеклар ташкил этади».

Маҳмуд ибн Вали Чағониёнда дафн этилган Алловуддин Аттор, Ҳисори Шодмондаги мавлоно Ёкуб Чархий қабрлари, бу юртнинг Жоуз, Тўпаланг, Сешанба татар, Душанбе қора мир, Халғату каби эътиборга молик жойлари, халқнинг деҳқончилик билан шуғулланиши хусусида ҳам маълумотлар берган.

Низомий Арузий САМАРҚАНДИЙ
«НОДИР ҲИКОЯТЛАР»*
(Иккинчи мақола, тўртинчи ҳикоят)

«Фаррухий сеистонлик бўлиб, Халиф ибн Бонуга қарашли ғулом Жулуғнинг ўғли эди. Истеъдоди юксак даражада бўлиб, шеърни яхши ёзарди. Чанг ҳам чаларди. У Сеистон деҳқонларидан бирининг мулкида

* Ушбу ва бошқа манбалардан келтирилган кейинги иқтибослар «Чағониён» тарихидан олинган.

ишлар, деҳқон эса унга ҳар йили беш манликдан икки юз кайл галла, юз дирҳам нухий кумуш пул берар эди. Бу нарсалар унинг сарф-харажатларини коплаб турарди.

Фаррухий Халаф якинларидан бирига уйланган, харжи ошади ва бўйинига олахуржун тушиб, факирланиб колади. Сеистонда эса унинг амиридан ўзга амир йўк эди. Шунда Фаррухий деҳконга: «Менинг сарфу харажатим кўпайди, деҳкон лутфу карам килиб, галлани уч юз кайлга, кумуш пулни бир юз эллик дирҳамга оширса, шунда менинг харажатимни коплайди»,— деб илтимоснома ёзади. Деҳон эса илтимосноманинг оркасига «Хохласанг, аввалича хак бераверайман, ундан оширишга имкониятим йўк!»— деб ёзиб юборади.

Фаррухий буни эшитиб гамга ботади. У келиб-кетувчилардан оламнинг бошка ерларидан бирорта мўътабар кишининг бор ёки йўклиги хакида суриштира бошлайди. Агар бўлса, ўша кишининг хузурига бормокчи бўлади. Охири Чағониёнда амир Абулмузаффар Чағоний борлиги, у бундай тоифадаги одамларни тарбият килиши ва бу хилдаги кишиларга хадя хамда кимматбахо совғалар инъом этиши, хозирги пайтда аср подшолари ва замон амирлари ичида бу соҳада унга тенг келадигани йўклиги хакида хабар топади. Фаррухий бир касида ёзадида, ўша томонга караб равона бўлади:

Либос карвони билан жўнадим Сеистондан,
Либосим ини дилим, матоси эса жондан...

Ҳақиқатдан хам, бу шундай қасида эдики, унда шеър васфи ниҳоятда чиройли адо этилган, мадҳиянинг ўзи эса гўзалликда тенгсиздир!

Шундай килиб, у йўл хозирлигини кўргач, Чағониёнга караб жўнайди. Чағонийлар саройига етиб келган вақтида баҳор фасли бўлиб, амир догохда эди. Эшитишимча, унинг ўн саккиз минг бияси бўлиб, хар бир биянинг оркасида тойчоғи бор эди. Амир хар йили доғтоҳга чикар ва тойчокларни тамғалатар эди.

Амирнинг кадхудоси амид Асад саройда колган бўлиб, амирга олиб бориш учун зиёфат неъматларини хозирлар эди. Фаррухий унинг хузурига кириб, касидаларини ўкиб беради ва амирга ёзган қасидасини кўрсатади. Хожа амид Асад фозил киши эди ва шоирларни ёктирарди. Фаррухийнинг шеърлари латиф, ёкимли, чиройли ва устодона ёзилганини, аммо унинг ўзи беўхшов, либосининг орка-олди йиртилган, бошида катта сеистоний салла, ковуши эски, оёги кир, шеъри эса юксакликда еттинчи осмонда эканини кўриб, мазкур шеърларни сеистоний ёзганига ишонмади. Уни синаб кўриш мақсадида: «Амир хозир доғтоҳда, мен унинг хузурига

бормокчиман, сени хам ўзим билан бирга доғтоҳга олиб кетаман. Доғтоҳ шундай чиройли жойки, сен унда сабзалар оламидаги бошка дунёни кўрасан, хамма ёқда чайлалар, юлдуз каби чироклар. Чодирларнинг ҳар биридан руд овозлари келади, дўстлар жам бўлиб, шароб ичишади ва базму ишрат куришади. Амирнинг доғтоҳи олдида ҳар бири осмонга ўрлагудек гулхан ёкилган бўлади. Бу ерда тойчокларга тамға босишади. Подшонинг эса бир кўлида шароб, бир қўлида каманд. Шароб ичиб, одамларга от инъом килади. Шу ҳолга мослаб қасида ёз, доғтоҳни васф кил, сўнг сени хам ўзим билан бирга амирнинг ҳузурига олиб кетаман!»- дейди.

Фаррухий чикиб кетади ва тунда ажойиб бир қасида ёзиб, тонг саҳарда хожа амид Асад ҳузурига келади. Ўша қасида мана будир:

Кўк харирдан юзига ёпгач рўмолни сабзазор,
Етти хил ранг парнаёни бошга солди кўҳсор.
Ер оҳунинг нофидек мушкларни сочди бекиёс,
Тол тўтининг парридек баргини ёзди бегубор.
Кеча тонг чоғи баҳорнинг ҳидини ёйди сабо
О, нечук дилкаш сабо, қандай хумор ҳидли баҳор!
Боғда гўёки гўзаллар чехрасидек бир ҳусн,
Елни гўё этагида майдаланган мушки бор!
Наъматак бағрида гўё марваридлар асрамиш,
Арғувоннинг сирғасида ҳам Бадахшон лаъли бор.
Ул атиргул шохига чиққач қизил май жомлари,
Барча эл чўзди қўлин узмоқ учун айлаб қарор.
Боғ товус либоси кийган, дов-дарахтлар жилвада,
Суви дур рангли булут ҳам сочадур дурлар қатор.
Ўйлагайсан, шаҳриёрнинг доғтоҳидан боғлар,
Рангли хилъатлар тўқиб олмиш ўзига сервиқор.
Шунчалик яшнарки энди шаҳриёр доғтоҳлари,
Они кўриб жумла олам лол қолур беихтиёр.
Сабзазорда сабза, осмон ичра осмон кўргасен,
Чодир ичра чодиру кумуш ҳисор ичра ҳисор.
Қайда бўлса сабза шод сухбат қурар ёр ёри-ла,
Қайда бўлса ҳамма дўстлар ухлагай мастонавор.
Сабзазорда уста мутрибларни чангин ноласи,
Хаймаларда соқиларнинг бонги доим барқарор.
Ишқ элида бўлса-ю, зебо элида ишвалар,
Мутриб аҳлида тараннум, хоб эли масту хумор.
Хисрави шохбахтни ҳамма чодирини олдида,
Тамғалашга бир оловни ёқтилар хуршидвор.

Қад кўтарди ул олов гўё ипак байроқ каби,
Тоза зардек сап-сариғу ёш йигитдек кучга ёр.
Тамғалар гўё анорнинг донасидек ялтираб,
Ўт аро маржон тизими шаклида тургай катор.
Уйқу недир билмаган канча ғуломлар сафма-саф,
Тамға недир кўрмаган отлар турар хар ён катор.
Бахтиёр хусрав дашт ичра учқур отнинг устида,
Қўлида каманд била турмоқда чун Исфандиёр.
Ул каманд гўё гўзаллар зулфи янглиг кўнгирок
Ё кадимий ошинолар ахдидек кўп устувор.
Мири одил Булмузаффар шоҳким дўстлар билан,
Шодмону хушҳолу комрону бахтиёр.
Қайси бир отни каманд ичра туширса тамғаси,
Ўшал отнинг елкаси-ю, юз устида тонти қарор.
Бир томондан тамға босиб, хам зиёрат ахлига
Ҳамда шоирларга килгай бебахо отлар нисор!

Хожа амид Асад бу қасидани эшитиб ҳайрон колади. Негаки, бунга ўхшаган қасидани асло эшитмаган эди. У барча ишини йиғиштириб, Фаррухийни отга миндиради-да, амир сари равона бўлади. Кун ботиш олдида амирнинг ҳузурига етиб келиб, унга: «Эй олампанох, сенга бир шоирни олиб келдим. Дақиқий юзини тупрок никоби билан яширгандан буён ҳеч ким бундай кишини кўрмаган!» — дейди-да, бўлган воқеани айтиб беради.

Амир Фаррухийни ўз ҳузурига киришига рухсат этади. Фаррухий унинг ҳузурига кириб таъзим қилади, амир кўлини чўзиб, ўтириш учун жой кўрсатади, ҳол-аҳвол сўраб, эъзозлайди, илтифотлар кўрсатади. Фаррухийнинг кўнглида умид учқунларини ёндиради. Қадаҳ ўртада бир неча бор айлангач, Фаррухий ўрнидан туриб, ҳазин, аммо ёқимли овоз билан бу қасидани ўқийди:

Либос карвони билан жўнадим Сеистондан...

У қасидани ўқиб бўлгач, шеърни яхши тушунадиган ва ўзи хам шеър ёзиб юрадиган амир бу қасидага лол қолганини айтади. Амид Асад: «Эй олампанох, сабр қил, ҳали бундан ҳам яхшироғини эшитасан», - дейди.

Шундан сўнг Фаррухий то амир маст бўлмагунча ҳеч нарса демай, жим ўтиради. Кейин ўрнидан туриб, доғтоҳ ҳақидаги қасидасини ўқиб беради. Амир қаттиқ ҳайратга тушади ва шу ҳайрат ичида Фаррухийга қараб дейди: «Минг тойчок олиб келишган, ҳаммасининг юзи оқ, оёқлари ҳам оқ,

хаммаси Хатлон зотидан. Сенга ихтиёр бердим, сен сеистонийсан, чапдаст кишисан, канча тута олсанг тут, бари ўзингники бўлади!»

Шароб Фаррухийга қаттиқ таъсир қилган ва уни тамоман элитган эди. У ташқарига чиқади, бошидан салласини олиб, ўзини от уюри ичра уради. Бир гала тойчокларни олдига солиб, дашт томон қувиб кетади. У ўнгу сўлга югурар, тойчокларни тинимсиз қувар, аммо бирортасини ҳам тута олмас эди. Охири ўрда ёнидаги вайрона работга дуч келади. Тойчоклар работ ичига ўзларини уришади. Фаррухий қаттиқ чарчагани учун боши остига салласини қўйиб, работнинг йўлагида қаттиқ уйқуга кетади.

Тойчокларни санашса, улар қирқ иккита экан. Буни амирга хабар қилдилар. Амир рохат қилиб кулади, сўнг таажжубланиб дейди: «Толеи кулган киши экан! Уни хамда тойчокларни эҳтиёт қилинглар. Уйғониши билан менга хабар қилинглар!» Подшонинг амрини бажарадилар.

Эртаси Қуёш чиқиши билан Фаррухий уйқудан туради. Амир ундан олдинрок уйғониб, бомдод намозини ўқиб бўлган эди. У Фаррухийни қабул қилиб, меҳрибонликлар кўрсатади. Тойчокларни эса унинг одамларига топширади. Амир Фаррухийга ясатилган от, иккита чодир, учта хачир, бешта кул, кийиши учун либос ва тўшаш учун гилам инъом қилади. Унинг хизматида Фаррухийнинг ишлари юришиб кетади ва аъло даражага етади.

Сўнгра у Яминуд Давла Маҳмуднинг хизматига боради. Султон Маҳмуд унинг шон-шавкатини кўргач, ҳурмат назари билан боқади. Шон-шавкат шу даражага етказадики, уни йигирмата кумуш камарли ғулом отда кузатиб юрадиган бўлади».

«ҲУДУД-УЛ-ОЛАМ»

Тоғлар ва улардаги маъданлар ҳақида сўз (в. 5а)

"... Искўк денгизи[1] якинидаги Тўғузғуз чегарасидан бир тоғ бошланади; у давом этиб, Тўхсённинг охиригача ва Халлук чегараси бошланишигача боради. Ундан бир тизма ажралиб, хирхиз кавмларидан бир (жойлашган) ноҳияга қайтади ва уни Тўлас тоғи[2] дейишади. Хирхиз ноҳиясига қайтгач, ул тизмада асл оҳу (мушк), хуту, санжаб ва самур каби ҳайвонлар бор.

Ҳиндистондан бошланган тоғнинг бир шохи шимол томонга давом этади, Жошт ҳудудида тугайди. Бу тоғ шимолда Бўлур, Самарқандок, Шакон ва Ваҳондан ўтади, жанубда эса чўлгача боради... Шимолигарбда Мовароуннаҳрдаги Бутамон ҳудудига ўтади ва Сурўшана ҳудудигача давом этади. Бу тоғ Шакнон, Вахон ва Жошт ҳудудида сон-саноқсиз тармокларга бўлиниб кетади. Шу билан бирга, Вахон ва Жошт оралиғида кўплаб тизмалар хосил қилади ва улар Хатлон ҳудудида турли томонга тарқалиб кетади. У ерда кумуш ва олтин конлари бор.

Хатлон тармоқларидан бир тизма Бутамон ҳудудидаги бир тизма билан кўшилади, сўнгра улардан кўп тармоклар таркалиб, Чағониён ҳудудига ўтади ва ўша ёкда тармокланиб кетади. Асосий тизма Бутамонга етадиган икки тизмага ажралади ва улар Сурўшана ҳудудига етганда иккаласи яна туташади.

Бутамон ҳудудида бир тизма ажралиб чикади. Бутамон дарёчаси Чағониён оралиғидан ўтиб, Самарканд ва Суғд ҳудудига боради ва Бухоро ҳудудигача етади. Бу тизмалар озрок, айримлари кўпрок тармокларга бўлинган.

Дарёлар ҳакида сўз (в. 86) (в. 9а)

Яна бири Жайҳун дарёси. Ваҳон чегарасидан окиб келади; Булўр ноҳияти, Шак нон, Ваҳон ҳудудларидан ўтади. (Сўнгра) Хатлон, Тохористон, Балх, Чағониён, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларига окиб келади. Охирида Хоразм ҳудудидан ўтиб, Хоразм денгизига қуйилади.

Яна бири Чағонрруддир. Бу дарё Чағониёндан окиб ўтиб, Термиз ҳудудида Жайҳунга қуйилади.

Мовароуннаҳр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳакида сўз (в. 25а)

Тирмид — хуррам шаҳар, Жайҳун дарёси бўйида жойлашган, унинг кухандизи (ҳам) дарё бўйида. Бу шаҳар Хатлон ва Чағониённинг пойтахтидир. Унда яхши совун, яшил бўйра ва елпиғич ишлаб чикарилади.

Хошимгирд — шаҳарча, кўй ва (бошка) чорваси кўп.

Жармонкон — экинзорлари ва окар сувлари мўл (бир) шаҳарча.

Чағониён — (бир) хароб ноҳия, (бирок) катта ноҳия, экинзорлари кўп. Деҳконлари эринчок, дарвешлар жойи, лекин ноз-неъматлари кўп. Одамлари жанговар ва ботир. Бу ноҳиятнинг ҳавоси соғлом, ери ҳосилдор ва сувлари яхши. У ерда йилки бокилади, чакмон, гилам-тўшак ва кўплаб заъфарон тайёрланади. Бу ноҳиятнинг подшоси мухторият (ҳукукига эга) ҳокимлардан ҳисобланади ва уни Чағониён амири дейдилар.

Дорзанги[3] — шаҳарча, айланасига ҳандак билан ўраб олинган, Чағониён ҳудудида. У ерда пайтава, гилам ва жун шолча тайёрланади.

Чағониён[4] — катта шаҳар, тоғ этагида жойлашган, ушбу номли ноҳиятнинг бош ва марказий шаҳри. Окар сувли ва хуш ҳаволи бир жой, одамлари дарвеш.

Босанд — аҳолиси кўп (бир) шаҳарча, Бухоро, Самаркандга борадиган йўлда. Мустаҳкам жой, одамлари жанговар.

Зайнур — экинзорлари кўп, (бирок) аҳолиси кам (бир) шаҳарча.

Нужон — шаҳарча, мустаҳкам кўрғони бор.

Дигар (Ригар) — шаҳарча, Ниҳом (Ниҳон) дарёси якинида жойлашган, ҳавоси хуш ва ноз-неъмати кўп.

Вишгирд — йирик шаҳарча, тоғ ва саҳро оралиғида, Чағониён билан Хатлон ўртасида жойлашган.

Мовароуннаҳр ҳудудидаги ноҳиятлар ва уларнинг шаҳарлари ҳакида сўз

Жошт — тоғ ва дараларда жойлашган ноҳият, Бутамон ва Хатлон оралиғида. Рустолари ва экинзорлари кўп. Бу ноҳиятнинг улуғларини Жошт деҳконлари дейишади.

Ва (яна) бир одамлар борким, уларни кумижликлар дейишади. Улар Хатлон ва Чағониён ҳудудида яшайдилар. Улар ботир, жангтовар ва карокчисифат одамлар; ишлари кўпинча кўй ўгирлаш ва (одамларни) кул (килиб сотишдир). Уларнинг кишлоклари ва рустолари кўп, бирок битта ҳам шаҳри йўк. Чағониёндагилари Шумон[5] ва Бушгирд оралиғида (жойлашган) Сайлокон деб (аталувчи) ноҳиятда яшайди. Хатлон ҳудудидагилари Намлиёт ва Мунк оралиғида, тоғ этакларидаги даштларда яшайди; окар сувлари бор, яхши жой. Ҳар бир гурух ўз ноҳиятининг амирига бўйсунади, Хатлон ва Чағониён амирлари улардан ёрдам сўраб ҳам туришади.

Ганжина турклари — кичик гурух, Хатлон ва Чағониён оралиғидаги тоғда[6], бир дарада яшайди. Жуда мустаҳкам жой. Улар карвон таловчилар, сурбет ва чинакам карокчилардир. (в. 25б.) Карокчилик килиш учун ўз ноҳиятларидан ўттиз ва кирк фарсанг узоккача боришади. Уларнинг Хатлон ҳамда Чағониён амири билан алокалари бор».

(Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси).

Изоҳлар:

[1] **Искўк денгизи** – Иссиккўл кўли.

[2] **Тўлас тоғи** – Қирғизистон тизмаси ва Талас Олатови тизмаси.

[3] **Дорзанги** – Жаркўрғон якинида бўлган.

[4] **Чағониён** – Денов шаҳридан 6 км жанубда – Сангардак (Қизилсув) дарёсининг Сурхон дарёси (Чағонруд)га қуйилиш ерида, Будрач манзилгоҳи.

[5] **Шумон** – Бу ерда тахминан Кофирниҳон дарёсининг юкори ҳавзаси назарда тутилган

[6] **... тоғда** – Боботоғ тизмаси.

«ЗАЙН УЛ-АХБОР»

«...Мақтовли (амир) Абу Мухаммад Нух ибн Наср (лаври)[1]

(155)...Шундан сўнг Абу Али Чағоний мақтовли амир (Нух ибн Наср)нинг амакиси Иброҳим ва аъёнлари билан Нишопурга келди. Иброҳим ибн Симжур ва Мансур ибн Қоратегин ўз тобелари билан кетиб, Марвга Нух хузурига боришди. Абу Али 335 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида Нишопурдан чиқиб Сарахсга келди. У ердан Марвга караб юрди. У Ойкон кишлоғига етганида, Нухнинг сарханглари ва мулозимларидан кўплаб мактублар келди. Улар Абу Али тарафга ўтишга мойил эдилар. Абу Али Марв тарафга кетди ва Абу Али Марвга кириб, бир канча вакт у ерда бўлди. Сўнгра у Бухоро тарафга юрди ва Жайҳундан кечиб ўтди. (156) Нух Самаркандга кетди ва Абу Али хутбани Иброҳим ибн Аҳмад номига ўкитгирди ва бир неча муддат у ерда (Бухорода) бўлди. Шундан сўнг Бухоро халки Абу Алини барча якин кишилари билан йўқотмокка қасд қилишди. Бу хабар Абу Алига етгач, у эртаси куни (шаҳардан) чиқди ва ўзининг барча одамларига хам ташқарига чикишни буюрди. Улар ўзларининг кийимкечак ва буюмларини кўтариб ташқарига чикишди ва шаҳарга ўт қўймокчи бўлишди. Шу сабабли шаҳар катталари ташқарига чикиб, Абу Алидан шафоат сўрашди ва уни Аллоҳ таоло номи билан кўркитишди. Абу Али шаҳар аҳолисининг ўзига нисбатан ишончи йўклигини кўргач, у ерга Абу Жаъфарни[2] қўйиб, баъзи одамларни девондаги турли вазифаларга тайинлаб, ўзи Раҳнаҳамуй[3] йўлидан чиқиб, гўёким Самаркандга кетаётгандек килиб кўрсатди. Аммо у Нахшобга[4] борди. Сўнгра барча сарханг ва тобеларини орқага қайтариб, ўзи Чағониёнга кетди.

Абу Али кетган заҳоти Иброҳим ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Наср бир одамни Нух хузурига юбориб, ундан омонлик сўрашди. Нух уларнинг узрини қабул қилиб, омонлик ваъда қилди ва ўзи 335 йилнинг рамазон ойида Бухорога қайтиб келди. Худди шу йили Муги[5] халифалик тахтига ўтирди. Мақтовли амир Хуросон сипоҳсоларлигини Мансур ибн Қоратегинга берди ва Мансур Бухородан Марвга келди. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ал-Қазвиний Марвда эди. У Мансурга пешвоз чиқиб, унга хизмат қилди. Мансур у ердан Нишопурга келди. Абу Али эса Чағониёнда турарди. Сўнгрок Абу Алига «Амир Нух лашкар тўплади ва сенинг устингга бостириб бормокчи», — деган хабар келди. Абу Али эҳтиётқорлик юзасидан Балхга келди ва бир қанча вақт у ерда бўлди. Шундан сўнг у лашкар билан Бухоро томонга юрди ва мақтовли амир ўзининг бор сипоҳи билан унга қарши борди. Улар 336 йилнинг рамазон ойида Хартангда[6] бир-бирларига етишдилар ва намоз-

гардан олдинрок то кун ботгунча жанг қилишди. Нух ва унинг сарханглари Бухорога қайтишди. Абу Али одамларидан Немоил ибн Абулҳасан ва бошқа бир неча кишини асрга олишди. Абу Исҳоқ Рўзғоний дайламликлардан катта бир гуруҳи билан келиб омонлик сўради. Абу Али Чағониёнга чекинди. Бобжур хожиб жангда ҳалок бўлди. Али ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳни Самарканд атрофларида кўлга олишди. Аҳмад ибн ал-Ҳусайнни эса Нахшобда ушлашди. Уларни гуяларга миндириб, кундуз куни (157) Бухорога олиб келишди, ҳар бирига юз камчи уриб, кишанга солишди ва (мол-мулкларини) мусодара этишди. Абул Аббос Муҳаммад ибн Аҳмад ўша пайтда ўлди, аммо Аҳмад ибн ал-Ҳусайнни узоқ муддатдан сўнг озодликка эришди.

Шундан сўнг Абу Али Хутталон амиридан ёрдам сўради ва ўзи лашкар тўплаб Термизга келди ва Жайҳундан кечиб ўтди. У Балхга келди ва у ердан Гузгононга[7] борди. Шу тарика у Самангонга бориб, Хутталон амири билан бирлашмокчи эди. Абу Али Тоҳаристонга етганида Бухоро лашкари Чағониёнга келиб, Дари Оҳанинни куйдиргани ва ўзининг бутун мулкларини вайрон килгани ҳақидаги хабар унга етди. У дарҳол Мила[8] йўлидан дарёни кечиб ўтди ва лашкарини ҳар тарафга таркатиб, Бухоро сипоҳининг йўлини тўсди. Уларнинг аҳволи танг бўлиб, (отлар учун) ем-хашак йўли бекилди. (Абу Али) Камканон кишлоғига етганда, 336 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида ўша жойда жанг қилишди. Бу кишлоқ Чағониёндан икки фарсанг масофада жойлашган. Мақтовли амирнинг лашкари Абу Али устидан ғалаба қозондилар ва у Чағониёндан ўн икки фарсанг масофадаги Шумон[10] тарафга кетди. Бухоро лашкари Чағониёнга кириб, шаҳарни талон-тарож қилиб, Абу Алининг кўшклари ва уйларини ғорат этдилар. Шундан сўнг Абу Алига кумижийлар, Жошт[12] амири Жаъфар ибн Шамоянкуво ва Илок[13] лашкари мададга келди. Улар бир кунда Вошгирдга[14] етиб келишди. Хутталон амири Аҳмад ибн Жаъфар ҳам ўзининг йирик сарханги Бажкамни катта лашкар билан юборди. Бухоро лашкарининг йўли тўсилиб, ҳазратнинг улар билан хабарлашуви имконсиз бўлиб колди. Шунинг учун улар сулҳ исташди ва (иккала тараф) шу карорга келишди: Абу Али ўз ўғли Абулмузаффар Абдуллоҳ ибн Аҳмадни гаров тарикасида Бухорога жўнатди... Бу воқеа 337 йилнинг жумоди ул-охир ойида бўлди. Абулмузаффар Бухорога етиб келганида мақтовли амир шаҳарни безатиб, уни иззат-икром билан шаҳарга олиб киришни ва саройга жойлаштиришни буюрди. Амир уни ўзининг хос дастурхонига чақирди ва унга чопон ва кулоҳ кийгизишди.

(158) Чағониён вилояти ноҳияларидан бири бўлган Босандда[15] бир сохта пайғамбар пайдо бўлди ва у Дари Оҳанинга келди. Унинг номи Маҳди бўлиб, пайғамбарлик даъвосини килди. 322 йилда у ошкора даъват кила бошлади. Кўплаб одамлар унинг олдига бориб атрофига тўпланишди. Бу Маҳди (камарига) килич осиб олган бўлиб, ким унга хилоф бўлса, шу килич

билан унга ҳамла қиларди. У бир фирибгар одам бўлиб, турли хил макр-хийлаларни биларди. Чунончи, кўлини ховуздаги сувга пикар ва тортиб олганида ховучи динорга тўла бўларди. Ёки унинг дастурхонидан кўп сонли жамоат овқат ер, аммо таом асло камаймасди. Унинг жомидан бутун жамоат сув ичар, аммо у жом бўшаб қолмасди. Унинг хос қазонига мансуб одамларнинг ҳар бири кунига бир дона хурмо ер ва бу уларга кифоя қиларди. Бу хабар вилоятларга таркалгач, жоҳил омма орасидан кўп одамлар унга томон интилишди. Бухородан Абу Али Чағонийга «Ул сохта пайғамбарнинг ишини бир ёкли қилиш чорасини кўр», – деган мазмунда мактуб келди. Абу Али Абу Талҳа Жаъфар ибн Мардоншоҳни (унга қарши) юборди. Варди кишлоғида бўлган Маҳди тоққа чиқиб кетди. Жанг қилиб, уни кўлга олиб, тоғдан пастга туширишди ва бошини кесиб, гўрвага солиб Абу Алига юборишди. Абу Али ўша пайтда Шумонда эди. У кесик бошни (Маҳдига) рағбат билдирган барча одамларга кўрсатишни буюрди ва сўнгра Бухорога жўнатди.

Абулмузаффар ҳамон Бухорода эди. Бир куни отга миниб юрганида от қокилиб, у отнинг устидан учиб тушди ва боши бир тошга тегиб, мияси отилиб чиқиб ўлди. Мактовли амир ғоят ғусса чекди ва уни қимматбаҳо кафанга ўраб, жасади солинган тобутни Чағониёнга жўнатди. Шунингдек, мактовли амир Наср шароблорни таъзия учун Абу Али ҳузурига юборди. Абулмузаффарнинг вафотидан сўнг икки ой ўтгач, Мансур ибн Қоратегин Нишопурда ўлди. Мактовли амир Хуросон сипоҳсоларлигини Абу Али Чағонийга бериб, унга ёрлиқ ва байрок юборди. Чағониён ва Термизни унинг ўғли Наср ибн Аҳмадга берди. Абу Али 340 йилнинг зулҳижжа ойида Нишопурга келди. 341 йилда Хуросоннинг барча ишларини тартибга солди. 342 йилда Райга юриш қилди ва бу шаҳарда Ҳасан Буйани[16] қамал қилди. Вушмагир ибн Зиёр[17] Ҳасан Буйага мадад юборди, аммо улар бир иш қила олмадилар. Ўша вақтда Райда отлар орасида ўлат пайдо бўлди ва отлар кирилиб, озайиб қолди. Сўнгра баъзи кишилар икки ўртада воситачи бўлиб сулҳ тузишди. Ҳасан Буйа ҳар йили икки юз минг динор тўлайдиган ва Абу Али қайтиб кетадиган бўлди. Ҳасан Буйа бу хирожга гаров тариқасида Аббос ибн Довудни Абу Али ҳузурига жўнатди ва Абу Али Нишопурга қайтиб кетди. Мактовли амир «Абу Али Ҳасан Буйа (тарафи)га мойил бўлмаганмикан», – деб шубҳа қилди. Абу Али (159) одам юбориб аҳволни маълум қилди. Аммо мактовли амир ғазабидан тушмади. Шундан сўнг, Абу Али Чағоний Нишопур шайхлари, шоҳид кишилар ва аъёнларни ўз узрини айтиш, барча аҳволни маълум қилиб, мактовли амир шубҳаланаётган нарсада ўзининг бегуноҳлигини билдириш учун Бухорога жўнатди. Аммо Нишопурдан жўнатилган ишончли вакиллар Бухорога

етгунича, мактовли амир касалга чалинди ва аҳволи тобора оғирлашиб, 343 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида ўша касалликдан вафот қилди.

Тўғри йўлдан борувчи (амир) Абдул Фаворис Абдулмалик ибн Нух[18] (даври)

Нух ибн Насрнинг тўрт ўғли бор эди: Абдулмалик, Аҳмад, Наср ва Абдулазиз. Тўнғич ўғли Абдулмалик бўлиб, у 343 йилнинг рабиъ ул-охир ойида тахтга ўтирди. У Абу Мансур Муҳаммад ибн Узайрни ўзига вазир қилиб тайинлаб, (Хуросон) сипоҳсоларлигини Абусаид Бакр ибн Маликка берди. У 343 йилнинг шаъбон ойида Нишопурга келиб, ишларни яхши йўлга қўйиб, адолатпарварлик қилди. Сўнгрок (Халифа) Мути Хуросонни Абу Али Чағонийга бергани ҳақида хабар келди.[19] Бакр ибн Молик бу хабардан ғазабланиб, лашкар билан юриш қилиб, Гуйон рустосидаги[20] Озодвор қишлоғига келди. У ерда ўз аъёнлари билан уруш режасини тузди. Лашкарбошилар отлар учун ем-хашак ва лашкарга озуқа йўқлиги, шу сабабли лашкар жанг қила олмаслигини маълум қилишди. Шундан сўнг Бакр ибн Молик тўғри йўлдан борувчи амир Абдумалик ибн Нухга нома ёзиб, унга аҳволни маълум қилди ва маблағ сўради. Тўғри йўлдан борувчи амир Исмоил ибн Тағённи қайтариб жўнатди, аммо зарур маблағни юбормади. Бу хабар Хуросонга етганда, у ерда тартибсизликлар бошланди. Шу сабабли Ҳасан Буйа Абулфатх ибн ал-Амидни Исфаҳонга жанг қилиш учун жўнатди. У Моконнинг ўғлини қўлга олиб, Аргон қалъасига жўнатди. Исфаҳоннинг ушбу ишғол қилинишини 344 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида содир бўлди. Ҳасан Буйа Гургон тарафга юриш қилди. Бунинг хабари Бакр ибн Моликка етди. Ҳасан Ферузон Жожарм чегарасига етди. Абдулмалик ибн Нух бу хабарларни эшитгач, лашкар жам қилиб, Озодвор тарафга Бакр ибн Моликка жўнатди. Ҳасан Буйа ва Абу Али Бакр билан жанг қилмасдан Табаристонга қайтиб кетишди. Абусаид Бакр ибн Молик Абулҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Симжўрни чакириб, Нишопурга шиҳна[21] қилди. Ҳасан Буйа ва Абу Али Чағонийдан[22] Али ибн ал-Марзбонга мактуб келди. Улар Абусаид Бакр ибн Молик билан сулҳ тузишни исташирди. Ҳасан (160) Рай, Кур ва Жабалдан ҳар йили икки юз минг динор ва бошқа ҳадялар юбориб туриш ва Табаристон важидан Вушмагир билан низолашмаслик мажбуриятини олди. Бунга Али ибн ал-Марзбон воситачи бўлди ва шу асосда сулҳ тузилди. Ҳасан сулҳ (шартда кўрсатилган) пул ва ҳадяларни юборди ва хунрезлик тўхтатилиб, адоватлар барҳам топди. Хуросон ишлари яхшиланди. Халифа Мути Ҳасан ибн Буйага мактуб йўллаб, ушбу сулҳ ва ярашни маъкулламади. Абу Али

касал бўлиб, 344 йилнинг ражаб ойи охирида вафот килди. Унинг жасадини тобутга солиб Чағониёнга элтишди...»

Ибн ал-АСИР

«КИТОБ АЛ-КОМИЛ ФИ-Т-ТАРИХ»

«...Ҳижрийнинг тўрт юз эллик олтинчи йилида Хутталон вилоятининг амири Султон Алп Арслонга бўйсунмай хирож божини бермади ва унинг одамлари хирож йиғишини ман этди. Мазкур Султон (Алп Арслон) бундан хабардор бўлиб, ўз қароргоҳидан чиқиб, Хутталон вилоятига етиб келди. Кўрдиким, қалъаси маҳкам ва баланд бўлиб, тоғ устида экан. Кўп кунлар у ерда бўлиб, кураш олиб борди, аммо (қалъани) забт эта олмади.

Шундан кейин бир кун Султоннинг ўзи пиёда тоғ устига чиқди. Унинг изидан барча лашкарлари ҳам тоққа чиқиб, ҳаммалари бир ерга тўпландилар. Аммо қалъанинг амири қалъа деворларининг энг баланд ерига чиқиб, ён-атрофдан хабардор бўлган ҳолда барча лашкарларини жангга илҳомлантириб ўтирар эди. (Шу вақтда) Султон лашкарлари томондан отилган бир ўк мазкур амирга тегиб, ҳаётининг қалъасига раҳна солди, яъни ўлдирди. Шундан сўнг Хутталон амирининг давлатини Султон (Алп Арслон) эгаллади.

Мазкур Султоннинг Ябғу ибн Микоил деган бир амакиси Ҳиротнинг волийси эди. У ҳам хирож божини тўлашдан бош тортди ва Султон юборган мулозимларнинг хирож йиғишини ман этди ва деди: «Ҳирот мамлакати менга тегишлидир». Алп Арслон буни эшитиб, кўп лашкар билан Ҳирот томонга йўл олди. У Ҳирот аҳлига гўё қиёмат кунини ошкор қилди. Охири, Ябғу ҳолдан тойиб, қалъадан чиқди ва Султонга кўп узрлар айтиб, эъзоз ва икромини бажо келтирди.

Шундан сўнг Султон (Алп Арслон) Ҳиротдан чиқиб, Чағониён томонга йўл олди. Чағониён амирининг исми Мусо эди. (У) Султонга кўп номуносиб ишларни қилган эди. Шунинг учун Султон Чағониёнга борди. Мусо кўп лашкар билан бир тоғнинг устига чиқди. Султон ҳам у тоғ томонга борди ва икки тараф лашкарлари бир-бирлари билан тўкнашдилар. Жанг бошланди, кўп кишилар ҳалок бўлди. Султоннинг лашкарлари ғолиб келиб, Чағониённи ҳам эгаллади. Шу вақтда баҳодирлардан бири Мусони тутиб асир этди ва Султоннинг ҳузурига келтирди. Шу зумда Султон уни катлга буюрди. Мусо кўп узр сўраб ва ёлбориб, ўзи учун беҳисоб ва бисёр молу давлат бермоқчи бўлди. Султон деди: «Эй Мусо, бу савдогарликнинг вақти эмасдирким, молни ўртага солурсен». (Султон) Мусонинг вилоятини ҳам эгаллаб, Марв томонига равона бўлди ва бир неча (вақт) у ерда яшаб, сўнгра Нишопур томонга йўл олди».

Ҳофизи АБРУ

«ГЕОГРАФИЯ»
(Мовароуннаҳр тавсифи)

«...Мовароуннаҳрнинг бир-биридан гўзал тўртта (йирик) шаҳри бор. Назм:

Мовароуннаҳр мамлакати бўйлаб
Тўртта шаҳар бор, бир-биридан гўзал.
Аввал Бухоро — илм ва фазилат манбаи,
Рум ва Чин диёрларига ҳам донғи кетган.
Улуғ Самарқанд шаҳри — салтанат
макони,
Шуҳратидан шаҳарлар ичра нигинли тож
кабидир.
Ундан сўнг Термиз — сахийлар ва
авлиёлар маскани,
(Кўркам) сув бўйлари зилол дарёларнинг
рашкини келтиради.
Хожанд шаҳри ул мамлакатда кайфу сафо
жойи,
Обод мавзе ва суфийлр ватани эрур.

Термиз. Жайҳун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар, кўрғони (куҳандиз) бор, (иллариари) шаҳристони ва рабази ҳам бўлган экан. Бозор ва жумъа масжид шаҳристонда жойлашган. (Шаҳар) аҳолисининг уйлари лойдан қурилган; (аҳолиси) Жайҳун (дарёси)дан сув ичади, экинларни эса Чағониён дарёси (суви)дан суғорадилар.

Термиз шаҳрининг қурилиши ҳақида сўз кетганда, унинг асосчиси Искандар (Александр Македонский) бўлган экан, дейдилар. У шимол томондаги (мамлакатларга) юриш қилиб, Жайҳун дарёси бўйига етиб келганида, шу ерни қурилиш учун маъқул кўрган ва ушбу шаҳарни бунёд этган экан. Янги кечув аста-секин обод шаҳарга айланди.

(Термизнинг) боғлари кўп, мевалари мўл-кўл, аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланади.

Бурдағуй — Жайҳун бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар, унга Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса, уни ҳам Искандар қурган, дейдилар. «Бурдағуй» юнонча сўз бўлиб, «меҳмонхона» деган маънони англатади ва бу ном ҳам Искандар замонида қўйилган, деган фикрни айтганлар. Қадимда зиммасига Жайҳуннинг кечувидан

ўтишни таъминлаш юкланган кемачиларнинг бошликлари шу Бурдоғуйда турганлар.

Бурдоғуй султонлар ушбу ларёдан ўтадиган кечув бўлган. Қадимги подшохлар ул мавзенинг аҳолисини ларёнинг гузарини кўриклаб туриш учун рағбатлантириб, уларга тархонлик берганлар. Шу сабабдан, у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилганлар. У ерга бирор мусофир келиб қолса, уни яхши кутиб олганлар. Тез орада, ул жойнинг халқи ўз олижаноблиги билан машҳур бўлди. Бирор йўловчи ўша ердан ўтиб қолса, Бурдоғуй одамлари ҳар бири уни ўз уйига олиб боришга ҳаракат қилар экан ва ҳатто бир-бирлари билан талашишарканлар. (Шу боис) Термиз аҳолиси билан Бурдоғуй аҳолиси ўртасида кўпинча жанжал бўлиб турган. Бурдоғуй атрофида жангал (тўқайзор) кўп ва у жангалда шер бор. Ўша яқин ўртада Колиф, деган бошқа бир кечув ҳам бор».

Шарафиддин Али ЯЗДИЙ

«ЗАФАРНОМА»дан

«...Амир Ҳусайннинг амир Баён Сулдуз билан жанг қилмоққа черик тортгани ва амирлардан мадад сўрагани ҳақида сўз. (в.97а)

Амир Қазағаннинг невараси амир Ҳусайн зудликда Қобулдан отланиб, амир Баён Сулдуз билан жанг тараддудига тушди, лашкарни тузиш ва қуроллантиришга киришди ҳамда элчи юбориб, ҳазрат Соҳибқирон, амир Боязид жалойир ва амир Хизр Ясавурийдан ёрдам сўради. Улар кенгашиб олганларидан сўнг, ушбуни тўғри топдилар: ҳазрат Соҳибқирон ва амир Ясавурий (икковлари) амир Ҳусайннинг илтимосини қондирадиган бўлдилар. Амир Боязид эса, Жата амирларида тухмат ва ёмонлик қилмоққа мажол қолмасин, деган мақсадда, Туғлук Темурхоннинг мурҳон томон юрмоқни маъқул деб топди. Амир Боязид ушбу режага кўра йўлга чиқди. Хожанд вилоятига етганида, Туғлук Темурхоннинг барча лашкарлари билан яна қайтиб келганлиги ва Чу суви бўйида ўз уғруқи[1] билан бирикканлиги хабарини эшитгач, мўлжалланган ўйидан қайтди ва ўша ерда тўхтаб турди. Бошқа томонда эса, ҳазрат Соҳибқирон ва амир Хизр тартибга келтирилган лашкар билан амир Ҳусайнга ёрдамга жўнадилар...

Улар Дари Оҳанин[2], деб аталадиган Қаҳалқадан ўтиб, амир Ҳусайн қошига етдилар ва биргалашиб Ҳисори Шодмон[3] томон юрдилар. Чунки амир Баён Сулдуз ўша ерда эди, уларга қаршилик кўрсатишни ўз

имконияти даражасида кўрмагач, кочмоқни ихтиёр қилди ва Бадахшон томон юзланди. Улар кетма-кет таъқиб қилиб бордилар. Бадахшонга етганларида, ул жойнинг волийси кочди ва мамалакат амир Ҳусайннинг қўл остига ўтди.

Ҳазрат Соҳибқироннинг амир Хизр Ясавурий билан жанг қилганлиги ҳақида сўз (в. 99 б.)

Ҳазрат Соҳибқирон Термиз атрофига етиб борди. (У ерда) шайх Али Журжурий жасорат оёғини ўз чегарасидан ташқарига қўйиб, қўшин тортиб чиқди. (Улар) Ангор мавзеида тўқнашдилар; қўшинлар бир-бирига етган заҳоти душманлар мағлуб бўлди. Зафарпаноҳ мавкабнинг довюраклари биринчи ҳамладаёқ уларни кочирдилар ва то Кўҳна Термизгача қувлаб, тўзитиб-таркатиб юбордилар. Ул жангдан ғолиб қайтгач, Кўҳна Термизни ҳумоюн қўнмоқ ҳаймагоҳи этдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг амир Ҳусайн билан жанг қилмоққа черик тортгани ҳақида сўз

Етти юз олтмиш етгинчи (1365) йилнинг кузида, яъни от йили ҳазрат Соҳибқирон сон-саноқсиз лашкар тузди... Уларни олиб Амир Ҳусайн билан урушмоққа отланди. Амир Сайфиддинни катта бир гурух билан манғлой тайинлаб олдинда жўнатди.

Амир Ҳусайн (ўз вақтида) Шер Баҳромни ҳийла ва алдов ила йўлдан оздириб, макр тузоғига илинтирганлиги ҳамда ўзига муте ва карам қилиб олганлиги сабабли, ҳазрат Соҳибқиронни ҳам ўша услубда бўҳтон билан ўйнатиш мумкин, деган хаёлга борди, минг афсус.

Шу пайтда, у Малик баҳодир ва унинг ўғли Абдуллоҳни аҳднома ила ул Ҳазрат қошига жўнатди ва фириб берувчи сўзлардан иборат пайғом юборди, яъни: «Шу пайттача зурур умумий масалаларни бир биримиз билан иттифоқда ғолиблик тўшини рақиблар ва тенглашувчилар майдонидан юлиб олдик. Маъқул улдурки, бундан кейин ҳам ўша удум сақланса ва ушбу аҳдномага тўла-тўкис ишониб, ҳеч бир дағдаға хаёлга келтирилмаса».

Ғолиб лашкар Қаҳалқадан ўтиб Бойсун уларнинг Ҳумоюн қўнимгоҳи бўлиб турган чоғда (элчилар) Малик баҳодир ва Абдуллоҳ етиб келдилар. Амир Ҳусайннинг аҳдномаси ва пайғомини арзаға етказдилар ҳамда сулҳ ва ярашмоқдан сўз қотдилар. Саодатли Соҳибқирон фурсат безаб турган давлат илҳоми билан, Миера: Сенинг аҳдингга сабо ели ҳам суяна олмас,

(деган мазмунни) англаб етди. (Шу сабабдан), ул аҳдномага эътибор бермади ва айтилган сўзларга қулоқ тутмади.

Ҳазрат Соҳибқироннинг Амир Ҳусайн устига черик тортгани ва Парвардигор иноятининг қўллови билан зафар қозонганлиги ҳақида сўз

Амир Ҳусайн ўз аҳлу-паймонини бузишини ўйлаб яна душманлаш касдида айёрлик ноғорасини нифоқ палоси тагида чертаётганлиги ҳамда фурсат кутиб ўз муродига ҳийла билан етишиш орзусида эканлиги турли далил ва белгилардан равшан бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон шариат қонуни асосида жорий этилган фитна қилувчини даф қилиш вожиблиги ҳукмидан келиб чиқиб, унинг ишини бир ёқли қилишга киришмоқни зарурат ғилмасдан олдинроқ амалга оширмоқчи бўлди. Бирок, аълохазрат ҳиммати ишнинг асосини ожизлик ва иложсизлик ташкил этган ҳийла ва иккиюзламачилик билан бошланишига йўл қўймас эди. (Шу сабабдан) тавакқалнинг оркасини тангри иноятининг кўмаги ила мустаҳкамлаб, ҳиммат юзини Амир Ҳусайнни йўқ қилмоққа каратди ва мардонавор муҳолифат эълон қилиб, сипоҳ йиғишга фармон берди. Ҳинду-Қаркара кишчокни Сайҳун сувидан ўтиб, Ўтрорга тенглашувчи даргоҳга йиғилгач, қўл ва манғлойни қочиб кетган Шайх Муҳаммад Баён сулдузни олиб келиш учун жўнатди.

Ҳазрат (Соҳибқирон) паноҳи бўлмиш сипоҳ қазодек кескин фармонга мувофиқ, осмон билан келтириб, амир Мусони қўлни бошқаришга тайинлади. Ўзи эса, саодатли вақт-соатда ва энг бахтли толеъда Кешдан йўлга чиқиб, бир гуруҳ баҳодирлар билан олдинда борарди. . .

Ҳузорга етиб келганларида амир Мусо, унга хос бўлган одатга кўра, ўринсиз ваҳимага тушди ва аҳд-паймонни бузиб, қочиб Самарканд томон қайтиб кетди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг бу қилмишига эътибор бермади ва Суюрғатмиш ўғлонни амир Муайяд, Ҳусайн барлос ва яна бир канча баҳодирлар билан қўшиб манғлой расми ила олдинда жўнатди. Қўлни эса, (ўзининг) ҳумоюн улуғворлигининг нурлари ила порлоқ этиб равона бўлди.

Манғлой Қаҳалқадан ўтиб Термизга етиб боргач, Амир Ҳусайннинг Ҳиндушоҳ ва Ҳалил бошлаб олиб келган лашкари, уларнинг корасини кўриши биланоқ қочмоққа юзландилар ва Омўя сувидан ўтиб Балх томон йўл олдилар. Осмоний тасдиққа эга бўлмиш ҳазрат Соҳибқирон Термиздан уч фарсах наридаги Буё мавзеига келиб қўнди.

Маккайи муаззаманинг буюк шарифларидан бири, ўз асрида Ер юзи сайидларининг пешвоси, зоти шарифи Тоҳа ва Ёсин сараланган шодасининг воситаси[4] бўлмиш пайғамбар пешвоси, мурташайи аъзам, улуғлиги сифат ва унвонларини[5] келтиришга ҳожатсиз олийжаноб Сайид Барака[6] ҳеч қандай ваъда, олдиндан келишувсиз, кутилмаганда ул ҳумоюн манзилда пешвоз чиқди ҳамда салтанат ва подшоҳлик белгиларини англатувчи ноғора ва 'алам (байрок) келтириб ҳазрат Соҳибқиронга совға қилди.

Байт:

Тонг қуёшию, тун ҳилоли эрур
Аср дури, бизнинг забаржадимиздур.

Ҳазрат Соҳибқирон кундан-кунга ортиб бораётган давлатининг бошланишида юз берган бу кутилмаган учрашувдан, энг юксак даражадаги омонлик ва иқбол учун, – фотиҳа (сураси) Китоб (Қуръон)нинг онасидир, – деган сўзлар ишоратига кўра, қатъий ва аниқ (қарорга) келди. У дўстлик ва ҳимоя изловчи кўлини, – эй Аҳли Байт, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос – деган (оят) давлатининг байроқлари этагига мустаҳкам қилиб, улкан набийлик дарахти шохининг кутлуғ ташрифини улуғлаш ва таъзимлар ила кутиб олди. Ул Ҳазратнинг чин ният ва пок истаги туфайли, уларнинг ўрталарида дўстлик муносабати пайдо бўлди. (Шундан сўнг) баракотли улуғ зот бутун хаёти давомида, ўзи келганлиги хушхабарини етказган давлат мисоли, ҳазрат (Соҳибқирон)нинг суҳбати ва мажлисини ўз ихтиёри ила ихтиёр айлади ва ҳеч качон ул ишни тарк этмади. Вафотларидан сўнг эса, икковлари бир гумбаз остида ором топмишлар ва ҳазрат Соҳибқироннинг самимий юзи худди ўшандай унинг томонига қараган...

Ҳазрат Соҳибқироннинг Термиз ва Балх томонга лашкар юборганлиги ҳақида сўз

Илгаридан қазо Зиндаҳашим учун оқибат рақами ва имзосини қисмати саҳифасига чекканлиги учун, шунча кўрсатган марҳаматларга қарамасдан, яна девгурур васваса уни тинч-тотувлик йўлидан оздирди. У жасорат оёғини бўйсунмоқлик йўналишидан четга қўйди, калтафаҳмлигидан орзу жиловини хаёл қўлига топширди. Қизиғи шундаки, Хонзода Абулмаод, хаёт минг хил тил билан

Байт:

Зинҳор бундай қилмағил, пушаймон бўлурсан
Деб, қайта-қайта етказган бўлса ҳам, бари-бир унга
(Зиндаҳашимга) қўшилди...

Иккаласи бирлашиб Балх ва Термиз улусини таладилар. Улар томондан пайдо бўлган ушбу хато хабарнинг нурлари олий Ҳазратлари ёркин кўнгли сайҳонлигига тушгач, Хитой Баҳодир ва Арғунхон Бўрдолиғийни бир миқдор лашкар билан илғор тарзда жўнатди...

Бу лашкарга, уларнинг фитна-фасодини бостириб, мардлик ва жасорат кўрсатсинлар; парвардигорнинг омонати бўлмиш раият аҳволи этагини ситамкор зўравонларнинг тиканидан асрасинлар, деб буюрди.

Амирлар зафарпаноҳ сипоҳ билан Термизга етиб келганларида, ул томондаги аҳоли Омўя сувига кемалардан кўприк боғлаган эдилар. (Бирок) бир гуруҳ душманлар тунда кочиб кўприкдан ўтган ва кўприкни нариги томондан бузган эди. Ғанимлар ғолиб лашкарнинг корасини кўришлари билан юзлари сарғайиб, кўркувга тушиб коча бошладилар. Жон ваҳимасига тушиб (отлар) жиловини кўприк томон бурдилар ва тунда бўлган аҳволдан ғофил ҳолда кўприкка караб (от) сурдилар. Кўприкнинг ўртасига етиб борганларида, унинг нариги қисми бузилиб ётганини кўрдилар. Ғолиб лашкар баҳодирлари уларнинг ортидан етиб келиб, (тангри) кўмак берган кўллари билан ўк ёғдиришга киришдилар ва ул куни битганлар учун

Байт:

Ортдан ўк, олдинда денгиз (каби) сув,
Ажал келар елиб, жонларда кўркув.
На шафқатдан умид, йўк истак жангга.
На қолишга мадор, на йўл кочишга

бор эди. Уларнинг анчаси килич зарбидан йўк бўлдилар, кўплари сувга ағдарилиб, жондан жудо бўлдилар. Фақат бир оз киши, аникроғи ўндан бир кисмидан ҳам озроғигина не азоблар билан қирғоққача етиб олдилар. Зиндаҳашим кочиб Шибурғонга кириб борди ва уни маҳкамлаб, ҳимоя (учун) оркасини ўз тасаввурида (ғўёки) кўрғон деворига суяди.

Ҳазрат Соҳибқироннинг (Ҳиндистон) юришидан қайтиб, Жайҳундан ўтганлиги ва мухтарам (хотунлар) ҳамда фарзандларнинг ҳумоюн учрашувдан шод-хурсанд бўлганликлари ҳақида сўз

Йигирма биринчи ражаб (29 март 1399 йил) якшанба куни чошгоҳда денгиздай ҳиммatли Соҳибқирон кемада дарёдан ўтди. У ерда салтанат ва жаҳондорлик осмонининг авлодлари амирзода Улуғбек, амирзода Иброҳим Султон, олий иффат (соҳибаси) бекаси Султон, улуғлик ва шон-

шавкат чодирининг мухтарама хонимлари — Сароймулк хоним, Тўкал хоним, Тумоной, бошка шаҳзодалар, барча аъёнлар, акобир ва ашроф Самарканд ва ўша якин-атрофдан кутиб олиш учун келиб, аълоҳазрат (Соҳибқирон) билан учрашиш бахтига муяссар бўлдилар...

Якшанба ва душанба кунлари Термизда бўлдилар. Душанба куни насаби сўзсиз набийлик ва пайғамбарлик оиласига мансублиги шубҳа ва гумон доғидан пок ҳамда кадри-киймати улуғ ва шуҳрати баланд остонали куёш юксаклигидан ҳам ортик бўлган Хонзода Ало ал-Мулк (Термиз сайидларидан) жаҳонгир Соҳибқирон шарафига тўй берди ва муносиб тортиклар келтирди.

Йигирма учинчида сешанба куни мусаффоргор байроқ Термиздан Жаҳоншоҳ кишлоғига кўчиб ўтди. Ойнинг йигирма тўртинчисида чоршанба куни Тараккий-Гармобага осмондек даража бахш этди. Йигирма бешинчида пайшанба куни Қаҳалкадан ўтди...»

Форсийдан Омонулло Бўриев таржимаси

Изоҳлар:

[1] **Уғрук** — лашкар ортидан захира, аслаҳа ва бошка анжомларни олиб юрувчи киши.

[2] **Дари Оханин** — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни 5 — 20 метр, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Қадимий машҳур тоғ ўткили. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча «Дари-Оханин» (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда: «Темир қапуғ» («қапуғ»—дарвоза), арабча «Бобул-ҳадид» (Темир дарвоза), мўғулча «Қаҳлаға» ёки «Қаҳлақа» («қалға», «халға» —дарвоза). Қадимда дара ёнида шу номдаги аҳоли маскани, қўрғон ҳам бўлган, уни Бузғала хона ҳам деганлар. Бойсун гумани ҳудудида.

[3] **Ҳисори Шодмон** — вилоят ва шаҳар, қадимги номи Шумон (ҳозирги Ҳисор водийси), маркази шу вилоятдаги Ҳисор қўрғони ёнида бўлган.

[4] **Тоҳа Ёсин** — Қуръони каримдаги «Тоҳа» ва «Ёсин» сураларининг номи. Ривоятга кўра, бу сураларнинг номи Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) исмларидан олинган: «тоҳа» сўзи «Тоҳир» исмидаги «т» ҳарфига ва «Ёсин» сўзи «сайид» сўзидаги «ё» ҳарфига ишора тарзида берилган.

[5] **Забаржад** — оч яшил кимматбаҳо тош. Бу байт матнда араб тилида берилган ва ундаги «куёш» (шамс) ва «тун» (лайл) сўзлари Қуръони каримнинг «Шамс» сурасига ишорадир; байтнинг иккинчи мисрасида муаллиф Сайид Баракани ўз асри одамлари ичида «дур» ва олимлари ичида «забаржад» деб атайди.

[6] **Унвон (даража)** — тасаввуфда маълум босқичга кўтарилиш, суфийлик даражасига эришиш.

[7] **Сайид Барака** (вафоти 1404 йил) — Термиз саилларидан. Амир Темурнинг учта асосий пиридан бири.

Захириддин Муҳаммад БОБУР

«БОБУРНОМА»
«Вақоеи санаи тисъа миа (тўққиз юзинчи (1494 – 1495) йил вокеалари)

«..Манга Султон Маҳмуд мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди. Улуғ ўғли Султон Масъуд мирзоға оғаси султон Аҳмад мирзонинг Окбегим отлиқ иккинчи қизини тўй ва ойин била олғон. Сочиқни келтурди: олтундин ва кумушдин бодомлар ва писталар қилиб эдилар (25-бет).

Масофлари: (Султон Маҳмуд мирзо — *тўпловчи*) икки қатла масоф урушти. Ҳар икки қатла Султон Ҳусайн мирзо била, бир мартаба Астрободда мағлуб бўлди. Икки қатла Андихуд навоҳисида Чақман деган ерда ҳам мағлуб бўлди. Икки қатла Бадахшоннинг жануб жониби Кофиристонга бориб ғазот қилди. Бу жиҳатдин фармонининг тўғрисида Султон Маҳмуд ғозий битирлар эди.

Вилояти: Султон Абусаид мирзо Астрободни бериб эди. Ирок вокеасида Хуросонга келди. Ул фурсат Қанбар Алибек Ҳисор ҳокими Султон Абусаид мирзонинг ҳукми била Ҳиндистон черикини чериклаб, Ирокка мирзонинг сўнгича борадур эди, Хуросонга етиб эди, Султон Маҳмуд мирзога мулҳақ бўлди. Султон Ҳусайн мирзонинг овозасини эшитгач, Хуросон эли ҳужум қилиб, Султон Маҳмуд мирзони Хуросондин чиқордилар, Самаркандға Султон Аҳмад мирзонинг қошиға келди. Неча ойдин сўнг Аҳмад Мушток бошлиғ Сайид Бадр ва Хисравшоҳ ва яна баъзи йигитлар Султон Маҳмуд мирзони олиб қочиб, Ҳисорға – Қанбар Алибек қошиға келдилар. Андин бери Қаҳқа била Кўҳтан тоғининг жануб тарафидаги вилоёт, мисли: Термиз ва Чағониён ва Ҳисор ва Хатлон ва Қундуз ва Бадахшон Ҳиндикуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг тасарруфида эди. Оғаси Султон Аҳмад мирзо ўлгандин сўнг анинг вилоётидаги мунинг тасарруфида бўлди. (26-27-бетлар).

Авлоди: Беш ўғил, ўн бир қиз эди. Бори ўғлонларидан улуғ Султон Масъуд мирзо эди. Онаси Мир Бузург Тирмизийнинг қизи эди (27-бет).

... Тарих тўққиз юз ўнда Аму дарёси ёқасида Боқи Чағониёний манга келиб мулозимат қилди. Бу бегимлар *(Султон Маҳмуд мирзонинг беш қизи – тўпловчи)* оналари билан Термизда эдилар. Булар ҳам Боқи Чағониёнийнинг кўчи била келиб кўшилдилар ... (27-28-бетлар).

Вақоеи санаи ихдо тисъа миа (тўққиз юз биринчи (1495–1496) йил вокеалари).

Султон Ҳусайн мирзо Хуросондин Ҳисор устига черик тортиб, кини Термиз тўғриси келди. Султон Масъуд мирзо ҳам черик йиғиб, Термизға мукобалада келиб ултирди. Хисравшоҳ ўзи Қундузни маҳкам қилиб, иниси Валини черикка юборди. Кишининг аксарини ўта олмай, сув ёқасида ўткардилар. Султон Ҳусайн мирзо кордон ва сохиб тажриба подшоҳ эди. Қундуз сари сув юкори бока кўчти... Вали Хисравшоҳким, бу кечган кишининг устига бормокни харчанд сайй килди. Султон Масъуд мирзонинг бедиллигидин ё Боки Чағониёнийнингким, Валининг видди эди, саъйидин бу кечган кишининг устига бормади. Бузулган йусинлук Ҳисор сари ёндилар.

Султон Ҳусайн мирзо сув кечиб, Бадиузамон мирзони ва Иброҳим Ҳусайн мирзо ва Муҳаммад Валибек ва Зунун аргунни Хисравшоҳ устига юборди. Ўзи Ҳисор устига келди. Ёвукетканда хабардор бўлдилар.

Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмокнинг маслаҳатини тонмай, Камруд руди юкори Сиратон йўли била иниси Бойсунғур мирзо кошига, Самаркандга борди. Вали хам Хатлон сари тортти. Ҳисор қўрғонини Боки Чағониёний ва Маҳмуд Бардлос ва Султон Аҳмад Кўчбекнинг оғаси беркитгилар ... (33-бет).

Вақоеи санаи салюс ва тисъа миа (тўққиз юз учинчи (1497–1498) йил вокеалари) ...

Ушбу йил Хисравшоҳ Бойсунғур мирзо била черик тортиб, Чағониён келиб, макр ва фириб била олди. Султон Масъуд мирзога элчи юбордиким, келинг, Самарқанд устига юрулинг. Самарқанд муяссар бўлса, бир мирзо Самаркандга ўлтургай, яна бир мирзо Ҳисорда.

Султон Масъуд мирзонинг бек ва ичкиси ва йигит-яланги озурда бўлуб эдилар. Бу жихаттанким, Шайх Абдулло Бардлос Бойсунғур мирзо кошидин султон Масъуд мирзо қошиғаким борди, чун мирзога қойин ота эди, асру улуғ ройят тонти. Бовужудким, Ҳисор вилояти мукаккар ва мухтасар вилоятдур, улуфасини минг туман фулус қилиб, Хатлон вилоятини дардаст берди. Хатлон вилоятида Султон Масъуд мирзонинг хейли бекларининг ва ичкиларининғтани бор эрди. Барчани мутасарриф бўлди.

Ўзи ва ўғлонлари куллий ва жузъий эжик ихтиёрини олдилар. Озурда бўлғонлар кочиб Бойсунғур мирзога кела бошладилар.

Фирибомиз сўзлар билан Султон Масъуд мирзони гофил килиб, Чағониёндин илғаб, Накора вактида Ҳисор кўрғонини кабай олдилар (53-бет).

... Иттифокоти хасанадин Султон Масъуд мирзоким, Ҳисорни олдуруб, Султон Ҳусайн мирзога келадур эди, ушбу кун мирзога мулҳак бўлди. Астрободка борғон черик ҳам келиб, ушбу кун мирзога мулҳак бўлди. Рубору бўлғоч, ўкуруша ҳам олмади. Бадиуззамон мирзо била Шоҳрух мирзо кочти.

Султон Ҳусайн мирзо Султон Масъуд мирзони яхши кўриб, куёвликка юкундируб, иноят ва шафкат макомида бўлиб эдиким, Хисравшоҳнинг иниси Боки Чағониёнийким, мундин бурунрок келиб, Султон Ҳусайн мирзо мулозиматида булур эди, ангизе била Хуросонка турмай, бир баҳона била чикиб, Султон Ҳусайн мирзодин берухсат Хисравшоҳга боргатта Улуғбек мирзонинг ўғли Мироншоҳ мирзо отаси била ёгикиб, хазорага кириб, хазорада ҳам беэътикодликлар килиб, хазорада Тура олмай, ул ҳам Хисравшоҳ кошига келуб эди. (54-бет) ...

Бу Манеъ ҳаракаттин сўнг Бойсунғур мирзони подшоҳ килиб, Ҳисорға рухсат берди. Мироншоҳ мирзоға Саид Комилни кўмак кўшиб, Бомиён сари йиборди (55-бет) ...

Вақоеи санаи ситта ва тисъа миа (тўккиз юз олтинчи (1500–1501) йил вокеалари).

Самаркандни ўзбек олғоч, Кешдин Ҳисор сари мутаважжих бўлдук. Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари кўч ва ахду аёллари била бизнинг била тебрадилар. Чағониённинг Чилту ўлангига тушганда, Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб бориб, Хисравшоҳка навкар бўлдилар.

Биз шаҳар ва вилоятгин маҳрум, борур тураримиз номаълум. Бовужудким Хисравшоҳ не микдор бизнинг хонвадага ҳайфлар ўтказиб эди, чора тополмай, заруратин анинг вилоятининг ичи бирла ўк-ўттук. Бир хиёл қилиб эдиким, Қоратегин ва Алай била ўтуб, кичик хон дадамгаким. Олачахон булғай, борилгай, ул муяссар бўлмади. Камруд била юккори юруб, Сира тоқ добонидин ошмоқ бўлдук. Навандок навоҳисига етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўккиз от ва бир тўккиз парча келтурди. Камруд оғзига тушганда, Шерали чўҳра қочуб Хисравшоҳ кошига борди. Тонгласиға Кўчбек айрилиб Ҳисор борди. Камруд дирасиға кириб юкори боқа юрудук. Танги ва учма йўлларда тунд ва тез кўталларда калин от ва

тева колди. Учтўрт ора кўнуб, Сира тоқ кўталига еттук, кўтал ва не нав кўтал, харгиз мундок баланд ва тани кўтал кўрулган эмас... (73-бет).

Вақоеи санаи тисъа ва тисъа миа (тўккиз юз тўккизинчи (1503–1504) йил вокеалари).

Муҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Хуросон азимати била Илок яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоғларидандур, келиб туштум. Ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзимга устара кўйдум. Мени умидворлик била ирашиб юрудургонлар икки юздин кўпрок, уч юздин озрок бўлгай эди... (109-бет).

Илоктин учтўрт кўч била Ҳисор навоҳисига Хожа Имод деган ерга келиб тушулди. Бу юртга Мухиб Али кўрчи Хисравшоҳдин элчиликка келди. Хисравшоҳким, карам ва саховат била машҳур эди, икки навбат муруримиз анинг вилоятидин вокеа бўлди, адно кишиларга килғон инсониятни бизга килмади (109-бет)...

Кабодиёнга етганда, Хисравшоҳнинг иниси Боки Чағониёнийким, Чағониён ва Шахрисафо ва Термиз анда эди, Хатиб Қаршийни йибориб, давлатхоҳлик изҳори килиб, бизга кўшулмоқ бўлди. Аму суйини Уёч гузаридин ўтганда келиб мулозимат килди. Бокининг истидосидин Тирмиз тўғрисига келиб, кўчларини Амудин бебоки кўчуруб, ўзимизга кўшуб, Қоҳмард ва Бомиён саригаким, ул фурсатта бу ерлар ўғли Аҳмад Қосимгаким, Хисравшоҳнинг хоҳарзодасидир, тааллук эди, мутаважжих бўлдукким, Қоҳмарднинг Ажар отлик дара кўрғонида уй-элни беркитиб, яна, бир маслаҳат рўй берса, анга караб амал килғайбиз (109–110-бетлар)...»

Тўпловчи Абдиназар Хидиров

ХЎЖА АҲРОР ВАЛИЙ ЧАҒОНИЁНДА

Мамлакатимиз тарихшунослигида муқаммал ўрганилган олим-шоирлар, давлат ва дин арбоблари, авлиё-шайхлардан ҳисобланган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Сўфи Оллоёр ва бошқа забардаст ижодкорлар қаторида Хўжа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти ҳам тарихий манбаларда акс этган.

Хўжа Аҳрор ҳаётининг 1480–1490 йилларлаги фаолияти ҳақида унинг энг яқин сафдоши Маҳаммад Қози Шошийнинг (вафоти 1515 йил) аллома ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Силсилат ул орифин ва тазкират ус сиддиқин» асарида ёзилишича, Хўжа Аҳрор 806 ҳижрий йилнинг рамазон ойида, яъни 1404 мелодий йилнинг март ойида Шош(ҳозирги Тошкент) шаҳрида дунёга келган. Унинг бобокалони Муҳаммад Боғдодий X асрда Абубакр Қаффол Шошийнинг шуҳратини эшитиб, Боғдоддан Шошга келиб, шу ерда турғун бўлиб қолган. Хўжа Аҳрор она томонидан Муҳаммад пайғамбар авлодларига бориб тақалади. Унинг она томондан бобоси Шайх Хованди Таҳур (Шайтонтаур)дир. Муҳаммад Қозининг юқоридаги асарида ва тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» номли тарихий романида таъкидланишича, Шайх Хованди Таҳур насаби жиҳатидан асли Термиз саййидларидан бўлиб, «Хованд» сўзи Термиз саййидларининг наслий унвони «Худованд» сўзининг қисқартирилган шаклидир. Хўжа Аҳрорнинг онаси 1359 йилда Тошкентда вафот этган Шайх Хованд Таҳурнинг ўғли – Хожа Довуднинг қизидир.

Хўжа Аҳрор дастлаб Тошкентда, сўнгра эса тоғаси Хожа Иброҳим билан Самарқандга келиб, бу ердаги мадрасада бирмунча вақт таҳсил олади. Аммо ўқишини давом эттиришга соғлиги имкон бермай, мустақил таҳсил олишга ўтиб, Тошкентга қайтади.

Хўжа Аҳрорнинг она томонидан катта бобоси шайх Умар Боғистоний улуғ авлиё, аллома Баҳовуддин Нақшбандниг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганди. У ўғли, Шайх Хованди Таҳурга: «Таҳур, мулла бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма, мусулмон бўл!» деган экан. Хўш, бунда қандай ҳикмат бор? Мулла, сўфи, шайх мусулмон эмасми? Унда мусулмон ким? Хожа Убайдуллога ана шу муаммонинг ечими тинчлик бермайди. У бу ҳикмат мағзини чақиш, ўзига маънавий раҳнамо-пирни топиш умидида 1428 йилда Ҳиротга йўл олади. Бу ерда 5 йил бўлиб, етук шайхлар Баҳовуддин Умар ва Зайниддин Хавофийлар суҳбатларида қатнашади. Уларлан шайх Баҳовуддин Умарга кўпроқ мурожаат қиларди. Чунки шайх ўзининг камтарлиги, халқ билан самимий мулоқоти билан ажралиб турарди. Хожа Убайдулло шайхдан кўп нарсани ўрганди. Аммо уларни пир-муршид сифатида қабул қила олмади. Чунки, умр мазмунини белгилайдиган юқоридаги сўзлар мағзини тушунтирадиган жавоб ололмаган эди.

1432 йилда у пир-муршид ва юқоридаги саволга жавоб излаб, Чағониёнга келди. Чунки, XIV аср охири ва XV асрда Чағониён нақшбандия тариқатининг марказларидан бири бўлиб, у ерда Баҳовуддин Нақшбанд вафот этгандан кейин унинг биринчи халифаси Алоуиддин Аттор Деновга кўчиб келиб, фаолият кўрсатаётган эди. У Чағониёнда нақшбандия тариқатини тарғиб қилди, шогирдлар тайёрлади. Нақшбандия таълимоти хусусидаги бир қанча китоблар Алоуиддин Аттор раҳнамолигида ёзилди. Жумладан, Баҳовуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) «Мақомоти шайх Аловиддин Аттор» рисоласини ёзди. У «Рисолан Қудсия» номли асарида бу китобини ҳам бевосита Хожа Алоуиддин Аттор таклифи билан ёзишга киришганини айтади. Шунингдек, Салоҳ ибн Муборак ҳам ўзининг Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги «Анис ат толибин» асарини Аловиддин Аттор топшириғи билан ёзилганини, у киши рухсат этган ҳикоялар китобга киритилганлигини таъкидлайди.

Хожа Аловиддин Атторнинг фарзандлари Ҳасан ибн Алоуиддин Аттор ҳам оталари каби кучли жазб қувватига эга бўлган. Ҳасан Аттор Ҳиротга борганида, Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ шайхни шахсан кутиб олиб, бедов от совға қилади, улар отга минаётганда, от жиловини ўзи тутиб туради. Алишер Навоий ташаббуси билан нақшбандия тариқати улуғларининг мактубларидан тузилган «Мажмуан мурсолот» («Хатлар мажмуи»)да Хўжа Аҳрор Валийнинг мактублари билан бир қаторда Аловиддин Атторнинг набираси –Хожа Муҳаммад ибн Ҳасаннинг ҳам 3 хати киритилганлиги диққатга сазовордир.

Алоуиддин Аттор издоши мавлоно Ёқуб Чархийни ҳам ўз ҳузурига чорлайди. Мавлоно Ёқуб ибн Усмон Муҳаммад Ғазнавий устози Алоуиддин Аттор вафотидан кейин ҳам бир неча йил Деновда яшаб қолди, шогирдлар тарбияси билан шуғулланди, сўнг Ҳисорнинг шу ерга яқин Халғату қишлоғига кўчиб ўтди.

Хўжа Убайдулло Чағониёнга келиб, Ёқуб Чархийдан Нақшбандия тариқати асосларини ўрганди. Шайхнинг «Махтасар дар баёни силсилаи нақшбандия» номли асарини мутолаа қилди. Хўжа Аҳрор мавлоно Ёқуб Чархий сиймосида ўзи интилган маънавий пирни кўриб, уни муршид сифатида тан олди. Чунки катта бобоси айтган сўзлари мағзини Ёқуб Чархий билан суҳбатларда чаққан, муаммога жавоб топган эди. Яъни мусулмон бўлмоқ – бу, фуқаро, халқ манфаатлари учун яшамоқ эканлигини кашф қилган эди. Таъкидлаш жоизки, кейинроқ, яъни, 1451–1452 йилларда Самарқандга бу-тунлай кўчиб келган Хўжа Аҳрор Валийнинг ҳаёт

дастури ана шу таълимот асосида тузилди. У буни қуйидагича ифодалаган эди: «Агар биз шайхликни бўйнимизга олсак эди, унда бирорта шайх мурид топа олмасди. Аммо бизга бошқа масъулият, яъни мусулмонларни золимлар зулмидан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Ана шуни амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб турии, уларнинг ишончини қозониш лозим. Агар машойихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фақаро учун вақтимизни аямаймиз». Демак, Хўжа Аҳрор нақшбандия тарафдорларининг, одамларга ижтимоий жиҳатдан фойдали инсон бўлиш ҳақиқий мусулмончилик ва гўзал ахлоқдир, деган ақидаларини ўз ҳаётининг асосий мазмуни, деб билди.

ДЕНОВДАГИ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАР

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё жаҳон цивилизациясига қўшган ўзининг муносиб ҳиссаси, буюк алломалар, олиму адиблар ва меҳнаткаш халқи билан жаҳонга танилган. Аждодларимиз ҳурматга сазовор бўлган муносиб шахсларнинг номларини абадийлаштиришга, амалга оширган ишларини ибрат сифатида келажак авлодга қолдиришга, улар абадий қўним топган жойларни обод қилиш ва зиёратгоҳга айлантиришга ҳаракат қилганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муқаддас зиёратгоҳлар халқимизнинг босиб ўтган тарихини чуқурроқ ўрганишда, халқни ватанпарварликка, инсонпарварликка даъват этишда, ёшларни миллатни, Ватанни севиш, унинг муқаддас тупроғини кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Муқаддас қадамжолардан кўзланган мақсадда самарали фойдаланиш учун аввалambор уларнинг тарихи, жуғрофий ва табиий хусусиятлари, қандай мўтабар шахслар бу ерда дафн этилганлигини ўрганиш муҳимдир.

Бизнингча, муқаддас зиёратгоҳларнинг пайдо бўлишида географик муҳит алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, аждодларимиз улуғ шахслар, алломалар, авлиёлар ва уларнинг диний ёки дунёвий аҳамиятини муқаддаслаштиришда ҳудуднинг иқлимига, суви ва тупроғининг тозалигига, ернинг баландликка жойлашишига, турли дарахт, буталар, доривор ўсимликлар мавжудлигига алоҳида эътибор берганлар. Зиёратгоҳда дафн этилган шахсларнинг халқ олдидаги хизматлари: тинчлик ва осойишталикни асраш, юртни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиш ва истилочилар устидан ғалабани таъминлашдаги кароматлари, турли хил касалликлар, табиий офатларнинг олдини олишдаги саъйи ҳаракатлари эъзозланиб, муқаддаслаштирилган.

Денов туманидаги тарихий обидалар ва муқаддас зиёратгоҳлар, уларнинг ҳудуди, географик жойлашувини, экологик аҳволи, меъморий хусусиятларини қадимшунослар томонидан мукаммал ўрганиш ва ободонлаштиришга айниқса мустақиллик йилларида эътибор кучайди. Улар ҳақида илмий ва оммавий мақола, рисола, китоблар ёзилди.

Ҳозирги пайтда Денов туманида олтита зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, улардан энг каттаси мовароуннаҳрлик мутасаввиф олим, авлиё Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифаси ва куёви **Алоуддин Аттор Валийнинг қабридир**(вафоти 1400 йил 18 март). Қабрнинг тепасида катта айлана тош (тожик тилида «санги гирдак» – «айлана тош, юмалоқ тош»

маъносини билдиради) борлиги сабабли Сангардак, деб номланувчи тоғда «илғор, пешкадам» Хожа маъносини билдирувчи **Хожан Илғор,** тоғнинг 100 метр тепалигидан оппоқ сув тушадиган кадимий **Шаршара мозор ва ундаги Биби Сора она кадамжоси,** тог остида ислом йўлида курашган етти хожалардан бири **Хожаи хубон** (яхшилар Хожаси) зиёратгохлари бор.

Хайробод манзилгохида шахси номаълум бўлган **Хазрати Султон** зиёратгохи, «Ғалаба» махалласи худудида **Кўшак ота** кадамжоси жойлашган.

Алоуддин Аттор Валий зиёратгохи «Шайх Аттори Валий» ёки «Ок Остона бобо» номи билан машхур. Хожа Алоуддин Аттарнинг ўғиллари шайх Хасан Аттори Валий ва неваралари Хожа Юсуф Атторларнинг кабрлари хам шу кабристонда дафн этилган.

Ок Остона бобо макбараси X–XI асрларга оид бўлиб, у квадрат шаклидадир: ташкаридан 9х8,7 м. ва ичкаридан 3,65х5,80 метрни ташкил этиб, тузилиш шаклидан кубга ўхшаб, ўксимон гумбаз билан сайкалланган. XV асрда жануби-шаркий девори кайта таъмирланиб, колган уч тарафи хом ғишт билан терилган. Унинг учта бурчагидан (шаркийсидан ташкари) минорачалар чикарилиб, гумбаз ости кисмлари кайта тикланган. Дастлабки кириш жойи шимоли-шаркий томонда бўлиб, бу ерда минора бўлган. Кейинчалик кириш жойи жануби-шаркий томондан очилиб, сағанали бино минораси панжара оркали ёритилган. Ёруглик ўтувчи дераза жануби-ғарбий томондан очилган. Бинонинг олд томони шаклдор нақш билан безатилган, кенг вертикал жуфт ғиштлардан хам безак берилган.

Иморат квадрат пишик 23-24х3,5 см, 26х4,5; 22,5х4 см хажмли ғишт ва 10х10х66 см лой коришмасидан терилиб, гумбазнинг биринчи айланаси ва пастки кисми деворлари махсус катта хажмдаги 45–50 см ли ғиштдан бунёд этилган. Макбара ичида йирик хажмдаги, ганч билан суваланган сағана бўлиб, у кечрок пайдо бўлган.

Пишик ғиштдан бунёд этилган ёдгорликлар Марказий Осиёнинг X–XI аср охирларидаги меъморчилигига хос бўлиб, бу ўзига хослик иншоотнинг пайдо бўлиши санасини аниклашга ёрдам беради.

Хожа Алоуддин Аттор зиёратгохининг шайхини туман имоми тайинлайди. Хозир зиёратгохни бошкараётган шайх Отахон Пошшоев (1978 й.т.) Алоуддин Аттор авлодидандир. 1940 йилдан боболари Хамидхон, Пошшохон, Мухаммадихон, Саидхон эшонлар зиёратгохга шайхлик килиб келишган.

Силсилаи шарифда 17-ўринда турадиган Хожа Алоуддин Аттор зиёратгохи Денов шахридаги энг табаррук гўша хисобланади. Бутун Сурхон ахли

ва мамлакатимизнинг бошка шахару кишлокларидан келган юртдошларимиз табаррук зотни зиёрат килиб, унинг хакига Курьон тиловат киладилар.

Хожа Алоуддин Аттор зиёратгохида аввал факатгина валийнинг сағанаси бўлиб, кейин атрофи кўримсиз кабристонга айлантирилган.

Истиклол шарофати ва Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизнинг турли гўшаларидаги меъморий обидалар, муқаддас кадам-жолар таъмирланди, обод килинди. Бу савобли ишлар Деновда хам олиб борилди. Дастлаб, шайх кабрлари атрофидаги пасткам, кўримсиз иморатлар бузиб олиниб, янги иморат учун жой хозирланди.

Деновлик курувчилар шайх кабри устида махобатли макбара тикладилар. Пардоз ишларига Самаркандан усталар таклиф килинди.

Ушбу бунёдкорлик ишларида деновлик саховатталаб тадбиркорлар ўз хиссаларини кўшдилар. Жумладан, «Нуриддин» ғишт ишлаб чикариш корхонаси, У. Худойбердиев, А.Бойкулов бошлик курилиш ва бошка бир канча ташкилотлар, ЭПО-5, Лочин-Д, Денов курилиш, Хайробод ва Денов пахта тозалаш хиссадорлик жамиятларининг хизматлари каттадир. Шунингдек, Жўракул Турсунов ўз жамғармасидан 500 минг сўм, Н. Мирзаев номли МЧЖ 500 минг, 200 минг сўмлик курилиш ашёлари, Хазорбоғ ширкат хўжалиги 500 минг, 1,5 тонна буғдой, Шухрат Хусанов 100 минг сўм, «Дунёдон» МЧЖ 100 минг сўм, Юнус Ўроков 60 минг сўм, Жовли Тўраев 60 минг сўм, Ўзбекистон Қахрамони Ахмад Нарзуллаев 2 тонна цемент, Бахром Дилов 1,5 тонна ғалла, Холбиби Эргашева 5 минг сўм, Мухаббат Ахмаджонова 9 минг сўм, Бобокул Салимов 6 минг сўм миқдорида ўзларининг жамғармасидан маблағ ўтказдилар.

Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Денов туманидаги бошка зиёратгохларда хам олиб борилгани тахсинга лойикдир.

2004 йил.

ЧАҒОНИЁННИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИ

Сурхондарё вилоятининг ўрта асрларда мавжуд бўлган шаҳарлари ва қароргоҳлари кам ўрганилган. Қазишма ишларини олиб бориш йўли билан илк ўрта асрларга доир бир канча ёдгорликлар (Болаликтепа, Зангтепа, Жумалоктепа, Чаёнтепа, Яхшибойтепа) тадқик этилди. Аммо ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даври ёдгорликларида бундай ишлар деярли олиб борилган эмас. Кўҳна Термиз шаҳристони, Сурхондарё водийсидаги бир нечта кичик қароргоҳ (Мунчоктепа, Сополлитепа, Гўрмалитепа) қазилмаси бундан мустасно. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси Санъатшунослик институти экспедицияси Чағониён вилояти маркази бўлмиш Будрач қазишмасига киришди.

Сурхондарё вилоятидаги ўрта асрларга доир шаҳар ва қишлоқлар ҳақида ҳозирча археологик маълумотлар етарли эмас ва улар тўғрисида умумий таъриф бериш билан чекланишга тўғри келади.

Илк ўрта асрлардаги аҳоли яшаш жойларини икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин: янги барпо этилган манзиллар ва Кушон давридан қолган эски яшаш жойлар. Катталиги, жойлашиш хусусиятлари ва жойлашиш ўрни жиҳатидан янгидан барпо этилган қароргоҳлар гуруҳи иккинчисига қараганда кўпчиликни ташкил этади.

Шу даврларда бу жойларда йирик шаҳарлар билан бир қаторда, кичик шаҳарчалар ҳам мавжуд бўлган: Термиз, Будрач – Чағониён, Новандак, Каттатепа ва бошқалар. Кушон давридаги кичик шаҳар, қишлокларнинг сонини нисбатан ҳисоблаганда, бир кичик шаҳарга олтита-саккизта қишлоқ тўғри келган, деса бўлади. Илк ўрта асрларда ҳам нисбат тахминан шундай эди. Бу тасодиф бўлмай, балки Бақтрия-Тоҳаристон тарихий воскичларида ҳам, қишлоқлар жуда кўп бўлган.

Сурхондарё вилоятида, археологик кузатиш маълумотларига қараганда, VIII асрнинг биринчи ярмида бир канча қароргоҳлар ташлаб кетилган. Бу ҳолатга ўша даврдаги бошқа муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳам сабаб бўлган. Масалан, 775 йили Муканна лашкарбошиси Сарихама Чағониёнга бостириб кириб, ҳамма ёкни вайрон қилади, унинг шаҳар ва қишлокларини бир ой давомида талайди.

VIII асрда Тоҳаристоннинг араб халифалиги таркибига кириши билан ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлашиб, маданий ривожланиш

учун имконият пайдо бўлади. Хусусан, Тоҳарийлар ва Сомонийлар давлати таркибида вилоятда маданий юксалиш кузатилди.

Академик Э.В.Ртвеладзенинг тадкикотларига* кўра ривожланган ўрта асрлар даврида (X–XII асрлар) Термиз, Чағониён, Новандак шаҳарлари ва кишлоклар юксалади, янги қароргоҳлар барпо этилади, қисман ташлаб кетилган кушонлар даври манзилгоҳлари қайта жонланади. Тоғли туманларда металл қазиб олиш ва ишлаш билан боғлик жойлар таркиб топади. Айникса, Шеробод, Термиз ҳудудлари, Юқори Сурхон сойлиги — Чағониён вилоятининг ҳудуди кенг кўламда ўзлаштирилади. *Мақдисий (X аср)* маълумотига қараганда, фақатгина Чағониён *вилоятининг ўзидаёк* 16000 та тураржой бўлган. Араб-форс географлари ва *тарихчилари фақат* иккита йирик шаҳарни ва бир неча шаҳарчани эслатиб ўтганлар, қолган қароргоҳларни кишлок хисоблаганлар. Бу ҳол қишлоқ аҳолиси вилоятда аксариятни ташкил этилганлигидан далолат беради. Танга топилдикларнинг жойлашиш ўрнига қараганда, қишлоқ аҳолиси товар-пул муносабатларида фаол иштирок этган. Аҳоли кўплиги сабабли суғориш тармоқлари кенгайтирилган ва янги ариқлар очилган.

Деҳкончиликнинг асосий йўналиши ғаллачилик бўлган, заъфарон (шафран) ҳам етиштирилган. Пахтачилик ҳам кенг ёйилган. Шаҳарлар атрофи боғ-роғ ва полиз экинлари, токзорлар билан банд бўлган. Чорвачилик яхши ривожланган. Мақдисий Чағониён шаҳрида нон арзонлигини, гўшт эса кўп миқдорда сотилишини ёзади. Чорвачиликка ихтисослашган ҳудудлар мавжуд бўлган. Айникса, зотдор отлар кўплаб боқилган. «Чаҳор мақола»да кўрсатилишича, Чағониён амирининг «ўн саккиз минг қулуни бияси» бор экан. Унинг ғазнавийлар султони Масъудга инъом этган туҳфалари орасида зотдор отлар ҳам эслатиб ўтилади.

Чорвачилик, хусусан қўйчилик, шунингдек пахтачилик ривожланган лиги туфайли тўқимачилик тараққий этади. Ёзма манбаларда Чағониён вилоятининг маҳсулотлари орасида жун кийим-кечаклар, гилам ва шолчалар эслатиб ўтилади. Бандихонсойнинг Сурхондарёга қуйилиш ерида жойлашган Дарзанги шаҳарчаси тўқимачиликнинг маркази бўлган. Бу ерда иссиқ кийимлар, жабдуқ, гилам ва шолча тайёрланган.

Тўқимачилик билан бирга, кулолчилик ҳам яхши йўлга қўйилган эди. Бу соҳа билан хумдонлари бўлган Чағониён ва Термиз сингари йирик шаҳарлардагина эмас, балки Гўрмалатепа каби кичик шаҳарларда ҳам шуғулланганлар. Ривожланган ўрта асрларда Ўрта Осиёда кўплаб ишлаб чиқарилган сирланган сопол бу ер учун ҳам хос эди. Чағониён ва Термиз-

---

* Қаранг: «Чағониён тарихи», 60-66 бетлар.

нинг сирланган сополлари ўзининг юксак сифатли шакли ва накшинкорлиги билан ажралиб турган.

Қурилишда пишиқ ғишт кўп ишлатилган, демак, ғишт пиширишда тармоғи ҳам яхши ривожланган. Шуни қайд этиш жоизки, Сурхондарё вилоятида ривожланган ўрта аср даврида турар-жойлар учун ҳам, сиғиниш бинолари учун ҳам олдингидек квадрат шаклидаги хом ғишт кўпроқ ишлатилиб келинган.

Ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларида шиша ишлаб чиқариш, чилангарлик ва металл буюмлар тайёрлаш нисбатан яхши тараққий этган эди. Термиз, Будрач шаҳристонидан ва Ғормалитепадан топилган тошқоллар, шиша бўлакчалари, дераза ойнаси синиқлари шиша ишлаб чиқариш, темирчилик ва чилангарлик ривожланганини тасдиқлайди. Темир рудаси эритилган жойлар қолдиқлари Кўҳитан, Бойсунтоғ ва Боботоғда талай миқдорда топилди. Қуйма темир шу ердан шаҳарларга олиб борилган ва у ерда қайта ишланган. Термизда Чилангарлар даҳаси саккиз гектарга яқин майдонни эгаллаган, ҳудди шундай даҳа Будрачда ҳам бўлган.

Ўрта асрларда Сурхондарё водийсидаги энг йирик шаҳар Чағониён бўлган. Хитой сайёҳи Сюан Цзяннинг ёзишича, у Термиз шаҳридан аҳоли сони ва бойлик жиҳатдан кейин турса ҳам, лекин майдони катта эди.

Бинобарин, тахминан уч юз йилдан кўпроқ давр мобайнида Чағониён шимолий Тоҳаристонда энг йирик шаҳар бўлган. Ҳозир Чағониён шаҳрининг ўрни Деновдан олти километр жанубда Сангардакдарё (Қизилсув)нинг Сурхондарёга қуйилиш жойи яқинида жойлашган Будрач шаҳри харобалари эканлиги аниқланди. Буни ёзма манбалар хабарлари ҳамда археологик-топографик изланишлар натижалари тасдиқлайди. Айни пайтда, жуда кўп қисми ҳайдалиб, экин майдони бўлиб кетган Будрач аслида девор билан ўралган, жануб-ғарбга бирмунча кенгайиб борган тўртбурчаксимон шаҳар бўлган. Ўлчами жануби-ғарбий йўналиш бўйлаб 850 метр, шимоли-шарқий йўналиш бўйлаб 600 метр, шимоли-ғарб ва жануби-шарқ томонга эса 700 метрни ташкил этган. Шу ердаги Оқмозортепа, Дунётепа ва Заҳартепа ҳам қадимий шаҳар атрофи билан қўшилиб тўрт квадрат километрдан ортиқроқ бўлган. Бундан ташқари, шаҳарга яқин жойларда қишлоқлар жойлашган ва уларнинг ўрни ҳозир тепалар шаклида мавжуддир (Қоракизтепа, Қултепа, Чағоноктепа). Чағоноктепа топоними киши диққатини ўзига тортади, чунки у «кичик Чағониён» деган маънони англатади.

Шаҳарнинг дастлаб Г.А.Пугаченкова тавсифлаган ривожланиш жараёнига ҳозир бирмунча аниқликлар киритилди. Қушонлар даврида Дунётепа ўрнида дастлабки қароргоҳ юзага келади. Илк ўрта асрларда бу ерда Дунётепанинг бутун ҳудудини эгаллаган йирик шаҳар мавжуд бўл-

ган. Будрач шаҳристони томонлари жами узунлиги 3 километрга яқин. Шундай қилиб, Сюань Цзяннинг тавсифи олдин тахмин қилинган эски Далварзинтепага эмас, балки Чағониённинг янги маркази — Будрачга тааллуқли бўлиб чиқади.

X–XII асрларда Чағониён шаҳри янада ривожланди ва кенгайди. Оқмозортепа ободонлашади, шаҳристон тула қурилиб бўлинади. Шаҳристондан 700-800 метрлар чамаси шимолда катта қабристон юзага келади, ҳозир ҳам бу жойни Мозор дейишади. Шаҳарда турли хил касб-корлар, меъморчилик ва қурилиш ишлари, савдо ва пул муомаласи кенг кўламда ривож топган, баъзи йиллар бу ерда мис ва кумуш тангалар ҳам зарб этилган. Чағониён X асрда, Мухтожийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Сурхондарёнинг маъмурий марказига айланади. Ўша даврда шаҳар майдони Термиз ва Шимолий Тоҳаристондаги бошқа шаҳарлар майдонларидан ошиб, тўрт квадрат километрни ташкил этарди. Ал-Истахрий ва ал-Мукаддасий ёзишларига кўра, Сағониён (Чағониён) шаҳрида қалъа, катта чиройли бозор, бозор ўртасида пишиқ ғиштдан қурилган мухташам масжид бўлган. Ҳар бир ховлига окар сув ўтказилган, сувнинг мўл-кўллиги туфайли, шаҳар атрофи экинзор билан қопланган эди, кишда бу ерларда қуш ови ўтказилган, ўт-ўланлар шунчалик баланд ўсганки, отни ҳам кўмиб кетган. Шаҳар аҳолиси динга ихлосмандлиги ҳамда меҳмоннавозлиги билан ажралиб турган, аммо аҳоли орасида уламолар кам, фақиҳлар эса умуман бўлмаган экан.

Чағониён шаҳри йирик маданий марказ ҳам бўлган. Бу шаҳарда Мухтожийлар саройида машҳур шоирлар Дақиқий ва Фаррухий фаолият кўрсатганлар. Араб ва Форс ёзма манбаларида Сурхондарё вилояти ҳудудида, асосан Чағониёнда мавжуд бўлган яна бир қанча аҳоли масканлари эслатиб ўтилган. Археологик тадқиқотлар натижасида улардан баъзилари ҳозирги вақтда аниқланган.

Сармангон ёки Чорманган В.В.Бартольд фикрига кўра, Жарқўрғошдан жанубда, Минора қишлоғи ҳудудида бўлган. Бироқ, унинг майдони кенглигини аниқлаш имкони бўлмади.

Дарзанги Чағониёнга қарашли, аҳолиси кўп, бозори ва масжиди бор катта тураржой. Сармангондан олти фарсах, Термиздан ўн икки фарсах масофада жойлашган. В.В.Бартольднинг фикрича, Дарзанги қароргоҳи Кўкжар (Бандихонсой)нинг Сурхондарёга қуйилиш жойи яқинида бўлган. Термиздан 62 км масофада Жалойир қишлоғи ёнида ўрта асрларга доир йирик аҳоли маскани қолдиғи топилди, бу жой Дарзанги бўлиши мумкин. Бу ердан топилган сополлар асосида изоҳланадиган бўлса, тураржой 50 гектарга яқин майдонни эгаллаган бўлиб, унда илк ўрта аср

давридан XIII асргача одам яшаган, зотан, асосий ҳаёт қайнаган даври IX — XII асрларга тўғри келади.

Баранги. Ибн Хордодбек ва Қудома маълумотларига қараганда, бу жой Дарзанги билан Чағониён оралиғида бўлган. Термиздан 19 фарсахда. Шўрчидан 7–8 километр шимоли-шарқда, Сурхондарёнинг чап соҳилида жойлашган Ғормалитепа ана шу Баранги бўлган. Бу ерда аҳоли VI—XII асрларда яшаган.

Басанд. Истахрий фикрига кўра, бу – боғлари кўп қишлоқ бўлган. Чағониён шаҳридан икки кунлик масофада, Бухоро ва Самарқанддан Чағониёнга келадиган йўлда жойлашган. «Ҳудуд-ул-олам»да бу аҳолиси жанговар бир кўрғон бўлганлиги айтилади. Ҳозирги Бойсун шаҳарчасига тўғри келади. Мазкур жойдан топилган сополлар IX–XII асрларга оиддир.

Сангардак. Истахрий ва Мукаддасий ёзишига кўра, Сангардак турар-жойи Чағониён шаҳридан бир кунлик масофада жойлашган. В.В.Бартольд Сангардакнинг ўрнини Сангардакдарё — Қизилсувнинг қуйилиш жойи яқинида бўлган, деб тахмин қилган. Аммо археологик маълумотларга қараганда, Сангардакдарё — Қизилсувнинг қуйилиш жойидаги шаҳар Чағониёнга тўғри келади. Сангардак тураржойини Будрачдан 20 километр масофада жойлашган ҳозирги Юрчи қишлоғи ўрнида бўлган дейиш мумкин. Бу ердан X–XI асрга доир сополлар топилгаган.

Қумғанон. Гардизийнинг ёзишича, Қумғанон турар-жойи Чағониён шаҳридан икки фарсах масофада жойлашган. Эҳтимол, бу Деновдан шимоли-шарқда, тўрт километр узоқликдаги ҳозирги Жартактепа бўлса керак. Сополларга кўра, IX–XIV асрларда обод бўлган.

Буроб. Чағониён шаҳридан бир манзил ёки тўрт фарсах (20–24 км.) масофада жойлашган. «Ҳудуд ул-олам»да кўрсатилишича, мустаҳкам кўрғони бўлган йирик шаҳар ҳисобланган. Буробга, тўғрироғи Чимкўрғонтепа тўғри келади (биз олдин тахмин қилган Йўлдошгантепа эмас). Чимкўрғонтепа тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчами шимолдан жанубга 350 метр, ғарбдан шарққа 200 метр, жануби-ғарбий бурчагида ўлчами 90 метр, баландлиги 7–8 метр келадиган мустаҳкам қалъа жойлашган. Бурчакларида буржлари бўлган. Асосий қароргоҳ девор билан ўралган бўлиб, унинг қолдиқлари бир неча жойда сақланиб қолган. Топилган сополларга қараганда, бу турар-жой XIII асрда обод бўлган.

Зинвар. Истахрийнинг ёзишича, бу шаҳарча бўлиб, Чағониёндан бир кунлик йўлда, Мукаддасийнинг ёзишига кўра эса, ундан уч кунлик масофада жойлашган. Истахрий маълумотига асослансак, бу жойда Деновдан шимоли-шарқда, қадимги Будрач шаҳридан 20 километрча масофадаги Оққўрғонтепага тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Оққўрғон икки қисм — квадрат шаклидаги (50х50 метр) қалъа ва унга туташ тураржойдан иборат. Бу жойдан чиққан сополлар ва тангаларга қараганда, манзилгоҳда ҳаёт жуда узоқ давр — илк ўрта асрлардан то сўнгги ўрта асрларгача давом этган.

Риқлашт. Юқорида кўрсатилган манбаларга қараганда, пойтахтдан 6 фарсах (30 км) масофада жойлашган. Узундан 2 км шимолий-ғарбда, Қорасувнинг чап соҳилидаги Ғўрозтепага тўғри келади. Топилган сополларга кўра, у V–VI асрлардан то XII–XIII асрларгача обод бўлган.

Новандак. Дастлаб Ибн Хурдодбех ва Қудама саёҳатномаларида Чағониёндан Ҳамиравонга боришдаги манзилгоҳ сифатида эслатилади. Бу ҳақда «Бобурнома»да ҳам маълумот бор. Бизнингча, бу жой ҳозирги Узундан уч километрча шимоли-шарқда жойлашган Новандактепа ёки Кофиркалъа шаҳар харобаларига тўғри келади.

Ҳошимгирд. Ёзма манбалар маълумотларига қараганда, Темирдарвозадан бир кунлик йўлда жойлашган. М.Е.Массон уни Навшаҳар яқинида, деб ҳисоблайди, бирок улар Темирдарвоза йўлидан бирмунча четда... эҳтимол, Ҳошимгирд Ангорга яқин, Кантархона атрофида бўлса керак, чунки бу масофа жиҳатдан ҳам ва бу жойдаги ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлар мавжудлиги ҳам шунга мувофиқ келади.

Темирдарвоза. Темирдарвоза борасида энг қадимий маълумотни Сюан Цзян (630 й.) ёзиб қолдирган. Унинг сўзларига қараганда, «Шундай номланадиган ўтиш жойи чап ва ўнгдан тоғлар билан қисиб келган. Бу тоғлар ҳадлан зиёд баланд. Йўл эса ниҳоятда тор... Ҳар икки томондан даҳшатли, темир рангли қоялар савлат тўкиб турибди. Бу жойда икки қопқали ёғоч дарвоза ўрнатилган бўлиб, у темир билан қопланган ҳамда унга кўпгина қўнғироқчалар осилган. Ўтиш йўлини тўсадиган ана шу дарвоза туфайли, у Темирдарвоза, деб аталади».

Темирдарвоза Темир Қопиғ номи билан VIII асрдаги туркий битикларда (турк хоконлари Бумин ва Истеми-Қоон даврида (VI аср) туркларнинг юришлари бориб етган энг чекка жой сифатида бир неча бор эслатилади. Араб-форс географик адабиётда, масалан, ал-Яъқубий (IX аср) дастлаб, бу жойни «Дари Оҳанин» номи билан тилга олган.

Темирдарвоза ва унинг теварак-атрофи 1969 йилда археологлар томонидан текширилган. Бу ўткил Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасига яқин Саримас тизмасида, Дарбанд қишлоғидан тахминан 9–10 километр шимоли-ғарбда ва Термиздан 150–160 километрча масофада жойлашган. Бевосита ўткилнинг ўзида археологик ёдгорликлар қайд этилмади. Ўткил бошланишининг жанубий томонида X–XII аср-

ларга доир сопол парчалари топилди. Бирок Темирларвозадан 10 км масофада жойлашган Шўроб кишлоғи якинидаги Октепа деган жойда сополлар топилди ва улар бу жой илк ва ривожланган ўрта асрларда обод бўлганлигини кўрсатади. Асосий кўргон Дарбанд кишлоғи ўрнида бўлганлиги хакикатга кўпрок тўғри келади, зеро, бу жойдан VI–XII асрларга оид сополлар топилди. Бундан ташкари, Дарбандда кўргон мавжуд бўлиши мухим стратегик ахамият хам касб этган. Бир томондан, у Сурхондарё водийсига борадиган йўлни тўсиб турса, иккинчи томондан кадимги даврда ва ўрта асрларда Суғд билан Тохаристонни боғлаб турган.

Сурхондарё вилоятининг сўнгги ўрта асрлардаги (XIII–XVII асрлар) шахарлари ва бошка манзилгохлари кам ўрганилган; бу ерларда археологик казишмалар олиб борилмаган, улар хакида ёзма маълумотлар хам ниҳоятда оз.

Вилоятининг (Термиздан кейинги) иккинчи йирик шахри — Чағониённинг мўғуллар босқинидан кейинги даврдаги тарихи янада камрок маълум. В.В.Бартольд XIV асрда Чағониён шахри бўлмаган бўлса керак, Бобурнинг уни эслатиши адабий анъана, деб хисоблайди. Аммо Ўзбекистон Санъатшунослик институти экспедициясининг археологик тадкикотларида Будрач — Чағониён шахри, майдони сўзсиз кискарган бўлса хам, бу даврда мавжуд бўлганлиги исботланди ва кўп миқдорда топилган кумуш ва мис тангалар (XIV аср) бу ерда жуда кизғин хаёт давом этганлигидан далолатдир. XV асрда хам Чағониён нисбатан йирик шахар бўлиб, унда XV ва XVI аср бошида ўзининг мис тангалари зарб этилган. Аммо танга топилмалардан маълум бўлдики, асосий шахар деярли хароб ҳолга келиб, хаёт шахар атрофида гавжумлашган.

XVI аср Чағониён шахрининг сўнгги даври ҳисобланади. Чунки кейин у мавжуд бўлмаган. Вилоят маркази Қизилсув дарёси бўйлаб юқоридаги **Деҳинав** (ҳозирги Денов) қишлоғига кўчади. XVII аср бошларида Денов мустаҳкам кўрғони, ажойиб бозори, катта мадрасаси ва хонақоси бўлган йирик шахарга айланди.

2004 йил.

ДЕНОВ ШОИРЛАР МАДҲИДА

Юқоридаги макола ва материалларда Деновнинг тарихи, унинг жуғрофий ўрни, табиати, иклими, аҳолисининг касби-кори, минтақанинг ижтимоий-сиёсий маркези, ўтмиши, адабий мухити, азиз ва авлиёлари, кахрамону пахлавонлари хакида хикоя килинди.

Энди мухтарам китобхонлар диққатига бир гуруҳ шоирларнинг Деновга бағишланган шеърларини хавола этамиз. Уларнинг бадиий савияси турлича бўлиши мумкин, аммо она-юртга, гупроғи зар, суви гавхар заминга муносабати бир хил — меҳр-муҳаббат ва чуқур таъзим.

Яхшиси шеърларни ўқиб, ўзингиз хулоса чикаринг.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Халк шоири

ЯХШИЛИКЛАР ШАҲРИ

Бу дунёда қутлуқ маъво
Ота-она бағридир.
Қуриб адо бўлмас дарё,
Меҳру соғинч нахридир.
Ёр кўнглидай очиқ ҳаво,
Вақт саҳар вақтидир.
Ушбу шеърдан бул муддао:
Бир манзилнинг мадҳидир.
Кимлар учун куй ва наво,
Бахшиликлар шахридир
Яхшиликлар шахридир бу,
Яхшиликлар шахридир.
Тақдир этиб, кўчасига
Қадам қўйсанг ногаҳон,
Мусичалар «куку"лашиб
Кийгизишар дарров чопон.
Бир лаҳзада живир-живир,
Атрофингни ўрайди.
Қалдирғочлар навбат кутиб,
Сендан дастхат сўрайди.
Бунга келган шоирми ё,
Носирми ё-бахтлидир,

Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.
Асл фарзанд оқил булур,
Эгри йўллан кетмайди...
Тўғри йўлдан кетган фарзанд
Билинг, элдан кетмайди.
Ким айтади бу куч-қувват
Бир кун белдан кетмайди?
Бир яхшилик бир ёмонлик
Асло дилдан кетмайди.
Боболардан қолган боғу
Бўстонларнинг накшидир.
Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.
Бозорига кирсанг кўзинг
Қамаштиргай расталар
Расталардан қикирлайди
Сенга хандон писталар.
Айниқса шод,бахтиёрдир
Сумак сотган усталар.
Бир мўйсафид сумак олар
Бир эмас, саккизталар.
Ёшми қари, мардми, жувон,
Бир ниятнинг ахлидир.
Яхшиликлар шаҳридир бу.
Яхшиликлар шаҳридир.
Тириклик бу-ярми алвон,
Ярми нофармон қўшик.
Ҳар бир насл ўз навосин
Бунга кетгайдир қўшиб.
Неваралар қуллуқ бўлсин,
Янгажон, очинг эшик!
Райис бува бозорлардан
Қўтариб келгай бешик.
Ўғил ё қиз –бу ҳаётнинг
Қанду асал шаҳдидир.
Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.
Гап ҳам кўпдир ўйласанг гар
Бошинг қўйиб болишга.

Ёш қўшиклар букунлис тонг,
Айланишлар хорижга.
Сарфласанг гар қалбни фақат
Дарду алам, нолишга.
Кимсалар бор ўчдир гина
Қудратлар солишга.
Унутмагил, давр букун
Раҳму шафқат давридир.
Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.
Инсон умри бу оламда
Бир имтиҳон, бир синов.
Қўрғонларинг кечалари
Тушимга кирар, Денов.
Майли, кимдир ер ҳайдасин,
Уй куриб ўтсин биров.
Қолсин дейман ҳар одамдан
Бир машъала, бир олов.
Орзуларнинг булоғидир.
Уммонидир, шаҳридир.
Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.
Ердан фақат дон унсину
Меҳр ёғсин осмонлар.
Деразалар алла айтсин,
Нур таратсин айвонлар.
Бу масканда иқбол топар
Яхши аҳду паймонлар.
Чунки бунда яхшилик бор,
Яшар яхши инсонлар.
Улуғ юртнинг бир тимсоли,
Камолидир, фахридир.
Яхшиликлар шаҳридир бу,
Яхшиликлар шаҳридир.

«Денов овози», 2012 йил, 19 апрель.

Ҳуррам РАЙИМОВ,
Алиб Собир Термизий
мукофоти совриндори

ДЕНОВИМ

Бокиб сенга қувонади кўзларим,
Меҳринг билан қоришиқдир сўзларим,
Ҳалол сенда топган нону тузларим,
Билакларда жўшиб турган ғайратсан,
Деновим, сен жаннат, деса жаннатсан.

Боботоғинг минг асрлан сир айтар,
Ҳисор тоғинг кўрки билан дил тортар,
Қушлар куйлар, анҳор, сойинг тор чертар,
Бекаму кўст чизилган ҳуш суратсан,
Деновим, сен жаннат, деса жаннатсан.

Зуваласи нурлар билан йўғрилган,
Ёмонларинг илдиз билан суғрилган,
Фақатгина яхшиликка туғилган,
Кўзларимда ёниб турган ҳайратсан,
Деновим, сен жаннат, деса жаннатсан.

Бу гўшанинг тупроғини зар билдим,
Қизни пари, йигитларни нор билдим,
Қадрингга етмаганни хор билдим,
Хатоси йўқ, энг мукаммал санъатсан,
Деновим, сен жаннат, деса жаннатсан.

Дилрабо НОРҚУЛОВА,
Зулфия номидаги Давлат
Мукофоти совриндори

ДЕНОВНИНГ БИР СИҚИМ ТУПРОҒИ

Денов, сендан-да минглаб
Ғарб томон кетди баҳодирлар.
Туганмас шон аро манғу,
Омон кетди баҳодирлар.
Юракда ўт олиб жанггоҳ
Томон кетди баҳодирлар.
Ҳаёт ҳар бирнинг жони
Баробар пурхатар бўлди.
У кун одаму олам
Учун жангларга кирганда,
У кунлар Оврупо ваҳшат
Оловини ўчирганлар.
Ватаннинг ёдини қонлар
Тўкиб, Дилдан кечирганда.
Деновнинг бир сиқим тупроғи
Сизга ҳамсафар бўлди.
Денов, фарзандларинг гарчи
Аёну ноаён кетди.
Сенинг бир сиқим тупроғинг
Кафтларида бегумон кетди.
Сенга қайтолмаган ҳар битта
Аскар қаҳрамон кетди.
Яна жангдан омон қайтган
Йигитлардан хабар бўлди.
Бугун ҳар битта кўнгилдан
Сўроғимга хитоб келгай.
Ўшал кўҳна жароҳатларни
Сўйловчи хитоб келгай.
Шаҳид кетган баҳодирларни
Куйловчи китоб келгай.
Бугун дориломон кунлар
Азизу мўътабар келди.

Дилоро ХОЛИҚОВА

ДЕНОВГА ҚАСИДА

Бу жаҳон ганжида бебаҳо Деновимсан,
Жаннатий юртлар аро дилрабо Деновимсан.
Ўзбекистон бағрида Сурхоним дур шодадур,
Ул ганжи шодасида каҳрабо Деновимсан.
Меҳрингни куйлайми мен, еки меҳмондўстлигини,
Ким дегайсан барчага марҳабо, Деновимсан.
Фаррухий анъанга ҳам Дакиқий байтига
Бахш этган илҳом куйин хуш наво Деновимсан.
Туфроғинг этди макон Хожа Алоуддин Аттор
Валийлар суҳбатига ошино Деновимсан.
Сўфи Оллоёр каби авлиёлар назида
То қиёмат мақсади мустажо Деновимсан.
Тарихи Бакр, Кушон ҳам Чағонруд ном эди,
Ким бу кун деҳаи нав, деҳнаво Деновимсан.

Фотима ЖЎРАЕВА

ВАТАН

Деновим, азизим, қалбим қўрисан,
Юрагим оҳанги. Кўзим нурисан.
Оқибатнинг боши, меҳр зўрисан,
Кулсам, кулишимда кўринган Ватан.

Тўмарис момомни олға бошлаган,
Широқни энг буюк жангга ташлаган,
Ваҳший душманларнинг кўзин ёшлаган,
Ғанимлар тошига суринган Ватан.

Қодирийни ўйлаб ҳамон ҳайроним,
Чўлпон дардларидан дили вайроним,
Гоҳи бирлашганда бўлиб Туроним,
Гоҳо бўлак-бўлак бўлинган Ватан.

Беғубор умримнинг мушки, атрисан,
Қадим боболарнинг армон, дардисан,
Ҳазрат Навоийнинг ўтли сатрисан,
Айланайин ўзим, боримдан, Ватан!

Дилором РУСТАМОВА

ЮРТИМ ЖАМОЛИ

Ота юртим Деновга бағишлайман

Янги ой чиққан кун
Осмонга қараб,
Дуолар айтайман,
Тинчлигини сўраб.

Юрагим ҳайратдан
Ёниб, гуркираб.
Ҳаяжон қалбимни
Олади ўраб.

Ширин хаёлларга
Берилиб бирам,
Юртим, иқболингни
Ўйлайман шу дам.

Тарихдан аждодлар
Қудратли уммон.
Не зотлар юрти бу
Сийрати имкон.

Ўғлонлари-ку мард,
Алпомиш тимсол.
Қизлари бекиёс
Фаришта мисол.

Тилагим, эй Ватан,
Муқаддасим, онам.
Эл-юртинг бўлсин
Доим тинч-омон.

Шаънин комрон этинг
Бўйин эгмасин.
Юртим, жамолингга
Кўзлар тегмасин.

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

МУАЗЗАМ ЮРТ

Ўз тарихини билмайдиган,
кечаги кунини унутган
миллатнинг келажаги йўқ.*
И.А. КАРИМОВ

Мустақиллик халқимизга миллий қадриятимизни қайтариб берган айни ҳақиқатдир. Эътиқодсиз инсон елкансиз кемага ўхшайди: бекарор тўлқинлар, бетайин оқимлар уни сарсон қилади... Маънавият, мўътабар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мустабид Шўро замонида бизнинг ахволимиз ана шундай, яъни тарих, маданият у ёқда турсин, ҳатто айрим бўлиш, қўшиш, қўпайтириш синғари тўрт амал ҳам мафкуравийлашган даврда бундан бўлакча бўлиши мумкин эмас эди.

Биз етмиш йил, у ёки билан бир юз йиллик йил тарихимизни, яъни миллий бойлигимиз бўлган қадриятларимизни топташ, оёқ ости қилиш, азиз китобларимизнинг ёкиларини алам билан кузатдик. Бирок, ўрмонга ўт кетиб, ҳўлу қуруқ баробар ёнгани билан бари бир нималардир қолар экан. Топталган қадриятлар истиқлолимиз туфайли шитоб билан дунё юзини кўрмоқда.

«Шажарайи турк» учун Абулғозий Баҳодирхоннинг олдидаги қарзимизни то қиёматгача узолмасак керак. Надоматлар бўлсинки, энг қадимги тарихимизга оид бундай ноёб манбалар кам. Ўз ҳукмдорларининг ҳарбий юришлари-ю, кўрган юртларининг табиати, халқи, хусусиятлари, воқеа-ходисаларнинг барча тафсилотларини нигоҳдан нигоҳгача ёзиб қолдирган Геродот, Плутарх каби тарихчиларимиз бўлмаган.

Ваҳоланки, худди ўша замонларда ҳам, масалан, ҳозирги Сурхондарё вилоятида ўз ёзувига, ўз пул бирлигига эга бўлган давлатлар мавжуд бўлган ва уларда яшаганлар ажойиб ҳайкаллар, олтин ва жездан уй-рўзғор ва зарғарлик буюмлари, тақинчоқлар ясаганлар, тангалар зарб этганлар. Бу ноёб намуналарнинг олдида ҳозир унвонли мусаввир ва ҳайкалтарошлар ўринларидан туриб қуллуқ қиладилар.

Тўғрисини айтганда, Монтескьенинг «Шарқда буюк шаҳарлар қурадилар-у, аммо унинг тарихини ёзмайдилар», деган иддаосига иқрор бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Бўлмаса, кўпгина ҳукмдорлар ўз ёнида зукко тарихчиларни олиб юрган, уларни рағбатлантириб турган бўлсалар-да, аммо муаррихларнинг аксарияти (Абу Райҳон Беруний, Али Яздийларни ҳисобга

---

* Каримов И.А. «Юксак маънавият — енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 4- б.

олмаганда) воқеа-ҳодисалар, мамлакатлар ҳақидаги аниқ далиллар, тафсилотларга кам эътибор бериб, асосан, хону бекларга ҳамду сано ва тасаннолар айтиш билан банд бўлганлар. Шунинг учун мамлакатимизнинг бой ўтмиши, маданияти ва маънавиятини ўрганишда хорижий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу эса кўм уюмларидан олтин заррачаларини топиб олиш билан баробардир. Лекин бобом бозордан келмаганда шуям йўқ эди, деганларидек, борига қаноат қилиб, улардан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Ўқиганимиз, академик Г.А.Пугаченкованинг «Ҳолчаён» деган китоби. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари Тошкентда рус тилида чоп этилган. Китоб милоддан аввалги III – милодий III асрларда тараққий этган, ҳаттоки гуллаб-яшнаган гавжум истиқомат манзили, бугунги ибора билан айтганда, бир шаҳар ҳақида маълумотлар беради. XX асрда кени тарқалган фикрга кўшилиб бу шаҳарнинг номини «Ҳолчаён» деб атаган муаллиф тафсилотларни баён қиларкан, ўша замонларда ёзилган бирорта ёзма манбага суянмайди.

Муаллифнинг асосий манбаси – археологик қазишлар чоғи топилган тангалар, тақинчоқлар, уй-буюм жиҳозлари, хумдон, кабристонлар, устунларнинг тагкурсилари, пойдеворлар, хуллас, йигирма уч асрдан бери тупроқ тагида ётган буюм-ашёлар. Олима топилган ашёларга қараб, тарихни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, дин, урф-одатлар, истиқоматчиларнинг касбкори, турмуш тарзини тиклади ва жуда тўғри қилган. Қаранг, ёзув бор, зарб қилинган тангаларга юрт оғасининг тасвири туширилган, демак, маданият, санъат юксак даражада бўлса-да, ёзма манба – китоблар йўқ-да!

Ана энди Ҳолчаённинг қаердалигини сўранг, мен айтай: у Денов шаҳрининг кун чиқиш тарафида, Сурхон дарёсининг қирғоғида жойлашган экан. Худди ҳозиргидек илгари ҳам сув ҳаёт, истиқомат манбаи бўлган. Олимлар Ҳолчаённинг қуйироғида, Сурхон дарёсининг Қизилсув дарёси билан қўшилган жойидан Будрач деган қадимий истиқомат манзили – шаҳар қолдиқларини топишди. Мутахассислар Будрач атамасини Буддага нисбат берадилар. Демак, милоддан илгари бу ўлкаларда буддавийлик катта мавкега эга бўлган.

Бу манзилдан Қизилсув дарёси бўйлаб юқорига юрсангиз, Денов Тупроққўрғонининг пойидан чиқасиз. Дарё тошқинлари ювиб кетиши натижасидаги ўпирилишлар чоғи чиққан ашёларга қараб, олимлар бу кўргон милоднинг III-IV асрларида барпо этилганлигини тахмин қиладилар.

XX асрнинг 60-йилларида Ҳолчаён фақат қисман тадқиқ қилинди, чунки милоддан илгариги тарихимизга оид обидаларнинг устига тураржойлар қурилган.

Тарих эса билганидан қолмайди. Ўтмишини ер бағрига жойлаган қадимги Чағониён милоднинг иккинчи минг йиллигида муаззам салтанат сифатида баркарор бўлган. Ўлмас Накшбандия тарикатининг толмас тарғиботчиси ва комил намоёндаси Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг Бухорои шарифдан келиб, Деновни ихтиер этишларида ва умрининг сўнгги кунларигача шу кутлуғ маскандa истиқомат қилиб қолишларида ҳам Оллоҳнинг буюк ҳикмати намоён бўлади. Бу табаррук зотнинг «Атрофимдаги 18 фарсахни асрашга кафилман», деган каромати доим қулоғимнинг тагида жаранглаб тургандай бўлади.

Херман Вамбери: «Мўғулларнинг истилоси юртни ва унга қўшиб маданиятни ҳам хароб қилди, шунинг учун Марказий Осиёда тасаввуф ривожланиб кетди», - деган фикрни ёзган экан. Бунга қарши ўлароқ, кейинги минг йилликни мен, маълум маънода, Саодат Асри, деб атаган бўлар эдим.Чунки бу юртлар мўъжизалар майдонига айланди. Бошқа фанларни бир ёққа қўйиб турайлик, фақат тасаввуфнинг камоли ва ундан кўнгил туядиган ҳайрат ана шундай сифатларга буюк кафолатдир.

XII асрнинг йирик намояндаси Низомий Арузий ўзининг «Мажмаънинаводир» номли китобида Чағониёнга бевосита алоқадор воқеаларни тасвирлаган. Масалан, шоир Фаррухий тўғрисидаги маълумотларнинг баҳоси йўқ. Асарда фақирликда яшаган шоирнинг иктисодий қийинчиликлардан қутилиш мақсадида қандай қилиб Чағониёнининг амири Абдулмузаффар Чағоний хизматига ўтганлиги, ўзининг мафтункор шеърлари билан ҳукмдор ҳурматига сазовор бўлгани тўғрисида баён этилади (Бу ҳақда китобимизнинг «Маданият ва шеърият», деб номланган қисмида муфассал берилган).

Чингизхон босқинидан олдинги Чағониён ва чағониёнликлар ҳақида қимматли маълумотлар муаллифи аниқланмаган (982-йили ёзилган) «Ҳудуд ул-олам» китобида ўқиймиз: «Чағониён-(бир) хароб ноҳият, (бирок) катта ноҳия, экинзорлари кўп. Деҳқонлари эричок, дарвешлар жойи, лекинноз-неъматлари кўп. Одамлари жанговар ва ботир. Бу ноҳиянинг ҳавоси соғлом, ери ҳосилдор ва сувлари яхши, у ерда йилки бокилади, чакмон, гилам-тўшак ва кўплаб заъфарон тайёрланади. Бу ноҳиянинг подшоси мухторият (ҳукукига эга) ҳокимлардан ҳисобланади ва уни Чағониён амири дейдилар!». Муаллиф Чағониён шаҳри ва унинг одамлари, улуғлари тарифини ҳам берган.

Хуллас, бундан минг йиллар нари-берисидаги чағонийликлар ана шундай одамлар бўлишган ва биз уларнинг барини эҳтиром билан тилга оламиз. Айтишларича, ҳар қандай азамат дарахтнинг бўйи унинг томирига баробар бўлар экан. Деновнинг бугунги салобатини ҳам унинг 2300 йиллик мухташам тарихи билан изоҳлагим келади. Ўзингиз биласиз, илдизлари

чукур кетмаган ларахтни салгина ҳамла билан йиқитиш мумкин. Денов деган... ларахт ҳақида эса бундай, деб бўлмайди.

Ҳулди мамлакатимиз синглари, Сурхондарёда ҳам емон жойнинг ўзи йўқ, чунки бир муборак ҳадисда айтилишича, Оллоҳ ҳар кимга ўзи тавалуд топган маҳалини бошқа жойлардан афзал кўрсатиб қўйган. Агар шундай бўлмаганида, масалан, термизликлар ўйлаб ўтирмасдан, хушҳаво ва хушманзара Деновга кўчиб ўтишарди. Зотан, олти ой қуёш кўринмагани билан, Шимолий Муз океани қирғоқларида истиқомат қиладиган ненецлар, долганлар, чукчалар ва бошқалар учун кор бўронлари тинмайдиган ўлка, абадий музликлар ўлкаси бари бир, уларнинг кўзига несик кўринади.

Деновни биладиган ёки бўлмаса, бу ерга келиб, бозорларини кўрган ва деновликлар билан ҳамкорлик қилган бирорта одамга Денов ҳақида гап очсангиз, бунинг устига, ўзим ҳам Деновданман десангиз, «О-о, Денов, бу – Денов-да!», деб табассум қилади. Бу ҳайратни шарҳлаб, талқин қилиб бўлмайди.

Нега «Денов яхши?», дейишади. «Нимаси яхши?» деб сўрасам, улар: «Денов энди, бу – Деновда!» дейдилар. Мен биламан, ҳавоси, суви, тупроғи деновликидан яхши жойлар Сурхондарёда ҳам, мамлакатимизда ҳам кўп. Демак, ҳамма гап одамларда, тўғрироғи, уларнинг ўзаро ва бошқаларга муносабатида бўлса керак. Мен сизга айтсам, Тошкентдан чиққан ёзувчи, шоир, артисту олимлардан тортиб, мухбирларгача Деновни кўзлаб йўлга тушадилар. «Нега?» – деган саволга яна «Денов, бу – Денов-да!» деган жавоб олдингизга кўндаланг бўлади. Аммо бу жавобдан кўп нарсани англаб бўлмайди.

Тоғнинг устида турган одам унинг юксаклигини ҳис қилмагани сингари, Деновда истиқомат қилиб турган киши бу шаҳарнинг ноёблигини доим ҳам англаб етавермайди. Унга бошқаларнинг кўзи билан ёки четдан туриб қараш керак, шунда у бутун салобати ва беандозалиги билан намоён бўлади. Мен бу ҳақда кўп ўйлаганман ва ҳозир бир гап айтаман: биласизми, Деновда аллақандай жозиба бор ва у ижтимоий маъно-моҳиятга эга. Кўп кузатувлардан сўнг бир ҳақиқатга иқрор бўлганман. Деновда нопок ва номард, бунинг устига бирозгина ёлғон ҳам айтадиган одамнинг иши юришмайди, амал-тақал қилган тақдирда ҳам топганида барака, турмушида ҳаловат бўлмайди, яхши, яъни инсофли, виждонли, диёнатли одамни эса Денов бошига кўтаради.

Истиқлол қадимги Чағониён, Деновни ҳам катта йўлга олиб чиқди: енгил машиналарнинг кўплигидан ҳатто йўллар ҳам торайиб қолаётганга ўхшайди. Ўзи учун ишлаган одам чарчамайди, деганлари рост экан. Жамоат арбобига айланиб кетган Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевни нафақат Сурхондарёда, бутун Ўзбекистонда ҳамма билади ва танийди.

1200 бош корамол боқилаётган «Лочин» фермер хўжалигида 900 та иш ўрни яратилди. Бу хўжаликда гектарнинг ҳосилдорлиги 90 центнерни ташкил этса, пахтадан аллақачон 60 центнердан олинмоқда. Рентабеллик даражаси эса 90 фоиз. Бундай кўрсаткични кишлоқ хўжалиги ни тараққий этган мамлакатларда ҳам тенги кийин. Шунинг учун ҳам фермер Ахмад Нарзуллаевга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони яраша ди. Қаҳрамон фермернинг юртдошлари, ҳамкишлоқларига кўрсатган ҳиммат ларини санайдиган бўлсак, ҳар қандай одамнинг ақли шошади.

Шунингдек, деновлик Ўзбекистон Қаҳрамонлари Раҳмон Муҳаммадиев, Ҳамза Маҳкамов, Юсуф Зиеевларни юртда ким билмайди, дейсиз?

Чағониён (XI аср) амири Абдулмузаффар Чағонийнинг назмни яхши тушуниши ва ўзи ҳам гўзал шеърлар ёзганлиги, шоиру-фозилларни қўллаб-қувватлагани маълум. Буни қаранг ки, бу анъана давом этмоқда бутун зиёлилар орасида «Денов адабий муҳити», деган ибора эҳтиром билан тилга олинади. Деновда эликдан ошиқ ижодкорнинг истиқомат қилаётганининг ўзида ҳам катта маъно бор.

Ўзбекистон ФА академиги, физика-математика фанлари доктори Назар Тўраев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов, Ўзбекистон халқ бахшиси Бобарахим Маматмуродовларнинг Денов фарзандлари эканлигини айтмайсизми!

Адабиёт йўналиши бўйича Деновлик 4 нафар шоира қизлар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бўлдилар. Булар Феруза Қурбонова, Шаҳноза Турсунова, Фарида Тошпўлатова, Дилрабо Норқуловалар.

Бутун умрини Далварзинтепа билан Холчаённи ўрганишга бағишлаган академик Эдвард Ртвеладзе билан археолог Баҳодир Тургунов Деновга келишди. Қизғин суҳбатларнинг бирида улар Деновнинг ўтмиши милоддан аввалги III асрга бориб тақалиши, балки, ундан ҳам қадимийрок эканлигини далиллар билан исботлаб беришди. Хулосалардан деновликларнинг юрагига ўт тушди. Демак, Деновнинг юбилейини ўтказиш учун илмий асослар етарли экан. Зотан, Деновга бундай тўйлар муносибдир. Чунки, тарихий хотира келажакнинг метин пойдевори эканлиги бугун ҳаммага аён ҳақиқатдир.

«Термиз оқшоми»,
2009 йил, 14 февраль.

ДЕНОВ ҚАСИДАСИ

Денов табиатда эгизаги учрамайдиган
гўзал, бетакрор маъводир.
Ҳали ёшлик йилларимдаёқ
мен Деновга мафтун эдим.
Абдулла Орипов

Билимдонларнинг айтишича, инсоният тарихи, агар уни яхлит олиб қарайдиган бўлсак, юксалишлар ва таназзуллар занжиридан иборат экан: бу манзарани ҳар бир мамлакат, муайян шаҳарлар, алоҳида ҳудудлар, хатто ҳар бир инсон мисолида ҳам кузатиш мумкин. Узоққа бориб ўтиришнинг ўзи шарт эмас, ўтмишига назар ташласангиз унинг неча марта ер билан яксон бўлиб яна қайтадан гуллаб-яшнаганини кўрасиз ва мен баъзан айтаманки, ҳар бир инсон сингари мамлакатларнинг, шаҳарларнинг, ҳудудларнинг ҳам ўз тақдири, аъмоли – қисмати бўлади.

Йирик аллома Алихонтўра Соғуний муайян халқни маҳв этмоқ учун уни она тилидан ва шавкатли ўтмишидан айирмоқнинг ўзи кифоя қилади, дейди «Туркистон қайғуси» номли асарида.

Хайриятки, халқимизнинг толеида истиқлол бор экан. Мустақиллигимиз бирин-кетин қадриятларимизни миллатимизга қайтариб бермоқда. Албатта, минг йиллар давомида қарор топган қадриятларни қайтадан ўзлаштирмоқ учун ўн, ўн беш–йигирма йиллар жудаям камлик қилади.

Аммо халқ деганимиз шундай метин салтанат эканки, кирк йил киёмат бўлганида ҳам ажали етган ўлади деганларидек, мустабидлик замонида қанчадан-қанча миллатдошларимиз тилини, тарихини унутиб Шўро мафкурасининг мақомларига мос равишда нафас олган бўлсалар-да, миллатнинг асл намоёндалари ботинда қадриятлардан бир лаҳза ҳам айро тушмадилар – истиқлол орзуси ана шундай одамларнинг кўнглига кўрғон бўлди.

Қадриятлар муҳташам иморатнинг мисоли бир пойдеворидир: фақат мустаҳкам заминдагина муаззам кошоналар қурмоқ мумкин. «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган қанотли шиорнинг замирида ҳам қадриятларимизнинг барқарорлигига катта ишора бор.

Оёғи заминда мустаҳкам турган одамгина шаҳдам одимлар отишга қодир ва у мўлжалланган манзилига ета олади: бу ташбеҳ ҳар бир мамлакат ва демакки, туманлар, шаҳарлар хатто қишлоқларга, кўйингки ҳар бир хонадонга тааллуқлидир. Қумли саҳрода одам тез адашади, чунки

оёқнинг остидаги замин бекарор бўлганидан одам тўғри юра олмайди. Шу маънода файзу баракот Оллоҳдандир, деган иборага ишонишингизни жудаям истар эдим.

Сурхондарёда бу иборани кўпроқ Деновга нисбатан қўллашади, бунинг учун эса барча асослар бор. Мен баъзан Деновнинг азимлиги Оллоҳнинг муҳофазасидадир, деб юборгим келади.

Искандар Зулқарнай қанчоқ юртларга ҳеч қачон қўшин тортмаган Мовароуннаҳрга келиш мақсадларидан бири ҳам бу мафтункор ва бой ўлкани босиб олиш бўлган. Плутархнинг таъкидлашича, халқининг баҳодирлиги Жаҳонгирни мафтун этган.

Бундан минг йиллар илгари ровийлар Сурхондарёнинг суви Амударёга етиб бормаслигидан хабар берадилар – деҳкончилик бу ўлкада шу даражада кучли тараққий этган экан. Манбалар Ислом ғозийларининг бу ҳудудда қаршиликка дуч келганлиги ҳақида ҳеч нима демайдилар.

Ибн Батута мўғулларнинг Термиз халқини қиличдан ўтказганлигини тасвирлайди-ю, уларнинг Денов теварак-атрофларида ўзларини қандай тутганлиги ҳақида маълумотларни баён қилишдан ўзини тияди.

Хожа Алоуддин Аттор ҳазратларининг Хоразмда таваллуд топиб, Бухорода Хожа Баҳовуддин Нақшбанд тарбиятларида камолга етиб, Деновни макон тутишларида, мен сизга айтсам, улар Деновга кўргон бўлиши учун юборилдимикан, деб ўйлайман.

Бу ташбеҳ Сўфи Оллоёр ҳазратларига ҳам тааллуқлидир, бўлмаса Самарқанд қаёқда-ю, Денов қаёқда! Шу маънода шоир Меликул Ханжаровнинг Шоҳ Машраб билан Сўфи Оллоёр ҳазратларининг бул ҳудудда дийдор кўришганлари ҳақидаги тадқиқотларига мен ишонаман. Чунки тариқат пирлари учун масофа писанд бўлмаган.

Зулм ва зулмат, умуман таназзул ҳеч қачон баркарорлик келтирмайди, ёруглик, яхши кунлар эса яповчан бўлади, одамзотнинг табиати шундай ва шунинг учун ҳам ўтган кунларга — кечмишга назар солганда одамнинг кўзи, энг аввало, ёругликкa, яхши кунларга тушади. Бу мулоҳазаларни янаям ойдинлаштирмоқчи бўлсак, қозоқ оғайинлар айтганидек, «Бўладиган элнинг йигитлари бир-бирини «ботирим» дейди, бўлмас элнинг йигитлари эса бир-бирини «хотиним», дер экан.

Шу маънода ёруг кунлар Денов тарихининг асосий ва таркибий қисмини ташкил этади. Унинг бугунги кундаги камоли ҳам худди шундандир.

Деновнинг халқида аввалдан тижоратга мойиллик кучли, шунинг учун бу ердаги бозорлар жуда катта ва доим гавжум. Ҳа, биласизми, Денов бозорининг гавжум бўлмаган куни йўк. Чунки, истеъмолчининг эҳ-

тиёжи баланд ва ҳамёнида ана шу эҳтиёжни ортиги билан қоплайдиган даражада маблағи бор.

Деновликлар, масалан, майда-майда томорқаларидан ҳам катта-катта даромадлар ола билишади. Табиийки, модлий фаровонлик дастурхоннинг тўкин-сочин бўлиши заминидир.

Муҳими, модлий фаровонлик маънавий ҳаётнинг ривожини таъминламоқда. Лекин, доимо ҳам шундай бўлмаган: Шўролар замонида иктисодиётни марказлашган тартибда бошкариш, маънавият ва маданиятда коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлиги, ижтимоий ҳаётда ўта кашшоқлик ҳукм сурар эди. Ижтимоий адолат когоздагина бор эди. Ўша пайтларда кўпчилик раҳбарларнинг дунёкараши, мафкураси ҳам шунга яраша бўлганди. Буни туманимизнинг собик раҳбарлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган кирк йил мобайнида Деновга хокимлик (Шўро замонида биринчи котиблик) қилган инсонларни кўпини кўрганман, таниш бўлганман ва уларнинг тавсифини имкон кадар қилишга қодирман: уларнинг ҳаммаси ўзини, демакки эгаллаб турган вазифасини қадрлайдиган, раҳбарлик салоҳиятига эга бўлган инсонлар эди. Аммо уларнинг ўндан саккизи, кўча ибораси билан айтганда, «урилиб» кетди. Бу мамлакатнинг, шу жумладан, Деновнинг ўша пайтлардаги ижтимоий об-ҳавосидан, деб ўйлайман. Айтдим-ку, Деновга дуо кетган — адолатнинг йўлини тутмаган одам онасини Учкўрғонда кўради, деб.

Эгамберди Мавлонов. Бу одам ўзининг хотираси кучлилиги билан халқ ўртасида машҳур бўлган. Пахтани кўпайтириш учун қаттик тиришган. Жуда кўпчилик бу одамни маошига каноат қиладиган раҳбар сифатида билган, аммо тайёрлов идорасидаги катта жиноятлар тасодифан очилиб қолгандан сўнг, у «райком бобо» касбини ўзгартиришга мажбур бўлган...

Ундан кейин Деновга раҳбарлик қилган Нурмамат Эшмаматов адолат билан ошна бўлмагани учун...

Ҳимойиддин Шарофиддинов оғзи билан қуш оладиган даражада ўткир раҳбар эди. Бу инсон Деновга атиги уч йилдан сал кўпроқ саркорлик қилган бўлса-да, деновликлар орасида яхши ном қолдирди.

Тупроғинг нурга тўлгур Жаббор Чориевнинг тажрибадан, билимдан ками йўк эди. Аммо газетада Мусо Каромовнинг танқидий бир мақоласи чиққандан кейин ишхонанинг калитини топшириб кетди.

Шундан сўнг Деновда «султонлик» қилган Қурбон Эшбоевнинг ишлари Оллоҳга ёккан экан шекилли, кўшни туманга раҳбар бўлиб кетди. У бир жойига ҳам "тиғ тегмасдан" кетган раҳбардир. Деновликлар Қурбон акадан рози бўлдилар, менимча, Қурбон ака ҳам деновликлардан хафа бўлган эмас.

Эшниёз Рустамов Жаркўрғон туманида биринчи котиб бўлиб ишлаганида, «Меҳнат Қаҳрамони» деган унвонга сазовор бўлган, тажрибасининг чегараси йўк раҳбар эди. Аммо, афсуски, сиёсат нимини сув қилиб ичиб юборган ана шундай одамни ҳам Деновдан қочирди...

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Деновда бир кўнгилсиз воқеа содир бўлиб, адолат масаласи ҳар қачонгидан долзарблик касб этганида, туманнинг биринчи даражали раҳбари Эшмурод Турдалиев бошқаларга ўхшаб «Менинг нима айбим бор?» деб ўтирмади.

Деновда вужудга келган каттик ижтимоий вазиятнинг жиловини қўлга олиш учун туманга Тилла Менглиев сафарбар этилди. Бу одам қарийб саккиз йил туманга раҳбарлик қилиб, XX асрни шу ерда якунлаб берди.

Бу дунёда ҳар ким ўзича адолат излайди. Кўндан-кўн воқеа-ҳодисаларни анча йиллардан бери кўриб, кузатиб битта хулосага келганман Деновда инсон учун қусур хисобланган ҳамма нарсани қилиш ва ҳаттоки ғоздай бўлиб юриш мумкин, аммо адолатсизликка халқ чидамайди. Ижтимоий адолат мезонларини — миллий ва умуминсоний кадриятларини оёк ости қилсангиз, чойхона иборалари билан айтганда, «оқ» ни «қора» е «қора»ни «оқ» десангиз ва фаолиятингизни шу асосга қурсангиз — деновликлар буни кечирмайдилар ва ўзлари ҳам тайришуурий жазава билан бошингизга шундай кунларни соладиларки, қочгани жой тополмай қоласиз. XX асрдаги биринчи даражали раҳбарларнинг аксарияти ана шу оддий ҳақиқатдан чекиндилар. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммаси ҳам билимли, тажрибали, таникли одамлар эди.

«Қўлимиздан нима келар эди?» фалсафаси «адолат» тушунчасининг, ҳақиқатнинг нисбий эканлигини тасдиклайди. Бу эса ҳар кимнинг ўзи учун «адолат»чалар ясаб олишига олиб келади.

Бундай «адолатча»лар хўжасининг ижозатини кутиб ўтирмасдан бири бири билан бирлашиб кетаверади ва уларнинг йиғиндисидан модлий кучлар вужудга келади, аммо ўшанда ҳам юзлаб, минглаб «адолат»чалар бирлашишидан моҳиятида сезиларли ўзгариш содир бўлмайди, ана шу тарика бир-биридан бехабар одамлар бирлашиб ҳаракат қиладилар.

Биласизми, кўринмайдиган, аммо таъсирини сезиш мумкин бўлган бу кучни тиббиётда қўлланиладиган лазер нурига ўхшатиш мумкин экан: лазер соғлом тўқималарга зарар етказмайди.

Ўзининг битини ўлдиролмаган одам бориб-бориб бир куни оёқдан қолади, агар денгизда тўфон бўлмаса, унинг суви айниб кетади.

Бир қарашда кўзга ташланмайдиган жанговорликнинг манбалари ҳақида кўп ўйладим.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳамма замонларда — кишда ҳам, ёзда ҳам, ҳаттоки, баҳорда ҳам халқ ўз билганидан қолмайди. Ҳўроз ҳамма жойда бир хил кичкиргани билан, ҳамма жойларнинг ҳўрози ҳам айнан бирбирига ўхшайвермайди.

Бухородан осмонга нур таралиб тургани сингари ган яна алоҳида жойларнинг одамлари алоҳида-алоҳида бўлишига бориб тақалмоқда.

Сурхондарёликларни бошқа жойларда тез таниб олиш мумкин бўлгани билан вилоятдаги ўн тўртта туман истиқоматчилари нафақат ташқи кўриниши-ю, хатти-ҳаракати билан, балки ички дунёси-ю, ижтимоий даражаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Мен Денови мукаддаслаштирмоқчи эмасман, аммо ҳақиқат шундай бўлгандан сўнг қўлимдан нима ҳам келар...

Қаранг, не-не замон даргаларининг ишини қайирган Денов Абдулҳаким Эшмуротовга елкасини тутди, парвозига қанот бўлди, ва у вилоятга ҳоким бўлиб кетди.

Менинг ожиз фикримча, Абдулҳаким Хўшбоқович бир куни Деновга ҳоким бўламан, деб ҳеч қачон ўйламаган бўлса керак. Шунинг учун у XXI аср бошида туманга ҳоким этиб тайинлаганидан кейин, Деновнинг ўтмишини қайта-қайта эслади, бугунги аҳволини, кадрларини, жамоатчилигини чуқур ўрганди, қийинчилик ва муаммоларини билиб, уларни ҳал қилиш йўл ва воситаларини излади.

Унинг ҳокимлиги даврида қурилиши аллақачонлар бошланиб, тугалланиши йилдан йилга ўтиб келаётган мактаб биносини бунёд этиш ниҳоясига етказилди, қатор коллеж ва умумтаълим мактаблари учун янги бинолар қурилди, мавжудлари таъмирланди, Хожа Алоуддин Аттор каби азизу авлиёларнинг қабрлари, бошқа муқаддас қадамжолар обод қилинди. Янги қад кўтарган маъмурий, маданий-маърифий бинолар Денов кўркига кўрк қўшди. Тадбиркорлар, фермер хўжаликларининг бошлиқлари туман раҳбариятининг қўллаб-қувватланишини доимо сезиб, куч-ғайрат билан ишлаб, пахта, ғалла, чорва маҳсулотарини етиштиришда қатта ютуқларни қўлга киритдилар, хўжаликларнинг иқтисодиёти мустаҳкамланди, тартиб-интизом кучайди.

Турмушда, юриш-туришда камтар ҳоким бу жараёнларда фаол иштирок этса-да, ишларини кўз-кўз қилишга йўл қўймади. Ахир, бир одам кўчага бир туп кўчат экса, телевизорни ҳеч кимга бермаслиги ҳақида мисоллар тиқилиб ётибди-ку!

Бир муносабат билан ҳоким бизнинг хонадонга меҳмон бўлган эди. Дастурхон менинг китобларим сақланадиган хонада ёзилган эди. Суҳбат тариқат пирларига бориб етганида, у киши Эшони Ҳувайдо ҳақида шундай гапларни айтдиларки, мен ҳайрон бўлиб, ҳатто ўзимнинг шундай гаплардан

бехабарлигимдан уялиб кетдим ва бу одам ҳукукшунос бўлса, бундай нозик гапларни қаёқдан билади, деб ўйладим.

Яна бир чизги. Абдулҳаким ака Деновга неча йил ҳокимлик қилган бўлса, ҳар йили мукаддас ҳаж сафарига отланганларнинг ҳаммасини ҳокимликка таклиф қилиб, уларга оқ йўл тилаш баробарида, ўзи ҳақига ҳам дуо қилишларини сўраган. Яна билишимча, у киши нафақат Деновдаги, балки вилоятимиздаги кўплаб табаррук қадамжоларни, жумладан, кўп марта зиёрат қилган экан.

Деновликлар Рустам Мирзаев деган одамни жуда яхши билишади. Бу одам кўп йиллар туман ижрокўмида котиблик қилган, ҳатто бир канча муддат туман ижрокўмининг раиси, шаҳар ҳокими ҳам бўлган, ҳуллас мансабдор бўлса-да, Оллоҳ берган ризққа қаноат қилиб яшаган ва мол-дунё йиғмаган. Пенсияга чиққандан сўнг ҳам туман ҳокимлигида хизмат қилиб юрган Рустам ака оғир касалликка йўлиқиб, деярли тўсатдан қазо қилди. Умрининг сўнгги йилларида иқтисодий ночор бўлган марҳумнинг маросимлари харажатларини ҳоким ҳеч кимга билдирмасдан ўзи кўтарган. Бундай савобли ишларининг рўйхати катта.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулҳаким Эшмуродов Деновда яхши ишлаб, тажриба орттириб, обрў билан юқорирок лавозимга кўтарилиб кетди.

Шу боис, у Деновдан миннатдор бўлмоғи керак, чунки бу тупроқ яхши одамни ардоқлаб, камолга етказади.

Вақт ўтади, воқеа ва ҳодисалар мудом ўзгариб туради, аммо Денов Деновлигича қолади!

«Чағонён»,
2009 йил, 28 май.

КЎРИНГАН ТОҒНИНГ УЗОҒИ ЙЎҚ

Агар дардларингга бўлюлсам дармон,
Рухим фидо бўлсин шундай Ватанга.
А. Орипов

Деновни узоқ ўлкаларда, хатто Америкада ҳам яхши билишади. Чунки яқингача бу шаҳарда европаликлар кўп эди. Шўролар иттифоқи таназзулга йўлиқиб, марказ билан борди-келдилар мураккаблашгандан сўнг, уларнинг кўпи бошқа юртларга кўчиб кетишди.

Мен айтаман: улар нега Деновда бунча кўп эди ва бу ерга каёқдан келиб қолди? Ҳақиқатдан ҳам, у ёғидан бу ёғи кўриниб турадиган шаҳарда йигирматами – ўттизта миллат вакилларининг истиқомат қилиб, кенг кўламда фаолият кўрсатиши қизиқ бир манзарадир. Энди биламиз – уларнинг аксарияти урушдан олдин ва ундан кейин мамлакат хўжалигини юксалтиришга сафарбар этилганлар экан. Аммо, улар нега, масалан, айтайликки, Бойсунга, Бандихонга бунчалар кўп ўрнашиб қолмади? Демак, уларнинг айнан Деновга тўпланиб қолишини фақатгина сафарбарлик зарурати билан изоҳлаб бўлмайди. Улар Деновнинг истиқомат учун ҳар томонлама қулай эканини яхши билишган.

Бир суҳбатда миллий адабиётнинг устунларидан ҳисобланадиган Абдулла Қаҳҳор «Сурхондарё деганда, ёниб ётган чўл ва эшак миниб кетаётган чол кўз олдимга келади» деган экан ва бу таърифни қабринг нурга тўлгур ёзувчининг вафот этганига кўп йиллар бўлганига қарамай ҳамон тез-тез эслаб турадилар. Ҳамма бало шундаки, улуғ ёзувчимиз кўп ҳам янглишмаган, балки ўзи ҳам буни билганлиги учун ҳаётлик чоғларида Сурхондарёга келмаган. Албатта, худди ҳозиргидай XX асрда ҳам Абдулла Қаҳҳордай миллатнинг тимсолига айланган ёзувчиларга каёққа ижодий сафар қилишни ўргатиб бўлмас эди. Мен айтаманки, Оллох А.Қаҳҳорга узоқ умр бериб, у киши шу кунларимизгача ҳаёт бўлганларида, Сурхондарёнинг Ал-Ҳаким Ат-Термизий, Исо Термизий сингари улуғ инсонларга бешик бўлганини билиб, кексайиб қолишига қарамасдан, албатта, бундай инсонларнинг хокини кўзига суртмоқ учун вилоятимизга келар эди.

Гап шундаки, аввал ҳам, ҳозир ҳам Сурхондарёга ўхшаб Денов ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг тасаввуридан сал бошқачароқ, яъни обод ва сершовқин манзил бўлган.

Денов шаҳрининг кун ботишида, Қизилсув дарёсининг бўйида Тупроққўрғон бор, унинг ярмини дарё тошкини ювиб кетган. Ана шу ўпирилишлар чоғи чиқиб қолган буюмларни кўздан кечирган академик Галина Пугаченкова уларнинг милоддан олдинги даврларда ясалганини аниқлади. Икки минг йилга бардош берадиган Тўпроққўрғонни ота-боболаримиз бунёд этган. Манбаларда Қизилсув дарёсининг таги билан ўтиб, қўрғоннинг ичидан чиқадиган лахм – ер ости йўли ҳақида ҳам гапирилади.

Бундай азамат қўрғонлар хўжакўрсинга қурилмаган ва айни ҳақиқат шундан иборатки, Қизилсув ҳам шунча вақтдан бери ўзанини ўзгартиргани ё қуриб қолгани йўқ, қўрғон ҳам эртаклардаги афсона эмас, жойида турибди.

Биламан, фахрланиш билан иш битмайди. Аммо Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг «тарихий хотира» деган ибора бекорга муомалага киргани йўқ. Чунки дарахтнинг эрталабки сояси кечкурунги соясига тенг бўлади.

Президентимиз ҳақида ажойиб китоб ёзган Леонид Левитин ўз асарида адиб Йўллуқ –тегиннинг Билга хоқон ва Қул тегин қабр тошларидаги қуйидаги битикларини келтиради: «Авлодларнинг биринчи бурчи – ўз аждодларини унутилишдан асраб қолишдир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди»*. Бир минг икки юз йил илгари адиб Қул тегин айтган бу гапга деновликлар доим амал қиладилар десам, менга ишонаверинг.

Ўрта асрларга келиб Денов шаҳрининг қоқ марказида Сайид Оталик мадрасасининг қурилиши ҳам тасодифий ҳодиса эмас. Хожа Алоуддин Аттор Валий ҳазратларининг Денов (Чағониён)ни ихтиёр этишлари ҳам бу юртнинг баракотидан бир далилдир. Каттақўрғондай жойдан Сўфи Оллоёр ҳазратларининг бу юртга келиб, Вахшиворни ватан тутишларида нима ҳикмат борлигини англашга қодир эмасмиз. Кўнгил кўзи очиқ ва Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидай, то маҳшаргача уйғоқ бу инсонлар сиз билан биздан билувчироқлигига иқрор бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Мен уларнинг юрт кўриқчилари –баракот манбалари, деб ўйлайман ва ҳар нафасда уларни ёд этаман. Нима гап айтсам, қандай ишга қўл урсам, улар худди қараб тургандай бўлаверади ва буни мен яққол ҳис этаман. Доим ана шундай кайфият билан яшаш табиатингизда катта сифат ўзгаришлари содир этади. Менимча, бундай ҳол ҳар бир деновликка хос бўлса керакки, уларнинг ҳаракатидаги қатъият ва ғайрат бошқа ҳудудлар одамларини доим ҳайрон қолдиради: агар бирон деновлик Тошкентда иш бошласа, қисқа вақт ичида шундай муваффақиятларга эришадики, натижада назарга тушиб, эътироф этилади.

Энди айтингчи, ана шундай юртни яхши кўрмай бўладими!? Мен Ер куррасининг охири – Диксонгача борганман, Шукур Холмирзаев таъ-

---

* Леонид Левитин… «Ислом Каримов – янги Ўзбекистоннинг Президенти». Т.: «Ўзбекистон», 1996. 32-бет.

рифлаган «Шимол ёғдуси» (Шафақ)ни кўрганман. Эрмитажнинг томошабинлар кирмайдиган ертўлаларида Тутанхамоннинг мўмиёланган жасадини кўрганман, лекин икки кундан кейин Деновни шу даражада соғинганманки, Сурхондарёга қараб пиёда чопгим келган.

Шу муносабат билан бир ҳикоят:

Қайсидир йили бир укамиз билан Фарғона водийсини айланиб келдик. Йўлга ҳам, одамларга ҳам, Шоҳимардонга ҳам тап йўқ. Қайтдик – йўлимиз ўнмайди. Бўлмаса, машинамиз «Нексия». Укамиз ҳам тезликни юз–бир юз йигирмадан туширмайди.

Йўқ, барибир йўл ўнмайди. Бир маҳал Шўрчидан чиқдик. Тенгак дарёсидан ўтдик. «Оҳ, келдик-а!» дедим. Билмайман, шу орада канча пайт жим кетганман. «Бор экансиз-ку, - дедим. Абдунабига, – ҳайданг-э, одам етмас чоғли бўлди-ку!». Бирдан енгиллашиб, миялар тиниқланди, каёқландир тетиклик, бардамлик пайдо бўлди. Деновнинг буюклигини ана шундай пайтлари одам ҳис қилади.

Хуллас, Ўзбекистон ўзини мустақил, деб эълон қилгандан сўнг бир вақтлари Деновни яшаш ва ишлаш учун қулай, деб ҳисоблаган баъзи бир кишилар, ҳеч кимга билдирмай кетиб қолдилар. Тақдирини Денов билан боғлаб, уни ватан, деб билганлар эса иссиққа ҳам, совуққа ҳам парво қилмасдан меҳнат этмоқдалар ва шу тариқа унинг муаззам тарихини матонат билан бино қилмоқдалар. Зотан, юрт тарихи – инсонлар тарихидан иборатдир.

Леонид Левитиннинг «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» деган китобини ҳафта - ўн кунда кўлимга олиб, дуч келган жойидан беш – ўн саҳифа ўқиб кўяман ва тафсилот – баёнларининг самимийлигидан ҳузур киламан. Меҳр – самимият туйғусининг таркибий қисми эканлигини эътиборга олсак, ҳамма ҳақиқат аён бўлади.

Хуллас, ана шу Леонид Левитин ўз китобини «Тарих алгоритмлари» бобига «Ғарб, бу – Ғарбдир. Шарқ, бу – Шарқдир» деган қанотли иборани эпиграф қилиб келтиради. Ҳақиқатан ҳам, Шарқ тамойиллари Ғарб ўлчовларига мутлақо тўғри келмаслиги ва аксинча бўлиши шубҳасиздир. Ҳар жойнинг ўз ҳақиқатлари ва уларни меъёрда ушлаб турадиган азалий қонун–қоидалари бор. Ўз ўзидан тушунарлики, бундай ўлчамлар Деновга ҳам тўла тааллуқлидир. Демак, Денов, бу –Деновдир ва марҳамат қилиб уни англанг, унга меҳр қўйинг!

Оламнинг, демакки одамнинг тўрт унсурдан таркиб топганини ҳамма билади. Буни қаранки, Деновда бу унсурларнинг ҳаммаси соз.

Денов ҳудуди чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган минтақага тўғри келади. Бу – ҳавонинг созлигига кафолат: ёзи салқин, қиши муътадил. Шунинг учун бир вақтлар Деновда шакарқамиш етиштирганлар. Денов

хурмосининг довруғи-ку. Ўзбекистондан ҳам ташқарига чиқиб кетган. Тўғри, қўшни туманларда, ҳатто бошқа вилоятларда ҳам хурмони ўстириш мумкин ва шундай бўлаяпти ҳам, аммо бирор жойда деновдагичалик хурмо серҳосил ва ширин бўлмайди.

Деновнинг марказида Дендрарий боғи бор. У ерда қандай дарахтлар ўсмайди дейсиз. «Лола дарахти» ни кўриб, бу дунёнинг турган битгани мўжиза эканда дейсиз. Бир пайтлар Петрарканинг бошига гултож бўлган дафнага бу ерда жайдари ўсимлик сифатида қарашади. Ҳай-ҳай, демасангиз бамбук бир кеча кундузда беш метргача ўсади. Бир қарашда этиборни тортмайдиган бу тафсилотлар Деновнинг тупроғи ва иқлими созлигини исботловчи далиллардир.

Оламни ҳайратга солган улуғ бобомиз Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» деган китобида истиқомат учун соз ва носоз бўлган манзилларнинг таърифини баён қилади. Соз жойларнинг аломатлари санаб ўтилган саҳифаларни ўқиётиб, Фаробий бу сатрларни битаётганда Деновни назарда тутмадимикан, деб ўйлаганман. Шу китобда айтилишича, соз тупроқ, тоғларнинг қандай жойлашуви, шамолларнинг қандай ва қаёқдан эсиши, ичимлик сувининг сифати ўша юрт истиқоматчиларининг нафақат сиҳат-саломатлигига, балки уларнинг қуввайи ҳофизаси, ақлий ривожланишига ҳам жуда сезиларли таъсир қилар, одамларнинг табиатидаги муайян хусусиятлар ҳам шу омилларга боғлиқдир.

Назар Тўраев деган академикни илм аҳли яхши билади. Шу одам менга Токиода чоп этилган бир китобини кўрсатган. Неча сўм туришини сўрадим. Ҳар донаси бир минг икки юз доллар экан – жим бўлиб қолдим. Бир марта ана шу Назар акадан илмий фаолиятининг мазмунини сўрадим: ўн миллион даража иссиқликда сиртнинг емирилишини қандай қилиб камайтириш муаммолари устидаги тадқиқотларини шогирдлари ҳамроҳлигида давом эттираётган экан. Агар ижтимоий тараққиёт шундай суратлар билан давом этаверса яна эллик – олтмиш йилдан сўнг инсоният Ер юзидаги ва ер остидаги ёқиш мумкин бўлган ҳамма нарсани ёқиб битиради. Ана ўшанда инсониятни энергияга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, қондириш керак. Қандай қилиб? Бу ёқда ёқиш мумин бўлган ҳамма нарса – ўтин ҳам, кўмир ҳам, газ ҳам тугайди... Ўшанда одамларда сувнинг таркибидаги водород атомини парчалашдан бошқа илож қолмайди. Дунёдаги барча денгиз, уммонлар водород атомининг битмас-туганмас манбаидир. Водород атомини эса ҳавода парчалаб бўлмайди. Бунинг устига унинг парчаланишига ўн миллион даража иссиқлик керак. Биз ҳозир водород парчаланаётган, тўғрироғи портлаётган макон деворининг емирилиш даражасини камайтириш муаммоларини тадқиқ қиляпмиз, деган эди Назар ака.

Ўшанда Назар ака баён этган мангараларнинг тафсилотларини кўз олдимга келтириб бошим айланиб кетган эди — мана сизга бир деновликнинг инсоният келажаги ҳақида бош қотираётганлиги. Назар ака Термизда шунингдек қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликда лазер нуридан фойдаланиш масаласи бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борди. Аммо жаҳон микёсида тафаккур тарзи Сурхондарё пахтазорларига сиғмади ё Назар ака яккалик қилди, шекилли.

Назар ака турли муносабатлар билан Деновга, ўзи туғилиб ўсган Чукур Қишлоққа кўп келади. Бу ерда у кишининг қариндошлари, болалик дўстлари истиқомат қилишади ва табиийки, олим улар билан илмий изланиш ва кашфиётлар хусусида эмас, балки турмушдаги қувончу ташвишлар, об-ҳаво, нарх-наво ҳақида суҳбатлашади. Қолаверса, улар ҳам илмий муаммолар билан Назар аканинг бошини қотирмайдилар, мамлакатимиз ва теварак-атрофда рўй бераётган воқеалар тўғрисида унинг фикрини билишга, фарзандларининг тарбиясига доир маслаҳатларини олишга ҳаракат қиладилар.

Хайрободда Тожиддин маҳсум деган бир ажойиб инсон яшаб ўтди – бу дунёда тўксон олти йил умр кўрди. Ёшлигида қирқ йилдан зиёд 200-240 килолик пахта тойини елкасига кўтарган, чунки бундай юкчиларга кўпрок маош берилган экан. Кўп йиллар ана шу одамнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. У кишида, ҳайратланса ё завқи тошса, «Оллоҳу акбар!» деб хитоб қиладиган одат бор эди. Кейин-кейин, билдим бу одам эгаллаган илоҳий илмларнинг чегараси йўқ экан. Бу инсон ҳақидаги тасаввурингизни салгина бўлса-да бойитмоқ учун бир-икки мисол келтираман: устоз Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини асл тили – форсчада бошдан оёқ ёд билар, завқи тошган маҳаллар бу муҳташам асарнинг дуч келган жойидан ўқиб кетаверар эди. Мен ўшанда «Шоҳнома»нинг нақадар мусиқавий оҳангда битилганидан қаттиқ ҳайратланган ва жон дилим билан яхши кўриб қолганман. Кейин эринмасдан «Шоҳнома»нинг еттитами–саккизта жилдини топтим ва ҳамон уни хазинадай кутубхонамда аввайлаб-асрайман. Муҳаббат зўр бўлгандан сўнг тил билмоқнинг ҳатто кераги ҳам йўқ экан.

Яна. Ўзаро ёлғиз чоғлари устоз бирдан Бедилни қироат қила бошлар эдилар: ғазал ўқиётган одамнинг оғзидан олов чиққанини ўшанда кўрганман – бу аланга-ўт мени тамоман куйдириб юборар эди. Энди билсам, маҳмадоналик қилиб мен ҳам гурунг бериб юборар эканман, шекилли. Устоз ишқ шарбатидан маст бўлиб, жазавага тушар даражада шиддат ва шашт билан то ўзини босиб олгунча Мирзо Бедилни ўқир, мен эса оловнинг ичида қолиб кетар эдим.

Устоз эллик йилдан кўпрок қандли диабет хасталигининг азобини тортди, шундан бўлса керак умрининг сўнги йилида кўзлари ожиз бўлиб

колди. Қанд касалида оёқлар увишиб колишини билганим учун ижозатлари билан оёқларини укалаб қўяр эдим. Бир марта хужраларига кирсам кўзимга устоз ухлаётганга ўхшаб кўринди, ёнимда бир ҳамкасбим ҳам бўлиб, бу дунёда шундай ажойиб одамлар борлигини кўрсин, деб эргаштириб борган эдим. Устознинг оромини бузмайлик, деб деярли шивирлашиб гаплашиб ўтирдик. Сўнг мен жуда аввайлаб устознинг аллақачон эти қочиб, дағаллашиб колган оёкларини эҳтиётлик билан укалай бошладим. Кўп йиллардан бери кора меҳнатдан чиқиб кетганлигим учун қўлимнинг пахтадай юмшоқлигини биламан. Шундай бўлса ҳам меҳрнинг баландлигиданми, яхширок хузур килсинлар, деб каттикрок укалаб юборибман, бир пайт устоз «кимсан, оёғимни огритдинг!» — деб юбордилар. Мен овоз бердим, у киши дарҳол танидилар. Негадир оталарини эсладилар. Маккатилло уламолари устознинг оталарини уч-тўрт йил олиб колган экандар. Яна кўп гаплар... биз эса нафас олмай ўтирибмиз. Менинг Машраб ҳазратларига муҳаббатим зўрлиги эсларига тушиб колдими, Машрабдан ўкий кетдилар-ку! Менда «ҳа» дейдиган ҳолат ҳам, жон ҳам колмади. Энди-энди ўйласам, устоз менинг кўнглимга караган, тўғрироғи менинг кўнглимни сўрамокчи бўлган эканлар. Бу суҳбатимиз сўнггиси эканлигини мен каёқдан билибман. Лекин устоз буни билган ва шунинг учун ҳам кўнглимга кувват бўлган эканлар.

Айтинг, шундай инсонларга бешик бўлган тупрокни кўзга суртмаслигининг иложи борми!?

Худди бошка жойлардагидай Деновга ҳам янги раҳбар зудлик билан чор тарафдан «шгурм» килинади ва кузатувчилар ундан айб-нуксон излайдилар. Шу боисдан, бошка жойларни билмайман-у, аммо Деновда сир деган гапнинг ўзи йўк. Ўтган икки йил натижалари Баҳром Маматкуловнинг кенг маънода маърифатли, Президентимиз сиёсатидан оғишмайдиган, изчил ва қатъиятли раҳбар эканлигини исботлади. Деновлик пахтакорлар ҳам, ғаллакорлар ҳам икки йилдан бери шартнома режаларини зўрикишларсиз уддалашмокда.

Кузатувчилар яна бир ҳолга ҳайрон: икки йилдан бери туман пахтакорлари шартномани бажаргунча хаво очик туради ва шартнома бажарилган кунининг эртасига, алббата, эзилиб ёмғир ёғади. «Нега шундай бўляпти, сиз биласизми?»– деб бир-икков мендан ҳам сўради. Буни билмайман-у, лекин Жалолиддин Мангуберди ёзнинг жазирамасида қайроктош билан шаррос ёмғир ёғдирганини ўкиганман, дедим. Чўл–у биёбонда уч кун тинмасдан ёмғир ёғади, лашкар ивиб, ёмғирдан безор бўлади ва Жалолиддин Мангубердига безор бўлдик, тўхтат дейишади. Биласизми, шунда Жалолиддин Мангуберди бундай деган экан: «Бу иш менинг қўлимдан келмайди!» – деб қойил колганман бу жавобга. Чунки, барча файзу баракот Оллохдандир.

300 мингдан ортиқ инсон истиқомат қиладиган бу туманда 3426 та хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. Унинг 3249 таси нодавлат корхоналар. Ўзбекистон Қахрамони Аҳмад Нарзуллаев деган фермернинг издошлари тобора кўпаймоқда. Деновнинг яна бир тилга тушган тадбиркори Амир ҳожи эса шаҳарнинг кок марказида «Бахт уйи» биносини курди ва у тилла узукка олмос кўз кўйгандай бўлди .

Деновда ҳам даромаднинг асосий қисми дехкончиликдан келади. 2011-йилда 68 минг тонна ғалла, 48 минг тонна пахта етиштирилди. «Немоил» фермер хўжалигида ғалланинг ҳосилдорлиги 100 центнерга етди. Туман бўйича ғалланинг даромади 20 миллиард, пахтадан олинган даромад 28 миллиард сўм бўлди.

Бугун барча экин майдонлари фермерларнинг тасаруфида ва улар фойдани кўпайтириш илинжида. Чунки, тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида бош кўрсаткич соф фойда ҳисобланади.

Кўринган тоғнинг узоғи йўқ .

«Адолат»
2009 йил, 6 июнь.

ТАФАККУР НУРИДАН ЁНГАН ЧАРОҒЛАР

Инсоният тарихини кузатиб шундай хулосага келиш мумкинки, иқтисодиётдаги муваффақиятлар маърифат ва маданиятнинг юксак даражада эканлигидан далолатдир ва, айни пайтда, иқтисодиётни ривожлантирмай, илмий-маърифий юксакликларга эришиб бўлмас экан. Бу жўнгина фикрга иқрор бўлмоқ учун ҳам иқтисодиёти, ҳам маданияти тараққий этган мамлакатлардаги иқтисодий ва маърифий манзараларни кузатишнинг ўзи кифоядир. Чунки, эҳтиёжни қаноатлантирадиган даражада турли илм ва билимларни эгаллаш учун маблағ керак. Уст-бош ва дастурхондан ортиб коладиган миқдорда маблағ тўплаш учун эса унумли ва самарали меҳнат килмоқ лозим. Менинг назаримда, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш юкори суръатларининг халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётган даражада ўсишининг асосий сабабларидан бири жамиятимиздаги маънавий янгиланишдадир.

Ҳақиқатдан ҳам, кейинги йигирма йил давомида халқимизнинг маърифий, маданий, илмий салоҳиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун сарф килинаётган маблағларни кўз олдимизга келтирсак, ҳар кандай ҳисобдоннинг ҳам бошини айлантириб юборадиган рақамларни кўрамиз. Энг муҳими, бундай бекиёс харажатлар ҳозирданоқ ўзининг ижобий самараларини бермоқдаки, буни биз иқтисодий кўтарилишлар мисолида кўриб ўтирибмиз.

Шахмат бўйича жаҳон чемпионининг ўн еттинчиси Ўзбекистондан чиқади, деб ким ўйлаган эди? Аммо ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов ўз салоҳиятининг кудрати билан бутун оламни ҳайратга солди, ҳатто Гарри Каспаровдай шахмат кироли ҳам ер чизиб колди – зўрдан зўр чиқса оёги тапир-тупир, деб шуни айтадилар. Ўзбекистон байроғини олам узра кўтарган Рустам Қосимжоновнинг Амир Темур ордени билан тақдирланишида ҳам жуда катта маъно бор.

Менинг назаримда, шахмат киролимиз аввало бундай баланд толе учун истиқлолимиздан, Буюк Мустақиллигимиздан миннатдор бўлмоғи табиийдир. Президентимиз Ислом Каримов қўлидан Амир Темур орденини қабул қилаётганда Рустам Қосимжонов кўнглидан айни шу ҳақиқатнинг ўтганлигига ишонаман ва бу жуда тўғридир. Ахир, ўзингиз биласиз, мустабидлик замонларида бундай ғалаба ва юксак даражаларни ҳатто орзу қилиб бўлмас эди-да! Ёки бўлмаса ... дунёда полвон кўп, аммо, уларнинг бирови ҳам энг оғир вазнда Артур Таймазовга бас келолмаяпти.

Мени кечирасиз-у, тарихий нуқтаи назардан кечагина мустақилликка эришган мамлакатнинг фарзандлари жуда қисқа фурсатларда бундай катта, хаттоки оламшумул муваффақиятларга эришаётгани ўз-ўзидан содир бўлаётгани йўқ.

Энг муҳими, жадал суръатлар билан юксалаётган иқтисодиётнинг катта одимларини, маънавият ва спортга берилаётган катта эътиборни мамлакатимизнинг марказида ҳам, олис вилоят ва туманларида ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Ана шундай гуркираб ривожланаётган музофотлардан бири Денов туманидир. Буни бошқа шаҳар ва туманларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Истиқлолимиз миллий мафкурамизнинг қарор топишига кенг йўл очиб берди. Унинг томирлари эса кўп минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятларимиздан озиқланади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси сингари Денов ҳам фахрланса арзийдиган жонли ва зафарли ўтмишга эга. Археолог ва тарихчилар манбалар ва моддий топилмаларни ўрганиб, Денов шаҳри ва унинг теварак атрофлари бундан икки-уч минг йил илгари ҳам ривожланган ҳудуд бўлганлигини асослаб бердилар.

Шуни билинг: қолоқ халқ ҳеч қачон минг йилларда ҳам ер билан битта бўлиб кетмайдиган қўрғонларни қуролмайди. Ҳа, милоддан илгариги боболаримиз, кўпчилик айтиб юрадигандек, маърифатли, маданиятли, топқир одамлар бўлишган.

Тарих, умуман, ўтмиш камол топиш ва заволга юз тутиш силсиласидан иборат: бу қисматдан ҳеч бир цивилизация қочиб қутулолмайди. Қайсидир маънода, келажак ўтмишда суратланади: тарих шу боис ҳам биз учун азиздир.

Деновнинг тарихини айтаверсак, катта бир достон бўлади. Ганни мухтасар қилсак. Кўплар яхши биладилар: шаҳарнинг қоқ марказида бундан беш юз йиллар илгари қурилган Саййид Оталиқ мадрасаси рўпарасидаги «эгиз»ини ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Шўро жангарилари «эскилик сарқити» сифатида бузиб, беш юз йилдан бери қилт этмай турган пишиқ ғиштларини бўлмағур мақсадлар учун ишлатиб юборишган. Аммо, ҳозир мустабидлар томонидан ер билан яксон қилинган нодир мадаҳий ёдгорлик ҳақида эмас, хайрли тасодиф туфайли сақланиб қолган Саййид Оталиқ мадрасасининг истиқлолимиз учун нечоғлик аҳамиятли эканлиги ҳақида гапирмоқчиман: мен унинг тимсолида буюк қадриятларимизнинг завол бўлмас ҳайкалини кўргандай бўламан.

Деновнинг бугунги камоли ана шундай мустаҳкам пойдевор устида турганлигига икрор бўлиш одамнинг кўнгилини тоғдай кўтариб юборади. Модомики шундай экан, замон чўққиларига назар ташлаб, аждодларимиз

бизга бебаҳо бойликларни қолдириб кетганликларини эътироф этиб, уларга муносиб ворислар бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Деновнинг ташриф қоғози — ойнаси мақомига тўла маънода эга бўлган туман «Чағониён» газетасини Сурхондарё вилоятидан ташқарида, ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам ўқишмоқда. Чунки, ўн олти саҳифалик бу газета ўн минг нусхадан зиёд адад билан чоп этилмоқда. Ваҳоланки, бундай адад нафақат туман ва вилоят газеталари, балки республика миқёсида чоп этиладиган айрим нашрлар учун ҳамон орзу бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам «Чағониён»нинг етмиш йиллик тўйини кенг жамоатчилик нишонлади. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Озод Шарофиддинов, таниқли ёзувчилар Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғофуров, «Халқ сўзи» газетасининг бош муҳаррири «Чағониён»ни мўътабар сана билан муборакбод этдилар. Яқиндагина жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказганига қарамасдан узоқ йўл босиб Деновга келган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев муштарийлар ҳузурида «Чағониён»ни, унинг шинавандаларини бу муҳим воқеа билан қутлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг дастлабки мақолалари, ҳикоялари ҳам «Чағониён» газетаси саҳифалари орқали халққа етиб борган. Тоғай Мурод дорилфунунининг охирги курсларида ўқиётиб, тажриба амалиётини ҳам «Чағониён»да ўтказган эди. Унинг катта мукофотлар ва фавқулодда довруғлар келтирган «Юлдузлар мангу ёнади», «Ойдинда юрган одамлар», «От кишнаган оқшом», «Қўшиқ», «Отамдан қолган далалар», «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» сингари қисса ва романларининг режалари шу таҳририятда ишлаб юрган йиллари куртак кўрсатган бўлиши ҳам мумкин. Тоғай Мурод «Чағониён» саҳифаларидан тушган эмас. Бу ноёб истеъдод эгаси ҳақида хотиралар, асарларидан парчалар мунтазам равишда газетада чоп этилмоқда.

Деновнинг ўз адабий муҳити бор ва у дақиқиялар замонидан бошланган бўлса ажаб эмас. Энг муҳими, замон майларига омухта бўлиб келган Денов адабий муҳити ҳамон барқарор. Мақолаларимиз, рисола ва китобларимиз саҳифаларида деновлик ижодкорлар, уларнинг айрим асарларига дуч келасиз. Бу жуда ўринли ва тўғри.

Яна бир хассос инсон борки, унинг бутун борлиги маънавият билан йўғрилган, бутун вужуди билан одамларга маърифат тарқатиш, ҳисса қўшишни саодат деб биладиган Деновдагина эмас, балки вилоятимизнинг кўпгина туманларида ҳам танилган инсон – Муҳаммади Жўраев хусусида тўхталмаслик адолатдан эмас. Муҳаммади ака деганлари Денов босмахонаси директори, 2003 йилда муборак ҳаж зиёратида бўлган мўминмусулмон. Денов жамоатчилиги Ҳожи Муҳаммади акани ўзидан яхши ном, арзигулик из қолдириб ишлаётган раҳбар, маърифатли инсон сифа-

тида танийди ва хурмат билан «Домла» деб мурожаат килишади. Босмахонага иш билан кирган бирор одамнинг у маскандан норози чикканини хеч ким эслай олмайди.

Душанбе-ю Хўжанд ва Турсунзода босмахоналарида чоп этувчи технологдан корхона раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтган М.Жўраев 1976 йилдан бери Денов босмахонасини бошкармокда. Корхонанинг самарали ишлаши туфайли кўплаб шоир, ёзувчи, журналистлар асарлари чоп этилиб, элга тақдим этилди.

Сурхонларёда, умуман Ўзбекистонда Деновга ўхшаган туман кўп. Аммо уларнинг саноқлиларидагина ўз телевидениеси бор. Унинг кўрсатувларини кўшни туманлар уёқда турсин, хатто Тожикистон, буёги Афғонистонда хам томоша килишар экан.

Ҳар куни беш-олти соатлик кўрсатувни томошабинларга манзур бўладиган даражада эфирга узатмок учун жуда катта куч, билим ва салохият зарурдир. Янгамнинг ошини ширин килган нарса акамни бозордан олиб келган масаллиғи деганларидек, катта ишларни тегишли маблағларсиз амалга ошириб бўлмаслиги барчага маълум. Абдухолик Тошев раҳбарлигидаги мехнат жамоаси ана шундай маблағларни топмокда. Телевидение кўрсатувларининг мунтазамлигини, энг мухими, сермазмунлигини, ранг-баранглигини таъминламокда. Чунки, ижодий ходимлар маърифат, маънавият, маданият учун сарфланган куч, мехнат, маблағ хеч качон завол кетмаслигини яхши билишади.

Мустакиллик йилларида соғлом авлодни камол топтириш учун катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани сингари, Денов туманида хам ижтимоий соҳалар учун давлат томонидан катта миқдордаги маблағлар сарф қилинмокда. Булгурнинг ўзида даволаш муассасаларининг талаб этилган даражада фаолият кўрсатиши учун карийб 2 миллиард сўм ажратилди. Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш ишларига эса 37,2 миллион сўм сарфланди. Биргина туман марказий шифохонасига 11,3 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. 1 миллиард 243 миллион 679 минг сўм шифокорларнинг иш хақларини ташкил этди. Икки ёшгача болали оналарга эса 123 миллион 162 минг сўм нафака тўланди.

Янги-янги спорт иншоотлари курилиб, ишга туширилмокда, соханинг моддий-техника базаси ривожланмокда. Шоймардон Қобилов номли ширкат хўжалиги худудидаги «Омборсой» маҳалласида 35 миллион сўмга стадион курилди. «Дунётепа» маҳалласида футбол майдони, Юрчи кўрғони худудида эса бокс зали тикланди.

Ана шундай эътибор туфайли хам туманда спорт билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб бормокда, чемпионлар етишиб чикмокда. Эрон-

да ўтказилган кураш бўйича Осиё чемпионатида деновлик Шерали Тўраев 73 килограмм вазн тоифаси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Москва шахрида бўлиб ўтган Жаҳон Универсиадасида Шокир Мўминов дзю-до бўйича (73 кг вазнда) жаҳон чемпиони деган шарафли унвон сохиби бўлди.

Маорифсиз маърифатга эришиб бўлмайди. «XXI асрнинг буюк сиймолари» орасидан жой олган Академик Назар Тўраев, кўплаб бошка олиму ёзувчилар, тадбиркору раҳбарлар хам мактабда ўқиган, тарбияланган. Улар мактабда эришган ютуқлари учун мактаб муаллимларидан доим миннатдор бўлиб юрадилар.

Агар сен ўтмишга тўппончадан ўк узсанг, келажак сенга замбаракдан ўк отади, деган гап оғиздан оғизга ўтиб юради. Бугун иқтисодиётимиз ва маънавиятимиздаги барқарорликнинг бир чети қадриятларимизнинг улуғланаётганига хам бориб боғланади. Биладиганларга маълумки, Баҳовуддин Нақшбанд хазратларининг садоқатли шогирди Шайх Алоуддин Аттор Валий хазратларининг Деновда хилхонаси устида мақбара кўтариш бизнинг авлодга насиб этган экан. Бу ишга туман хокимлиги билан бир каторда деновлик тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар, қўли гул курувчилар катта хисса қўшдилар. Фидойи инсонларнинг номини келтириб ўтирмаймиз. Очиғини айтганда, халкнинг ўзи уларни билади.

Шайх Алоуддин Аттор хазратларининг бу муаззам мақбараси хам тафаккур ва тарихатга бўлган муҳаббатнинг тимсоли сифатида келажак авлодларни хам худди биз сингари, ҳайрат ва хаяжонга солажакдир.

Зотан, тафаккур нуридан ёнган чироқлар — кўнгилдаги ёлқин то абад ўчмагай.

«Хуррият»,
2005 йил, 26 январь.

МИЛЛИЙ МАФКУРАМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Президентининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш билан ўқиб, ўрганилмоқда. Бундай қизиқишнинг сабаби, биринчидан, асарда мустақил давлатимизнинг маънавий асослари миллий қадриятлар ва минг йиллар давомида шаклланиб келган миллий урф-одатлар мисолида содда ва теран баён этилган бўлса, иккинчидан, «маънавият» иборасининг луғавий маъноси ва мазмун моҳияти чуқур туширилиб берилганидадир. **«Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»**[1], – деб ёзади Юртбошимиз.

Шу пайтга қадар «маънавият» атамасига яхлит таъриф берилмаган эди, кўпгина олимлар «маъни», «маъно» тушунчалари атрофида фикр билдиришиб, аниқ хулосани бериша олмаган эдилар. Шу боис, аҳоли вакиллари билан учрашув ва суҳбатларда «мафкура», «маънавият» иборалари юзасидан бериладиган саволларга аниқ ва лўнда жавоб қайтаришда иккиланишлар бўлар эди. Президентимизнинг мазкур китоби бу ноаниқликка чек қўйиб, «маънавият»нинг асл маъноси ва мазмунини тўла-тўкис очиб берди. Китобнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб номланишида маънавияти баланд инсонни ҳеч қачон енгиб бўлмайди, маънавияти бой халқ юксак тараққиётга қодир, деган теран ижтимоий ғоя мужассам. Зотан, маънавиятли инсондан хоин ёки сотқин чиқмайди, бундай инсонлар алдов ва ғаламисликларга учмайди. Ўзи мансуб халқ ва киндик қони тўкилган заминни Ватан, деб билади, унинг тараққиёти йўлида фидойи бўлади.

Ватанпарварлик ўз юрти тарихини билишдан бошланиши китобда жуда ёркин ифодаланиб, китобхонлар олдига: «Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик? Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонар эдик?»[2] - деган ҳақли саволлар қўйиладики, бу саволлар ҳар бир ўқувчини ўзлигини англашга, яқин ўтмишимизга бир назар ташлашга ундайди.

Миллатимиз тарихида Ватанга, халқига содиқ, эл-юрт манфаатини шахсий ҳаётидан устун қўя олиган аждодларимиз кўп бўлган. Оддий чўпон

[1] Каримов И.А. "Юксак маънавият – енгилмас куч". Т.: «Маънавият», 2008. 19-бет.
[2] Ўша асар, 5-бет.

Широкнинг ёлғиз ўзи душманнинг бутун бошли қўшинини енгишда, Тўмариснинг боскинчи душманга қарши қилич кўтариб, жанг майдонида уни мағлуб этишда юксак маънавий бутунликни кўрамиз. Улар кўрсатган жасорат, Ватанга муҳаббат, дўст билан душманни ажрата билиш, юрт тупроғи ва ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш миллий қадриятларимизга хос юксак фазилатлардир.

Бу хусусиятлар ватанпарварлик, халқпарварлик ҳиссини, маънавий бутун, руҳан тетик, юртининг бугуни, эртаси ва бахтли келажаги учун зарур бўлса жонини ҳам аямайдиган метин иродали комил инсонларга хосдир. Зотан, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган қаҳрамонлик достон ва қўшиқлари, эртак ва ривоятлари ота-боболаримиз маънавий салоҳиятининг тенгсиз маҳсулидир. Алпомишни оламизми, Кунтуғмушни оламизми, юртимиз ҳақидаги қадим ривоятларни оламизми – барчасида Ватанга, ўтмишга садоқат ва келажакка ишонч туйғуси ифодаланган. Шундай буюк халқнинг вориси эканимиздан ғурур ва фахр ҳиссини туямиз, маънавий камолот ана шундай юртга меҳрда, халққа садоқатда намоён бўлишини идрок этамиз.

Юртбошимиз китобида халқимиз узоқ йиллар ўзлигидан жудо қилингани афсус билан таъкидланади. Шўролар ҳукумронлиги даврида бой маънавий меросимиз, истеъдодли адибларимиз қатағон қилиниб, бутун бошли халқнинг тарихини сохталаштиришга, халқни ёппасига саводсизга чиқариб, «биз уларни маърифатли қилдик», деган сохта даъвога оммани ишонтиришга уринишлар бўлгани оддий тилда, айни пайтда ҳаққоний ва таъсирчан баён қилинган. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, халқимиз дунё тамаддунида муҳим ўринлардан бирида бўлгани мустақиллик йилларида аён кўринди, тарихий ҳақиқат тикланди. Аждодларимиз қолдирган илмий-маърифий, диний-ахлоқий, жуғрофий, тарихий, муҳандислик ва тиббиёт фанига доир китоблардан ҳали-ҳануз жаҳоннинг энг катта илм даргоҳларида дарслик сифатида қўлланилмоқда. Беруний, Ибн Сино, Мотурудий, Фарғоний, Марғиноний, Улуғбек, Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий сингари даҳоларимизнинг илмий, диний, маърифий мероси чет элларда ўрганилиб келинар экан-у, биз – уларнинг ворислари бундан маҳрум этилган эдик. Буни маънавиятга таҳдид, дейишдан бошқа яна қандай изоҳлаш мумкин? Хўш, ислом оламида ҳар бири ўзига хос мактаб яратган улуғ аллома-лар Нажмиддин Кубродан тортиб, Хўжа Аҳрор Валий ҳазратларига қадар бўлган жами азизу авлиёлар меросини қачон билиш бахтига муяссар бўлдик? Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида ана шу саволларга жавоб бериш баробарида, миллий ўзликни англашнинг биринчи шарти – тарихни билиш, она юрти ва аждодларининг улуғлари яратиб кетган

маънавий, илмий ва бадиий меросни ўрганиш, деган хулоса алоҳида таъкидланади.

Бугунги кунда ўз тарихимизни билиш, кимларнинг авлоди эканимиздан воқиф бўлиш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири экани, мазкур китобнинг ҳар бир сатрида яққол кўзга ташланиб туради. Тарихимизни бор бўйича тиклаш, уни пухта ўрганишга ёшларимизда рағбат уйғотиш, уларнинг дунё ёшлари турмуш тарзида юз бераётган воқеалардан хабардор қилиб бориш эса, ҳозирги даврнинг ўзига хос талабидир. Аслида, ёш авлоднинг таълим-тарбияси энг долзарб вазифа экани Юртбошимизнинг нафақат ушбу асарида, балки кўплаб чиқишларида алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг китобида қайд этилганидек, бугун давр ўзгарди, дунёнинг қайсидир бир бурчагида содир бўлган воқеадан бир зумда ҳамма хабардор бўлади, бусиз ҳозирги замонни тасаввур қилиш қийинки, бундан бизнинг ёшларимиз ҳам истисно эмас. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар бизга алоқадор эмас деб, эътиборсиз бўлмаслик керак.[1] Ҳар бир воқеани бўрттириб, бузиб, ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида талқин қилишдан манфаатдор кимсалар, биринчи навбатда, ёшларни чалғитиши, уларнинг онгини заҳарлаши мумкинлиги хавфидан огоҳ бўлишимиз лозимлигини Юртбошимиз ўз китобида содда тилда, аниқ мисоллар билан кўрсатиб берган ва бизнинг энг катта хавф – локайдлик ва четдан кузатувчи бўлиб колишдан огоҳлантирган.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бўлгани каби, бу даврнинг ўзига хос яхши ва ёмон жиҳатлари борлиги кимтобда хаётий мисоллар билан баён этилган. Яхши томони шундаки, дейлик, ёшларимиз интернет орқали дунё воқеаларидан, турли соҳаларда эришилаётган ютуқлардан бохабар бўлишади. Ёмон томони эса, ҳали дунёқараши, маънавияти тўла шаклланмаган айрим ёшларнинг ғаразли кимсалар, ёт оқимлар тузоғига тушиб қолиш хавфи ҳам мавжуд. Китобда таъкидланганидек, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик мақсадида фойдаланиш мумкин. [2]

Маънавияти бой, ҳушёр инсон ҳар қандай алдов ва фитналарга учмайди, мамлакат хаётига, ёшлар тарбиясига доир ҳар бир ҳаракатда ўз бурчини ҳис этади. «…Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан кўра кўпроқ кучга эга»[3] эканини ҳис қилиб яшаш лозимлигини алоҳида қайд

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 110, 112-бетлар.
[2] Ўша асар, 113-бет.
[3] Ўша асар, 119-бет.

этаркан, давлатимиз раҳбари ешларимиз «Фикрга қарши фикр, гояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга тайёр тайёр ришлари учун улар билан олиб бораётган маънавий тарбияга алоҳида эътибор бериш кераклигига алоҳида урғу беради. «...қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбилдирчиликка ташлаб қўйилса, ўша жойда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».[1] Ҳозирги пайтда дунёнинг тарихи охирлаларидаги айрим сиёсий кучлар ўзларининг тарғибот режаларини амалга ошириш учун «Эркинлик ва демократияни ўзга сивилизация», «Ўхшаш маданият» каби аслида бузуклик ва ҳаромликни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётирлар. Уларнинг шум ниятларини фош этиш, миллий қадриятларга зид «томоша»ларнинг тўб моҳиятини ёшларнинг тушунишига кўмаклашиш лозим. Мустақилигимиз ясловдор йори Юртбошимиз миллий истиқлол ғоясининг асосчиси сифатида 90 йиллар оошида ганида, биринчи тамойил сифатида «Иктисоднинг сиёсатдан устунлиги ва ҳар қандай мафкурадан холи» бўлишини кўрсатган ва «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида образли қилиб инсонда ҳам иккита қанот бўлиши, биринчиси иктисодий барқарорлик ва мустақиллик ох(са, иккинчиси маънавий бутунликдир, деб маънавий етуклик билан киши ҳақий инсондир, деган хулосани беради. Мустақиллик ғоясининг асослари кўрсатиб берилган бу китобда танланган йўлимизнинг бутуни ва ярасининг белгиловчи мафкурамиз мазмун ва моҳияти теран ифодаланган Президент Ислом Каримов 1997 йилда чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида мустақиллигимизга таҳдид солувчи кучлар, уларнинг асл киёфалари ва мақсадлари асосли тарзда кўрсатиб берган эди. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида ўша фикрлар янги кузатишлар билан тўлдирилган. миллий ўзлигимиз ва тараққиётимизга таҳдид солувчи кучлар сафи, уларнинг стратегик мақсадлари, мудҳишаси янада кенгайгани мисоллар билан исботлаб берилган. Юрбошимиз ташқаридан хуруж қилувчи кучлардан эмас, онги захарланган манқуртлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақида фикр юритар экан, бизнинг душманимиз – бу маънавий сўқирлик эканини алоҳида уктиради ва машҳур файласуфлардан бирининг: «Душманлардан кўркма

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 110, 112-бетлар.

– нари борса, улар сени ўлдириши мумкин, дўстлардан кўркма – нари борса улар сенга хиёнат қилиши мумкин, бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайда ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади»[1], деб барчамизни бепарво ва лоқайд бўлмасликка даъват этади.

Ҳозирги мураккаб жараёнларни илмий-амалий таҳлил қила олиш, воқеалар ривожини ва пировард натижасини муносиб баҳолаш малакасига эришиш, миллий мафкурамизга, аждодларимиздан мерос қадриятларимиз мазмунидан хулоса чиқара билиш учун миллий тафаккуримизни ва соғлом дунёқарашимизни ўстиришимиз, бойитишимиз керак. Ёш авлоднинг таълими, тарбияси, умуман мамлакатимизда таълим тизимининг тубдан янгиланган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширишидан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шунга йўналтирилган.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшлари билимдон юртнинг келажаги буюкдир.

«Сурхон тонги», 2011 йил, 8 июль

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 110, 112-бетлар.

ҚАЛҚОНИМИЗ – МАЪНАВИЯТ

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йили тарих силсиласида жудаям қисқа муддат ҳисобланса-да, Ўзбекистон бу даврда катта йўлни босиб ўтди. Энг муҳими, барча қийинчиликларни собитлик билан бартараф этиб, оламшумул ютуқларни қўлга киритди ва жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бу ҳақиқатларни таъкидлашдан мақсад шуки, келажакнинг пойдевори ўтмишдир. Ўтган кунлар бизга келажак учун ибрат бўладиган сабоқлар беради.

Соғлом одам юрагининг қаерда турганлигини билмагани сингари, баъзан айрим суҳбатларда мустақилликнинг халқимизга берган буюк неъматларини, унинг моҳиятини англамайдиган одамларнинг мулоҳазалари қуларини, унинг моҳиятини англамайдиган одамларнинг мулоҳазалари қулларини, унинг моҳиятини англамайдиган одамларнинг мулоҳазалари қу

авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-окибатда жамиятни инкирозга олиб келиши мумкин».[1]

Бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз максадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади.

Тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлако бегона мафкура ва дунёкарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан айникса хатарлидир. Бундай ҳолатларга дуч келганда, умрида мамлакатимизга қадам қўймаган, Ўзбекистонни ҳатто харитадан ҳам кўрсатиб беролмайдиган, лекин ўзини мутлақ ҳақиқатнинг ягона ифодачиси, деб ҳисоблайдиган кимсаларнинг енгил-елпи фикрларини эшитганда, уларга қарата беихтиёр, э, барака топкур, олдин юртимизга бир келиб кўринг, тарихимиз, маънавиятимиз, ҳаёт тарзимиз билан танишиб, ундан кейин гапиринг, деб айтгингиз келади.[2]

Хўш, маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдид шу даражада хатарли экан, бунинг учун биздан, яъни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросидан нима талаб қилинади? Бу саволга Президентимиз қуйидагидай жавоб беради: «Агарки мендан, ҳозирга кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен аввалambор шу юртда яшаётган ҳар кайси инсон ўзлигини англаши, кадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чукуррок ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқеаларига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим».[3]

Бу мулоҳазалардан маълум бўладики, юксак маънавият соҳиби бўлмасдан замонавий технология воситалари орқали бизни ҳар қадамда таъқиб қилиб турган информацион хуружлар таҳдидидан, ғаразли кучларнинг мафкуравий таъсири ва бўҳтонларидан қутила олмас эканмиз. Шунинг учун юксак маънавият мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини, демакки, давлатимизни ва мустақиллигимизни ҳар қандай таҳдид, тажовуз ва хуружлардан сақлайдиган мустаҳкам қалқондир, десак мутлақо муболаға бўлмайди.

Ҳар қандай ниҳол ҳам табиий шароит муҳайё бўлган жойдагина томир отиб, бўй чўзгани сингари, ҳар бир инсон қалбида юксак маънавият тамойилларининг барқарорлашуви учун тегишли ижтимоий шароит ва имконият мавжуд бўлмоғи зарур. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ босқичма-босқич ва изчиллик билан бу масалада катта ишлар амалга оширилди. Чунончи, шўровий мустабидлик замонларида топталган, оёқ ости қилинган қадимий ва азалий қадриятларимиз халқимизга қайтарилди. Шу ўринда диний қадриятларимизнинг мисли кўрилмаган тарзда кад ростлаганини алоҳида такидламоқчиман.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ муқаддас Қуръони каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, унинг оммавий нусхада чоп этилиши ҳар бир мусулмон хонадони учун бебаҳо тухфа бўлди. Шу муносабат билан миллионлаб кўнгиллар фароғатга, ҳидоятга эришди.

Минг йиллар халқимизнинг қўлидан тушмай, кўнглида яшаб келган диний-маърифий китоблар, айникса дунёни лол қилган муҳаддисларимиз жамлаган ҳадислар, тариқат аҳлларининг мақоматлари ва шу мазмундаги китобларнинг оммавий нусхаларда чоп этилиши Шўро мустабидчилиги даврида вужудга келган мудҳиш бўшлиқни тўлдиради.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан Баҳовуддин Нақшбанд, Абдулхолик Ғиждувоний, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Ахмад Фарғоний сингари алломаларнинг хотирасига кўрсатилган эҳтиром ва шу муносабат билан амалга оширилган тадбирлар юртимизнинг қиёфасини нурлантириб юборгани муболаға эмас. Чунки, бундан минг йиллар илгари ёзилган манбаларда хабар беришича, Ер юзидаги олтита муқаддас шариф шаҳарга осмондан илоҳий нур ёғилса, фақат Бухоро шаҳридан осмонга илоҳий нур таралиб турар экан. Абдулхолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий ва бошқа азизларга кўрсатилган эҳтиром туфайли ана шу илоҳий мўжиза қайтадан тикланган бўлса ажаб эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолиси учун исломий илм масканларининг эшиклари ланг очилдики, бу ҳолни фақат ва фақат олқишламоқ керак.

Муқаддас ҳаж зиёратини амалга оширишни ният қилганлар учун эса барча қулайликлар яратилди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши миллатнинг нафақат дилидаги, балки тилидаги тугунни ҳам ечиб юборди. Ваҳоланки, атиги йигирма йил илгари биз ҳатто бир парча аризани ҳам ўз она тилимизда ёзолмас эдик. Алифбонинг ислоҳ қилиниши эса, бузилиб қолган маънавият кўпригини тиклаш билан баробар бўлди.

Ўтган йигирма йил давомида мактаб-маориф соҳаси чуқур ислоҳ қилинди, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, умумтаълим мактаблари қўшлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилди ва замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди, янги университетлар ташкил қилинди.

Йигирма йил давомида мустақиллик шароитида таълим ва тарбия олган ёшларимиз бугун ижтимоий ҳаётга дастлабки қадамларини қўймоқдалар ва

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 12-б.
[2] Ўша асар, 14-15-б.
[3] Ўша асар, 17-б.

улар янги замон одамлари бўлганликлари учун Шўро замонидаги тенгдошларидан тубдан фарк киладилар: уларнинг фикрлаш тарзи ҳам, ижтимоий мезонлари ҳам ўзгача, яъни миллийдир.

Давлатимиз бизнинг тўк ва фаровон яшашимиз, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришимиз, тарихий кадриятларимиздан, бебаҳо илмий меросдан бахраманд бўлишимиз, илм олиш ва шу тарика кўнгилни юксак маънавий фазилатлар билан бойитиш учун барча шароитларни мухайё этиб қўйипти.

Биз, айникса ёшларимиз ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, хориждаги «дўстларимиз»нинг информацион хуружларига юксак маънавий фазилатларни карши қўймоғимиз керак. Мафкура полигонлари ядро полигонларидан хам кучлирок бўлган бугунги замонда доимо огоҳ бўлишга ундовчи талаб шундан иборатки, агар харбий, иқтисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйикни, унинг таъсири ва окибатларини тезда илгаб етиш ниҳоятда кийин

Бугунги кунда инсон маънавиятига карши йўналтирилган, бир карашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар хам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини хеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Шунинг учун, тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга доим сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдилларга карши фақат ҳар томонлама, чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Барчага аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуктага айланади. Ва аксинча, – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият кудратли кучга айланади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан олган таассуротларимни Президентимизнинг куйидаги сўзлари билан якунлашни истар эдим: «Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким, ҳеч качон енга олмайди».[1]

«Миллий тикланиш», 2011 йил, 4 май.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 122-б.

МАЪНАВИЯТ МАЁҒИ

Инсоният яралгандан бери комилликка – юксак маънавиятга интилади ва шу тарика тамаддун мушкулотларидан, оддий қилиб айтганда, замон офатларидан нажот топмоққа йўл излайди. Бу уринишлар қанчалик изчил бўлмасин, мўлжалланган самараларга доим ҳам эришилмаганлигини тарихдан биламиз: масалан, айтайликки, сиртдан қараганда арзимасдай кўринган низолар, ихтилофлар маҳаллий миқёслар кўламидан чиқиб, милларлар, давлатлар, ҳатто мамлакатлар даражасига кўтарилиши натижасида миллионлаб инсонлар умрига завол бўладиган урушларнинг хамиртуриши айни маърифатсизликдир. Миқёсларидан қатъи назар, ҳар қандай тажовуз ва зулм маънавиятнинг тамойилларига ёт, табиатига зид. Чунки, маънавият эзгуликдан сабоқ берадиган илмдир. Маърифат эса унинг таркибий қисми, тўғрироғи унинг асосидир.

Худди ҳақиқат сингари маърифат тушунчалари ҳам нисбийдир. Бунинг учун 150 йил давом этган мустабидлик замонидаги маърифат ва маънавият мезонларини эса олишнинг ўзи кифоя қилади – ўзбек халқини унинг минг йиллик кадриятларидан жудо қилиш Шўро мафкурасининг асосий шиорларидан бири эди. Наврўзнинг таъқикланиши, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сингари азизларнинг сўнгги манзиллари топталиши бундай сиёсат асоратларининг айрим кўринишларидир.

Миллатимиз чекига тушган моддий ва маънавий талафотларнинг саноғига етиб бўлмайди. Мамлакатимизнинг мустақиллиги бу улкан жароҳатга малҳам бўлди. Тарихий нуқтаи назардан олганда, жуда қиска муддат ичида миллий кадриятларимиз тикланди. Ана шундай хайрли амаллар баракотидан юртимизнинг киёфаси ўзгарди – Ўзбекистон том маъносида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқукли аъзосига айланди.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида халқимизнинг, миллатимизнинг маърифий-маънавий даражаси миллий тамойиллар негизида юксалди. Ўзбекистон мустақил субъект сифатида бутун жаҳон билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйди. Бундай имконият шарофати билан жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлардаги ютуқлардан бахраманд бўлиш учун имкониятлар пайдо бўлди. Аммо бундай имкониятлардан самарали фойдаланмоқ ва шу тарика мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барча мезонлар бўйича жаҳон андозалари даражасига кўтармоқ учун маърифий-маънавий даражамиз юксак бўлмоғи керак.

Президентимиз маънавият аҳамиятини куйидаги масала мисолида тушунтиради: "Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда

ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман".[1]

Демак, маънавий савия алоҳида аҳамиятга эга – бош мезон! Энди мана бу сўзларига эътибор беринг: Ҳаммамизга маълумки, мукаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликларга, ҳатто азобу укубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавият тушунчалари билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади.[2]

Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша, - дейди Президентимиз, – инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Виждони уйғоқ одам ён атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз ҳатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло кечириб қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади. И.А.Каримов яна давом этади:

– Чиндан ҳам, агар одам бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади? Мана шу савол ҳар бир соғлом фикрлайдиган одамни ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур, – уқдиради у. Бундай эзгу мақсадларга эса, деб ёзади Ислом Каримов, – фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин. Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008.18-б.
[2] Ўша асар, 21-бет.

яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан бахраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради.[1]

Яна Юртбошимиз асарига мурожаат этамиз: жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат беради, – деб ёзади муаллиф, – қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади.[2]

Бундан шундай хулоса чиқади: юртнинг ободлиги, фуқароларнинг фаровонлиги замоннинг тинчлиги ва маънавиятнинг баркарорлиги билан чамбарчас боғлиқ экан. Биз бу ҳаётий ҳақиқатни мамлакатимиз мисолида кўриб турибмиз.

Қаранг, иқтисодий бўҳрон жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатларни ҳам аяб ўтирмади: ўтган икки-уч йил мобайнида Европа ва АҚШда фаровонликнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган автомашиналар савдоси кескин қисқариб кетди. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам шунга монанд равишда таназзулнинг пеканжасига тушиб қолди. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши фуқароларнинг ижтимоий аҳволига салбий таъсир ўтказаётир. Аммо ана шу иқтисодий бўҳрон ўзбекистонни четлаб ўтмаган бўлса-да, раҳбариятнинг оқилона сиёсати туфайли мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари пасаймади, ижтимоий дастурларни бажариш давом этмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий бўҳронига барвақт берилиши иқтисодчилар Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатнинг изчиллик, сиёсатчилар эса давлат бошқарув тизимининг мукаммаллиги билан изоҳлайдилар, бор ҳақиқатни айтган бўладилар. Шу билан бирга, мамлакат миқёсида юксак маънавиятни таъминламасдан туриб, ҳаммани ҳайрон қолдирадиган бундай муваффақиятларга эришиб бўлмаслиги ҳам айни ҳақиқатдир. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда маънавий янгиланиш йўлида шундай катта ишлар амалга оширилдики, уларни бирма-бир санаш учун катта китоб ёзиш керак. Биз бугун ўша тадбирларнинг самараларидан бахраманд бўлиб турибмиз.

Саломатлиги яхши одам бетобликнинг укубатларини бевосита ҳис қилмагани сингари, биз кўп ҳолларда мустақиллик неъматларининг қадрига етавермаймиз. Масалан, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишта-

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 27-28-бетлар.
[2] Ўша асар, 28-29-бетлар.

ликни олиб карайлик. Агар ҳар бир давлатга тинчлик ўзидан-ўзи келганида ёки, бошқача айтганда, бу неъматлар осмондан тушганида эди... Йўқ, асло бундай ўйламаслик керак. Қаранг, айрим кўпини мамлакатларда ҳаттоки фукаролик уруши келиб чиқди. Бу бош-бошдоқлик ва хунрезликлар иқтисодий ривожланишни ўнлаб йилларга орқага суриб юборди.

Агар, иқтисодиёт, ночор аҳволга тушиб қолса, маънавият, маърифат, маданият ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Мен бундай мулоҳазаларни ҳақиқат таққослашда аниқ бўлишини билганим учун айтаяпман.

Шунинг учун мамлакатимиздаги миллий тотувликнинг энг катта кафолатларидан бири юксак маънавият эканлигини доим эсда тутмоқ керак.

Ана шундай иқтисодий ва, демакки, сиёсий барқарорликнинг бош омили ўлароқ намоён бўлган юксак маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларни китобнинг кейинги саҳифаларидан билиб оламиз.

– Албатта, – деб ёзади Ўзбекистон Президенти, – ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, хали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори-атикаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримизнинг хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъ-

морлик, деҳончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.[1]

Энди муаллифнинг мана бу фикрларига диққат қилинг:

– «...халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этади, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик куйидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи тугамас бир достон бўлса, «Алпомиш» ана шу достоннинг шоҳ байти десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих ҳақиқатлари, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиққан, ҳаётнинг тенгсиз фонларидан, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовузкор ҳимоя қилишга ундаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, оқибатлилик, вафодорлик каби эзгу фазилатларини ўз ифодасини топган.

Шу боис, «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларини сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимиз, оиламиз ҳурсандчилигини кўриклашга

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобо-миздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг бокийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътикод билан қарамаса.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.[1]

Юртбошимиз таъкидлаганидек:

«Инсон қалбининг кувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айтимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шун-чалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».[2]

Эҳтиромга йўғрилган ушбу мўлоҳазалар замиридаги фахрланиш туйғуси Ўзбекистон фукароси сифатида сизнинг ҳам кўнглингизни тоғдай кўтаришига аминман. Шунинг учун ҳам маънавият илми – эзгулик илмидир, деганда ҳеч қандай муболаға йўқ.

«Термиз оқшоми»,
2010 йил, 15 октябрь.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 47-б.
[2] Ўша асар, 47-48-бетлар.

БЕЗАВОЛ ҚЎРГОН

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ижтимоий эҳтиёж сифатида содир бўлади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобини диққат билан ўқиб чиқсангиз, таъкидланган фалсафий тамойилнинг айни ҳақиқат эканлигига яна бир бора иқрор бўласиз.

Бу муаззам китобнинг назари, амалий ва ижтимоий қимматини англамоқ учун кўзни каттароқ очиб, оламга бир назар солсангиз, тилга тушган давлатларнинг тилдан тушмайдиган раҳбарлари айтаётган гапларни эшитиб, қилаётган ишларини кўрсангиз ва «Юксак маънавият – енгил куч» мутолаасидан олган таассуротларини баркарор мезонлар тарозисига қўйсангиз, ҳудди мен сингари сиз ҳам «Э-э!» деб юборасиз, чунки ҳақиқат киёсланда аён бўлади-да! Тўғри, бир катта давлатнинг машҳур раҳбари мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган китобини чоп эттириб, қалам ҳақини хайрия мақсадларига сарфлар экан, уни фақат олқишламоқ керак. Лекин оламни яратган Оллоҳ ва халқ олдида миллатнинг тақдирига масъул, жавобгар бўлган шахс мавжуд муаммоларининг чорасини излаши, ҳақиқий маънодаги раҳнамолик қилиши лозимлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Тўғри, замину замоннинг эгаси – Оллоҳдир! Аммо бу муборак ҳадис узоқни кўзлаб, уммонда сузиб кетаётган дарғанинг зиммасидаги масъулиятини сокит қилмайди, чунки сувнинг сокинлигига ишонч йўқ – истаган пайтда шамол туриб, тўфон кўтарилиши, тоғдай-тоғдай тўлқинлар бу кунларга олдиндан тайёргарлик кўриб қўймаган дарғани шошириб ташлаши мумкин. Бундай мажозий мулоҳазалар қанчалик жўн ва жайдари бўлмасин, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби миллатни ва, баралла айтиш мумкинки, инсониятни уммондаги тоғдай-тоғдай тўлқинлардай бўлган замон офатларидан асраб қолиш ҳақида, дейишга бари бир журъат этаман.

Агар эътибор бераётган бўлсангиз, олам айвонида мен айтаётган тафсон аллақачон бошланиб кетди: Афғонистон, Ирок, араб мамлакатларидаги ғалаёнлар ва исёнлар, халқаро терроризм, диний экстремизм ва информацион хуружлар – булар замонанинг офатларидир!

Ана энди айтаман: мамлакатимиздаги осойишталик учун биз раҳбариятимиздан миннатдор бўлмогимиз керак. Айтишмку, дарға зукко ва тадбиркор бўлса, ҳар қандай тўлқин ўртасидан бўлиниб кетади, деб. Бу ҳақиқатни бизнинг юртимиз мисоли ҳам тасдиклаб турибди.

Юртбошимиз қуйидагича ёзадилар:

«...чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, аълий ҳаёт

тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда.

Бундай кучларнинг ғаразли муносабати аввало бой ва қадимий маънавиятимизга қарши қаратилгани, улар халқимизни ана шу бебаҳо бойликлардан жудо қилиш учун ҳар хил усул ва воситалар билан зўр бериб уринаётгани барчамизни ташвишлантирмасдан қолдирмайди, албатта.

Нега деганда, инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат беради, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи бўлса, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambor уни курорсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўпдан-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин».[1]

Ана шундай таҳдидлардан бири – тобора кучайиб бораётган информацион таҳдиддир.

Ҳар қандай хатарнинг миқёс ва қўламларини идрок этмасдан уни бартараф қилмоқчи бўлсангиз, доим ҳам мўлжалланган самараларга эриша олмайсиз.

Информацион таҳдиднинг миқёс ва асоратларини Юртбошимиз мана бундай баён қиладилар:

«- ....бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади». [2]

Ҳозирги кунда ким кўп – ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар парда остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти оғир яшаш тарзи жиддий ҳавф остида колаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони, бундай ҳуружларнинг шиорларга оқибатда одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда.[1]

...Агарки биз бундай хатарларга қарши вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, дейди Юртбошимиз, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худбинлар ва ҳудписанд кимсаларга айланиб қолишини мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим.[2]

...Агарки мендан ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган ҳуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен аввалambor шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлашга ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим...[3].

Нақшбандия тариқатининг беназир намоёндаси Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари бир муносабат билан «Ул баликларки дарё ичрадир, дарёни билмаслар!»- деб хитоб қиладилар. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимиздаги осойишталик, тинчлик ва баркарорлик, турмуш фаровонлигининг йил сайин яхшиланиши аксарият юртдошларимиз учун оддий ҳолга,

---

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 11-12-бетлар.

[2] Ўша асар, 12-бет.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 11,12,15-бетлар.

[2] Ўша асар, 15-б.

[3] Ўша асар, 17-б.

кундалик кўникмага айланиб колаётганлигини кузатиш мумкин. Аммо, Президентимиз бизни мустакиллигимиз ва ҳаётимизга хавф солаётган мавжуд жиддий, ҳатто хатарли таҳдидлардан огоҳ этмоқда. Демокчиманки, юртимизнинг осойишталиги бепарволикка, ҳотиржамликка асос бўла олмайди: бу фикрни яна ҳам ривожлантирадиган бўлсак, ҳудди аввалгидек, ҳозир жаҳон майдонида шундай вазиятлар вужудга келмокдаки, бундай пайтда ҳар биримизнинг ҳакикий ватанпарвар бўлмаслигимиз мутлако мумкин эмас.

Ватанпарварлик туйғуси эса, ўта ноёб, уни ҳеч кайси бозордан топиб бўлмайди: шу мунобат билан битта тафсилот айтишим лозим.

Аввал гапни Президентимиздан эшитинг: «Масалан, Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик. Бу мамлакатларнинг иккинчи жаҳон урушидан кейин кандай оғир аҳволга тушиб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, улар ниманинг эвазига киска давр ичида бу кадар ривожланишга эриша олди? Ахир, бу ўлкаларда мўл-кўл табиий ҳом-ашиё манбалари, минерал ресурслар деярли йўкку! Албатта, бу борада ўша пайтда дунёда мавжуд бўлган сиёсий омиллар, халқаро вазиятнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Лекин Япония ва корейс халки асрлар давомида шаклланиб, катта бунёкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан ҳам ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун «Япон мўжизаси» ёки «Корейс мўжизаси» хакида гап кетганда, таникли эксперт ва мутахассислар ҳам биринчи галда «Япон характери», «Корейс табиати» деган ибораларни тилга олади. Табиийки, улар бу ўринда аввало мазкур халкларга мансуб маънавий фазилатларни назарда тутади. Яъни, бу халкларнинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида янада тобланган, камолга етган".[1]

Ана энди, муҳтарам Президентимиз мулоҳазаларининг тасдиғини ўз кўзи билан кўрган ўзбек йигитининг гурунгига кулоқ солинг: «Жанубий Кореяда шартнома билан 3 йил «Самсунг» деган телевизор йиғиладиган хусусий корхонада ишладим. Раҳбаримиз ёшилигиданоқ меҳнат мухожири сифатида Германияда иш, ҳунар ўрганган. Сўнг юртига қайтиб, тадбиркорликни йўлга кўйган, даромади яхши, банкда пули бор. Лекин уйланмаган, ҳатто хусусий турар-жойи ҳам йўқ. Бир кун мен акл ўргатмокчи бўлдим:

– Ёшингиз ўтаяпти. Банкдаги пулингизга машина, уй-жой сотиб олсангиз, сўнг ўйлансангиз бўлмайдими? – дедим.

- Йўқ! - деди.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 26-27-бетлар.

Иброҳим Файзуллаев

Аҳмад Нарзуллаев

Раҳмон Муҳаммадиев

Ҳамза Маҳкамов

Юсуф Зиёев

Пастда(чапдан ўнгга): Қурбон Норқулов, Саттор Қодиров
Тепада(чапдан ўнгга): Тоштемир Турдиев, Омон Жалилов, Мусурмон Шеркобилов

Пастда (чапдан ўнгга) : Абдумўмин Қаххоров, Мухаммадноджир Саидов, Омонулло Мадаев.
Тепада(чапдан ўнгга): Райимқул Ражабов, Асрор Самад

Ўзбекистон Халқ бахшиси Боборахим Маматмуродов

Ўзбекистон Халқ артисти Ўлмас Расулов

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Мурод

ФИДОИЙ ИНСОНЛАР

Бахтиёр Янгибоев

Юнус Ўроков

Ҳасан Примов

Ҳайдар Сувонов

Деновлик жангчи Беккин Бойдуллаевга Белорусь президентининг табригини мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси топширмокда

Боймурод Хўжакулов

Узок Маърупов
(Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист)

Анвар Бойкулов

Раъно Саломова

Пўлат Искандаров

Ўктам Курбонов

Деновда спорт байрами

Назар Тўраев
(академик)

Хосият Кораева
(Дўстлик ордени
сохибаси)

Абдумўмин
Эшмуродов

Т. Турдиев академик Э. Ртвеладзе билан

Археологлар Г. А. Пугаченкова ва Б. Турғунов Холчиён топилмаларини кўздан кечираяптилар



Япон олими профессор К. Като Деновда

Туман ҳокими Бахром Маматкулов ҳоким ўринбосари Хурсанд Холиков ва туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев билан маданий-марифий ишлар хусусида маслаҳатлашмоқда

Денов ўтмишининг тадқиқотчиси Б.Турғунов Қорабоғтепа ёдгорлигида

Т. Турдиев невараларига "Алпомиш" достони ҳақида сўзламоқда

Т.Турдиев невараси Бехзоджонга:"Одамнинг кўли гул, болам"

ДЕНОВЛИК ЗУЛФИЯ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Феруза Қурбонова

Шахноза Турсунова

Фарида Тошпўлатова

Дилрабо Норқулова

- Нега?

– Чунки мен ҳар куни эрталаб ўзимга «Бугун мен ватанимга қандай фойда келтираман» – деб уйдан чиқаман. Чунки давлат бой бўлса, унинг фуқаролари фаровон, хотиржам яшайди. Банкдаги пулимдан эса, давлат фойдаланяпти. Мен бундан хурсандман.

– Ахир, бир кун бўлмаса, бир кун ўлсангиз ҳамма бойлигингиз давлатга қолади-ку! Меросхўрингиз бўлмаса, пулларингизга ачинмайсизми? – дедим.

– Ахир бу яхши-ку! – деди у.

Менга гурунг берган йигитнинг оти – Чори. «Нексия"сида кираканлик қилади. У гапининг охирида «Кореялар ватанни ана шундай яхши кўрашади!» – деди ва жим бўлиб қолди. Бу маъюсликни «Биз Ватанимизни уларчалик яхши кўрмаймиз!», деб тушундим.

Президентимиз халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий даражасини биз орзу қиладиган даражада бўлишини кўзлаб, ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деган китобини ёзди. Унда халқимиз ўтмиши келажак учун замин, пойдевор эканлиги таъкидланади. Қадимшунос академик Аҳмадали Аскаров Жарқўтонда тупроқ қаридан ҳунармандлар маҳалласини топди. Мутахассислар топилдиқларнинг ёшини 4,5 минг йил, деб ҳисоблайдилар. Ҳа, халқимизнинг тарихи жуда ҳам узун.

Аммо бир ярим аср давом этган мустабидлик тузуми миллатимизни ўзининг шавкатли ўтмишидан жуда узоқлаштириб юборди. Фақат мустақиллик қадриятларимизни бизга қайтармоқда, улар тикланмоқдалар.

Мен Президентимизнинг мазкур китобини қайта-қайта ўқиб, бир ҳаётий ҳақиқатга иқрор бўлдим: ҳали биз маънавий янгиланиш жараёни деган йўлнинг бошида турган эканмиз. Аммо, машаққатли ва айни вақтда саодатга элтувчи бу узоқ йўлни ҳар биримиз албатта босиб ўтишимиз шарт. Чунки, юксак маънавий мақомга эришиш нафақат юракнинг, айни пайтда мамлакатнинг ҳам безавол кўргонидир. «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан олган сабоғим ана шундай бўлди.

«Термиз оқшоми»,
2011 йил, 11 июнь.

МАЪНАВИЯТ ОЛАМИ — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб номланган китоби уч йилдан бери иш столимда туради. Ваҳоланки, иш хонамдаги адабий-сиёсий китобларнинг умумий сони аллақачон мингтадан ошиб кетган. Чунки, туман маънавият тарғибот бўлимининг раҳбари ишлайдиган маскан бундан бўлакча бўлишини мен тасаввур қилолмайман.

Нимасини яширамиз, айниқса кейинги йиллари хонадонлардан, ҳатто китоб дўконларидан китоблар узоқлашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Энг муҳими, бундай манзара жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида ҳам содир бўлмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларидаги бошланғич синф ўқувчилари қалам-ручка билан ёзишнинг ўрнига компьютернинг ҳарфларини теришни афзал билмоқда. Хўш, ана шундай кўникмалар билан суяги котган ўсмир китоб ўқишга вақтини сарфлайдими? Ё комьютер китобнинг ўрнини босадими? Шундай мазмундаги баҳслар мамлакатимизда, айниқса, ёшлар ўртасида ҳам давом этаётганлиги учун ўз фикримни айтаман: электрон технологиялар канчалик ривожланмасин, компьютер ҳеч қачон китобнинг, чунончи Юртбошимизнинг «Юксак маънавият –енгилмас куч» сингари фундаментал китобларининг ўрнини босолмайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ўқувчи китоб шаклидаги матнни комьпютердагига қараганда яхши ўзлаштирар экан.

Бу – комьпютер ҳеч қачон китобнинг ўрнини босолмайди, деганидир. Аммо, мазкур мулоҳазани билдириш билан кун сайин ҳаётимизга чуқур кириб бораётган комьпютернинг имкониятларини, айниқса унинг ҳайратомуз қулайликларини инкор этмоқчи эмасман. Лекин инсониятнинг ўн минг йиллик амалиёти – муқовага, жилдга жамланган китобни мутолаа қилиб, ҳузур топиш, дилга роҳат бериш, кўнгилни парваришлаб, маънавий етукликка етишиш саодати бизнинг кундалик ҳаётимиздан чиқиб кетмаслиги керак, деб ҳисоблайман, холос.

Чунки, инсоният тарихи – эзгулик тарихидир. Агар эзгу амаллар бўлмаганида, маънавий ёруғликка ҳар лаҳзада таҳдид қилиб турган қора кучлар, ёвузлик аллақачон оламни забт этиб, дунёни хонавайрон қилар эди.

Тўғри, тарих илми ёвузликларни ҳам ўз саҳифаларида тасвирлайди. Бундай тафсилотлар кўнглимизни ёвузликка, зулмга қарши қайрайди. Ана шу тариқа одамда ёруғликка, яъниким юксак маънавиятга интилиш туйғулари илдиз отади. Китоблар эса маънавият илмининг асосий манбаидир.

«Маънавият» тушунчаси баъзи бировлар ўйлайдигандек мавҳум, хаёлий тушунча эмас, балки муайян ҳаётга, аҳволга, ҳаттоки шакл ва мазмунга эга бўлган моддий тушунчадир.

Аммо, Қуёш оламга баравар нур сочгани билан айни бир жойда гул билан тикон баравар ўсади. Гул димоғни чоғ қилиб, ёруғ туйғуларга, гўзал орзуларга қанот берса, тикан товонга санчилиб одамга азият етказади. Олам гулларга бурканиши, ҳеч бўлмаганда тиканнинг азиятларидан омон қолмоқ учун нима қилмоқ керак? Чунки, тикан ҳам Қуёшнинг нуридан баҳраманд бўлиб ўсади ва бизнинг товонимизга санчилиб, жонимизни зирқиратади.

Нажот – юксак маънавиятли мақомига эришишдадир. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг сўзимиз аввалида таъкидланган китоби худди ана шу ҳақда. Ота-боболаримиз мамлакатимиз яхлитлиги, халқимизнинг мустақиллигини кўп орзу қилдилар,унинг учун курашдилар.

Агар, беш юз йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейинги замонлардан бери халқимизнинг боши ғовғадан чиқмаганлигини кўрасиз. Амир Темур буюк давлатга асос солди. Юртимизни оламга танитди. Аммо Соҳибқирон оламдан ўтгач, тахт учун бўлган аёвсиз урушлар бу улкан давлатни парчалаб юборди. Ҳар қандай парчаланиш, бўлиниш эса мамлакат учун, халқ учун тиклаб бўлмайдиган талафотдир. Ана шунинг учун ҳам ташқи ғанимларимиз 150 йил илгари бу мамлакатни осонгина забт этишди. Собиқ шўровий мафкура эса мустамлакачиликни озодлик деб мадҳ қилиб келди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз мана бундай деб ёзадилар: **«...дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввало, мустақил ривожланишига, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлар, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади».**[1]

Мустақилликдан илгариги 150 йиллик тарихимизнинг ҳар бир саҳифасида Юртбошимиз айтган бу фикрларнинг исботини топмоқ мумкин: мустабидлик шу даражага етдики, халқимиз ўз динидан, она тилидан, маънавиятидан, қадриятларидан жудо қилинди. Бунга мисоллар кўп.

Буларни ёзишдан мақсад шуки, Ўзбекистон мустақиллигининг пойдевори абадий барқарор бўлишини таъминламоқ учун бу муаззам салтанатнинг бир қарашда кўзга кўринмайдиган оқибатларини ҳам яхши билишимиз, соғлом, ҳушёр ақл билан англамоғимиз керак.

Чунки, Юртбошимиз огоҳлантирганидек, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 11-бет.

Мамлакатимиздаги тинчлик, ижтимоий ва иқтисодий баркарорликнинг таянч нукталаридан бири бўлган соғлом маънавиятимизни дахлсиз асраш учун биз – Ўзбекистон фукароларидан нима талаб қилинади? Бу мукаррар саволга Юртбошимиз ўз китобида муфассал жавоб берди[1].

Ўтган 20 йил мобайнида мустақил мамлакатимиз катта синовларни бошдан кечирди. Айниқса, ўтган асрнинг 90-йиллари жуда қийин кечди. Собиқ Иттифоқнинг иқтисодий сиёсати марказга қарамлик асосига қурилган, 6 миллион тонна пахта етиштирамиз деб, далаларимиздан ғалла деярли чиқиб кетган эди. Марказлашган тақсимот ва таъминот барбод бўлгач, бошқа нарсани қўйиб туринг, ун танқислиги катта таҳдидга айланди. Эҳтиёжни қоплайдиган миқдорда ғалла етиштирмоқ учун на уруғлик, на бошқа нарса бор эди. Республикамиз ҳукумати иқтисодий ислоҳотлар доирасида ғалла мустақиллиги томон қатъий қадамлар қўйди. Пахта майдонлари 1,5 миллион гектарга қисқартирилиб, суғорма ерлардаги ғаллазорлар майдони 1,2 миллион гектарга кенгайтирилди. Бир йилнинг ўзида 300 минг гектар майдон шахсий томорқа хўжаликларига ажратилди. Шунинг учун ҳам тарихан жуда қисқа муддат ичида ғалла мустақиллигига эришилдики, бу қахрамонликни Мустақилликка қўйилган ҳайкал билан қиёслаш мумкин.

Яна бир ҳақиқат! 2008 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози энг тараққий этган мамлакатларни ҳам ўз исканжасига олган бир пайтда, унинг таъсири Ўзбекистонда унчалик сезилмайди. Чунки, мамлакатимизда пухта ўйланган иқтисодий сиёсат юритилмоқда, ижтимоий ҳимоя дастурлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Буни таъминлаётган асосий омиллардан бири маънавиятга берилаётган эътибордир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз маънавият билан иқтисодни парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёс қилади. Шунинг учун ҳам юксак маънавият соҳиби бўлмоқликни жасорат, деб ҳисоблайди: «Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамиики улуғ кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз адабиёт ва санъат дурдоналари, мардлик ва қахрамонлик намуналари одамзоднинг ақл-тафаккури, салоҳияти маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам **бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз»**[2].

«Адолат»,
2010 йил, 22 октабрь.

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 17-бет.
[2] Ўша асар, 159-б.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУМТОЗ ҲАЙКАЛЛАРИ

Буюк сана - мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Ёши бир жойга борган, демакки ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, бевосита бошидан кечирган одам сифатида бир гапни айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман: Мустақиллик байрами Ўзбекистоннинг энг улуғ, энг азиз, энг оммавий байрамидир, чунки истиқлол берган неъмат ҳар бир фукаро ҳаётида, тафаккурида намоён бўлмоқда. Ана шундай-бахрамандлик туйғуси эса шукроналик кайфиятини кучайтириши табиийдир. Биз шунинг учун ҳар кун тонгга етишганимизда хонадонимиздаги тинчлик-ҳотиржамлик, фаровонлик учун аввало Оллоҳга, сўнгра ана шу баркарорликни таъминлашга қаратилган ишлар тепасида турган Юртбошимизга ташаккурлар айтамиз. Халқи, миллати учун ана шундай жон куйдираётган Президентимизнинг умри узун, мустақиллигимиз боқий бўлсин, деб дуо қиламиз.

Ўтган йиллар мобайнида мустақиллигимиз мустаҳкамланган бўлса-да, унга турли кўринишдаги тазйик ва таҳдидлар ҳамон тўхтагани йўқ. Бутун жаҳон иқтисодий инқирозичи? Унинг окибатларини хориждаги миллионлаб ишсиз колган ишчи ва хизматчилар бошдан кечирмоқдалар.

Ўзбекистонда эса аҳвол бошқача. Нега? Чунки Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг «ўзбек модели» амалда. Ўзининг «Юксак маънавият –енгилмас куч» деган китобида Ислом Каримов бундай ёзади:

"Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш».[1]

Бор ҳақиқат шундан иборатки, Президентимиз илгари сурган энг улуғ ғояларнинг рўёбга чиқаётганини, амалга ошаётганини, яъни мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўриб, билиб, шоҳиди бўлиб турибмиз. Сиз мамлакатимиз ҳудудларидаги бозорларга киринг, мухташам таълим ва шифо масканларини, бири-биридан афзал машиналарга тўла кенг ва обод кўчаларни томоша қилсангиз, ислоҳотларимизнинг миқёс ва кўламлари кўз олдингизда намоён бўлади.

Мамлакатимизнинг энг жанубидаги Денов туманида амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ҳам ҳар кандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиздир. Қаранг, ўтган йиллар мобайнида 10 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Давлатимиз бунинг учун 932 млн. сўм ажратди. Бу тиббий масканларда 16 та «Дамас»,

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008. 76-бет.

битта «УАЗ» ва битта «Газел» русумли автомашиналар аҳолига хизмат килмоқда. 60 ўринли тез тиббий ёрдам бўлимида эса 1998 йилдан бери 30 минг нафардан зиёд бемор ўз саломатлигини тиклади. Бу тиббий масканга 2006 йили «Қувайт - Араб» иктисодиёт жамғармаси кўмагида 166 млн. сўмлик асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди ва улар ҳозир беморларнинг дардига шифо бўлмоқда. Шаҳримиз марказидаги «Перинатал» бўлим ва аёллар маслаҳат маркази ҳам реконструкция қилинди. Бундан ташқари туманимизда 15 дан ортиқ хусусий шифохоналар фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, Баҳром Худойназаров раҳбарлик қилаётган «Ултрадиагностика» хусусий корхонаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Нафақат Денов тумани, балки вилоятдаги таниқли тадбиркорлардан бири Маҳмуд Иброҳимов ўзи раҳбарлик қилаётган «Файз» МЧЖга қарашли 3 миллиард сўмга 50 та «Исузу» автобусини сотиб олди. Натижада, 60 та иш ўрнилари яратилди. Ҳозир бу автобуслар нафақат Деновнинг ички йўналишларида, балки қўшни Узун, Сариосиё, Олтинсой, Шўрчи туманлари йўлларида ҳам қатнамоқда.

Баҳодир Аҳмедов раҳбарлик қилаётган «САВБ» МЧЖ 20 гектардан зиёд майдонга пакана олма ниҳолларини экиб, парвариш қилмоқда. Бу лойиҳага 950 млн. сўм ажратилган. Ана шундай ҳаракати билан бу тадбиркор 20 та иш ўрни яратди.

Адҳам Мўминов бошчилигидаги «Ҳумоюн- А» фермер хўжалигида эса, 3 гектар майдонда шундай боғ яратилмоқда. Тадбиркор Баҳром Султонов 120 млн. сўм сарфлаб, яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхонани ишга туширди.

Саховатли тадбиркорнинг топганида барака мўл бўлади, деб ибора бекорга айтилмаган. Ана шундай мурувватли тадбиркорларнинг ҳомийлиги билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган мустақиллигимиз 20-йилнинг ўтган ярмида 26 та хонадон ўз қорамолига эга бўлди.

Юқорида келтирилган мисолларни биз бундан 20 йил илгари ҳатто хаёл ҳам қилолмас эдик. Ана шу хаёлий орзулар бугун хаётий ҳақиқатга айланди. Бунинг оти истиқлол неъматларидир. Агар кузатаётган бўлсангиз, нафақат шаҳарларга, балки қишлоқларга ҳам файз кирмоқда. Маҳаллаларимиз кун сайин обод бўлмоқда. Масалан, «Хайробод» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Кўчақли» маҳалласида яқинда артезиан қудуғи қазилиб, 2,2 км сув қувури тортилди ва сув минораси ўрнатилди. «Оловуддин» маҳалласидаги бурғу қудуғи реконструкция қилиниб, 1 км сув қувури тортилди. «Дунётепа» маҳалласидаги бурғу қудуғи ҳам таъмирланиб, 600 метр масофага сув қувури ўрнатилди.

Булар Деновда амалга оширилаётган самарали тадбирларнинг мингтасидан биттасидир, десам муболаға бўлмайди. Зотан, буюк ўзгаришларни амалга оширмоқ учун унинг ижрочиларидан мукаммал дунёвий илм ва билим талаб қилинади. Шунинг учун бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Денов туманида ҳам эртанги ютукларга кафолат бўладиган ёшларимизнинг ҳар томонлама билимли бўлиб етишишлари учун кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки, Президентимиз 1992 йили Ўзбекистон парламентининг IX сессиясида «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масалаларига эътибор қилинмаса келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»[1] деган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айтилган бу сўз бугунга келиб тўлиғича амалга ошди. Мамлакатимиздаги 1559 та мактаб биноси янгидан қурилди, 8213 та мактаб эса капитал ремонтдан чиқарилди. Бу ишларни амалга оширмоқ учун давлатимиз 1,4 триллион сўм сарфлади.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда 1394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей қурилди. Бу билим масканлари мустақиллигимизнинг мухташам хайкалларидир. Денов туманида эса мустақиллик йиллари 4 та мактаб биноси янгидан қурилди, 24 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди.

Алимардон Жумаев директорлик қилаётган 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг ўқувчилари республика олимпиадаларида пешқадамлик қилишмоқда.

Хосият Кораеванинг ишчанлиги туфайли 1-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари республика миқёсидаги танловларга муваффаккиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар.

Денов туманидаги мактаб ўқувчиларининг билим даражасини тасаввур қилишингиз учун битта мисол келтираман: бу йил илк бор мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланиб мамлакатимизда «Билимлар беллашуви» ташкил этилди ва деновлик ўқувчилар вилоятда биринчи ўринни эгаллашди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ютуклар тасодиф эмас. Чунки, Президентимиз айтгандай, охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Менимча, миллий мустақиллик самаралари юртимизда ҳар куни, ҳар лаҳзада такрор ва такрор намоён бўлаверади.

[1] Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида». Т.: «Ўзбекистон». 2011. 432-бет.

КЕЛАЖАКНИНГ КАФОЛАТИ

Тадқиқотчилар маълумотларига қараганда кунчикар мамлакат – Японияда 152 та дорилфунун бор бўлиб, бу Европа давлатларидаги ҳамма олий ўқув юртларидан ҳам кўп экан. Таълим тизими мукаммаллигидан бугунга келиб унинг илмий салоҳияти бутун дунёга донг таратган, япон технологияси ҳатто АҚШдай юксак даражада ривожланган мамлакатда ҳам эътироф этилмоқда. Ваҳоланки, иккинчи жаҳон урушида Япония ер билан яксон бўлган, унинг шаҳарларига ташланган иккита атом бомбасининг асоратлари эса ҳанузгача заминдан аригани йўқ. Аммо шоиримиз «Билганидан колмас тириклик» деганидек, бундай йирик талафотлардан миллат тушкунликка тушмади, каддини кўтармоқ учун илмга зўр берди ва жуда қисқа фурсатда дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирига айланди. Чунки, хар кандай илмнинг моддийлашуви мукаррар бўлган ҳақиқатдир.

Биласизми, XX асрда бу мамлакат ўсмирларнинг бўйи ўн сантиметрга ўсди ва фуқароларининг ўртача ёши саксон йилдан ошиб кетди. Мутахассислар буни халкнинг моддий фаровонлиги ошганлдиги билан изоҳлашмоқдалар.

Гапни бундай маълумотларнинг талқини билан бошлашдан мақсад шуки, баъзан катта-катта маблағлар сарфлаб ҳашаматли лицей-коллежлар қуришнинг нима кераги бор, деганга ўхшаш мулоҳазаларни эшитишга тўғри келади. Бундай жайдари мулоҳазалар оёқнинг тагидан нарини кўролмасликдан бўлак нарса эмаслиги шундоқ ҳам кўпчиликка аён бўлса-да, бари бир оддий ҳақиқатни таъкидлаш лозим бўлади: бундан сал илгарироқ Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кўзни қамаштирадиган ва замонавий ўқув куроллари билан жиҳозланган ана шундай илм иншоотлари (мен ҳатто уларни илм кошоналари, деб атаган бўлар эдим) қад кўтаришини ҳатто тасаввур хам қилолмас эдик. Ҳали йиллар ўтади, бошланғич ва ўрта таълимни лицей ва коллежларда олган ёшлар амалиёт ва илмнинг жиловини қўлга оладилар. Ана ўшанда катта-катта маблағлар сарфлаб қурилган бу илм даргоҳлари мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилишини англаб етамиз. Инсониятнинг минг-минг йиллик тарихи шундан далолат берадики, илмга сарфланган маблағлар ҳеч бир замонда зое кетмаган. Шунинг учун давлатимизнинг таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун йирик маблағлар сарфлаётганини фақат олқишламоқ керак.

Мустақилликнинг ўтган йилларида барча жабҳаларда бўлгани сингари, таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳам кўз ўнгимизда содир бўлмоқда

ва ҳозир сиз бошланғич, ўрта ва олий таълим даргоҳларига бориб, атрофга эътибор килсангиз, мустабид замон асоратлари қаёққа кетди, деб ҳайрон қоласиз: ташаббускор Президентимиз бўлган ислоҳотлар таълим тизимида ҳам чуқурлашмоқда ва энди бу дарёни ҳеч қандай куч бошка ўзанга тушириб юборолмайди.

Аммо, шу ўринда яна бир мулоҳазани айтмоқ лозим бўлади: мамлакатимизнинг барча ҳудудларида таълимнинг даражасини кўтариш учун сарфланаётган маблағ барчага етарлича тақсимланаётган бўлса-да, эришилаётган натижалар турлича, яъни бир-биридан сезиларли фарқ қилаётгани ҳам бор ҳақиқатдир.

Масалан, Денов туманидаги 1-мактаб жамоаси кейинги йилларда қаторасига икки марта «Йил мактаби» кўрик-танловида Сурхондарёда биринчи ўринни олди. Қаранг, бултур бу мактаб «Йил мактаби» Республика кўрик-танловида учинчи ўринни эгаллади. Ваҳоланки, вилоятда бунга ўхшаган 812 та умумтаълим мактаблари бор. Нима, мутасадди ташкилотлар Хосият Қораева раҳбарлик қилаётган бу мактабга бошқаларга қараганда кўпроқ маблағ ажратаяптими ёки бу ерда моддий таъминот бошкаларидан зиёдми?

Мен сизга айтсам, Ўзбекистонда 9727 та умумий ўрта таълим мактаблари бўлатуриб, мамлакатимиз жанубидаги бир қишлоқ мактабининг республика танловида фахрли учинчи ўринни олгани кўпларни ҳайрон қолдирди. Бултур 17–18 сентябрь кунлари бу мактабда халқ таълими вазирлиги хайъатининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳа раҳбар ва мутахассислари мазкур мактабда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами, таълимнинг сифатига юксак баҳо бердилар.

Биласизми, бу мактаб одатдагидай. таъмирланмайди, чунки у бунга эҳтиёж сезмайди. Бунинг сабабини туман халқ таълими бўлимининг мудири Ҳайдар Сувонов шундай изоҳлайди:

- Хосият Қораевачалик ҳеч бир директор ўз мактабини яхши кўрмаса керак. Агар мактаб Хосият опанинг иккинчи уйи десак, бу камлик қилади. Бир сўз билан айтганда, Хосият опа мактаб биносига гард қўндирмайди. Шундай бўлгандан сўнг ёзги таътил чоғи мактабни таъмирлашга эҳтиёж қолмайди-да. Бошқалар эса бундай тадбирларни амалга оширмоқ учун ёз келишини кутадилар. Мактаб биносининг қишин-ёзин саранжомсаришта туришининг жуда катта тарбиявий аҳамияти бор. Чунки, хар бир ўқувчининг ижтимоий кўникмалари айни мактабда шаклланади.

- Ҳар қандай таъмир, катта-кичиклигидан қатъи назар, маблағ талаб килади. Менинг билишимча, таъмир учун маблағ асосан ёзда берилади. Ё сизлар Хосият опанинг мактабига таъмир учун кузда, баҳорда ҳам маблағ ажратасизларми?

- Бошқа директорлар ёз келишини, маблағ ажратишимизни кутишади. Биз Хосият опанинг мактабига ёзда ҳам таъмир учун маблағ ажратмаймиз.

- Йўғ-е? Ўқувчилардан пул тўплайдими?

- Йўқ. Мактабнинг ўз даромад манбаи бор. Шунинг учун бутун йил давомида унинг ихтиёрида пул бўлади. Мактаб қошида 2 гектар ер майдони бор. Унга зироат экинларини экишади. Бундан ташқари мактаб қошида ихчамгина иссиқхона ҳам бор. Бу ерда лимон ва манзарали дарахт кўчатлари етиштиришдан ҳам яхшигина даромад олишади. Мактаб ховлисининг бир қарич жойи ҳам бўш турмайди, тўғрироғи ҳар қарич жой мактаб жамоасига даромад келтиради. Келаётган даромад ҳақида нафақат ўқувчилар, ҳатто уларнинг ота-оналарига ҳам маълум қилинади. Тўпланган маблағлар мактабнинг саранжом-саришталигини таъминлашга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарф этилади. Мактаб ўз маблағига компьютерлар ҳам сотиб олди.

- Э, қойил!

- Хосият опа бошлиқ жамоанинг энг катта хизмати шундаки, ўқувчиларда мактабга, таълимга нисбатан жуда катта ҳурмат уйғота олган. Нимасини яширамиз, баъзи мактабларда ўқувчиларни дарсга киритиб бўлмайди. Аммо бу мактабда бундай эмас.

- Болалар мактабнинг ҳар бир синф хонасини, ҳар бир ўқув қуролини, қўйингки, ҳар қарич ерини эъзозлайдилар. Ўқувчилар оҳиста қадам қўйишга, секин гапиришга одатланганлар. Бундай қўникмаларни ҳар қандай раҳбар бир кунда, бир йилда қарор топтира олмайди. Бундай мадаснятга эришмоқ учун сурункали самарали меҳнат қилмоқ лозим. Мен Хосият Қораеванинг табиатидаги ана шундай фазилатларни жуда юқори қадрлайман. Аммо, бундай фазилатларга ёппасига эга бўлмокнинг иложи йўқ экан.

- Таълим самарадорлиги қандай?

- Бундай юқори маданият, фидойилик барқарорлашган илм даргоҳида таълимнинг сифати биз ўйлагандан ҳам юқори бўлиши шубҳасиздир. Ахборотингиз учун битта маълумот айтаман: бу мактаб битирувчиларининг 70–80 фоизи, баъзи йиллари эса 100 фоизи, олий ўқув юртларига ўқишга киradилар. Ўқитувчиларнинг меҳнатига бундан ортиқ баҳо бўладими!

- Ўқитувчиларнинг бундай фидойилигини нималар билан изоҳламоқ керак? Чунки, кейинги йилларда нафақат қишлоқ муаллимлари, балки айрим профессорлар бозорга чиқиб кетгани сир бўлмай қолди.

- Биласизми, касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Масалан, мен муаллимликни дунёдаги энг улуғ касб, деб ҳисоблайман. Чунки, ҳар қандай буюк даҳо ҳам дастлабки сабоқни, илк илмий қўникмаларни устозидан ўрганади. Бугун профессорлар ишни ташлаб бозорга чиқиб кетаётган экан,

бунга ҳайрон қолмаслик керак. Чунки, ижтимоий ҳаёт вақти-вақти билан одамларни ана шундай синовлардан ўтказиб туради. Барибир, ўз касбининг фидойилари ҳеч қачон севимли касбини ташлаб кетмайди.

Хосият опанинг мактабидаги ўқитувчилар фидойилигини эса англаш унчалик қийин эмас. Ҳар бир одамнинг кўнгли иззат-ҳурматга мойил бўлади. Хосият опа ўқитувчиларининг меҳнати ва унга ҳақ тўлашни шундай йўлга қўйганки, бошқа қишлоқларнинг муалимлари бу мактабда ишлашни орзу қиладилар. Чунки, битирувчининг ортиқча сарф-харажатларсиз олий ўқув юртига кириши ҳар қандай ота-она учун байрам эмасми, ахир! Шундай бўлгандан сўнг, бутун маҳалла бундай ўқитувчиларни бошига кўтариши, тўйларда давранинг тўрига ўтказиб қўйиши аниқ гап-да!

Хосият Қораева раҳбарлик қилаётган 1-мактабдагина эмас, умуман Денов туманида битирувчиларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириши бўйича кўрсаткич жуда юқори – вилоятда иккинчи ўринда туради. 91 та мактаб, 76 минг нафар ўқувчи, 4 минг нафар битирувчи билан бундай кўрсаткичга эришиш осон эмас! Бу туман мактабларида таълим тизимининг ислоҳотлар талабига яраша изга тушганлигининг рад этиб бўлмайдиган исботидир. Бунча эришиш эса катта жамоанинг самарали меҳнати натижасидир.

Ҳар бир мактабда, ҳар бир туманда ўқувчиларнинг нечоғлик билимга эгалигини аниқлаб берадиган ижтимоий мезонлар бор. Бу муайян фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар. Денов тумани ўқувчилари 4–5 йилдан бери уларнинг аксариятида вилоятда биринчи ўринни ҳеч кимга бермаяптилар. Ваҳоланки, худди бошқа вилоятларда бўлгани сингари, Сурхондарё вилоятида ҳам таълим тизимининг самарадорлигини оширмоқ учун маблағ барчага баробар тақсимланади. Аммо натижалар эса, ҳар туманда ҳар хил.

Қаранг, 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Муҳаббат Жўраева «Йил ўқитувчиси» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрий ўринлардан бирини эгаллади.

Яна бир мисол. Бултур 84-мактаб битирувчиси Феруза Қурбонова Зулфия номидаги давлат мукофотига муяссар бўлди. Бу йил эса ушбу мукофотга 72-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Турсунова сазовор бўлди. Тақрор бўлса ҳам айтамиз: бу мукофотнинг изидан тушганлар мингта бўлгани билан, бахти кулган қизларгина уни қўлга киритадилар. Менинг назаримда, Феруза Қурбонова ҳам, Шаҳноза Турсунова ҳам бундай юксак унвон учун биринчи навбатда, мактабдан миннатдор бўлсалар, жуда тўғри киладилар.

Ҳозир туманимиз мактабларининг битирувчиларидан 15 нафари АҚШ, Германия, Корея Республикаси сингари ривожланган мамлакат-

ларнинг эътиборли дорилфунунларида таҳсил олмоқдалар. 36-мактаб ўқувчиси Аскар Ҳасанов АҚШдаги Оксфорд дорилфунуни, 24-мактаб ўқувчиси Аброр Қулматов эса Япония, 51-мактаб ўқувчиси Муҳаммад Бегимқулов Германиядаги бир университет магистратурасида ўқишяпти.

78-мактаб жамоаси кунчикар мамлакати билан самарали алоқалар ўрнатди. Шунинг учун Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари бу мактабга тез-тез ташриф буюриб турадилар. Амалий ҳаракатлар натижасида элчихонанинг 58000 АҚШ долларлик гранти кўлга киритилди. Табиийки, бу маблағ мактабда таълимнинг самарадорлигини оширадиган ўқув қуроллари сотиб олишга сарф қилинди.

24-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Абдусалом Алимардонов бир неча марта халкаро танловларда ғолиб бўлган, АҚШда малакасини ошириб кайтди. Таассуротлар эса оламга сиғмайди. Бу мамлакатда таълим тизими юкори даражада ташкил этилган. Аммо, барибир Ўзбекистон учун андоза бўлолмайди, чунки мустакил мамлакатимиз ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаганки, бу таълим тизимига хам тааллуқлидир.

Бундай тафсилотларнинг баёнидан туман халқ таълими тизимида хеч кандай муаммо йўк эканда, деган хулоса чикиб колмаслиги керак, чунки катта корвоннинг юки хам оғир бўлади. Масалан, Денов тумани мактаблари учун ҳам бу йил қиш оғир кечди, табиий газ ва электр энергиясининг таъминотидаги узилишлар иситиш тизимига салбий таъсир кўрсатди. Аммо, ўлмаган кул ҳамма нарсани кўради, деганларидек, қиш ҳам ортда қолди, март келиши билан кунлар исиб, ўқувчиларга ҳатто костюм ҳам оғирлик қилиб қолди. Мана, телевизордан кўрянмиз, Россиядай кудратли мамлакатнинг бутун бошли ҳудудлари муайян сабабларга кўра қишда музлаб ётади, мактаблар, болалар боғчалари фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаяптилар. Деновда ҳам йигирма даражадан ошган совуклар бўлди-ю, аммо бирорта мактабнинг деразаси музлагани йўк.

Мустақиллик муносабати билан мактабларда хориж тиллари муаллимларига бўлган эҳтиёж кескин ошди. Очиғини, айтганда, ҳозир олий илм даргоҳларида ўқишни тугатган малакали мутахассисларнинг аксарияти қишлоқ мактабларига қайтмасдан, катта-катта шаҳарларда қолиб кетмоқдалар. Шунинг учун чет тили ўқитувчилари елкасидаги юк тобора ортиб бормоқда. Бу эса, таълим сифати ва самарадорлигига таъсир қилмаслиги мумкин эмас.

Гапнинг сирасини айтганда, умумий таълим тизимидаги ислохотлар сўнгги икки-уч йилда ўзининг авж палласига кирди. Хусусан, 2004 йилда мамлакатимиз Президентининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш бўйича учта фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори эълон қилиниши тизимга бўлган эътиборнинг нечоғлик улканлигидан далолат беради. 2004 йил 21 майдаги «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон ҳали тизимда ислохотларнинг асосий қисми олдинда турганлигини кўрсатиб берди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарорида аник вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш учун туманда махсус ишчи гуруҳи тузилиб, аник чора-тадбирлар белгиланди. Уларда 2004-2009 йилларда Денов туманида ҳам катта ҳажмдаги ишлар (янги мактабларни куриш, эскиларини таъмирлаш ва бошқалар)ни амалга ошириш белгиланди. Тумандаги 13 та мактабда курилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бунинг учун бир миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Албатта, эришилаётган натижалар қанчалик яхши бўлмасин, катта ишларнинг кўпчилиги ҳали олдинда турипти. Энг муҳими, уларнинг ижросига кафолат бор: бу – давлатимиз раҳбариятининг соҳага катта эътибори, изчил инсонпарварлик, маърифатпарварлик сиёсатидир.

«Сурхон тонги»,
2011 йил, 15 июн.

СУБҲИДАМ ҚАЛДИРГОЧИ

Шўро даври ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган китобда Раъно Узоқова ҳақидаги қуйидаги ҳикоя келтирилган:

«1918 йил куз кечининг изғирин шамоли тўхтамай эсиб турар эди. Зимистон кечанинг зулматлари ҳар ёнга ваҳима солмоқда. Вокзалдаги пастқам бир девор остидан аллақандай инграган овоз келади. Бу ёш гўдакнинг товуши эди.

Онанинг иссиқ кўйнида ором ололмай, оташин меҳрига қонолмай қолган бу уч ёшли гўдакнинг бу ерга қачон, қаердан ва ким келтиргани номаълум, гўдак йиғлайди, юраги эзилади. Меҳрибон онанинг иссиқ кўкрагини кидиради. Ота-онасининг ўлганини билганлар унинг мунгли йиғисига бир оҳ тортиш билан, билмаганлар эса: «Эҳ! Лаънати ота-она», дебгина жавоб берадилар.

Қоп-қоронғида бир хотин нимадир кўтариб келарди. Бу, Термиз вокзали машинистининг хотини Марям эди. У эрига овқат олиб келарди. Гўдакнинг овозини эшитган Марям у томон бориб, уни дарҳол ердан кўтариб олди-да, ўз боласидек бағрига босди. Бу гўдак бўлажак шоира Раъно Узоқова эди".

Раъно Узоқова Самарқанд вилоят газетасида адабиёт ва маданият бўлимини бошқарган. Адиб Раънога бўлим мудири сифатидаги ишларига йўл-йўрик кўрсатибгина қолмай, унинг ижодига мураббийлик ҳам қилган. Бўлажак адибанинг тақдири билан ҳаммадан кўпроқ қизиққан. Шу нинг учун собиқ бош муҳаррирга учрашиб, Раъно Узоқова ҳақидаги фикрларини билмоқчи бўлдим. У киши менинг ниятимдан қувониб кетди. Суҳбат чоғида Р.Узоқованиинг шахсий фазилатлари, иши, ижоди юзасидан қимматли маълумотларни берди, пировардида, яхши шоира эди, деб таъкидлади. Унинг дуварак мевалариданоқ мазмунан қуюқ, шаклан пухта ёзиши кўриниб турарди, давом этди у. – Раъно кейинги вақтларда юрак касалига чалинган эди. Биз у кишини даволаниш учун Кисловодскга юбордик. Раъно ўша ерда «Макр ва Муҳаббат» достонини ёзди.

Раъно мураккаб бир даврда анчагина салмоқли ишлар қилди. Ўша пайтда чиққан вилоят газетасининг тегишли сонлари билан танишинг. Яна эҳтиёж туғилса, учрашармиз, деди адиб.

* * *

Маданият уйи одамлар билан лиқ тўла. Улар бугунги ақли тийрак китобхон, илғор ишчи, қўли ширин соҳибкор, мамлакатни ипак пахта билан кийинтиришда ҳисса қўшаётган пахтакор. Ёшнинг ҳам, қариянинг ҳам юзида ифтихор туйғуси. Бугун улар шоира Раъно Узоқова туғилган кунининг 60 йиллигига бағишланган адабий кечага йиғилишган. Зал тўрида шоиранинг катта сурати. Уни кишлоқдаги чеварлар, ўрта мактабнинг (Бу мактаб ҳозир Раъно Узоқова номи билан аталади) бир гуруҳ ўқувчилари ипак пахта билан тиккан.

Раёсатда мўътабар кишилари ўтиришибди. Улар орасида Раъно Узоқовани тарбиялаган Б.Сагитдинов, бўлажак шоира котиба бўлиб ишлаган кишлоқ кенгашининг собиқ раиси, пенсионер Б.Гуччиев, у илк қадам қўйган, эндиликда эса, унинг номи билан аталаётган мактабнинг директори Ю.Ёрматов бор.

«Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси муҳаррири ўринбосари Абдулла Холмирзаевга сўз берилди.

- Мен у вақтларда дорилфунуннинг иккинчи курсида ўқир эдим, – дея ҳикоясини бошлади у, - Самарқанд вилоят газетасида Раъно Узоқова ижодига бағишланган саҳифа берилди. Унинг ижодига ўзбек шеърияти антологиясида ҳам муносиб ўрин берилган. Озод Шарқ аёллари орасида биринчилар қаторида етишиб чиққан ўзбек шоираси Раъно Узоқованинг шу пайтгача уч тўплами нашр этилган. Раъно она давримиз аёлининг бахт-иқболини ранг-баранг мисраларда мадҳ этган шоирадир. Унинг Кавказ хотиралари асосида яратган шеърлари, айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларидаги асарлари бадиий савияси билан ҳам, ижтимоий руҳи билан ҳам бизни мафтун этади.

Абдулла Холмирзаев ўйланиб қолди. Кўзларини бир нуқтага қадаб, гапида давом этди:

– Шу йилнинг май ойида Раъно Узоқова туғилган Оққўрғон қишлоғига бордим. Ҳамкасб дўстим Яраш Тўраев мен билан бирга эди. Қишлоқ кенгашида бизга таассуф билдиришди. Котиб йигит ва шу ерда турган кишилар тавсияси билан Попов номли мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Болта Бойғучиевнинг ҳузурига йўл олдик. Кўринишидан олтмиш ёшлардаги, паст бўйли, оқ-сариқдан келган, кўзлари мулойим боқувчи Болта ака бизни илиқ қарши олди. У киши бизни қизиқтирган масала хусусида шундай деди:

- Ўн-ўн беш ёшларимда (Раънони) кўриб юрардим. Лўппи юзли, сочи жамалак қиз эди. Оқ кўйлак кийиб юрарди. Термизда ўқирди, таътилда келиб турарди. Битиргач, Оққўрғон қишлоқ кенгашида бир йиллар чамаси ишлади. У пайтлар бу етимчага ким ҳам эътибор бериби, дейсиз? Бировлар ота-онаси Амунинг нариёғига ўтиб кетган, бировлар босмачилар ўлдириб кетган, дейди. Етим бўлса ҳам, мана, бахти бор экан, шоира бўлганини эшитдик. Бизнинг билганимиз шу!.. Бобойга учрашдингизларми?

- Қайси бобой?

- Бадир бобо-да, шу Раъно Узоқовани тарбиялаган отаси!

- Тарбиялаган отаси ҳозир борми?
- Ҳа, ўғли билан бирга «Сурхонда» туради.
- Қариндошлари-чи?
- Қариндошларини билмадик.

Шу суҳбатдан кейин анча вақтгача баъзи ишлар билан бўлиб, Бадриддин бобони излаб бормолмадим. Кейин бир томони ҳозирча фойдаси йўқдай туюлди. Бунинг устига Яраш Тўраев адабиёт ўқитувчиси Ёқубжон Ҳусанов Раъно опа ҳақида баъзи нарсалар йиққанини, сўнгра ташлаб қўйганини айтиб қолди. Шу вақтда таҳририятимиз номига шундай хат келди.

«Қаламкаш дўстлар!

Аввало сўлим ургутлик дўстларингиз саломини қабул этгайсиз. Мақсад сизлар билан танишиш ва кўмагингизда қишлоғингизда туғилиб ижод этган шоира Раъно Узоқова ҳақида маълумот олишдир.

Сизларга маълум бўлса керак, Раъно Узоқова ўзбек хотин-қизларидан ўсиб чиққан шоиралардандир. Қизи Раҳиманинг айтишига қараганда, Раъно опа сиз яшаётган Оққўрғон қишлоғида туғилган экан. У киши 1942 йилдан 1947 йилнинг сентябрь ойигача Ургутда радио эшиттириш муҳаррири бўлиб ишлаган. 1947 йилда вафот этган. Ҳозир унинг Раҳима исмли қизи бор.

Раъно опа ҳақида газетамизда саҳифа бермоқчи эдик. Сиздан илтимос шуки, Раъно опанинг туғилган қишлоғида унинг қавм-қариндошлари бўлса, бизга хабар етказсангиз, бизга кўмаклашсангиз. Раҳима опа ҳам уларни топса, нур устига аъло нур бўларди.

Эҳтиром билан, Ёркин Йўлдошев.
1 апрель, 1971 йил».

Бу хатга жавоб ёзмаслик мумкин эмас эди. «Сурхон» хўжалигига киравершида машинадан тушдик. Олдинда пахта заводи кўринарди. Йўлнинг бир томони боғ, бир томони пахтазор. Темир йўлга тақалган кўчанинг чап томонидаги ҳовли тўсиғидан ичкарига қарадик. Ҳовли тоза ва озода. Йўлакнинг икки томонида турфа гуллар. Уй эгалари дидли кўринади. Кўча эшиги қулф эди. Нима қилсак экан? Мен йўлдан ўтаётган, сочи турмакланган қиздан сўрадим...

У бир муддат ажаблангансимон турди-да, карши савол берди.
- Ким керак эди сизларга?
- Бадриддин бобо.
- Бобо йўқ бўлса керак. Келини Зухрага учрашингизлар, пахта заводига борсангиз топасиз.

Зухрани йўлда учратдик. Тахминимиз тўғри чиқди. Тушликка келаётган экан.

- Бобо асаларида, бир ойсиз келмас, эртага Шерободга кетади. Нима керак сизга?
- Бобо билан илгари тарбиялаган қизи ҳақида гаплашишимиз лозим эди.
- Машиналарингиз бўлса, бугун бобони қир атрофидан топишингиз мумкин. Асаларига бол жой ахтариб Шерободга бориб келувди. Тезрок бормасангиз кетиб қолади.

Кажавали мотоцикл кирга караб учиб борарди. Ўнқир-чўнқир йўл билан манзилга етдик. Бизни ўрта бўйли, бутун вужудида нуронийлик барқ уриб турган бир чол кутиб олди. Бу киши Бадриддин бобо Сагитдинов эди.

- Бир-икки йил олдин ҳам сизга ўхшаган болалар келган эди, – деди бобо кўришиб. – Раънони ёзиб кетишди. Билмайман нима қилдилар. Майли сизга ҳам айтаман.

Мен бобога Раънодан бир қиз қолганини, у Садриддин Айний ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукуматининг кўмагида вояга етганини айтдим.

– Зеҳнли эди, мияси яхши эди, – деди Бадриддин бобо. – Укаларини, қўшни болаларини тўплаб давра қурарди. Шеър, ашула айттирарди, ўзича ҳам айтиб юрарди. Шунга ўқиган бўлса керак.

Раъно Узоқова техникумни битириб келгач, қишлоқ кенгашида ишлади, кейин Жарқўрғон халқ театрида, ҳаваскорлик тўгарагида қатнашиб, илк муҳаббати шу ерда ғунча ёзди—Узоқовни учратди.

— Ота-онасидан етим қолганмиди?

— Йўқ. Онаси Маҳубжамол Раънонинг ўлимидан бир йил аввал қазо қилди.

Биз узоқ суҳбатлашдик. Эртасига яна бордим. Бу сафар ҳам саволим кўп эди. Лекин бобо ўз ўрнига кампири Осиё момони қўйиб, Шерободга кетибди. Кутилмаганда мушкулимизни Осиё момо ҳал қилди...

— Келинг, бу ҳақда ургутлик дўстларимизга ёзилган жавоб мактубини кўздан кечирайлик.

«Ҳурматли ўртоқ Ё. Йўлдошев!

Раъно Узоқова туғилган Оққўрғон қишлоғи Жарқўрғондан шимолда, Термиз–Душанбе йўлининг ёқасида жойлашган. Қишлоқ аҳли бир вақтлар шу ерда туғилиб ўсган, кейинчалик катта шоира бўлиб кетган Раъно Узоқовани яхши билишади. Жарқўрғон туманида Раъно Узоқова номли мактаб, кўча, болалар оромгоҳи бор.

Қариндошлари масаласига келсак, мен Раънони тарбиялаган Бадриддин бобо Сагитдиновга учрашдим. Бобо кейинги хотини, ўғли ва келини билан "Сурхон" хўжалигида туришади. Маҳубжамол Бадриддинова эса 1946 йилда вафот этган. Бобонинг катта ўғли Термизда, қизи Деновда

Мурувватли инсонлар ёрдами билан тарбияланган ўша қизалоқ бугун вояга етди. Юзининг кулчалиги онасини эслатади. Раҳимахон боғча тарбияловчиси.

– Жужукларга ашулалар айтиб бераман. Қўшинча шеърлар ўқиб бераман. Ойимларнинг ёзганларини ўқиб берсам, болалар ҳаммаси жим туриб эшитишади.

Суҳбатдошим оҳиста шеър ўқий бошлайди:

Қўлларингни ўйнайсан жимжима қилиб, эй норасида,
Қийқирасан ҳадурса завқларга тўлиб, эй нури дийда.
Лекин онанг қалбини бир алам ўртар, билмайсан уни,
Чиндан ҳам сен билмайсан, кичик кабутар, алам- қайғуни.
Ҳур боғимиз аланга тутганда мудҳиш ёнди юрагим,
Ўша олов бизларга солганди ташвиш, ёкиб кўкрагим.
Тилга келиб бир куни йўқларсан, албат...

Суҳбатдошимнинг кўзига ёш қуйилди. Шеър узилди. Мен Раҳимани чалғитиш ниятида, уни яна саволга тутдим.

– У кишининг шеърларини китобларидан ўқиб берасизми ёки қўл ёзмалариданми?

– У кишининг қўл ёзмалари менда йўқ, – деди Раҳимахон. – Ўшанда бизга қўшни ҳовлида Мардонқул Муҳаммадқулов деган шоир яшаган. Ҳозир ҳам у кишини баъзи-баъзида кўриб қоламан. У пайтлар биз қоғознинг қадрига қаердан етайлик. Ёки қоғозда ёзилган хатларнинг қимматини қаёқдан тушунайлик. Онамнинг ёзган ҳамма ёзувларига ўша киши эгалик қилибди. Мен кўп сўрадим. Лекин у одам бирон варағини тутгирмади. Мана энди газета, журналлардан, Тошкентда баъзан китоб чиқарадиган жойлардан одамлар сўрашиб келишади ё хат оркали онам ҳақида нималар билишимни, агар бўлса шеърларини жўнатишимни сўрашади. Шундай пайтларда Муҳаммадқуловнинг олдига бораман. У киши мени кўрдими, оғзига талқон солиб олади. Қурук қайтиб келаман. Кўрибсизки, уч-тўрт кундан сўнг қай бир газетада онамнинг шеърлари чиқиб қолибди-ю, шеър остида М.Муҳаммадқулов деган имзо. Қизик, онамнинг шеърлари у кишида бўлмаса, газета ёки журналда қаёқдаи пайдо бўлди-а!

Раҳимахон онаси ҳақидаги манбалар билан таништиришни ваъда қилиб, уйига бошлади. Уйда менга «Ленин йўли» газетаси сонларидан бирини олиб берди (№ 129, 1967 йил, 1 июль, 4-саҳифа). Бугун бир саҳифа адибамизнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Унда Р.Узоқова тўғрисида қисқача маълумот, тўрт-бешта ғазал, бир неча шеърлар ва ҳикоя берилган экан.

– Ана, кўрдингизми, – дейди суҳбатдошим саҳифа пастидаги ёзувга ишора қилиб. – Муҳаммадқуловнинг ишини қаранг. «Мазкур саҳифани «Ленин йўли» газетаси редакцияси адабиёт ва санъат бўлими штатсиз кенгаши аъзоси, шоир Мардонқул Муҳаммадқулов тайёрлаган», дейилган эди унда. Кулиб жавоб бераман.

– Бунинг ҳеч қандай қурумсоқлиги йўқ. Онангизнинг асарларини чиқариб, кўпчиликнинг назарига ҳавола этишти-ку.

– Билмасам, – дейди Раҳимахон иккиланиб. Шу ёзганлари менда йўқда, ишқилиб.

– Сизда бўлмаса, у кишида бор экан, қадрига сиздан кўра кўпрок етади. Зарнинг қадрини заргар яхши билади-ку, шундай эмасми, – деб юпатмоқчи бўламан уни. – У киши туфайли ҳамманинг мулкига айланди бу саҳифалагилар.

– Қайдам, – у кўзларини ердан узиб, бир оз жилмаяди.

Мен ғазаллардан бирини овоз чиқариб ўқийман:

Минг балолар ғов бўлолмас ишқима шайдо эсам,
Соя янглиг доимо мен ёнида пайдо эсам.
Дилбарим лутф этмасин бузсам садоқат аҳдини,
Эл аро шармандаю бир бенбо расво эсам.
Кўз очиб юмгунча оқсин ўзгага тушса кўзим
Ҳам нигоҳи ўзгага тушганда бенарво эсам.
Йиғласам ҳажрида ҳаргиз кўрмасин ёшим рақиб,
Тўлганурман ҳажр ўтида қил каби танҳо эсам.
Қатра қон қолгунча узмасман умидим васлидан
Ой каби сақлай мусаффо ўзни гар лайло эсам.
Ёр васли мушкул эрса, ёди ҳам шукрим эрур,
Булбулим ёдида ўзни шод этай Раъно эсам...

Самарқанд боғларига номозгарнинг салқин ели кўзғалган асно мен Мардонқул аканинг ҳовлисига кириб бордим. У киши қўлида белкурак, томоркада ишлаётган экан. «Келинг, келинг, хуш келибсиз», каби ширин забон билан каршилади. Бир зумда эски кадрдонлардек гапимиз қовуша қолди. Мардонқул ака Раъно Узоқовани яқиндан таниган, ҳатто у киши билан бирга ишлашган кишиларидан бири экан. Унинг бой адабий мероси қўлидалиги ҳам рост экан. Раъно Узоқованинг жуда кўп асарларини кўз қорачиғидек сақлаётгани учун, ижодига алоқаси бўлмаган кишиларга, хатто Раҳимахонга ҳам бу асарларнинг бирортасини тутқазмас экан.

- Менда Раънонинг қўли теккан ҳамма дастхатлар бор! – деб ғурур билан гапиради. Мардонқул ака. - Уларнинг кўпчилиги ана, бошим устида, – дея шипга ишора қилади, - болохонага қўйганман. Бу мероснинг кўпдан бери менинг шу хонаи хуршидимда сақланаётганлигидан бахтиёрман. Лекин сизга ишониб топшираман. Бу дастхатлар ҳеч кимнинг назари тушмайдиган даражада сарғайиб ётганидан кўра, юзига шуъла тушсин. Кўпчилик ўқисин, қалбида дард ва ҳиссиёт пайдо бўлсин. Ахир, асарлар шунинг учун ёзилади-

ку! Сизнинг ёш, аммо тийрак ақлингизни улардан вокиф этаман. Аммо ҳозир эмас. Адресингизни қолдиринг, уларни тартибга солай, мурод ҳосил бўлгач, якин кунларда сизни суринтириб, Деновга ўзим олиб бораман.

Мен у киши билан мамнун хайрлашдим.

Икки ҳафталардан сўнг Мардонқул ака бизникига меҳмон бўлиб келди. Қўлида бир папка — Раъно Узоқованинг асарлари. Улар билан танишарканман, у фақатгина шоира эмас, яхшигина ҳикоянавис, драматург ҳам эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ургут ҳушманзара маскан. Осмонўпар тоғлар, нукра коялар, шаффоф шалолалар, токзорларга бой диёр.

Ҳалқа-ҳалқа тоғларга кон Ургутим,
Хуш хавоси рохати жон Ургутим.
Хаста диллар давоси шўх булутлар
Жон Ургутим, жаннат макон Ургутим.
Яйловларда қўзи-қўйлар подаси,
Тоғларида писта-бодом шодаси,
Жон борича дилим унинг шайдоси,
Гул маконим, дардга дармон Ургутим.
Тилни кесар узумларин шарбати,
Юртга кетган тамакисин шухрати,
Қирларида тошган бугдой қудрати,
Пахтага мўл, шер, пахлавон Ургутим...

Кўз ўнгимдан адибамизнинг ҳаёт йўли ўтади. Раъно Узоқова 30-йилларда Оққўрғон қишлоғида 7 ой ўқитувчи ва қишлоқ кенгашининг котиби бўлиб ишлагач, туман театрига ишга ўтди. 1936 йилнинг августидан бошлаб Қизилтепа туман театрида артистлик қилди. Агар Раъно машҳур шоира бўлмаганида таниқли актёр бўлиши мумкин эди.

Р.Узоқова саҳнада узоқ вақт ишлаганидан бир талай саҳна асарлари ҳам яратди. Шулардан бири — «Учрашув». Мазкур асар Республикада хизмат кўрсатган артист Асрор Жўраев билан ҳамкорликда ёзилган. Қатнашувчилар ёш сайловчи, ғайратли участка сайлов комиссияси раиси Бурхонов, маҳалла қоровули Ҳожи қизиқ, масъул хизматчи Мирза Ўлмас, депутатликка номзод Усмонов, Одил қора, Карим будур, Омон пучук, сайловчилар, музикачилар ва артистлардан иборат.

Асар руҳига ўша пайтлардаги сайлов тизими, бу тадбирни ўтказишга қизғин тайёргарлик, депутатликка номзоднинг халқ билан учрашуви сингириб юборилган. Персонаж ва образларнинг тили, характери ўзига хос.

Анзират образида кўпроқ адибанинг ўзини кўрамиз. Бу образ унинг таржимаи ҳолини янада бойитган, десак хато бўлмас. Бу ҳол унинг ҳикояларида ҳам учрайди. «Қувонч», «Табассум», «Қиймат», «Иссиқ-совуқ», «Ўғирланган бахт», «Рашк», «Зафарнинг ҳукми» ҳикояларида ҳаётда бўлиб ўтган бирон воқеа ёки бирор одам тақдири қаламга олинади.

«Рашк» ҳикоясининг қаҳрамони Алексеев паровоз машинисти. У ҳарбий қисмларга қурол-яроғ етказиб бериш билан банд. Аммо бекорчиликдан инжиқ бўлиб қолган хотини Наташа бўлар-бўлмасга ҳархаша қилаверади. Алексеев уни меҳнат жабҳасига тортади. Шогирди Зуҳрани машинист ёрдамчилигидан санитария поезди машинисти даражасига етказади. Наташа эрини қаттиқ севади, ишдан қайтишини ҳамиша интизорлик билан кутади. Бошқалардан рашк қилади... Хусусан, Зуҳрадан қизғанади. Аммо унинг рашки беҳуда эканлиги қизиқ бир тасодиф туфайли очилади.

Бошқа бир ҳикоясида эса фронтдан қайтган Василийнинг Ўзбекистонга эвакуация қилинган ўғлини тасодифан топиши тасвирланган.

«Зафарнинг ҳукми» ҳикояси ўқувчини ҳаяжонга солади. Регистондаги кичик истироҳат боғида онаси билан сайр этаётган бола қаршисидан чиққан ҳарбий кишини кўриб, «Дада, дада! Ойи, ана дадам!» деганича талпинади. Ёш жувон хижолатдан уялиб, болани бошқа томонга етакламоқчи бўлади. Аммо бола «дада, ўзимнинг дадам» деганича ҳарбийнинг бағрига отилади. Ҳарбий уни даст кўтариб эркалата бошлайди. Бола ундан ажралмайди. Жангчи Ҳасан уларни кузатиб қўйишга мажбур бўлади. Уйга кирадилар. Маълум бўлишича, Зафарнинг дадаси Ҳасанга жуда-жуда ўхшаркан (Буни каравот тепасидаги ўзига тик қараб турган марҳум жангчининг портретини кўриб англайди Ҳасан). Зафар ҳануз қўлларини йигитнинг бўйнидан олмас, худди уни ташлаб ҳозир чиқиб кетишини биргандек юзларига жовдираб тикилади.

«– Зафаржон, ўз устулингга ўтир, ўғлим, аканг овқатлансинлар, – дейди бувиси, бола ундан ранжиб тушмайди ва кампирга хўмрайиб, лабларини чўччайтириб пичирлади.

– Ака эмас, дада, дада!

Улар кулишди. Қампир овқат келтирди ва меҳмонни овқатга қистаркан, орада тез-тез саволлар бериб турди.

– Айланай болам, ота-онангиз борми?

– Йўқ, ойижон, ёшлигимда ўлиб кетишган. Битта амаким бор, холос.

– Ҳа, ўргилай, энди ўзингиздан кўпайинг, болангиз бордир.

Йигит ўнғайсизланиб қизарди.

– Йўқ, ойижон, ҳали уйланган эмасман... Аскарликка урушдан олдин кетувдим. Бу орада анча...

Ҳабибахон онасининг бўлар-бўлмасга савол бериб, меҳмонни хижолатга қўйганини кўргач, пайт пойлаб, онасининг кўзини овлади, учратиб «Кўп валақладингиз» дегандай, лаб тишлаб, имо қилди.

Уйда бир оз жимлик ҳукм сурди. Овқат ейилиб чой ичила бошланганда Зафар мудраб қолди. Ҳабибахон уни ўз каравотига элтар экан, бола икки-уч қайрилиб йигитга қаради ва «дада, кетманг!» дея ялингандек пичирлади. Унинг кўзларини уйқу юмаркан, лабларида «дада кетманг, дада» такрорлар эди. Ҳабиба аллақандай бўлиб кетди-да, кўзларига ёш олди, меҳмондан яширин учун китобларни қараган киши бўлиб, китоб жавони қошига келди.

Йигитнинг каровот устидаги портретга бир неча бор кўз ташлаганини кўрган кампир унга тикилиб сўради.

– Ўғлим, куёвимнинг суратига кўп қарадингиз, таниясизми?

– *Йўқ, ойижон.* Лекин бундай кишиларни фронтда кўп учратганман, киши-кишига ўхшайди-да, ойижон. Куёвингизни исмлари нима?

– Собиржон.

Йигит ялт этиб суратга тикилди ва бир нарса эсига тушгандек, анча тикилиб тургач, оҳиста юриб боланинг каравоти ёнига борди. Энгашиб унинг бошини силади.

Зафар уйқу аралаш жилмайди, «дадажон, кетманг, хўпми» дея эркаланган дек бўлди, ўпкаси тўлиб кетган Ҳабиба ортиқча чидаб туролмай йиғлаб юборди. Кампир ҳам кўз ёшларини тийиб туролмади.

– Мен энди кетай, – деди Ҳасанжон.

– Қаерга тушдингиз, ўғлим, агар турар жойингиз бўлмаса шу ерда қола қолинг, –дея кампир таклиф этди. Йигит жилмайиб миннатдорлик билдирди:

– Раҳмат, ойижон, жойим бор. Янги шаҳардаги мусофирхонага тушдим, кетгунимча келиб тураман. Раҳмат, ойижон.

– Хайр, айланай, яхши боринг, қолсангиз яхши бўларди. Жой бўлса бор...»

Ҳасан Самарқандда анча туриб қолди. Ҳар куни оқшом кезлари Зафар уни тоқатсиз кутиб олар, кетаётганда эса ширин уйқуда бўлар, улар бирларига ўрганиб қолишганди. Зафар Ҳабибахон ва Ҳасаннинг қовушиб кетишларига сабаб бўлади.

Раъно Узоқованинг насрий асарлари орасида «Ўғирланган бахт» ўта характерлидир. Ҳикоянинг сюжети адибанинг Қисловодск курортларидан биридаги таассуроти сифатида дунёга келган. Тўрт-беш қиз, жувон давра сида Таня деган бир қиз гапдан-гап чиқиб, ўз саргузаштини сўзлаб беради.

...Гўзал қорасоч қиз оҳу сингари эркa, беармон ўсди. Кунлардан бир куни эрталаб булоқдан сув олгани келганда, мўйловлари эндигина сабза урган Ёқубни учратди. Ёқуб уларга ҳамқишлоқ бўлса-да, қизни илгарилари ҳам кўриб турса-да, бу гал юраги жизиллаб кетди. Улар тез-тез

учрашадиган, бир-бирларини кўришмаса кўнгиллари тинчимайдиган бўлиб қолди.

Қурбон ҳайити куни тоғда катта сайл бўлди. Ана шу сайлда қиз ва йигитнинг бир-бирига бўлган муҳаббати янада ошди. Қўшиқ айтилди, ўйин бўлди. Раҳим айғоқ ўйинига тушиш учун Ёқубжоннинг ёнидан Тоҳирани тортди. Аммо Тоҳира рад этди. Ҳамма кўнгилсизлик шундан бошланди. Шу воқеадан сўнг бир ҳафта ўтгач Тоҳиранинг ойиси ва дадаси қўшни қишлоқдаги тоғаларинникига меҳмонга кетишди. Тоҳира қизлар мажлисини чақирди. Қизлар гурунги, ўйин-кулгиси, кашта тикишлари аллама-ҳалгача давом этди. Ярим тунда тарқалишдилар. Жаҳон, Сарвар Тоҳира билан қолишди. Сал вақт ўтгач, улар ҳам уйга кетишди. Вақт ярим кечадан ўтганда у, каттиқ гурсиллаган товушдан уйғониб кетди. Тоҳира, бошини кўтарса кўчага қараган дераза олиб ташланган. Ундан изғирин елиб, уй ичидаги енгил нарсаларни учирмоқда. Тун шу қадар қоронғики, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди, уйининг тўрт бурчагидан тўрт киши чиқиб, Тоҳирани қора нарсага зудлик билан ўрашди ва бириси кўтарганча дераздан тушиб отга ўнгарди.

Энди у қайга, кимлар билан кетаётганини билмас, ҳатто уларнинг сўзларини эшитмас, фақат тошларга каттиқ тегиб, тараклаётган от туёкларининг овозини эшитар эди... Тоҳира кўз очиб ўзини тоғ оралиғидаги тошдан тикланган бир уйда кўрди. Бўлиб ўтган воқеаларни эслади. Сакраб ўрнидан турмоқчи бўлди, – мадори етмади, ўрнига йиқилди. Иккинчи марта кўз очганида атрофини бир неча киши ўраб олганини, эркак, аёллар ичида Раҳим айғоқ ҳам борлигини сезди. Айғоқ унга ўзини ҳаммадан кўра меҳрибонроқ кўрсатиб бошига яқин турарди. Тоҳирани титроқ босгандай бўлди, кўз олдини қора туман ўради. Айғоқнинг хунук башарасини ортиқча кўрмаслик учун қўллари билан кўзларини беркитди. Лекин фойда йўқ эди. Кечикканди. Бахт ўғриси – айғоққа энди у бир умрлик жуфт қилинган эди...

– Мана у, – шу пайт улар томонга келаётган чолни кўрсатди ёш жувон Тоҳира (унн Таня ҳам дейишарди). Бу Раҳим айғоқ экан.

Ҳикоянинг мазмуни тоғликлар афсонасига ўхшаб кетса-да, адибанинг ўзига хос қалами, услуби яққол сезилиб туради. Лекин шундай ажойиб ҳикояларининг ҳамон архив материаллари орасида қолаётгани кишини ажаблантиради.

***

Раъно Узоқованинг достонлари алоҳида ўрганишга, тадқиқ қилишга арзийди. Бу достонларда ажойиб эпик воқеалар ўзига хос усулда, равон мисраларда шундай ўйноқи, жозибадор, шавқли, дардли оҳангларда қуйилиб келадики, киши унинг асири бўлиб қолади.

Адиба ёш бўлишига қарамай, катта ҳаёт йўлини, гирдобли, тўғанокли сўқмоқларни босиб ўтганиданми, унинг умр дафтари ошиқ воқеаларга шу қадар бойки, уларни мақола, лавҳа, очерк, ҳикояларида айтиб улгуролмабди чоғи, бир қисмини достонларига олиб ўтибди, қўшиқ тарзида куйлабди.

Қўлимизда шоиранинг беш достони: «Малоҳат», «Ғалаба», «Сарвқад» (Биз уни шундай деб атаймиз), «Гуландом», «Макр ва Муҳаббат».

«Гуландом»дан бошқа бироита достони ҳалигача эълон қилинмаган, бирон адабиётшунос олимнинг эътиборига чалинмаган. Бизнингча бунга сабаб шу бўлса керак: шоира ҳаётлигида шеърларини ва «Гуландом» достонидан айрим парчаларнигина китоб шаклига келтириб улгурди, холос. Қолган ҳамма асарлари, шулар қаторида достонлари ҳам унинг архивида қолиб кетди.

Достонлар ҳақидаги мулоҳотимизни «Сарвқад»дан бошламоқчимиз. Бу адибанинг дастлабки асарларидан биридир. Достонда амирлик тузуми, қашшоқ чўпон Дуланнинг бойлар хонадонидаги ҳасратли кечмиши, «Чўпон қизи Сарвқаднинг орзу-армонлари, Ўзбекистоннинг жанубида, босмачилик ҳаракати, коллективлаштириш даври, Сарвқаднинг Москвада бир фожиа туфайли ажралиб қолган ёри Сафарни учратиши ҳақида ҳикоя қилинади. Бир қарашда булар жўн гапларга ўхшайди-ю, аслида халқ қўшиғига айланиб кетган.

Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди.

каби Сарвқаднинг мунгли нидолари орқали қизнинг чигал ҳаёт йўли, инсонни чиниқтирувчи синовлар ифодаланади.

Достонда Сафарнинг психологик ҳолати ғоят ҳаққоний чиққан.

Пешона терини сидирар, юрар,
Эҳ, шунда қум аро мудҳиш ҳол кўрар,
Бошидан жасади узилган гўдак,
Туёқлар остида эзилган гўдак,
Қип-қизил қонига бўялиб ётар,
Ҳайратда Сафар. Муз, тош каби қотар.
На капа, на бир зот, на рўзғор мавжуд.
Қўл ва суякларга айланган вужуд.
Ётар вайрон бўлган капа ўрнида.
Бу ҳолни ғамдийда Сафар кўрди-да,
Милтиғин кифтига ташлаб югурди,
Армия қисмига ўзини урди...

Сафарда пайдо бўлган куч, эътиқод, душманга нафрат ҳисси энди уни ғанимлар устига ўлим бўлиб ёпирилишига ундайди. Шоира Сафардаги жасорат ва мардликни меҳр билан тасвирлайди.

Адибамизнинг халқ ижодини қай даражада пухта билиши юқоридаги парчалардан аниқ кўриниб турибди.

«Кунтуғмиш» достонини эсланг: карвонлар бошлиғининг ҳаёлида шум ният пайдо бўлади, гўдакларни далада қолдириб, она бечора Холбека ойимни зор қақшатганча, туяда олиб қочадилар.

Бу билан биз «Сарвқад» достонидаги баъзи-бир эпизодларни «Кунтуғмиш»даги ўша воқеаларнинг такрори, демоқчи эмасмиз. Асарда фольклор таъсири борлигига ишора қилмоқчимиз, холос. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан ўринли фойдалана билган адиба қаламга олган мавзуни ўзига хос ҳал қилади.

Илоннинг изидай эгри сой оқар,
Қоялар букилиб йўл узра боқар.
Кундуз ҳам қоронғи тун каби даҳшат,
Ҳукмрон бу тоғда ёвуз табиат.
Дам қуяр сел, осмон ағдарилгандай,
Яшинлар гуриллар ер ёрилгандай.
Тоғлардан то йўлга юмалар тошлар,
Янчилар йўлида учраган бошлар...
Дарани ҳисобсиз ўликлар қучган,
Жанг аро ажалнинг шарбатин ичган,
Қузғунлар чўкийди босмачи кўзин,
Гўё бир лочиндек ҳис этиб ўзин. -

каби сатрлар бадиий кучи жиҳатидан жуда юксакдир.

Адиба жанг эпизодларини, хусусан, уруш қаҳрамонликларини лироэпик асарларига олиб киради. Бу жиҳатдан шоиранинг «Малоҳат» номли асари характерлидир.

Шундай кишилар бор: улар ҳам севмоқчи, ҳам севилмоқчи бўладилар. Улар ҳам осойишта турмуш, пок муҳаббат лаззатини тотишни истайдилар. Аммо ҳаёт уларнинг тақдирини бошқа изга солиб юборади. Ёки ҳаёт тақозоси туфайли улар бундай лаззатни тарк этиб, ижтимоий бурч туфайли бошқача йўл тутадилар.

Шифохона эшиги олдида бир ўсмир ҳар кун пайдо бўлади. Сиртдан қараган киши уни дардига шифо топиш учун келган дардманд, деб ўйлайди. У на дори қабул қилади, на бинт боғлатади. Шифокор қизчанинг моҳитоб юзига суқланиб қарайдида, қайтади. Бу Собир. Шифокор қиз Малоҳатни севиб қолган ошиқ. Бора-бора маъшуқа ҳам англайди буни. Улар кўпинча бирга қайтадилар. Тўй олдидан уруш бошланади. Ҳар

иккиси урушга отланади. Малоҳат камалда қолади. Жангчиларимиз ёвни сиқиб чиқарадилар. Энг олдинги сафдаги Собирни қиз кўради.

Асир нурсиз кўзларин,
Зўрға очиб термулди унга.
Тилгандилар унинг юзларин
Қорилмишди қон-қизил қонга.
Мажнунтолдек пошнасин ўпган
Сумбул сочин киркиб олмишлар.
Темирларни чўгдек қиздириб,
Кўкрагига тамға солмишлар.
Ўтли жангда титрамаган мард,
Қиз устида эгилди комат,
Бирдан қолди кўз ёшин суриб.

Қиз Малоҳат эди. Уни ҳушига келтириб, госпиталга топширган Собир жанг майдонига отланар экан дейди:

Яхши қолгин, вафоли дилбар,
Биз кетамиз яна илгари.
Гул юзингга доғ солган ёвни,
Мохов билан ошно қилгали.

Шунда Малоҳат сўрайди:

– Шошма, деди бош кўтариб қиз,
Истаб сени қайдан топарман.
– Ташвишланма, деди, у дилсўз,
Зафар қучиб ўзим қайтарман.
Деди: – тутса кўзинг хумори-
Дилга берай қандай тасалли,
Деди: – агар соғинсанг пари,
Кулиб турган қуёшга қара.
Деди: – Келса даҳшатли хабар
Нечук қилай тоқат, Собирим.
Деди: – Ночор кўз юмсам агар,
Қасос учун отлан, Нодирам.

Пировардида шундай бўлди ҳам. Қон сели қуйилиб турган жанг майдонларининг бирида Собир ўлди, деган хабарни эшитди Малоҳат. Бу Малоҳатнинг ғазабини баттар оширди. Танига электр токи югургандай бўлди. Жангга кирди.

Энди биз Малоҳатнинг жанг майдонларида шифокор эмас, қўлида автоматни сайратган жасур қиз сифатида кўрамиз.

Кейинги саҳифаларда унинг кўкси орден ва медаллар билан тўлиб бораётганидан қувонасиз, ҳавасингиз келади. Сизнинг ифтихорингизга айланаётган бу қизча бир оёғидан айрилади. Аммо ғалаба маршлари унинг кам-кўстини сездирмайди. Қишдай енгил уйга қайтган Малоҳат вокзалда севгилиси Собир билан тонишишга муяссар бўлади. Шоира Собирнинг қаҳрамонликларини шундай мадҳ этади.

Ёнар тоғлар кўпирса,
Ерга кирар қалтироқ.
Ой чеҳраси барқ урса,
Кўринар яқин йироқ.
Яшин теккан деворлар,
Кул-кул бўлиб қулайди.
Шерни кўрган жонворлар
Зирқираниб увлайди.
Ёнар тоғдек кўпириб,
Бир паҳлавон келади.
Ой чеҳраси барқ уриб
Бўрон каби елади.
Миллионларнинг олдида,
Мисли алпдай қадди бор.
Олмос шамшир қўлида
Тоғни янчар ҳадди бор.
Минган оти пўлатдай
Ғовларни бузиб келар,
Ўт очиб пулемётдан
Кўрганин кўймай қирар.
Орден тўла кўкраги
Осмон каби кенг эди,
Унинг эзгу тилаги
Ой, Қуёшга тенг эди.
Шул сабабдан ёвларни
Босиб, янчиб борарди,
Писанд қилмай ғовларни
Бузиб, янчиб борарди.
Шу сабабдан отини
Ўзбек сардор дердилар.
Кўриб матонатини
Унга кўнгил бердилар,
Ётмас у сизларга
Учратгансиз кўп замон,
Кўп танишдир кўзларга
Ошиқ йигит Собиржон.

Шоира «Макр ва Муҳаббат» достонида тенгликларнинг бир афсонаси, яъни бир севги фожеасини каламга олса, «Гуландом»да тағин уруш мавзусига мурожаат қилади.

Бу достонларни кўпчиққа ўхшатгим келади. Чин севги, садоқат, Ватанга муҳаббат ҳақидаги бу ўлмас кўпчиклар ҳамон баланд авжда янграмоқда.

1941 йил 22 июнь саҳари собиқ Иттифоқ тупроғига манфур душман бостириб кирди. Кекса-ю ёш, аёлу эркак кўлига қурол олиб, душман йўлини тўсишга отландилар. Халқни оловли жангларга қанотлантирувчи баланд рух зарур эди.

Ўша йиллари китоб дўконларида мўъжазгина бир китобча пайдо бўлди. Унинг оқ ва мовий рангдар кесишган муковасида дастаси дафна баргларига бурканган байрок тасвирланганди. Байрокка байрок тусидаги ҳарфлар билан «Мардона юринг» деган икки сўз чекилган. Унинг муаллифи Раъно Узоқова эди.

Келинг, шу китобга кирган баъзи шеърлар билан танишайлик.

Гул Ватаннинг моҳир қизлари,
Озод элнинг кўрар кўзлари,
Она-Ватан чорлайди бугун
Баҳодирлар сафига киринг,
Мардлик билан мардона юринг!

каби чақириқлар ўша кунлар учун сув ва ҳаводай зарур эди. Шоира бу долзарб мавзуда изчил ижод қилди. Элнинг юрагидаги дардини шеърга солди.

Жангчиларга бўлайлик ҳамдам,
Ярасига қўяйлик малҳам,
Оналардек мехрибон, маҳрам.
Ҳамширалар, тез сафга киринг,
Ширинсўзлар, мардона юринг!

«Мардона юринг» тўпламига йигирма бир шеър киритилган. Уларнинг ҳаммаси бир мавзуга — Ватан мудофаасига бағишланган.

Лекин шеърлар бири-бирини такрорламайди.

Яхши бор, эй шаҳло кўз дилдор,
Севгим бўлур жангда мададкор.
Наъра тортиб ўтли майдонда,
Шум тилакли ёв юрагин ёр.
Айриликни истамас эдим,
Сени жангга қистамас эдим.
Жудоликдан жон қийналса-да
Пахлавоним, жангга бор, дедим.

Дилдорлар ўз ёрларини, оналар суюкли фарзандларини, ўғлоклар оталарини тўйга, маъракага эмас, жангга — киргин боронга жўнатишяпти. Ватан бошига фалокат тушганда уни қуткариш — инсоний бурч. Шунинг учун шоира қотилдан ўч олишга ундаб, уруш қаҳрамони Қўчкор Турдиевга бағишлаган шеърида буни қуйидагича ифодалайди.

Газаб ичра кўзларинг тўлиб қонга,
Рустам сифат сен кирганда майдонга.
Вахимага тушди ёвуз гитлерчи,
Шер олдида ҳеч бўлди тулки кучи,
Наъра тортиб, найза санчдинг танига,
Киргин солдинг душманларнинг жонига,
Чўмилтириб ўзини ўз қонига
Ҳам жойладинг каро ернинг қаърига.

Ҳамиша ёруғлик зулматни кесгандай, эзгулик ёвузликни енггандай, Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган фашизмни – шоира «Мардона юринг!» дея хитоб қилган қаҳрамон халқимиз қабрга тикди.

Галабага чалинди карнай,
Днепрдан ўтиб келди ёр,
Баҳодирни табрик этгани,
Ўз жонимни айладим нисор,

дея шоира жангдан қайтган ғолибларни ғалаба билан қутлашга ҳам муяссар бўлади.

Жанг тугади. Аммо жангдан сўнг жанговар ишлар қизиб кетди. Бу қурилишлар, тикланиш ишлари, омборларни ризқ-насиба билан тўлдириш жабҳалари эди. Жангдан толиқиб чиққан Ватан бир лаҳза тиним билмас, чунки селдай ёғилган ўқлар, бомбалар обод маконларни харобазорларга айлантирган. Бу жойларни қайта қуриш, обод қилиш лозим эди.

Шинелини коржомага алмаштирган собиқ жангчи ишга тушди. Янги шаҳарлар қад кўтарди. Янги кўчалар очилди, ҳавозаси баланд янги иморатлар, иншоотлар бунёдга келди, даштлар кўксини пахтазорлар эгаллади. Дарёга монанд каналлар қизилди. Далаларда чечаклар кулди.

Аммо булар шоира Раъно Узоқованинг ижодидан ўрин ололмади. Шоира халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган бу беором лаҳзаларнинг икки йилини кўриб улгурди, холос,

* * *

Раъно Узокова ўзбек адибаларининг бири сифатида алоҳида эъзозга лойиқ. Раънонинг уч ёшида етим қолгани ва шу боисдан Термиз темир йўл ишчиси Марям Бадриддинова тарбиясини олгани ҳурматли китобхонга маълум. Бадриддинова саккиз ёшга кирган Раънони интернатга

ўкишга берди. Шоира кейинроқ «Ўз ўтмишимга ўхшатма» деган бир шеърида қисман ўз таржимаи ҳолини ёзди:

Изғирин шамоллар харён елади,
Кўзларим очирмас аччиқ кор- бўрон,
Бир янч ингранши саси келади,
Қайси бир бечора кўкси бўлмиш қон.
Бир бузук дарвоза ёнида, эвоҳ,
Жулдурлар ичида ўралган бола
Хазин товуш билан инграйди ҳар
Совуқдан қизарган юзлари лола.
Оппоқ қор устида от туёқлари
Ғарчиллаб ул томон яқинлашарди.
Боланинг кичкина қўл-оёқлари
Қалтираб, фарёди кўкдан ошарди.
Бу отлиқ шаҳарнинг сокчиси эди
Яқинлаб келди-да, тўхтади шунда.
Мехрибон юз билан, кел олай деди
Бағрига босди-да, кетди бир зумда.
Интернат эшиги очилиб шунда
Олдилар сокчининг қўлидан қизни.
Кийгизиб Аноргa озода либос
Севдилар эркалаб кон-қора кўзни!

Раъно олдин интернатда, 1927–1931 йилларда Термиз таълим-тарбия техникумида ўқиди. Техникумни муваффақиятли тамомлагач, Раъно бир неча йил ўқитувчилик қилди. Аммо унинг юрагида санъатга, шеъриятга жўшқин муҳаббат бор эди. Бу туйғу унга ором бермас, самовий юксакларга чорларди. Шу тарика шеър туғиларди.

Остонангга қўйдим қадам,
Бир дунё умид билан,
Ўлжам бўлиб хаёлларим,
Шоирона дид билан.
Ҳаётимнинг нашъасидир,
Сен-ла кечган дамларим,
Фаслларим кулган баҳор,
Гуллари мисраларим!

Бу дамлардан у тамомила рози эди. Бу дамлар бахти кулган қизнинг балоғат давридаги романтик ҳиссиётларга тўла дамлари эди. Гул ҳам, майса ҳам кўзига яшноқ, гўзал кўринарди.

Садоқатни мерос билган,
Жонлар лабидан.

Аҳди аниқ, кўзи ёниқ,
Ёрлар қалбидан.
Ёзди висол қўшиқларин,
Олтин баҳорда
Ҳаётимиз мадҳин айтдим,
Шу ниҳол торда.

Ватанга меҳр-муҳаббат садоқатини у чинакам фарзандлик туйғуси билан изҳор этади. Кейинчалик шоира Бухоро ва Самарқанд вилоят газеталарида ишлайди. Бу даврда асарлари матбуот юзини кўради. Шоира сифатида танила бошлайди. Ёзувчилар союзи аъзолигига киради.

Раъно Узоқова ўз касбини ғоят севишдан ташқари фаол жамоатчи ҳам бўлган. 1942 йили ўзбек халқи номидан Ленинград мудофаачиларига совға олиб борганлар орасида у ҳам бор эди. Тиш-тирноғигача қуролланиб олган манфур ёв билан ватандошларининг юзма-юз олишаётгани шоирага янги руҳ ва куч берди.

Раъно Узоқова куч-кувватга тўлган, ижоди барқ урган пайт 31 ёшида юрак хасталигидан Самарқанд шаҳрида вафот этди.

Шу кунгача шоиранинг учта китоби етиб келди. Улардан бирини шоиранинг ўзи тузиб нашр этишга муваффақ бўлган. Иккинчи ва учинчилари адабиётимиз жонкуярлари Зулфия ҳамда Душан Файзийнинг ташаббуси билан нашр этилган. Шу асарларнинг ўзиёқ шоиранинг баракали ижодидан далолат беради.

Аммо шоиранинг ижоди Насрулло Охундий, шоирлар Душан Файзий, Нормурод Нарзуллаевларнинг мақолаларини ҳисобга олмаганда, кам ўрганилган, илмий тадқиқ қилинмаган. Негадир, шу вақтгача адабиётшунос - олимларимизнинг эътиборини тортмаяпти. Ҳолбуки, шоиранинг чуқур мазмунли, бадиий жиҳатдан бақувват, юксак фуқаролик туйғуси билан суғорилган шеърлари алоҳида ўрганишга арзийди:

Бахтимизга кўз тиккан,
Қаҳримизга тоб бермас,
Ажал уруғин экkан,
Нажот мевасин термас,

Ёки:

Умр бир дарёки асрлар бўйи,
Тўлқинлар ўйнатиб оқади олға.
Гар билсанг бу дамлар, бир дуру ноёб,
Ардоқ-ла, қолмайин десанг уволга.

Ёки:

Шиддатли югурар олдда паровоз,
Ғанимга отилган матрос мисоллик,

Вагонлар учмоқда – гўё лентаси
Севинчдан ранг этар атроф ва борлиқ.

Шоира халқ оғзаки ижодидан унумли фойдалана билгани учун баъзи истиоралари халқ термаларига ўхшаб кетади:

Яхши бор, эй шаҳло кўз дилдор,
Севгим бўлур жангда мададкор.
Наъра тортиб ўтли майдонда,
Шум тилакли ёв юрагин ёр.

Шоиранинг кўпгина шеърлари халқ қўшиқларига айланиб кетганининг сири ҳам шунда бўлса керак.

«Субҳидам қалдирғочи», 1978.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СЕВИМЛИ ДОСТОНИ

Алпомиш юртга қайтди... Гўё остида учар тулпори Бойчибор, ёнида севикли ёри – Ойбарчин. Тоғ-тошларни, коронғу дараларни гумбирлатиб, Алпомиш юртга қайтди!

50-йилларнинг бошида ушбу достон катағон қилиниб, уни ўқиш, у ҳақда ёзиш ман этиб қўйилганди. Асар қаҳрамони Ҳакимбек катта молдавлат эгаси. Достон феодал урушларни мадҳ этувчи, «миллатчилик ғоялари»ни тарғиб қилувчи асар сифатида қаттиқ қораланганди. Ҳар бир яхши инсон, ҳар бир эзгулик бошига қора булут соя солганидек, ушбу эпос ва унинг қаҳрамонлари ҳам қора кунларга қолган эди.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, замон ўзгариб, серқуёш диёримиз осмонидан ўша «булут»лар ҳайдалди. Бугун «Алпомиш» ўзида оламшумул анъаналарни тараннум эта олиш салоҳияти билан «Маҳобҳорат», «Рамаяна», «Одиссея», «Шоҳнома» каби буюк эпослар қаторига кўтарилмоқда.

***

Фольклор – ўтмишнинг акс-садоси, бугунги куннинг баланд овозидир, дейишади. Ўтмиш эса бу макон ва замонда олис-олисларга бориб туташади. Орадан қанча сиру-синоатлар кечгани ёлғиз Оллоҳгагина маълум. Инсон эса бу сиру синоатларнинг айримларинигина. улар қолдирган из, ёдгорликлар оркали ўрганиб, пайқаб олади. Уни ҳам вақти-соати етиб келгандагина, холос.

Ҳа, инсон табиат мавжудотлари ичида энг сараси, ноёби бўлгани ҳолда ақл ва яратувчилик кучига эга: қўлга киритган ютуқлари билан фахрланади, нуқсонларидан ташвишланади. Шу маънода қўшиқ унга қадимкадимдан йўлдош. Қўшиқ орқали ўтмишимиз–аждодларимизнинг расм-русумлари, орзу-армонлари бизгача етиб келган.

Илк болаликдаёқ ўқиганларимиз: «Тўмарис, «Широқ», «Зарина ва Стриангия», «Зариядр ва Одатида», «Рустам», «Тоҳир ва Зуҳра», «Сиёвуш» афсоналари, «Уч оғайни ботирлар», «Эгри ва Тўғри» эртаклари, яқин-яқинда ҳам эшитиб турганларимиз: «Хирмон қўшиғи», «Майда» ва меҳнат, маросим термалари, марсиялар шулар жумласидандир.

Бобокалонларимиздан бири Маҳмуд Қошғарий X асрдаёқ ўзидан олдинги халқ қўшиқларини бир неча жилдда тўплаб, бизга мерос қолдирган. Бунга биргина мисол келтириш кифоя:

Кеча туруб юрир эрдим,
Қора-қизил бўри кўрдим.
Қатиғ ёни кўра кўрдим,
Қоя кўруб баку оғдн.

Ўзи бориб укуш эвдим,
Таълим юруб кучи гавдим.
Отим бирла тагу авдим,
Мани кўриб эси оғди.

Итим тутиб кўзи чолди,
Онинг тусин кира юлди.
Бошин олиб кўзи солди,
Бўғоз олиб тугал бўғди.

Мазмуни:

Кечаси туриб (кезиб) юрардим,
Қора-қизил бўри кўрдим.
Бақувват ёйни (отишга) хозирладим,
(У) қўркиб қоянинг оркасига яширинди.

Шошилинч (бўрининг) кетидан тушдим,
Кўп қувлаб бориб, кучидан толиқтирдим.
Отим билан теварагида айланиб турдим,
Мени кўриб эси оғди.

Итим тутиб бўғиб ётқизди.
Унинг жунини юлди (терисини шилиб олди),
Бошидан тишлаб, қуйига судради,
Бўғзидан тишлаб бутунлай бўғди (ўлдирди).

Кўриниб турибдики, бунда ўша замон овчилигига тегишли ёркин бир манзара берилади.

Аммо қўшиқ жанри замоннинг ҳамма ҳолатларини ҳам қамраб ололмасди.

Кенг кўламли ҳолатларни – элининг орзу-армонларини бахшилар ўз дўмбиралари билан куйлаб, неча-неча достонларга жо қилдилар. Эргаш Жуман булбул ўғли, Пўлкан, Фозил Йўлдош, Абдулла шоир, Ислом шоир ва бошқалар бирин-кетин «Гўрўғли»га тегишли қирқ достонни, «Орзигул», «Ширин билан Шакар», «Кунтуғмуш», «Ойсулув», «Алпомиш» достон-ларини яратишди.

Биз бу достонлар орасидан «Алпомиш» устида тўхталамиз. «Алпомиш» – бахшиларнинг энг севимли достони, шоирлик бешиги саналади. Уни ўзбеклар – Алпомиш, қозоқлар – Алпамис, қорақалпоқлар – Алпамиз, деб куйлайдилар.

Асарнинг қозоқча вариантида жанжал чиқмайди. Қултой – Бойбўрининг амакиваччаси. Ултон – Қултойнинг никоҳсиз чўрисидан туғилган ўғли. Фарзандсиз Бойбўрининг уйида асранди ўғли Ултон баҳайбат, бесўнақай бўлиб ўсади (Қўкраги ғарамдай, бурни тепадай, ҳар тиши кетмондай, оғзи катта ўчоқдай, кўзлари чуқур зиндондай). У Бойбўрига қулоқ солмайди. Боласизлигини юзига солади (Шунинг учун ҳам Алпомиш катта бўлгач, унинг товонини киркади. Ултонни ҳеч ким хуш кўрмайди, шу жумладан, Сарибий ҳам. Унинг ваъдасини бузиб, кўчага чиқиб кетишига сабаб битта: Алпамис Бойбўрининг ягона ўғли. Мабодо тақдир бевафолик қилиб, у ўлиб-нетиб қолса, элнинг қонуни бўйича Гулбарчин Ултонкулга қолади.

Ўзбек достончилигида, бу сал ўзгачароқ: воқеалар Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул талқинида хом сапчаларни узиш, Бойбўрининг «Бойсари ўлиб, моли ўғлимга қолади», дейиши билан, Эгамберди бахшида эса – сув талашиш атрофида кечади.

Фозил Йўлдош қуйидагича бошлайди:

«Қадим ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Олпинбий деган ўғил – фарзанд пайдо бўлди. Олпинбийдан тағин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсари қўйди.

Иккови ҳам катта бўлди. Бойсари бой эди. Бойбўриси эса шоҳ эди, иккови ҳам фарзандсиз бўлди».

Мана шу мисралар остида тинч, осуда ҳаёт ётибди: ота ўлиб, ўғли ўрнига ўтаяпти — неча йиллар мобайнида шу ҳодиса такрорланадию, аммо халқ ўша-ўша бир зайлдаги меҳнат, уч маҳал қорин тўйдириш, эртанги кун умидида яхши тилак тилаб, уйқуга кетиш... Лекин Бойбўри ва Бойсари салтанатга келганида, қандайдир ўзгариш сезилади: Бойбўри шоҳ бўлсада, Бойсари ҳам мустақил одам, «ўн минг уйли қариндош»нинг «улуғ тўраси».

Муна элда мен ҳам бекман тўраман...

Ёки:

Муна элда ўзинг улуғ — тўрасан,
Ҳар не қилсанг, шоҳим, ўзинг биласан...

Демак, бир элда, бир шоҳликда икки айри ҳокимлик, аммо қай жиҳатдандир бир ҳокимликнинг иккинчисига мутелик жойи бор.

Добонбийларнинг шоҳлик даврида тўйлар бўлган, аммо ака-ука давридаги «бир чупарон тўй» бу шоҳлик салтанатида сифат ўзгаришининг содир бўлишида катта роль ўйнайди. Тўйда ака-ука илгаригидек иззат қилинмайди. Уларга ошнинг «кетини-бетини» тортадилар.

«Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй уллининг улидан, қизликнинг қизидан қайтади. Сенларнинг нимангдан қайтади? Ўлсаларинг молла-

рингга ҳар мероскўр чиқадики, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан буёқдаги ейдиганинг ошинг кети-бети бўлади. Биз сенларнинг давлатингдан бўлиб оламизми?» Улар хафа бўлиб, чунаронларга саксон тилладан ташлаб, тўйдан чиқиб кетадилар. Фарзанд хусусида Шоҳимардон Али мозорига бориб сиғинадилар. Қирк кечаю кирк кундуз мозорни зиёрат қилганларидан сўнг гўрдан овоз чиқади:

«Бойбўри, Худо сенга ул билан қиз юборди, бирданига эгизак юборди. Бойсари, сенга ҳам Худо фарзанд ато қилди. Лекин эгизак эмас, битта қиз ато қилади. Энди уйингизга кетинглар, болалар туғилганда халққа катта тўй берингглар. Тўйга қаландар бўлиб ўзим бораман. Болаларнинг ҳар бирига исм қўяман».

Фозил Йўлдош вариантида қаҳрамон Шоҳимардон Али қудрати билан туғилади ва Алининг ўзи қаландар киёфасида келиб, қаҳрамон икки курагининг ўртасига панжа урали, қаҳрамоннинг «ўтда куймаслиги, сувда чўкмаслиги, қилич чопмаслиги» шу билан изоҳланади ва етти ёшида бобосидан қолган 14 ботмон парли ёйни отиб, Аскар тоғининг чўққисини учиради.

Демак, «Алпомиш»га ҳар бир бахши ўзича ёндошади.

* * *

1991 йил севимли диёримиз Ўзбекистон собиқ Иттифоқдан ажралиб чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилди ва БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланди. Мустақиллик тўпланиб ётган муаммоларни (жумладан, маънавият соҳасида ҳам) ҳал этишга катта ва бебаҳо имконият яратди.

Ҳа, энди халқимизни қизиқтирган масалаларни чинакам ўрганишнинг вақти-соати етиб келди. Баҳор кириши билан табиат бағридан янги ўтлар, гул-чечаклар, турфа мавжудотлар бош кўтариб, атрофга бўй-коматларини ростлаганидек, кўз ўнгимизда азиз Ватанимизнинг қайта туғилиши жамиятда, табиатда бетакрор ва улкан ҳодиса бўлди, халкимизнинг тафаккури янгиланди. Шу маънода «Алпомиш» – тафаккур мевасидир.

Эҳтимол, достоннинг урвоқ, хамиртуруши қадим халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналари – термалар, қўшиқлар, афсона ва ривоятлар – «Авесто», «Девону луғатит турк», Ҳинд эпоси «Панжа Пантра» (Калила ва Димна), Энасой дарёси ҳавзаси руно ёзуви ёдгорликларига бориб туташар. Аммо, бизнинг уларни ўрганишга, фактларни мушоҳада этишга хозирча имконимиз йўқ. Гапни тўғридан-тўғри Хушбоқ бахши куйлаган «Алпомиш»дан бошлайверамиз.

«Ҳов-ва-ва! Азизлар, айтмоқ биздан, эшитмоқ сиздан. Ўн минг уйли Қўнғирот элидан, қавмларнинг тоза, хешу-хилидан. Ҳозирги Сурхондарё

вилоятининг Бойсун тумани илгари Хожанқанд бўлган. Хожаулкан деган жой бор: Шероботнинг устида. Хожаларнинг улкани бўлган у кишилар олти оғайни бўлиб, бирлари Хожа Ҳаким ат-Термизий, Хожа Исо Термизий. Хожаикон туз кони чиқиб турибди у ерда, тўртинчилари Хожаипок ота. Хожаипок отадан сув чиқиб турибди. У кишининг сувларидан кимки ичса иймони пок бўлғай, ювинса дарддан фориғ бўлади.

Бойсунининг бундан минг йиллар илгариги номи Хожанқанд эди. Япроқларидан қанд-шакар ёғиб ётар. Халқи нон ўрнига шакарқанд еб, қорин тўйғазар, шунинг учун бу ерлар Хожанқанд деб аталар эди. Кейинчалик Хожанд бўлиб кетди.

Хожандда Добонбий деган ўтди. Добонбийнинг Олпинбий деган фарзанди бор эди. Олпинбийдан иккита ўғил қолди: бирини Бойбўри, иккинчисини Бойсари дегич эди. Бойбўри шу ерда бек. Бойсари беш минг қўйли бой бўлди...

Уларнинг давлатдан — савлатдан ками йўқ, фақат «тирноқ»ка—ул-қизга зорлиги алам қиларди, ох-у зори шул эди. Ака-ука шул дард билан овда ухлаб ётганда, тушларида уч киши келиб, Бойбўрига — сен ул-қизли бўласан, Бойсарига — сен какликдай қиз кўрасан, — деб башорат қилиб кетади. Улар шодон қайтишиб, элга тўй беришади...

Ана шунда, ҳу, қаранг, раста-раста одам тўлиб кетди, баланд-пастда қўй сўйиляпди, сурнай чалиняпди, қозон қўйиляпти. Қўнғирот – Дўрмон, бутун Узбек мамлакати Чилвир чўлини, Ховдак кўлини босиб кетди... «Шундай адолатли пошшага ҳам Худо фарзанд берсин-а», «Хушхабарига 6 ой тўй берса, зурёдлари дунёга келгач, боз 6 ой тўй беради, етим-есирларнинг бари тўйиб қолади», «Худоё, яхшига берсин!...» дейишиб, бачча-чағар ҳамма далага чиқиб кетди... Қозон қўйилган, қўй сўйилган, одамлар гала-гала келаяпди, товоқлар тўртов ора қўйиляпди. Нафси ёмоннинг мурти куяяпди, «Жувонмарг ўлгур калвачча, нарирок тур», - деб тумшуғига туртаяпди, ул эса онажон, билмасам, деб оғзини дастурхонга суртаяпди... Ҳов унда Бойбўри билан Бойсари курашга бойлик берса, бирови кўпкарига соврин қўяяпди. Шуйтиб, тўй ўтаверсин, Оллоҳ таолонинг карами билан тўққиз ой тўққиз кун ўтиб, Бойбўрига аввал биргина фарзанд ато этди. Бойсари қиз кўрди. Улга – Ҳакимбек, қизга – Барчин деб исм қўйишиб, иккингиз куда бўлинглар, дея эл ака-ука Бойбўри, Бойсариларга дуо беришди...»

Севимли достонимиз шундай бошланади.

Лекин бахшидан, «бахши» аталган яхшидан достон тугул, биргина кўшиқ, терма, марсия айттириб ола билиш ҳам ўз-ўзидан бўлмаган. Омонулла Мадаев деган олим илмий ишни тайёрлаш арафасида Бола бахшини излаб, Хивага боради. Бола бахши нима сабабдандир ўша кунлари

достон куйлашни ташлаган, торни кўлига олмасликка касам ичган эди. Омонулла аканинг барча саъй-харакатлари бекор кетади. Аммо Бола бахши — мехмондўст киши, мехмонни хафа килмайди, ёр-жўраларини чакириб, мехмон шарафига тўкин дастурхон ёзади. Аския, кўшик, куй осмонга ўрлайди. Устоз яхши рубобчи. У бир куй чалиб бериш бахонасида рубоб сўраб, «Рохат»ни, сўнг «Муножот»ни чалади. Бола бахши куйга берилиб, икки тиззасига урганча «вах-вах»га тушиб кетади. Хали «Муножот» тугамасданок кўлига тор олиб, терма бошлайди: унинг томирларида котиб колган завк энди хайкириб окаётган эди...

Бошка бир хикоятни профессор Баходир Саримсоков давом эттиради: «Маросим кўшикларини тадкик килаётган йилларим. «Хур киз» кўшиғи борлигини эшитганман-у, кўлимда на мати бор, на кай тарзда, кай охангда айтилишини билмайман. Тасодифан (бу кунни хеч кимнинг бошига солмасин!) кариндошлардан бирининг бўйга етган кизи казо килди. Таъзияга бордим. Менга якин аёллардан бири мен билан йиғлаб кўришди, бўйнимдан кучоклаб олган. Ўзимнинг бокира киз учун дилим эзилиб турарди-ю, шу пайтда мавзуни ўйлаганимни каранг. Биламан, хали мурда ювилмаган. Хозир кизнинг янгалари кириб, уни ювиб, кафанлашлари керак. Хамиша ёнимда гугурт кутисидек магнитафон юради, ўшани тавакkал килиб, йиғлаб кўришаётган хотиннинг камзул чўнтагига солиб юбордим. Билиб колса, шармандам чикади. Нима килай? Азага борган кампир ўз дардини айтиб, йиғларкан, Ўлик кафанланди. Хаёлим халиги хотинда. Аста якинлашдим. У-бу, деб гапга солиб, чўнтагига кўл сукдим. Иш хамирдан кил суғургандек битди».

Бизгача етиб келган халк оғзаки ижоди намуналарининг кўпчилиги шу хил «тақдир»га эга. Аммо ўз бахшимиз Хушбок Мардонакул ўғли айтган «Алпомиш» достони янгидан яралди.

* * *

Асарда, ошик кўнгилларни жазавага солган Барчиннинг кирк канизаки билан келишида шундай кўриниш бор... Элчилар, ха, айтганларингизни албатта, Тойчахонга етказамиз, деб, отларига минишаётганди, иттифоқо Сайрибоққа чиқиб кетган Барчин канизаклари билан ёниб-товланиб, гулдай соланиб, аммо ўзи хам билибми-билмай, уларга якинлашиб колса бўладим-а?

Бу оламда бир ўзи,
Олло суйиб яратган
Атрофда кирк канизи,
Хуснин яна таратган.
Товусдай соллониши
Тўрт томонни каратган.

Хайла Барчин хур нигор,
Кўзлари хумор-хумор.

Дуо бериб юборган,
Ок сут берган энаси.
Якин келган одамнинг
Тўкилади гуноси.
Зар кўйлакка ярашик
Қўш мугизли сийнаси.
Ўзи гул, парирухсор,
Кўзлари хумор-хумор:

Кўриб колган одамнинг
Олти ойлик озиғи.
Кўрмай колган бўлса-чи,
Улам тақдир ёзиғи.
Бир кўрганга белгили
Қўлидаги узуги,
Келаётир дилафгор,
Кўзлари хумор-хумор;

Зулфни тоблаб қўйдилар,
Кўрганларни куйдирар,
Кўкрагидан искасанг,
Кирк кунгача тўйдирар.
Бир жилмайиб бокиши,
Қайлиғингни куйдирар.
Кимларга насиб бу ёр,
Кўзлари хумор-хумор:

Босган ери миннатдор,
Босмагани гинадор.
Укчасини ўпмокка
Не маконлар зор-зор.
Бизга хам етсин қадам,
Деган жойлар бор-бор.
Кимга шайдо Барчин ёр,
Кўзлари хумор-хумор.

Руян текан келига,

Шохи белбоғ белига.
Бутун оро хусинда
Ўзбекларнинг элига.
Ман-ман деган парилар
Сув қуёлмас қўлига.
Зор тикилди жигитлар,
Мақтал кетган йўлига.

Ҳавас қилганчалик бор,
Кўзлари хумор-хумор.
Қорли товлар газаси,
Сочма милтиқ дазаси.
Хайла келаётирлар,
Сулувларнинг тозаси,
Битта қучиб ўпсангиз,
Ҳафта кетмас мазаси.
Бахтли бўлсин пойдор
Кўзлари хумор-хумор.

Нафсиятинг нақтаро.
Қийқиллашиб кетаро.
Доғда қолган жазманлар
Кундан кунга баттаро,
Оқ суягини отиб,
Кўкса тошга етаро.
Шундай бу Лайли ишор,
Кўзлари хумор-хумор.

Гапнинг созин қидирсак,
Сози йўқдир ростидан.
Тиниб оқар жилғалар
Оқ қорларнинг остидан;
Бизнинг ўша Барчиной,
Осмонимизда чин ой.
Келиб қолди-ку хай-хай
Ясовуллар устидан.

Не тонг, шуйтиб тўқнашди,
Бойсарининг ҳур қизи.
Бир зум қаловлаб шашти,

Юзи бўлди қирмизи.
Энди ёри қўлласин,
Тўғри йўлга йўлласин.
Қочмоққа осмон ер тор,
Кўзлари хумор-хумор.

Ясовуллар Барчинни кўришиб, ақлидан бегона бўлди. Баччағар Қўнғиротнинг шундай сулувлари бор экан-а? Булам бировнинг шўрида. Бизнинг Тойчахон мамлакатида тўқсонта алп бор. Таърифини эшитса борми, ақлидан адашади, бир-бири билан талашади, савашларга тушиб, савалашади. Алпларга айтамизми, кимлардан суюнчи оламиз, дейишиб, барининг кўнглига ғулғула тушиб, бораётибди...

Ҳа, шу «ғулғула» асарнинг бундан сўнгги барча боблари ва ғолибона ҳаракатларини белгилаб беради; Барчинни – вафоли ёр, алп аёл; Ҳакимбекни эса – Алпомиш сифатида оламга танитади. Гап бунда ҳам эмас...

Гап келтирилган таърифнинг қўшиқ бўлиб жаранглашида, тилининг равонлигида.

* * *

«Алпомиш»нинг кенг тарқалиши ва севимли асарга айланиши сабаб, унинг моҳияти бор: тарбиявий ва бадиий савияси бениҳоя юксак ва халқчилдир. Халқ ҳаёти кенг кўламда кўрсатилган: қаҳрамонларнинг эҳтиросҳаяжонлари жўшкин, дўстларга нисбатан муҳаббатлари – самимий ва ҳаётий.

Бошқаларида бўлганидек, унинг ҳам ўз нақароти бор: бу қаҳрамон ва персонажларининг сўнмас журъати, ҳар бир машаққат олдида ҳам ўзини йўқотмаслиги, дўстга – меҳр, душманга – қаҳр, элига – содиқ бўлиш туйғуларида кўринади.

Ҳар бир шоир ўзича ёндошган, Эргаш Жуманбулбулда ҳам сапчаларни узиш, Бойбўрининг «Бойсари ўлиб, моли улимга қолади», дейиши. Эгамберди бахшида – сув талашиш. Хушбоқ бахшида – кий супуриш, икки овсин можароси мазмун мундарижасини очишга хизмат қилади. Пўлканда – Ҳакимбек ҳам, Бойчибор ҳам, нортуя ҳам бир кунда туғилади. Ҳакимбек бўталоқнинг онасини эмиб, вояга етади. Диний руҳдан қатъи назар халқ донишмандлигида халқни бало-қазолардан сақлайдиган, унинг манфаатлари учун курашадиган баҳодирлар одатий тарзда туғилмаслиги керак, ва аксинча; уларнинг туғилиши ҳам катта бир воқеа сифатида кўзга ташланиши, ғаним кўнглига ваҳима, ларза солмоғи лозим. Баҳодир етти ёшида парли ёй отганда, ракиби кўкрагини захга бериб ётади, унинг етилиши ҳам ғайри табиий. Қоражон билан кучоқлашиб кўришиши, алпларнинг зўрини енгиши, мерганлиги, Сурхайилнинг қўлидан омон кутулиши...

лиши, минглаб душманларни бир ўзи даф эта олиши баҳодирлик «санъат»ини оча боради.

Асардаги муҳим нуқталардан бири закот муаммосидир. У Абдулла шоир, Фозил шоир ва бошқаларда қуйидагича талқин этилади. Айниқса, Ҳакимбек «шоҳлик, сипоҳлик илми»га қизиқса, Барчин «қўй соғмоққа уста» бўлмоқчи эди. Кунлардан бир куни Ҳакимбек китоб ўқиб ўтирганда бахилликдан, саҳийликдан гап чиқиб қолди. Бойбўри Алпомишдан: «Киши нимадан бахил бўлади, нимадан саҳий бўлади», деб сўрайди.

Хўш, Алпомишга қалар Бойбўрининг ўзи шоҳлик салтанатида ўтириб, мусулмон шариатининг «бахил», «саҳий», «закот» деган тушунчаларини билмасмиди? Алпомишдан сўраган экан, унгача албатта, китоб кўрган, шариат қонун-қоидаларини билган зодагон давлат киниси йўқ эди.

Қурсин Ҳакимбеги мулла бўлибди.
Безакот молларни харом билибди.

Демак, достон бошлама қисмининг бутун тайёргарлиги «закот» учун...

Хўш, аслида, закот солиш Бойбўрига нима учун керак бўлиб қолди? «Бу элларда закот йўқ» экан; бундан кейин ҳам закотсиз яшайверса бўлмасмиди? Бойсарининг молларини (Абдулло шоир нусхасида, айниқса) закот қилиш Бойбўрининг хаёлига дафъатан урилган нарса эмас. Ахир «Бойсари бой эди. Бойбўри шоҳ эди». Бир элда иккови ҳам мустақил эди. Табиийки, шоҳ Бойбўрига бу ҳол ёқмас эди. Чунки, унинг бир эмас, икки устунлиги бор: «ўн олти уруғ Қўнғирот элининг ҳам бойи... ҳам шохи, ҳам Барчиннинг қайин ота бўлмиши».

Сен эшитгин Бойсарининг тилини,
Акам бизга миннат қилди улини.

Зеро, Бойбўри ҳокими мутлақ бўлишни истар, Ҳакимбекнинг ўқиётган китобидан чиққан «закот» қўл келиб қолди. Бойбўри Бойсарининг молига муҳтож эмас, ўзиники ачиб ётибди. Лекин «давлати»да «ёлғиз иниси Бойсари бахилликка чиқиб кетмасин», шунга кўра Бойбўрига закот бериши керак. Майли, «ўз розилиги билан бир орик улоқни закот деб... берсин. Закот ўрнига ўтар».

Закот деб бергандан сўнг бир орик улоқ берадими, бир йилки подасини берадими, бари бир қарамлигини намойиш қилган бўлади-да! Бойбўрининг закотдан ва «бир орик улоқ» найрангидан тутган мақсади шу. Шунинг учун ҳам кўчиб кетаётган укасини йўлдан қайтармайди, «закот» деган одатини тарк этмайди. Алпомиш Барчинга бораман деганда қаршилик кўрсатади,

Достон икки қисмдан иборат, бунинг ҳикмати бор: биринчи қисмнинг давом этиши – янгилик билан эскиликнинг ўртасидаги кураш, давлатчиликни қарор топириш учун ҳаракат, марказий давлат барпо қилиш

учун ва Ҳокимиятга нисбатан зўрлик ишлатишга қарши кураш акс этади – Алпомиш енгиб чиқади. Афтидан ана шу икки қисм бир вақтда яратилганмас. Эҳтимол, улар икки қаҳрамон ҳақидаги достон бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик Алпомиш номи билан боғланиб, бир бутун достон шаклини олган бўлса, ажабланадиган жойи йўқ. Бу, албатта, асосий муаммо «закот» масаласидан келиб чиққан.

Эътибор беринг:

Бойсарига энди хабар елибди.
Элатидан катта-кичик келибди.
Бир даврада маслаҳатни қилибди.
Барчинни кузатиб қайтмоқ бўлибди.
Халқни айтсак, гапнинг шу борасида,
Бойсарибой икки ўт орасида.
Қўйиб берса, бормайман деб турибди.
Эли эса уни «зўрлаб» кўрибди:
– Сен қоларсан, кетар шундан элатинг,
– Сўнгра учмоқликка йўқдир қанотинг.
Ўн минг уйли Қўнғирот эди қувватинг
Айт-чи, ёлғиз неларга сиғар ҳаддинг.
Шу ер билса неча вақт тургансан.
Қизинг талаш бўлиб, изза кўргансан.
Бизнинг гапни ҳеч ҳам малол олмагин.
Оқсоқолми элдан ажраб қолмаган.

Қавм-қариндошнинг гапига қараб, Бойсари ҳам бир оғиз сўз айтиб турган экан:

– Қариндошлар эшит айтган сўзимни.
– Қерак бўлса олиб кетсин қизимни.
– Бориб мен акамга таъна бўлгунча,
– Қалмоқ ўйиб олсин икки кўзимни..

Бойсари Барчинни узатишда дейди:

– Тойрилиб бошимдан тожи – давлатим,
– Бойбўрига танҳо қолди элатим.

Демак, Бойсари акасининг «зарбидан сарсон бўлган», «тож-давлат» бошидан кетган шоҳ эди. «Закот» деган одатини қўймаган» акасига ўз мустақиллигини топтатишни, уруғларнинг бирлашувини истамаган бир шахс эди.

Хўш, уруғлар бирлашдими? Давлат барпо бўлдими?.. Ҳа, Алпомиш ўзи билан бутун уруғни бошлаб кетди. Элат Бойбўрига танҳо қолди (лекин бу билан ҳали-ҳануз муаммо тўла-тўкис ҳал бўлгани йўқ. Ҳа, худди шундай).

Бойсари ҳам ҳаётдан ўз «мукофот»ини олди, уни Тойчахон берди: ўз молларига ўзи етим бўлиб колди. Шу ҳақда дейди:

Чикиб эдим, мен акамдан ўпкалаб,
Ҳозир менга Қалмоқ бўлгандир тараф.
Душман экан, билмаганим билдирди,
Ҳар на деса айтганини қилдирди.
Арза берай Бойсун Қўнғирот хокига,
Элтсин Бойбўридай мехрибонига.

Лекин Бойсари ўз гапини яна ўзи кайтиб олади:

Янглиш айтибман сенга сўзимни
Эсима олмапман Барчин қизимни.
Ҳаялласанг оша оғир олмагин
Қизима бер, Бойбўрига берманган.

Бойсари жуда яхши биладики, уни қутқариш учун Барчин эмас, ё Алпомишнинг ўзи келади, ё Бойбўри лашкар тортиб келиши керак. Лекин, оғир ахволда турганида ҳам, арзани Бойбўрига эмас, Барчинга бер, дейди. Тўғридан-тўғри Бойбўрига беришга бўйини ёр бермай, Барчин оркали ахволини билдирмокчи бўлади. Мағрурлик сина бошлайди. Аммо Бойбўри ҳам Бойсарини олиб келишга «кўзи учиб турган» эмас. Шох анойилик қилмайди — Алпомишни йўлдан урали: «Бойсарининг кизини олиб келдинг, ўзини бошингга урасанми», дейди.

Бойсари ҳам тақдиридан кўрар-да,
Куни битса охир бир кун ўлар-да.
Тавқир «ўйин»лари шуйтиб кўп бўлар.
Ўлмаса бир куни кириб келар-да.

Бойбўри Бойсарининг ўзи келишини, акаси оёгига бош уриб сиғинишини истайди. Асар ечимида Бойбўри фаолиятсиз туради: Бойсарига ўн одамини Алпомиш юборади.

Иккинчи қисм яратилишининг, тўғрироғи, мустақил бўлган бир достоннинг 1-қисмига бириктирилиб, бир бутун асар ҳолига келтирилишининг яна бир ҳикмати бор. Биринчи қисмдаги мазмун асосини ташкил этувчи Алпомиш образи бошқа романтик, ишқ-муҳаббат достонларидаги қаҳрамонлардан фарқ қилмайди. У етти ёшида Асқар тоғининг чўққисини ёй отиб, учириб юборган алп бола. Ўн тўрт ёшида бир ўзи Қалмоқ юртига бориб, неке пахлавонлар орасидан ёрини олиб келган уддабурон ўспирин, кучкувватига ишониб, учраган одамига дўқ қиладиган (Қоражон билан учрашув эпизодига қаралсин) елвагай чапани. У фақат пахлавонгина эмас, аввало, инсон эканлиги намоён бўлади, инсоний ҳислари, дилидаги эзгу кечинмалар зоҳир бўлади. У халқ ҳаётини, муҳаббат, соғинч деган энг мукаддас

туйғуларни бутун қалбя билан ҳис қилади. Бу қисмда Алпомиш образи сайқал топади. Аниқ қиёфадаги қаҳрамон инсон бўлиб гавдаланади.

Фольклорда «севги» мавзуси одамни одам қиладиган, кишини қаҳрамонликларга ундайдиган воситадир. Барчин муҳаббатни доноликнинг бир қисми сифатида қабул қилади. Ҳақиқатда ҳам муҳаббат ҳаёт мундарижасининг бир қисмидир. Муҳаббатсиз ҳаёт йўқдир... Алпомиш ва Барчин муҳаббатни шундай тушунадилар ва шунинг учун Барчин ўз севган кишисининг қаҳрамонлик курашида ғолиб чиқмоғини юракдан тилайди.

Бу жойда Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари ёдга тушади. Бу асар қаҳрамони Неетан, Дорижон ҳам худди Барчин сингари ўз севгиси Тариелни қаҳрамонликка ундайди.

Наҳотки муҳаббатда ёлғиз ўлим, алам бор,
Севганингга иш кўрсат, ўзингни қилмагин хор.
Оқ йўл бўлсин жангга бор, душманни тўғра тошда,
Шараф ва шон билан қайт, қудрат бордир қуёшда

Барчин Алпомишга айтади:

Бу душанни кўкка отсанг не, бўлар,
Иш кўрсатсанг менинг кўнглим топилар.
Мардлар олитмайди: силтаб отади,
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.
Бўш одамнинг нияти ланж, иши ланж,
Бўш одамда омад, қарор нетади!...

Достондаги шартлар бошқаларида ҳам ўз ифодасини топган. Лекин бунда ва талқинларнинг кўпчилигида шарт учта: қирқ кунлик пойга, кураш, ёяндоз. Пўлкан ва Берди бахшида шарт иккита: пойга ва кураш. Бекмурод Жўрабой ўғлида (Қорақалпоқ талқинида ҳам). Баъзи бахшиларда тўртинчи шарт ҳам ифода қилинган. Бу шарт бўйича Алпомиш Барчинни аравадан кўтариб олиб, тўй бўладиган жойгача қўлида кўтариб кетиши керак эди, аммо у урф-одат бўйича қўйилган бу шартни бажара олмайди. У шартни ўринлата олмагач, Барчиннинг қўлидан тортади. Барчин қимир этмайди, кейин Барчин унинг қўлидан тортса, чайқалиб кетади. Кейин ўлан айтишуви бўлади. Барчин ўланнинг – айтган шеърий топишмоқларнинг мағзини Алпомиш айтиб бергач, қиз ўзини енгилган ҳисоблайди. Бошқа вариантларда учрамаган бу ҳолат, эҳтимол, қадимий афсона шаклини ифода қилар.

Биз достондаги бир қатор ниятларнинг юксак руҳият билан куйланганлигини ва бу асарнинг ниҳоятда халқчиллигини кўрдик.

* * *

«Алпомиш»нинг кўпгина халқларга кенг тарқалиши ва севимли асарга айланишининг маълум сабаби бор. Достоннинг ғоявий-бадиий қиммати

бениҳоя юксак ва халқчилдир. Унда халқ ҳаёти кенг кўламда кўрсатилади, қаҳрамонларнинг ҳаяжонлари, жўшкин қалблари, дўстларига бўлган оташин муҳаббати жуда ҳаётий, ифодали қилиб тасвир қилинади.

Алпомиш фақат қаҳрамонгина эмас, аввало инсон эканлигини намоён қилади, инсоний ҳислари, дилидаги эзгу кечинмалар зоҳир бўлади. У халқ ҳаётини, муҳаббат, соғинч деган энг муҳим мукаддас туйғуларни бутун қалби билан ҳис қилади. Достон давомида Алпомиш образи сайқал топади. Эл ҳурматига сазовор қаҳрамон етук инсон бўлиб гавдаланади. Қарама-қаршиликлар билан тўлган жамият, турмуш Алпомиш билан Барчин бошига жуда катта кулфатлар солади, уларга ҳар қадамда бахт ўрнига мусибат ёпишади. Ниҳоят Барчин ўз замонидан нолийди:

Бузилсин, йиқилсин, бу чархи кошод,
Дунёнинг ғамидан бўлмадим озод.

Алпомиш зиндонга тушиб, етти йил банди бўлиб ётади. Кўзига жаҳон коронғу бўлиб кўринган ботир, золим подшоларнинг ишидан шикоят қилади:

Оҳ тортсам тўкилар кўзимнинг ёши,
Илоҳим, қурисин подшолар иши.

Алпомиш одамзод ҳақида, унинг озодлиги тўғрисида ўйлай бошлайди. Алпомиш қалмоқ шоҳи, унинг давлати билан курашади, уни йиқитади: Ўз элида бўлганида ҳам Алпомиш юртда тинчлик ўрнатиш, халқининг осойишта яшаши учун уринади.

Достонда Алпомиш билан Барчин орасидаги муҳаббатнинг софлиги ва тиниқлиги йигитнинг қаҳрамонлигида, қизнинг садоқатида кўринади, шаклланади. Достоннинг қимматли хусусиятларидан бири шуки, Алпомиш билан Барчин орасида муҳаббат бор, улар бир-бирисиз туролмайдилар, деб қуруқ изоҳ берилмайди. Уларнинг бир-бирига бўлган садоқати, ички кечинмаларида яққол кўринади.

Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси,
Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси.
Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,
Мени билсанг Қўнғирот элнинг тўраси.
Кўккамиш кўлидан суқсур учирдим,
Суқсурни излаган лочин бўламан.
Боғларим зумраддан, чангалим пўлат,
Қўнғиротдан қўйилган шунқор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Таянчга ташлаб Олатоғни ёйлаган,
Камбағал қирқ минг бир гала ҳайдаган,
Шу галага бизнинг бир туя келган,

Шу туянинг йўқчиси, нори бўламан.
Ҳаератдан ғамга тўлдим оҳ уриб,
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб...

Бу ўхшатма оркали айтилган гапларда Алпомишнинг дил изтироби, соғинчи зоҳир.

«Алпомиш»да муҳаббат — дўстликнинг асосидир. Бир-бирига бўлган севги ва дўстлик Алпомиш билан Барчин учун ёмонлик устидан бўлган тантанани таъмин қилади.

Достонда муҳаббат тасвири жуда чиройли чизикларда кўрсатилади. Бошқа достонлардан фарқ қиладиган томони шундаки, унда йигит билан қиз тенг кўрсатилади, иккови ҳам ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, бу жиҳатдан Барчиннинг мукаммал ишланган образи билан боғлиқ сюжет чизиғи жуда характерлидир.

Шоир Барчин образини сатрма-сатр, воқеадан-воқеага ривожлантириб боради ва бу образ ўқувчи кўз олдида чинакамига ва халқчил бўлиб гавдаланади. У Алпомишдан ҳам кўра садоқатлироқ, ботирроқ, фаолроқ қилиб тасвир этилади. Барчин озод ва эркин ишқ тарафдори. Бу йўлда уни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Унинг учун ер юзида ҳақиқат, чин муҳаббат, одамшавандалик бўлса бас, шу йўлда у ҳамма нарсадан кечади.

Молу мулку, хону моним керакмас,
Фасли баҳор – гулистоним керакмас.

У бу жиҳатдан Алишер Навоий яратган ўлмас Ширин образини эслатади. Ширин ҳам Хисрав чангалида қолганда:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур,

дейди.

Барчин қалмоқ полвонлари ўртасида талаш бўлиб қолганда, Бойсари гангиб қолиб, оқсоқолларга маслаҳат солади. Оқсоқоллар ўз маишатининг бузилмаслигини истаб, Барчинни қалмоқларга беришни маслаҳат берадилар. Аммо, Барчин ўз мустақиллигини топтатиб қўядиган, тақдирини оқсоқоллар қўлига топшириб қўядиган мунгли, муштипар эмас. У эски турмушнинг таг заминига ўт қўйиб, оқсоқолларни лол қолдиради:

Жуда ҳам гангиди бой ота бошинг,
Маслаҳат берди-ку, қавми-қардошинг.
Кўп йиғлама, жоним отам, дарвешим,
Эшитмагин қариндошлар сўзини...
Сен йиғладинг, ота, кўнглим бузилди,
Дийда-гирён бўлиб бағрим эзилди.
Қўябер алпларга менинг ўзимни.
Қалмоқларга жавоб бермагим даркор.

Хафа бўлсанг менинг кўнглим бузилар.
Ул алпларга мен бўламан баробар.
Хафа бўлма, ота, ўзимга тапла:
Жазосини кўриб кетсин келмоклар.
Яраникка мен зулфимни терарман,
Қалмокларга ганирмакка ярарман.
Нима деса, ота, жавоб берарман.
Хаёлингда қийин бўлгандир итанг,
Мен биламан жуда гангиган бошинг.
Хафа бўлма, жоним отам, дарвешим.
Ҳар на деб амр этсанг ани қилайин.
Бу алпларга ўзим жавоб берайин.

Барчиннинг чуқур лиризм билан суғорилган монологи шунчаки ғамгин отага тасалли бериш ёки лоф эмас, ўз кучига ишониб, шундай дегани учун ҳам «маслаҳатгўй»ларнинг кути учади. «Бу ҳам ўзбошимча жувонмарг... алпларга баланд-паст гапирар, касофатига ҳаммамизни оёк ости қилиб, босиб кетар. Жавоб бергич бўлса, бизнинг ичимиздан чиқиб, холис ерда жавоб берсин», дейди оксоколлар.

Барчиннинг юқоридаги монологида ҳам, қалмокларга айтган «баланд-паст» гапларида, бутун хатти-ҳаракатида ор-номус учун, самимий мухаббат учун кураш ғояси барқ уриб туради ва бу ғоя Барчин образини халқчил қилиб кўрсатади.

Барчин ўзигагина мард, ўзигагина ор-номусли бўлиб қолмайди, у севгилисидан ҳам қаҳрамонлик кўрсатишини, ўз ор-номуси учун курашишини талаб қилади. У ахир, Алпомишнинг мукаммал одам эканлигини, муҳаббати, эл-халки, ўз ор-номуси учун ўлимдан ҳам қайтмаслигини бутун элга намойиш қилгиси бор. Инсоний ҳислардан тубан, фақат ўз билагига ишонган Кўкалдошлар эмас, балки гўзал инсон эканлигини айтгиси бор. Шунинг учун ҳам Алпомиш келиши билан этагидан ушлаб, эргашиб кетавермайди, унинг олдига тўртта шарт қўяди.

Хушбоқ бахшидаги шартларнинг тўртта бўлиши ва уларнинг бири (пойга) Қоражон ва Бойчибор оркали амалга ошиши, иккитаси қаҳрамоннинг ўзи томонидан қилиниши ўқувчининг қаҳрамон образи атрофидаги воқеалардан чалғитмайди ва бу шартларнинг бажарилиши, биринчидан, Алпомиш ва Барчин образларининг очилмаган қирраларини кашф этса, иккинчидан, асарнинг иккинчи қисмига замин ҳозирлайди.

Достоннинг Хушбоқ бахшидаги нусха шартлари тўртта бўлишининг яна бир хусусняти шундаки, улар оркали Алпомиш образи яна ҳам маҳобатлирок кўринади.

Шундай қилиб, Алпомиш билан Барчин муҳаббати асарнинг бош мазмуни билан йўғрилиб кетган: чин инсоний муҳаббат эскилик устидан ғалаба қозонади. Душманни ер билан яксон қилади.

Асарнинг бош мазмунини белгиловчи яна бир мотив бор: бу муҳаббат билан чамбарчас боғланган дўстлик мотивидир. Дўстлик достон ғоявий асосининг бош мотивларидан бири бўлиб, халқ руҳига ва қаҳрамонлик эпоси характерига мос тушади. Бу мотив барча талқинларда ҳам достон сюжетининг ажралмас қисми бўлиб кўринади.

Алпомиш билан Қоражон орасидаги самимий дўстлик бу халклар дўстлигининг рамзий ифодасидир.

Тарихий манбаларнинг берган маълумотларига қараганда, XV–XVII асрларда кўнғиротлар билан қалмоклар бир-бирларига ўт билан сувдек душман эканлар. Бу душманликни босқинчилик урушлари олиб боришдан манфаатдор бўлган ҳоким синф вакиллари ўт олдириб турган. Маълумки, ўзаро уруш ва талашларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш халк зиммасига тушарди. Мамлакат ичидаги талон-торожлик, ўзаро келишмовчиликларнинг ўзи етиб ортар, ҳоким синф вакиллари келишмовчиликларни ҳам ўт олдирар, ота билан бола, ака билан ука орасига нифоқ солиб, ўз манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилар эдилар.

Ҳақиқий дўстлик ҳамиша катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қизиқиш, мақсад ва вазифаларнинг умумийлигидан келиб чиқади. Бу сиз ҳақиқий ва мустаҳкам дўстликнинг бўлиши мумкин эмас. Алпомишнинг бирор мамлакатга, бирор халққа ёмонлик қилиш нияти йўқ. Қалмоқ юртига икки марта сафар қилди, биринчисида севимли ёрини қутқариш учун борса, иккинчисида зулм остида қолган Бойсарини қутқариш учун сафарга отланади. Ҳар икки сафарда ҳам қалмокларнинг ўзлари Алпомишни турткилайдилар. Шундай зўрлик ишлатилган пайтда Алпомишнинг қарши туриб, куч синашиши табиий эди. Алпомиш ор-номус майдонида ҳақиқат учун курашади. Алплар майдонда ер билан яксон бўладилар. Алпомиш ўз юртига ғалаба билан қайтаётганда қалмоқ лашкарини Қалмоқ шоҳига алданган, лақма деб билади ва уларга ҳужум қилмоқчи бўлган Қоражонни қайтаради. Аммо, қалмоқ лашкарбошилари уруш очадилар ва мағлубиятга учрайдилар. Алпомишнинг кўнглида Тойчахонга, золим шоҳга нисбатан каттиқ нафрат уйғонади. Маълумки, қаҳрамоннинг жисмоний қудрати, унинг баходирлик кучи «Алпомиш»нинг барча нусхаларида поэтик айтишув хусусияти қаҳрамон маънавий қиёфасини, баходирлар дўстлигини белгилайди.

Дарҳақиқат, шундай. «Алпомиш»нинг уч талқинида ҳам яккама-якка курашда Алпомиш енгиб чиққач, Қоражон билан Алпомиш ўртасида дўстлик иплари уланади ва бу дўстлик бир умрга етади.

Қоражон Алпомишнинг кучига тан беради, аммо кўркканидан қаҳрамон билан якинлашмайди. У Алпомиш билан онгли равишда дўст бўлади ва онгли равишда кўп иротлилар манфаати учун курашади. Бу билан у ўз юртига, халкига хоинлик килаётгани йўк. У золимларга карши, хакикат ва адолат тантанаси учун курашади.

Қоражон пойга махалида Кўкалдошнинг насихатига кулок солмайди, у худди ана шу хакикат ва адолат учун ўз акаларидан воз кечади. Бу жуда мухим нукта. Ўкувчи Қоражонни айбламайди, чунки ўкувчининг мехри Алпомиш тарафида – хакикат ва адолат томонида тасвирланади. Бу дўстлик инсон дунёкарашидаги буюк одамий гўзаллик, кишилар ўртасидаги мураккаб ўзаро алокалар оркали ёркин намоён бўлади.

«Алпомиш» достони, аввало, каҳрамонлик эпоси бўлиб колар экан, бу хусусият Фозил шоир ижросида дўстлик руҳиятининг соясида колмайди. Яъни, Алпомиш ва Қоражон ўртасидаги дўстлик Алпомишнинг каҳрамонлигини кўрсатиш масаласига мутлако салбий таъсир кўрсатмайди. Айни чокда фольклоршунос олимларнинг диккатини ўзига тортган ва катта мунозараларга сабаб бўлган эпизодни мисол килиб келтириш ўринли бўлур эди.

Маълумки, Алпомишга насбатан бўлган дўстликка хамиша содик колган Қоражон Улгонтознинг майлига карама-карши холда Қалмок юртига боради ва зиндондаги Алпомишни кутказишга харакат килади. Аммо Хушбок шоир фикрича, каҳрамонлик эгасининг бош образи достонда тасвирланувчи кураш давомида энг мухим тўсикларни ўзи енгиши лозим эди. Барчин шартларнинг бажаришда Бойчиборни Қоражонга берган Алпомиш энди унинг ёрдами билан озодликка чикишни ўзига эп билмайди. Маълумки, Барчин шартларига кўра каҳрамоннинг ўзи эмас, балки унинг оти мусобакада енгиб чикиши керак эди ва пойгада Қоражоннинг катнашувн у кадар мухим аҳамиятга эга эмасди. Кейинги эпизодда эса Қоражон Алпомишни зиндондан кутказса, унинг енгилмас куч-кудратига, сабр-матонатига бўлган ҳурматини маълум даражада йўкотар эди. Шунинг учун ҳам Алпомиш Қоражоннинг хизматидан бош тортади,

Икки халк вакили бўлган каҳрамонларнинг жанговар дўстлик мотиви жаҳон эпосида кенг тарқалган мотивдир. Лекин бу мотив «Алпомиш»дан бошқа ўзбек достонларида учрамаган ҳодиса.

Кўриняптики, «Алпомиш» достонида дўстлик, каҳрамонлик, ҳаётга нисбатан гўзал муносабат билан ахлокни мужассамлаштирмокда.

Замон ва маконда фаолият кўрсатувчи инсон ва унинг ижтимоий-тарихий конкретлиги санъатдагидек, фольклорнинг ҳам предметидир. Инсон ва унинг моҳияти эса ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.

Ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган инсон санъат турларининг қай бирида бўлмасин, замон ва маконда харакат қилади. Демак, у ижтимоий муносабатларнинг биронтасидан – сиёсий, ҳуқуқий, ахлокий, диний, эстетик ва ҳоказолардан ҳоли бўлмайди. Фольклор каҳрамонлари ҳам, шу жумладан, Алпомиш, Барчин, Қоражонлар канчалик муболаға билан тасвирланмасин, воқеа-ҳодисаларга қанчалик романтик жило берилмасин, бари бир хаммаси замон ва маконда харакат киладилар. Зеро, замон ва маконсиз ижтимоий ҳодиса йўқдир. Демак, халк достонларидаги асосий ғоялар – дўстлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик – замондан узилмаган. Фақат бу ғоялар бўрттирилган ҳолда ифода қилинади.

Бу жиҳатдан «Ёдгор» достони жуда характерлидир. «Алпомиш» туркумига кирувчи ушбу достонда Алпомишнинг ўғли Ёдгор ва Ойдиной муҳаббати оркали дўстлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик сингари бир қатор жуда мухим ахлокий масалалар кўтарилади. «Ёдгор» – романтик достон. Унинг сюжетида янги мотивировкалар ёрдамида эски мотивировкалар такрорий ишланади. «Алпомиш» достонидан тамомила фарқ қилувчи янги образлар талқини берилади, янги-янги ижтимоий ҳодисалар акс этади.

Бу достонда ҳар бир мотив, ҳар бир персонаж янги сюжет комбинацияларида зоҳир бўлади, ҳар бир эски мотив янги мазмун кашф этади.

«Ёдгор»ни романтик достон деб атадик. Маълумки, романтик достоннинг ўзи икки хил: ишқий-романтик, қаҳрамонлик-романтик.

«Ёдгор» қаҳрамонлик-романтик достондир. Романтик достонда достончининг муҳаббат, ор-номус эркинлиги орқали эр-хотиннинг, ота-она ва боланинг ўзаро ҳурмати орқали бирлашган патриархал оила ҳақидаги идеали акс этади.

«Алпомиш» достонининг тадқиқотчилари кўрсатганларидек, «Алпомиш»да эпик ва лирик мазмун муштарак ишланган. Ҳар бир мазмун ўз ечимига эга. Аммо, бу муштаракликда эпика мазмуни лирикани етаклайди. «Ёдгор» достонида аҳвол буткул бошқача; достон асосида лирик мазмун ётади, эпик тасвир лириканинг кўмакчисидир. Бу достонда ҳар бир мотив, ҳар бир персонаж эски сюжет комбинацияларида зоҳир бўлиб, ишқий мазмун кашф этади.

Шундай бир савол туғилиши мумкин: жуда кўпчилик ўзбек достонлари романтик характерда бўлиб, ишқий мазмун кашф этадику? Тўғри, ҳақиқатдан ҳам ишқий мазмун касб этмаган достон йўк: «Алпомиш»да ҳам, «Маликаи Айёр»да ҳам, «Ширин билан Шакар»да ҳам, «Рустамхон» ва ҳоказоларда ҳам ишқий мазмун гоҳ етакчи, гоҳ кўмакчи чизик бўлиб келади. Аммо, «Ёдгор»даги ишқий мазмун буткул ўзгача эканлиги билан бошқа достонлардан фарқ қилади. Бу ўринда «Ёдгор» достонини Фозил

«Алпомиш»да қаҳрамонни Барчиннинг ўзи хат билан чақирса, «Ёдгор»да Шомурот қаҳрамонга хат йўлламайди. Икки ҳолат ҳам сюжет талабларидан, достонларнинг ғоявий йўналишидан келиб чиққан: биноварин, совчиларга жавоб беришда «Алпомиш»да Барчин биринчи бўлиб, ҳеч кандай ёрдамсиз қалмоқлардан ўзини ҳимоя қила олади. Иккинчидан, Бойсари Алпомишга бўйин эгиши келмайди...

«Алпомиш»да Барчиннинг онаси сюжет ривожида унча катта роль ўйнамайди ва ўзида маълум ғоявий юклама ташийди.

Ойжамол содда хотинларнинг, қизининг бахтини нақд қилишни хаёл қилган оналарнинг типик вакили. У келган совчиларни Шомуротга тўлиб-тошиб мактайди. Шомурот эса, бу масалани ҳал қилишни қизнинг ихтиё-рига ташлайди, қизни ҳал қилувчи ўринга қўяди. Лекин, бу ерда ихтиёрни қизга ташлашнинг икки достонда икки маъноси, фарқи бор.

Бу ерда, аввало, сиғиндилик масаласига тўхтайлик. Бойсари қалмоқ юртига сиғинди бўлиб бориб, ўз мустақиллиги учун «зарини ҳам, қизини ҳам» ўртага тикади. Чунки, у оқсоқоллар маслаҳатига кўра қалмоқ шоҳидан паноҳ тилаб келган. Қизи талаш бўлганда ҳам шулар билан маслаҳатлашади. Улар эса, мунофиқлик қилишади. Бойсари гангиб қолиб, ихтиёрни қизига ташлашга мажбур бўлади. Жуда эҳтиёткорлик билан шундай хулосани ўртага ташлаш мумкин: агар сюжет мантиқи, тўғрироғи, Бойсари образига мантиқий нуқтаи назаридан қаралса, мабодо Тойчахон совчи қўйса, Бойсари кўнган ва Барчиннинг фикрини сўрамаган бўлур эди. «Мол етмаса берай Барчин қизимни», деган ғапини эслаш кифоя.

Шомурот аймоқлар юртига сиғинди бўлиб борганда Арасхонни паноҳ тутиб бормаган, Арасхонга тиз чўкмоқчи ҳам эмаеди. У Арасхоннинг ўзига шундай дейди:

Бу юртларни, элни ҳавас қилганмиз,
Аймоқ халқи бизни дўстдек кўрар деб.
Юртингизга биз сиғиниб келганмиз,

Арасхоннинг Тойчахонга ўхшаб, ўзга халққа кутқу солиш нияти йўқ. У келганларни бирон ғараз билан эмас, дўстона қабул қилади. Шомурот ва унинг оиласига хатар бошқа ёқдан туғилади: Урозали қушбеги ва подшо давлатида семириб, тўқликка шўхлик қилган аймоқ подшолари уни қўрқитиб, қизини олишмоқчи.

Аммо Шомурот тап тортмайди: тили қисиқлик жойи йўқ. У «Ота пири» Чандана чолни ҳайдаб солади. Чандана чол қўрқитиш йўлига ўтганда ҳам Шомурот қизини қушбегига беришга рози бўлмайди:

Менинг сўзим ола бердинг қиёма
Айтиб борпш у суянган тоғингга
Қўлидан келганин қилсин аямай

Йўлдош ўғлининг ўз репертуаридаги «Зевархон» достони билан киёс қилиш ўринлидир.

Маълумки, «Зевархон» достони соф ишкий- ромактик достон бўлиб, унда Зевархон деган бир шаҳзоданинг ишкий саргузаштлари ҳикоя қилинади. Аммо, достон мазмунидан шу нарса англанишиладики, Зевархоннинг мухаббати интим мухаббат, у фақат севгилисига эришмок учун интилади.

Қаҳрамон, ҳатто, ватан, дўстлик деган буюк тушунчалар у ёқда турсин, ўз мухаббати, ўз юраги учун ҳам кураша олмайди, у бунга қодир ҳам эмас. У ҳамиша йиғлайди, кимнингдир ёрдамига мухтож.

«Ёдгор» достонида эса мухим ҳаётий муаммолар кўтарилади: бу мухим муаммолардан бири аёллар жасорати, қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигидир.

Ҳа, «Ёдгор» достони батамом мустакил достондир. Унда «Алпомиш»дан фаркли равишда бошка муаммо кўтарилади. Бу эрк учун курашдир. Бу достонда зулмдан қочган ота-она ҳам, Ойдиной билан бутун эл ҳам онажурт соғинчи билан энтикадилар, шу йўлдаги барча ғояларга карши курашадилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асардаги зиддият инсонийлик билаг вахшийлик ўртасидадир.

Қаҳрамонлар – Ойдиной, Ёдгор, Шомурод, Ойжамол ва бутун қўнғирот эли чин инсоний мухаббат ва садокат учун, Урозали, Чандана, Анор камчир, Жайнар полвонлар эса вахший хирс учун курашадилар. Бу кескин курашда инсоний мухаббат ва садокат тантана қилади.

Бундай зиддият Ислом шоир ижодидаги «Орзигул» достони асосини ҳам ташкил қилади. Лекин, икки достон тубдан фарқ қилади. «Орзигул»даги зиддиятнинг кўлами воқеага ўтиб ривожлана боради, каҳрамонларнинг манфаати кенгайиб боради. Қорахон асар бошида курашган бўлса, кейинги воқеалар ривожи ўлароқ, мустабид ҳукмронлигини сақлашга тиришади. Орзигул ва Сувонхоннинг ор-номус учун кураши катта ижтимоий аҳамият касб этади. Орзигул, Сувонхон ва уларнинг болалари ҳам Қорахонлар салтанатига карши аёвсиз кураш олиб борадилар. Бу караш адолат билан жаҳолат орасидаги кескин зиддиятга айланади.

Энди яна «Ёдгор» достонига қайтайлик. Шомурот элат билан кўчганда унга монелик қилинмайди. Бундай қилишга асос йўк. Масалан, Ойдиной, Барчин сингари кўчишни кораламайди, отаси билан «бий бобо»сини келишувга чақирмайди. Агар Ойдиной ҳам Барчин сингари сафарга карши чиқса, бу мотив мантиқсиз бўлиб қолар эди. Зеро, икки сафар бир-биридан фарқ қилади: Алпомиш бўлмаганда, Ёдгорнинг қўлидан ҳеч нарса келмаган чокда, бошни бекордан бекорга болта остига қўйиш беъманиликдир.

Қушбеги хийла йўлига ўтади. У кампирлар оркали Ойжамолнинг кўнглини топади. Шомурот бу ерда хийлани сезгандек бўлади ва ихтиёрни Ойдинойнинг ўзига ташлайди. Лекин, ўзи рози эмас, факат қизининг садоқатини билмокчи: «Қизингнинг ўзи билан гаплаш, – деди у хотинига. – Қизинг Алпомишнинг, Барчиннинг таърифини эшитган. Ёдгорга кўнгил қўйиб юрган, бўйи етиб, умиди ортиб турганда, Ёдгордан кечиб, хозиргисини маъкул билса, мен нима дейман». У қизига муштипар, заифа деб карамайди, балки қизини ўз тақдирини ўзи хал килувчи етук одам деб билади. Ойдиной отанинг мана шу катта ишончига, хурматига сазовор қиз бўлиб гавдаланади. Ойдиной биринчи кўринишданок худди Барчин сингари алп қиз бўлиб намоён бўлади ва ўзига дархол ўкувчининг мехрини товлайди. Ойдиной онасига шундай жавоб қилади:

Опа, бунча ночор қилма ўзингни,
Етаклаб юрмагин мендай қизингни.
Асло ташлаб мен кетмайман Бойсунни,
Менга айтма, эна, бундай сўзингни.
Эна, аёллик қил кўнглинг бўласан,
Мени хам ўзингдай мунгли биласан,
Куч-кувватим Барчинойдан кам эмас,
Аймоқлардан нега, хадик оласан?
Қўя бергин ўз холима ўзимни!

Шомурот «Мен шунинг учун сенга қизинг билан гаплаш, деб эдим. Бу бола нима деса қилади. Жуда алп жасадли, сахти келган, асли ақлли қиз», дейди оталик ғурури жўш уриб. «Менинг бу қизингизга гапиргилигим қолмади», дейди Ойжамол бўшашиб.

Ойдинойнинг бу жавоби изсиз қолмайди. У хақиқатан хам аймоқ полвонларининг «жонига жафолар солади». Ойдиной Ёдгорни банди қилиб, «ўлдирдик», деб келган полвонларга қарши қирғинбарот уруш очади:

«Ёдгор учун кечай жондан,
Ўчим олай сен душмандан.
Юз қайтармайин майдондан,
Бу сўзларни айтиб Ойдин,
Бир ўзи ўртага тушди.
Қайтмади, ёлғиз савашди.
Қаранг, марднинг савашига,
Номард тоб бермас ишига.
Юрак бетлаб нечовлари,
Келолмас Ойдин қошига.
Шу замон белидан ушлаб,
Полвонни отидан узди,

Айналтиб отди далага.
Бирор майдон уруш қилди,
Бу майдонда юриш қилди.
Бешта-ўнта полвон ўлди.
Бу Ойдиной хўп иш қилди.

Сюжетдан ажратиб бўлмайдиган бу эпизод, хатто, моҳият эътибори билан Барчиннинг калмоқларга қарши кураш эпизодига ўхшайди. Фарк киладиган томони шундаки, Барчин калмоқ полвонларидан ўзини химоя килганда, иложсиз қолиб Алпомишга элчи юборганда, Алпомиш олдига тўрт шарт қўйиб, шу шартларда Алпомишнинг ғолиб чиқишини чин юракдан истаганда умуман, унинг бутун кураш тарихида бир ғоя: уруғларнинг бирлашиши ва кудратли бўлиши учун интилиш, тараққийпарварликнинг тантана қилиши учун тилакдошлик яккол кўзга ташланиб турарди. Ойдинойнинг бу мухорабасида эса ёрга садокат, инсоннинг эркинлиги учун кураш ғояси ўртага ташланган. Худди Барчин сингари Ойдиной хам достон сюжетида хал қилувчи роль ўйнайди. Лекин, Ойдиной қахрамонга нисбатан ортиқроқ иш кўрсатади: у Ёдгорни қахрамонликка ундамайди, унга қараганда ўзи фаолроқ кўринади.

Бу образ кўп холларда Тўмарисни эслатади.

Маълумки, Тўмарис ўз элатини Қирдан химоя қилиш учун катта қахрамонлик кўрсатган, босқинчи Қирнинг калласини қонли мешга тиққан эди. Тўмарис хақидаги афсонадан биламизки, Тўмарис ўтли баҳонасида душман зулмидан эзилган элат қасос олади. Ойдиной эса, Ёдгор баҳонасида, биринчидан ўз элининг шавкатини химоя қилса, иккинчидан ўзининг ор-номусини, муҳаббатини душмандан химоя қилади.

Фозил Йўлдош ўғли айтган достонларида кўзга ташланадиган бу холатни типик ҳолат, деб баҳолаш мумкин. Достонларда тасвирланувчи йигитлардаги қахрамонлик, ботирлик, жасорат кўрсатиш хусусиятлари аёлларга хам хосдир. Жумладан, юқорида қайд қилиб ўтган қахрамон аёллар қатори Барчин назокатли ёр, гўзал аёл, садоқатли маҳбуба сифатида тасвирланади. Шу билан бирга у кези келганда кураш иштиёкида ёнган мард қиёфасига киради.

Бир эпизодда Барчиной Бойчиборга қуйидаги сўзлар билан мурожаат килади:

Қурри-ё, қур хайта, тўрамнинг оти!
Оқ тўшим яйловинг, сочим шипирги.
Куйганимдан гапни гапга улайман,
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.
Эгам рахм айласин қонли ёшима,

Сабаб бўлиб қўшгин тенги-тўшима,
Олмосдай туёгини қордай тушима.
Қурру-ё қур хайда, тўрамнинг оти!

Бошқа бир ўринда, у Алпомишни Кўкалдош билан кескинроқ кураш қилишга чақиради. У ўз ёрига далда беради:

Йиқолмасанг, тўра навбат тилайин.
Эркак либосини ўзим кияйин.
Бор кучимни билагимга йиғайин.
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.

Тингловчи Барчиннинг шижоатига қойил қолади ва тўла ишонади. Чунки, у ўрни келганда тўксон ака-ука алплар олдида ўз ботирлигини кўрсатган ва уларни тан беришга мажбур этган эди.

***

Ўзбек халқи асрлар давомида чет эл босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Эрон шоҳлари, араб, мўғул босқинчилари халқимизни қуллик асоратида сақлаш мақсадида бир неча бор Марказий Осиёга бостириб кирган. Бошқа халқлар оғзаки ижодида бўлгани каби ўзбек фольклорида, шу жумладан, достонларда ватанпарварликнинг акс этиши табиий бир ҳолдир.

Ватанпарварлик халқ достонларидаги ижобий қаҳрамонларнинг умумий хусусияти. Чунки, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик ўзаро вобаста туйғулардир.

Халқ оғзаки ижодини кенг ўрганиш унда ватан мавзуининг қуйидаги масалалар асосида ёритилганлигини кўрсатади.

– Ватанга, халққа садоқат ва чет эл босқинчиларига қарши кураш;
– Қаҳрамон томонидан ўз маҳбубасининг ватанини ҳимоя қилиш;
– Ўзга юртлардан она-ватанга қайтиш.

Бу масалалар бахши дунёқарашининг, ватанга бўлган муносабатининг бадиий инъикоси сифатида халқ достонларига сингдириб юборилган. Айрим ҳолларда тингловчиларни қизиқтириш учун атайлаб киритилган қисмларда ҳам ана шу масала етакчи ўринни эгаллайди. Бу фазилат билан Фозил Йўлдош ўғли бошқа дотончилардан фарқ қилади. Масалан, Пўлкан ўз достонларида ишқий саргузаштлар баҳонасида ахлоқий масалаларга мурожаат қилади. «Маликаи Айёр» достонида Авазнинг сафарга чиқишдан мақсади – Туркистон мамлакатидан Маликаи Айёрни Гўрўғлига олиб келиб бериш, бинобарин, у йўлида учраган душманни четлаб ўтиши мумкин. Аммо, Авазнинг кўнглига шубҳа тушади: «Душман Чамбилга қараб кетмаётганмикан?» «Кел-э, бу бадбахтдан бир савол сўрайми, қайси мамлакатга бораётганини, нима иш билан юрганини билайми», деб Аваз дўқ уриб, бир сўз деди:

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Сўзимга жавоб бер фил минган душман!

Қайдан чиқдинг, қайси элга борасан?
Мақсадингни баён айла бу замон!

Фил миниганнинг кўнглига келди: «Бу ўрокчига ош бериб келаётган ёш бола экан. Бизнинг подшоларимиз: Ўзбекнинг чивиндиғи ҳам дўқчил бўлади, дўқидан қўркма, – дер эди. Дарвоқе, подшомизнинг айтгани рост экан. Шундай болалар менинг тарзимни кўриб, кўркиб, шайтонлаб қолмай, мендан «Қаёққа борасан?» деб гап сўрайди: «Айтганда нима гапни билади бу», деб бир сўз деди:

Ошиқнинг фахмидир қороиги кеча
Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча.
Биров ўнгга; биров сўлга юради,
Мендан савол сўраб ишларинг қанча?!
Отга солиб арпа билан ийирни,
Қор ёққанда карвон солар чайирни.
Арботининг шоҳи бизни буюрди.
Мени сўрсанг Арботидан келаман.
Сафар қилиб кўрай Чамбил белини,
Вайрон қилай Гўрўғлининг элини.
Арботида шоҳдан бўлди фармонлар,
Улжа қилай Ғирот, Аваз улини,
Эшит Макотилнинг айтган сўзини:
Олиб келсам Чамбилнинг Авазини,
Шоҳим билан ваъдалашган шартим бор,
Оламан мен унинг ўша қизини.

Аваз бу сўзни эшитиб, тўхтаб, ўзига-ўзи айтди:

«Бу ёмон душман экан. Буни қўйиб юборсам, Чамбилга борар, тинч ётган элга ташвишни солар, халқни бесаранжом қилар, таваккал қилиб, ўзимни танитайин, бу балони элга ўтказмайин», деб душманга қараб, ўзини маълум қилиб, бир сўз деди:

Чамбил элда элнинг ғамин еганман,
Сендан зўрни излаб, шикор қилганман.
Душман излаб элдан чиқиб келганман!
Мен бўламан Гўрўғлининг Авази!

Шундан кейин Аваз Макотилнинг орқасидан келаётган Арботин кўшинларига қарши якка ўзи қирғин-барот урушини очади.

Олти ёшда эр атаган,
Йигирмада шер атаган,
Тоғларни отиб юборган,
Полвон отамнинг ҳурмати.
Учраса ёрнинг марди,

Кўзга дори пойи гарди.
Бизлар Чамбилнинг жўмарди!
Кирмаганлар номард бўлсин!
Учраса ёри кабул,
Ҳар махал ваъдадан тонил.
Майдонда кун нўлат довул
Тўймаганлар номард бўлсин!
Душманни қилмоқ нобуд.
Ичига ёқмоққа зўр ўт.
Оқ кировка, олтин совут.
Киймаганлар номард бўлсин!
Эрлик билан бу майдонга,
Кирмаганлар номард бўлсин!
Қилич силтаб, бедов қистаб,
Турмаганлар номард бўлсин!
Олмосидан қизил қонни
Қуймаганлар номард бўлсин!
Аваз ўғлон бунда танҳо савашди,
Турган душман ақли ҳушдан адашди.

Бу ўринда Авазнинг ватанпарварлиги табиий эди. Чунки, Гўрўғлининг арзанда ўғли, Гўрўғли таъбири билан айтганда; «Чамбилнинг эгаси», ўз ватанини душмандан ҳимоя қилиши, ватан йўлида лозим бўлганда жон фидо қилиши, шубҳасиздир. Аммо, достончи «Маликаи Айёр»да ватанпарварлик ҳислатини бўрттириб кўрсатади. Бундай бўрттиришда Асад ва Шодмон образлари муҳим роль ўйнайди. Асад билан Шодмон Аҳмад Сардорнинг буйруғи билан Авазни ўлдиргани ва Ғиротни ўлжа қилиш мақсадида йўлга чиққанлар. Аммо, ватанга душман ҳужум қилганда икковининг виждони тинч турмайди.

Асад мерган кўркоқлик қилиб чекинганида Шодмоннинг Асадга қилган таънаси, дўқи, жуда эътиборлидир,

Асад мерган талатўпни эшитиб, уйғониб кетиб, Шодмонга айтади:

Азон бўлмай боғда гуллар сўлипти,
Аваз бориб, танҳо саваш қилипти.
Тоғнинг нарёғига лашкар келипти,
Кун туман, илғовли кунлар бўлипти.
Журинг оға, Чамбил элга борайлик,
Душманлар кесмасин танда бошимни.
Сулайтмасин гавда билан лошимни.
Кўрса албат қилар менинг ишимни,

Бориб кўрай элда тенгу тўшимни.
Журинг оға, Чамбил элга жўнайлик.

Шодмон мерган Асад мерганга қараб бир сўз деди:

Майдонда кесилар душманнинг боши,
Қиёматга бўлар марднинг саваши.
Бу майдондан қочган номарднинг иши.
Жургин, Авазхонни излаб борайлик
Бу ишларни қилган Чамбил Авази
Ўлимдан қўрқмайди Чамбил шоввози.
Билмам қаён кетди бекнинг ёлғизи.
Жургин, Авазхонни излаб борайлик.
Сенга айтай мен сўз билан жавобни,
Майдон кўриб, ўлмоқ элга савобдир.
Мард йигит олдида майдон чиққан сўнг,
Номард бўлиб қочмоқ, бизга не бўпти?!
Жургин, Авазхонни излаб борайлик.
Чамбил элда баҳодирлик қиласан,
Гўрўғлидан от-у анжом оласан.
Майдон кўриб, қандай қочиб борасан.
Чамбилда сўраса баҳодир беклар.
Уялмайин қандай жавоб берасан?
Жургин, Авазхонни излаб борайлик!

Мен бир ўзим ёлғиз майдонга борадиган бўлсам, аввал сени ўзим ўлдириб, сўнгра ёлғиз ўзим борайин, деб қўлини олмос пўлатига узатиб, қилични қўлига олаборди. Шодмондан Аваз мерган қўрқиб: «Ундай бўлса, юрни санг юрабер, майдонга борамиз», –деб Шодмон мерганнинг орқасидан юраберди.

Биз юқорида Ғафур Ғуломнинг «халқ учун ватаннинг жуғрофий чегараси йўқ», деган бир гапини келтирган эдик. Дарҳақиқат, достонлардаги қаҳрамонларнинг ватани фақат Чамбил ёки Бойсун–Қўнғирот эмас, бутун башарият макони Ер юзидир. Аваз ва Шодмон, Асадлар достон бошида бир-бирларига зид, душман сифатида тасвирлансада, аммо Чамбил манфаати ўртага тушганда якдил бўладилар. Умуман, адабиёт ва санъат учун ватан, дўстлик, қаҳрамонлик тушунчалари тор доирада эмас, балки кенг маънода халқлар манфаати тушунчасидир. Навоий учун, унинг асарлари учун Хуросон торлик қилар эди: унинг асарлари Шарқ учун ардоқлидир. Ватан – бу халқлар манфаати, она ер тушунчасидир.

Фозил Йўлдош ўғли достонидаги Фарҳод Алишер Навоийнинг шу номли достонидаги Фарҳод сингари Ширин мамлакатига келиб, ўз юртини севмаганлигидан эмас, балки халқлар манфаатнни кўзлагани учун фи-

докорлик кўрсатади. Иккинчи томондан, севимли ёр адабиётда муқаддас тушунча сифатида талқин этилади. Зотан, севмоқ ва севилмокнинг ўзи инсон учуи жуда ҳам юксак бахтдир.

Ўзбек халқининг «Алпомиш»дек буюк достони бахонасида бошқа достонлар хакида ҳам фикр юритдик. Жаҳон эпослари каторидан муносиб ўрин олган бу буюк мумтоз асар минг йиллар бурун кандай ардоқланса, ҳозир ҳам халқимизнинг севимли достони бўлиб қолмоқда.

"Фозил Йўлдош ўғли", Тошкент, 1978.

ҚЎШИҚДАГИ НИДОЛАР

Қалим-қадим деганда бенхтиёр тарих силсилалари орқали диёримиз Сурхон воҳасининг Бактрия, Кушон, Тоҳаристон, Чағониён номлари билан аталиши ёдимиздан ўтади. Ўша даврларда ҳам қўшиқ элга ҳамроҳ бўлган.

Ҳа, бу тўрт минг йиллар мукаддам ташкил топган Бактрия давлати тупроғидир. Чорвачилик, дехкончилик, ҳунармандлик билан шуғулланиб келган меҳнаткаш инсон «Майда», «Хирмон қўшиғи», «Ёзи» ва бошқа бир канча оғзаки ижод намуналарини яратган. Мана уларнинг айримлари:

ЁЗИ:
Қошингни қоралиги нилданмиди?
Белинг ингичкалиги қилданмиди?
Чўл ерда кийик сути эмган Зебом,
Тилингни бурролиги шунданмиди?

Қошингнинг қорасига пайвастаман,
Мен сенга қовушмоққа ҳавасдаман.
Мен сени ололмасам ойдай Зебом,
Тўтиқуш боласидай қафасдаман.

ЗЕБО:
Чумқуқлар сайраб қўнар тол бошига,
Ёзижон қалпоқ тилар кал бошига.
Қалпоғини мендан тилаб ололмаса,
Суғорсин у отининг кўз ёшига.

ЁЗИ:
Тахта кўприк устида тахтим менинг,
Чамандай очилмади бахтим менинг.
Тахта кўприк устида пиёламан,
Ёрга салом бергани уяламан.

Бир салом, икки салом қариндошга,
Токайин салом берай қалам қошга.
Отгинангдан айланай ойдай Зебом,
Бегонани кўй нари, ўзинг бошқа.

ЗЕБО:
Ёргинам қайга қарайсан тайрилиб,
Мендайин севар ёрингдан айрилиб.

Ёзижон агар Зебодан айрилсанг,
Отингнинг оёғи синсин қайрилиб.

Фольклор намуналари ҳисобланган достон, эртак, терма, қўшиқларда инсоннинг эҳтиросли нидосини эшитасиз. Уларда тасвирланган воқеалар бундан қанча бурун юз берганлигидан қатъи назар, яқин таниш туюлади кишига ва баъзан теварак-атрофингиздаги жойлар баъзи асарларда қайд этилганлигини кўриб, фахраланасиз ҳам. Масалан, «Алпомиш» достонида қайд этилган баъзи чизиқлар Бойсун этакларида рўй бергандек туюлади. Бу вилоятда Оқтош қишлоғи, Ойдинкўл, Тавка кўрғони деган жойлар борки, ерли халқ достондаги воқеалар худди шу жойларда бўлган, дейишади. Унинг баъзи баҳшилари ва баъзи чўпонлари кўлига соз олиб, ҳамон бу достонни жўшиб айтиб юришади. «Алпомиш» достонини биринчи бор айтган Бобо шоирлари билан фахрланишади.

Маълумки, Бобо шоир XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган. Шеробод достончилиги мактаби унинг номи билан бевосита боғлик. Бобо шоирнинг шогирдлари Шерна баҳши, Мурод баҳши, Фармон баҳши, Элмурод баҳши, Чори баҳши, Эшкобил баҳши, Қодир баҳши, Эргаш баҳши, Маматраҳим баҳшилар (рўйхатни яна чўзиш мумкин) ҳамон давраларда гулдиратиб достон айтиб келмоқдалар. Сурхондарё эли ўзининг юздан ошиқ юқоридаги каби забардаст баҳшиларини эслай олади. Улардан жуда кўплаб достон ва термалар ёзиб олинган. Намуналар келтирамиз: Бўри баҳши Аҳмедовдан «Алпомиш», Маматраҳим баҳшидан «Авазхоннинг зардегарга бориши», Чори Қиём ўғлидан «Малла савдогар», Эшмурод баҳшидан «Шайитнома», Тошмурод баҳшидан «Арғувон», Эшқобил шоир Қўшоқовдан «Ойсулув» каби достонлар ёзиб олинган. Юқорида номлари зикр этилган халқ достончиларининг айримлари баъзи достонларнинг ўз вариантлари, яъни ўзлари тўкиган вариантларга эга. Масалан, Тошмурод Тўра ўғли, Қодир шоир, Эшқобил шоир ҳам «Малла савдогар»нинг қатор вариантларини айтганлар. Бу достонларнинг кўпчилиги Фанлар академиясида, баъзи бирлари эса бизнинг қўлимизда сақланмоқда.

М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Муродов, А.Қаҳҳоров каби ўзбек фольклоршунос-олимлари ва шу соҳанинг бошқа тадқиқотчилари уюштирган экспедициялар ҳар гал фольклор хазинасини қандайдир достонлар, термалар, қўшиқлар каби ажойиб сўз дурдоналари билан бойитади.

Аммо бу воҳамизда халқ оғзаки ижодининг ўрганилмаган қирралари ҳам бор. Буни биз кўпинча халқ қўшиқлари мисолида учратамиз:

Ўрдак кўлларда бўлар.
Лочин чўлларда бўлар.

Кетган ёрим келар деб,
Кўзим йўлларда бўлар.

Ёки:

Чумчуқлар чирқиллайди,
Шом бўлганга ўхшайди.
Дарвоза тақиллайди,
Ёр келганга ўхшайди.

Ёки яна бир мисол:

Қирдан нари кирқ овул,
Томга қўймас қирғовул,
Кирқ капани тўзғитар,
Қибладан турган довул.

Халқ қўшиқларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, уларда фикр тўртликлар асосида берилади. Улар тилининг соддалиги, равонлиги, ибораларнинг ўткирлиги, сиқиқлиги билан қимматлидир. Мазмунан мунгли, изтиробли, ҳазин овозда янграган ўтмиш қўшиқлари билан танишсак, улар ижодкорларнинг машаққатли ҳаёти кўз ўнгимизда гавдаланади.

Осмондаги бўз тўрғай,
Бўзлмасанг не бўлғай.
Юрагимнинг дардини,
Сўзламасанг не бўлғай.

Ёки:

Чумолининг белини,
Қилдай эмиш дейишди.
Бой бувининг уйини,
Зиндон эмиш дейишди.

Наврўзга бағишланган қўшиқларга эътибор беринг. «Суст хотин» қўшиғини қадимий маросимларда ҳамма боладан мўйсафидгача, қизалоқдан кампиргача куйлашган. Ёмғир маъбудаси Суст хотинга илтижо қилганда ёмғир ёғар эмиш.

Суст хотин, султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.
Ёмғир ёғди, мўл ёғди,
Еру жаҳон кўл бўлди.

Ҳосиллар мўл бўлсин, сует хотин,
Деҳқоннинг уйи тўлсин, сует хотин.
Ёмғирларни ёғдиргин, сует хотин,
Ёмоннинг уйи куйсин, сует хотин.
Ҳаволарни ёғдиргин, сует хотин,
Буғдойларни бўлдиргин, сует хотин.
Осмондан томчи ташлаб, сует хотин,
Элу юртни тўйдиргин, сует хотин.

Шундан сўнг эса, гўё ёмғир ёғгандан кейин «Хўп майда» қўшиғи айтилади:

Майда-майда тўрт хўкиз,
Тўртовиям бўтакўз.
Майда десам яраша,
Сочини сувлаб тараша,
Ярашиғим келди деб,
Жонсар жориб қараша,
Майдаё-майда.

Майда-майда маровул,
Орқаларда орқавул.
Чўқиллари қоровул,
Қоровулдан қарасам,
Кўринади тўда овул.

Тўда овул қизлари,
Этагида тузлари,
Отаси бозор кетганда,
Онаси овул кечганда.
Ёр сайлабди қизлари,
Майдаё-майда.

Майда-майда, майда қил,
Майда қилсанг ундай қил.
Сочин ўрган қиздай қил,
Буғдойгинанг кўпайиб,
Ердан чиққан нондай қил.
Майдаё-майда.

Бу қўшиқ мазмунидан кўриниб турибдики, деҳқоннинг фаровонликка эришган даври Наврўз байрамида халқ қувончининг чексизлиги ифода этилган.

Айниқса, Шеробод халқ қўшиқларида қаҳрамонларни куйлаш, эрк ва озодлик учун курашган фидойиларни мадҳ этиш, улуғлаш ғоялари бўрт кўринади.

Шу билан бирга бу ердаги қўшиқларда ўтмишдаги оғир турмушдан норозилик, адолатсизликка қарши кураш оҳанглари эшитилиб туради.

Қуйидаги термаларга эътибор беринг:

Осмонда оқ булут,
Жабр бўлмай нимадир.
Боскинчи юрган йўлларда,
Жабр бўлмай нимадир.

Халқ қаҳрамонларини севган, уларнинг шаънига ардоқли қўшиқлар яратган шундай қўшиқлар бор, масалан: зулм, боскинчиликка қарши курашган Холнисо тўғрисида:

Сой бўйида қалампир
Қизарганга ўйнайди.
Эссизгина Холнисо,
Қиз кетганга ўхшайди.

Холнисо, деб қичқирсам,
Суяганга ўхшайди.
Ўнг қўлида пилтаси,
Таянганга ўхшайди.

Сенинг шоҳи кўйлагинг,
Бугун симга илинди.
Сафимизда йўқлигинг,
Эндигина билинди.

Халқ қўшиқларида ўткир сатира ўти билан фош қилиш, ҳажв этиш орқали халқ руҳига ёт иллатларни, яъни текинхўрлик, ялқовлик, вафосизлик, субутсизлик, ахлоқсизлик каби қатор иллатлар муросасизлик билан қораланади. Ана шундай қўшиқлар таъсирчан ва оммабоплиги билан диққатни тортади.

Оқ кўйлагим оқ эмас,
Уни кияр чоқ эмас.

Ўйнар эдим, кулардим,
Дилгинам қувноқ эмас.
Кўкда юлдуз кечадир,
Қай чоқ боқсанг кўчадир.
Неча ой, неча йиллар,
Умрим зойи кечадир.

Аму бўйи андизлик,
Ҳай-ҳай бизнинг онгсизлик.
Онгсизлик дилни ўртар,
Қийнар мени ёлғизлик.

Олма экдим гул битди,
Гулларини ел титди.
Пешонамга ёзмади,
Умидларим бўш кетди.

Ўрдак кўлларда бўлар,
Лочин чўлларда бўлар,
Кетган ёрим келар деб,
Кўзим йўлларда бўлар.

Самоварим қайнайди,
Юракларим ўйнайди.
Севиб топган ёримни,
Уйдагилар қўймайди.

Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутини.
Севгангинам жабрдан,
Ташлаб кетди юртини.

Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутини.
Ҳеч юраккка солмасин,
Айриликнинг ўтини.

Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутини.
Ич ёлқин, ташим салқин,
Олди рангим қутини.

Сандиғим тўла олма,
Бири чиқмайди бутун.
Ичим-ташим ёнади,
"Ах" десам чиқмас тутун.

Оқдир менинг билагим,
Кўкдир менинг билагим,
Айтган ёрим хўш бўлса,
Босиларди тилагим.

Кўк кантарнинг кўрки бор,
Бошларида бўрки бор.
Қандай бахтли кишилар,
Юрса-турса эрки бор.

Отда кашанда буғов,
Буғовни кесар эгов.
Тақдир тўсмаган бўлса,
Нима бандай қўйган ғов.

Лайлак келса ёз бўлар,
Қаноти қоғоз бўлар.
Тенгдошларим ичида,
Мендек мунгли оз бўлар.

Сурхон ёқаси қамиш,
Бунда ёзу, унда қиш.
Муродига етолмай,
Йигит-қизлари хомиш.

Оққушмикан, қормикан,
Ўз хилига зормикан.
Тенгқурларим ичида,
Мендек хори бормикан.

Олма экдим дарёга,
Шохалади дунёга,

Қиз туққанча тош туғса,
Хуш келади Оллога.

Эгил, деди энгайдим,
Тўғри йўлда ҳам тойдим.
Тилсим ечилмайди,
Қашшоқликдан мункайдим.

Ўқмиями, ўсма қошмикан,
Олисдан оқарган тошмикан.
Севганимнинг кўзидан томган,
Ёқут маржонмикан, ёшмикан.

Боқсам кун чиқиш сари,
Қора бойнинг тўсари.
Тўсганга турармидим,
Камбағаллик асари.

Бор мақтаниб яратар,
Давлатмандлар қаратар.
Дунё шу бориш бўлса,
Бизга қачон тонг отар.

Жийрон отнинг йўрғаси,
Йигит кўнглин тирғаси.
Умид берар ёримнинг,
Қўлимдаги сирғаси.

Ҳамма учун бир олам,
Кимда мўлу, кимда кам.
Бир уйда ёнади «Чил чироқ»,
Баъзи уйда ёнмас шам.

Йигитларнинг зийраги,
Ўйлар дунё керагин.
Ўйловдаги топмаса,
Босилмайди юраги,

Ота, мени шундай жойга бер,
Оч бўлсам хам тўқдай бўлсин эр.
Тўқ бўлиб, оч бойингдан кўра,
Мени бой деб юрган гадойга бер.

«Чағониён»,
2005 йил, 21 январь.

ДЕНОВ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

ОҚ ОЛМА, ҚИЗИЛ ОЛМА ПИШМАЙДИМИ?

Боғ айланма шафтоли,
Учган кимнинг каптари.
Айтсам адо бўлмайди,
Мен ёримнинг гаплари.

Ёмғир ёғар тов-товга,
Йилқи келар матовга.
Юргин, жоним, ўйнайлик,
Отанг тиккан ўтовга.

Эшик олди говпалак,
Юмалайди ҳандалак.
Отанг қурғур қурумсоқ,
Бунча бўлмаса сергак.

Сариқ қовун пўчоғи,
Меҳмонхона ўчоғи.
Мен бораман бу кеча,
Отанг ухлаган чоғи.

Қўйда сарка маълайди,
Қўш ариқдан ҳаллайди.
Кўчаларда юрганда,
Қизлар менга қарайди.

Ҳулкар тарози оғади,
Жонон сигир соғади.
Сигир соғар ийдириб,
Сочин ерга тийдириб.

Кўтарилганда тонг юлдуз,
Қўйни ҳайдаб келдик биз.
Жилва билан уйдан чиқ,
Агар севсанг, яхши қиз.

Катта йўлдан из солдим,
Тўхтамишдан туз олдим.
Отанг сени бермаса,
Сендан яхши қиз олдим.

Ой туғади жонадан,
Мўраладим панадан.
Қандай бино бўлдинг сен,
Ота билан онадан.

Олма гули гул эмас,
Тақсам чаккамда турмас.
Киши ёрин ёр деманг,
Борсанг ёнингда турмас.

Тоғдан туриб тош отдим,
Пиёлага тексин деб.
Соғиниб туриб хат ёздим,
Сен ёримга тексин деб.

Қора молим қовилим,
Қора ерга товиним.
Қора ерни кок ёрган,
Қовун экиб лаб ёрган.

Йўлбарс йўлда ётами,
Уни мерган отами.
Уни отган мерганлар,
Муродига етами.

Қовадиён кўрғони,
Миниб чиқдим йўрғани.
Йўрға билан йўл солай,
Мен ёримнинг кўргани.

Эшик олди мажнун тол,
Мажнун толга бўйин сол.
Бугун окшом бораман,
Енгинг туриб ўрин сол.
Сув бўйида юраман,

Чанқаган булбул каби.
Энди хозир ажралишдик,
Кўчирган гуллар каби.

Ок кўйлаклар нега тикдинг,
Байрамларга киймасанг.
Менинг кўнглим нега буздинг,
Чинг калбингдан севмасанг.

Дарёнинг нарёгида уйларингиз,
Окариб кўринади бўйларингиз.
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,
Биздан сулувмиди севганингиз?

Ок олма, кизил олма пишмайдими?
Икки яхши бир жойларга тушмайдими?
Икки яхши бир жойларга тушса агар,
Дунёнинг ўтганинини билмайдими?

Сой бўйида мажнун тол,
Соябони бормикан?
Менинг билан дўст бўлиш,
Ёр кўнглида бормикан?

Эрта туриб ховли чиксам,
Қор ёққан курагимга.
Муҳаббатинг ҳанжар бўлиб,
Қадалди юрагимга.

Дераза олди атир гул,
Ҳидлаб қаранг, ҳидли у.
Орасида бир гул бор,
Худди сизнинг тусли у.

СЕНИНГ ШОҲИ КЎЙЛАГИНГ

Сой бўйида қалампир,
Қизарганга ўхшайди.
Эсизгина Ҳолниса,
Қиз кетганга ўхшайди.

Ҳолниса, деб кичқирсам,
Суянганга ўхшайди.
Ўнг қўлида пилтаси,
Таянганга ўхшайди.

Ҳовлимизнинг тўлини,
Тобут бўлсин, дебмидик.
Сочин ўрмай Райҳоной,
Нобут бўлсин, дебмидик.

Осмондаги қирқ юлдуз,
Қиёлаб кетар боттани.
Жигаримни бир ўнай,
Қиёмат кетар ётгани.

Осмондаги оқ булут,
Абр бўлмай нимадир.
Отаси ўлган ўғилга,
Жабр бўлмай нимадир.

Эшик олди ойдин кўл,
Ойна солсам ботмайди.
Отасининг жойига,
Хат юборсам қайтмайди.

Мовий кўкда бугун кеч,
Юлдуз учиб кетдими.
Эсизгина жон дўстим,
Изинг ўчиб кетдими.

Йўл-йўлакай кўксингга,
Ўлим ханжар солдими?
Това булоқ бошида,
Тошдай қотиб қолдингми?

Сенинг шохи кўйлагинг,
Бугун симга илинди.
Сафимизда йўқлигинг,
Бу кеч менга билинди.

Сенинг юрган йўлингда,
Бугун гуллар ўндими.
Эсиз, ўзинг гул эдинг,
Очилмасдан сўлдингми.

Бугун менга марсия,
Қўшиғи куй бўлдими.
Ерининг таги сен учун,
Мухташам уй бўлдими.

Хаёл қилиб қарасам,
Йўлдан юрган ўхшайсан.
Лайли боғнинг бошида,
Қараб турган ўхшайсан.

Гоҳ машина рулида,
Қўшиқ айтган ўхшайсан.
Гўё бугун ишингдан,
Ҳорғин қайтган ўхшайсан.

Томга қўйган нарвондай,
Икки юзи алвондай,
Қадам ташлар полвондай,
Дўхтур тоғамга салом.

Лабларини ялаган,
Тоза молни қалаган.
Одамларни аллаган,
Мудир укамга салом.

Қозонларнинг қопқоғи,
Аёлларнинг оппоғи.
Мисли олма ёноғи,
Гулсун опамга салом.

Тошлоқ сойга гул экқан,
Бағрига ғазал битган.

Гулбахорга кўз тутган,
Куёв тўрага салом.

Сойдан хўкиз сувлатган,
Думбирасин кувлатган.
Барчамизни тўйлатган,
Кула бобомга салом.

Кўксултонинин танаси,
Куёвбекнин онаси.
Мисли пахта сийнаси,
Раъно синглимга салом.

Отга минса минордай,
Ерга тушса чинордай,
Қатор тинни ок кордай,
Қодир акамга салом.

Ним пиёлада чой ичган,
Қоши киёлаб тушган,
Жияни ойга учган,
Акбар акамга салом.

Гижим рўмол ўраган,
Бурулиб ойга караган.
Сочин силлик тараган,
Санам опага салом.

Осмондаги юлдуздай,
Қоши қора кундуздай,
Дили ойдин кундуздай,
Баҳор холамга салом.

Ваъдаларни кўп айтган,
Танқидга кўз олайтган.
Аканг улкан раис деб,
Эл назаридан қайтган,
Раис тоғага салом!

От тизгинин ушлаган,
Дўст кўнглини хушлаган.
Кўп нуқсон-хатоларни

БУЛОҚ БОШИДА
(БАЛЛАДА)

Бахор келди. Паркув булутлар
Чопишмоқда у ёқдан-буёқ.
Кенг далалар чиройин очган.
Майса билан тўшалиб хар ёк.
Асалари учади гув-гув,
То кечгача бол шимиб гулдан.
Гўзал каклик кияда туриб,
Куй тинглайди шоир булбулдан.
Йўл четида учта кизгалдок,
Учаласи бирдек очилган
Ва уларнинг кирмиз юзига,
Дона-дона шудрини сочилган.
От устида хаёлга ботиб,
Кетар эдим туйғулар-ла маст.
Парвоз этди сирли бир садо,
Най садоси, жонимга пайваст.
"Ўзимизнинг муаллим бола-ку!"
Қарши олди Нур ота йўлда,
Атрофида саноқсиз қўйлар,
Заранг таёқ ушлаган қўлда,
Отдан тушдим. Қуюқ кўришдик,
Майса гилам бўлди пойандоз.
"Сайр қилибсиз, ҳа, баракалла,
Бу ишингиз маъқул, жуда соз.
Юринг, ўғлим дея сўнг ота,
Бошлаб борди булоқ бошига.
Икки туп тут, бир тун зардолу
Соя солмиш сув ёнбошига.
Нечун мени бошлаб келиб чол,
Ўйга толди ўрикка қараб?
Нечун мени бошлаб келиб чол,
Ўйга толди соқолин тараб?
– Ўғлим, бунда ким чашма қазган,
Ким ўтқазган бу ерда ўрик.
Нечун мунча нурга кўмилиб,
Гул уфуриб турар, қадди тик.
Бир ҳаяжон қалбга кўнди-ю,

Ота, дедим айланг ҳикоя.
– Хўш, тинглагин, билганинг яхши,
Эшитганинг ўзингга фойда.

***

Биз ёш эдик. Ҳаммамиз тенгқур,
Ғайрати жўш, гўё ўт эдик.
Қай бирини айтай, чироғим,
Йигитликда бир бургут эдик,
Кўпинча мен даданг-ла бирга,
Бўлар эдим, ўғлим ҳамиша.
Бир майизни бўлиб ер эдик,
Шундай эди дўстлик, андиша.
Эгизак дер эдилар бизни,
Милтиқ осиб тоққа чиқардик.
Дараларда қизир эди ов.
Меҳнатсевар, чарчашни билмас,
Тобланганди ҳар ишда даданг.
Камтар, доно, кўпларга катта
Суянч эди. Аттанг, эҳ аттанг....
Ҳалқаланди чол кўзида ёш,
Юрак дарди оқди сел бўлиб.
Ғазаб, ўкинч, чуқур дард билан,
Давом этди юраги тўлиб:
Уруш.... уруш....бошланди бирдан,
Асрларга қонли хотира.....
Ҳали мурғак чақалоқ эдинг,
Танимасдинг дадангни сира.
Қахратон қиш. Изғирин, шамол,
Эсдан чиқмас тизза бўйи қор:
Ўпич олиб жажжи юзингдан,
Хайрлашди сен билан ночор.....
Минг афсуски, жангдан қайтмади,
Мард командир, жасур қахрамон.
Сўнгги буйруқ, энг сўнгги сўзи:
"Олға, дўстлар, Берлинга томон!"
Во ажабо, худди ўзисан,
От ўрнини босган каби той.
Ўша сиймо ёниқ навқирон,
Ўша лочин, ўша қарчиғай.
Мана, отанг қазиган булоқ,

Қўшик куйлаб оқмоқда хамон.
Майсаларга хаёт бағишлаб,
Ниҳолларга ато этиб жон.
Мана, отанг ўтказган ниҳол,
Бўй чўзибди гулга бурканиб.
Барча чирой, барча латофат,
Гўё шунга келибди қўниб.
Ҳа, ўлган йўқ, яшамоқда у.
Улуғ жангнинг мард қаҳрамони.
Сени кўриб, кўргандай бўлдим,
Ёшликдаги у дўсти жонни.
Ҳикоясин тугатиб ота,
Уфқларга термулди бир он.
Қушлар ўйнар эди хавода,
Кўзларимга кўринар хамон.

ЎЗИНГДАН МАМНУНСАН, ШОДСАН
(ЛИРИК ЛАВҲА)

Балки шод қайтгансан кувониб-ёниб,
Рухингда кезардир балки ҳаяжон,
Шўх нашъа илтифот ва ҳислар сени,
Нилий юксакликка кўтарган шу он.
Ўзингдан мамнунсан, шодсан бекиёс,
Латофат тимсоли сенсан ягона.
Борлиғинг такрорлар лахзалик сурур,
Қаршингдан кетмайди сирли парвона.
Эшикдан кирасан илдам ва тетик,
Кўзи-қарашингда намоён у дам.
Жилмайиб қўясан ўзингча-ўзинг,
Истаклар чўлғанган бошингда маҳкам.
Мактубим оларсан лоқайд, бепарво,
Таниш ёзув узра тикасан кўзинг.
Дилгир хаёлларинг паришон бўлиб,
Хотирлар ёшликни ташвишсиз юзинг...
Безовта юракка эрк бериб бир зум,
Сўнгги сатригача ўқийсан бир-бир.
Балки ёндирилур. Сўнгра мактубим.
Балки учар кўкка йиртилиб пир-пир.
Ишдан қайтдим тунда ўйчан ва якка,

Бошимда минг турли хаёл ва ўйлар.
Оқшом наволари олиб қанотга,
Ажиб овоз ила ҳикоят сўйлар:
"Улуғ севгиларни кўп кўрган тарих,
Ва лекин кўплари бўлган бахрасиз.
Не ажаб, шу йўлда етмай мақсадга,
Шайдойи пок қалблар кўмилган изсиз.
Мангулик қаърида топишганча то,
Муҳаббат жабрида куйиб кул бўлган.
Мангулик тимсоли – у улуғ қалблар,
Очилмай бевакт ранглари сўлган".
Ишдан қайтдим тунда ўйчан ва якка,
Бошимда минг турли хаёл ва ўйлар.
Оқшом наволари олиб қанотга,
Ажиб овоз ила бахтимдан сўйлар:
"Бахтлисан, оташин севгинг бор қалбда,
Қуёшли давронда топдинг эътибор.
Мехнатга сарбасар сендаги орзу,
Дилингда муҳаббат боқий барқарор"...

КЎЗИМ ЙЎЛИНГДА

Мен келдим, сен йўқсан, руҳим паришон,
Туйғу зилзиласи қилади сўроқ.
Саноқсиз одамлар, сен йўқсан унда,
Кўзларим йўлингда, тоқатларим тоқ.
Бари бир келади, дейсан кетмайин,
Умид қиламан-у, титратар хаёл.
Одамлар келади, кувонар кўзим,
Балки келаётган шунда эҳтимол.
Йўқ, ахир келмадинг. Кетдим ойдинда.
Одамлар дарёси сийрак, тўхташган.
Ҳамон умидим бор, қарайман кетга,
Бошимда юлдузлар чамани тошган.

ЧЎҚҚИГА ҚАРАБ

Чиқмоқдаман чақмоқ чўққига,
Гидир-будур тошларни босиб,

Чиққан сайин харсанглар менга,
Қараб қолар қовоғин осиб.
Йўл излайман усталик билан,
Тирмашаман дадил юқори.
Ҳалал бермоқ бўлади менга,
Чўққигача тошлар чўқмори.
Йўқ, бари бир манзилга етмоқ
Қатъий менинг қасамим, онтим.
Тўсиқларни енгиб ўтишга,
Бардош берар темир қанотим.
Шеър битаман барқут тонггача,
Ҳамроҳ бўлиб фикр-ўй билан.
Гоҳ кезаман чўл, гоҳо завод,
Гоҳ биргаман қўзи-қўй билан,
Гоҳо эса хаёлан юртнинг,
Жамолини шеърга соламан.
Уйқу келмас юртим тунидан,
Тўлиб-тошиб илҳом оламан.
Мана шулар илҳом манбаи,
Мана шулар шоир учун соз.
Шунинг учун эрта тонггача,
Ҳамроҳ менга қаламу қоғоз.

1964 йил, Бухоро.

БАХШИЛАР ШАЖАРАСИ

Бахшили овул ботир.
Халқ мақоли

Тарих саҳифаларидан бирон-бир ижодкорнинг номини учратиб қолсак, яна бир тарихнинг бошқа саҳифаларидан унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни, замондошлари-ю салафлари ва халафларини излаб топамиз. Қарабсизки, бир неча йиллик меҳнат эвазига нафақат излаганимиз, балки хаёлимиз кўчасидан ўтмаган бошқа атоқли шахслар ҳам тикланиб қолади. Аммо оғзаки адабиёт тарихини, локал биргина бахши таржимаи ҳолини тиклаш, бахшиларнинг бир-бирига муносабатини ўрганиш жуда катта машаққат ва меҳнат талаб этади. Агар шу машаққатли меҳнат самара берса-ку хўб, аммо баъзан йиллар мобайнида қилинган меҳнат бесамара бўлиши ҳам мумкин. Биолог бир навнинг униб, маданий экинлар орасида ўз ўрнини топиши учун йиллаб кутиши, яна саккиз йил тажриба ўтказиши самара бериши мумкин экан.

Фольклоршуноснинг машаққатли меҳнати ҳам шунга ўхшаш. Бир қўшиқ ёки достонни ёзиб олиш учун минглаб чақирим масофани, қанча қишлоқ ва шаҳарларни кезиши керак. Олим ва ношир Асрор Самад иккита воқеани ҳикоя қилиб берган эди. 60-йилларнинг боши бўлса керак, фольклоршунос-олим Муҳаммаднодир Саидов Тош шоир Чоршанба ўғлини излаб Қаршига борган. Тош шоир ҳозир Қашқадарёда йўқлигини, тўй-тўйлаб Самарқанд томонига кетганлигини эшитиб, М.Саидов анча кун кутибди. Шоирнинг келганлигини эшитгач, Ғилонга қараб йўл олибди. Ғилон тарафларга ё пиёда, ё эшак миниб чиқиш керак: илон изи йўллари, жарлик бўйлаб тик кўтарилган сўқмоқлар оёкнинг заволи. Олим пою-пиёда Ғилонга қараб бир кун йўл босибди. Унинг шунча азоби ҳам бир бўлибди-ю, Тош шоирнинг саркашлиги ҳам бир бўлибди. Мен достон билмайман, деб туриб олибди. Аммо олим чекинмаган, Тош шоир қаерга борса, эргашиб ўша ерга бораверибди. Иттифоқо бир хонодонда таъзия бор экан ўша таъзияда издиҳом ичида шоир билан олим яна учрашиб қолишади. Аммо Қуръон тиловат қиладиган бирон киши йўқ экан. Олим бари бир олим-да, М.Саидов тиловат қилишни билар эди, билганда ҳам яхши бир қоричалик тиловат қила олар эди. Унинг жарангдор, сарбаст овози, арабий каломининг тўғри талаффузи умрида тузукроқ қори тиловатини эшитмаган одамларни тонг қолдирган. Тош шоир ўта диндор одам эди. Ўша тиловатдан кейинок уйга боргач, қўлига дўмбира олиб, бир ҳафта давомида достон айтган экан.

Иккинчи воқеа Омонулла Мадаев билан бўлган. Омонулла илмий ишини тайёрлаш арафасида (унинг мавзуси Хоразм достонларининг *хусусияти бўйича* эди) Бола бахшини излаб Хивага боради. Бола бахши нама сабабландир достон куйлашни танлаган, горни қўлига олмасликка касам ичган эди. Омонулланинг барча саъй-ҳаракатлари бекор эди. Аммо Бола бахши – меҳмондўст киши, меҳмонни хафа қилмайди, ёри жўраларини чақириб меҳмон шарафига тўкин дастурхон ёзади. Аския, қўшиқ, куйлаб осмонга ўрлайди. Омонулла – яхши рубобчи. У бир куни чалиб бериш ниятида рубоб сўраб, «Роҳатни», кейин «Муножот»ни чалади. Бола бахши икки кўли тизасида «вах, вах», деб куй тинглайди ва ҳали « Муножот» тугамасданоқ, қўлига горни олиб, терма бошлайди. Унинг томирларида қотиб қолган завқ ҳайқириб оққан эди!

Бу ўринда биз ҳамма фольклоршунос ҳам тиловат қилишни билиши ёки бирон бир куй чала олиши керак, демоқчи эмасмиз. Аммо бахши, умуман, қўшиқчи ёки эртакчи дилига йўл топиши, таъбир жоиз бўлса, «китиклай олиши» керак.

Профессор Баҳодир Саримсоқов шундай ҳикоя қилади: маросим қўшиқларини тадқиқ қилаётган йилларим. « Ҳур қизи» қўшиғи борлигини эшитганман-у, қўлимда на матн бор, на қай тарзда, қай оҳангда айтилишини биламан. Иттифоқо (бу кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин!) қариндошлардан бирининг бўйга етган қизи қазо қилди. Таъзияга бордим.

Ана энди тасаввур қилинг: Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтининг Ҳоди Зариф номидаги фольклор хазинасида сақланган ва сақланганлардан нашр этилганлари қанчалар машаққат ва азоб-укубат билан тўпланган экан! Бу хазинани тўплашда Чўкон Валихонов, Абубакр Диваев (бу киши Ҳоди Зарифнинг тоғаси), Ғози Олим Юнусов, Абдулла Авлоний, Буюк Каримий, Гулом Зафарий, Фаттоҳ Абдуллаев, Собир Иброҳимов, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Шариф Ризо ва бошқалар ташаббус кўрсатганлар. Уларнинг бу жасоратли ишларини кейинчалик Чори Ҳамро, М.Саидов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, Ж.Қобулниёзов, О.Собиров сингари қатор фольклоршунослар давом эттирдилар.

Хусусан, достончилик мактабларининг аниқланиши, тадқиқотларнинг мактаблар бўйича олиб борилиши фольклоршунослик учун муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳали бизда бахшичилик тарихи ҳам ёритилмаган. Умуман, бахшилар шажарасини аниқлаш мумкинмикан? Эҳтимол, бахшилар тарихи, уларнинг дунёга келиши халқлар, миллатлар, ҳатто уруғ–қабилалар тарихи билан тенгдир. Зотан, инсон қўшиқ билан бирга туғилган, дейдилар. Агар шу гапни илмийроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсоният жамияти вужудга келишиданоқ поэзия ҳам туғилган. Тўғрироғи, ҳаёт,

меҳнат жараёни давомида инсоннинг қалбида дард ёки завқу-шавқ ҳам туғилган ва бу ҳолатлар қўшиққа айланган.

Энди бахшилар масаласига келадиган бўлсак, ҳар ҳолда бу ҳунарнинг пайдо бўлиши инсоният ўзлигини таниб, жамият маълум даражада ривожланиб, халқнинг мусиқа ва шеъриятга эҳтиёжи сезиладиган кейинги даврларга тўғри келган бўлиши керак.

Ўрта асрнинг донишманд тилшуноси, бутун Ўрта Осиёни, Хитойни, бир қанча Шарқ мамлакатларини кезиб чиққан Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида жуда кўп халқ қўшиқларини, мақолларини келтиради, бу қўшиқлару мақоллар туркий халқларнинг қадимий тарихига бориб тақалади. Бу гўзал шеърий намуналар туркий халқларнинг меҳнатига, табиатига муносабатларидан ташқари эстетик дидининг қай даражада бошланғани-ю шаклланганидан ҳам далолат беради. Ана шу қўшиқ, терма, достонларни айтувчи ёки яратувчиларни бахшилар, деб аташган.

Хўш, ўша бахшилар қачон пайдо бўлган? – дерсиз.

"Эҳтимол, инсоният бадиий тонги уфқидаги биринчи ижодкор бахши бўлгандир. Шунинг учун ҳам қачонлардир яратилган ота мерос халқ достонларини, унга нисбатан бир «ижодкор» (М.Шайхзода) сифатида, ўзининг ҳайратомуз ҳофизасида асрлар тўфонидан, даврлар елидан сақлаб колиб, бизгача олиб келган, баъзан ўзи ҳам қадимий ва баркарор эпик анъана асосида янги асарларни ижод эта билган...» (Тўра Мирзаев).

Помиру Олойдан Ўрал тизма тоғларига қадар, Эдил дарёси бўйидан Хитойгача тарқалган, боладан тортиб кекса одамгача завқ билан куйловчи халқнинг қадимий қўшиқлари ахир кимнингдир томонидан бадиҳа йўли билан куйлаб юборилмаганми?! Кимнингдир завқи, эҳтиросининг маҳсули эмасми? Фольклор соҳасининг билимдонлари Чўкон Валихонов, А.Диваев, Фитрат, Г.Потанин, В.Жирмунский, Ҳоди Зариф, Музайяна Аливия ва бошқалар кўпгина муаллифларнинг китобларида қайтд этилишича, «қўшиқ - йигитнинг кўрки», деган мақол жуда қадимдан бизгача етиб келган. Модомики, шундай экан, қўшиқ инсоннинг қадимий ҳамрохи. Нонсиз уй бўлиши мумкин, аммо қўшиқсиз уй бўлмайди. Халқлар уруғ-уруғ, қабила-қабила бўлиб яшаган даврларда ҳам ўша уруғ, ўша қабилага оид маъракаларни, байрамларни қўшиқ ва ўйинсиз, куй ва оҳангсиз ўтказмаганлар. Абул Фараж-ал-Исфаҳонийнинг «Оҳанглар китоби» («Книга песен». Москва, «Наука», 1980) да хабар берилишича, ҳар бир уруғнинг, ҳар бир қабиланинг ўзига хос қўшиғи, оҳанги бўлган ва уруғлар, қабилалар ўртасида қўшиқлар ва оҳанглар бўйича доимий мусобақалар бўлиб турган. Бу мусоҳабалар маълум тантанали кунларда ўтказилган. Энди бир тахминни ўртага ташлаш мумкин: эҳтимол ана шу мусоҳа-

балар, бугуннинг тили билан айтганда танловлар бахшиларнинг етишиб чиқишига замин ҳозирлагандир?

Маҳмуд Қошғарий «Девон»ида ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида келтирилган Алп-эр Тегин ва Афросиёб ҳалқидаги илк эпик қўшиқларни ким биринчи бўлиб айтган? Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида келтирилган барча эпик афсоналар туркий халқларники эканлиги маълум. Демак, Эдил ва Амударё (Жайҳун) оралиғидаги Хитой(Чин-мочин)гача чўзилган жуда улкан ҳудудни эгаллаган туркий халқларнинг эпик анъаналари жуда қадимий даврларга бориб тақалади.

Бундан ташқари, инсоният жамиятининг илк ривожланиши даврида халқ шеърияти сеҳр-жоду маросимлари билан мустаҳкам боғлиқ эди. Қабила урушда, овда ёки меҳнат жараёнида муваффақиятга эришмоқ учун қандайдир маъбудаларга сиғинган ва ўшаларга бағишлаб қўшиқлар яратган. Бу яратилмиш қўшиқлар омад келтиришига одамлар ишонганлар. Шу қўшиқларни яратган одамларни сеҳргар, деб ўйлаганлар. Ўша пайтданоқ шоирона иқтидор Худонинг инояти деб англаган. Ҳозир ҳам кайси бахшидан қандай қилиб бахши булгандингиз, деб сўрасангиз, жавоб бир хил: «Чинор тагида (ёки фалон дарахт тагида) ухлаб қолган эдим, тушимга Хизр Илёс кирибди. Қўлимга дўмбира бериб, сен бахши бўл», деб айтди. Уйқудан уйғондиму дўмбира чертиб, қўшиқ айтиб юрдим». Балки, бу акл бовар қилмайдиган бир афсонадир. Ҳар қандай хунармандлар сингари бахшилар ҳам ўзлари ҳақида сирли афсоналар тўқишни яхши кўрадилар. Аммо минглаб мисраларни хотирада асраш ва дўмбира куйи жўрида ёдлаш, ижро этиш, бунинг устига бадиҳагўйлик билан қанчадан-қанча мисралару маҳобатли воқеаларни илҳом билан тўқиб юриш ва бу воқеаларга эшитувчиларнинг ҳайратини уйғотиш осон эмас. Эҳтимол, бу сеҳрли куч ёки Худо ато этган иқтидордир.

Биз, аввало, «бахши» сўзининг луғавий маъносини олиб кўрайлик. Ўзимизнинг биринчи энциклопедиямизда қайд этилганидек, бахши мўғулча ва бурятча «бахши», «бағша» сўзларидан ассимиляция бўлган ҳолда, устод, маърифатчи, дарвиш маъноларини беради. Энди, тасаввур қилиб кўрайлик: қўшиқнинг сеҳри - жодусига ишонган, қўшиқни илоҳий неъмат, деб билган қадимий одамлар кўз олдида қўшиқ тўқиган, бо ринги, ифодали гапирган бадиий сўз усталари –дуохонлар, шомонлар, азайимхонларнинг бахши, яъни устод, деб аталиши ажабланарли эмас.

Дастлаб бахши деганда шомонлар, дуохонлар, қўшнайчилар, аъзаимхонлар назарда тутилган бўлиши мумкиндир. Аммо достон айтувчи шоирлар эса ҳозирда бахши деган сўздан ҳазар қиладилар, бинобарин, улар ўзларини соф ижодкор санъаткор, деб биладилар.

Хуллас, фольклоршунос-олимларнинг тахмин қилишларича, эпик репертуарни ана шу бахши, деб аталган иқтидорли кишилар вужудга келтирганлар. Эпик репертуар, яни достон айтиш қайси даврда вужудга келганлиги фан учун номаълум бўлиб қолмоқда.

Аммо илмий-тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бахшичилик жуда ҳам қадимий даврларга бориб тақалар экан. Модомики, Ўрта Осиёнинг энг қадимий давлатлари Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна экан, бу жойларда туркий халқлар истиқомат қилганлиги, демакки, уларнинг жуда қадимий юксак маданияти бўлиб, бу маданиятнинг бир қисмини халқ ижодиёти ташкил этганлигини қайд этиб ўтмоқ керак. Худди ана шу жойларда – бутун Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи халқлар ўртасида (тарихнинг гувоҳлик беришича, бу ҳудуддаги халқлар, гарчи турли-туман тил ва лаҳжаларда сўзлашсалар ҳам, бир-бирларини тушунганлар). «Авесто» деган буюк китоб оғзаки равишда яратилган ва унинг илдизи Бақтрияга бориб тақалади («Авесто» қадимги «упастха» сўзидан бўлиб, асосий мати маъносини англатади). Бу китоб неча йиллар ва ҳатто асрлар мобайнида оғзаки ижодда шаклланиб, сўнгра ёзма асарга айланган.

Қадимги Юнон тарихчилари бир туркий қабиланинг маликаси Зарина деган қиз ҳақида қуйидагича ҳикоя қиладилар. Бир пайтларда саклар (саг, са-ёқут дегани) устидан Зарина деган ёвқур, жасоратли ва уддабурро қиз ҳукмронлик қилар эди. Бу халқда умуман аёллар устун бўлиб, улар жангу жадалларда ҳам эркаклар билан тенг иштирок этганлар. Зарина ўз халқини севган ва унинг орзу–армонларини юзага чиқарган ҳокима экан. Янги-янги шаҳарлар ҳам бунёд этибди. Шунинг учун ҳам халқ Зарина душман билан оғир жангда ҳалок бўлгач, унинг хотираси учун улкан мақбара қурган. Бу гап Абдулғозихон (1603-1664)нинг «Шажараи тарокима» асарида ҳам учрайди. «Туркманлардан чиққан атоқли кишилар ва бахшиларнинг ҳикоя қилишларича, бутун ўғуз элини ўзига бўйсундирган етти қиз кўп йиллар мобайнида беклик қилганлар. Уларнинг биринчисини Сундунбойнинг қизи, Солар Қозон алининг хотини Олтинкўз (Зарина ҳам олтин маъносида), дейишар ва баланд бўйли, алп қоматли эди. Иккинчисини Қарамишбойнинг қизи, Малишбекнинг хотини Барчин Солор, дер эдилар. Унинг қабри Сир дарёси бўйида ва халқ ўртасида машҳурдир. Ўзбеклар уни Барчин кўк қошонаси дейдилар».

Зарина ҳақида ҳам, етти қиз ҳақида ҳам халқ, албатта, қўшиқлар, афсоналар тўқиган бўлиши ва кейинчалик улар улкан достонга айланганлиги эҳтимолдан холи эмас. Ҳақиқатда ҳам "Зарина ва Стрингия" ҳақидаги афсона воқеалари Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган «Далли» достонини эслатади.

Ҳар ҳолда, эпик репертуар жуда қадимданоқ оддий халқ вакиллари бўлган чўпон-чўлиқлар орасида вужудга келганлиги ва наслдан наслга ўтганлиги тахмин қилинади. Тарихий китоблардан ҳам, манбалардан ҳам XIX асргача ўтган халқ шоирларининг номлари бизга маълум эмас.

Аммо тарихнинг табаррук сахифалари шуни рақам қиладики, Амир Темур ўз лашкарлари сафида бахшиларни ҳам олиб юрган. Тўхтамишхон саройида Камонзода ва Жаҳон деган жировлар хизмат қилган. Бу бахшилар ўша саройларда айтиб юрган «Алпомиш», «Гўрўғли» ҳикоятлари рухи ва мазмуни жиҳатидан халқ достонларига яқин бўлган.

Биз ҳозирги кунгача, минг афсуслар бўлсинки, бахшилар тарихи ҳақида оғзаки маълумотгагина эгамиз. Аслида тахминларга қараганда, бизнинг тарихимиз кўп минг йиллар нарисидан далолат беради. Масалан, Эргаш ота Ҳоди Зарифга берган маълумотга кўра, унинг етти пушти достончи бўлган. Бу авлодни излаб борилса, XVI асрга қараб кетилади.

XIX асрдан бошлаб ўтган халқ бахшиларининг, шоирларининг номлари маълум даражада аниқланган ва аниқланмоқда.

Агар XIX асрни ўзбек достончилигининг гуллаган даври, деб билсак, бунда саҳроларда яшаган кўчманчи чорвадорларнинг хизмати буюкдир. Достончилик ахборот кам бўлган жойларда, инсоннинг ягона ошноси хаёл бўлган ерларда ривожланган. Буни шу билан изоҳлаш керакки, саҳро жойларда, шаҳардан узоқ қишлоқ ва овулларда одамлар куни бўйи қилинган оғир меҳнатдан кейин ўзларини овутиш, кўнгил очиш, машаққатларни унутиш учун оқшомлари тўпланиб, ҳикоятлар, ривоятлар тинглаганлар. Шундай қилиб, халқ қўшиқларининг ижодкорлари ҳам, тингловчилари ҳам халқнинг ўзи бўлган.

Санъатга қаерда эҳтиёж бўлса, у рағбатлантирилса, ўша ерда ривож топади, гуллайди. Шу тарика янги-янги бахшилар етишиб чиққан.

Машҳур саёҳатчи Марко Поло ўз таассуротларида келтиришича, Ўрта Осиё саҳроларининг ёвқур йигитлари жангга отланаётганида бир бахши кўбиз билан жуда узоқ қўшиқ айтган. Албатта, Марко Поло бу қандай қўшиқ эканлигидан хабар қилмайди. Ҳар ҳолда, бу қўшиқ жангга илҳомлантирувчи бир чақириқ бўлмоғи керак. Бу ўринда Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт сари отланаётган йигитлар шаънига бағишлаб Ислом шоир Назар ўғлининг айтган термаларини эслаш кифоя.

Йигитлар гурас-гурас бўлиб фронтга жўнар эканлар, уларни Ислом шоир гоҳида:

Зафар билан қайтиб келсанг юртингга,
Рози бўлар онанг эмган сутингга,
Шунда ёр ҳам бошин қўяр кўксингга,
Нуридийдам, жоним ўғлим, яхши бор!

Ислом отанг рози бўлсин ўзингдан,
Шунда ёр ҳам бошин қўяр кўксингга,
Даркор бўлса, мен борарман изингдан,
Хайр энди, азиз ўғлим, яхши бор!

деган мисралар билан кузатса, гоҳида:

Отлиқ аскар найза санчар,
Бедов отлар йўлин очар,
Туриш бермай фашист қочар,
Мард юрар майдон ичида.
Эрк йўлини ботир очар,
Душманларин босиб янчар,
Тумтарақай ёвлар қочар,
Мард юрар майдон ичида

деган мардона мисралар билан кузатган.

Ҳар бир бахшида бўлганидек, Ислом шоир ҳам хоҳ термалар айтсин, хоҳ достон куйласин, қадимиятдан авлодларга ўтиб келаётган анъанадан четга чиқмаган. Марко Поло бизга хабар қилган бахши ҳам ёвқур йигитларни жангга кузатар экан, уларни шердил қилувчи мисраларни куйлаган бўлиши мумкин.

Демак, бахши ҳар даврда, ҳар доим саҳройи кишиларнинг дилкаш ҳамроҳи, кўнгил зорининг ифодачиси бўлган. Аммо бахшилар ўтган асрларда ёппасига хат-саводсиз эдилар. Шундай бўлса-да, яхши достончи 30 тагача достонни хотирасида сақлаган. Агар ҳар бир достонни, айтайлик, 5–6 минг мисрадан ҳисобласак, достончиларнинг ҳофизаи қувваларига тан бермасдан иложимиз йўқ.

Бахшиларнинг хаёл денгизи шу қадар кенг ва чуқур бўлганки, унинг туби кўринмаган. Бу тубсиз хаёл бахшиларга қаердан пайдо бўлган? Бу буюк истеъдодми ё илоҳий кучми, Худо берган неъматми? Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг бир гани ёдимга тушади. У киши Алишер Навоий ғазаллари ҳақида фикр юритиб: «Бу ғазаллар инсон боласи томонидан яратилганига ақлим бовар қилмайди, булар қандайдир илоҳий қудрат билан битилган», деган эдилар.

Мисол учун, фолбинлар тақдирни сўйлайдилар. Уларнинг айтганлари кўпинча тўғри чиқади. Нега? Ё улар фол очаётганда, қандайдир кўринмас ғайри табиий куч кулоқларига шивирлаб ўргатиб турадими? Ҳозирги кунда бодраб чиққан экстрасенсларнинг баъзилари ҳақиқатда ҳам беморларни масофада туриб даволаяптилар. Бу нима, илоҳий қудратми ёки ҳақиқий кучми? Бу муаммоларни фан ҳар томонлама тадқиқ қилгани йўқ. Фолбинлар, экстрасенслар орасида фирибгарлари кўп, аммо бахшининг

фирибгари бўлиши мумкинмас, чунки, бахши одамлар кўз олдида дўмбирани сайратиб, термалар тўкийди, достон айтади.

Балки бахшиларнинг саводсизлиги, очиғини айтганда, эҳтимол уларнинг қуввати ҳофизаларига ёрдам қилгандир.

Одатда, бахшилар бир жойда муқим бўлиб қолмаганлар, чунки ён-атрофдаги, ҳатто узоқ жойлардаги тўй-ҳашамларга уларни таклиф этганлар. Бинобарин, тўй-ҳашамлар, турли тантаналар бахшининг овози-ю созисиз ўтмас эди. Бу саёҳатлар, биринчидан, бахши ижоди учун материал берса, иккинчидан, саводли кишилар билан мулоқотлар, айниқса XIX асрда кенг тарқалган қиссахонлар билан учрашувлар уларга ёзма адабиёт билан яхшироқ танишиш имконини берган. Шу йўл билан ўзбек адабиётида машҳур бўлган «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра", «Лайли ва Мажнун», «Сайфулмулук» сингари асарлар оғзаки адабиётга ҳам кириб келган.

Бахшини тингловчи аудитория асосан халқ вакилларидир. Бир достонни, масалан, «Алпомиш»ни тинглаш икки-уч кечалаб давом этганини бахшилардан ҳам, муйсафидлардан ҳам эшитиш мумкин. Бахшилар амирлар, хонлар, бекларнинг саройида ҳам хизмат қилганлар. Бундай пайтларда уларнинг ҳукмдорлар тазйиқига дуч келиши табиий эди. Ҳоди Зариф Қобон бахши билан бўлган бир воқеани ҳикоя қилади: Бухоро амири Насрулло саройда доимий равишда хизмат қилган Эрназар бахши Қобон (1860 йилда вафот этган) амирнинг юришларида ҳамиша ҳамроҳ бўлиб, олти ой мобайнида «Алпомиш»ни айтиб, каҳрамоннинг қалмоқлар чангалидан қутилиш эпизодларини янги-янги воқеалар билан чўзаверган. Тоқати тоқ бўлган амир бахшининг рўпарасига ўз отини олиб келиб қўйган, у ҳушёрлик қилиб, Алпомишни зиндондан қутқарган Бойчибор эмас, балки амирнинг тулпори эканлигини айтиб, достонни тугатган.

Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида хизмат қилган гурланлик Ризо бахши (1910 йилда вафот этган)нинг ҳам репертуари хонга маъқул келган эпизодлар билан мажбуран «тўлдирилган» экан.

Булунғур достончилик мактабининг етук намоёндаларидан бири Фозил Йўлдош ўғли ижодига самарали таъсир кўрсатган Суяр бахши Худоёрхон саройига бот-бот қатнаб турган. Эргаш отанинг падари Жумабулбул, шаҳрисабзлик Бойсари бахши ва кўлтўсинлик (Самарқанд музофоти) Чини шоирлар амир Музаффар саройида, Хидир шоир Шаҳрисабз беклигида, Фозил отанинг устози Йўлдош шоир Ўратепа беклигида, Жўра шоир (Зарафшон водийсидан) Афғонистон амири Абдураҳмон саройида хизмат қилганлар.

Султонмурод шоир «Гўрўғли» туркуми достонларининг устаси ҳисобланган. У Ургут бегининг ҳузурида қаҳрамонни «Султон Гўрўғли», деб

айтибди. Бек ковуши билан бахшининг оғзига уриб, «Бу гадойваччани султон дейишга қандоқ ҳаддинг сиғди?» – деб бақирган. Ёки Йўлдош шоирнинг шогирди Жўра бахши Ўратепа беги ҳузурида исёнкорона руҳдаги достон айтганлиги учун бек томонидан устунга занжирбанд қилинган.

Аммо шунга қарамай, бахшилар қадимдан келаётган анъаналарга амал қилиб, халқ орзу-армонларини куйловчи достонларни ўз наслларига узатаверганлар.

Манбалар ва бахшилар ижодиётини ўрганиш шундай хулосага олиб келадики, ҳеч қайси бахши алоҳида, бир ўзи, бирон-бир устознинг таълимисиз ёки таъсирисиз ижодкор бўлмайди. Ҳамма бахшилар ҳам шогирд тайёрлайвермайдилар. Аммо бари-бир уларнинг бадиҳагўйлик санъати яширин эмас, ундан у ёки бу бахши баҳраманд бўлади. Демак, достончиликда устоз ва шогирдлик бевосита ва билвосита давом этар экан. Кўп ҳолларда эса, устоз бахши ўзи қишлоқма-қишлоқ юриб, шогирд излайди, иқтидорли ёшларни топиб тарбиялайди. Маълум бир устоз шогирдни йиллаб тайёрлайди. Шогирд достон айтиш машқини олгач ва ўзи мустақил равишда достон айта оладиган бўлгач, устоз шогирдининг мустақил ҳаётга йўлланма бериш учун катта зиёфат беради, эл олдида унинг шилигини эълон қилиб, тўн кийдиради (баъзи ҳолларда от миндиради), дўмбира совға қилади. Шогирдлик йилларида бўлажак бахши устознинг уйида, унинг ўз фарзандидек тарбияланади. Бахши устозлиги учун бир тийин ҳақ олмаган ҳолда, шогирдини боқади, кийинтиради.

Ўрганиш жараёни ҳам жуда оддий: шогирд ҳамиша устоз этагида, у борган жойга бориши, унинг айтган достонларини диққат билан тинглаши, эпик қолиплар ва клишеларни, жанг эпизодларини ёд олиши лозим. Аммо бутун достон ҳеч қачон ёд олдирилмайди: шогирднинг ижодий ўсиши учун кенг имконият берилади, яъни шогирд фабулани билиб олган ҳолда, интерпретация қилмоғи, янги сюжет чизикларини ўзи тўқимоғи лозим.

Масалан, ўз устозлари Суяр бахши ва Йўлдош булбулдан таълим олган Фозил Йўлдош ўғли бошқа шоирлардан ўзининг кучли иқтидори билан бирга бадиҳага мойиллиги билан ҳам фарқ қилган. Фозил шоир умумий фабулани ўрганиб, мустақил равишда ўзининг ижодий фантазияси билан янги сюжетни тўқиган.

Фозил Йўлдош ўғли куйлаган «Алпомиш» достони шу номдаги достонлар варианти ва версиялари ичида энг мукаммали ҳисобланади. Шоир устозларидан бу достонни куйлаш бўйича кўп нарсани олган, аммо шеърий мисраларда унинг бадиий санъати аниқроқ кўринади. Ҳоди Зариф шундай ҳикоя қилган: XIX асрнинг иккинчи ярмида Полвон ариқда (Булунғур тумани) ўз даврининг машҳур достончилари – Султонмурод

шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Хидир шоир ва Фозил отанинг бўлажак устози Йўлдош булбул тўпланишган экан. Давранинг оксоколи бўлган Султонмурод шоир Йўлдош булбулдан бирон қўшиқ айтишни илтимос килибди. Йўлдош булбул туни билан достон айтибди. Эшикдеразалар ёпик экан, достон тугагач, эшикни очиб ташкарига чиқишса ёпёруғ кундузи эмиш: достон кизик бўлганидан тун кандай ўтиб кетганлигини тинглаганлар билмай колишган экан. Қурбонбек шоир Хидир шоирдан Йўллошнинг куйлани ёққан-ёқмаганлигини сўраганда, у «Осмонни булут коплаб, жала куйганда, Тажан ларёси тўлиб-тошади, аммо унинг тўлиб-тошиши Йўлдошникича эмас», – деб жавоб берган.

Худди ёзма адабиётда бўлганидек, бахшилар хам ана шундай ижодий учрашувларда бир–бирларининг ижодий салоҳиятлари билан танишганлар, бир-бирларининг камчиликларини кўрсатиб, ижодий мусоҳабага киришганлар. Бундай мусоҳабалар индивидуал ижодий имкониятларнинг кенгайишига самарали таъсир кўрсатган. Айтайлик, «Алпомиш» Бўлунғур мактабининг энг яхши махсули бўлса, Жуманбулбул авлоди томонидан «уч бора ҳайдалган» «Равшан» Кўрғон достончилик мактабининг энг сара достонидир. Эрғаш ота ўзининг таржимаи ҳолида бобоси Мулла Холмуродни «сўзнинг дехкони эди» деб таърифлайди, «Равшан» бобосидан қолган мерос эканлигини эслатади ва достоннинг айрим ўринлари шоирнинг отаси Жуманбулбулнинг устози Бўрон бахши (Кичик Бўрон)га тааллукли эканлигини уктиради. Масалан, достондаги бозор картинаси ва унда Равшанхоннинг:

Топлаб зулфин ўрган борми,
Ёрман сухбат қурган борми,
Ёки бирга юрган борми,
Боғидан гул терган борми.
Бизнинг ёрни кўрган борми,
Ёр дарагин берган борми?
Бирга бўп ўтирган борми,
Базмига кетирган борми,
Кенгашни кетирган борми,
Ҳисобин йитирган борми.
Бизнинг ёрни кўрган борми,
Ёр дарагин берган борми?
Ваъдасида турган борми,
Қайтиб, худой урган борми.
Сухбатига борган борми,
Унга сирин ёрган борми,
Бизнинг ёрни кўрган борми,

Ёр дарагин берган борми?
Э ёронлар, хай ёронлар,
Хаммангиз менга каранглар,
"Ёринг ким?"- деган-да, сўраганлар,
Менинг кунимга яраганлар!
Бизнинг ёрни кўрган борми,
Ёр дарагин берган борми?
Менинг ёрим киз боладир,
Кўп аччиғи тез боладир,
Кўзлари юлдуз боладир,
Қошлари кундуз боладир.
Бизнинг ёрни кўрган борми,
Ё дарагин берган борми?

деган қўшиғини, ёки, «Кундуз билан Юлдуз» даги:

Ёрим мени унутдими?
Бошқанинг қўлин тутдими?
Занги билан парвоз қилиб,
Устингдан юлдуз ўтдими?
Бизни ўртаб ранги билан,
Кийгани фарангги билан,
Ҳамдам бўп, барзанги билан,
Устингдан юлдуз ўтдими?
Майин-майин овоз қилиб,
Юз туман минг бир ноз қилиб,
Занги билан парвоз қилиб,
Устингдан Юлдуз ўтдими?
Занги билан бирга юриб,
Нози билан қошин кериб,
Эгри қараб, лабин буриб,
Устингдан юлдуз ўтдими?

каби мисрлар Бўрон бахшига нисбат берилади. «Алпомиш» даги:

Шумурти ёқалаб хар ёққа кетган,
Ичида сичқонлар болалаб кетган,
Издан тушган пишак Олтойда етган,
Шундай калмок қўлин булғаб келади.

сингари маҳобатли портретлар эса Амин бахши (XIX аср ўрталарида яшаган)га тааллукли дейдилар.

Шунингдек, бахшилар ўзаро мусоҳабаларда бир–бирларининг нуқсонларини кўрсатиб турганлар. Масалан, Фозил ота «Гўрўғли» туркумидаги достонларда Авазнинг гўзал, аёлсифат қилиб тасвирланишини қаттиқ ко-

ралаган. Ёки Абдулла шоир Фозил отанинг «Алпомиш» даги тўқсон алп бир отанинг фарзандлари, деган иборасини танқид қилган ва Фозил Йўлдош бу хатосини тузатган.

Ўрта Осиё бўйлаб эпик репертуарнинг қандай ва қай тарзда таркалганлиги хозирги фанда бир мунча аниқланди. Самарқанд ва Бухорода, Фарғона водийси, Хоразмда яшаган, ижод қилган кўплиб бахшиларнинг номлари хозирда маълум ва уларнинг шогирдларидан, хатто ўзларидан кўплаб достонлар ёзиб олинган. Ўзбекистонда эпик поэзияга энг камбағал Тошкент шахри ва вилояти хисобланади. Бу ерда – Пискент туманида Бердибахши (кўконлик) ва Бўка туманида – Чори бахши Хожамбердиев (кашқадарёлик) сингари бахшилар борлиги аниқланган, улардан хам кўплаб достонлар, термалар ёзиб олинган. Тошкент марказида яшаган Пирмат (Бўқоқ бахши) деган достончи XIX асрнинг охирларида яшаб ижод этганлиги хам аниқланган. Бўқоқбахши репертуарида «Гўрўғли» туркумидаги «Алпомиш», «Юсуф ва Аҳмад» сингари достонлар бўлганлиги кайд этилган.

Тошкент шахри ва унинг атроф-теваракларида бахшиларнинг кам бўлганлиги ва музофотда ёзма адабиётнинг, киссахонликнинг ривожланиши билан изохланади. Маълумки, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Хива кадим–кадимлардан тараққиётда олдинга кетган шахарлардир. Шахар шароитида саводли кишилар кўп бўлган, бу биринчи тарафдан, иккинчидан, бахшиларнинг хаммаси "ж"ловчи шевада куйлаганлари учун уларни кўпда тушунавермаганлар. Учинчидан, шахар шароитида қахрамонлик достонларидан кўра, кўпрок муҳаббат ва диний достонлар сингган. Шунинг учун узун қиш кечаларида давра қуриб киссахонлик қилганлар. «Лайли ва Мажнун», «Вомик ва Узро», «Фарҳод ва Ширин», «Искандарнома», «Юсуф ва Зулайхо», «Абу Муслим», «Беҳиштнома», «Меърожнома», «Сайфулмулик» сингари китоблар ўқилган, бедилхонлик, наволйихонлик, яссавийхонлик кечаларини ўтказиш ривож топган.

Хоразм воҳасида достончилик анъанаси алохида бир ходиса сифатида кўз олдимизда намоён бўлди. Бу воҳадаги достончилик анъанаси ўзининг турғун ҳолати билан ажралиб туради: устоздан келаётган достон деярли ўзгармайди ва достон куйлашда айтувчига доира, гармонь ва хакозо мусиқа асбоблари жўр бўлади. Хоразм, Нурота, Қўрғон, Булунғур, Тожикистондаги ўзбек лақай достончилик анъаналари хусусида Т.Мирзаев ўзининг «Халқ бахшиларининг эпик репертуари» деган китобида етарли маълумотлар берганлиги учун биз булар хусусида тўхталмаймиз. Шунингдек, ушбу китобда аёллардан чиққан достончи шоирлар, халфалар хақида хам етарли маълумотларни учратиш мумкин.

* * *

Бу ўринда шу пайтгача фанда оммалашмаган, шунингдек, халқ орасида кенг таркалмаган Сурхондарё ва Қашқадарё достончиларининг шажараси хақида ва бу шажарани аниклаган захматкаш фольклоршунослар хусусида гапирмок жоиздир.

Қарши Давлат педагогика институтининг доценти Абдимўмин Қаххоровнинг уйи бамисоли фольклор музейи: жилд-жилд тўпланган фольклор материаллари, портретлар, достончилар хақидаги ривоятлар ва хикоятларнинг сон-саноғи йўк. Айникса, шу воҳаларда XVIII асрнинг охиридан то шу давргача ўтган бахшилар шажараси диққатни жалб этади. Менинг назаримда, икки воҳа бахшиларини бу одам ўзининг кичик жусасига жойлаб олгандай.

А.Қаххоровнинг катта мехнати эвазига тузган шажарасини кўздан кечирамиз. Бирини «Қашқадарё достончиларининг шажараси», иккинчисини «Қашқадарё-Сурхондарё достончиларининг шажараси» деб атаган. Биринчи шажарада ғузорлик Рустам шоирни XIX асрнинг бошларида ўтган бахши, деб кўрсатиб қўйибди. Худди шунингдек, иккинчи шажарада шерободлик Бобо шоирни XIX асрнинг бошларида яшаган, деб кўрсатилган. Уларни кўрсатиш билан бирга, алохида чизиклар оркали бу шоирларнинг шогирдлари, издошлари хам қайд этилган. Агар шажарага қараб мухокама киладиган бўлсак, Бобо шоирнинг Қосим юзбоши (XIX аср ўрталарида) деган шогирди бўлиб, у ўз навбатида шерободлик Холмурод Қосим ўғлини, шерободлик Алим юзбошини шоир қилиб етиштирган. Буларнинг ўзига келганимизда, масалан, Шерназар Бердиназар ўғли 14 та шогирд чикарган: Деҳконободнинг Тўдачорвок қишлоғидан Муҳаммад Раҳимхўжа Муҳаммад Содиқ ўғли (1889 йилда туғилган), Шерободнинг Ғўрим қишлоғидан Жўра Эшмирза ўғли (1946 йилда вафот этган), яна Деҳконободнинг Етимкудук қишлоғидан Умир Сафар ўғли (1894–1966), яна Шерободдан Олтибой юзбоши, Саодат юзбоши, Чори юзбоши (1873–1934), Азон қишлоғидан Мардонқул Авлиёкул ўғли (1886–1955) ва Нормурод Шерна ўғли, Гиламбоп қишлоғидан Аҳмад юзбоши (1862–1928), Азон қишлоғидан Тўкли Шерна ўғли, Калламайдон қишлоғидан Шотўра юзбоши Худойқул ўғли сингари шоирлар етишиб чиққанлар. Бу шоирлар ўз навбатида эпик репертуарларни бошқа шоирларга узатганлар. Масалан, Ражаб Нормурод ўғиллари Орол (1929 йилда туғилган) ва Ўролни (1928 йилда туғилган) шоир қилиб етиштирган ҳолда, ўз репертуари билан энг сўнгги бахшилар орасида машҳур бўлган Қодир Рахимовга (1941–1986) самарали таъсир кўрсатган. Қодир шоир эса ёш бўлишига қарамасдан, деҳконободлик Қора ва Чори Умировларга, Эшназар Раҳматовга, саросиёлик Бекназар Раҳматовга, Оллоназар бахши Тўхташевга,

деновлик Боборайим бахшига ўз таъсирини кўрсатган. Умир Сафар ўғли эса Дехконобод туманидаги Торкопчиғон қишлоғидаги Сафар Хушвакт ўғли (1907 йилда туғилган), Оқиртма қишлоғидан Ҳайин Пиримкул ўғли (1908 йилда туғилган), Ажина қишлоғидан Нурали шоир Қурбонов сингариларни тарбиялаган. Унинг репертуаридан Қодир Раҳимов ҳам самарали фойдаланган.

Мардонқул Авлиёкул ўғли эса Шеробод туманидаги Азон қишлоқлик Хушвакт Мардонокулов (1942 йилда туғилган), Аваз юзбоши Ангор туманидаги Таллимаржон қишлоғидан Абдушукур Ҳожимуродов, Чоршанба бахши (1930 йилда туғилган) сингари шогирдларни етиштирган ва ўз репертуари билан Денов туманидаги Оқлар қишлоғидан Тошмурод Тўра ўғли (1897 йилда туғилган), Бойсун туманидаги Кофрун қишлоғидан Улаш Ғози ўғли (1892–1969), норлик Қиём Чори ўғли (1907 йилда туғилган), Шеробод туманидаги Азон қишлоғидан Алисаид Хайинназар ўғли (1902–1953), Оккўрғон қишлоғидан Юсуф Ўтаган ўғли (1915 йилда туғилган), таллимаржонлик Раим Раҳим ўғли (1899 йилда туғилган), тожикистонлик Бўри Аҳмад ўғли (1914 йилда туғилган), Денов туманидаги Охунбобев қишлоғидан Эшмурод Шердон ўғли (1904 йилда туғилган) каби шоирларга бевосита таъсир кўрсатган.

Бу, албатта, Шерна бахшидан бошланган шажаранинг тўлик рўйхати эмас. А.Қаххоров тузган шажарада ўша Бобо шоирдан келаётган анъанадан бевосита ва бавосита таъсирланган энг кичик бахшигача ҳисобга олинган.

М.Саидов ва А.Самад ўзларининг «Шерна бахши ҳаёти ва ижоди ҳақидаги баъзи материаллар» деган мақолаларида унинг ҳақида ажойиб бир ривоят келтирадилар. Бу ривоятни А.Қаххоров тўплаган материаллар ҳам тўла тасдиклаб турибди.

Шерна Тожикистонга бориб қолади. Тожикистон қишлоқларини айланиб юрганда катта тўй устидан чиқиб қолибди: тўйда ҳар хил кўнгил очар ўйинлар билан бирга бахшилар ҳам басма–басга қўшиқ айтишаётган экан. Бир томонда 100 га яқин шогирдлари билан ўша пайтда машҳур бўлган Тос номли шоир алоҳида–алоҳида меҳмонхоналарга жойлашиб олган экан. Ўзи ва шогирдлари тўкин дастурхон устида, пар болишларга суянган ҳолда бениҳоя иззат-ҳурмат кўриб достон айтишаётган эмиш. Меҳмонлар ҳам, тўй эгаси ҳам тўйга кириб келган ялангоёқ бир болага (Шернага) эътибор беришмабди. Ошнинг кетини–бетини сузиб уни чекка ўтказишибди. Шерна бундай ҳурматсизликка чидолмасдан думбира сўраган. Дўмбирада аввал турли оҳангларни чалади. Атрофдагиларга ўзининг аҳволини қўшиб термалар айтади. Аста–секин жўша бошлайди ва ниҳоят дарёдай тошиб, тинимсиз куйлаб кетади. Бир маҳал кўзини

очиб атрофга қараса, бутун халқ атрофини ўраб олганмиш. Кўпларнинг кўзида ёш, ўзи турган кора ўтов ўртадан кўтарилган. Тос ва унинг шогирдлари қошида ҳеч ким йўқ эмиш (Қиёс қилинг: Йўлдош булбул Полвонарикда достон айтганда ҳам шунга ўхшаш воқеа рўй берган).

Ривоят қилишларича, Шерна 7–8 ёшларидаёқ дўмбира чертиб, достон айта бошлаган экан. Бу ривоятни Абдумўмин Қаххоров етарли мавзу асосида тасдиклайди. У кўп йилларда Шерна бахшининг таржимаи ҳолига оид фактларини йиғиб ҳақиқатда ҳам Шерна 7–8 ёшларидаёқ шоир бўлиб танилганини далиллар билан исбот қилади. Шерна ёлғиз ўғил экан. Унинг шоирлигидан ота-она ваҳимага тушишади. Ота уни етаклаб табиб ҳузурига боради. «Тилаб–тилаб олган ягона ўғлим. Уйқусида ҳам ашула айтади. Жинни бўлган, шекилли", деб ҳасрат қилади. Табиб Шернани кўриб «Қаеринг оғрийди, болам?» деб сўраганда у «Етти жойдан таом едим, қўшиқ айтмасам қорнимда бир нарса тирнаб қўймайди», деб жавоб берибди. Табиб боланинг отасини «ташвиш чекманг, ўғлингиз шоир бўлибди", деб хотиржам қилган экан. Бу ўринда «Мантиқ ут-тайр»ни 7–8 ёшида ёдлаб олган Алишер Навоийни, 13–14 ёшларида ўзининг шеърлари билан муйсафид Державинни қойил қолдирган Александр Пушкинни, 6 ёшида симфония яратган – Моцартни эслайди киши.

Шерна ўзининг маҳорат даражасини қай даражада ошириб борган, эпик репертуарни кимлардан фойдаланиб кенгайтирган, афсуски, булар ҳақида маълумотлар бизгача етиб келмаган. Шернани билган, унинг таълимини олган шогирдлари ҳам ҳеч нарса дея олмайдилар. Ҳатто устози Қосим юзбоши билан қандай мулоқотда бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар йўқ.

Хуллас, Шерна йиллар ўтган сари афсонавий шахсга айланиб борган. Ривоят қиладиларки, Шернанинг қўлида достон ҳақида катта китоб бўлган. У шу китобдан ўрганиб достон айтар эмиш. Аммо А.Қаххоров тўплаган материаллар бўйича Шерна хат билмайдиган одам бўлган.

Албатта, Шерна яшаган XIX асрнинг иккинчи ярими ва XX аср бошларида фольклор материалларини ёзиб олиш йўқ эди. Демак, биз Шерна репертуари билан бевосита таниша олиш имкониятидан махрунмиз. Аммо Шернанинг эҳтиросли шогирди Умир Сафар ўғли «Шерна қандай айтган бўлса, биз ҳам шундай айтаётирмиз», - деб гувоҳлик беради.

Агар Умир Сафар ўғлининг гапига бовар қиладиган бўлсак, у ҳолда Шерна ҳақиқатда ҳам кучли, бекиёс иқтидорли шоир бўлган.

Шерна 23 ёшларида Ҳисорда катта тўй бўлармиш, шу тўйга Омонтурди келармиш, деган гапни эшитиб қолади. Ўзи ҳам тўйдан 10 кун аввал Ҳисорга йўл олади. Тўй бошланишидан аввалроқ 33 шогирди билан Омонтурди қовчин ҳам келади. Шерна Омонтурди қўшиқларини катта

қизиқиш билан тинглайди. Шернанинг бунчалик қизиқиб эшитаётганлигини кўрган Омонтурди ундан «Исмини нима, ўзинг қаерликсан?» – деб сўрайди. Шунда Шерна:

Исмимни сўрасанг ўзим ғарибман,
Аввалдан эшитиб қордай эрибман ,
Куч бер, бобо?, санам ёрга кетаман

деб жавоб берибди. Омонтурди эса:

Ошиқ бўлсанг куйиб, ёниб ўтарсан,
Сабр айласанг ёр қўлини тутарсан.
Илғайберсанг 500 йилга етарсан,
Беш юз йиллик йўлдир ёрнинг макони...

Ўлим, ошали-ошали, тоғдан ошали,
Сен бунда қайнасанг ундан тушали,
Бир пайсалга хиёл қилгин, жон болам,
Икковимиз бир майдон ғаплашали.

деб шоир болани айтишувга чорлайди. Шундан кейин иккаласи бир фасл савол-жавоб қилибди.

Мана ўша савол-жавоб:

Бир нарса бор танасида, жони йўқ,
Бир нарса бор чопарида, сони йўқ,
Бир одам бор икки бетда қони йўқ,
Болам, шоир бўлсанг хабар бер шундан?

ШЕРНА:

Қора ернинг танасида жони йўқ,
Азроилнинг чопарида сони йўқ,
Қасамхўрнинг икки бетда қони йўқ,
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлур.

ОМОНТУРДИ:

Бир нарса бор: ўлмас-йитмас, қаримас,
Бир одам бор: елар-йўртар, ҳоримас,
Бир қуш бордир: ажал етмай доримас,
Бир нарса бор: ерда ётиб чиримас,
Бир тоғ бордир: унинг қори эримас,

Бир дарё бор: оқар-тошар қуримас,
Болам, шоир бўлсанг хабар бер шундан.

ШЕРНА:

Худо таолло ўлмас-йитмас, қаримас,
Хожайи Хизр елар-йўтар, ҳоримас,
Азроилдир вақтин билмай доримас,
Олтин бўлар ерда ётиб чиримас,

Тўрт тоғнинг қори туриб эримас,
Кўнгил дарё оқар, тошар қуримас,
Бобо устод бўлсанг жавоб шул бўлур.

ОМОНТУРДИ:

У нимади ёқаси бор, ёни йўқ,
У нимади қаноти бор, қони йўқ,
У нимади одам ютар, жони йўқ,
Болам, шоир бўлсанг хабар бер шундан?

ШЕРНА:

У кафандир ёқаси бор, ёни йўқ,
Қаналакдир қаноти бор, қони йўқ,
Қора ердир одам ютар, жони йўқ,
Бобо, устод бўлсанг жавоб шул бўлур.

ОМОНТУРДИ:

У нимади, дарвозасиз қалъадир,
У нимади, деразасиз бинодир,
У нимади, бир-биридан аълодир
Болам, шоир бўлсанг хабар бер шундан.

ШЕРНА:

У кўнгилдир дарвозасиз қалъадир,
У қабрдир деразасиз бинодир,
У ой-кундир, бир-биридан аълодир.
Бобо, устод бўлсанг жавоб шу бўлур.

Юқорида келтирилган савол-жавоб Шерна бахшининг ҳозиржавоб шоир эканлигидан далолатдир.

Иккинчи шажара Алим юзбошига тааллуқли. Алим юзбоши Шерна билан тенгдош бўлиб, у ҳам достон айтишни Бобошоир ва Қосим юзбо-

шидан ўрганган. Шеробод туманидаги Бешкўтон қишлоғидан бўлган бу бахши 20-йилларнинг бошларида вафот этган. Бойсун туманидаги Кофрун қишлоғидан Холиёр Алим ўғли, шерободлик Боймурод Боймат ўғли (1855–1956) сингари шоирларни етиштирган. Бу шоирларнинг ҳам ўз шогирдлари бор. Холиёр бахши ҳозир ҳам барҳаёт шўрчилик Эшқобил Қўшоқ ўғлини етиштирган бўлса, Боймурод Боймат ўғли деновлик Эшмурод Шердон ўғли, жарқўрғонлик Нормурод Ноён ўғли каби шоирларни тарбиялаган.

Ҳар ҳолда гап бадиҳагўйлик санъатида устоз-шогирдлик анъанаси хусусида бормоқда. Бошқа худудларни камситмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Қашқадарё ва Сурхондарёда бу анъана аниқроқ кўринади ва ҳар бир бахшининг шогирд етиштириши маълум маънода бурч ҳисобланади. Бу худудлардаги бахшилар орасида агар шогирд етиштирмайдиган бахши топилгудай бўлса, бундай бахшини, энг аввало, халқнинг ўзи тан олмайди. А.Қаххоров келтирган шажарада бир канча бахшилар борки, уларнинг номи алоҳида доира ичига олиб кўйилган. Бунинг маъноси ўша бахшилар халқнинг назарига тушмаганлар. Лекин бахшилар дуч келган одамни шогирд қилиб олмаганлар. Улар, аввало, бўлажак шогирдни жуда қаттиқ синовдан ўтказганлар.

Шундай бир ривоят бор. Ғўччи юзбоши деган бир бахши (XIX асрнинг иккинчи ярмида Жарқўрғондаги Қораёғоч қишлоғида яшаб ўтган) шу тумандаги Сафқал қишлоғида бўлиб, бир тўйда Шерна билан учрашиб қолади. Шерна ярим кечага қадар Ғўччи юзбоши билан достон айтишади. Шерна шу пайтлари анча ёшга бориб, чечак касали оқибатида силласи қуриган бўлиб, айтишувда чарчаб қолади. Эртасига тонгданоқ кўпкарига тумонат одам йиғилади. Шерна ана шу Ғуччини синовдан ўтказади. «Агар теппаликка чиқиб ўз кўшиғинг билан шу одамларни кўпкаридан қайтарсанг, сенга қойил қоламан», дея шарт қўяди. Ғуччи шартга розн бўлиб, тепаликка чиқиб олибди-да, дўмбира чертиб, қўшиқ айта бошлабди. Дўмбирани шу қадар кучли бир оҳанг, бениҳоя дилбар бир куй билан яйратиб, қўшиқ айтибдики, кўпкарига келаётган отлиқлар битта–битта, тўртта–тўртта, ўнта–ўнта бўлишиб, тепалик остига тўпланишибди. Ғуччи бир дақиқа нафас олиш учун тўхтаган экан, ҳазилкашлардан бири «Дўнон! Товуши битди, чой олиб кел», деб товуш қилса, Ғуччи бир уф тортиб:

Аваз дейди бойингиз,
Минга етди қўйингиз,
Сайқал дейди сойингиз,
Оқбўзардан уйингиз,
Дўнан-дўнан дедингиз,
Қачон келар чойингиз?-

деб қўшиқ айтибди. Шунда тўй эгаси келиб «сенинг мақсадинг нима, одамларни кўпкаридан қолдириб, тўйимни бузмоқчимисан", деб дўқ қилибди. Ғуччи тўхтамапти, яна қўшиқ сурибди. Ахири тўй эгаси бир от абзали билан ва бошдан-оёқ сарпо ҳадя қилиб, Ғуччини қўшиқ айтишдан тўхтатибди. Шундани кейин Шерна Ғуччига қойил қолиб, ўз репертуари билан уни якиндан таништирган экан.

Ёки бошқа авлоддаги устоз–шогирдчилик анъанасини олиб кўрайлик. Бу анъана бизга маълум бўлишича, XIX аср бошларида Ғузорда яшаб ўтган Рустам шоирдан бошланиб, шаҳрисабзлик Зохир шоир Қўчқоровга келиб тақалади. Рустам шоирнинг бевосита шогирди ғузорлик Хонназар шоир (XIX асрнинг ўрталарида), унинг шогирди эса қамашилик Искандар шоир (XIX асрнинг ўрталарида) бўлган. Искандар шоир эса XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Чироқчида яшаб ўтган. Тўра шоир ва 1847 йилда туғилиб XX аср бошларида вафот этган Ражаб шоирни ўз тарбиясига олган. Тўра шоир чироқчилик Мардон шоирни (1880–1919) тарбиялаб етиштирган. Бу шоир айни пайтда чироқчилик Элтой шоир Мирзо ўғли (XIX асрнинг иккинчи ярми)дан ҳам таълим олган. Икки шоир тарбиясини кўрган, эпик репертуари ниҳоятда бой бўлган. Бу шоир бевосита 10 шоирга устозлик қилган. Булар: каттақўрғонлик Эдига шоир, Самарқанднинг Жом қишлоғидан Йўлдош шоир, Такажиғилди қишлоғидан (1943 йилда вафот этган) Орол шоир, чироқчилик Тоғай шоир (1895 йилда туғилган), Оролнинг укаси Ниёз шоир, Қозоёкли қишлоғидан Сафар шоир, унинг укаси Уста Ниёз шоир, чироқчилик Қоржов шоир, Худойберди шоир, қамашилик Муҳаммад шоирлардир. Бу мактабда бешкентлик Чори бахши Қўлдош ўғли (1903–1943), Чори бахши Хожамберди ўғли, косонлик Худойберди шоир, шаҳрисабзлик Барот шоир, Тош шоир Чоршанба ўғли (1909–1967), Ўрок шоир Русулов, Зохир шоир Қўчқоров лар таълим олганлар. Буларнинг авлодлари чироқчилик Ҳасан, Оққўзи Шомурод шоир Тоғаев, Эшонқул шоир Бозоров, Барот Ортиков, китоблик Мавлон, косонлик Омон, Шомми, Қувон шоирлардир.

Ражаб шоир эса Абдулла шоир Нурали ўғлидек буюк бир бахшини етиштириб бердики, Қашқадарё ва Сурхондарё бахшиларининг кейинги авлоди ундан таълим олдилар.

Бу минтақада, маълумотларга қараганда, жуда кўп аёллар ҳам достончи бўлганлар, дўмбира чертганлар. Ҳозирда Қашқадарё ва Сурхондарё достончилари ўртасида кенг тарқалган ва севиб чертиладиган «Хонимой», «Иззатой», «Хонсулув», «Охува» сингари куйлар аёллар ижодиётидан далолатдир. Ривоят қилишларича, «Келиной» достонининг қахрамони Улуғой қўшиқчи бўлган. Иззатой билан Хонимой севганларидан ажралиб, унинг доғида куйиб достон айтган эканлар. Бу ерда яна бир мисол келтириш

мумкин. Халқ ўртасидаги ривоятларга қараганда, бир чўпон қўйларини хайдаб катта ҳовуз бўйига келибди. Чўпонга оппоқ бўлиб юрган қиз ҳовучида сув олаётган экан. Шу жойда ўз кўнгил изҳорини айтиб, чўпон билан ўлан айтишади.

Мана шу ўлан:

- Ётиб-ётиб ган отсам,
Қулоқлар солгин-а, чўпонжон,
Сариғ тариғ мен бўлиб,
Очилиб кетдим-а , чўпонжон?
Қанорда тариқ сен бўлсанг?
Жушали каклик мен бўлиб
Териблар есам қайтасан?
Жўшали қушлар сен бўлиб,
Олғир қушлар мен бўлиб,
Олиблар есам қайтасан?

- Олғир қушлар сен бўлсанг,
Беаёв овчи мен бўлиб,
Тўрга туширсам қайтасан?

Беаёв сен бўлсанг,
Кўркаламуш мен бўлиб
Тўрингни кессам қайтасан?

- Кўркаламуш сен бўлиб,
Толғира пишак мен бўлиб
Олиблар есам қайтасан.

Талғир пишак сен бўлиб,
Қоралар кўппак сен бўлиб
Бир кунлар солсам қайтасан?

Қоралар кўппак сен бўлсанг
Сорилар қоплон мен бўлиб
Олиблар есам қайтасан?
Сорилар қоплан сен бўлсанг,
Чайир мерганлар мен бўлиб
Отиблар олсам қайтасан?
Чайирлар мерган сен бўлиб,

Кулча илон мен бўлиб
Чақиблар олсам қайтасан?

Кулча илон сен бўлиб,
Мурча марбон мен бўлиб
Авраблар олсам қайтасан?

Азроилим сен бўлиб,
Олло таолло ёр бўлиб
Буйруқ қилмаса қайтасан?

Аёл шоирлар ҳақида яна бир ривоят бор. Ҳамма баҳшиларнинг бобокалони Бобо шоир Алим юзбошининг отаси ҳамда устози бўлган. У уста дастончи бўлганлиги билан ҳам беклик томонидан махсус маош олар экан. Кўнгил хуши сифатида овчилик билан ҳам шуғулланар экан. Ов қилиб юрган кунларининг бирида бир кўр хотин билан учрашибди. Бу хотин ҳам шоир экан. Бобо шоирнинг овозасини эшитиб, у билан бир кофиялашиш ниятида сўраб-сўраб Бойсун томонга келиб, Бобо шоирни овда учратиб қолибди. Бобо шоир аввалига ўзини танитмасдан эргаштириб кетаверибди. Бир тепаликдан чиқаётганда шоиранинг байтали ел чиқариб юборибди. Шунда Бобо шоир:

Ўр келдиё, ўр келди,
Қамайдан келган кўр байталга зўр келди,

деб кофия талашибди. Бунда у байтал эгасини кўзда тутган экан. Қамайлик шоира Бобо шоирни таниб қолибди. Улар бир кеча-ю бир кундуз айтишибди. Бобо шоир янглишишига кўзи етгач, куйишкондан ташқарига беодобона сўзлар ҳам айта беради. Йиғилган одамлар шунда «Шоиримиз чидаёлмай чиртта қўйди», дейишган экан. Ҳар бир эртак ёки афсонада, ривояларда маълум даражада ҳақиқат излари бўлади. Модомики шундай экан, биз келтирган ривоятларнинг изини топиш, ўтмиш баҳшиларнинг ижодини аниқлаш ва ўрганиш фольклоршунослар олдидаги хайрли ишдир.

Биз сўзни Абдимўмин Қаххоров тузган достончилар шажараси борасида бошлаган эдик. Амалий ишлар билан шуғулланаётган фольклоршунос Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги қишлоқларни, тоғли туманларни, шунингдек, Тожикистонни қадамлаб кезиб чиқиб, муайян хулосаларга келган. Бу хулосалар қуйидагилардан иборат..

1.Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Денов, Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сумарқанд, ва бошқа шаҳарларда асосан фольклорнинг майда жанрлари: термалар, мақол, матал, латифалар, касб-хунарга оид ҳаётий ривоятлар сақланиб қолган. Фан-техника тараққиёти (компьютер, интер-

нет, мобиль телефон ва хоказолар) натижасида фольклор намуналарини кенг тарқатиш имкониятлари кўпайди.

2. Юқори тоғлик, масалан, Қашқадарёнинг шарқи-шимоли – Ҳисор тоғ тизимларининг юқори қисмида жойлашган Мирали, Гилон каби, Сурхондарёнинг шарқи-шимолидаги Бойсун тоғ тизмаларининг юқори қисмида жойлашган Вахшивор ва Сина каби қишлоқ ҳамда овулларда созандалик, машшоқлик, ашула, рақс турлари ҳозир ҳам сақланади. Бу қишлоқ, овуллардаги ҳар бир хонадонда кўбиз, най, дутор, дўмбира, ғижжак, сибизға, дап (доира), тор каби музика асбоблари топилади. Ҳатто бу ерлардаги кўпчилик кишилар кўл, томоқ каби тана аъзоларини ишга солиб куй ижро этадилар.

3.Эпик репертуар – достончилик анъанаси кир-адир, беноён чўл ва яйловларда деҳкончилик ҳамда чорвачилик билан машҳур бўлган Чироқчи, Қамаши, Бешкент, Деҳконобод, Кўкбулоқ (Қамаши ва Деҳконобод туманларининг ўртасида жойлашган), Ғузор, Шеробод, Бойсун, Ангор, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Олтинсой каби туманларда яшовчи аҳоли томонидан давом эттирилмоқда.

Фольклор – халқ ижодидир. Унинг хазинаси бойиб бораётган экан, достон, ўлан, қўшиқ, термаларни ёзиб олиш, тўплаш, тадқик қилиш, оммалаштириш бизнинг келажак авлод олдидаги мукаддас бурчимиздир.

"Нур",
Тошкент, 1991 йил.

САМИМИЙ САТРЛАР СОҲИБИ

«Ишонч билан айта оламанки, – деган эди академик шоир Ғафур Ғулом, – шеъриятимизга дадил, дидли, равшан ва доно ижодкорлар кириб келмоқда. Улар мен бошлаган шеърни давом эттиради. Ёзолмаган сатрларимни ёзади. Хусниддинни ёки Эркинни айтаймн, Теша Сайдалиевни ёки Ҳамид Нурийни тилга олаймн ёки бошқаларни, кисқаси, ҳаммасида кишини ўзига жалб қилувчи нимадир бор!» (Ғафур Ғулом. Танланган асарлар, 2-том).

Отахон шоиримиз бир гуруҳ салоҳиятли ижодкорлар қаторида Теша Сайдалиев номини ҳам алоҳида мамнуният билан тилга олар экан, «ёзолмаган сатрларимни ёзади», деган башоратида ўз ижодининг муносиб давомчисини кўрган.

Афсуски, шундай катта ишонч юкланган, жўшқин кайфиятли куйчи 1972 йил 13 октябрда бир кам қирқ ёшида ҳалок бўлди. Фожиа шу кадар тез юз бердики, бу ҳақдаги хабар унинг қўшиқлари радио орқали янграб, шеърлари, ҳамшаҳарлари тўғрисидаги очерк, лавҳалари газеталарда кетма-кет чоп этилаётган кунларга тўғри келди. Шоирнинг қалами, иш стола, бошлаб қўйган шеърлари, мутолаа қилинаётган китоблари, асарларининг каҳрамонлари, муҳаррирлик қилаётган газетаси, хуллас, ҳамма ишлари, ҳамма таниш кишилари бир лаҳза оғир юк остида қолгандек бўлди. Йўқ, бу юк, бу айрилиқ юкини бир лаҳза эмас, дўстлари ўз елкаларида узоқ вакт титраб тутиб туришди.

Халқ оғзига тушиш, эътиборига мушарраф бўлиш ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Ижодкорни ўша даражага кўтарадиган куч –бу унинг туғма қобилиятидан тортиб, тинимсиз изланиши-ю, тиришқоқли меҳнати.

Теша Сайдалиев ижодий изланиши бошка кўпгина қалам аҳли фаолиятида юз бергандек, мактаб партасида бошланди. Фарқи шуки, ўша мактаб талабасининг биринчи шеъриёқ республика газетасида, кўринарли саҳифада эълон қилинди. Кишининг қобилиятига бундан ҳам катта ишонч борми?! Ҳа, унинг дастлабки шеъри ёшлар газетасида чоп этилганди. Бу унга юкори кайфият, жўшқин эҳтирос, ғурур, ўз ишига ишонч бахш этганидек, талабалик масъулиятини ҳам яна бир бор оширди. Шундай ўқидики, ўша йили Термиз шахридаги ўрта мактабни олтин медаль билан тугатди. А.Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди.

Шоир энг ҳароратли асарларини асосан талабалик йилларида битди. Самарқанд ва унинг одамларини тараннум этган «Ёшлигинг», «Самарканд ҳиммати», «Тўйда», «Аталган сўзлар», «Ёнма-ён», «Бир кун гул

ғунчасини тақиб ўтдинг сен» каби шеърлари-ю, «Ажойиб кишилар» туркуми шу ерда яралди. У ўқувчиларга биринчи шеърлар тўплами «Туҳфа»ни шу ерда тақдим этди-ю, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ҳам шу ерда қабул қилинди. Чунки, ўсмирлик ва навқирон умрининг асосий қисми шу ерга тўғри келди. Таҳсил олишдан ташқари ишлади ҳам бу ерда. СамДУни тугатгач, вилоят газетасида ижодий ходим бўлиб ишлади. Бу ерда унинг ажойиб сафдошлари, маслаҳатдошлари – Д.Файзий, Н.Нарзуллаев, Б.Бойқобилов, Х.Каримов, С.Орипов каби шоирлар, С.Мирзаев, Х.Дониёров, Н.Нуриддинов, Н.Каримов, С.Шермуҳамедов каби олимлар бор эди. Бу ердан осонликча кўнгил узиб кета олмади. Қачонки, она шаҳри Термиз уни ўзида ишлашга чақирганда бу таклифни ҳам рад этолмади. Бу жойни кўпдан кўмсарди, давраларда туғилган маскани ва одамлари билан фахрланиб, гулгун ёниб, юракдан куйларди:

- Термизданман дўстим...
- Эй, эшитганман.
Тухум пишар эмиш ёз иссиғидан,
Темирчилар баъзан кечиб оловдан,
Ишлашармиш қуёш тиғида.
– Тўғри, дўстим, тўғри...
Шаҳрим ҳавоси
Оловдай иссиқдир хаттоки тунда.
Чунки машъал қилиб эл муддаосин
Олов қалблар яшайди бунда.

Шоир 60-йилларнинг бошларида Термиз шаҳрига вилоят газетасига ишга келди. Адабий ҳаракатчиликни бошловчилардан бири сифатида ёш ижодкорларга кўмаклашди. Р.Абдуллаева, М.Сафаров, Ч.Ёқубов, А.Ҳасанов, М.Ханжаров каби ёшларнинг дастлабки асарларини газетага тайёрлаб, туширa бошлади. Бу ҳиммат эса навниҳол бошловчиларни ижод чўққиларига интилишга тобора рағбатлантирарди.

Т.Сайдалиев газетада ишлаш билан бир вақтда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига масъул котиблик вазифасига тайинланди. Бу вазифада у умрининг охиригача ишлади. Шоирнинг асарлари кўпгина ёзувчилар ва адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Улар ажойиб ижодкор фаолиятидаги айрим нуқсонларни эътироф этиш билан бир қаторда унинг ўзига хос фазилатларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтганлар. Шоир Н.Нарзуллаев «Ҳаёт қўшиғини айтиб...» мақоласида уктиради: «Шоир Теша Сайдалиев ижодида интим лирик шеърлар алоҳида ўрин тутади. Бу шеърларнинг барчасига хос фазилат шуки, уларда нияти

холис, муҳаббати соф йигит-қизлар куйланади. Севгида ҳаммага ўрнак бўлиш нидоси янграйди». Қаранг, бу ўринда келтирган мисолимизда ҳам фикрлар лўнда, ташбеҳлар содда ва равон. Бу эса шеърда аниқ мазмун-моҳият касб этган:

Ишқим аввал бўлса ҳам учқун
Ҳарорати жон эди танга.
Сирлашдими сенда ўша кун
Бу учқундан ёнди аланга.
Алангаки, толмас қўл билан
Сенга боғлаб қўйди дилимни
Шу аланга сўнмас бир умр,
Ёритади ҳаёт йўлимни.

Адабиётшунос олим Озод Шарофиддиновдан эшитайлик: Теша Сайдалиевнинг кўпчилик шеърларида жўшқин лиризм кучли эҳтирос ва чидамлилик темпераменти билан қўшилиб кетган. Бу жиҳатдан айниқса унинг «Қайна, юрак» шеъри диққатга сазовор. Шоир бу шеърида ҳам бошқа шеърларидаги каби соддаликка интилади. Мураккаб ва мавҳум метафоралар киритмайди, шеърга тумтарок безак бермайди. Аммо у шундай жўшқин ва ҳароратли мисралар тузадики, улардаги жўшқинлик юксак поэтик кайфият туғдиради:

Сенга менмас ватаним эга,
Қайга деса бошлайвер мени.
Лозим бўлса душман устига
Бомба қилиб отарман сени.
Қайна юрак! Тўлқинлан юрак,
Менга фақат қайнашинг керак!

О.Шарофиддинов ўз мулоҳазаларининг исботи учун парчани тўғри танлаган. Умуман олганда юқорида келтирилган иккала муаллифнинг шоир ҳақидаги қарашларида унинг ўзига хос шоир эканлиги алоҳида уктирилаяпти.

Теша Сайдалиев учун хос хусусиятларидан бири шундаки, – деб ёзган эди унинг «Туҳфа» номли шеърлар тўплами ҳақидаги тақризида филология фанлари доктори М. Юнусов: – У баъзи ёшларда учрагани каби бирор муносабат туфайли шеърлар ёзмай, ўзини тўлқинлантирган, қаттиқ ҳаяжонга солган ҳодисалар тўғрисида ёзади.

Бу бир жиҳатдан ҳақ гап. Шоир нимаси биландир нигоҳини тортган нарсаларни узоқ кузатади, текширади: муҳим штрихларни номуҳимларидан ажратади, фарқ қилади, мавзунинг аҳамиятини аниқлагач, содда, ихчам бандларда ўз ҳиссиётларини нақшлайди:

Янги меҳмон келди дунёга,-
Кулиб дединг: бўлсин муборак!
Тўлса ҳамки кўзим зиёга,
Бу сўзимдан қонмади юрак.

О, ҳамшира! Туғилган ўғлон,-
Ўғлим отин қўяман Бунёд
Дунёга у эмасдир меҳмон
Уникидир бу ер, бу дунё.

Юқоридаги мулоҳазалардан Т.Сайдалиев поэзияси, интим лирика билан чегараланган, деган хулоса чиқса хато бўлур эди. Интим лирика шоир сермаҳсул ижодининг бир қисми, холос. Т.Сайдалиевнинг журналист эканлиги юқорида эслатиб ўтилди: журналистика билан доимо шуғулланиши кишини ўз замондошлари ҳаётига, кунда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳушёрлигини ошира боради, демакки уларга бетараф қараб туролмайсан, киши. Улар тўғрисида нимадир, нималардир ёзгинг келади, ёзасан ҳам, энг маъқулларини матбуотда эълон қиласан. Т.Сайдалиевнинг ҳам давр талаби билан яратилган асарлари талайгина. У фазонинг забт этилишига бафарқ қараб туролмайди. «Мен мухбирман» шеърида ўз бурчини қуйидагича ҳис этади:

Кўрсам лаганбардор ё текинхўрни,
Ёки мавсумида пишмаган ғўрни.
Ё биров қул бўлса кибру-ҳавога,
Мен енгим шимариб боргум даъвога.

Теша Сайдалиев ижодининг мавзулари машҳур Гётининг «Ҳар бир ёзувчи ўз асарида маълум даражада ўзини акс эттиради", деган доно гапини эслатади. Бинобарин, бу гап ижоди таҳлил этилаётган шоиримизга ҳам озми-кўпми хосдир. Эътибор беринг. Шоир Термизда туғилди. «Термизданман", деб номланган шеърини битди. Самарқандда таҳсил олди. Самарқанд ҳақидаги қатор шеърларини ёзди. Самарқанд ҳақидаги қатор шеърлари бунёдга келди; умрининг асосий қисми Сурхон водийсида ўтди. «Сурхон садолари» китоби ёзилди. Бу ажойиб водийнинг одамлари юрагидан жой олди. Шоир

уларга бағишлаб «Сен ўтган кўчаларда», «Излар», «Дўстларим» каби шеърларини ижод этди. Ва ниҳоят, газета-журналлар ҳам унинг курра тезлигида чарх ураётган ҳаёлини жалб қилди. «Фазогир Ватан», «Шодиёна», «Кўзларимга йўламас уйқу» асар-лари шу боисдан дунёга келди. Булар, айримларининг нуқсонларини ҳисобга олмасак, бадиий жиҳатдан ҳам чакки ёзилмаган: сатрлар равон, равон сатрларда эса фикрлар лўнда. Қофиялар янги ва ҳароратли:

Юраклардан оқди севинчлар дарё,
Шодлик тўлқинида чайқалди дунё.
Фазода қиз учди
Тушми ё рўё,
Бундайни кўрмаган замонлар,
Замонлар замони бизнинг замонда.
Юлдузлар ишқи ёнар ҳар тирик жонда
Минг бир ҳайратдир, минг ҳаяжонда.
Бугун ҳам ҳайқирар инсонлар.

Агар бу сатрлар юқори пафосда, кўтаринки нидо, аниқ башорат каби янграса, энди қуйидагиларга эътибор берайлик:

Бир кун гул ғунчасин тақиб ўтдинг сен,
Бир кун ҳаё билан боқиб ўтдинг сен.
Бир кун дарё каби оқиб ўтдинг сен,
Ҳар гал ишқ гулханин ёқиб ўтдинг сен.
Билмайин қандайин куйга қолдим мен,
Билай деб ўзимни ўйга олдим мен
Бу не деб тунлари ўйга толдим мен
Қалбимнинг урушин куйга солдим мен.

Шеър шу хилда давом этади. Тинглаяпсизми, нақадар тиниқ мусиқадай эшитилаяпти? Бундан ташқари у равон ҳам.

Шоирнинг архивидан «Лайлининг мактублари» деган қисса қўлёзмалигича топилди. Бунинг устига у ҳали тугалланмаган экан. Айрим бобларини газетхонларга тақдим этган вилоят газетасининг шарҳлаб ёзишича шоир бу асарни ёзишга астойдил киришган. Ижодда ўзига маълум даражада малака, тажриба пайдо бўлганлигига ишонч яралгандан сўнггина эпик асарлар ёзишни бошлаган. Хат формасида таркиб топган мазкур қиссада Лайлининг ҳаётга бўлган муносабати, ўзини тутиши, қобилияти хатдан-хатга ўтган сари очилиб боради. Ёзувчи икки ёшнинг севгиси

бахонаси билан хаётий масалаларни ўртага ташлар экан, поёнига етказмасдан чала қолган архивдан Лайлининг бор-йўғи 20 та хати топилди.

Муаллиф асарни бундан кейин қандай тартибда давом эттирмоқчилиги номаълум. Маълуми шуки, «Лайлининг мактублари»дан бирида Мажнуннинг мактублари ҳам эслатилган. «Мажнуннинг мактублари» композицион қандай қурилмага эга бўлиши керак эди, бу ҳақда ҳам муаллифнинг нияти номаълум. Маълуми шуки, уни Лайлининг хатлари билан бирлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. «Лайлининг мактублари»дан шунчаки хабардор қилиш мақсадида эмас, балки асарнинг руҳини атрофлича бериш, оз бўлса ҳам унинг ҳақида қимматли ўқувчига тасаввур қолдириш ниятида ундан «Бешинчи мактуб»ини келтириш билан қифояланамиз. Балки бу хат гапларимиздан ҳам кўра эҳтиромли ўқучиларга қимматлироқ туюлар.

"Жоним Асалим! Шунча вақт ўтибди. Вақтнинг бунча тез ўтишини қаранг-а! Иш билан бўлиб, одам ҳеч билмаскан. Янги йилни яхши ўтказибсиз, хурсандман. Соғлигимни сўрабсиз. Шукур, ҳозир яхши ҳис этаяпман ўзимни. Руҳим ҳам тетик, иш қобилиятим ҳам ёмонмас, кайфиятим ҳам. Ҳаммаси ўтиб кетди. Энди бундай бўлишига йўл қўйиш ҳеч мумкинмас. «07"ни эсласам уяламан. Кулмасмикансиз устимдан? Шу хавотирлик ҳисси мени кўп қийнайди. Фақат... менинг ишончим меҳрига тупурмасангиз бас. Вой, нималар деяпман. Узр. Кўрқаман-да. Мени тушунасиз, тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Шеърларимнинг барини бир жойга тўпладим. Сиздан қаттиқ илтимос қиламан, қаттиққўл редактор бўлсангиз. Зулфия опа менга ёзган бир мак-тубларида: «Дарахтнинг ҳар гули ҳам мева беравермайди», деган эдилар. Менинг ёзган шеърларимнинг кўпчилиги ана шунақа: ел тўрса учиб кетадиган, магизга эга бўлган нафис шеърлар деярли йўқ.

Лекин мен Сиз билан бўлган дўстликдан бирор қора манфаат излаётганим йўқ, гапнинг очиги-да. Шунинг учун Сизнинг ҳаққоний ва қатъий фикрларингизни кутаман. Ҳақиқат ва танқидни тан олиш поэзияда ўсишнинг ягона йўли, «Лола"нинг бошқа пусхаси йўқ, маъқул бўладими ҳали, йўқми, деб машинкада бостирмадим ҳам. Қатъий ҳукмингизни кутаман. Агар шоир сафатида маъқулласангиз, унга ҳам бераман: ишлайман, нашр эттираман.

Агар мумкин бўлса, 10 кун ичида кўриб чиқиб, мулоҳазаларингизни ёзиб юборсангиз, кейин мен уларни (шеърларимни) машинкада бостирсам. Агар мумкин бўлса, шеърларимни ҳам қайтариб юборсангиз, малол келмайдими, жоним?

Менинг қимматлигим!

- Баъзан юрагимнинг соғинчини қондириш учун нима қилиш керак? – деб ўйлаб қоламан. Сизни топиб, юрагимга жойлаб олгим келар. Сиз бундай соғинмасангиз керак. Шундай ўйлаб, баъзан кўркиб кетаман. Менинг бу севгиларим Сизга оғир ботмасмикан, «надоедать» қилмасмикан?

Сизнинг меҳр билан балқиб турган нурли юзингиздан, пайваста қошларингиздан, кўзингиздан меҳр билан, оҳиста ўпаман.

Сизни қучиб, **Лайлингиз.**

Теша Сайдалиев меросини ўрганиш лозим, бу шунинг учунки, у XX аср 50-йиллар адабиётини ўрганишда муҳим бир поғонадир.

«Шарқ юлдузи»,
2011 йил, 5-сон.

МУҲАББАТ – ҚАЛБ МУЛКИ

Инсоннинг эстетик идеалини тадқиқ этувчи алломалар гўзалликни даражаларга ажратадилар. Улуғворлик, бетакрорлик, фожиага бардош, шодликда эсанкирамаслик, қаҳрамонлик ва ҳоказолар...

Аммо, шу мазмун ва мундарижани кашф этувчи муҳаббат, деган эзгу бир тушунча борки, бусиз инсон қалби қашшоқ, бўшдай.

Дейлик, турк, эрон, араб халқлари қизларига «муҳаббат» деб, славян халқлари «любовь», деб исм қўядилар. Қатор халқлар ўзларининг дастлабки эпик асарларини муҳаббатга бағишлаганлар. Ўрта Осиё халқларининг муҳаббат идеаллиги, «Сиёвуш» ҳақидаги афсона виждон ва севгига садоқат идеалини тўла ифода этади. Сўнгра Заринадан илҳомланган бахшилар – халқнинг асрий маданиятини неча-неча асрларга элтувчи халқ шоирлари Барчин образини яратган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Афсонадан маълумки, шаклар қабиласининг маликаси Зарина ўз халқининг осойишта яшаши, мустақил ҳаёт кечириши учун неки тадбир бўлса, барчасини кўллайди. Душманга қарши жангда қилич ялангочлаб майдонга киради. Яраланиб колганда, Мидия шаҳзодаси Стриангия жувоннинг мардлиги ва жасоратига, гўзаллигига қойил қолиб, уни асир олмайди. Стриангия уни севиб колиб, турмуш қуришни таклиф қилади. Зарина йигитни севса ҳам, унинг хотини борлигини билиб, рад этади. Муҳаббат бу эзгу ҳиссиёт, у бировнинг бахти устига қурилмайди, афсона гояси шундай.

Атоқли бахши Фозил Йўлдош куйлаган достонда ҳам Алпомиш ва Барчин орасидаги муҳаббат жуда соф, жуда тиниқ. Алпомиш Барчин учун азоб чекади. У бу ҳақда Қоражонга шундай дейди:

Кўк қамиш кўлидан суқсур учурдим,
Суқсурни излаган лочин бўламан.
Ҳасратидан ғамга тўлдим оҳ уриб,
Олтойчалик йўлдан келдим ахтариб.

Унинг Бойчивор оти қалмоқлар оти билан Барчин учун пойга қилганда қалмоқ полвонлари жониворни бойлаб оёгига гулмих қоқадилар. Алпомиш ўз отини пойгачилар орасида кўрмай ҳасрат чекади. Шунда Барчин «қур, ҳайт»лаб Бойчиворни чақиради.

Бойчивор Барчин товушини эшитиб, арқонни узади, оёгидаги гулмихлар жонига азоб берса ҳам юлқиниб, югуради, пойгада ўзиб кетади. Барчин Бойчиворни ардоқлаб, унинг оёгига қоқилган михларни олиб

ташлайди. Бошка достонлардан фарк қиладиган томони ҳам шундаки, унда йигит билан қиз тенг кўрсатилади, иккови ҳам ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Бу жиҳатдан Барчиннинг мукаммал ишланган образи билан боғлик сюжет чизиғи жуда характерлидир. «Барчин озод ва эркин ишк тарафдори, бу йўлда уни ҳеч нарса тўхтата олмайди», – деб ёзган эди Ҳ.Олимжон. Унинг учун Ер юзида ҳақиқат, чин муҳаббат, одамшавандалик бўлса, бас, шу йўлда у ҳамма нарсадан кечади:

Молу мулк, қони-жоним керакмас,
Фасли баҳор–гулистоним керакмас.

У бу жиҳатдан Алишер Навоий яратган ўлмас Ширин образига ҳамоҳангдир. Ширин ҳам Хисрат чангалида колганда:

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдир,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир,--

дейди.

Барчин қалмоқ полвонларига талаш бўлиб колганда Бойсари гангиб колиб, оқсоқолларга маслаҳат солади.

Оқсоқоллар қизни қалмоқларга беришни маслаҳат кўрганларида Барчин отасига дейди:

...Хафа бўлма, ота,ўзимга ташла:
Жазосини кўриб кетсин қалмоқлар.
Яраниққа мен зулфимни тарарман,
Нима деса, ота, жавоб берарман...

Барчиннинг қалмоқларга айтган «баланд-паст» гапларида, бутун хатти-ҳаракатида ор-номус, самимий муҳаббат учун курашиб ўз севгилисидан ҳам қаҳрамонликни, ўз ор-номуси учун курашишни талаб қилади.У ахир Алпомишнинг мукаммал одам эканлигини, ўз муҳаббати, эл-халқи, ор-номуси учун ўлимдан ҳам қайтмаслигини бутун элга намойиш қилгиси бор. Шунинг учун ҳам Алпомиш келиши билан унга эргашиб кетавермайди.

Чунки, муҳаббатни доноликнинг намоёни, деб билади. Бундан шу нарса англашиладики, халқ аёлни танлаш,севиш ва ўз севгисини ҳимоя қилиш ҳуқуқи учун қораланган эмас. Барчин ва «Ёдгор» достонидаги Ойдиной образларида шу ҳуқуқ, шу орзу ифодаланган. «Ёдгор» достонида Қушбегидан Ойдинойга совчилар келганда, ота Шомурот бу масалани ечишни Ойдинойнинг инон-ихтиёрига ташлайди. «Қизингнинг ўзи

гаплашиб, ўзи танласин», – дейди у хотинига. У қизини мунглик эмас, ўз тақдирини ўзи ҳал қилувчи етук одамлиги, иззат-нафсини сийлайди. Ойдиной ҳам ота ишончини оқлайди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ўзбек халқи муҳаббатни инсон қалбининг ганжи, инсон маънавий бойлигининг йўқолмас хазинаси, инсоннинг камолотга эришувида энг яхши восита сифатида талқин қилгандир. Ўзбек халқ достонларидаги яна бир муҳим ва энг асосий хусусият шуки, муҳаббат туйғуси ватанпарварлик, Ватанни, ҳаётни, одамларни чин дилдан севиш, шу одамлар учун қаҳрамонликлар кўрсатиш ғоялари билан йўғрилган. Буни барча достонларимиз мазмуни билан тасдиқлаб туради.

«Чағониён»,
2007 йил, 26 октябрь.

ХЎШБОҚ ШОИРНИНГ КАТТА ҚУШИҒИ

XX асрнинг буюк ёзувчиларидан бири Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асарини ҳамма билади: қисса коллективлаштириш, яъни Шўро ҳокимиятининг деҳқонларни зўрлаб колхозларга киритиш сиёсати ҳақида. Аммо ялпи қатағонлар асосига қурилган давлатнинг золим сиёсатини олқишлаган Абдулла Қодирий қирчиллама йигит ёшида қатл этилди. Ҳозирга қадар унинг ҳатто қабри, қаерга кўмилгани аниқ эмас. Абдулла Қодирий нега қатл этилди? Чунки, у «Ўтган кунлар», деган роман ёзган ва бу романда Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим, уларнинг фарзанди Отабекнинг қандай ажойиб, яъни маърифатли, донишманд, адолатли одамлар эканлигини тасвирлаб берган. Шўро мафкурасига эса тарихий хотира керак эмас эди. Шунинг учун Абдулла Қодирий намойишкорона жазоланди.

Демоқчиманки, маърифат аҳлларининг қатағон қилиниши қолганларга сабоқ бўлди. Шундан сўнг кўплар «Улуғ Октябрь революциясидан илгари Ўзбекистон хароб, халқи саводсиз, жоҳил, бадавлатлари золим бўлган эди», деб ёза бошладилар. Соҳибқирон Амир Темурни золим, қонхўр деб китоблар ёзилди. Шўро мафкурасига шу нарса керак эди-да.

Истиқлол ўртадаги деворни олиб ташлади. Чунки, миллий мустақиллигимизнинг асосий шиорларидан бири тарихий хотирани тиклаш эди.

Биласизми, ўтган йигирма йил давомида чоп этилган китоблар миллатимизнинг кўзини очди: ўзимизни, ўзлигимизни тобора англаб етмоқдамиз.

Файласуф-шоир Хўшбоқ Раҳимнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган фахрия-достонида Сурхондарёнинг тўрт минг йиллик тарихи маржондай ипга тизилган. Ваҳоланки, мустабид замонда бундай достон ёзишни фақат хуфёна орзу қилиш мумкин эди, холос. Худди шунинг учун ҳам истиқлол бизнинг орзуларимизни рўёбга чиқарди, дейишимиз учун бугун барча асослар бор.

Шеърият – маърифатнинг маъшалидир. Маърифат эса ёруғлик, эзгулик ҳақидаги илмдир.

Хўшбоқ Раҳим «Сурхондарё» достони билан ана шу ҳақиқатни амалда исботлади.

Шу муносабат билан, Хўшбоқ Раҳим истеъдодининг яна бир хусусиятини эътироф этмоқ керак: достонга 150 та изоҳ илова қилинган. Изоҳлар достоннинг ишончли манбаларга асослаган асар сифатидаги қимматини оширади. Бундай мукаммаллик замонавий ўзбек адабиётидаги ноёб ходисадир.

«Термиз оқшоми»,
2011 йил, 28 май.

ШЕЪР – МАЪНАВИЙ КАШФИЁТ

Ҳазрати инсон бир томондан биологик, иккинчи томондан ижтимоий мавжудот. Биологик маънода у тирик табиат билан бир бутун. Тирик табиат эса тўрт унсур туфайли нотирик табиат билан қоришиб кетган.

Исталган тирик зот, хусусан, инсон организми учун моддалар алмашинуви зарурият бўлиб, у озиқ-овқатларсиз амалга ошмайди. Табиатда тайёр озиқ-овқатлар захираси деярли йўқ. Уларни инсон меҳнати орқали, табиатдан «тортиб» олади. Инсон табиат билан муносабатларда ёлғиз эмас. Одамларнинг зуваласида бирлашиш, уюшишга зарурати мавжуд. Уюшган одамлар меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўнгилли, кўнгилсиз, ёқимли, ёқимсиз воқеа-ҳодисалар таъсирига тушади. Ундай таъсирлар залворидан кимдир кулади, кимлардир куяди. Шеър ана шу кулгу ва куюкликка мойил инсон қалбининг ички туйғуси, ҳис-ҳаяжони, дарди, алами, оҳи, фарёдидир.

Шоир Хушбоқ Раҳим шеърларини ўқиган киши сабабсиз шеър, оқибатсиз ишқ бўлмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Хушбоқ Раҳим шеърларига сингдириб юборилган тушунчалардан бири ижтимоий меҳнатдир. Меҳнат – мақсадга мувофиқ йўналтирилган онгли ҳаракат. У меҳнат предметидан, меҳнат курол-воситаларидан, фан-техника ютуқларидан фойдаланмасдан, аниқ ва улкан мақсадни кўзламасдан амалга оширилмайди. Бундай хулоса, тажриба, малака, ҳақиқат бизларга бобо мерос. Бобо меросларимиздан маълум бўлишича, меҳнат бор жойда мақсад бор, мақсад бор жойда ўткир тафаккур, илғор дунёқараш, юксак маданият, енгилмас маънавият, соғлом мафкура, одамларнинг мустаҳкам бирлиги ва тарихий муваффақиятлари бор.

Шоир Хушбоқ Раҳимни ҳайратлантирган фақат юқоридагилар эмас, балки уларга дахлдор узлуксиз ҳаракат, янгилик ва яратувчилик иштирокчисига айланган пўлатдай пишиқ фурсатдир. Исталган бойлик вақт бирлигида яратилади. Вақт ҳаётда ўчмас из қолдирадиган, тиним ва сокинлик нималигини билмайдиган табиий қадриятдир. Шоир уларнинг шаклу шамоилини «Мерос» шеърида шундай чизади:

Борлиқ оғушида оромсиз қалбим
Она Ер айланиб оташлар солган.
Узлуксиз ҳаракат, бетиним фурсат
Отамдан, онамдан мен учун қолган.
Ер мисол, юрт мисол югурар ҳамон,
Пойгачи тулпордай келажак томон.

Мамлакатимиз кўп миллатли. Биз «ўзбек халқи», деганимизда барча ўзбекистонликларни, шу азим юртда истиқомат қилувчи барча миллатларни кўзда тутамиз.

Жаҳонда ватанлар кўп, лекин Ўзбекистон юракдай ягонадир, дейди ҳар бир юртдошимиз. Халқимизнинг мақсад-муддаоси ҳам, устувор ғояси ҳам битта. Президент Ислом Каримов айтгандай: «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш»[1]. Халқимиз шу ғояни амалга оширишга ҳисса қўшиш йўлида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бирлашди. Ким кетмони, ким тешаси, ким оддий, ким малакали меҳнати, ким қалами, ким китоби билан ишга киришди. Натижа кувонарли. Халқимиз ғайрат-шижоати ҳар бир оила хонадонини, мактаб, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, бутун Ўзбекистоннинг илгариги сурат, сифат, сийратини қайтадан кўрди, тубдан ўзгартириб юборди. Юртимиздаги бундай ҳайратли ўзгаришлар Президентимизнинг «Ўзбекистон буюк давлат бўлмоғи учун бизларда барча имкониятлар бор, улар халқимизнинг бой тарихи, ер ости, ер усти табиий бойликларининг мўл-кўллиги, меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлиги, аклий салоҳиятимизнинг ранг-баранглиги», деган ишонч тўла фикрларининг тўғрилигини тасдикламоқда. Бундай ўлмас ғоя ва бунёдкорлик амалиёти ҳар бир зиёли, жумладан, камида тўрт минг йиллик тарихни яккалам қилган шоир Хушбоқ Раҳим учун «Сурхондарё» лостонини ёзишда таянч ва қўлланма бўлган.

Дарҳақиқат, Хушбоқ Раҳим шеърларини ўқиган китобхон асар ёзиш учун ижодкор аввало кундалик ҳаётни яхши билиши, сўнгра тарихни, мавжуд фан ютукларини, фалсафа, қонун-қоидаларни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим экан, деган хулосага келади. Юқоридагилардан юзакироқ хабардор киши Хушбоқ Раҳим шеърларининг мазмун-моҳиятини етарлича англаб етмаслиги мумкин. Шоир ёзади:

Мустақил дунё ҳам эркин тафаккур
Тарихни туянинг жунидай титди.
Қуёш ҳам тожига тирноқдош Хушбоқ
Сурхондарё.

Шеър сатрларидаги юк, мазмун залвори бадиий ижод тошу тарозисига қанчалик мос келиши, келмаслиги очиқ масала. Лекин «Сурхондарё» сўқанчалик мос келиши, келмаслиги очиқ масала. Лекин «Сурхондарё» сў-

[1] Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: «Маънавият», 2008.76-бет.

зига парчинлаб ташланган икки жиҳатни англаб етиш ва уни китобхонга етказиш муҳимдир.

Шоир «Сурхондарё» сўзини ҳудуд ва услуб маъносида яккалам қилган. Улардан ҳар бирига китобхонининг диққатини каратамиз.

Сурхондарё – ҳудуд. Бу ҳудуд 20,1 минг км² га тенг. У Курраи Заминда жойлашган, қоядай мустаҳкам юракдай ёлғиз Ўзбекистоннинг ажралмас қисми. Шоир Сурхондарёдаги бир вақтлар неандертал бола яшаб ўтган Тешиктош ғори ёки Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ, ҳиммат чўққисининг кири, жаҳон тоғларининг пири бўлмиш Боботоғ қиёфа ва бисотинигина эмас, балки шу 20,1 минг км² га тенг ҳудуднинг заррачасини ҳам синчков тафаккури қамровидан қочирмайди. Уни китобдай ўқийди, у билан дардлашади, ундан ўз қаддида дунёни, дунёларнинг айлангувчи марказ ўқини топади. Заррада коинот билан, бели ва белбоғи билан. Сурхондарё билан бир бутунликни кўради. Юрт, коинот, инсон қадди, бел ва белбоғининг моддий ва мавжуд заррадай тинч ва соғлом бўлишини истайди. Чунки, энг катта бойлик – тинчлик ва соғломликдир.

Заррани китобдай ўқидим, бугун
Қаддимда дунё ҳам ўша мадор, ўқ.
Белбоғ ҳам белимда мулки коинот
Тинчлик ҳам соғликдан катта бойлик йўқ.
Сурхондарё.

Сурхондарё иқлими ниҳоятда қулай. Йилнинг тўрт фасли куёшли. Қиш қировли кунлар кам. Шу боисдан бу ҳудуд инсоният тамаддунининг дастлабки бешикларидан бири. Қадимги Бақтрия, Кушонлар давлати ва унинг пойтахти шу ҳудудда жойлашганлигини археологлар аниқлашган. Энг қадимги шаҳарлар ўрни, маҳалла, арки аъло, мудофаа деворлари, қадимий қабристон, сопол идишлар, сопол сиёҳдон, омоч, турли тақинчоқлар, дав лат мухрлари, жун, пахта, ипак тўқима қолдиқлари, бугдой дони, ғўза чигити, дастлабки металл устахонасининг ўрни, шиша, пишиқ гишт, зар гарлик ашёлари, нақшинкор ёғоч синиқлари ва бошқа тарихий топилмалар Сурхондарё ҳудудидаги асрлар оша ёр-ёр айтиб, кўкка кўкрак кериб турган тепалар бағридан топилган. Хушбоқ Раҳим достонлари орқали китобхонларни мазкур топилдикларга китобдай муносабат билдиришга, уларни синчиклаб ўқишга, Сурхондарё тарихи ва бугунини эътибор билан ўрганишга чақиради.

Ҳунар кексармайди, кўнгил қаримас
Меҳнатнинг ортидан ютуқлар бари.

Оромий ёзуви, рақам ҳам чизиқ
Бору бир, бахру бар китоб, дафтари.
Сурхондарё.

Шоир «Сурхондарё» сўзини дарё маъносида, моддий, бир жинсли вақт маъносида, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонуниятларини, одам ва олам муносабатларининг ҳаммабоп алоқа ва боғланишларини билиш ва билдириш, таҳлил ва тадқиқ этувчи диалектик метод маъносида ҳам ишлатган. Дарҳақиқат, дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди, ўтган вақт изига қайтмайди. Бугунги ютуқнинг кусури эртага кўринади, ижтимоий ҳодисаларнинг қандай юз бериши мавжуд шарт-шароитга, ўринга, вақтга боғлиқ. Уларни бир хил мезон, тошу тарози билан ўлчаш, бир хил бўёқ билан бўяш, бир колипга жойлаштириш диалектика табиатига зид.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида Юртбошимиз бизни зиддиятлар ҳақидаги илм ўша диалектика билан қуроллантириш учун қуйидагиларни ёзган эди: «Ишмоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради». Ҳақиқатдан ҳам, бугун (зимдан, яширин, никобланган ғоявий тазйиқларни ҳисобга олмаганда) халқаро муносабатлардаги аввалги аҳвол тубдан ўзгарди. Кечаги бемаврид ва бемаъни афғон уруши «Қобулда ясалган темир тобутлар», «Афғонда портлатилган танкларнинг Учқизилдаги мозори» ўтмишга айланди. Энди, биз «Қўшнинг тинч – сен тинч», «Ён қўшни – жон қўшни», «Қўшни қўшнининг бозори» каби мақолларни тез-тез эшитамиз.

Шоир Хушбоқ Раҳим шеърларида фан-техника тараққиёти замонасида одамлар, мамлакатлар ўртасидаги самимий муносабатлар, дўстликни тараннум этади:

Темир йўл, авто йўл, осмонда ҳам йўл
Кундалик ҳақиқат, тарихий юмуш.
Дўстларга сарфланган эзгу фурсатнинг
Ўрнини босолмас на олтин, кумуш.
Сурхондарё.

Дўстлик туйғуси қадимий, маънавий қадрият. Зиддиятли жаҳонда ўзаро манфаатли муносабатда бўлмаган давлат, оила, одам йўқ. Дўстлик, тинчлик, тотувлик, тенг манфаатли муносабатлар билан бир қаторда, давлатларнинг бир-биридан фаркини кўрсатувчи, ўзини бошқаларга кўз-кўз

қилувчи расмий рамзлари, жумладан, байроқлари бор. Мустақил Ўзбекистон байроғи, шоир таъбирича, оддий ранг ва ўлчамдаги мато эмас, балки йигирма етти миллион, ундан-да кўпроқ қалбдан тўқилган туғдир. Байроғимиз аждодлар ижоди, авлодлар бахти, ўзбек халқининг ғурури, ғоя ва мафкураси, ғалла ҳам пахтаси, томирдаги қони, миллий қадриятидир. У мустақил юртнинг давлати, кўлларда, йўлларда, бошларда оламдай безавол, дунёдай собитдир. Хушбоқ Раҳимнинг кўксини тоғ, дилини боғ, кўнглини чоғ, умри кузини қайта баҳор айлаган, Ватанда жам бўлган жамики борлиқ – Ўзбекистон ва унинг ой ҳамда ўн икки юлдузли ҳаворанг байроғидир.

Инсон – олий қадрият. Унинг қадами иш вақти ё бўш вақтидан иборат. Иш вақтида моддий ва маънавий бойликлар яратилади. Инсон бўш вақтининг мазмун даражаси иш вақтида кўлга киритилган соф даромаднинг миқдор ва сифати билан тўғри пропорционал. Бирок моддий бойликни бировлар билан баҳам кўрсанг камаяди, маънавий бойлик эса, аксинча, кўпаяди. Моддий бойликка жигилдон, маънавий бойликка инсон кўнгли мухтож. Амалий хаётда томоқ, кийим-кечак ва уй-жойга нисбатан мия эҳтиёжига жуда кам сарф-харажат қилинади. Бир янги китоб харид қилишдан кўра, бир сих кабобга пул сарфлашни хуш кўрадиганлар ҳам топилади. Тўй, туғилган кун, синфдошлар ўтириши, қизлар даврасидаги чиқимларнинг окибати аник. Шоир Хушбоқ Раҳим кўксидаги сувайдо, унга туну кун тинчлик бермаган ҳақиқат шу.

Одамлар ўзгарди, қойим коинот
Маъданда кўп эмас, олтиндан озим.
Турмушда тирикдай яшамоқ учун
Мияни чиқитдан тозалаш лозим.
Тингловчи, кўксимда сувайдо, туғун
Ўзингни тушуниб етдингми, бугун?!

Инсоннинг ўзини тушуниши, бир бутун оламнинг оддий бир зарраси эканлигини англаб етиш осон эмас. Орамизда, афсуски, ҳаётга нима учун келиб, нима учун кетаётганлигини лоакал бир марта ўйлаб кўрмаган басирлар ҳам бор. Инсон қиёфаси бир-биридан нисбатан кам фарк қилади. Уларнинг ички олами эса бир-биридан чигал, бир-биридан мураккабдир. Ўзини тушунган одам бошқаларни ҳам тушунади. Ўзини ҳурмат қилган бошқаларни ҳам ҳурмат қилади. Ўзининг кимлигига ва нима ишларга қодирлигини англаб яшаган маънавиятли одам бошқалар учун ҳам яшайди.

Хушбоқ Раҳим мустақил, янги ҳаётда ямоқдай ялтираб кўзга ташланғувчи камчилик ва кусурларнинг кушандасини замонавий саводхонликда, уни сув мисол ичган мустақил фикрловчи, ижодкор ёшларда кўради. Шоирнинг назарида ўтмиш ёки ўтиш даври теша зарбидан кўкарган тирноққа ўхшайди. Хаста тирноқни янги, соғлом тирноқ суриб чиқаради. Соғлом тирноқ шоирни ғурурлантирувчи мустақил Ватаннинг авлиё ва алломаларидан кам бўлмаган, билимдон, келажаги порлоқ ўғил-қизларидир.

Тўкмағиз чигитдай ихчам хулоса
Ушбу дамлар ҳеч бир дами ғам эмас.
Интернетга шўнғиб кетган ҳар боланг
Авлиё ҳам алломадан кам эмас.
Сурхондарё.

Ҳар бир шоирнинг китобхонга ёқтириш ва юқтиришга йўналтирилган ғояси бўлади. Хушбоқ Раҳимдаги бундай ғоя бирлик ва бир бутунликдир, Ватан, одамлар ва уларнинг олам билан бир бутунлигидир.

Шоир Хушбоқ Раҳим учун Коинот бир бутун, Курраи Замин, Ватан ва унинг манфаатлари бир бутун, оила, маҳалла, туман, вилоят, Ўзбекистон бир бутун, миллат, миллийлик, дунёвий фанлар ислом олами бир бутун, ишлаб чиқарувчи кучларнинг унсурлари бир бутун, мулк шакллари бир бутун, гул бир бутун, гулзор бир бутун, тирик ва нотирик бир бутун.

Гул мисол ҳаёт ҳам олами кубро
Улардан ажралмас инсон ҳам исми.
Кўзларим гавҳари Ўзбекистон ҳам
Курраи Заминнинг энг обод кисми.
Сурхондарё.

Бадиий пишиқ шеър кўнгилларни яйратади, қалбни қувонтиради. Китобхонни сувдан олиб ўтга, ўтдан олиб сувга ташлайди. Шеърдаги дардларнинг залвори йиглаганларни юпатади, ғамдан йирок басирларни йиғлатади. Омманинг баланд рухини осмонларга кўтаради, белини янада бакувват қилади. Урвоқ ҳам уммон, гард ҳам гул, зар ҳам заргар вужудаги ёниқ, лекин яширин юлдузларни ошкор айлайди. Шеър – маънавий кашфиёт. Кашфиётнинг сабаби, замини очиқ, аччиқ ва машаққатли мехнатдир. Оксоч очун бир кашфиёти учун минглаб марта тажриба, синовни такрорлаган табиатшунос олимларни билади. Яхши шеър ҳам шоирдан ҳеч бўлмаганда ўша кашфиётни кўлга киритган табиатшунос меҳна-

тини талаб қилади. Мушкул ва машаққатли меҳнатнинг оқибати эса мақтовларга лойиқ. Навоий ҳазратлари «Сабъаи Сайёр» достонида ёзишларича, «Ҳар ким бир ишда кўп маиқ қилса, шундай натижага эришади».

Чинакам меҳнат маърифат билан маънавиятнинг сарчашмаси. Чираниб шеър ёзгандан кўра, ҳар сўз маъзини чақиб, шу маънзининг ҳар томонини ҳам ўйлаб, ҳам ўйнаб шеър айтиш яхшироқдир.

Ватанда, унинг ҳудудининг ҳар заррасида буклам-тахлам шеър, гужғуж мазмун ва маънавият мавжуд. Шу моддий заррачага, гард ё гулга қайси томондан ёндошиш – меҳнат, улардан бошқалар илғамаган хусусият ва маънини илғай билиш – меҳнат, уни шеърий тил билан тингловчига етказиш учун бадиий ижод талаблари даражасида ёза билиш ҳам – меҳнат. Узлуксиз меҳнат қилишдан, изланишдан қўрқмайдиган мардумнинг мақоми ютуқ ва камтарликдир. Камтарликни шоир Хушбоқ Раҳим «Шўрча» достонининг ҳам мавзи, ҳам авзига сингдириб юборган:

Ватанни ўйладим, ўйланг из Сиз ҳам
Зарурат юракка қўлини солди.
Айтгим келган эди, бир томчи айтдим,
Дарёлар, уммонлар Сизларга қолди.
Шўрча!

Шоир Хушбоқ Раҳим шеърларида сўз ўрни ва салмоғига қараб ишлатилади. Мисол учун «содда» ва «оддий» сўзларини олайлик. Шоир талқинида «содда» сўзи инсон ички дунёси хазинасининг кўрки эмас, балки кусуридир. «Оддий» сўзи эса камтарликка, доноликка дахлдор. Хушбоқ Раҳим содда бўлмасликни ўқувчисидан, айниқса сиёсий масалаларда сергак, огоҳ, ҳушёр бўлишни талаб қилади. Ёлғон сиёсат қитмирлик устига шумлик қалаб келганлигини қайта қайд қилади. Замон кишисининг ўта зийраклиги аниқ. Лекин у ҳам ўзини, ўз уйини, келажагини ўзи асрамаса, уларни бошқа биров асрай олмайди. Шу важдан ҳар фукаро кўзини каттароқ очмоғи, пастдан баландни, яхшидан ёмонни, фойдадан зарарни, дўстдан душманни, тўғридан товламачини ажрата олиши лозимлигини кун тартибига киритади.

Кўзларни катта оч, ёлғон сиёсат,
Қитмирлик устига шумлик қалайди.
Энг сўнгги сабоқ шу содда оғзини
Дайди ҳам хонаки итлар ялайди.
Сурхондарё.

Хушбоқ Раҳим шеърларига табиат илми ютукларини сиёлиқлик билан сингдириб юборган. Табиат илмидан хабарсиз киши уни англаши амримаҳол. Чунки Хушбоқ Раҳимнинг шеърларида илм бор. Илмийлик эса ўша бир бутунлик билан боғланади. Мисол учун, «асаблар тори ҳам зиёдан урвоқ» сатри. Унда «асаблар тори» тўғри чизиқ. «Зиё» сўзи «билим», «нур» маъносида, «урвоқ» сўзи эса «нур»нинг ҳаракати фақат «тўғри чизиқдан иборат» эмаслиги ҳақидаги ҳозирги замон фани ютукларига ишора. Боз устига «асаблар тори», «нур», «урвоқ» моддий. «Зиё» эса моҳиятига кўра моддий эмас, балки маънавийдир. Лекин «зиё», яъни «илм» уни эгаллаб олган инсон қалбида моддий кучга айланади. Унга завқ-шавқ, илҳом ато этади, ҳаракатга келтиради, талбиркорликка, янгиликлар яратишга ундайди.

Тарихимиз қадимий ва бой. Уни Хушбоқ Раҳим Термизий, Бухорийга ўхшаш юзлаб пири комилларимиз меҳнати ва маънавий меросларисиз тасаввур ҳам қила олмайди. Улардан ҳар бири бир олам. Лекин улардан барчасини бирлаштирувчи омил борлиқ ҳамда ислом олами, ҳалоллик, эзгулик, камтарлик, Бору бир, ҳаёт, ижтимоий ҳаёт. Ҳаётни ва ўзини тушунганлар учун, дейди шоир: Инсон инсон учун раҳмон, инсон инсон учун фариштадир. Инсон фарзанди учун оламда инсоннинг инсонийлик ҳурмати ва иззатини ўрнига қўйиб тинч ва омон яшашдан ортиқроқ саодат йўқ.

Президент Ислом Каримов қалам аҳли билан 1993 йил апрелдаги суҳбатида «Миллатимиз ҳозир шаклланаяпти», деган эди. Хушбоқ Раҳим Президентимиз хулосасига ҳамоҳанг «Ярим ҳўл хазондай тутаётибман, халқдан зўр миллатни кутаётибман», дея ҳайқиради. Миллат белгиларини мустақилликда кўради. Одамлар диққатини миллатнинг моҳиятига батамом бегона эътиборсизликка қаратди. Бизлар ҳам элим деб, юртим деб, ёниб югурсак, эртага Юртбошимиз орзу қилган улуғ миллат бўламиз, деган хулосани беради. Шоирнинг «Гоургон» достонидан ўқиймиз:

Эй, одамлар, эътиборсизлик
Қалб оғуси, иллат бўлади.
Юртим, элим – ёниб югурган,
Эртан улуғ миллат бўлади.

Миллат тақдири, миллий ва умуминсоний қадриятлар қиймати Хушбоқ Раҳим шеъриятининг ширасн, қаймоғи ва қисматидир, миллийлик, мангуликдан иборатдир. Унинг қон-қонимизда, вужуд-вужудимизда, иймон-эътиқодимизда эканлиги ҳақиқат. Табиий зуваламиз, илдимиз, борлиғимиз ва унинг имкониятлари ҳам миллий, миллийликдандир. Ватан, Ватаннинг бўйи, эни, баландлиги ҳам сизу биздан, миллийликдан бўлак нарса, ҳодиса эмас. Уларнинг улкани ҳам, улуғи ҳам, урвоғи ҳам миллий

ва мавжуддир. Хушбок Раҳимнинг келажакни чамалаб, мозийни айланиб тўкнаш келгани ва топгани ўша миллийлик. Курран Замин миллийликлар мажмуасидан иборат. Миллийликлар - эту тирнок. Миллийлик хар кайси мамлакат учун, хусусан Ўзбекистон учун мезони йўк, тошу тарозиси топилмайдиган кадрият. Бизда кадриятлардан хар бирининг мазмуни уммондай теран, дунёдай долғали. Хушбок Раҳим уларни «Миллият» достонида шоирона дил ва фалсафий тафаккур кўзи билан кўрди, аник тўхтамга келди.

Мозийни айландим, келажак қолди,
Уни ҳам кўраман, юрагим ёник.
Минг йилдан кейин ҳам мавжуд тафаккур,
Туркистон ҳар жонининг Онаси аник.
Она ҳам, бешик ҳам кўлбоғи миллий,
Ватан ҳам мукаддас белбоғи миллий.

Агар таъбир жоиз бўлса, сутдан ёғни, танадан рухни ажратса бўлади, лекин ўндан ортик бир-биридан салмокли шеърий китоблар муаллифи шоир Хушбок Раҳимни юртидан, Ватанидан айро тасаввур килиб бўлмайди. Унинг юрти, Ватани туфайли насибаси, бахти буғдой донасидан бутун. Унга шу бутунлик етиб ортади.

Буғдой донасидан насибам бутун
Менга ҳам шарқона удум етади.
Еттиқат жаннатда юрсам-да, беюрт
Вужудимдан жоним чиқиб кетади.
Сурхондарё.

Достону шеърий асарлари шарофатидан Хушбок Раҳим билан танишдик. Шоир ўзи ҳакида куйидагиларни маълум килди:

– Етмишни тўлдирдим. Етмиш йил, етмиш минг олам, шунча бахор, шунча ёз, шунча кишу куз. Лекин унда қонун ва қонуният битта. Икки эшик ораси. Шу узун ва кисқа масофа инсон умридир. Умр санокли нафас, ҳисоб-китобли лаҳзалар кетма-кетлигидан иборат. Бир тутам ҳаёт эса ҳам асал, ҳам басалдир.

1940 йилда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилдим. Болалигим Култепа қишлоғида ҳаёлу ўй, қоғозу мўй, кўзи ҳам қўй, кўпкари ҳам тўй билан ўтди. Қишлоғимиздаги М.В.Ломоносов номли 10-сонли мактабда ўн йил ўкидим. 1958 йили шахсимни тасдикловчи ҳужжатсиз

Бухоро Давлат педагогика институти «Физика-математика» факультети талабалигига кабул килиндим.

Талабалик ва ёшлик йилларим кадим Бухоронинг «тўртта бозори»да кечди. Бу бозорларни Абу Абдуллоҳ Рўдакий «Бухоро» касидаси билан бойитди, менинг тилимга эса «Одамлар бўлмаса, бўлмас эдинг, Арк»дан бошка калима келмади. Иброҳим Машраб «тўрт бозор»дан илм савдо килди. Менинг бу бозорлардан топганим каноат бўлди. Шу каноат, сабр-токат турмуш ўртоғим билан менинг кисматимни бирга қўшди. Соғлом ва салоҳиятли етти ўғил-киз, йигирмага якин кўзлари чакмоқдай чақнили невара ва эвараларимиз бор. 1964 йилдан ҳозирги кунгача менга на турмуш ўртоғим Маъмура Ширинова, на фарзандларимдан лоакал бирортаси «у йўқ» ёки «менга бу нарса керак», деб ҳарҳаша қилганини билмайман. Бу назари баландликни «йўклик» ёки «тўклик»дан эмас, балки Бухородан, унинг ўша «тўрт бозори» – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан топганимиз, орттирганимиз, деб биламан. Бу каноатни етмиш йиллик умримнинг зебу зийнати хисоблайман.

Қадим Бухоронинг «тўрт бозори» гавжум ва ҳамиша барҳаёт. Умар Хайём шу бозорлар растасида «Сонлардан бутун мусбат илдиз чиқариш», «Чизиқли тенгламаларни ечиш», «Кубик тенгламаларнинг илдизларини геометрик усуллар билан ясаш» ва бошқа асарларини ёзди. «Ноэвклид геометрия»нинг ижод этилишига замин ҳозирлади. Мусо Хоразмий билан ал-Фарғоний Исмоил Сомоний мақбарасининг тарҳини чизди. Уста Бако Одам Ато бўйига тенг Миноран Калонни қурди. Мен уларни ҳам ўргандим. Лекин Абдулазизхон мадрасаси, унинг масжити ичидаги исломий нақшлар, кошину ранглар, рақамлару тилсимотларга сингдириб юборилган ҳақиқатлар қаршисида лол қолдим, уларни ўқишга кучу ақлим етмади.

Тошкентга келдим. Тошкент Политехника институти билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида билмаганларимни талаба ва профессор-ўқитувчилардан ўргандим. Улардан олган билимларимни бехиёнат уларнинг ўзларига қайтариб бердим. Малакам ошди. Рангу рақам, рамзу тимсоллар тагида яширин ҳақиқатларни обдон англайдиган бўлдим.

Ёшим етмишдан ошди, кўзу хаёлим ҳамон кадим Бухоронинг ўша «тўрт бозори» билан, улардан маъни харид қилаётган Дақиқий ҳамда Абулқосим Фирдавсийнинг сийрату қиёфалари билан банд! Тўғри, мен билан уларни ажратиб турган масофа – ўрталикдаги вақт. Бироқ, минг йил ва унданда кўпроқ ёшдаги «Шоҳнома»ни салкам эллик йилдан буён қўлимдан қўйганимча йўқ. «Шоҳнома» Дақиқий ва Бухоронинг «тўртта бозори»ни ёдимга солиб туради. Уларнинг беозор кистовлари билан «тўрт бозор»ли Бухорога тез-тез мурожаат этаман.

Садағанг кетайин, кундай қадим юрт,
Ёшингга ярашгай ёнингга қайтсам.
Авжи саратонинг малҳам нуридай
Гулу гулзорингни кучоқлаб айтсам:
Шўр сувингни сизлаб келдим, Бухоро
Умрингча умр излаб келдим, Бухоро.

Бухородаги «тўрт бозор» Сурхондарёда ҳам, Арабу Ажамда ҳам, хатто жаҳондаги барча мамлакатларда ҳам мавжуд. «Тўрт бозор»нинг бойлигу бисоти жаҳондагидан фаркли ўлароқ Бухоронинг тошу ғишти, минора-ю мадрасаси, мақбара ҳам қадимий «Канпирак девори»нинг катқатига чуқур сингиб кетган. Уларга басир кишиларнинг кўзи ўтмайди. Улар сийрати бутун, хотираси уйғоқ кишиларга аниқ ва равшан кўринади, уларга қўшилиб қўшиқлар айтади. Тарихий обидалар билан алломалар жўр бўлишган қўшиқларим кўп. Улардан бири:

Кўнгил сени кистамайман,
Кексаришни истамайман!

Куни кеча туш кўрдим. Тушимда Бухоронинг яна ўша бозори. Унда бир тўда кекса нуронийлар билан тўқнаш келдим. Улардан бири менга «илми ҳол билан илми адён»ни, иккинчиси «сийратга сафар қилиш»ни, учинчиси «кўнгилни кўзга айлантириш»ни, тўртинчиси «қайта туғилиш»ни ўргатди. Тўртинчисини аниқ танидим – Кабир Бухорий! Қувонганимдан ўпкам тўлиб кетди. Кўзимдан ёш, кўксимдан қўшиқ оқди:

Ўзимга сафарни ўргандим, Сиздан
Ичим ҳам, сиртим ҳам ютуғимдан лол.
Кимнинг кимлигини англадим, мендан
Олисга чекинди ажал отли чол.
Қайта туғилмоқни оламга айтдим,
Кабир Бухорийдан ўрганиб қайтдим!

Кекса тарих билан ислом оламида эзгу ишлардан барчаси тоза ниятдан бошланади. Яхши ният – ярим давлат. Хушбоқ Раҳимнинг қайта туғилмоқни Термизий ва Бухорийлардан ўргангани чин. Унинг ҳар бир хонадонда шоирлар туғилсин, шеърлар ёзилсин, деган орзулари ижобат бўлсин. Зеро, ардоқли, асарлари бадастир шоир ва ёзувчилар юртининг бугуни обод ва оромбахш, эртанги куни фаровон ва залворли бўлади.

Тонг юлдузи»,
2011 йил, 31 октябрь.

АНЪАНАГА САДОҚАТ

Бахши қадрини халқ билур,
Халқ қадрини мард билур.

Тасаввур қилинг, катта тўй-тантана. Унинг энг яхши жиҳатлари билан бир қаторда кишининг ғашига тегадиган расм-русумлари ҳам бор. Ҳа, хозирги тўй-тантаналарда ё ҳаваскор, ё профессионал санъаткор маст–аласт қийқириқлар орасида ашула айтади, ракса тушади. Биз, хозирги замон кишилари эса шундай ва шунга ўхшаган тўйларни одатдаги ҳол, деб ўйлаймиз. Энди, бундан лоақал 30 йиллар аввалига Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоронинг айрим қишлоқлари, ёки Тошкент вилоятининг чекка туманлари, буёғи Қорақалпоғистон, Туркманистон томонларда бўлган тўй маросимларини олиб кўрайлик. Уларда кўпкари чопилган, келинни куёвнинг хонадонига ёр–ёр айтиб олиб келганлар. Келин билан куёв олов атрофидан айлантирилган, шу гулхан атрофида халқнинг ажойиб қўшиқлари ва ракслари ижро этилган, қизлар бир тараф, йигитлар бир тараф ўлан айтганлар, болалар-у момолар ўзларининг қизиқ-қизиқ урфу-одатлари билан ҳаммани кулдириб тўйга файз киритганлар. Аммо тўйларнинг файзи-ю кўрки, салобати-ю кўри бахши бўлган. Ҳамкишлоқлар, ҳамюртлар, қариндош-уруғлар учун тўй бир баҳона: бахшининг дўмбира созини, ички овоз билан айтувчи гўзал қўшиқлари-ю ажойиб достонларини эшитиш учун келганлар.

Хўш, кейинчалик четга суриб қўйилган бу анъаналарнинг гуноҳи нима эди? Бу анъаналарни не учун қийқириқ базмларга, ҳаннос оламни тутган тўйларга алмаштирдик? Нечун энди мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларимизни эзгу ният билан гўшангага кузатиш ўрнига қадаҳ тўла оғу билан табриклашимиз керак? Мен бу ўринда дадил айтмоқчиманки, бизнинг ўша қадимий тўйларимиз катта маърифий аҳамиятга молик эди.

Агар фалончининг тўйига фалон бахши келибди, деса нафақат бир қишлоқ, балки ён-атроф қишлоқ одамлари ҳам от миниб, туя кўмлаб, тўйга айтилса ҳам, айтилмаса ҳам кела берган. Тўй эгасининг ҳовлиси чоғроқ бўлса, бир қанча ҳовлилар бир-бирига қўшиб юборилган. Аммо бахшининг дўмбира оҳанглари, бадиҳа билан оқиб келадиган шеърий тизимлари камоли эҳтиром ва диққат билан тингланган.

Тўғри, хозирда санъатнинг минг хил турлари мавжуд, не-не хонандалару созандалар бир-биридан ўзаётган, бири–бирининг овозини босиб, шуҳрат пиллапояларидан кўтарилаётган бир пайтда, фан-техника мисли кўрилмаган даражада ривожланган бир замонда, одамларнинг онг дара-

жаси неча минг асрларни қувиб ўтган бир асрда узундан-узоқ хаёлий достонлар айтадиган бахшига на ҳожат, бор? – дейишингиз мумкин. Ҳозирги ёшлар замонавий мусикаларга ўрганган, деб ўзимизни юпатиб келдик. Афсус, ҳеч нарсага эришмаган эканмиз. Аксинча, кўплаб кадриятларимизни йўқотиб улгурибмиз. Ҳозир тўйларда ҳам, концерт залларида ҳам ёшларнинг қонини жўштирадиган, ўрта ёшлилар ва кексаларнинг қулоғини коматга келтирадиган шовкинли музика на миллийлик, на байналмиллаллик касб этади. Ярим овруполашган, ярим ҳиндлашган мусика билан айтиладиган «бир ёр дилимда, бир ёр қўйнимда», «қошингнинг ўсмасидан», деб айтиладиган хиргойи ашулалар тарбиявий ишларимизга тўскинлик қилмоқда.

Гап анъаналаримиз, кариятларимиз устида борар экан, ёшларимиздан уларга нисбатан хурмат хиссини ўйготишимиз лозим.

Анъанага ва кадриятларга ҳурматнинг ўзи бўлмайди. Анъанага ва кадриятга ҳурмат – анъаналарни давом этириш, яъни уларнинг энг яхшиларини бугунги кунимизда ҳам татбик этиш лозим, дегани. Бахшини энди фақат китоблардан ўқишимиз, уни музейга экспонат қилиб қўйишимиз керак эмас. Музейга қўйиладиган осори атиқаларимиз кўп. Аммо бахши бугунги кунимизда ҳам ўз ўрнини эгаллаши, аждодларимиз хаёлоти, қахрамонлик даврлари билан бизни ошно қилиб туриши керак. Зотан, манкурт бўлиб қолмаслигимиз учун аждодларимизни эслатиб туриши, узоқ ўтмишимиз борлигини айтиб туриши керак.

Сиз ўз уйингизда ўтирибсиз. Айтайлик, уйнинг тўридаги деворга ажойиб лавҳалар тикилган палак қоқилган. Унинг ҳар бир қатими ипагига, ипак билан безалган гулларига, ундаги Қуёш ва юлдузлар рамзига ҳавас билан қарайсиз-у қойил, деб қўясиз. Биласизми, бундай шоҳи сўзана тикилиш асносида ўтмишдаги меҳнаткаш ва жафокаш момоларингиз неча ойлар мобайнида бир-бирлари билан мусоҳабада гўзал ва хаёлан эртакларни, шеъриятнинг энг гўзал, дилбар намуналарини яратганлар. Бунинг устига сўзананинг тикилиши замирида ва унинг ҳар бир қатим ипагида кимларнингдир тарихи, ўтмиши, меҳнати, эҳтимолки, шашқатор кўз ёшлари бордир. Шу сўзана устида хонадонингизда ўтган кимдандир қолган дутор бор. Унинг қандай ясалганини, ясалиш онларида не ташвиш ё мўъжиза рўй берганини биласизми? Йўқ, билмайсиз. Дутор ясайдиган моҳир уста одамларнинг завқини кўзғатадиган ажойиб дутор ясаш учун қанчақанча бакатераклардан пайраҳа чиқариб юборган ва ўша йўнилган ёғочларнинг энг созини, оҳанг берадиганини дутор учун ишлатган. Шундай қилиб, битта дутор шинаванда устанинг 5–6 йил вақтини олган. Дутор ясаган ўша уста меҳнати учун неча минг сўм олар экан? Беш-олти йиллик захмати эвазига дуторни юз сўмдан юз эллик сўмгача пуллайди. Устага

пул керак эмас, унинг олдида оладиган мукофоти одамларнинг завқи, шукухи, дард-аламларининг тарка-лишидир. Сиз эҳтимол, ўша дуторга назар ҳам солмассиз, чалишни ҳам билмасиз. Аммо устага ҳурмат юзасидан ўша дуторни қўлга олинг-да, лоакал ўйнаб, ўз жойига осиб қўйинг.

Ҳақиқатни тан олишимиз керак: гўзал мақом – қўйларимиз, турли оҳангларимиз XX асрнинг бошларигача оғиздан оғизга ўтиб келган, бундан кейинига эса нотага олинди ва келажак авлодларнинг дахлсиз мулки бўлиб қолди. Ёки адабиётимиздаги мумтоз мерос бизнинг асримизда тизимлаштирилиб, халққа тақдим этилди, ўрганилди, тадқиқ қилинди.

Фольклор – халқ поэзияси, халқнинг маънавий туйғусини очади, ўзининг куч-қудратини, ўз ҳукукини англашга мажбур этади, мардликни, Ватанга бўлган муҳаббатни ўйғотади.

Фольклор, шу жумладан халқ поэтик ижоди ниҳоятда санъат сифатида асрлар оша халқ руҳиятини, унинг бутун тарихини, қахрамонлик даврларини ўзида мужассамлаштиради.

Халқ оғзаки поэтик ижодини коллектив бадиий тафаккурнинг махсули дейдилар, аммо ҳар бир ҳодисанинг маълум бир сабаблари бўлганидек, халқ оғзаки ижодининг ҳам ўз вакиллари, ўз намоёндалари бор. Уларни достончилар, бахшичилар, деб аташади. Бахшилар ўз дўмбиралари билан халқнинг асрий қахрамонликларини, меҳнат зафарларини мадҳ этганлар, рухий тушкунлик даврида уларга далда берганлар, мадад берганлар.

Халқ поэзиясининг муҳим аҳамияти шундан иборатки, инсон руҳиятини, у кишиларнинг тафаккур доирасини, дунёкарашини, ҳаёт тарзини хоҳ элементар равишда бўлсин, хоҳ мукаммал тарзда бўлсин, рўйи-рост ифодалаб беради. Шу билан бирга, оммани ўз орқасидан етаклай билади.

Агар ўзбек адабиётини улкан бир чинорга қиёс қилсак, бу чинор бўш ерда пайдо бўлган эмас. У аввал халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, жаҳон халқлари адабиёти анъаналари замирида ўсди, ривожланди. Демак, аввало халқ оғзаки ижоди. Халқ ижодиётисиз ҳеч қандай адабиётнинг ривожланиши мумкин эмас, зеро, ўзбек адабиётининг илк тарихини ҳам халқ ижодиётисиз тассавур қилиб бўлмайди.

Тарихнинг ўзи шоҳид: XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар демократик адабиётда қандай акс этганлиги маълум. Шу ижтимоий-сиёсий воқеалар халқ ижодиётига ҳам фаол аралашганлиги аёндир. Ижтимоий-сиёсий воқеалар, халқнинг сиёсий онгидаги ўзгаришлар бўртиб кўринган ўша даврда фольклор ёзма адабиётдан устунлик қиларди. XX аср бошларида ёзма адабиётда маърифатчилик: мактаб ва маориф ғояси кенг тарқалгач, ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг баъзи қирраларини акс эттириш фольклор зиммасига тушди.

Бир қанча халқ қўшиқлари билан бирга «Норғулой", «Улуғой", «Келиной», «Иззатой», «Дастагул", «Пардахол", «Жумагул», «Қоракун» сингари достонлар шулар жумласига киради. Масалан, «Норғулой» достони (бу достон Қодир Раҳимов репертуаридан) 20-йилларнинг бошларидан даставвал турли қўшиқлар шаклида яратилган. Қодир шоирнинг тоғалари Туроб ва Ражаб шоирлар асримизнинг 10-йилларидан кейин уларни достон шаклида эл орасида айтиб юрганлар.

«Келиной» туркумига кирадиган катор достонларда инкилобдан олдинги давр акс эттирилган. Уларда аёлларнинг озодликка интилиши, севги-мухаббатлари, тенгсиз никоҳ фожеалари, «ичкари турмуш»нинг захарзукумлари ўз ифодасини топган...

Ўша даврда яратилган Фозил Йўлдош ўғлининг «Жиззах кўзғолони», Пўлкан шоирнинг «Мардикор» достонларидан хам ўз замонасининг нафаси уфуриб туради.

Юкорида келтирилган мисоллар шунинг учун айтилялтики, ўзбек адабиётини бошланишида, унинг тараккий этишида ўша достонларни яратган халқ шоирлари Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир Нурали ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Нурмон Абдивой ўғли, Пўлкан, Умир Сафар ўғли, Бола бахши ва бошка кўп бадиҳагўйларнинг хизматлари борлигини такидлашди.

Албатта, бу достончиларнинг тарихий хизматлари шу билангина белгиланмайди. Улар халқ таффакурининг гўзал намуналари бўлган қадимий достонларни бизнинг кунларимизгача етказганлар. Бу достонлар буюк бадиий тафаккурнинг мукаддас обидасидир.

Шундай экан, ўзбек адабиёти тарихи хақида гаприлганда умуман халқ ижодиёти, хусусан мазкур достончиларга алоҳида боб ажратмоқ адабиёт тарихчиларининг вазифасидир.

II

Халқ бадиий таффакури намуналарини бизгача етказиб келган ажойиб достончи, «ўзбек бахшиларининг оксақоли» (Ҳоди Зариф) Фозил Йўлдош ўғлининг ўзи 40 дан ортиқ йирик достонларни хотирасида сақлаган ва куйлаб юрган.

Ўзбек фольклоршунослари биринчи бўлиб халқ достончиларидан Фозил Йўлдош ижодини аниклаганлар. Профессор Ғози Олим Юнусов 1922 йилда бу ажойиб шоирдан «Алпомиш» достонини ёзиб олишга муваффақ бўлди ва достондан айрим парчаларни «Маориф ва ўкитувчи» журналида чоп эттирди.

Фозил Йўлдош ўғли мураккаб хаёт йўлини босиб ўтди. 1872 йили Самарқанд вилояти Булунғур тумани Лойқа кишлоғида туғилган Фозил етимлик азобларини, очлик йилларини кўрди. 7-8 ёшларданок рўзғор ташвишларини тортди:

Эсимда борини айтай, жамоат,
Ўтмишни айтишга йўқ менга тоқат.
Етимликда, абгорликда ўтказдим,
Ёшликда бундайин кўрмадим роҳат,
Айтайин, Лойқада туғилган жойим,
Гамли экан мен туғилган кунларим, –

деб эслайди шоир.

Дарҳақиқат, гамли эди у кунлар. Ўрта Осиё чор ҳукумати томонидан босиб олинган, маҳаллий халқ босқинчилар зулми остида қолган даврлар эди. Фозил Йўлдош туғилган йили кишлокларда очлик ҳукм сурар, кўп хонадонлар нон кидириб бошка кишлокларга кўчишар, аммо очлик уларни изма-из кувиб юрарди. Фозилнинг отаси Йўлдош ака ҳам ўша йили Самаркандниг жанубига – Челак кишлоғи атрофларига кўчиб кетди. Шоир ўзининг « Кунларим» достонида буни шундай ифодалайди.

Бу халқнинг аламлари зиёда,
Кўрпани кўтариб пою пиёда,
Шўрликларнинг боши гангиб дунёда,
Очлик, яланғочлик жонидан ўтиб,

Кулги бир ёқда, йиғи ҳар ёнда,
Ўнта йиғлаб, битта кулган кунларим.
Сел босган ерларни лойқа деб атар,
Лойқада дунёга келади шоир.

Қаер тўқ десалар тентираб борар,
Шулар қаторида отам ва энам,
Яланғоч, очликда неча зулфақдор,
Қорним тўймай, тун йиғлаган кунларим.

Рўзғор машаққатининг бир чеккаси отасидан олти ёшда етим қолган Фозилга тушди. Шу боисдан бировларнинг эшигида югурдаклик қила бошлади. У ўн икки-ўн уч ёшларида, тузукрок иш ахтариб Ғаллаоролга

кетади. Лекин ҳамма жойда ҳам хўроз бир пайтда кичкирар экан. У ўн тўққиз ёшигача сарсон- саргардонликда ҳаёт кечирди.

Олти ёшда қумсаб-қумсаб отамни,
Оғир меҳнат эзди шўрли энамни.
Она –бола тополмадик бир нонни,
Парча нон, деб йиғлаб ўтган кунларим...

Тўққизимда бел боғладим меҳнатга,
Чўпон бўлдим, тушдим яна ғурбатга.
Ишлаб едим, лекин қолдим миннатга,
Парча нон, деб миннат чеккан кунларим.

Аста-секин етиб бордим ўн ёшга,
Не ситамлар келаберди бу бошга.
Ўн бешда ҳам қорним тўймади ошга.
Йиғлаб–йиғлаб куйиб кетган кунларим.

Бойлар эшигида бўлдим овора.
Дард-аламлар ошаберди тобора.
Онам бағри кулфат билан юз пора,
Бағрим қонга тўлиб кетган кунларим.

Жуда кўп меҳнат ва машаққатларни кўрган Фозил Йўлдош чўпон–чўликларни кетидан юриб дўмбира, поэзия билан ошно бўлди. Фозилнинг қобилиятини сезган уч оға-ини Йўлдош, Қўлдош ва Суяр бахшилар ёш шоирга ёрдам қўлини чўздилар. Хусусан, Йўлдош булбул Фозилга ўз фарзандидек қаради.

Бу тўғрида Ходи Зариф «Донгдор куйчи» деган мақоласида шундай дейди: «Йўлдош шоир Мулла Мурод ўғли XIX асрнинг биринчи ярмида халқ орасида донгдор шоир Йўлдош булбулнинг шогирди эди. Йўлдош булбул эса Муҳаммад шоирнинг шогирдидир. Йўлдош шоир булбул каби устод достончи саналарди. Унинг тарбиясида бир неча йигитлар достончиликни ўрганиш билан машғул эдилар. Фозил ўз қишлоғига қайтган йиғлиёқ унинг қобилияти Йўлдош шоирга маълум бўлди. У Фозилни ўзига шогирд қилиб олди, ота ўрнида тарбия қилди, достончиликнинг йўлларидан таълим берди. Достон ўргатди. Иқтидорли зийрак Фозил устодига катта ҳурмат ва муҳаббат боғлаб, унинг ўргатганларини қунт билан ўзлаштира борди. Лекин бу ўргатиш ва ўрганишнинг ҳаммаси оғзаки бўлур

эди. Чунки шогирд хат танимаганидек, устод ҳам ўқиш ва ёзишни билмас эди. Фозил тез фурсатда устодининг кўп достонларини ўрганиб олди».

Фозил бир йил ичидаёқ устодидан кўп нарса ўрганди, шоирлиги элга маълум бўлди. Ўша пайтдаги аньанага кўра Йўлдош шоир бенихоя кашшоқ ҳаёт кийинчиликларига қарамасдан, эл-улусининг ёрдами билан, қобилиятини кўрсатиш мақсадига катта йигин йиғади. Фозил Йўлдош синовдан яхши ўтгач, устози унинг устига тўн ёпади ва тагига от беради. Ўша синовдан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли ўз достонларида ҳамиша меҳнаткаш инсоннинг яхши ахлоқий фазилатларини тараннум этиб, ёмон хулқ ва хатти–ҳаракатларни танқид қилиб келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, халқ достонларида кўпинча жамиятнинг турли ижтимоий катламларига мансуб кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Масалан, «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони – Алпомиш ҳукмрон табақанинг типик вакилидир. Лекин у отаси Бойбўрининг қарашларига зид ўлароқ, меҳнаткашлар мафаатини ҳимоя қилади. Ўзининг бутун кучи ва қобилиятини ўз уруғи ишига бағишлайди, меҳнат кишиларининг орзу-тилакларини ифода қилади. Алпомиш курашининг маъноси ҳам ана шунда.

Демак, оғзаки адабиётда ёзма адабиёт намуналарида бўлгани каби, асарнинг фазилатини, асарнинг қимматини шоирининг ғоявий позицияси белгилайди. Позиция ёзувчининг кимларнинг манфаатини ҳимоя қилаётганини, ким учун, нима учун жон куйдираётганини ифодалайди. Бу нарса фольклор асарларида айниқса катта роль ўйнайди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини яратган санъаткор унда ўзининг дунёқарашини, ҳаёт тажрибасини, воқеаларнинг моҳиятини оддий кишилар нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилади. Натижада, мазкур асарда халқ оммасининг объекти дунё ҳақидаги фикр–ўйлари ифодаланади. Шундай қилиб, у асарнинг ғоявий йўналишига ўзининг қарашларини сингдиради. Бинобарин, фольклор асарларида халқ шоирининг кимнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ким учун достон айтиши муҳим аҳамиятга эга.

Фозил Йўлдош ўғли достонларининг қаҳрамонлари, ким бўлишларидан қатъи назар, ҳамиша оддий, меҳнаткаш кишиларнинг тарафида турганлар, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар. Жумладан, «Рустамхон» достонида халқ шоири сарой муҳитидаги ёлғончилик, фисқ–фасод, гийбатчилик, ҳасадгўйлик, мунофиқлик, риёкорлик каби иллатларни ҳар томонлама кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Масалан, Ҳуройимнинг азобланиши, унинг ноҳақ жабр чекиши ва ризолатнинг баён этилиши тингловчида чукур таассурот қолдиради. Мухими шундаки, Фозил Йўлдош ўғли достонларининг деярли ҳаммасида адолатсизлик ва

ноҳакликни коралайди. Ва достонлар эзгулик ишига, яшашдан завкланаолишга, гўзалликнинг чукур ғалабаси билан якунланади.

Фозил Йўлдош ўғли достонлари халкни ҳаётни идрок қилишга, ҳар бир нарсадан гўзаллик топа билишга ундаган.

Халқ ўз ҳаётида бўлиб ўтган, ўзи гувоҳи бўлган, жамият тараккиёти учун ғоят аҳамиятли бўлган вокеаларнигина достонларга, кўшикларга мавзу қилиб олади.

Халқ эпик асарларининг ғоявий асосларига гуманизм билан йўғрилган ва умумлашма характер касб этган тарихий вокеалар замин бўлган. Жамият тараккиётида иктисодий шароит ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганидек, санъат тараккиётида ҳам худди шундайдир, бинобарин, иктисодий шароитнинг даражаси, халқнинг аянч аҳволи унда жаннат, гўзал турмуш, тўк ҳаёт ҳақида қўл билан ушлаб бўлмас орзулар яратади. Фаровон ва тўк Чамбил мамлакати, Эрам боғлари («Гўрўғли» достонлари), тог ичидаги шинам уй («Ширин билан Шакар»), адолатпеша Гўрўғли, баҳодир Алпомиш, паҳлавон Рустам ва бошкалар шу хаёл , орзулар махсулидир.

Фозил Йўлдош ўғли куйлаган достонларнинг асосий кахрамонлари, аввало, инсонпарварлик хислатлари билан ажралиб туради. Уларда одамга хурмат-эҳтиром билан, эзгу ниятлар билан ёндашиш кучлидир. Фозил Йўлдош ўғли кахрамонларнинг бехуда кон тўкилишига, конли жангларга карши эканликларини сезиш қийин эмас. Мисол учун, «Алпомиш» достонига мурожаат қилайлик. Бойсари кабиласини Қўнғирот юртига кайтариб олиб кетаётган Алпомиш ва Қорахонларнинг кетидан Тойчахон лашкар юборади. Қоражон уларга карши курашга отланар экан, қўнғиротликларни ўз юртига кайтаришга карши бўлган лашкарларга нисбатан қизикконлик қилади ва ўйлаб ўтирмай конли жангга ҳозирлик кўради. Юксак инсонпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган Алпомиш эса уни акл билан иш кўришга, жангга киришдан олдин кенг мулоҳаза юритишга чақиради. У ҳатто Тойчахон майли билан ҳаракат қилаётган қалмокларнинг ниятларини оқлашни истайди ва уларни бу максадларидан кайтаришга ҳаракат этади:

Қоражон мана нима дейди:
Қани, келсин қалмоқ, деб,
Келса опириб салмоқ, деб,
Жазосини бермоқ, деб,
Душман бошин олмоқ, деб,
Қоражон бир зўравондир,
Қайтиб бўлар батавор,
Мен кирсам майдон излаб,
Қўярман бағрини тузлаб!

Алпомиш бехудадан бехудага кон тукилмасин, деб хон шахтидан кай тармочи бўлади:

Хаётингга бошка таҳлар келмасин,
Бу сўзим шаънингга номард бўлмасин,
Қасд қилма, бек дустим, қалмоқ ўлмасин,
Қалмоқ келар ўз ҳолидан бехабар,
Келиб кирини топмасин-да шурликлар.

Шу кичкина парчадан аниклашиб турибдики, Алпомиш ҳар бир нарсага чукур инсонийлик туйғуси билан ёндошади, одамларнинг бехуда кирилишига тиш-тирноғи билан карши чикади. Ҳар кандай масалада зўр мулоҳаза юритади.

«Алпомиш» достонидаги бу хусусият Фозил Йўлдош ўғли куйлаган Гўрўғли туркуми достонларида, шунинг дек, «Мурод хон», «Рустамхон» ларда ҳам типик ҳолат хисобланади. Мухими, шундаки, Фозил Йўлдош ўғли мехнаткаш халкнинг инсонпарварлик фазилатини душманлик рухида ҳаракат қилувчи Тойчахон, Сурхайл, Султон, Қосимхонларга карама-карши қўяди ва улардан нафратланади. Натижада, шоир халк фикрини, инсонпарварлик ва ёвузликнинг ўзаро кураши концепциясини илгари сурувчи донишманд, файласуфга айланади.

Бошка масалалар билан бир каторда, боланинг ота-она олдидаги фарзандлик бурчининг талкин этилиши Фозил Йўлдош ижодиёти учун хос ходисадир. Шу нарса мухимки, Фозил Йўлдош ўғли боланинг ота-онага бўлган фарзандлик бурчини Ватан ва халк тушунчалари билан боғлайди. Ватан тушунчаси билан умумлаштиради. Рустамхон Султонхон зулмидан Ҳуройимни эмас, балки Ватанини, халкини кутқаради. Ширин билан Шакар Ватан ва халк озодлиги учун исён кўтарадилар. Аваз ҳам шундай. У Гўрўғлидан ҳам кўра Чамбил мамлакатининг шон шавкати, кудрати учун кайғуради.

Ота-бола муносабатларининг ёркин ифодаланиши жихатидан «Бало-гардон» достони айникса диккатга лойиқдир.

Достонда Аваз садокат ва фарзандлик бурчининг олий намунасини кўрсатган. Юнус пари билан Мискол пари Гўрўғлини Ҳасанхон Арзрумдан олиб келган Даллихондан рашк килиб, Гиротни олиб Эрам богига кетиб қоладилар. Маълумки, Чамбил элини Гиротсиз, Гиротни Гўрўғлисиз ёки Гўрўғлини Гиротсиз тасаввур килиб бўлмайди.

Тойрилди бошимдан тожу давлатим,
Энди хаддан кўпдир килган мехнатим,

Кетмон олиб гулхонани қулатинг,
Энди соп бўлгандир тожу давлатим.
Эрам боққа кетди менинг Ғиротим,
Соп қилдим Чамбилда ўтришимни,
Эр йигитлар кесиғи тандан бошимни,
Учурдим бошимдан давлат қушимни.

Авазхон валинеъмат Гўрўғлига, Чамбилдек обод мамлакатга хиёнат қилган Юнус пари, Мискол пари ва отбокар Гаждумхонни киритиб, пойи пиёда Эрам боғига жўнайди. Катта машаққатлар билан иккала парини ҳам, Ғиротни ҳам топиб, Чамбил элига қайтариб олиб келади.

Фозил Йўлдош ўғли достонларининг қаҳрамонлари ватанини душмандан ҳимоя қилади, ватан йўлида, севги–садоқат йўлида мисли̇з жасорат кўрсатади.

Фозил Йўлдош ўғли Алпомиш, Аваз, Шодмон, Асад, Гўрўғли, Барчин, Ойдиной, Ёдгор сингари қатор мукаммал образлар оркали дўстлик, ватанпарварлик қаҳрамонлик ғояларини илгари сурди, бу ғояларга романтик жило берди

Фозил Йўлдош ўғли бу эпик достонлардан ташқари асримизнинг бошларида бир қанча термалар билан бирга, тарихий достонлар ҳам яратади. Булардан бири «Назар ва Оқбўтабек» бўлиб, достонда мустамлакачилик сиёсатига қарши ўзбек халқининг олиб борган кураши акс эттирилади.

«Тўлғаной» достонида эса хонлар ва беклар ўртасидаги ўзаро уруш–талашлар, уларнинг эл мулкини талаб кун кечиришлари тасвирланади. Бу ҳолат Тўлғаной ва Омонназар муҳаббати фонида берилади.

Фозил Йўлдош ўғли XX асрнинг бошларидаёқ халқимизнинг ўз эрки, юртимиз мустақиллиги учун курашини бадиий сўз воситасида баён этган эди. Унинг «Жиззах қўзғолони» асари фикримизни тасдиқлайди.

III

Қашқадарёдаги кўпгина ўқитувчилар айни пайтда фольклор материалларини тўпловчилардир. Шулардан бири шахсий пенсионер, иккинчи жамоа этнографлар, фольклоршунослар биладилар. Қашқадарёга келган фольклоршунослар шу хонадоннинг мўътабар меҳмонлари. Катта йўлнинг бўйида жойлашган дарвоза олдида қорачадан келган, барваста мўйсафид сизни кутиб олади. Ўзбекнинг удумида келган меҳмоннинг қўлига сув куйилиб, сочиқ тутилади. Аммо бу хонадонга кирганингиздан кейин сув ўрнига ажойиб шеърий мисралар оқади. Қўлингизга қадимий халқ

достонлари, қўшиқлари, мақол ва маталлари тўлдирилган калин дафтарлар тутилади.

Бу хонадондан меҳмон уч-тўрт кун ичида чиқиб кета олмайди. Мезбон Чори бобо эллик йил мобайнида тўплаган фольклор материалларини олдингизга дастурхон қилиб ёзади. Бу дастурхондан кимлар тановвул қилмаган дейсиз. Зукко фольклоршунос Ҳоди Зариф «Беломорканал» папиросини чекиб, кават-кават дафтарларни варақлаган. Музаяна Алавия ўта назокат ва синчиковлик билан бу дафтарлар варақларини ипак бармоқлари билан силаган, Мансур Авзалов, Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев Чори бобонинг ҳикояларини, хотираларини марок билан тинглаганлар.

Чори бобо сахий мезбонлардан: Оҳунжон Собиров, Абдумўмин Қаҳхоров, Малик Муродов сингари фольклоршунослар бу хонадондан нечанеча жилд дафтарларни қўлтиқлаб чиқиб кетганлар. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир сингари забардаст шоирлар Чори бобонинг елкасига қоқиб ташаккур айтганлар. Аммо Чори бобо ҳеч қаерда, ҳеч қачон мен шундай буюк ишлар қилганман, мен фалончиларнинг олим бўлишига хизмат қилганман, деб кўкрагига урмаган. Шундай улкан хазинага эга бўлган бобо илмга ҳам даъво қилмаган. Хазинада нимаики бўлса, бўлажак олимларга тақдим этган, ёш шоирларни ўз хазинасидан баҳраманд қилган. Аммо унинг эвазига миннатдорчилик талаб қилмаган.

Бу заҳматкаш инсон ўз уйида буюм тўплаган эмас. Шифтга қараб етган тирбанд китоблар, 30- йиллардан то шу маҳалгача нашр этилган баёзлар ва журналлар, тўпланган фольклор материаллари – унинг бойлиги. Бунинг устига жилд-жилд китоблару баёзлар, журналлару газеталар, фолкьлор материаллари туркий тилнинг турли лаҳчаларида: Урхун ёзувлари-ю тош битикларидан кўчирилган парчалар узоқ изланиш самараси бўлиб турибди.

Чори бобо бир кучок келадиган дафтарларни алоҳида бир ҳурмат, айрича бир эътибор билан сақлайди. У дафтарлар Чори бобонинг умр йўллари билан тенг. У қандай дафтарлар, дейсизми? Бу Абдулла шоир бадиҳалари, достонлар, термалар, хотиралар. Чори бобо 40 ёшларида бўлса керак Абдулла шоир билан танишган, унинг бадиҳаларини ёзиб оламан, деб йигит умрини ўтказган, катта заҳматлар эвазига Абдулла шоирни кашф этган. Тўғри Чори Ҳамродан олдинроқ Ҳоди Зариф ундан баъзи термаларни, достонлардан парчаларни ёзиб олган ва нашр эттирган. Ҳатто у 1939 йилда нашр этган «Ўзбек фольклори хрестоматияси»да унинг таржимаи ҳолини ҳам ёзган ва Абдулла шоирнинг «Алпомиш», «Малика Айёр», «Авазхон», «Қиронхон», «Хилимон» сингари достонларини яхши билишини хабар қилган. Абдулла шоир Ҳоди Зариф, Мансур Авзалов,

Музайяна Алавияларнинг ташаббуси ва кўмаги билан 1938 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида иштирок этган. Унинг шўх дўмбира куйларининг ўйноқлиги пойтахт томошабинларида яхши таассурот қолдирган. Аммо Ҳоди Зарифнинг В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда ёзган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида айтилишича, ундан бирон нарса тўлиқ ёзиб олинмаган экан. Ваҳоланки бу йилларга қадар Фозил Йўлдош ўғлидан, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан, Пўлкан шоирдан, Ислом шоирдан, ҳатто Нўрмон Абдувой ўғлидан анчагина достонлар, термалар ёзиб олинган ва нашр этилган эди.

Чори Ҳамронинг Абдулла шоир билан танишуви 40-йилларнинг арафаларига тўғри келади. Ҳар бир баҳши сингари Абдулла шоир ҳам ўжар, кўнглига келмайдиган одам олдида дўмбира чертмайдиган шоир эди. Худди Ҳоди Зариф Фозил отанинг кулфи-дилини очиб юборгандек, Чори Ҳамро ҳам Абдулла шоирнинг кўнглини топгач, хотирасидаги хазинани тўкиб солган. Ўша йиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жуда катта инсонпарварона тадбир қўллади: баҳшиларнинг ҳар бирига махсус котиблар тайинланиб, уларга ой сари маош тўлаб турди. Ўша котиблар хизмати туфайли ва Ёзувчилар уюшмасининг ҳамхўрлиги билан баҳшилардан жуда кўплаб достонлар, термалар ёзиб олинди. Албатта, ёзиб олишнинг ўзи бўлгани йўқ. У пайтлар магнитафон бўлмаган, бадиҳагўйларнинг оғзидан чиққан сўзларни ёзиб олиш эса анча кийин кўчган. Бунинг учун котибдан тилни, шевани яхши билиш талаб этилган. Баъзан котиблар бир достонни кайта-кайта эшитганларидан кейингина ёзиб олганлар. Ўша пайтда фольклорист олимларнинг оқсаколи Ҳоди Зариф тўпловчилар учун махсус қўлланма ҳам яратган. Қўлланмада транскрипция қоидалари баён килинган бўлиб, бу котибларга анча қулайлик туғдирган эди.

Шундай қилиб, Чори Ҳамро Ёзувчилар уюшмаси томонидан Абдулла шоирга котиб қилиб белгиланади. Бу пайтда Абдулла шоир 60 ёшдан ошган, кексаликнинг анчагина инжикликларини намоён қилаётган пайтлар эди.Чори Ҳамро бутун бардоши, иродасини, тўпловчилик маҳоратини ишга солиб, Абдулла шоирнинг деярли бутун репертуарини ёзиб олди. Абдулла шоирнинг тўла таржимаи ҳолини тиклади.

Абдулла шоирнинг 9 ёшида (1880 йил) отаси вафот этиб, Шерали ва Пўлат деган акаларининг қўлида қолади. Кун кечириш оғир бўлганидан акалари Абдуллани 10 ёшида етимликка берадилар. У 10 йил бойларнинг эшигида чўпонлик ва ҳар хил ишларни қилиб кун ўтказади.

Чўпонлик қилиб юрган йиллари дўмбира чертишни ўрганади, тўйларда, йигинларда айтиладиган кўшиқ, ўланларни дўмбирага қўшиб машқ килиб, баъзан ўзидан ҳам тўқиб айтиб юради.

«20 ёшларимда эдим, — дейди Абдулла шоирнинг ўзи, — кишлоқда бир йигинда кўшиқ, ўлан айтиш бўлди. Шунда мен ҳали биринчи марта халқ олдига чикиб дўмбирага жўр килган кўшиқ ва ўзимдан тўқиган бир неча термаларни айтдим».

Бу йиғинда Қуччи кишлоғидан бўлган машҳур достончи Шерна баҳшининг мактабида таълим олган Ражаб шоир ҳам иштирок этган эди.

Бу йиғин жуда кизик бўлган эди: «Чорсу» меҳмонхонасида Абдулла шоир – мезбон, Ражаб шоир — меҳмон. Меҳмонлар каторида кишлоқнинг бир канча кишилари, Ражаб шоир этагида келган шогирдлари ҳам бор. Бир термани Ражаб шоир айтса, иккинчи термани Абдулла шоир айтар. Ражаб шоир Авазхон достонидан бошлаб, энг кизик жойга келганда шартта тўхтатар, у ёғини Абдулла шоир давом эттирар эди. Чошгоҳ пайтда бошланган достон айтиш сурункасига уч кун давом этган. Шу уч кун давомида Ражаб шоир кирқдан ортик достондан парча куйлаган бўлса, шуларнинг ҳаммасига Абдулла шоир ўз соз-ю овози билан жавоб берган. Худди шу кунлари Ражаб шоир Абдулла шоирни шогирди, деб эълон килиб, пешонасидан ўпган. Уч кунлик зиёфатдан сўнг Абдулла шоир Ражаб шоир билан бирга Чироқчига кетади ва Ражаб шоир яшаган Қуччи кишлоғида бир йил давомида устози билан мулокотда бўлиб, ок фотиҳа олгач, Қайнар кишлоққа кайтиб келади.

Ражаб баҳши деган шоирни кўриб,
Энди айтсам унга томон югуриб,
Устод тутиб икки йилга бир бўлиб,
Мажлисларда кўшиқ айтган чоғларим.

Абдулла шоир Ражаб шоирдан, аввало, дўмбира чертиш сирларини ўрганади. Ражаб шоир мунгли ва шўх оҳангларни муштарак ҳолда сақлар экан. Ундан ҳамкишлоқлари «дўмбирани шўх чалишингизнинг боиси нима?» – деб сўраганларида, у: «замон яхши, шу фаровон замонда мунгли куйлагим келмайди», – деб жавоб берган.

Демак, Абдулла шоирнинг шиори битта – фаровон ҳаётни тўлиб тошиб куйлаш.

Абдулла шоир Ражаб баҳшидан жуда кўп достонларни айтишни, куйлашни ўрганди. «Гўрўғли», «Хондалли», «Хушкелди», «Равшанхон», «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Эрали ва Шерали», «Гулихирамон», «Ҳасанхон», «Рустамхон» сингари достонлар Абдулла шоир репертуарини безаган. Албатта, бу достонлар жуда кўп шоирларнинг репертуарларидан ўрин олган.

Бадиҳагуйлар ўртасидаги устод–шогирдлик анъанаси шундан иборатки, устоздан ўрганилган достон айнан айтилмайди (Хоразм достончилиги бундан истисно). Шогирд устози репертуарини ижодий равишда ўзлаштирмоғи шарт. Абдулла шоир ҳам Ражаб шоирнинг репертуарини ижодий ўзлаштириб, бойитда. Бу достонлардаги айрим бобларни ўз ижодий поэзияси ва дунёкараши нуктаи назаридан кайта ишлади. Масалан, Абдулла шоир ижодий позицияси нуктаи назаридан Гўрўғли туркумидаги достонларда Булунғур достончилик мактабидан фаркли ўларок, асосий кахрамон Гўрўғли орка планга ўтиб, Авазхон ва унинг шажараси биринчи ўринга чикади. Абдулла шоирнинг фикрича, Гўрўғли – сеҳр-жоду эгаси. Аваз эса кучига, уддабурронлигига ишонган кахрамон. Бинобарин, сеҳр-жоду эмас, балки инсон иродаси, кучи, жасорати, акл-идроки кахрамонликнинг белгиларидир.

Абдулла шоир ана шундай изланувчан, фикрловчи, ўз ижодий услубиига эга бўлган бахши эди. Аммо у янги замон куйчиси сифатида доврут козонган ижодкордир. У даврнинг ижтимоий-сиёсий вокеаларини тез илғаб оладиган, уларга ўз муносабатини фаол равишда билдирадиган шоир бўлган. Унинг репертуарида «Шакаллар", деб аталувчи термалар бор. Бу термалар 1916 йили ва умуман, чоризм даврида рўй берган ижтимоий ходисаларни ўзида акс эттиради.

Кечаси топганин кундузи жойлар
Товукларнинг ётган жойини пойлар,
Дастидан ҳеч кутулмай неча ойлар,
Бу шакаллар юртни хароб айлади.

Тунда чўғдек ёндиради кўзини,
Ҳар кандай молга хам ташлар ўзини,
Кўзидан хам олди неча юзини,
Бу шакаллар юртни хароб айлади.

Молимиз, жонимизга солди офат,
Оралаган кундан тортамиз кулфат,
Оқсақол – итлар хам бўлганми улфат,
Бу шаколлар ютни хароб айлади.

Олапар итлар жойидан турмайди,
Кўрса хам хеч индамайди, ҳурмайди,
Бу ахволда тирикчилик юрмайди,
Шакал мамлакатни хароб айлади.

Шоир ўзбек халкининг мустамлака шароитида хар томонлама таланиш кашшокланганини аллегорик образ шакллар орқали тасвирлаши. Чор амалдорлари олдида лаганбардорлик килган махаллий бойлар ва руҳонийлар итлар образлари орқали хажв этилади. Термада халк тўрмушни реал тасвирланган.

Абдулла шоир хам Фозил Йўлдошбой каби эпик анъаналар асосида янги давр достонларини ярата олган шоирдир. Улар Фозил ота, Ихлоси шоир достонлари 20-йилларга хос бўлса, Абдулланинг шоирнинг янги достонлари 30-40-йилларнинг вокеаларини ўз ичига олади. Мисол тарикасида унинг «Али ва Жангил» достонини курсатиш мумкин. Бу достонда Жангил деган киз билан Алининг севги муносабатлари мехнат симфониясида кўрсатилади. Худди Гафур Гуломнинг «Гиёхдан мурда» повестида охтганидек, лангаса Алини отанинг мухаббат – Жангилнинг назокати мухосабати мехнатга ундайди ва Али мухаббат туфайли шогор мехнатчига айланади.

Али бир пайтлар:

«Сувга» деса, бели «оғрир»,
«Тобим кочган, жилмайман» дер.
«Аравани билмайман» дер,
«Дала ишин килмайман», дер.
Овкат еса ямламайди,
Унинг қорни дамламайди.
Куни бўйи ковшанса-да,
Канча чорлаб, ялинса хам,

Алининг дўстлари уни чўлга олиб чикиб кетадилар ва оғир мехнатга соладилар. Умрида мехнат нималигини билмаган ялков йигит тинимсиз ишлаётган одамларга хайрон бўлиб карайди. Бу тинимсиз мехнат нима эканлигини тушунмайди ва мехнат завкини суролмайди. Шоир унинг бу ахволини жуда кўнгилли ҳолатларда тасвирлайди:

Қанча зорлаб, ялинса хам,
Кўз ёшин маржон килса хам,
Қўймадилар, колди ётиб,
Ҳорган одамдай донг қотиб,
Шундай қилиб бир кун ўтди,
«Ҳа», деганча беш кун ўтди.
У ён бу ёнга ўгрилиб,
«А» деганча ўн кун ўтди.

«Сув келтир!» деб буюрдилар.
Ортидан қараб турдилар.
«Қоп бўғизла», «Қопни оч» деб,
«Машина босар, нари қоч» деб
«Уни кил» деб, «Буни ол» деб,
Кетин қувиб, «Қулоқ сол! »- деб,
Ётган вақти ётқиздилар,
Турган вақти турғуздилар,
Аққа – баққа юргиздилар.
Баъзан билиб кўргиздилар.
«Кетайин» деб айтолмади.
Шундай қилиб, аста–секин,
Иш килган бўлиб у кун бу кун,
«Тўхта» деса қараб турди.
Қўлдан келганга қўл урди.
Шулар нима қилса у ҳам...
Юрса, бирга босиб қадам,
Қимирласа қир ошгидай,
Алида ҳам бўлди чидам.

Ушбу мисраларнинг ўзиёқ бахшининг поэтик иктидоридан далолат бериб турибди. Абдулла шоир «Али ва Жангил»даги шеърий мисраларда анъаналарни ижодий ўзлаштирган ҳолда, улардаги поэтик ифодани замонавийлаштириб, янги достонга киритган. Демак, шоирнинг ижодий фантазияси ниҳоятда бой эди.

Бир пайтлар, аниқроғи 50- йилларнинг арафалари ва бошларида Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли сингари халқ шоирларининг алоҳида танланган асарлари нашр этилган эди. 70-йилларда эса Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 5 жилдлик асари чоп этилган. Аммо кейинги пайтда негадир бу иш тўхтаб қолди. Абдулла шоирдек забардаст ижодкорнинг танланган асарларига шу пайтгача эга эмасмиз.

Поэзия халқники. Уни халқнинг ўзига қайтармоқ керак. Биргина Абдулла шоир эмас, балки барча шоирларни катта адабиётимизнинг сафларига қўшмоқ, биринчидан, анъанага садоқатимизни билдирган, иккинчидан, шу шоирларнинг ўзбек адабиёти ривожидаги қўшган ҳиссасини муносиб баҳолаган бўламиз.

«Чағониён»,
2010 йил, 18 июнь.

ДОНИШМАНД ВА ХАЛҚ ДОНОЛИГИ

Чори бовани бировлар алдома, деса, бошқа бировлар хазинани босиб ётган кўлвор, дейишади. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам уни кўришни кўпдан бери орзу қилиб юрардим. 70-ларни қоралаган, юзи-кўзларидан нурми, файзми ёғилиб турган ана шу киши билан суҳбатлашиш бахтига ҳам муяссар бўлдим.

Сурхондарё, Қашқадарё воҳалари халқ қўшиқлари, достонларини йиққан, сарғайган варақлар, бахшиларнинг овозларини ёзиб олган магнит плёнкалари шу қариянинг иши. Хонасида деворлар қоғоз китоблардан кад кўтарганми дейсан киши. Жавонларда тарихдан, адабиётдан, фольклордан, фаннинг яна бошқа, аллақайси соҳаларидан гувоҳлик берувчи манбалар.

Чори ака, нега бу хазинани халққа бермайсиз, китоб қилиб чикармайсиз, деб дафъатан сўраб қолдим.

Китоб қилиб чикариш учун кетидан юриш керак, югуриш керак. Менда эса на унисн, на бунисн бор. Кучдан, оёқдан қолганман, дейди у.

Ахир бу хазина-ку, хазинани яратиш осонмас.

– Тўғри, осонмас, иним. Сизларнинг ёшингизда сўзламаган кишимни сўзлатдим, бўзламаган бахшини бўзлатдим. Баъзиларининг оғзига асал солиб, оғзидаги қўшиғини, наклини ёзиб олдим. Томчилар йиғилиб-йиғилиб дарё бўлганидек, улар айтган қўшиқ, ривоятлар кейинчалик менинг қўлимда жилд-жилд қўлёзма бўлиб шаклланди. Мана шу ерда ўнлаб, балки юзлаб халқ шоирларининг 15 минг мисрадан ошиқ қўшиқ, термалари жамланган. Шулар орасида Умир Сафар ўғлининг «Ўғилой-келинойи», «Қорақум», Абдулла шоирнинг «Алпомиш», «Сотимхон», «Авазхон», «Хуш келди»си, Умир, Мардонақул, Қодир шоирларнинг кўплаб достонлари ва термалари ёзиб олинган ҳолда турибди, – дейди Чори ака боши билан жавонларнинг бирига ишора қилиб ва қўлига бир суратни олиб, сўзини давом этади. – Бу суратни «Гулистон» журнали берибди. Абдулла жўшиб-жўшиб айтаяпти, достон-қўшиқ айтаяпти, гапларини қўшиб-қўшиб айтаяпти. Суратнинг пастида шоир айтган термалардан намуналар, ҳаммаси янги, оригинал.

Шоирнинг 100 йиллиги нишонланаётган кунларда менинг ёдимга беихтиёр бир хотира келади. 55-йиллар эди. Мен 40 ёшда эдим. Абдулла бовани улус катта шоир, деб билса ҳам ундан ҳали ҳеч ким ҳеч нарса ёзиб ололмаган. На фольклор вакиллари, на Академия кишилари. Ололмаганлигининг боиси шуки, келган киши қуруқдан-қуруқ, «бова, биз пойтахтдан келдик, сизни ёзиб олгани келдик, қани, билганингизни айтинг», дегани билан кариядан бир нарса олиш кийин.

Халқ орасида шоир-бахши бўлиб танилишининг боиси шулки, маҳаллакуй ўз маъракаларига, тўйларига бу ёшуллини ҳаммадан олдин чақиради, маслаҳат сўрайди, давранинг тўрига ўтказади, кўнглига киради, достон айттиради, устига тўн, сарпо ёпади.

Мен ҳам халқ вакилларининг изидан бориб Абдулла шоирнинг хизматини қилдим, кўнглини топдим, аниқроғи, қулфи-дилини очдим. Бахши ҳохлаганда термаларини, ҳохлаганда достонларини айтди. Унинг мавжуд хазинаси менда. Буни ҳеч ким шу чоққагача сиз каби йўлини қилиб сўраб келмаган. Сўранг – айтаверай.

Мени эса Абдулла шоир ва унинг достонларигина эмас, қавмимизнинг олис ўтмиши, ёзиб қолдирган битиклар-ёдгорликлар, тош ёзувлар, ривоятлар, тарих силсиласи бўлиб қолган халқ достонлари кўлами – бари-бари қизиқтиради. Қаршимда коядай юксалган бир доно мўйсафид олис-олислардан ривоят қиларди...

Оламда нима кўп, кенглик кўп, тоғ кўп. Тоғларда нима кўп дара кўп, тош кўп. Тошларда нима бор ёзув бор, хат бор. Хатларда нима бор – ҳақ бор, амал бор... Ҳа, бу ерлар кўҳна Осиёнинг табаррук тупроғи. Бу сой эса етти иқлимга аввалдан охиргача машҳур бўлган Энасой. Тоғлар орасидан Машриқдан Мағриб томон биллур булоқ сувлар сизиб оқиб ётади. Тошларга битилган битикларни, ҳақ сўзларни ялаб ўтади биллур сувлари. Ҳикмат кўрсанг, тоққа бор, деганларидек, бу тошларнинг ҳар бири бир ҳикмат, бир тарих. Бу ерларга ташриф буюрган кишининг ўтмиши билан бугуни орасида шундай савол-жавоб бўлиши табиий.

– Бу ерлар нимаси биландир кўзимга иссиқ кўринади, бу сувлар нимаси биландир лаззатли, жонбахш туюлади. Бу битиклар нимаси биландир мен учун сирли ва дилтортар кўринади. Уларнинг яшаб ўтган аждодларимга дахли борми ё йўқми, айтиб бер, бобо.

– Олис шажаранг хунларга бориб тақалишидан хабардормисан, ўғлон. Улар минг йиллаб Осиё тупроғида от суришди. Уларнинг кейинги авлодлари ҳам 22 та катта тамғали уруғ бўлган эди. Тўққизи шунда қолди. Кичик уруғ аталди. Улар бошида Қултегин Билкалар турган. Сенинг назарингга тушган бу битиклар ўша бобокалонларинг қабридан синиб тушган тош битиклардир.

– Ўқиб бер, бобо, улар кимлар, нималар ҳақида, аҳволи не кечган.

– Эшит, тошларнинг нидосини, ўғлон!

«Тўққиз Ўғуз юртнинг беклари, халқ бу гапимни тинглаб, тушунинглар, эсларингда қаттиқ сақлаб қолинглар. Кун чиқиш ёқнинг берироғида /ўнгда/, ботишда /кун ботишда/, нарида /сўлда/, шу ўртанинг ичидаги юртлар бариси менинг беклигимнинг намунаси. Шунча кўп халқ... /халқи шунча кўп/»!

«Ҳаммасига маъмурчилик яратдим. Бу яхши феъл-атворли кишилар турк хони Утукеснинг ҳосилдор тўқайида яйраб турсалар ҳам кўрмайдилар. Олдинлари Шанғун майдонида ҳаредай югурдим, денгизга етишимга оз қолди, вақтида, нафасда тўққиз аршингача йўрдим. Тибетга (Жупутга) озроқ етмадим. Сирдарё (Инчуғуз) қуйоғини томонида эди».

– Эшитаяпсанми, ўғлон, тошлар нидосини, эшитяпсанми?

– Эшитяпман, бобо, сўзлаб бер яна.

"Кечиб, темир дарвозагача. Темир қапиққача от сурдим. Тундуқдаги Эрбойир еригача бордим. От қуйгунча шунча кўп ерга келдим. Утукан тўқайида элга эга йўқ эди. Шундай бўлса Утукан тўқайи юрт бошини қовуштиришга лойиқ жой. Утукан тўқайида туриб, Хитой юрти билан иттифоқландим!... »

«Хитойлар олтин, кумушларини ҳеч аямасдан бердилар. Тиллари ҳам ширин, муомалалари ҳам юмшоқ эди. Бу билан хитойлар олис элни ўзларига яқинлаштирди, ўзларига мойил этиб, таъсир кила бошладилар. Яъни айнитиш, бузуқилик ўргатишга киришдилар...»

– Ростдан шундайми, тошлар рост сўзни сўзлайдиларми, бобо?

– «Аммо у хитойлар яхши, эс-ҳушли кишиларни, яхши ботирларни йўлдан тойдира олмадилар, баъзи бирларини ўзига тортса ҳам кўпчиликнинг, юрт-халойиқни хитойларнинг юмшоқ сўзлари, қимматбаҳо тортиқлари мойил қилолмади, эритолмади.

Айримлари уларнинг сўз билан оздиришларига, тортиқларига алданиб, Турк еримдан кетмоқчи бўлиб юртимни қолдириб уларнинг Чугай тўқайи, Туп яйловига ўтиб кўнмоқчи бўлдилар».

- Бобокалонларимнинг саргузашти баҳоят мароқли экан, яна, яна сўзлаб бер, бобо.

«Олисда юрсанг дунёнинг ёмони тегади, яқин қўшнингга яхши дунё берилади, деб ган таркатдилар. Ақл-фаросатсиз кишилар бундай гапларга илиниб, кўплари ўлди...»

«Алданиб, ўзганинг ерига борганлар, ўз турк еринги /юртингни/ хароб қиласан! Ўсган элингда ўлтириб карвон жўнатсанг чикими йўқ, ўзжалик бўласан, ўсган тўқайинг тепалик, баландлик ердасан, юртинг хайрли бўлади. Турк элим тўқ яшайсан, сен айтиб ҳоримасанг тўқчиликнинг қадрини билмайсанми, дейман. Сен тўйсанг чиқишингнинг, ҳориб-чарчамасанг кучингнинг қадрига етмайсан. Калта ўйловларингдан шундай мўмин, баъзан салга ишонувчан, кўнувчисан».

(*ИЗОҲ*: Қўштирноқдаги бу ва бундан кейинги жумлалар қадимий туркий, Урхун-Енисей /РУНИ/ ёзувидан. Қаранг: «Алатао» ж. 1968 йил, 12 сон).

– Бу битиклар, манови битикларчи, бобо? Манави тошларнинг қаърида нима гаплар бор?

– Эшит: «Ўз қондошларинг сўзини англамай, каёкларга дайдиб, ўзларингни чарчатаяпсанлар, /кўпларинг қирилиб кетдинглар/. Тирикларинг озиб-тўзиб, ўлик-тирикнинг орасида қолдинглар. Тангрим ёклаб бахт кўниб, хонлик тахтига ўлтирдим. Хонликка ўлтиргандан сўнг».

«Ҳориб-чарчаб йўқ бўлиб бораётган халқни йиғиб, мулксиз элни мулкли, оз юртни /элни/ кўп қилдим Айтган бу сўзимнинг талати /ёлғони/ борми, о, турк беклари! Турк эли буни эшитинг! Мен бу тошга турк юрти ҳақида қандай ёздирганимни, қандай қилиб сизларни /турк/ ирқларинг бўзилганини тошга тамғаладим. Мен ҳаммасини бу тошга битдирдим».

«Айтмоқчи бўлган сўзимнинг тошга ўймалатдим. Уни кўриб турк юртингнинг эли, беклари билсинлар, менинг кўл остимдаги бош эккан беклар, гоҳида янглишмасинлар. Мен тепадаги тошга ёздириш учун Хитой /Табгач/ хонидан тошга ўйиб ёзувчи тониб келтирдим. Менинг сўзимнинг хатоси йўқ... Бу битик 731/732 йили Култегинга акаси Билка Моғил Ян Коон (илқоон Могилян) томонидан қўйдирилган».

– Халқ буларни кичик ёзув битиклар атаган, ўғлон, хали сен Энасой бўйлаб йўлни тағин давом эттирарсан. Соҳилдаги бошка ёзувларга назаринг тушар, улар катта ёзув аталади. Уларни ўзинг ўкиб ўрганурсан...

- Йигирма икки катта тамғали улуғ уруғимиздан хабар берганинг яхши бўлди, бобо. Шундан тўккиз ўғуз уруғимизнинг тақдирини тош битиклардан оз бўлса-да, англадим. Қолган ўн уч ўғуз уруғининг қисмати нима бўлган? Улар ҳақида ҳам сўзлаб бер, бобо?

– Улар ўн учта эди. Ўн уч тамғали ўғуз уруғи эди. Катта уруғ эди. Улар Машриқдан Мағрибга кетдилар. Ҳунгария сархадларигача бориб етдилар. Бу ёғини китоби «Дада Қуркут»дан эшиттайсан...

Бахши дўмбирасини чертиб, қўшиқ айтади. Қанча вакт, канча замон ўтганини билмай, жўшиб айтади. Билганларини бир-бирига қўшиб, мактаб айтади:

Аввал сен бу ердан қувилгач, чўллар
билан Шарққа кетасан, ҳей кетажаксан ҳали.
Унда дуч келажаксан кўчманчи скифларга,
Уларнинг маконидир кенгини ерлар, тоғ, дара...
Анча ўтгандан сўнгра у тоғларнинг Султони,
Кафказга етишарсан, ям-яшилдир ҳар ёни...
Сувлари қизил каби Плутон нахри ёнида
Тоққа кўзли Аримаспларнинг сонсиз ўрдалари
Доим от беклида-сафарда бўлади улар,
Якин келма уларга!...

Лашкарбоши Саъд Ваққос бир урушдан зафарли қайтаётиб ана шу ўғузларни кўриб қолади:

Саъд Ваққос етиб, зафари тунар,
Йўлда бир тоғ бағрига қўнар.
Саъди у тоққа томошага чиқар,
Ва бир улуғ шаҳарга тўғри боқар.
Унда бор эди ўғузлар беадад,
Бошдан оёғи Обаларки йўқ ҳад.
Юз мингдан кўп эди қора уйлари,
Жаҳон кўҳна саройи забт бари.

Улар фарзандларини ботир ва курашгир қилиб ўстирар эдилар:

- Рўпарамга қарадимму, сени кўрдим,
Ўн олти ёшга тўлдинг ўғуз улим.
Бир кун ўлакетсам, сен қоласан.
Ёй тортмадинг, ўк отмадинг, бош кесмадинг,
қон тўкмадинг.
Бу бўлишда мен ўлсам, тожу тахт сенга тегмас,
Шунча йиғладим, деди Қазан
– Ҳай-бой, бобом!
Туядай бўй бор, тутмача ақл йўқ, гап айтдинг.
Ўғил отадан кўриб ҳунар ўрганадими?
Ёки оталар ўғилдан ўрганадиларму?[1]
Ул ботир йигитларнинг қасамёди бул эрур эди.
– Агар хиёнат қилсам,
«Қиличим билан тўғралай!
Отган ўқим ўзимга қадалсин!
Ердай топталай, тупроқдай соврилай!
Ўтиндай ёнай!
Тирқираб қоним оқсин!
Ганим қўлида жон берай!
Ота ўғли бўлмайин.
Она сути кўр қилсин.
Ўрним-давлатим ўзимга буюрмасин!
Бир бел урган ерим ғурим бўлсин. Халқим, юртим!
Савлат тўкиб турган қорли тоғларинг чўкмасин!
Кўрк солган дарахтзор-ўрмонзорларинг қуримасин, ёнмасин!
Ҳаво қушларинг кирилмасин, парвоздан айирилмасинлар!

[1] Анварийнинг "Дастурномаси"дан. «Азербойжон» журнали. 1985 йил, 11-сон. Боку, 102-бет.

Дашт-чўлларингда яйраган жонзод- жайрокларинг бехатар бўлсин!
Шаркираб оққан дарёларинг қуримасин!
Чопқир-учар бедовларинг мункаймасин!
Ўчоқлардаги ўт, уйлардаги ёниб турган чироқлар ўчмасин!
Экинзор майдонларингнинг саховати камаймасин!
Ворисларинг садоқати йўқолмасин!
Олис-яқиндаги дўст-бирodарларинг билан
борди-келди узилмасин!
Ҳамиша омон бўл, бобо-момолар юртим!...

Юрти қалъасини кўрикланга кетаётган йигит севгани билан роз айтиб хайрлашар эди.

Йигит:

– Севганим:
Қиз, сен менга бир йил қара,
Бир йилда келмасам, икки йил қара!
Икки йилда келмасам, уч йил қара!
Келмасам, менинг ўлганим маълум бўлади,
Айғир отимни сўйиб, ошимни бергин!
Кўзинг, кўнглинг кимни истаса,
Ўшанга тегиб, яша!
Розиман!

Қиз:

– Йигитим, мен сенга бир йил қарайман,
Бир йилда келмасанг, икки йил қарайман.
Икки йилда келмасанг, уч йил қарайман.
Тўрт йилда келмасанг беш йил, олти йил
Олти йўл айрилишида чодир тикаман. қарайман.
Ўтган-кайтгандан хабарингни сўрайман.
Хайрли хабар берганга от-тўн бераман,
Ёмон хабар берганнинг бошини кесаман.
Эркак кўкрагини сийнамга қўндирмайман!
Менга ният тила, ниятимни қабул эт-да,
Ундан кейин хушлашиб кетгин, йигитим.

Алп йигитлар макр-хийлани ёқтирмас эдилар:

Алдаб ёрни тутиш хотин ишидир.
Аёлингдан ўргандингму бу ишни?
Фарзанд хонадон учун бахт,
Фарзандсизлик қисмат эрди...

Хонларнинг хони Байиндир йилда бир марта тўй этиб ўғуз бойларини кўнок киларди. Яна тўй бошлаб отдан айғир, туядан бугра, қўйдан қўчқор сўйдирди. Бир жойда оқ ўтов, бир жойда қизил ўтов, бир жойда қора ўтов қурдирган эди.

Ўғли бўлганни оқ ўтовга, қизи бўлганни қизил ўтовга жойлаштирди. Кимнинг ки ўғил-қизи бўлмаса қора ўтовга киргизарди. Қора тўшакка ўтказдириб, қора қўйнинг яхнасидан олдига тортдиради ва еса-есин, емаса туриб кетсин, деган қабилда иш кўради. Шунда Дирсахон деган ўғуз бошликларидан бири йигитдан чиқиб кетади...

Дирсахон тўйдан иззат-икром кўрмай, бунинг сабаби фарзандсизлик эканини билиб олгандан кейин хотини Галхибонига қарата шундай дейди:

Хон қизи, еримдан турайинми?
Ёкангдан бўғиб тутайинми?
Уйдан ҳайдаб, олдимга солайинми?
Қора пўлод қиличимни олайинми?
Танангдан бошингни кесайинми?
Жон қийноғин сенга билдирайинми?
Қизил қонинг ер юзига тўкайинми?
Хон қизи, сабаби надир, айтгин менга,
Қаттиқ газаб қиларман энди сенга.

Шунда Галхибони эри Дирсахонга дегани

– Ҳей, Дирсахон! Менга газаб қилма! Бўлар-бўлмас аччик сўзлар сўзлама, ўлтирган ерингдан тургил! Ер юзига ола чодирингни тикгил. Отдан айғир, туядан бугра, қўйингдан қўчқор суйдиргил! Ул ўғуздан, тош ўғуздан бойларни йиғгил! Оч кўрсанг, тўйдириб, ялонғоч кўрсанг кийинтиргил! Қарздорни қарзидан қутқаргил! Тепадай гўшт, қулдай қимиз қилган! Улуг тўй бошла! Ҳожат тила! Ажаб эмаски, бир оғзи дуоли кишининг олқиши билан бизга тилаганимизни адо этса.

Достоннинг охири кўринмас эди. Бахши созини кўкрагига тираб олис-олисларга жўниб айтар, пойидан олдоқ-ёлдоқ бўлиб ўтаётган сувлар, ирмоқлар жийрон тойдай ўйноқлаб узокларга югурар, ўт-ўлан исларини олиб келган шабада бахши соколини тараб овозини олис-олисларга олиб кетар эди.

Ўғлон бобога бир лаҳза тикилиб турди-да, ниманидир сўрамокчи бўлди. Йўк, сўрамади. Кенгликлар сари юзланди....

«Шарк юлдузи» ,
1988 йил, 7-сон.

МЕЛИ ҲОЖИ НУРАЛИЕВ

Мели Нуралиев гарчи пенсияда бўлса-да ҳар куни эрталаб, ҳали биринчи дарсга қўнғироқ чалинмай мактабга келади. Гурас-гурас, тўп-тўп бўлиб синфга шошилаётган ўқувчиларни кузатади. Уларнинг юзларида, кўзларида, хатти-ҳаракатларида ажиб бир беғуборлик, поклик барқ уради.

Муаллим уларга тикилиб, хаёлга чўмади: буларнинг қай бири олим, қай бири мухандис, қай бири фазогир ва қай бири ... фирибгар бўлиб чиқаркан? Наҳотки, терлаб-пишиб келаётган ана у бола катта бўлгач, димоғдор мансабдор бўлса?! Ёки анави қизалоқлар, мусичалардай бир-бирига суюқалиб келаётган норасидалар катта бўлиб ёмон йўлга киришса? Йўқ! Бош чайқади муаллим. Бундай басит хаёлларга бориш керак эмас. Ёшларга, ана шу норасидаларга умид билан қараш керак. Эртанги ёруғ кун шуларники, Ер, осмон, давр-даврон шуларники.

Муаллим аслида нима? Касбми, ҳунарми, санъатми?

Униси ҳам, буниси ҳам эмас. У шавқат, меҳр, оқибат, умид, ишонч, эътиқод омихта бўлган, шу тушунчаларни яхлит мағиз қилиб ўзида мужассамлаштирган олий бир иқтидор.

Мели Нуралиев сабоқлари: ... Гадойдан то шоҳгача меҳрга муҳтож. Агар одамларда ўзингизга мойиллик ўйғотмоқчи бўлсангиз, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва истакларини қадрлашингиз керак. Ўз қадрини ўтказишга ёхуд ўзини қадрли қилиб кўрсатишга интилиш одамзотга хос одатдир. Ҳатто, буюк инсонлар ҳам бундай қусурлардан холи бўлмаганлар. Тажрибадан маълумки, агар биров ҳузурингизга мушт тугиб келса, уни жаҳлдан тушириш учун бақириб-чақиришнинг ҳожати йўқ, аксинча, муомилани ширин қилсангиз, ўзингизнинг ҳам, рақибингизнинг ҳам асаби бўзилмайди. Халқимизда бир доно гап бор: бир тоғора саркитдан кўра, бир томчи асалга кўпроқ пашша қўнади.

Бу дунёда сиздан хайрли ишлар-у яхши ном қолади. Қўшниларингиз сизни яхши дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз, улар сизни ёмон дейишса, демак, сиз ёмон одамдирсиз.

Одамлар кўнглини оғритмайлик. Олим ва фозилларни қадрлайлик. Мурувватли, сахий одамлардан намуна олайлик. Бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Ўзингизга керак бўлмаган гапларга аралашманг.

Бировни ёмонлашдан наф йўқ. Сабабки, бу иш одамни ўзини ҳимоя қилишга ундайди, инсоннинг иззат-нафсига рахна солади ва дилига озор етказади.

Буюк одамларнинг буюклиги уларнинг оддий кишилар билан муносабатларида намоён бўлади. Одамларнинг айбини юзига солиб, иззат - нафсига теккандан кўра, ўша арзимас қусурдан халос бўлиш йўлларини кўрсатинг.

Бахт – бойликда, десангиз хато қиласиз. Чунки ақлли одамга кўп нарса керак эмас, ахмоқ эса барибир тўймайди.

Ҳақиқатни жазолаб бўлмайди.

Инсон бу дунёга яхши иш қилиш, яхши ном қолиши учун келади.

Мен учратган ҳар бир одам қай бир жиҳати билан мендан устунга ўхшайди, демак ундан ўрганишим лозим.

Кўнглингни поклаш учун инсон ўзидаги сон-саноқсиз иллатлардан қутулмоғи лозим. Бунинг учун одам ўзи билан ўзи олишмоғи, ўз-ўзига аёвсиз танқидий назар билан қараб, ўзига қатъий таъна-дашномлар бермоғи даркор.

Ишларнинг аслн – олимлар, шоирлар суҳбатидир.

Шу пайтгача мен одамзот жонли мавжудод бўлганлиги сабабли мехнат қилиши, оиласини хор қилмай боқиши, кучи етганича инсонларга хизмат қилиб, ҳожат чиқариши лозим, деб ўйлардим, ҳозир эса одам боласи учун қаноат ва озодликдан яхшироқ нарса йўқ, деб ўйлаб қолдим.

Бахт-иқбол очиқ кўнгил одамга ярашади. Агар у камтар бўлса, нур устига нур.

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан устунроқ мерос қолдиролмайди.

Яхшиликни касб этган одамлар ёлғиз эмас, у билан бир хилда фикрлайдиган одамлар топилади. Номусли одамни алдашдан осон иш йўқ, тоза ариқдан тиниқ сув оқади.

***

Мели Нуралиевнинг эшиги яхши одамлар учун ҳамиша очиқ: мудом гавжум бу хонадонда зиёлилар тўпланиб, узоқ-узоқ суҳбат қуришади. Юқоридаги фикрлар ўша суҳбатлар натижасидир.

Мели ака Деновнинг энг сўлим гўшаларидан бири – Вахшиворда туғилган. Ота-онадан эрта етим қолиб, болалар уйида вояга етди, қидирди, изланди, Бухорода олий таҳсил олди. Олий маълумотли бўлиб, мактабда муаллимлик қилди. 30 йилга яқин мактаб директори бўлди. 4 қиз, 2 ўғилнинг севимли отаси.

1977 йилда Тошкентга келиб институтга ўқишга кирган ва қурилишмонтаж бошқармасида оддий монтёр бўлиб ишлаётган Рустам Нуралиев

отаси Мели акадан эшитган юқоридаги каби ҳикматомуз гапларни ҳеч вақт хаёлдан чиқармади. Яхшиликни касб этган оилада ўсиб-улғайган ёш йигит талабалик ва ишчилик йилларида ҳам яхши одамларни излади, уларни топди. Тиришқоқлиги, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан ўқиганлиги, ишлаганлиги туфайли, у 1978 йилда ўзи ишлаётган қурилиш-монтаж бошқармасида бош муҳандис лавозимига кўтарилди. 1980 йилда шу бошқармага бошлиқ этиб тайинланди.

Рустам Нуралиев бошлиқ бошқарма ишчи-хизматчилари 1980–1985 йиллар орасида республикамизнинг турли вилоятларида қурилиш ишларини олиб бордилар. Улар Сурхондарёдаги Тўполанг сув омбори қурилишида қатнашдилар, 1987–1988 йилларда Сариосиё темир-бетон заводи қурилишини бошлаб ниҳоясига етказдилар.

Олиб борилаётган ишлар кўлами, сифати, меҳнат жамоасидаги ҳамжиҳатлик Рустам Нуралиевдаги раҳбарлик салоҳиятини кун сайин оширди.

Камтарлик билан қатъийлик, ишга виждонан ёндашиш, буюртмачилар билан тил топиш, белгиланган ҳажмдаги ишни айтилган муддатларда бажариш, ишнинг сифати ва шу каби раҳбар учун обрў-шуҳрат берадиган қатор хислатлар Рустам Нуралиев хаётининг мазмунини ташкил этади.

Р.Нуралиев ташкилоти республика вилоятларида кенг кўламда иш олиб бораётган бўлса-да, бирон жойда бажараётган ишларидан мактаниб ё ғурурланиб гапирганини эшитганим йўқ. Камтарга камол, деб шуни айтсалар керак.

Ҳалол меҳнат ҳамма вақт инсонни камолот сари етаклайди. Рустам Нуралиев 1989 йилдан бошлаб энергетика тизимида юқори кучланишдаги электр тармоқлари қурилиши бошқармаси бошлиғи, 1992 йилдан эса Марказий Осиё махсус қурилиш корпорацияси бош раҳбари лавозимига кўтарилди.

Бу корхона Бухоро вилоятида греклар билан ҳамкорлик қоракўл терига ишлов бериш қўшма корхонани, Бухоро иссиқлик манбаи станцияси қурилишларини жадал суратларда олиб борди.

Корпорация Тошкент аэропорти қурилишида югославиялик, немис, французлар билан ҳамкорлик қилди. Шунингдек, Рустам Нуралиев бошчилигидаги қурувчилар Шеробод насос станцияси, энг катта иссиқлик станциялари – Сирдарё, Янги Ангрен, Тахиатош, Навоий ГРЕСларида фидокорлик билан меҳнат қилдилар.

Улар Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида ҳам кўплаб сув иншоотларини барпо этишда фаол иштирок этдилар. Сурхон озиқ-овқат корхонасида совун ишлаб чиқарадиган бинони қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Рустам Нуралиевнинг салоҳияти, иш тажрибаси ва раҳбарлик маҳорати ҳисобга олиниб, Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. У бу лавозимида 2000–2003 йилларда ишлади.

Айни пайтда Тошкентда, республика энергетика тизимида фаолият кўрсатмоқда.

ДОВРУГ

Мустақиллик асл тадбиркорнинг, қишлоқ мулкдорининг юрар йўлларини ёруғ қилди. Имконият эшикларини кенг очиб берди. Бугун янгилик яратаман, ишлайман, Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қиламан, деганнинг довруғи элларда достон бўлмоқда. Деновлик тадбиркор Усмонали Абдиваетов ҳам ана шундай довруқли инсонларнинг бири.

Яқинда Термиз шаҳрида «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида Усмонали Абдиваетов раҳбарлик қилаётган «Само Юлдузи Денов» савдо ишлаб чиқариш корхонаси «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голиб бўлди. Денов туманидаги Сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида жойлашган бу корхона нафақат туманда, балки Сурхон воҳасида ҳам танилган ташкилотлардан биридир.

– Бугунги тадбиркор ишнинг кўзини биладиган, янгиликларга ўч, бошқалардан кўра кўпроқ ишлайдиган бўлса, у ўз мақсадига етади, – дейди Усмонали Абдиваетов. - Корхона эгасига тушмаса, давлат ҳам, жамоа ҳам алданиб қолади. Ишлаб чиқаришнинг тилини билган, ишлаб чиқариш билан ганлана оладиган раҳбарнинг омади келаверади. Тўғрисини айтганда, корхона 5–6 йил самарасиз ишлади. Ишда унум бўлмади. Ходимлар, ишчилар ўртасида қўнимсизлик бўлди. 2006 йилдан корхонада ишни тўғри йўлга қўйдик. Мана олти йил бўлди, самарали ишлаяпмиз, корхонада ишлаб чиқариш бутунлай ўзгарди. Ўтган йил 4 миллион ўрнига, 6 миллион дона ғишт ишлаб чиқардик. Бу йил 10 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришга эришамиз.

Корхона фаолияти кенгайтирилиб эшик-ром, темир дарвоза ясаш, пахта титиш цехи, оҳак, алебастр каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ғишт ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида, янги ғишт заводини қуриш учун Миллий банкдан кредит олиб, ускуналарни Хитойдан келтириш тўғрисида шартнома туздик.

Жамоамизда ишлаётган 87 нафар ишчиларнинг фидокорона меҳнати, изланиш ва ташаббуслари туфайли 2011 йилда 800 миллион сўм даромад қилдик. Бунинг бир қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратсак, талайини одамларимизнинг моддий манфатдорлигини оширишга

сарфламоқдамиз. Ишчиларимизнинг бир ойлик ўртача маоши 300-400 минг сўмни ташкил этмоқда.

Тангри ўз бандасига ҳамма нарсани бериши мумкин. Аммо, омадни, инсофни, иймонни ўзи суйган бандасига беради. Деновда Усмонали Абдиваетов раҳбарлик қилаётган «Само юлдузи Денов» корхонаси жамоаси аъзолари билан суҳбат қилсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Ишлайман, яратаман, яшнатаман, саховатпешалик қиламан, дея ният қилган ҳар бир одамнинг омадини Яратганнинг ўзи беради.

САДОҚАТ

Замонавий фермер бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, ҳам механизатор, ҳам иқтисодчи бўлиши лозим. Ана шундай фермерлар иқтисодиёти талабларига мос, яъни мулкка эгалик қилиш, тадбиркорлик ва ташаббускорлик, эркин рақобат ва моддий манфаатдорлик тамойиллари асосида ишлаб, катта ютуқларга эришаяптилар.

– Ўтган йилни ажойиб меҳнат ютуқлари билан якунладик, – дейди «Карроматуллахон» фермер хўжалиги раҳбари Қудрат Шарипов. – Йил биз учун ҳам баракали келди. Сўнгги йилларда биринчи марта ва жуда қисқа фурсатда – октябрнинг биринчи ярмида пахта сотиш шартномавий режасини бажардик. 193,2 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хом ашёсини сотдик.

Бу фермер хўжалиги республикамизда ғалла мустақиллиги учун олиб борилаётган энг долзарб ҳаракатга «мен пахтакорман-ку», деб четда қараб ўтирмади. У ўтган йили 42 гектар ерга уруғ сепиб, ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олганида, таниқли ғаллакор дўстлари «моҳир дончи»лигимизни ҳам олиб кўясизми, дея ҳазиллашишди. Ғалладан олинган ҳосилнинг катта қисми деҳқонларнинг ўзида қолди. Шу тариқа дўкондан ун киdириб юришга, ун сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Барча фермер хўжаликларида ишлётганларнинг аёллари уйларида ўз унларидан тандир нон ёпадилар. Машҳур фермердан «Муваффақиятларингизнинг энг асосий омили нимада?» деб сўраганимизда, у: «Жамоамиз аъзоларининг аҳиллиги, ўта меҳнатсеварлиги ва туман раҳбарларининг қўллаб-қувватлашида»! – деб, қисқача жавоб берди:

Қудрат Шарипов фаол жамоатчи сифатида ҳам ажралиб туради. У энг аввало, одамларнинг бошини қовуштиради, жамоада муҳитни янада яхшилашга ҳаракат қилади. Қудрат аканинг хонадони ҳам ибратли оила. Уй бекаси Қудрат акага доимо парвона. Уйли-жойли бўлиб, ўзидан тинчиб, бахтли, бола-чақали бўлиб кетган фарзандлари кунора келишиб туришади.

– Она, дадам режани ҳаммадан олдин бажарган бўлсалар ҳам, ишдан барибир кеч қайтадилар, ҳеч бўлмаса икки-уч кун рапорт берганини билдириб, гердайиб юриб, болаларининг ҳузурига барвақтроқ келиб турсалар бўлмайдими? – деб сўрайди қизларидан бири.

– Гапларинг-ку, тўғри, қизим, лекин иложи қанча, фермерлик, далада одамлар ишлаяпти, уларни ташлаб кетиш инсофданмас-да.

Дарҳақиқат, тинимсиз меҳнат инсонни ютуқларга элтади. «Карроматуллахон» фермер хўжалиги муваффақиятларининг сири ҳам шунда.

Унинг раҳбари Қудрат Шарипов 25 йиллик қишлоқ хўжалиги ходими стажига эга.

У бошчилик қилаётган фермер хўжалигининг умумий ер майдони 100,8 гектар, шундан 96,4 гектари суғориладиган экин ер.

Туман статистика, қишлоқ ва сув хўжалиги томонидан берилган маълумотномаларга кўра, фермер хўжалиги 2009 йилда 117,3 тонна ғалла етиштириб, шартомани 114,0 фоизга, 2010 йилда 104,8 тонна (106,1 фоиз), 2011 йилда 140 тонна ғалла етиштириб, шартнома режасини 100,1 фоизга бажарган.

Хўжалик 2009 йилда 93,8 тонна пахта хом ашёси етиштириб, шартнома режасини 110,7 фоизга, 2010 йилда режани 101,9 фоизга, 2011 йилда 106,6 фоизга адо этган.

Фермер хўжалиги доимий равишда маҳалла тадбирларига фаол иштирок этади. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб келмоқда. 2011 йилда қишлоқ фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш учун 100000 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Болалар спортини ривожлантиришга 100 минг сўм маблағ ажратди.

Ишлаб чарчамайдиган, янгиликка ўч, Денов деҳқончилик мактабининг вакили Қудрат Шариповнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида қилаётган ишлари барчага намуна.

«Деновнинг олтин фермерлари»,
Тошкент, 2010 йил.

ДЕНОВЛИК ЖАНГЧИГА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ СОВҒАСИ

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида тантанали йиғилиш бўлди. Ушбу йиғилишга махсус авиарейс билан келган Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Сергей Лукашевич Белоруссия немис-фашистларидан озод қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан таъсис этилган юбилей медали ва озод белорус халқидан эсдалик сифатида тилла соатни деновлик Бекин Байдуллаевга топширди.

Белоруссия озод этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича тузилган комиссия ҳозир яшаб келаётган белорус халқи халоскорларини дунёдаги барча мамлакатлардан қидирди. Ана шундай кишилар Ўзбекистонда санокли қолган экан. Сурхондарё вилоятида эса Бекин Байдуллаевдан бошқа бирон жангчи топилмади.

Бу тадбирдан сал олдинроқ Бекин бобо шахсан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко имзо қўйган мактубни олган эди. Уруш пайтидаги аскар мактублари шаклидаги уч бурчакли конвертда юборилган хатда шундай самимий сўзлар бор:

«Ҳурматли Бекин Байдуллаев!

Бизнинг мамлакатимиз немис-фашист босқинчилардан озод этилганлигининг 60 йиллиги билан Сизни табриклайман! Бундан 60 йил илгари армиянинг партизанлар бирлашмалари билан ҳамкорликда амалга оширган кучли ҳужуми натижасида республикамиз гитлерчи босқинчилардан озод этилди. Сиз сингари ватанимиз озодлиги йулида жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган турли миллат вакиллари олдида бош эгамиз. Ўз жонингизни ўлим хавфига қўйиб бўлса-да, элимизга тинчлик ва бахт инъом этганингиз учун белорус халқи Сиздан бекиёс миннатдордир.

Сизга мустаҳкам соғлик, байрамона кайфият тилайман.

Ҳурмат билан Александр Лукашенко,

Беларусь Республикаси Президенти».

Вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилишда С.Лукашевич Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Б.Байдуллаевга Беларусь Олий Кенгаши номидан юбилей медали ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

Тадбир қатнашчилари ва журналистлар билан бўлган суҳбатда Бекин бобо уруш азоблари ҳақида гапириб берди.

– Уруш давомида мен кўп марта қайта туғилганман, десам ёлғон бўлмайди, – дея ҳикоя қилади Б.Байдуллаев. – Жами тўққиз марта каттик яраландим. Минск остоналарида бўлган жангларнинг бирида пулемёт ўқи елкамдан кириб, кўкрак қафасимдан чиқиб кетди. Бир неча соат ҳушсиз ётганимдан кейин санитарлар топиб олиб, госпиталга етказишибди. Ҳушимга келсам, докторлар ним қоронғу хонада операция қилишаётган экан. Бир ҳамшира қўлида чироқни кўтариб, ёритиб турибди. 1943 йили Смо-ленск областининг Элни шаҳрини озод қилиш чоғида ҳам оёғимдан каттик яраландим.

Бекин бобонинг уйида уруш хотираларини эслатувчи анчагина нарсалар бор экан. У киши ҳамширалар олиб юрадиган бир чарм сумкани кўрсатди. Анчагина уриниб қолган. Бунга ўхшаш сумкаларни ёшлик давримизда фақат уруш киноларида кўрардик.

– Мен станокли пулемётчи эдим, – ҳикоясини давом эттирди Б.Байдуллаев. – немислар аввал пулемётчини йўқотишга ҳаракат қилишади. Чунки, пиёда аскарлар душман якинига бориб, автоматдан ўт очгунча пулемёт билан 600–700 метр узокдан туриб ҳар кандай жонли зотни йўқ қилиш имкони бор. Қақшатқич жангларнинг бирида менинг пулемётим ўрнашган жойга немислар бостириб келди. Уларнинг кўпини отиб ташладим. Аммо бир офицер ёнимга келиб қолган эди. У билан ҳақиқий кураш тушишга тўғри келди. Пичоқ билан уни тинчитдим. Рақибимдан эсдалик сифатида унинг елкасига осилган сумкасини олиб қўйдим. Бу сумка яна икки йил мен билан лой ва сувларни кечиб, Берлингача борди. Ҳозир эса сизнинг қўлингизда турибди.

Тўқсон ёшни каршилаётган бобо 18–20 ёшлигидаги воқеаларни худди кечагидай эслайди. Урушдан кейин Бекин бобо кўп йил халқ таълими тизимида меҳнат қилди. Мактаб директори, туман халқ таълими бўлимида турли лавозимларда ишлади, «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» унвонига сазовор бўлди.

ДЕНОВДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТИББИЁТ

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, тиббиёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсди. Собиқ Иттифоқ ҳукумати даврида Республикада ижтимоий соҳага, шунингдек, соғликни сақлашга етарли миқдорда маблағ ажратилмаганлиги натижасида тиббий хизмати коникарли аҳволда эмас эди. Иттифокда иқтисодий инкироз ва соғликни сақлаш масалаларига эътиборнинг пасайиши давлат бюджетида соғликни сақлаш улушининг камайишига, унинг моддий-техник базасини янгилаш, янги дорилар ва даволаш усулларини ўзлаштириш жараёнларининг сусайишига олиб келди. Кўпгина касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар ва дорихоналар махсус қурилмаган, эски бинолларда жойлашиб, уларда канализация ва иссиқ сув деярли йўқ эди. Бу ҳолат, айникса, қишлоқ тиббиёт масканларига хос эди. Республикамизда соғликни сақлашга ажратилган маблағнинг камлиги касалхона ва поликлиникаларни замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш даражасига салбий таъсир кўрсатарди.

Сурхондарё воҳасида экологик аҳволнинг ниҳоят даражада ёмонлашганлиги кузатилди. Чунки, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳри ҳудудида 1975 йилда ишга туширилган Алюминий заводидан чикаётган заҳарли кимёвий моддалар аҳолининг соғлиқ ва саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатганлиги аникланди. Бироқ, собиқ Иттифок даврида Алюминий заводнинг заҳарли кимёвий моддалар таркатаётганлиги, Сурхондарё вилояти шимолий туманларида ушбу заҳардан кўплаб касалликлар пайдо бўаётгани, айникса, болаларнинг ногирон туғилаётганлиги хусусида кўплаб аризалар ва шикоятлар тушишига карамасдан, ушбу салбий ҳолатнинг олдини олиш масаласида бирон-бир жиддий чора кўрилмаганди.

Тиббиёт соҳасида юқорида қайд этилган ҳамда бошка нуқсон ва камчиликларга барҳам бериш мақсадида вилоят ҳокимининг «Вилоят соғликни сақлаш ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда тиббий ёрдам сифатини яхшилаш тўғрисида»ги 1993 йил 27 февраль карори билан қатор долзарб вазифалар белгиланди. Унга асосан, аҳолининг соғлиғини сақлаш борасида миқдор ортидан қувиш эмас, балки тиббий хизматнинг пировард натижасига караб ҳаракат қилиш; амбулатория-поликлиника муассасаларининг моддий-техникавий заминини мустаҳкамлаб, уларнинг нуфузини ошириш; аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларга чалинишнинг олдини олиш мақсадида диспансеризация сифатини ҳар тарафлама яхшилаш; аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун тегишли чораларни кўриш; энг муҳими, соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар белгиланди.

Уларни амалга ошириш натижасида туман соғликни сақлаш тизими ривожланиб, катта моддий-техника имкониятларига эга бўлди. 1991 йилда, статистик ҳисобот бўйича, тумандаги касалхоналарда 1595 ўрин бўлган. Олий маълумотли шифокорлар сони 516 (10000 кишига 20 врач), ўрта тиббиёт ходимлари сони 1375 тани (10000 кишига 27 ўрта маълумотли тиббий ходим) ташкил килган.

Туман тиббиёт таркибида бутун «Ғалаба» қишлоқ касалхонаси (50 ўринли), Ш.Худойназаров номли (50 ўринли), Н.Тўраев номидаги (50 ўринли), «Ўзбекистон» (50 ўринли), Сина (100 ўринли), Боботоғ (50 ўринли), «Наврўз» (50 ўринли) қишлоқ касалхоналари, туман марказий поликлиникаси, туман стоматология поликлиникаси, туман хотин-қизлар маслаҳаттоҳи, туман силга карши курашиш диспансери, туман санитария маорифи уйи, туман санитария эпидемиология станцияси, туман тез ёрдам станцияси, туман хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси, 13 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 14 та дорихона, 72 та фельдшер-доялик марказлари фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг кўпи мустақиллик йилларида қурилди, кайта жиҳозланди, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди, натижада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш турлари кўпайди, сифати яхшиланди.

Мустақиллик йилларида Денов соғликни сақлаш соҳаси ўринлар, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг сони жиҳатидан вилоятда энг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақдаш вазирлигининг 1992 йил 30 сентябрдаги 521-рақамли «Республикада бемор ўринларини босқичма-босқич қисқартириш ҳақида»ги буйруғига асосан касалхоналарда бемор ўринлари бирмунча қисқарди. Шу мақсадда тумандаги ҳар бир бўлим ва касалхоналарда, қишлоқ амбулаториялари, врачлик масканлари, фельдшер-доялик марказларида 410 тача жой колдирилиб, кундузи даволаш учун шароит кенгайтирилди.

Шу билан бирга, баъзи бир тиббий хизматларни пуллик асосда кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди: тиш даволаш, физиотерапия, игна санчиб даволаш, лаборатория таҳлилининг баъзи турлари шулар жумласидандир.

Денов шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг 30 та тури мавжуд бўлиб, 3 та поликлиника, 300 ўринли беморларни қабул қилувчи касалхона бор. Даволанишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланила бошланди.

1992 йилдан бошлаб тиббиёт соҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида вилоят ва туманимиздаги кўпгина касалхоналар бинолари капитал таъмирланди. Аҳолига тиббиёт хизматини кўрсатишни яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Япония, Финляндия, Франция, АҚШ ҳамда Германиядан келтирилган асбоб-ускуналар (масалан, ГФРнинг «Сименс» фирмасининг икки дона «Сераскоп СХ» моделли рентгенодиагностик аппарати), биокимёвий анализаторлар ва бошқа замонавий аппаратуралар шифокорларнинг янада самарали ишлашлари учун кулай имкониятлар туғдирди. Туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш учун сунъий буйрак, гемодиализ, сувни фильтрлайдиган ва одам организми учун мос суюқлик етказиб берадиган фильтрлаш аппаратлари, бир неча ўнлаб автоклавлар, кардиомонитор ва стоматология мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилди. Бу ишларни амалга оширишда Денов тиббиёт билим юртининг хиссаси катта бўлди. Ўз навбатида Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари малака ошириш ва услубий ишлари билан ёрдам берди. 1992 йил вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 13 минг 283 тани ташкил этди. Туманда бу ҳолат қуйидагича бўлди: Денов туманида 530 нафар, Денов шаҳрида эса, 421 та тиббиёт ходими ишлади.

Туман соғликни сақлаш тизимини янада ривожлантириш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 605 беморга мўлжалланган касалхона қуриб фойдаланишга топширилди. 100 ўринли касалхона қайта жиҳозланиб, унинг атрофида 200 минг дона турли хил гул ва мева кўчатлари экилди. Денов шаҳрида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари юқори даражада олиб борилди. Туман кўз касалликлари касалхонаси ходимлари, айниқса, ибратли ишларни бажариб, 5000 туп гул ва турли хил дарахт кўчатлари ўтқаздилар.

Тиббиёт соҳаларини хусусийлаштириш, бозор иқтисодиёти даврида, номига ишлаб юрган «шифокор»лардан халос бўлиб, уларни ўрнига малакали, ҳақиқий ишбилармон тиббиёт ходимларини ишга жалб этиш имконини берди. 1995 йилда туман аҳолисига 361 врач (ҳар 10000 кишига 20 та) ва 1571 (ҳар 10000 кишига 88 та) ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилди.

Эндиликда, туманда аҳолини диспансер кўригидан ўтказиш, амбулатория, поликлиника жаррохлигини ривожлантиришга, махсус ихтисослашган амбулатория даволаш хизмати (СҚАЛ), оналар ва болаларга, қишлоқ аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш мақсадида уйда ётқизиб даволаш, амбулаторияда кундузи ётқизиб даволаш, касалхонада кундузи ётқизиб даволаш каби янги даволаш усуллари қўлланилмоқда. Касалхоналарда беморлар учун санитария талаблари меъёрига келтирилди.

Дорихоналар 1995 йилда хусусийлаштирилди ёки акционерлик жамияти тузилиб, давлат тасарруфидан чиқарилди, уларнинг тармоғи кенгайди.

Туман стоматология поликлиникаси ҳам шу асосда ишлай бошлади.

2012 йилдан туман аҳолисига қуйидаги даволаш-муҳофазалаш масканлари хизмат қилмоқда: туман марказий касалхонаси (380 ўринли); туман болалар касалхонаси (90 ўринли), туман юқумли касалликлар касалхонаси (50 ўринли), Ҳазорбоғ касалхонаси (70 ўринли), туман туғурукхонаси (80 ўринли); тери-таносил касалликлари диспансери (40 ўринли), Сина кишлоқ касалхонаси(60 ўринли), «Ғалаба» (20 ўринли), Холчаён (20 ўринли), Ислом Тўраев номидаги (20 ўринли), «Ўзбекистон» (20 ўринли), «Наврўз» (20 ўринли), Боботоғ (10 ўринли) қишлоқ касалхоналари, 14 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 11 та қишлоқ врачлик масканлари, 69 та фельдшер-доялик марказлари, 14 та дорихона (шундан 12 таси акционерлик жамиятлари ва 2 таси хусусий), силга қарши кураш диспансери, туман саломатлик маркази, туман санитария-эпидемиология станцияси, туман «тез ёрдам» станцияси, хўжалик хисобидаги дезинфекция станцияси, туман марказий поликлиникаси, туман хотин-қизлар маслаҳаттохи, туман болалар поликлиникаси, туман мактаб ёшидаги ўсмирлар поликлиникаси.

Даволаш масканлари, уларнинг яратилиш, ривожланиш тарихи, уларнинг раҳбарлари, жонкуяр шифокорлари борасида баъзи жойлари такрор бўлсада, махсус тўхталмоқчимиз.

Мустақиллик йилларида тиббий хизмат соҳасида олиб борилган тадқиқотлар илмий таҳлилга эътибор бериб, қуйидаги фикрлар изоҳланди. Туман инфратузилмасининг яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий билимга эга тиббиёт ходимлари хизматини ташкил этиш, касалхоналарни ҳозирги замон талаблар даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Даволаш масканлари замонавийлаштирилиб, шифохоналардаги ўринлар сони тумандаги 4 та касалхонада 350 ўринли бўлди ва туман аҳолисига юқори савиядаги тиббий хизмат кўрсатила бошланди.

2012 йилга келиб, туманда 900 ўринли шифохоналар, 5 та поликлиника, 14 та врачлик амбулаториялари, 69 та фельдшер-доялик маркази, 14 та дорихона, 2 та диспансер, ОПД, СЭС фаолият кўрсатмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланмоқда, туман марказий касалхонасида тор мутахассисликлар бўйича беморларни даволаш вилоят туманлари орасида олдинги ўринга чиқди.

Болалар жаррохлиги, эндокрин касалликлар, жигар ва буйрак касалликларида жаррохлик даволаш усуллари кенг кўлланилган. Аҳоли орасида умумдиспансер назорати, болалар ва беморларга патронаж хизмати яхшиланди, оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича катор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда туманда 390 та врач, шулардан 2 та хизмат кўрсатган врач, 3 та тиббиёт фанлари номзоди, 9 та олий тоифали, 36 та 1-тоифали, 38 та 2-тоифали ва 22 та клиник ординатурани тугатган врачлар, 1630 та ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилмоқдалар.

Туман марказий касалхонасида олиб борилаётган соғликни сақлашдаги ислоҳотлар ўз самарасини бериб, биринчи навбатда, беморларни даволаш, ташхис қўйиш ва профилактик ишлар сифат жиҳатдан яхшиланди. Беморларнинг соғайиб чикиш муддатлари қискарди, бунинг асосий сабаблари беморларни даволашда янги дори-дармонлар, тиббий асбоблар қўлланилиши ҳамда тиббиёт ходимлари малакаларининг ошганлиги, уларнинг иш шароитлари яхшиланиб, моддий манфаатдорлиги оширилганлигидир. Мустакиллик йилларида туман марказий касалхонасида жаррохлик бўйича йирик операциялар, жароҳатларни даволашда янги методлар қўлланилиб, кишлок врачлик марказлари текшириш аппаратлари билан жиҳозланди, натижада даволаш, профилактика ишлари тубдан яхшиланди. Аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш, аникланган касалларни соғломлаштириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича комплекс тадбирлар ўтка-зилди. Олиб борилаётган ишлар натижасида туманда болалар ўлими, айник-са, умумий ўлим камайиб, юкумли касалликлар кайд қилиниши нисбатан озайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги, №182-сонли карори туман соғликни сақлаш тизими фаолиятида муҳим ахамиятга эга бўлди. Уни бажара бориб, яхши натижаларга эришилди. 2012 йилнинг ўзида 4 та янги типдаги қишлоқ даволаш маркази курилди.

Бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт тизимида чукур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Тиббий хизмат кўрсатиш асосини давлат таъминотидаги муассасалар ташкил этди. Шу билан бир қаторда, пулли тиббиёт ёки суғурта тиббиёти имкониятлари кенгайтирилди. Мустакиллик йилларида аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича, соғликни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидаи бир катор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги ҳукумат қарорлари бажарилиб, тиббиёт масканларининг сони ва салмоғи ўсиб борди. Денов шаҳрида жами ўринлар сони 400 та бўлиб, ҳар 10 минг кишига ўртача 65,9 ўринлар тўғри келган.

Илмий тадқиқотлар таҳлилига асосланиб, соғликни сақлаш, замонавий даволаш масканларини куриш, кайта таъмирлаш, даволаш ўрипларини

янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинди. Айникса, 2012 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналари чет элдан олиб келиниб, тиббиёт соҳасининг янги усуллари билан хизмат кўрсатиш яхшиланди. 2012 йилда Денов шаҳрида 4 та касалхона аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қилмоқда.

Тожикистон алюминий корхонасининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги (Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида (бу худудларда 600 мингдан ортик аҳоли истикомат килади.) экологик мухит бузилиб, инсон саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. 2011 йилнинг 6 ойи давомида (январь—июнь) 32232 та туғиш ёшидаги хотин-кизлардан 22050 нафари, яъни 67,5 фоизида турли хил экстрогенитал касалликлар аникланди. Уларнинг асосий кисмини камконлик – 27,1 фоиз, буйрак ва эндокрин тизимида –5,3, овкат ҳазм қилиш органлари касалликлари –4,3 ва бошка касалликлар билан оғриганлар 5,3 фоизни ташкил килди. Бу муаммони ҳал қилиш нафакат соғликни сақлаш органларининг иши.

Мустакиллик йилларида вилоятимиз ва туманимизда давлатнинг «Соғлом авлод учун» сиёсати негизида ҳомиладор аёлларга тегишли шарт-шароитлар яратилиб, аёллар ўртасидаги турли хил касалликларнинг олдини олишга ва даволашга жиддий эътибор берилди.

Денов туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида, янги тиббиёт муассасалари очилди, мавжуд тиббиёт муассасалари қайта таъмирланиб, жиҳозланди, тиббиёт хизмати сифати ошди. Туманда тиббиётни замонавий асосда олиб бориш учун етук малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди, тиббиёт ходимлари малакаси оширилиб, даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Натижада, туманда соғликни сақлаш муассасаларининг сони ва ўринлар кўпайиб, ўртача аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бормоқда. Туманда шифохоналар сони 1992 йилда 13 та, 1995 йилда 14 та, 2012 йилда 18 тани ташкил этган бўлса, шифохоналардаги ўринлар сони 1992 йилда 1598 тани, 1995 йилда 900 тани, 2000 йилда 800 ўринни ташкил этди. Ўртача ҳар 10000 кишига тўғри келадиган шифохоналардаги ўринлар сони 1992 йилда 101,8 тани, 1995 йили 51,2 тани, 2000 йилда 30,2 тани ташкил этди.

Туманда тиббиёт муассасаларида ходимлар сонининг ўсиши, тиббиёт хизмати янги турларининг пайдо бўлиши мутахассисларнинг малакаси ва замонавий билим даражаси билан бевосита боғлик бўлди. Тиббиёт муассасаларидаги ҳакимлар сони 1992 йилда 365 тани, 2000 йилда 688 тани ташкил этган бўлса, ҳар 10000 минг кишига ҳакимлар билан таъминлаш 1992 йилда 23,3 тани, 2000 йилда 25,9 тани ташкил этди. Тиббиёт хизмати со-

хасида ишлаётган ўрта тиббиёт ходимларининг сони туманда йилдан-йилга ошиб бориб, 1992 йилда 1464 та, 1995 йилда 1695 та, 2000 йилда 2358 та, 2003 йилда 2451 нафарга етди.

Мустақиллик йилларида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш янада яхшиланиб, тиббиёт масканларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, малакали мутахассислар билан таъминлаш жиддий яхшиланди. 2004 йил туманда 19 та тиббиёт масканлари бўлиб, жумладан, 1 та марказий касалхона, 3 та қишлоқ худудий касалхонаси, 7 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 20 та қишлоқ врачлик маркази, 43 та фельдшер-доялик марказлари мавжуд бўлиб, туманнинг 287 666 нафар аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Туманда ҳар 10 минг кишига врачлар билан таъминланиш 22,6, ўрта тиббий ходимларнинг таъминланиши эса 87,6 фоизни ташкил этди. Денов туман аҳолисига 2004 йилда 51 нафар врач, шуларнинг 4 нафари тиббиёт фанлари номзоди хизмат қилиб, 2489 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолининг соғлик-саломатлиги учун хизмат қилди. 2008 йил туман аҳолисига 985 ўринли 12 та шифохона, 44 та амбулатория, 44 та амбулатория-поликлиника ёрдам кўрсатувчи муассасалар, шулардан 32 та қишлоқ врачлик марказлари, 2 та диспансер, 5 та поликлиника фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида 1 йилда 33–35 минг аҳоли ётиб даволанмоқда. Амбулатория-поликлиника муассасаларига 1 йилга ҳар бир аҳолининг қатнови 7,0–7,1 ни ташкил этди. Ушбу тиббиёт муассасаларида 619 та врач, 2460 та ўрта тиббиёт ходими ва бошқа ходимлар меҳнат қилади. Ҳар йили 50–55 та врач, 250–300 та ўрта тиббиёт ходими ўз мутахассислиги бўйича малака оширади. Врачлардан 37 таси олий, 254 та биринчи ва 23 таси иккинчи тоифали, ўрта тиббиёт ходимларидан 738 та олий, 911 та биринчи, 325 таси иккинчи тоифали ходимлар 2008 йилдан 7 нафар тиббиёт фанлари номзоди аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Юнус Ўроков раҳбарлигидаги шифокорлар туманда аҳолини мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш, касалликларнинг олдини олиш, соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, беморларни даволаш бўйича самарали ишларни олиб бориб, эл ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

«Денов».
Тошкент, 2009 йил.

ДЕНОВ МАРКАЗИЙ КАСАЛХОНАСИ

Марказий касалхона Денов туман ва шаҳар аҳолисига малакали, махсус тиббий хизмат киладиган, туман ва шаҳар тиббиёт шахобчаларига амалий методик ёрдам, республикадаги тиббиёт олийгоҳларида, вилоят тиббиёт билим юртларида таълим олаётган талабаларни амалий ишга ўргатувчи, врачлар малакасини оширувчи (интернатура) бир маскан, вилоят даволаш муассасаларининг тажриба алмашиш мактаби ҳам ҳисобланади.

Денов тумани марказий касалхонаси 1927 йил сентябрь ойида меҳмонхона учун курилган. 5–8 хонадан иборат мослаштирилган бинода касалхона ташкил этилган. Унда беморлар учун 25 ўрин бўлган.

1928–1932 йилларда Денов касалхонасида бош врач ва хирург бўлиб ишлаган, кейинчалик Самарканд тиббиёт олийгоҳининг профессори Георгий Николаевич Александров 1931 йилда жарроҳлик, туғурук (хозирги шаҳар сил касалликлари касалхонаси) бўлимларини ташкил этди. 1932 йилда касалхона қошида 15 ўринли юқумли касалликлар, терапия, тери-таносил касалликлари бўлимлари ташкил этилиб, 1937 йилда туман касалхонаси 75 ўринга эга бўлди, уларда 7 та врач, 4 та доя, 16 ҳамшира ва бошқа ходимлар ишлади.

1930–йилларда туманимиздаги «Галаба» жамоа хўжалиги марказида (хозирги педагогика билим юрти), Москва жамоа хўжалиги марказида (ҳозирги 19-сонли Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги мактаб) ва С.Отабоев номидаги жамоа хўжалигида мактаб-интернатлар курилди. Соғликни сақлаш тизими моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида 1965 йилда шу мактаб-интернат биноси касалхонага берилди.

1972 йил июнида 500 ўринли Денов туман марказий касалхонаси шаҳар марказининг четида янги қурилган бинога кўчиб ўтди. Ушбу бино курилишида Бобораҳмат Юсупов ва Нина Фёдоровна Кудиноваларнинг хизматлари катта бўлди. 1960–йилларда жарроҳлик хизмати учун бор-йўғи 50 ўринли бўлим фаолият кўрсатган бўлса, янги бинога ўтилгач, 180 ўринли жарроҳлик соҳасидаги бўлим ташкиллаштирилиб, шундан 60 ўринли катталар жарроҳлик бўлими, шу бўлим қошида қулоқ, бурун-томоқ касаллари учун жойлар ажратилди, 60 ўринли шикастланганларни даволаш бўлими (шу бўлим қошида юз-жағ касалликлари, стоматология), 60 ўринли болалар жарроҳлиги бўлими (урология билан бирга) ташкил этилди.

1960–йилларда туман бўйича 50 ўринли туғурук бўлими (шу жумладан, 10 ўринли гинекология) хотин-қизларга хизмат қилган бўлса, янги бинога ўтил-гач, 90 ўринли, тегишли тиббий асбобларга эга бўлган, замонавий

талабга жавоб берувчи туғурук бўлими ва 45 ўринли гинекология бўлими ташкил этилди.

Ўша йилларда туман марказий касалхонасида 45 ўринли терапия бўлими ишлаган бўлса, янги бинога кўчиб ўтилгандан кейин юрак-қон томир касалликлари, ошқозон-ичак касалликлари, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари, нафас йўллари касалликларини даволаш учун махсус палаталарга эга бўлган терапия бўлими 100 ўринга кенгайтирилди. Олдинги 59 ўринга эга бўлган болалар бўлими янги касалхонага кўчиб ўтгач, касалликлар бўйича даволаш учун махсус хонага эга бўлган, янги тугилган болалар касаллигини даволовчи бўлимни ўз ичига олган 75 ўринли болалар бўлимига айланди.

1960–йилларда жаррохлик бўлимида битта операция қилувчи хона бўлиб, унда операция қилинувчи беморга умумий оғриқсизлантириш учун наркоз никобли тўр (масочний наркоз) тутилиб, беморга оғриқсизлантирувчи дори томизиб, беҳуш ҳолатга келтирилиб жаррохлик ишлари бажарилар эди. Бундай пайтда юбориладиган дорининг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмас, жаррохлик хонасида иштирок этувчи шифокорлар ҳам бемор қатори наркотик моддадан нафас олишга мажбур эдилар. Янги бинога кўчиб ўтгач, 4 та хонага эга жаррохлик бўлими, оғриқсизлантириш ва жонлантириш бўлимлари ташкил этилди. Бунинг натижасида, бир вақтнинг ўзида 3–4 беморни жаррохлик усули билан даволаш имконияти пайдо бўлган бўлса, уларни оғриқсизлантириш учун эса аввалги никоб усулидан (маска) воз кечилиб, замонавий усул – интубацион наркоз бериш йўли билан (беморнинг нафас йўлига махсус трубкалар қўйилиб, дорини керакли миқдорда бошқариш имкониятига эга бўлган замонавий асбоблар ёрдамида) жаррохлик қилишга ўтилди.

Эски касалхонада физиотерапия усули билан даволаш бор-йўғи 2 та хонада олиб борилган бўлса, энди 7–10 хонадан иборат физиотерапия бўлими ташкил этилди, асбобларнинг турига караб даволаш хоналари ажратилиб, беморлар учун катта қулайликлар яратилди. Олдинги вақтда касалхонада лаборатория хизмати 2 хонадан иборат бўлса, эндиликда у 8–10 та хонада жойлашиб, клиник, биокимёвий бўлимлар ташкил қилинди. Олдин касалхонада бир хонадан иборат рентген кабинети бўлган бўлса, янги бинога кўчиб ўтилгач, рентген бўлими ташкил этилиб, унга кўпгина янги замонавий тиббий асбоблар келтирилиб, замонавий текшириш усуллари (томография, электрография), рентгенология бўлими ташкил этилди. Туманда замонавий оғриқсизлантириш (интубацион наркоз) усулини, болалар жаррохлик ишини, урология хизматини ривожлантиришда ўша даврнинг (1972–1980 йиллар) ишчан, билимдон, ташаббускор шифокор Гелимдор Мансуровнинг катта хизмати

1981 йили терапия бўлими қошида 40 ўринли кардиология бўлими вужудга келди. Бўлимда кардиология-реанимация хонаси ташкил қилиниб, у

замонавий тиббий асбоб – кардиомонитор билан таъминланди. Натижада, оғир юрак касалликлари (масалан, миокарда инфаркти) билан тушган беморлар шу хонага жойлаштирилиб, тезликда касалини аниқлаш билан бир қаторда, зарур ҳолларда шошилинч ёрдам бериш ва суткалаб касалнинг юраги ҳола-тини кузатиб бориш имконияти пайдо бўлди.

1985 йилда вилоятда иккинчи бўлиб (вилоят онкология диспансеридан кейин) туман марказий касалхонаси қошида эндоскопия – ички органларни кўриш хонаси ташкил этилди.

1991–1994 йилларда туман бош шифокори, республикада хизмат кўрсатган врач Фарида Ғозиева ва реанимация бўлими бошлиғи Ҳасан Ҳакимовнинг ташаббуси ва тинимсиз меҳнати туфайли туман марказий касалхонаси қошида 2 каватли реанимация бўлими ишга туширилди. 1994 йили бўлим замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Унинг ўрнида 1995 йилда амбулатория-жаррохлик бўлими, туғурукхонада хотинларни даволайдиган махсус бўлим иши йўлга қўйилди.

Шу тарика касалхонанинг янги бинога кўчиб ўтиши, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиши, янги-янги бўлимларнинг ташкил этилиши туман аҳолиси учун жуда катта қулайлик яратиш билан бирга, туман соғлиқни сақлашни вилоятгагина эмас, айни вақтда баъзи жиҳатлардан республикага танитди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари, 1964 йилдан бошлаб туман марказий касалхонаси бош шифокорлари қуйидагилар бўлдилар: Афанасий Павлович Лабастов (1925 йилда Юрчи амбулаториясининг бошлиғи), В.Н.Черябкин (1926 йили Юрчи амбулаториясининг бошлиғи), Е.К.Бушгакова (1926–1927 йилларда Юрчи амбулаториясининг бошлиғи), Георгий Николаевич Александров (1928–1932 йилларда Денов тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи), М.А.Шаховсев (1932–1934 йиллар), Шарофат Исмоилова (1935–1936 йиллар), Степан Митрофанович Салмин (1937–1941 йиллар), Григорий Митрофанович Сагуляк (1941 йил), М.А.Кузьмина (1942 йил), Таисия Ивановна Филимонова (1943 йил), Умеда Мўминова (1943–1944 йиллар), Борис Павлович Генс (1944–1945 йиллар), Любовь Фёдоровна Кудинова (1946–1947 йиллар), Иван Иванович Корниенко (1948–1950 йиллар), Абу Гасанович Қуллиев (1950–1955 йиллар), Меҳри Йўлдошева (1955–1961 йиллар), Нина Фёдоровна Кудинова (1961–1976 йиллар), Равшан Шарипович Мирзаев (1970–1984 йиллар), Рустам Меликулович Бўриев (1984 й), Раҳмон Омонович Муҳаммадиев (1984–1986 йиллар), Фарида Эшоновна Ғозиева (1986 йилдан 2003 йилгача) туман соғлиқни сақлаш тизимига раҳбарлик қилдилар. Юнус Ўроков 2003 йилдан ҳозиргача ишлаб келмоқда.

2012 йил.

ДЕНОВ МАОРИФИГА БИР НАЗАР

1924 йилда вилоятда бешта янги хилдаги мактабларга 400 та ўқувчи тортилган ва уларга 67 нафар ўқитувчи дарс берган.

Деновда биринчи мактаб 1925-йилда Юрчи қўрғонида ташкил этилган бўлиб, мактабнинг илк ташкилотчилари Иброҳим Юсуфий ва Норбўта Назаровлар бўлишган.

Биринчи мактабда жами 9 нафар ўқитувчи: Бозор Жалолов, Бобоназар Саидов, Болта Саитов, Раҳмат Пардаев, Ортик Мирзаев, Абдулла Самадов, М.Галиуллин ва бошқалар 26 нафар болага таълим беришган.

Ўша вақтларда меҳнат умумтаълим мактабларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилган. Бироқ, ўзбек тилида дарсликлар, миллий педагогик ходимларнинг етишмаслиги каби катта қийинчиликлар ҳам бўлган.

Маҳаллий миллатларга мансуб ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида 1926 йилда Термиз шаҳрида педагогика билим юрти, 1927 йилда қисқа ва узоқ муддатли педагогик курслар ташкил этилган. Натижада, 1926–1927 ўқув йилида Анбарсой, Юрчи, Хайробод қишлоқ кенгашлари ҳудудларида мактаблар ташкил этилади. 1927 йилда саводсизликни тугатиш курсларида 100 дан ортиқ катта ёшдаги кишиларнинг саводи чиқарилди. 1929 йилдан Анбарсой, Денов, собиқ Куйбишев қишлоқ кенгашларида 4 та янги мактаб биноси қурилди.

Денов туманида маориф ишини йўлга қўйишда Н.Назаров, Ж.Ортиқов, М.Галлиуллина, А.Назаров, Х.Самадов, С.Қулматов, Н.Мамадиёров, Д.Хусанов, Ш.Улуғов, У.Алимов ва бошқаларнинг хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ.

1926–1927 ўқув йилида Юрчидаги мактабнинг хонаси 4 та бўлиб, ўқувчилар сони 27 нафарга етди. Ўқувчиларга Нуриев ва Исломовлар дарс берганлар. 1928 йилга келиб мактабда Файзулин, Тилаков, Самадов, Холматов, Минулина каби ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия берган. 1926 йилда ҳозирги 75-мактаб, 1927 йилда Ўшор қишлоғида 62-мактаб, 1928 йилда «Лўпон» қишлоғида 14-мактаб, «Хайробод» қишлоғида 24-мактаб, 1929 йилда «Ҳазарбоғ» қишлоғида 27-мактаб, Денов шаҳрида М.В.Ломоносов номли 1-(ҳозирги 74-)мактаб, Сина қишлоғида 60-мактаб, «Ҳазарбоғ» қишлоғида 25-мактаб, «Ғалаба» жамоа хўжалигида 23-мактаб, «Куёвсув» қишлоғида 59-мактаб, Анбарсой қишлоғида 10-мактаблар ташкил этилган.

Туманга Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятларидан кўплаб аҳолининг кўчиб келиши натижасида мактаблар сони йилдан-йилга ўсиб бориб,

1930 йилда «Боботоғ» қишлоғида 12-мактаб, «Янгиобод» қишлоғида 33-мактаблар иш бошлаган.

1931–1950 йилларда Денов туманида жами 28 та, 1951–1960 йилларда 8 та, 1961–1970 йилларда 11 та, 1971–1980-йилларда 6 та мактаб ташкил топган.

Тумандаги энг биринчи мактабгача таълим муассасаси 1933 йилда ташкил этилган бўлиб, 4 нафар тарбиячи ва 40 нафар тарбияланувчилари бўлган.

Мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларига раҳбарлик қилувчи туман халқ таълими бўлими 1929 йилда ташкил этилиб, унга дастлаб Жума Ортиқов раҳбарлик қилган.

Ўзбекистонда фан, маданият, халқ маорифи анча ривожланди. Мамлакатда 1930 йили умумий мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. 1940 йилдан бошлаб умумий 7 йиллик таълимга ўтилди. 1959 йили мажбурий саккиз йиллик таълимни амалга ошириш ва ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ҳамда умумий ўрта таълимни амалга ошириш, ривожлантириш тўғрисида ҳукумат қарори эълон қилинди. Бу қарорда халқ маорифи ходимлари олдига умумий ўрта таълимни амалга ошириш, мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш, политехника таълимини жорий қилиш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини яхшилаш вазифалари қўйилди. Ўқувчи ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш вазифалари алоҳида уқтирилди.

Ушбу қарорни бажарилиш доирасида 1961–1966-йилларда шаҳарда 920 ва 964 ўринли 2 та мактаб, 300 ўринли мусиқа мактаби, спорт заллари, кутубхона қурилган бўлса, 1971–1975-йилларда 2352 ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб, 2 каватли кашшофлар уйи қуриб битказилди.

Денов шаҳрида 1959–1960-йилларда 4 та мактабда 2586 нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 1980–1981-йилларда 6 та мактабда 6647 нафар ўқувчи билим олган. 1964 йил шаҳарда кашшофлар уйи ташкил топган даврда унда 15 та тўгарак иш олиб борган бўлса, 1996 йилга келиб 30 та тўгарак фаолият олиб борди.

Агар 1940 йил шаҳарда 2 та олий маълумотли ўқитувчи ишлаган бўлса, 1960 йилларда 42 та, 1979–1980-йилларда 194 та шундай тонфали педагог ўқувчиларга таълим-тарбия беришган.

1955 йилда шаҳардаги 6 та кутубхонада 9230 нусха китоб бўлса, 1980 йили кутубхоналар сони 21 тага, умумий китоб фонди 40 минг нусхага етди.

Денов туманида халқ маорифи қандай ривожлантирилганини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Ўқув йили	Мактаб сони	Ўқитувчилар сони	Ўқувчилар сони
1927 йил	2 та	4 нафар	46 нафар
1957 йил	48 та	811 нафар	8600 нафар
1977 йил	73 та	1935 нафар	33787 нафар
1981–1987 йиллар	74 та	2200 нафар	37557 нафар
1991–1992 йиллар	74 та	2981 нафар	39325 нафар
2003–2004 йиллар	91 та	4860 нафар	70168 нафар
2005–2006 йиллар	91 та	5126 нафар	74341 нафар
2007 йил	91 та	4930 нафар	67320 нафар
2008 йил	91 та	4805 нафар	66680 нафар
2009 йил	92 та	4647 нафар	59987 нафар
2010 йил	92 та	4604 нафар	56596нафар
2011 йил	92 та	4406 нафар	56565 нафар
2012 йилдан ҳозиргача	98та	4616 нафар	56560 нафар

Халқ маорифи билан бир қаторда, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари тармоғи кенгайди. 1943 йилда тарбияланувчилар сони 80 нафарга, 1980 йилда 140 нафарга етди. Шаҳарда мактаб, болалар боғчалари, мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишда 1962–1989 йилларда халқ таълими бўлимига 27 йил давомида мудирлик қилган А.Н. Плотниковнинг ҳиссаси катта бўлган.

1933–1940-йилларда Денов тумани халқ таълими бўлими мудири лавозимида тошкентлик Н.Назаров, 1950–1955-йилларда Д.Ҳусанов, 1955–1957-йилларда Х.Қамчив, 1958–1959-йилларда Ш.Темиров, 1960 йилларда Ж.Донаев, 1960–1962-йилларда Н.Давлатов, 1962 йилда Денов ва Сариосиё бирлашганлиги муносабати билан халқ таълими бўлимлари ҳам қўшилиб унга Н.Шаймардонов мудирлик қилган. 1964–1969-йилларда Т.Эшпўлатов, 1970–1975-йилларда А.Турсоатов, 1975–1987-йилларда К.Қодиров, 1987–1998-йилларда А.Жалилов, 1998–2005-йилларда М.Сапиев ишлаган. 2005 йилнинг июнь ойидан Х.Сувонов мудирлик қилиб келмоқда.

Туман маорифини турли йилларда бошқарган Тоғай Эшпўлатов, Асад Турсоатов, Карим Қодиров, Аҳмад Жалилов, Мамаюсуф Сапиев, Ҳайдар Сувоновлар халқ таълими бўлимини фақат вилоятдагина эмас, балки республика миқёсида ҳам танитдилар.

Айникса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Карим Қодировнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Унинг раҳбарлиги даврида

туман халқ таълими бўлими 3 марта мамлакат миқёсидаги мусобақалар ғолиби бўлган эди. Сурхонларда иккита замонавий туман халқ таълими бўлими биноси бўлса, биттаси Денов да қурилди.

Вилоят ва туман халқ таълимини ривожлантиришда Сирожиддин Хасанов, Хурсан Мирзаев, Адилбек Ализов, Бури Фармонов, Эргаш Нуғайлиев, Омонжон Йўлдошев, Музаффар Усмонов, Назиржон Турдиев, Нормурод Тўрамуродов, Ўрол Бердиев, Абдурахим Ибрагимов, Султонали Имомалиевларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, олимпиада, спартакиада, кўрик-танловлар ва бошқа тадбирларнинг қизиқарли ўтишида уларнинг хизматлари катта.

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ўтиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларини етук кадрлар билан таъминлашда мактаб директорларининг роли катта. Тумандаги 24- ҳамма ўрта таълим мактабида узоқ йиллар давомида директорлик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлган, қишлоқ фан докторларини ва номзодларига йўлланма берган Сафар Қуйматовнинг обрўси баланд. Кўп йиллар мактаб директори лавозимида ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар Аҳмад Эргашев, Мухтарама Сафарова, Михаил Машков, Ҳайдаркул Тўраев, Ҳуррам Ғулубов, Раҳим Шарипов, Минғбой Қурбонов, Жонбўта Дўрмонов, Тошмурод Эргашаров, Эргаш Раҳимов, Бойқул Маллаев, Норбадал Бобомуродов, Тўра Раҳимов, Ғулуб Эргашев, Эсон Жумаев, Жума Тоғаев, Карим Худойқуловлар ҳам эл ҳурматига сазовор бўлганлар.

Мактаб директори лавозимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган халқ таълими аълочилари Омон Ҳоликов, Бекин Байдуллаев, Эркин Қобилов, Бўрон Аҳмедов, Нетам Саидов, Илёс Шарипов, Ҳуррам Ғулубов, Алим Қораев, Тўхта Искандарова, Улуғи Ғулубова, Абдувохид Нарзиев, Акром Худойқулов, Мўмин Назаров, Муса Маматов, Чори Ғулубов, Жўракул Донаевларни ҳам леновликлар яхши танишади ва ҳурмат қилади.

Мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари марказида турган шахс ўқитувчидир. Ўқитувчининг меҳнати ва меҳри билан болажонлар ҳарф ўрганадилар, билимлар асосини эгаллайдилар. Ватанга муҳаббат туйғусини қалбларига жо этадилар, узоқ ва яқин мамлакатларга саёҳат қиладилар, дўстлик, ўртоқлик, садоқат, жасурлик, кўркоқлик, адолат ва адолатсизлик тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўладилар. Ана шундай меҳнаткаш, фидойи инсонлар Деновда жуда кўп. Чунончи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлган Латофат Арслонова, Ҳадича Холбадалова, Кўзибой Бегматов, Ҳисора Аллаева, Мухтарама Сафарова, «Халқ ўқитувчилари» Раҳима Зикирова, Муҳаббат Нуралиева, Ўзбекистон халқ таълими аълочилари Ҳанимқул Самадов,

Хабарнисо Шердонаева, Рахима Низиржонова, Ҳайрииниса Сафарова, Қорабой Тошмуродов, Сулаймон Элбеков, Усмон Назаров, Нарзи Сатторов, Исомиддин Шеровлар давлат мукофотлари соҳиблари В.А Игнатенко, Йигитали Мамасолиевлар деновлик маорифчиларнинг фахри саналади. Шунингдек, кўрик-танловлар, олимпиада ва бошка талбирларда ўкувчилари вилоят ва республика микёсида фахрли ўринларни эгаллаган кўплаб ўкитувчи ва мураббийларни мисол келтириш мумкин.

Халк таълимини мактабдан ташкари таълим муассасаларисиз, уларда хормай-толмай мехнат килаётган кўп сонли ходимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мана уларнинг айримлари: халк таълими тизимида узок йиллар давомида рахбарлик лавозимларида ишлаган, ёш техниклар марказига рахбарлик килган Жўра Расулов, «Биокосан» ўкувчилар маркази директори Қорабой Ашадов, шунингдек, Маматкул Тошматов, Сидикжон Назаров, Абдулазиз Назаров, Эргашали Обиджонов, Дўстмамат Эшкобилов ва бошкалар.

ДЕНОВЛИК ТАНИКЛИ ОЛИМЛАР

Денов кўплаб олимларнинг хам ватани. Бу кўхна заминда туғилиб, вояга етиб, илм-фан йўлидан борган ва танлаган соҳаларида муайян ютукларни кўлга киритган олимлар жуда кўп. Уларнинг айримлари ўз тадкикотлари-ю кашфиётлари билан жаҳонга танилганлар. Бу алохида макола ва рисолалар учун катта мавзу. Шунинг учун биз уларнинг айрим, кенг танилганлари ҳакида кискача маълумот бериш билан чекландик.

АКАДЕМИК НАЗАР ТЎРАЕВ

1938 йил 19 майда Денов туманидаги Чукур кишлоғида таваллуд топди. 1955 йилда А.Навоий номидаги 24-мактабни олтин медаль билан тамомлаб, бир муддат шу мактабда математика фанидан дарс берди.1956 йили Самарқанд Давлат университетининг физика-математика факультетига ўкишга кирди. СамДУни аъло баҳоларда битиргач, Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтида машҳур олим, академик У.Орипов рахбарлигида иш бошлади. 1964–1965-йилларда аспирантурада таҳсил олиб, 1968 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

Н.Тўраевнинг илмий изланишлари натижасида қаттиқ жисмларни жуда кичик бурчаклар остида атомларнинг қатори, деб қараб, ана шундай атом қаторларида сочилган ионлар ёки атомларнинг энергетик таксимлаш қонуниятларида монокристалл жисмлар тузилишлари тўғрисида мухим информациялар мавжудлиги аникланди. Бу жаҳон илмий адабиётида «Тўраевнинг атом қатори эффекти» деб аталди. Кейинчалик бир-бири билан узвий боғланиб қолган атомлар қаторларидан ташкил топган ярим каналлар мавжудлиги ва бундай ярим каналларда ионларнинг ҳаракати ҳамда сочилиш назарияси яратилди.

Профессор Н.Тўраевнинг назарий жиҳатдан асосланган барча илмий хулосалари М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Москва физика-техника институти, И.В.Курчатов номидаги Атом энергияси институти, Ленинград Давлат университети, Ленинград Политехника институти, М.Планк номидаги Мюнхен плазма институти, Гронинген университети, Донецк университети каби кўплпб илмий марказлар олимлари тажрибаларида ўз тасдиғини топди.

Унинг илмий тадкикотлари натижалари 200 тадан ортик илмий макола ва 4 та монографияда чоп этилди, Вена, Оксфорд, Бухарест, Мюнхен, Москва, Ленинград, Киев, Минск, Донецк, Харьков, Каунас, Махачкала

каби жаҳонга машҳур илмий марказларда ўтказилган халқаро конференцияларда тингланиб, муҳокама этилди.

Олим 1980 йилда Украина Фанлар академиясининг Физика институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1980–1989-йилларда собиқ Иттифоқда кенг тан олинган ва танилган «Тўраев семинари» фаолият кўрсатди. Бу илмий анжуман ишида нафақат МДҲ мамлакатларидан, балки Польша, Франция, Болгария, Германия, Голландия давлатларидан ҳам олимлар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Н.Тўраев 1988 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди. 1989 йилди ЎзРФА мухбир-аъзоси, 2000 йилда академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. У шунингдек, ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро информатизация академиясининг аъзосидир.

Н.Тўраев илмий изланишларининг доираси кенг, айрим мавзулари амалиёт билан бевосита боғланган. Жумладан, ЎзРФА Электроника институтида ишлаган йиллари «Пахта линтини ажратиш ва тозалаш усуллари», «Пахтани индукцион қуритиш усуллари» устида тадқиқотлар олиб борган эди.

Олим фаолиятининг яна бир сермаҳсул қирраси – илмий-педагогик ишлар, юқори малакали кадрлар тайёрлаш. 1977–1983-йилларда у Тошкент Политехника институтида кафедра мудири бўлиб ишлади. 1983 йилнинг 1 октябрида Термиз давлат педагогика институтининг ректори этиб тайинланди. Унинг 18 йиллик раҳбарлиги даврида ушбу олий ўқув юрти мамлакатимиз жанубидаги йирик илмий-педагогик марказга айланди. Педагогика институти негизида Термиз давлат университети ташкил топди. Унинг таркибида 10 та янги факультет, 30 дан ортиқ янги кафедралар, тўртта илмий-педагогик лаборатория очилиб, ўнлаб янги мутахассисликлар бўйича олий маълумотли кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ортда қолган йиллар давомида Термиз ДУнинг моддий-техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, профессор-ўқитувчиларнинг ишлаши ва талабаларнинг ўқиши учун шароитлар кескин равишда яхшиланди. Шу йиллар давомида тайёрланган 24 фан доктори ва 150 нафар фан номзодлари 48 та кафедра ва 4 та илмий лабораторияларда меҳнат қилмоқдалар.

Профессор Н. Тўраев муносиб ўринбосарларни тарбиялашга ҳам катта эътибор беради. Унинг раҳбарлигида 5 нафар тадқиқотчи фан доктори, 20 га яқин изланувчилар фан номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлдилар. Ҳозирги кунда у ЎзРФА тизимида илмий кадрларни тайёрлаш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқда.

Жаҳон миқёсида танилган йирик олим, моҳир педагог ва ташкилотчи Н.Тўраев давлат ва жамоат ишларининг ҳам фаол иштирокчисидир. У бир неча марта ЎР Олий Кенгаши Қонунчилик палатаси ва Сурхондарё вилоят ҳамда Термиз шаҳар кенгашлари депутати этиб сайланган.

ПРОФЕССОР РАШИД ҚУЛМАТОВ

1946 йил 1 июнда Денов туманидаги «Ғалаба» ж.х. ҳудудида туғилган.

1975 йилда Тошкент Фармацептика институтини тамомлаган.

1978 йили кимё фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертацияни ёқлаган.

1998 йилда Москвада докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1990–1991-йилларда ЎР ФА Сув муаммолари институти экология бўлимининг бошлиғи, 1992 йил сентябрь ойидан – Термиз Давлат университетидаги янги очилган кимё факультети декани.

Олимнинг раҳбарлигида экология. Кимё фанларининг турли соҳалари бўйича 8 нафар фан номзоди тайёрланган. 150 дан ортиқ ишлари Ўзбекистон ва МДҲ давлатлари илмий-назарий журналларида чоп қилинган, 40 га яқин республика ва халқаро илмий анжуман ҳамда кенгашларда маърузалар қилган.

«Орол денгизи дарё сувлари экологияси»га бағишланган монографияси 1994 йили нашр этилган. ЮПЕН-ВОЗ халқаро ташкилоти илтимосига кўра тайёрланган «Ҳамдўстлик давлатлари дарё сувлари экологияси» мавзусидаги китоби 1996 йилда АҚШ да чоп этилди.

2004 йилдан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ЎРФА Сув муаммолари ва Ядро физикаси институтларида докторлик диссертацияси ҳимояси бўйича махсус илмий кенгашлар аъзоси.

ПРОФЕССОР ЭРГАШ ТЎРАЕВ

1953 йилда Денов туманидаги «Ғалаба» ж.х. ҳудудида таваллуд топган. 1969 йили А.Навоий номидаги 24-мактабни аъло баҳоларда битириб, Тошкент Давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирган. Москва ва Ленинград илмий марказларида диплом иши бўйича тадқиқотлар олиб бориб, уни Россия ФАнинг Физика-техника институтида ҳимоя қилди.

1974 йил октябрида Ленинград Физика-техника институти аспирантурасига кирди ва профессор П.П.Серегин раҳбарлигида аморф ва кристалл ярим ўтказгичларнинг электрофизик ва структуравий хусусиятлари мав-

зусида тадқиқотлар олиб борди. Ёш олимнинг илмий изланишлари натижалари 3 та халқаро ва 2 та бутуниттифоқ анжуманларида унинг ўзи томонидан тақдим этилди. 1975 йилда Ленинград шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этган Нобель мукофоти совриндори Р.Мессенбауэр Э.Тураевнинг маърузасига юқори баҳо бериб, Ўзбекистонлик ёш олим билан ҳамкорлик қилишни таклиф этди. Бу баҳо Э.Тураевни илмий тадқиқотларини кучайтиришга илҳомлантирди ва 1980 йилнинг 4-ноябрида Ленинград Политехника институти илмий кенгашида физика-математика номзоди илмий даражаси учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ватанга қайтгач, Э.Тураев Термиз ДУда олдин (1981–1984-йиллар) «Техника воситалари ва информатика», кейин (1984–1992-йиллар) «Умумий физика» кафедраларига мудирлик қилди. Шу вақт ичида у доцент унвони ва Халқ маорифи аълочиси кўкрак нишонини олишга муяссар бўлди.

Илмий изланишларини давом эттириш мақсадида, 1988–1990-йилларда Ленинград Физика-техника институтида докторантурада ўқиди. Тинимсиз илмий изланишлар, илмий баҳс-мулоқотлар, турли илмий анжуманларда маъруза қилиш, мақолалар устида ишлаш ва уларни чоп эттириш ва шу йўналишдаги машаққатли меҳнат 1991 йил 19 декабрда ЎРФА Иссиқлик физикаси бўлимидаги Махсус илмий кенгашда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиш билан якунланди.

38 ёшида фан доктори ва 39 ёшида профессор унвонига сазовор бўлган Э.Тураев қатор халқаро мукофотларга лойиқ деб топилди, ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро ахборот академиясининг аъзоси этиб сайланди.

ПРОФЕССОР АБДУРАҲМОН МАМАДАЛИЕВ

1942 йил 23 май куни Денов туманидаги «Боботоғ» ҳудудида жойлашган Жийдабулов қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд Давлат тиббиёт институти даволаш факультетига ўқишга киради. Институтнинг олтинчи курсида ўқиётиб, Термиздаги 1-вилоят касалхонаси тез ёрдам бўлимида субординатор бўлиб ишлади.

А.Мамадалиев 1965 йили институтни муваффақиятли битириб, аспирантурага қабул қилинди ва унда 1968 йилгача таҳсил олди. Унинг 1970 йили ёклаган «Нервларнинг катта деффектларини аутопластика қилиш» мавзуидаги номзодлик диссертацияси ўзбек тиббиётига янги истеъдод кириб келаётганини билдирди. 1968 йилдан 1972 йилгача нейрохирургия курсида ассистент бўлиб ишлади. 1972–1975-йилларда –Самарқанд Давлат тиббиёт институти 1-клиникасининг нейрохирургия бўлимида нейрохирург-ординатор. 1975 йилдан то 1985 йилгача яна нейрохирургия кур-

сида ассистентлик қилди. Айни пайтда у нейрохирургия курси ординатурасининг мудири вазифасини бажарди.

Нейрохирургия сирларини устози профессор С.Ж.Мавъяров раҳбарлигида ўрганди, номзодлик диссертациясини эса профессор Ф.М.Отахонраҳнамолигида тайёрлади ва еклади. 1980–1981-йилларда педиатрия факультетининг илмий кенгаши котиби, 1981–1982-йилларда шу факультетнинг 5–6 курслари бўйича декан ўринбосари вазифасини бажарди.

Соҳанинг йирик мутахассислари академиклар А.Н.Коновалов ва Ф.А.Сербиенко, профессорлар А.Р.Шахнович, Н.Я.Васин, К.Я.Оганезов, Ю.М.Филатовлардан нейрохирургия сир-асрорларини ўрганишини давом этиб, билимларини Самарқанд нейрохирургия клиникаси ва республика тиббий марказлари нейрохирургия бўлимларида мураккаб операциялар жараёнида амалда қўллади.

А.Мамадалиев 1985 йилдан 1988 йилгача Москвадаги Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия илмий-текшириш институти докторантурасида «Кранноцеребрал травмаларнинг прогнози ва муолажаси» мавзуидаги докторлик диссертацияси устида ишлади ва уни 1989 йил январида ёклади.

Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қайтгач, педагогик фаолияти ва врачлик амалиёти билан бирга бир неча йил давомида СамТИнинг докторантура ва аспирантура бўлимини бошқарди. 1992 йили профессорлик унвонини олишга муяссар бўлди.

Профессор А.Мамадалиевнинг илмий-амалий изланиш ва кашфиётлари 170 дан ортиқ чоп этилган мақола ва риолаларда баён қилинган, ўнга яқин патентлар билан мустаҳкамланган, 16 та рационализаторлик таклифлари сифатида расмийлаштирилган.

Унинг ташаббуси билан СамТИда 1995 йили ташкил қилинган Нейрохирургия кафедраси шу соҳа бўйича илмий ишларини олиб бориш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Профессор А.Мамадалиевнинг илмий-амалий ишлари халқаро миқёсда эътироф этилган. Унинг Осиё ва Океания мамлакатлари нейрохирурглари Покистонда (Исломобод,1997) бўлиб ўтган тўртинчи конгрессида, Жаҳон нейрохирурглари федерациясининг (Москва,1999) ҳамда Россия Федерацияси нейрохирурглариниг (Нижний Новгород, 1998) илмий анжуманларида қилган маърузалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, сертификатлар билан тасдиқланган.

У ҳозирги вақтда тиббиётнинг мазкур мураккаб соҳасидаги чуқур билимлари ва амалий ишлар жараёнида тўплаган бой тажрибасини юқори малакали врачлар ва ёш илмий ходимларни тайёрлаш билан бир қаторда, бевосита беморларни даволашга қаратмоқда.

ДЕНОВ АДАБИЙ АНЖУМАНИГА МАРҲАБО!

...Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, ҳудласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.
И.А.КАРИМОВ.

Инсоният тарихини кузатиб, иқтисодий муваффақиятлар маърифат ва маънавиятнинг юксак даражадалигидан далолат берар экан, деган хулосага келиш мумкин. Ва, айни пайтда, ишлаб чиқаришни ривожлантириб, илмий-маърифий юксакликларга эришиб бўлмаслиги ҳам барчага маълум.

Менинг назаримда, мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида эришилган ютукларнинг халқаро миқёсда эътироф этилаётганлиги миллий маънавиятимизнинг юксалаётганлиги, баркарорлиги ва бардавомлигидандир.

Мустақиллик йиллари халқимизнинг маърифий ҳамда маданий-илмий салоҳиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун сарф қилинаётган маблағлар ҳар қандай ҳисобдоннинг ҳам бошини айлантириб юбораднган ракамлар билан ифодаланади. Энг муҳими, бу харажатлар ҳозирданоқ ижобий самара бермоқда.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг бир-бирига қувват бераётганлигини мамлакатимизнинг марказидан тортиб олис вилоят ва туманларида ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Ана шундай музофотлардан бири Денов туманидир.

Академик Г.А.Пугаченкованинг «Холчаён» китобида милоддан аввалги III-I асрларда гуллаб-яшнаган гавжум истиқомат манзили, бугунги ибора билан айтганда, бир шаҳар ҳақида маълумотлар беради. Тошкин бўлганда Қизилсув дарёси ўзанини ўпириб кетган Тупроккўрғон пойдевори орасидан Г.А.Пугаченкова милоддан олдин зарб этилган мис ва жез тангалар топиб олган эди. Бундай топилмалар ҳозирги Денов шаҳри ва унинг теварак-атрофи бундан икки минг йил илгари ҳам савдо-сотик ривожланган, гуллаб-яшнаган ҳудуд бўлганлигидан нишонадир.

Олима археологик қазишлар вақтида топилган тангалар, тақинчоқлар, уй-буюм жиҳозлари, хумдон, қабристонлар, устунларнинг тагкурсилари, пойдеворлар, хуллас, йигирма уч асрдан бери тупроқ тагида ётган буюмашёларга қараб, тарихни, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, диний урф-одатлар, истиқоматчиларнинг касб-кори, умуман, турмуш тарзини ва ундан бошқа жуда кўп тафсилотларни хаёлан тиклади. Қаранг, ёзув бор, зарб қилинган

тангаларга юрт оғасининг тасвири туширилган, демак, маданият, санъат юксак даражада ривожланган экан.

Демак, милоддан илгари яшаб ўтган боболаримиз, баъзи бировлар айтиб юрадигандек, қолоқ, саводсиз бўлишмаган.

Хўш, ана шу Холчаён қаерда ўзи? Қадимшунос олимлар, археологларнинг тадқиқотларига мувофиқ, у Денов шаҳрининг кунчиқарида, Сурхондарё дарёси лабида жойлашган. Ходчаённинг қўйироғида, Сурхондарё Қизилсув билан қўшилган жойдан Будрач деган қадимий манзилгоҳ – шаҳар қолдиқлари топилган. Бу манзилдан Қизилсув дарёси бўйлаб юкорига юрсангиз, Денов Тупроккўрғонининг пойидан чиқасиз. Дарё тошкинлари ювиб кетиши натижасида ўпирилишлар чоғи чиққан ашёларга қараб, олимлар бу тупроккўрғон милоддан олдинги III-IV асрларда барпо этилганлигини тахмин қиладилар.

...Айтишларича, ҳар қандай азамат дарахтнинг бўйи унинг томирига баробар бўлар экан. Деновнинг бугунги салобатини ҳам унинг 2300 йиллик мухташам тарихи билан изоҳлагимиз келади.

Денов иқлимининг мўътадиллиги, оқар сувларининг мўллигидан дехкончилик учун жуда қулай. Булар эса ҳудуд аҳлининг маъмурчилигини таъминлайди, гўкин-сочинлик эса халқнинг маданий-маърифий даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Истиқлол туфайли томирлари икки минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятларимиздан озиқланадиган миллий мафкурамиз қарор топди. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси сингари Денов ҳам фахрланса арзийдиган шонли ва зафарли ўтмишга эга. Истиқлол қадимги Чағоннён, Денновни ҳам катта йўлга олиб чиқди.

Шу маънода, Денов тарихи – катта бир достон. Шаҳарнинг қоқ марказида бундан беш юз йиллар илгари курилган Саид Оталик мадрасаси қад кўтариб турибди. Мен муаззам бино тимсолида миллий тарихимизнинг завол билмас ҳайкалини кўргандай бўламан.

Деновнинг бугунги камоли ана шундай мустаҳкам пойдеворлар устида турганлигини идрок этиш одамнинг кўнглини тоғдай кўтариб юборади. Энг муҳими, биз буюк аждодларимизга муносиб ворислармиз, деган йишимиз учун тўла ҳаклимиз.

Биласиз, Деновнинг ўз адабий муҳити бор ва у Дакиқийлар замонидан бошланган бўлса ажаб эмас Ўрта асрларга келиб Денов Хожа Аловуддин Аттор каби зотлар, сўнгроқ Сўфи Оллоёр сингари буюк инсонларга макон бўлди.

Тоғай Мурод эса, ўз ибораси билан айтганда, адабиётда ўзбек халқига ҳайкал қўйди. Унинг «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом», «Ойдинда юрган одамлар», «Қўшиқ» сингари киссалари, «Отамдан қол-

ган далалар» романи ўзбек адабиётида фавқулодда ҳодиса, дея эътироф этилди.

Тоғнинг устида турган одам унинг қанчалик юксаклигини тўлиқ ҳис қилмагани сингари, Деновда истиқомат қилиб турган киши бу шаҳарнинг ноёблигини доим ҳам англаб етавермайди. Унга бошқаларнинг кўзи билан ёки четдан туриб қараш керак, шунда у бутун салобати билан намоён бўлади.

Чағониён амири шоир Чағоний (XI аср) даврида асос солинган Денов адабий муҳити бугун ҳам давом этмоқда. Деновнинг фарзандлари битган сўзлар илк бора бир жилдда чоп этилди. Мақсадимиз эса, Денов тупроғининг мукаддаслигини эслатмоқ. Бу ажойиб адабий анжуманга иштирок этсангиз, ушбу хайрли тадбирга сиз ҳам ҳисса қўшган бўласиз.

«Денов тафаккур чароғлари».
Тошкент, 2010 йил.

ЯШАШ САНЪАТИ
(СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИГА)

Мана, Тоштемир Турдиевнинг янги китоби – «Денов қасидаси»ни ўқиб бўлдингиз. Ундан катта таассурот олганингизга аминман. Кўп йиллик изланиш ва ижод самараси бўлган бу китобни мутолаа қилган кишининг билим доираси кенгайиши, маънавий дунёси бойиши, муаллифга ҳурмати ошиши шубҳасиз.

Хўш, Тоштемир Турдиевнинг ўзи ким? Унинг кимлигини англашингиз учун хатто ҳикоятлар айтмоқ лозим бўлади .

Деновнинг пулдорларидан бири бозор айланиб юрса, олдидан қўлида юмушуни бажариб юрадиган йигит чиқиб қолипти - елимхалтада тўғралган сабзи олиб келаётган экан.

- Кимга? - деб сўрабди устоз. Уйга, - дебди шогирд.

- Келининг қўлига яра чиққанми? – Йўғ-э, - дейди шогирд салгина уялиброқ. Шундан сўнг устоз овозини кўтармасдан бундай гапларни айтибди:

- Биласан-а, менинг бешта ўғлим бор. Энг каттасини прокурор бўлсин, деб юридическийга ўқитдим – алкаш бўлди. Ундан кейингиси наркоман бўлди. Ундан кейингиси ҳам одам бўлмади, элга қўшилиб кетолмади. Шу болаларимга мен Москвадан плитичний шакалат олиб келар эдим. Улар яшаш учун ишлаш кераклигини билмай ўсди. Шунинг учун одам бўлмади. Бунинг учун мен айбдорман. Сенга ҳам гап шуки, бу кун уйинга тўғралган сабзини олиб борсанг, хотининг эртага тайёр ошни олиб кел, дейди. Тайёрини олиб борганингдан сўнг, едириб ҳам қўй дейди. Айтганини қилмай кўрчи! Шунинг учун болани ҳам, хотинни ҳам яшашга, меҳнат қилиб яшашга ўргатиш керак. Ҳар ким ўзи учун меҳнат қилсин – шунда умри яхши кечади.

Тоштемир Турдиевга ёшлигида ҳам, ҳозир ҳам ҳеч кимга Москва тугул Деновнинг бозоридан плитичний шоколад олиб келмаган. Устоз урушда ҳалок бўлган отасини хатто эслай олмайди.

Элликка кирар-кирмас сочлари оқариб кетган бу таниқли инсоннинг болалиги бўлмаган: тоға жиянга қанчалик меҳрибон бўлмасин бу мухтарам зот ҳеч қачон (ҳозирча) ота билан онанинг ўрнини босолмайди. Тўғри, тоғанинг ҳузурида жиян очдан ўлмаслиги, ялангоч қолмаслиги мумкин. Аммо, етим жияннинг товонига кирган тикан тоғанинг юрагига санчилмайди. Тоштемир ака эсини таниганидан худди қушнинг боласига ўхшаб ўзининг қаноти билан уча бошлагани нафақат иқтисодий, балки ижтимоий зарурият бўлганлиги учун ҳам бу одамнинг табиатида мавжуд зукколик билан иттифоқ тузиш лозим бўлади.

Тоштемир аканинг эсини таниган йиллари очарчилик ва қахатчиликка тўғри келди. Шўро давлатининг йигирма беш, ўттиз, хатто ўттиз беш-кирк йиллигини нишонланса хам, пионерлар нотора чалиб байрам қилаётган бўлсалар хам, одамлар давлат арбобларни олкишласалар хам кўнчиликнинг корни нонга тўймаган.

Мен Тоштемир аканинг синфдош-биродарлари билан устоз хакида кўп гаплашдим. Уларнинг хаммаси бир овоздан бу одамнинг ёшлигида хам интизомли бўлганини алохида таъкидланди. Тоштемир ака макгабда яхши ўкиди ва уни тугатар-тугатмас Бухородаги ўкитувчилар тайёрлайдиган институтга ўкишга кирган. Чунки ўша 60-йиллари мамлакат хароб бўлгани билан, негадир муаллимлар бошка касб эгаларига караганда яхширок яшашган – уларга мунтазам равишда иш хаки берилган, бунинг устига ёзда пул тўланадиган икки ойлик мехнат таътилига чика олган. Шундай шароитда Тоштемир ака ўкитувчилик касбини танламаслиги мумкинмиди! Тўғри, кейинрок даврига келиб муаллимларнинг мавкеи пасайиб, ўкитувчиларнинг кўни савдо-сотикка ўтиб кетди. Аммо, Тоштемир ака Деновдаги «Галаба учун» газетасига ишга ўтади ва жудаям киска пайт ичида «Тоштемир Турдиев»га айланади.

Чунки мухаррир муомаладаги ўттиздан зиёд харфни билса-да, бош макола ёзиш билан каноатланар, бунинг устига Тоштемир ака кишлокдаги ўкувчиси бўлгани учун унга катта майдон ва имкониятлар бериб кўйган эди. Табиийки, устоз бундай имтиёзлардан жуда самарали фойдаланди ва йигирма беш ёшнинг нари-берисида туман микёсидаги арбобга айланди.

Ўтган кирк йил Тоштемир акага фақат ва фақат зафар келтирди, деб бировни, хатто устозининг ўзини хам ишонтириб бўлмайди. Бу таъриф хатто бирозгина лофга хам ўхшаб колади. Аммо, гапнинг чинини айтадиган бўлсак, ўтган асрнинг 60-йилларидан то ҳозирга кадар Тоштемир ака барча ўлчовлар ва барча вазиятлар бўйича талафот, зулм, оркага чекиниш нималигини билмасдан умр кечирди – олтмишга кирди. Ваҳоланки, бу даврда мамлакатда тузум ўзгарди, Деновда эса Эгамберди Мавлонов, Нурмамат Эшмаматов, Жаббор Чориев, Ҳимойиддин Шарафиддинов, Курбон Эшбоев, Эшмурод Турдиалиев, Тилла Менглиев, Эшниёз Рустамов, Абдулхаким Эшмуродов, Абдусамат Ҳожикулов сингари бир-бирига зид инсонлар биринчи даражали раҳбар бўлиб ишладилар. Уларнинг бири курган иморатни иккинчиси вайрон қилган пайтлар хам бўлди. Бу пайтлари Тоштемир ака туман марказий бошқарув қароргоҳида эътиборли лавозимларда туриб муҳим масалаларни ҳал этди. Тўғри, ойга нарвон билан чикиб бўлмагани сингари устоз фаолиятининг барча саҳифалари зарҳал ҳарфлар билан битилмаган ва бунинг ҳожати ҳам бўлмаган.

Ижтимоий мавкенинг муҳимлигини, ҳеч бўлмаса баъзи тенгдошларга ўхшаб тўлкинларда кайикча-пайикча билан ғарк бўлиб кетмаслик учун канча ҳаракат лозимлигини ўйлаб кўрганмисиз! Якинда хисоблаб кўрсак, 60-йиллари Тоштемир ака билан иш бошлаганларнинг хаммаси, биласизки, ижтимоий-сиёсий саҳнадан тушиб кетибди – биров пиёниста, биров пора билан камалиб кетган, яна биров раҳбарларга ёкмай колиб... катта ҳаётдан кулаб тушган. Аммо Тоштемир аканинг олтмишга кириб ҳам шашти кайтгани йўк, туяни миниб узокни кўзлайди.

Эсингизда бўлса, илгарилари олимлик катта мартаба хисобланар, хатто тўйда хам илмий даражаси бор кишига алохида илтифот кўрсатилар эди. Тоштемир ака 1974 - йили филология фанлари номзоди деган илмий даражани олмок учун илмий ишни муваффакиятли ёклади. Профессор Мухаммад Нодир Саидов Тоштемир акага устозлик қилган эдилар.

Тоштемир ака Деновдай ижтимоий мухити серғалва туманнинг масъул лавозимларида ишлаб туриб хам халк оғзаки ижодига бағишланган ўнлаб китоблар ёзди. Нормурод Нарзуллаев билан ҳамкорликда амалга оширилган шоира Раъно Узоқова ҳақидаги тадқиқотларни мен алохида эътиборга лойик деб ўйлайман.

Тоштемир аканинг энг катта бойлиги– унинг фарзандлари. Уч ўғилнинг хаммаси олий маълумотли, хаммасининг алохида ҳовли-жойи, мустақил хўжалиги бор. Суяр киз – Сайёра эса олий маълумотли тарихчи, рўзғоридан тинчиган. Юсуфбек ҳожига ўхшаб Тоштемир ака келинларини сизлайди. Набиралар хам бобога мехрибон. Ўғиллар эса отамиз шундай катта вазифада ишлайди, деб ё алкашлик, ё наркоманлик йўлига кириб кетмаган: хар қайсининг ўз ҳунари бор. Олимжон – фермер, Нодир – муҳандис, Баҳодир – шифокор, тиббиёт фанлари номзоди. Хуллас, ҳалиги пулдор Тоштемир акага бемалол ҳавас қилиши мумкин. Пул билан, амал билан инсоннинг тақдирини яратиб бўлмас экан-да, биз эса баъзан шундай қилсак бўлади, деб ўйлаймиз.

Айтмоқчи, устознинг бир марта афсусланганини кўрган эдим. Тўхтамишда истиқомат қиладиган ўзи битта амакиси қазо қилганда, Тоштемир ака дарров етиб боради. Мусибат кунлари амакисининг жуда ғарибликда кун кечирганини, уйида биронта патли гилами йўқлигини кўради. «Шунча йил Деновнинг савдосига раҳбарлик қилдим. Бир гилам олиб бериш қўлимдан келмасмиди, во дариғ!» – деган эди ўшанда устоз. Бу хитобдан менинг кўзимга ёш келди.

Дунёда яшашнинг ўзи хам катта санъат эканлигини кўпда билавермайсиз.

Тожиддин РАЗЗОҚ

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1996.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. 2-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1996.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1996.

Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1996.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1997.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1998.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: «Ўзбекистон». 1998.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз.7-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хает – пировард максадимиз. 8-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 2000.

Каримов И.А. Ватан равнаки учун хар биримиз масъулмиз. 9-жилд. Тошкент: «Ўзбекистон». 2001.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: «Маънавият». 2008.

Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш арафасида. Тошкент: «Ўзбекистон». 2011.

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви:

1.Ф.И-1 (Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси).

2.Р-17 (Туркистон автоном Республикаси Ишчи-деҳкон депутатлари Совети).

3.Р-20 (Туркистон Республикаси давлат режа кўмитаси).

АДАБИЁТЛАР

Азимов М. Термиз тарихи (энг кадимги даврлардан XXI аср бошигача). Карши: «Насаф». 2001.

Азимов М., Шокиров И. Эл ўғли. Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.

Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари (IV аср дан XX аср бошларигача). Карши: «Насаф». 2006.

Ахмеджанов Г. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане).Ташкент: «Фан». 1995.

Аминова Р.Х Великое народное движение в ирригационном строительство Узбекистана (1939–1940г.г).Ташкент, 1963.

Авлиёкулова Қ. Эргашев Р. Исмоилов Й. Сурхон юлдузлари. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.

Брадовский М. Колониальное значение наших Среднеазиатских владений для внутренних губерний. М.: «Наука». 1891.

Бердиев О.К., Махмудов Х.Б.Сурхондарё ўлкаси табиати. Термиз: «Жайхун», 1998.

Бердиев Х., Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавхалар. Тошкент, 1991.

Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. Тошкент: «Нур». 1991.

Ёриев Б., Мирзаев Х. Элпарварлик. Карши: «Насаф», 2007.

Зияев Х.З. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги учун кураш (XIX асрнинг охири – XX аср бошларида). Тошкент: «Ўзбекистон». 1999.

Зияев Ҳ.З. Туркистонда мустакиллик учун курашларнинг тарихи.Тошкент: «Шарқ». 2001.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўкитувчи китоб. Мустакил Ўзбекистон тарихи. Тошкент: «Шарқ». 2000.

Исхаков. Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). Ташкент: «Фан». 1997.

Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: «Наука». 1976.

Левитин Л. Дональд, С Карлайл билан ҳамкорликда. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. Тошкент: «Ўзбекистон». 1996.

Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.I.СПб, 1911.

Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. СПб,1912.

Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати // Тарих шоҳидлиги ва сабоклари. Тошкент: «Шарқ». 2000.

Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари.Тошкент: «Фан». 1979.

Мирзаев Ж. Термиз тарихи. Тошкент: «Шарқ» 2001.

Мирзаев Р. Денов тиббиёт тизими равнаки. «Жайхун». 1997.

Назаров Қ. Эслолшларим. Тошкент: «Заркалам». 2006.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. I китоб. (Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.). Тошкент: «Шарқ». 2000.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. II китоб. (Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида). Тошкент: «Шарқ». 2000.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. III китоб. (Мустакил Ўзбекистон тарихи). Тошкент: «Шарқ». 2000.

Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. Тошкент: Қомусиёр бош тахририяти. 1996.

Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. Тошкент: «Жайхун». 1996.

Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записки пр. т-в. Тошкент: «Фан». 1981.

Сафаров Г.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). М., СПб., 1921.

Содиков Х. Туркистонда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати ва истиклол учун кураш. Тошкент: «Ўзбекистон». 1994.

Турдиев Т. Ўзбекистон кахрамони Иброҳим Файзуллаев. Нетикболимиз фидоийлари. «Денов».1997.

Турдиев Т. Денов авлиёлар назари тушган юрт. «Денов». 2009.

Турдиев Т. Субҳидам қалдирғочи. Тошкент: «Ёш гвардия».1978.

Турдиев Т. Шажара. Тошкент: «Нур», 1991.

Турдиев Т. Фозил Йўлдош ўғли. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъати нашриёти. 1978.

Турдиев Т. Ёш авлодни тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг роли. Тошкент: «Ўзбекистон». 1974.

Турдиев Т. Денов тафаккур чироглари. Тошкент: «Университет». 2010.

Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш. Тошкент: А.Қодирий, 1997.

Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида.Тошкент: «Шарқ». 2001.

Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. Тошкент: «Шарқ». 2004.

Турсунов С. Н., Турдиев Т. Денов. Тошкент: «Фан». 2009.

Тургунов Б.А. Вехи научной и творческой деятельности. Тошкент: 2009.

Термиз йилномаси. Тошкент: «Шарқ». 2001.

Чағониён тарихи. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2002.

Қодиров Б. Термизийлар изидан. Тошкент: «Янги аср авлоди». 2002.

Ғуломов Д. Саодатли карвон. Денов: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2002.

МУНДАРИЖА

Ватан ичра ватандир Денов (Сўзбоши ўрнида) 3

МОЗИЙ МАНЗАРАЛАРИ

Ртвеладзе Э. Деновнинг ёшини аниқлашга доир 6
Турғунов Б. Деновнинг ёши нечада? 8
Кюдзо Като. Япон олими қадимий Денов ҳақида 10
Деновнинг энг қадимги тарихи 12
Холчаён – моддий маданиятимиз намуналаридан бири 19
Қадимий осориатикалар бой ўтмишимиздан гувоҳлик беради 24
Будрач харобасидан топилган ўрта асрлар буюмлари хазинаси 30
Будрачнинг археологик манбалари 34
Булутларга туташ мозорот 41
«Чағониён» атамаси хусусида 46
Чағониён илк ўрта асрларда 49
Чағониённинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий
ҳаёти (IX–XV асрлар) 56
Чағониён амирлари 61
Адабиёт ва шеърият 64
Ёзма манбаларда Чағониён 75
Хўжа Ахрор Валий Чағониёнда 98
Деновдаги мукаддас зиёратгоҳлар 101
Чағониённинг шаҳар ва қишлоқлари 104
Денов шоирлар мадҳида 111
Сирожиддин Саййид. Яхшиликлар шаҳри 111
Ҳуррам Райим. Деновим 114
Дилрабо Норқулова. Деновнинг бир сиқим тупроғи 115
Дилоро Холикова. Деновга қасида 116
Фотима Жўраева. Ватан 116
Дилором Рустамова. Юртим жамоли 117

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Муаззам юрт 119
Денов қасидаси 124
Кўринган тоғнинг узоғи йўқ 130
Тафаккур нуридан ёнган чароғлар 137
Миллий мафкурамиз кўзгуси 142
Қалқонимиз – маънавият 147
Маънавият маёғи 151
Безавол қўрғон 157
Маънавият олами – жасорат майдони 162
Мустақилликнинг мумтоз ҳайкаллари 165

Келажакнинг кафолати 168
Субҳидам қалдирғочи 174
Ўзбек халқининг севимли достони 195
Қўшиқдаги нидолар 223
Денов халқ қўшиқлари 231
Булоқ бошида (Баллада) 238
Бахшилар шажараси 243
Самимий сатрлар соҳиби 265
Муҳаббат – қалб мулки 272
Хўшбоқ шоирнинг катта қўшиғи 275
Шеър – маънавий кашфиёт 276
Анъанага садоқат 287
Донишманд ва халқ донолиги 303
Мели Ҳожи Нуралиев 310
Довруғ 313
Салокат 314
Денов жангчисига Беларусь президенти совғаси 316
Деновда мустақиллик йилларида тиббиёт 318
Денов марказий касалхонаси 325
Денов маорифига бир назар 328
Деновлик таниқли олимлар 333
Денов адабий анжуманига марҳабо 338
Яшаш санъати (сўнгги сўз ўрнига) 341
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати 344

Тоштемир Турдиев

ДЕНОВ ҚАСИДАСИ

Мухаррир С.Қурбонов
Мусаҳҳиҳ З.Ахмеджанова

Босишга рухсат этилди 24.09.2012 й. Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғозига офсет усулида босилди. Нашриёт ҳисоб табоғи 23,4 + 0,8 рангли «вклейка». Шартли ҳисоб табоғи 36,1+ 0,8 рангли «вклейка». Адади 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 2590.

"Университет" нашриёти. Тошкент – 100174.
Талабалар шаҳарчаси, М.Улуғбек номидаги
ЎзМУнинг маъмурий биноси.

"Sharq" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Тузатиш

47-бет 18-катордаги **абила** сўзи **кабила**, 116-бетдаги **Дилоро** сўзи **Диллора**, 343-бет 7-катордаги **олтмишга** сўзи **етмишга** деб ўқилсин.